

ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

# РАШАҶОТ

(ОБИ ҲАЁТ ТОМЧИЛАРИ)

*Тарихий-маърифий асар*

Тошкент  
Абу Али ибн Сино номидаги  
тиббиёт нашриёти  
2003

Нашрга тайёрловчи, таъдил ва сўнгсўз муаллифи  
тарих фанлари номзоди  
**Маҳмуд Ҳасаний**

Нашрга тайёрловчи, лугат,  
сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир  
**Баҳриддин Умрзоқ**

Фаҳруддин Али Сафийнинг (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Оби ҳаёт томчилари») асари машҳур Шайх Хожа Аҳрори Валийнинг (1404-1490) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган йирик асарлардан биридир. Унда Мовароуннаҳрда яшаган кўплаб машойиҳлар, олимлар, давлат арбоблари, шаҳар ва қишлоқлар ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган. Асар Ўрта Осиёдаги сиёсий-ижтимоий ва маънавий ҳаётни ўрганишда қимматли манбалардан биридир. Форс тилида ёзилган мазкур асар Домла Худойберган томонидан (XIX аср) Хоразмда эски ўзбек тилига таржима қилинган.

Китоб тарих, адабиёт, тасаввувф, фалсафа тарихи ҳамда Ўрта Осиё маданияти тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Рашаҳот:** (Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар (Таъдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; лугат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. — 536 б.

**ББК 63. (5У)**

©Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.

Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

**Ислом КАРИМОВ**

## ҚИММАТЛИ МАНБА

Фаннинг турли соҳалари бўйича аждодларимиздан улкан мерос қолган. Мустақиллигимиз шарофати билангина бу меросни тубдан ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Натижада Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Аҳмад Яссавий каби уламо ва машойихларнинг асарлари ва улар борасида ёзилган китоблар нашр этилди.

Боболаримиз томонидан ёзиб қолдирилган улкан меросни тўлалигича ўрганиш ҳали олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. «Ота-боболаримизнинг асарлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, ғалмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаварни жиддий ўрганиш даври келди»<sup>1</sup>, деган эди Президентимиз Ислам Қаримов. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида юз мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Бу асарлар фаннинг турли соҳаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, институт олимлари уларни жиддий ўрганиш билан машғулдирлар. Сўнги йилларда аждодларимиз ҳаётини ҳар томонлама ёритиб берувчи ёки фаолияти шу вақтга қадар бизга номаълум, кам маълум бўлган олим-фозилларни ўрганишга бағишланган мақолалар, рисоалар ва тўпламлар бунёдга кела бошлади.

Ҳазинамиздаги улкан мероснинг бир қисмини тасаввуфга оид асарлар ташкил этади. Ўрта Осиёда Яссавия, Кубравия, Нақшбандия каби тариқатлар ҳукм сурди ва йирик шайхлар фаолият кўрсатди. Бундай шайхларнинг ўзлари ҳам китоб ёзган бўлиб, айна пайтда уларнинг тариқатларини баён қилувчи асарлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, хожагонлар тариқатининг пайдо бўлишига сабаб бўлган Юсуф Ҳамадоний, шу тариқатнингасосчиси Абдулхолиқ Фиждувоний, шунингдек, Хожа Али Ромитаний, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб шайхлар томонидан битилган асарлар бизгача етиб келган. Шайхлар ҳақида ёзилган асарлар одатда «Маноқиб», «Мақомот», «Тазкира» деб аталади. Шайхлар ҳаётини баён қилувчи Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот», Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг «Анис ут-толибин», Му-

---

<sup>1</sup> Ислам Қаримов. Тарихий хотирасиз келажак йук.. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. 1998 йил, 4-бет.

ҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», Мир Абдул Аввалнинг «Масмуъот», Али Сафийнинг «Рашаҳот», Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи нақшбандия» ва бошқа ўнлаб асарлар мавжуд.

Тасаввуф намояндалари ҳақидаги асарларнинг барчаси ҳам маънавиятимиз тарихини ўрганишда қимматли бўлса-да, бироқ уларнинг ичида Али Сафийнинг «Рашаҳот» асари алоҳида ажралиб туради. Асар машҳур шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган. Хожа Аҳрор Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV асрдаги сиёсий ва маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатган шайхлардан биридир.

«Рашаҳот» гарчи форс тилида ёзилган бўлса-да, диққатга сазоворлиги учун араб, турк ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Шарқшунос олим М. Ҳасаний ва ёш манбаъшунос олим Б. Умрзоқ унинг Хоразмда амалга оширилган ўзбекча нусхасини нашрга тайёрлаб, хайрли ишга қўл урганлар. «Рашаҳот»нинг бу нашри аввало XV асрдаги маънавий ҳаётимизни чуқурроқ тадқиқ этиш йўлида қўйилган қадамлардан бири бўлса, иккинчидан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг 2004 йилда ўтказиладиган тўйларига ҳам муносиб тухфа бўла олади.

*Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,  
ЎзР ФА академиги*

*Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим*

Алҳамду ли-ман рашша рашаҳот ул-ҳақойиқи ва-л-ҳикам ʔала қулуб ил-орифина би-файзиҳил ақдас ил-ақдам, ва-с-салоту ʔала мазҳар ил-атамм ва мазҳари утийат жавомий ул-калим ли-юкам-мила биҳа тавойиф ал-умам вас-салому ʔала олиҳи ва асҳобиҳи мафотиҳ ул-карам ва масобиҳ уҳ-залам.

(Ўзининг муқалдас файзи билан орифларнинг қалбига ҳикмат ва ҳақиқат томчиларини томизган Аллоҳга ҳамдлар ва мукамаллик нишони, умматларини сермаъно сўзлар билан комил қилишга восита қилинган Муҳаммад алайҳис саломга ва ул Зотнинг оиласи, саховат қалитлари ва зулмат чироқлари бўлган дўстларига саломлар бўлсин.)

Аммо баъдаху, шундоғ ойтур бу бебизоат фақир ва иститоатдан холий ҳақир Али ибн Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифийким, Сафий таҳаллуси била машҳур турур саббатаҳуллоҳу таъоло ала муҳаббати авлиёиҳи ва шаррафа би-камали асфиёиҳиким, вақтиким алтофи илоҳийнинг маъмини била ва аътофи номутаноҳийнинг баракоти била зул-қаъда ойининг ахийрида сана саккиз юз саксон тўққузда (1484) Ҳазрати вилоят манзил ва ҳидоят мангабат, қутб ул-кубаро ил-муҳаққиқин ва гавс ул-узамоил-муваҳҳидин Хожа Носир ул-ҳақ ва-л-ҳақиқа ва-д-дунё ва-д-дин Убайдуллоҳ разий-аллоҳу таъоло анҳу варзоҳу остонаи алийа ва даргоҳи рафияларининг тақбийли иттифоқ тушди. Ва яна бир навбат рабиъул-ахийр ойининг аввалида сана саккиз юз тўқсон учда (1487) ул остонанинг худдомлари ва ул давлатхонанинг мулозимларининг шарафи пойбуслари даст берди.

Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор)нинг ифодатмаъоб мажолислари хилолида ва ифозат интисоб маҳофилларида Хожағони силсилаи нақшбандия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ул-алиийанинг хасойису шамойил ва маноқибу фазойиллариким, ҳамма вақт мазкур ойланур эрди ва онинг баъзисининг истимоъи била (камина) мушарраф бўлур эрди ва маъорифу ҳақойиқи баланд ва латоийфу дақойиқи аржумандким, ул Ҳазратнинг мўъжаз баён тилларига пайваста ўтар эрди, ондин тарфи идрок этиб, мустаъид бўлур эрди. Ва ул фавойиди шарифа ва жавоҳири нафисаларни латифаи мудрика-

нинг имдоди била қувваи ҳофизанинг садафида "ка-амсоли-л-луълуъ ул-макнун"<sup>1</sup> парвариш қилур эрди. Ва ҳар суҳбат инқизоси ва ҳар бастият интивосидин сўнг ул маҳфузот ва макнунотни бешойибаи тағайюр ва табдил таълиқ ва таҳрир қайдиға келтурур эрди. Вақтеким, ҳаводиси гардуннинг шомани воситасидин ва гуногун навозилнинг соматидин ул иззу иқбол каъбасининг мужоварати саодатидин маҳрумлик юз берди ва ул ҳарими омоний ва амол мулозамати давлатидин маҳжурлик воқеъ бўлди ҳам ул муфорақати суварий ва муҳожарат зарурати фурсатида хотири фотирға келди ва синуқ кўнгилда муртасим бўлдиким, ул анфоси мутабаррика ва калимоти муборакаларниким, саодат фаржом кунларда ва муборак нишон вақтларда эшитулуб эрди, бир жойда жамъ этса, то бу буъди ҳижрон бодиясининг саргаштасиға рафиқ бўлғай ва бу яъси ҳирмон зовиясининг пой шикатасиға анис ойлонғой, шоядким қон бўлғон кўнгулга ул маъноларнинг мутолаасидин шифо ҳосил бўлғой ва қон била оғишта бўлғон кўзга ул хатнинг сувратларини мушоҳада этмоқдин юз бергай. Маснавий:

*Чунки шуд аз пеши дийда васли ёр,*

*Нойиби бояд аз у ҳон ёдгор.*

*Чунки гул бигзашту гулшан шуд хароб,*

*Бўйи гулро аз ки жуям аз гулоб.*

*Чунки шуд хуршиду моро кард доғ,*

*Чора набвад дар мақомаш аз чароғ.<sup>2</sup>*

(Ёр васли кўзимиздан ғойиб бўлгач,

Огоҳ бўл, ундан эсдалик

бўлиши учун бир ноиб керак.

Гул даври ўтиб, гулшан хароб бўлгач,

Гул ҳидини кимдан қидирай? Гулобдан?

Қуёш кетди ва қалбимизни доғ қилди,

Ўрнига чироғдан бошқа энди чора йўқ.)

Лекин рўзгорнинг оризалари ва кечаву кундузнинг нойибалари сабабидин бу маъно ҳамишга таъхир ва таъвиқнинг уқдасиға тушар эрди ва бу боғлонғон тугун таълиф ва талфиқ риштасидин очилмас эрди, то ўн олти йилдан сўнг сана тўққиз юз тўққузда (1503) ул доияйи қалим тажид топди ва хавотир онинг жамъи ва тартибиға майл этди. Ва улчаким силсилаи Хожагон ва оларнинг

1. Асралган (яширилган) инжудек... (Воқеа, 22-оят)

2. Шеърларни сўзма-сўз М. Ҳасаний таржима қилган.

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

хулафо ва асҳобларининг аҳвол ва атворидин табақатан баъда табақатин бу тоифайи Бузругворларнинг мўтабар китобларида мутафарриқатан кўруб эрди ва ё Ҳазрати Эшондин ва ё бу силсиланинг сойир азизларидин бевосита ва бовосита эшитиб эрди, тартиби лойиқ ва таркиби мувофиқ била бу мажмуада дарж этди ва они Ҳазрати Эшоннинг шамойиллари ва маноқиблари зикри биллаким, бу таснифдин мақсуди аслий ва бу таълифдин иллати ғойи ул эрди, итмомға етурди. Ва ул Ҳазратнинг аҳвол ва мақомотлари ва шарҳи атвор ва кароматлари ироди била мискийат ул-хином этди. Ва бу китобда ҳар жойдаким лафзи Ҳазрати Эшонни бар сабили иглоқ ирод етулди, мурод ондин Ҳазрати вилоят паноҳий Убайдуллоҳий турур қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу ва аъло зикраҳу.

Ва ҳар жойда бу тоифаи алиййа равваҳаллоҳу таъоло арвоҳаҳум ва навара ашбаҳаҳум, маъориф ва латойифларидан нукта айтулди, онинг унвонини фосила учун "рашҳа" била мувашшаҳ ва мурашшаҳ этди ва боқий мавзеларда ҳар жойда фосилаға эҳтиёж бўлса, бир доирайи сафийра қўюлди.

Вақтеким, бу тоза етушкон файз рашаҳоти жонафзо эрди, арбоби илми ирфон ва асҳоби завқу виждон кўнгулларининг айн ул-ҳаётидин тарашшуҳ этиб, содиқ ул-ихлос толиблар ва комил ул-ихтисос муҳибларнинг садрлари бўстонларига тароват ва тозалиқ зиёда этиб эрди ва бу жиҳатдин "Рашаҳоту айн ил-ҳаёт" лафзи билан мусаммо бўлди. Ажойиб иттифоқотдин улким, китоби "Рашаҳот"нинг итмоми таъриҳиға онинг хуруфининг ададиким, тўққиз юз тўққуз (1503) турур мувофиқ тушди, ондоқким китобнинг ахийридаги қитъадин мустафод бўлур. Валлоҳу яҳди иларашод.

Мултамас толибони тариқ ва соликони сабили таҳқиқдин ул турурким, вақтеким олорнинг вақти шарифлари бу азизларнинг аҳвол ва атворлари ва маъориф ва ҳақойиқлари мутолаасидан хуш бўлса, бу жамъ тартибиға мутасадди бўлғойким, паришонроқ турур ҳар паришондин ва умидвор турур дарвишларнинг муҳаббати робитасидин, ул вақтда хотири отирларининг гўшасидан чиқармагойлар ва дуойи хайр бирла ёд қилғойлар ва маъмул покиза ахлоқ ва расмлари шафқат ва инсоф била назар эткучилар шуъур била муттасиф бўлғон ҳозирлардин улким, вақтеким, бу хитобнинг боис ва бу китобнинг жамъиға бу гуфту-гўйда аҳли ҳақойиқ ва маъонийнинг шамойиллари ва фазойилларидин бошқа мадҳал йўқ турур ва бу тоифанинг маъорифлари ва латойифлари адосида

таржумонлик шева­сидин бошқа мансаби йўқ. Бас, керакки, бу азизларнинг иборот ва ишоратларини таъну инкор ўқиға нишона қилмасунлар ва ўзларини ҳовияи ҳавонга ва бодияи идборға таш­ламасунлар. Вассалому тала ман ит-табаъал худо. <sup>1</sup>

Ва бу мажмуанинг биноси бир мақола ва уч мақсад ва хоти­маға иттифоқ тушди. Минҳу-л-мабдаъ ва илайҳил-маъод <sup>2</sup>.

Мақола ва мақсад ва хотиманинг феҳристи бу турур:

МАҚОЛА — Хожагони силсилаи нақшбандия қаддасаллоху таъоло арвоҳаҳум ул-алиййанинг табақалари зикрида турур, ав­валларидин то ахирлариғача ҳам (ижмол) важҳи би­ла, ҳам таф­сил би­ла. Валлоху яқулул-ҳақ ва ҳува яҳдис-сабил.<sup>3</sup>

МАҚСАДИ АВВАЛ — Ҳазрати Эшоннинг обо ва аждодлари ва ақраболари зикрида ва ул Ҳазратнинг валодатлари таърихида ва сабий айёмидағи аҳволлари зикрида ва ул Ҳазратнинг бир ан­дак шамойил ва ахлоқ ва атворлари баёнида ва ибтидои сафарлари ва машойихи замон қаддасаллоху таъоло арвоҳаҳумни кўрганла­рининг зикрида.

ИККИЛОНЧИ МАҚСАД — баъзи ҳақойиқу маъориф ва да­қойиқу латойиф ва ҳикоёту амсолким, хилоли аҳволда Ҳазрати Эшондин бевосита эшитулуб эрди, онинг баёнида гурур.

УЧЛОНЧИ МАҚСАД — зикрида турур баъзи тасарруфоти ажиба ва умури ғарибанингким, хориқи одат тариқаси би­ла Ҳаз­рати Эшондин зоҳир бўлуб, сиқот ва удулнинг нақли онда сиҳҳат ва субутға етуб турур.

Ва бу уч мақсаддин ҳар мақсад муштамил бўлур уч фаслға.

ХОТИМА — Ҳазрати Эшоннинг вафотлари таърихи зикрида ва ул Ҳазратнинг дори дунёдин дори охиратға интиқол ва ирти­қол этконларининг кайфияти зикрида турур.

---

1. Наҳот ҳидоятға эргашган зотларгадир. «Тоҳо», 47-оят.

2. Бошланиш Ундан ва Унинг ҳузурига қайтилу­р.

3. Аллоҳ Ҳақиқатни сўзлағувчидир ва У ҳақ йўлға ҳидоят қилғувчидир. (Аҳзоб, 4-оят)

**Эслатма:** Асарда Қуръони каримдан келтирилган иқтибослар ўз ўрнида турли таржима манбалардан олинган.

## МАҚОЛА

Хожагони силсилаи нақшбандия қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум ул-алийя табақотларининг зикрида турур аввалларидин то ахирларигача ҳам ижмол важҳи била ва ҳам тафсил тариқи била. Валлоҳу яқулул-ҳаққа ва ҳува яҳди-с-сабил.<sup>1</sup>

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор) зикру нисбат таълимини ва хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларини хизмати (Ҳазрати) Мавлоно Яъқуб Чархийдан олдилар ва олар Хожа Баҳоуддин Нақшбанддин ва олар Мир Саййид Кулолдин ва олар Хожа Муҳаммад Бобо Саммосийдин ва олар Хожа Али Ромитанийдин ва олар Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдин ва олар Ориф Ревгарийдин ва олар Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдинким, сарҳалқай силсилаи хожагон турурлар ва олар Хожа Юсуф Ҳамадонийдин ва олар Хожа Абу Али Формидийдин ва олар Шайх Абулқосим Гургонийдин. Шайх Абулқосимнинг илми ботинда нисбатдари икки тарафга турур: бири — Шайх Абулҳасан Ҳарақонийга ва оларнинг нисбати Шайх Абу Язид Бистомийга ва Шайх Абулҳасаннинг валодати Шайх Абу Язиднинг вафотидан қўб муддатдин сўнг турур ва Шайх Абу Язиднинг ологга тарбияти ботин ва руҳоният юзидин турур, зоҳир ва суврат юзидин эрмасдур.

Ва Шайх Абу Язиднинг нисбат ва иродатлари Ҳазрат имом Жаъфари Содиқга турур, разийаллоҳу анҳу, ва нақли саҳиҳ била собит бўлубдурким, Шайх Абу Язиднинг валодати ҳам Ҳазрати имомнинг вафотларидин сўнг турур ва Ҳазрати имомнинг ологга тарбияти маъно ва руҳоният юзидин эркон, зоҳир ва суврат юзидин эрмас эркон. Ва Ҳазрати имом Жаъфар разийаллоҳу анҳу, ондоғким, Шайх Абу Толиб Маккий қуддиса сирруҳу «Кут ул-қулуб» (китобида) келтуруб турурлар, икки нисбат собит турар: бири волиди Бузругворлари имом Муҳаммад Боқирга ва оларнинг нисбати волиди Бузругворлари Зайн ул-Обидин Алига турур. Ва оларнинг нисбати волиди Бузругворлари имом Ҳусайнга ва оларнинг нисбати волиди Бузругворлари амир ул-муъминин Алига турур, ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ажмагин. Ва оларнинг нисбати Ҳазрати Рисолат (Муҳаммад Мустафо) саллаллоҳу алайҳи

---

1. Аллоҳ ҳақиқатни сўзлағувчидир ва У ҳақ йўлга ҳидоят қилғувчидир. (Аҳзоб, 4-оят.)

васалламга турур. Ва машойихи тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳум айммаи аҳли байт разийаллоҳу анҳум силсилаи нисбатларини нафосат ва иззат шарафи жиҳатидан «сил-силат уз-заҳаб» деб одқўюб турурлар.

Ва Ҳазрати имоми Жаъфари Содиқ разийаллоҳу анҳунинг яна бир нисбатлари Шайх Абу Толиб Маккий қуддиси сиррухунинг қавли била, Қосим ибни Муҳаммад ибни Абу Бакр Сиддиқга турур, разийаллоҳу таъоло анҳумким, Ҳазрати имомнинг волидаларининг оталари турур, фуқаҳойи сабъадин (етти буюк фақиҳдан бири) эрдилар, илми зоҳир ва илми ботинда ўз замонларида беназир эрдилар ва ологга нисбати иродати ботин Салмони Форсийга турур, разийаллоҳу анҳу. Ва ологга нисбати ботин бовужуди Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шарафи суҳбатларидин топиб, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламга интисобларидин сўнг Ҳазрати амир ул-мўъминин Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳуға ҳам (бир нисбатлари) бор эркон. Ва яна Шайх Абулқосим Гургонийга нисбати иродати ботин Шайх Абу Усмон Мағрибийга эркон ва онга Абу Али Котибга ва онга Абу Али Рудборийга ва онга Жунайд Бағлодийга ва онга Сиррий Сақатийга ва онга Маъруф Кархийга ва Шайх Маъруфийга икки нисбат воқеъ турур: бир нисбатлари Довуд Тоийга, ва онга Ҳабиб Ажамийга ва онга Ҳасан Басрийга қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум.

Ва Ҳасан Басрийнинг нисбатлари амир ул-мўъминин Али разийаллоҳу таъоло анҳуға турур ва олонинг нисбати Ҳазрати Рисолат (пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо) саллаллоҳу алайҳи васалламга турур ва яна шайх Маъруф (Кархий)нинг нисбати иродати имом Али Ризога турур ва олонинг нисбати волиди Бузругворлари имом Мусо Козимга ва олонинг нисбати волиди Бузругворлари имом Жаъфар Содиқга турур разийаллоҳу таъоло анҳум ила охир ун-нисбати кама марра. Валлоҳу таъоло аълам. <sup>1</sup>

### *Хожа Юсуф Ҳамадоний (қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу)*

Ҳазрати қутб ул-авлиё Хожа Муҳаммад Порсо қаддасаллоҳу сирраҳу китоби «Фасл ул-хитоб»да келтуруб турурларким, хизмати (Ҳазрати) Мавлоно Шараф ул-миллат вад-Дин ад-Уқайлий ал-Ансорий ал-Бухорий равваҳаллоҳу руҳаҳумким, кибори уламо-

1. Юқорида айтиб ўтилганидек. Аллоҳ таъоло билгувчиरोқдир.

дин турурлар ва хонадони хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳумдин эрдилар. Олорнинг хати шарифлари била мактуб турурким, Шайх Юсуф Ҳамадоний қаддасаллоху сирраҳу ўн саккиз ёшларида эрдиларким, Бағдодга бордилар ва Абу Исҳоқ фақиҳдин илми фиқҳ ўқудилар ва илми назарда даражаи камолга етушдилар. Ва Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи таъолонинг мазҳабида эрдилар ва Исфаҳонда ва Бухорода илм ўргондилар. Ироқ ва Хоразм ва Мовароуннаҳрда соҳиби қабул эрдилар. Ва неча муддатлар Кўҳизарда сокин бўлдилар ва Шайх Абдуллоҳ Жувайнийдин хирқа кийдилар ва тасаввуфда интисобларини Шайх Абдуллоҳ Жувайний ва Шайх Ҳасан Самосий ва Шайх Абу Али Формидий раҳимаҳумуллоҳга қилур эрдилар. Ва валодатларида сана тўрт юз қирқда (1048) эрди ва вафотларида сана беш юз ўттуз бешда (1135) эрди.

Ва «Тарихи Имом Ёфийий» қуддиса сирруҳуда мазкурдурким, Хожа Юсуф Ҳамадоний соҳиби аҳвол ва каромат эрдилар. Ва Исфаҳону Ироқ ва Хурўсонун Самарқанд ва Бухорода ифодат ва истифода эттилар ва ҳадис ўқудилар ва маъзида ойтур эрдилар ва халқлар ондин нафъ олдилар. Ва Марв вилоятига нузул эттилар ва неча муддатлар ул ерда сокин бўлдилар ва ондин сўнг Ҳиротга бордилар ва неча вақтлар ул жойда Иқомат эттилар. Яна Марвга келдилар ва неча фурсатдин сўнг яна Ҳиротга бордилар. Бир неча замон ул ерда бўлдилар. Ондин сўнг яна Марвга азимат эттилар. Вақтеким, Ҳиротдин чиқдилар, йўлда вафот топдилар ва ул жойдаким, вафот топиб эрдилар, шул жойда дафн эттилар. Ва ойтурларким, ондин сўнг Ибн Нажжорким, олорнинг мурридаридин эрди, жасади муборақларини Марвга келтурди. Ва қабри муборақлари ул жойда турур, юзору ва ютабарраку биҳи.

Вақтеким, Хожа Юсуф қуддиса сирруҳуга вафот яқин етушди, асҳобларининг орасида тўрт кишини мартабаи даъват ва мақоми иршодда топдилар, ўзларининг наёбати ва хилофатига насб этдилар. Ва ҳар бирлари олордин сўнг мақоми даъвати халқда бўлуб, толибларни тариқи Ҳақга иршод этдилар ва ўзга хулафо ва асҳоблар адаб тариқаси била онинг мубоъати ва мулозаматида бўлдилар. Ва олорнинг хулафо ва асҳобларининг ҳар бирларининг зикри тартиб била табақатан баъда табақатин хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум силсилаларининг то ахийригача ирод топар. Ва биллоҳит -тавфиқ.

*Хожа Абдуллоҳ Барақий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Олор Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хулафои арбаъаларидин аввалғи халифа турурлар ва аслларида Хоразм ви-

лоятидин турурлар. Олиму ориф ва соҳиби каромот ва мақомот эрдилар. Ва Шайх Абдулкарим Самъоний раҳматуллоҳнинг «Ансоб» деган китобида мазкур турурким, Хожа Абдуллоҳ Барақийнинг<sup>1</sup> нисбати барақға турур, «ро»и муҳмаланинг фатҳи билаким, бараҳнинг муарраби турур, онинг учунким, обо ва аждодларидин баъзилари қўй соқлаб, баррафурушлик қилур эрконлар. Қабри муборақлари Бухорода, бир шўристон тепанинг устида, Шайх Исҳоқ Гулободий (раҳматуллоҳи таъоло)нинг мазорларининг яқинида турур. Валлоху таъоло аълам.

**Хожа Ҳасан Ондоқий**  
(раҳматуллоҳи таъоло)

Ҳазрати Хожа Юсуф қуддиса сирруҳунинг иккиланчи халифалари турурлар ва кунялари ва одлари Абу Муҳаммад ибни Ҳусайн Ондоқий турур. Ва Ондоқ деҳае (қишлоқ) турур Бухоронинг уч фарсахлик ерида. Ва Самъоний «Ансоб»да келтурубдурким, Марвда яна деҳа турур шаҳарнинг икки фарсахлик еридаким, они ҳам Ондоқ дерлар ва Ондоқ муарраби Андоқ турур. Ва Хожа Ҳасан Бухоронинг Ондоқидан турурлар ва Марвнинг Ондоқидан эрмаслар.

Хожа Ҳасан ўз замонларида шайхи вақт эрдилар ва яхши тариқалари бор эрди муридларичинг тарбиятида ва халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға даъват этмақда. Ва соҳиби сафойи вақт эрдилар. Доимо ибодат ва риёзатда эрдилар. Ва Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг адаблари ва суннатларининг осориға тобеъ эрдилар. Ва Хожа Юсуф қуддиса сирруҳу бирлан суҳбат тутуб эрдилар ва неча йил олонинг мулозиматларини эттилар ва олонинг асҳоблари ва муридларининг хосларидин эрдилар ва олон била Хоразм ва Бағдод сафарини этиб эрдилар.

Ва яна Самъоний «Ансоб»да ойтиб турурларким, мен аввал Марвда Шайх Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хонақоҳларида эрдим, олонға мулоқот этдим, лекин олонни тонимадим. ондин сўнг Бухорода олонға мулоқот этдим ва олонинг суҳбатлариға бориб қайтмоқни тараддудини қилур

---

1. Қўлёзмада Барақий деб ёзилган, биз уни Барақий деб тузатиб ўқидик.

эрдим ва озорнинг суҳбати била табаррук истар эрдим ва озор мани бағоят икром қилур эрдилар. Ва бироз ҳадис озордин таяммун ва таборак рас мида устодуно ва шайхуно Юсуф ул-Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг ривоятлари била симоъим бор турур. Ва (Хожа Ҳасаннинг) валодатларида сана тўрт юз олтмишдин (1067) зиёд эрди. Вафотлари рамазон ойининг йигирма олти-сида. Сана беш юз эллик иккида (1157) рамазон ойининг йигирма еттиланчи кечасида манзили муборакка нузул эттилар. Ва озор имоми олим ва омил, фақиҳи ҳаққоний Абдулкарим Абу Ҳанифа Ондоқийнинг набиралари турурларким, шамсул-аимма Ҳалвойининг таломизайи киборларидин эрконлар, раҳимаҳумуллоху таъоло.

Манқул турурким, Хожа Ҳасан Ондоқий Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг мулозаматлариға борибдурлар ва озордин нисбат ва тариқа олибдурлар. Андак фурсатда давоми машғуллиқдин ишлари мартабаға етибдурким, кайфияти азим ғолиб бўлур эрди ва муҳиммоти зарурийларидан кўби таъвиқ қайдиға тушар эрди, авлод ва азвожларининг маишгатлариға даркор нимарсалар муяссар бўлмас эрди. Бир кун Ҳазрати Хожа Юсуф озорға насихат этдиларким, дарвиш ва аёлманд турурсиз, баъзи умурға мубошир бўлмоқ зарурий турур, анда ихмол ва амҳол ақлан ва шаръан жойиз эрмас. Хожа Ҳасан ойтибдурлар: «Менинг ҳолим бир важҳедурким, бошқа ҳеч ишға мажолим йўқ турур». Ҳазрати Хожаға ул сўздин ғайрат бўлиб, озорға итоб эттилар ва қотиг сўз ойтдилар. Ул оқшом Ҳазрати Ҳақ субҳонаху ва таъолони тушда кўрдилар. Ойтди: «Ё Юсуфу, инно аътайнокал басората ва аътайно Ҳасанал-басората ва-л-басийра», яъни «Эй Юсуф, сенга ақлинг бинолиғин бердик ва Ҳасанға ақлнинг ва кўнгулнинг бинолиғин бердик». Хизмати Хожа Юсуф ул тушни кўрганларидин сўнг озорни бағоят азиз тутдилар ва умури дунявийдин ҳеч амрга таклиф этмадилар.

Ва қабри муборақлари Бухорода Гулобод дарвозасининг ташқарисида, Шайх Абубакр Исҳоқ Гулободийнинг мақбараларида, Шайхнинг қабрларининг кунчиқор тарафида турурлар, раҳимаҳумуллох.

**Хожа Аҳмад Яссавий**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хулафоларидин учланчи халифа эрдилар ва турклар они Ото Яссавий дерлар. Ва

Отониким, туркий лафзида падарни ойтурлар, улуғ машойихларга итлоқ қилурлар. Мавлиди Ясси турурким, Туркистон балдаларидин бир машхур шаҳар турур. Қабри мубораклари ҳам ул ерда турур. Соҳиби оёту каромоти жалила ва маротибу мақомоти рафиъа эрдилар.

Ва озор ёшликда манзури назари кимйё асари Орслонбоб<sup>1</sup> бўлуб эрдиларким, турк машойихларининг қудамосидан ва озорнинг узамоларидин эрдилар ва ойтурлар: Орслонбоб Ҳазрати Рисолат (Пай - гамбаримиз Муҳаммад) саллаллоху алайҳи васалламнинг башорати га муштамил бўлгон ишоратлари била озорнинг тарбиятлариға шуғл этдилар ва Ҳазрати Хожа (Аҳмад Яссавий)ға озор (Орслонбоб)нинг хизмат ва мулозаматларида тараққиёти куллий воқеъ бўлди, то Орслонбоб қайди ҳаётда эрдилар Хожа (Аҳмад) бар сабили давом озорнинг мулозаматларида қиём кўргуздилар. Вафотларидин сўнг ҳам озорнинг ишоратлари била Бухороға келдилар. Ва сулуқлари Хожа Юсуфнинг хизматларида тамом бўлуб, даражайи такмил ва иршодға етушдилар.

**Мансур Ото**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Хожа Аҳмад (Яссавий)нинг халифаларидин аввалғи халифа турур. Орслонбобнинг фарзанди рашийди эрдилар. Илми зоҳир ва илми ботинға олим эрдилар. Ибтидои сулуқда волидлари (падарлари)дин тарбиятлар топиб турурлар. Волидларининг вафотидин сўнг ҳам озорнинг бўйруғи била Ҳазрати Хожа (Аҳмад Яссавий)нинг мулозаматларида бўлдилар. Озорнинг зилли (сояи) иноятларида даражоти олиййаи аҳли вилоятға етушдилар.

**Абдулмалик Хожа**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Мансур Отонинг фарзанди Бузругворлари турур. Ва озордин сўнг жойнишин (ўринбосар) бўлуб, мустаъидларнинг тарбиятиға бел боғладилар ва неча йиллар маснади иршод (муршидлик мақоми)ни кўргуздилар.

---

<sup>1</sup> Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг биринчи устози, туғилган ва вафот қилган йиллари маълум эмас. Унинг ўғли Мансур Ото Аҳмад Яссавийнинг биринчи халифаси эди. Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ида Орслонбоб ҳақида шеърлар келтирган.

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

Бу хонадон машойихлари қаддасаллоху арвоҳаҳумнинг мута-ахирларидин баъзисининг рисоласида мазкурдурким, Хожа Абдуллоҳ Барақий ва Хожа Ҳасаннинг вафотларидин сўнг, вақтеким, навбати хилофат Хожа Аҳмад Яссавийга етушди, Бухорода халқни даъват этмакка машғул бўлдилар. Неча вақтлардин сўнг оларга ишорати ғайбий бўлуб, Туркистон тарафга азимат этдилар. Кетар вақтда ҳамма асҳобларни Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Фиждувоний қуддиса сирруҳунинг мулозамат ва мутобъатлариға бурдилар. Ондин сўнг жониби Яссиға таважжух қилдилар.

Пушида қолмасунким, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруху сарҳалқайи силсилаи машойихи турк турурлар. Тариқатда аксар машойихи туркнинг интисоблари оларға турур ва олоннинг хонадонидаги қўб азизлар ва Бузруглар бор эрдилар, мажмуълари(ни) зикр этмоққа алоҳида бир китоб керакдур. Ложарам, Ҳазрати Хожа (Аҳмад)нинг асҳобларидин то Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг замонлариға муттасил бўлгунча бу силсиланинг зикриға иктифо этулди. Ондин сўнг шуруъ этулур Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Фиждувонийнинг зикригаким, Ҳазрати Хожа Юсуфнинг хулафои арбаъларининг тўртланчи халифалари турур — қаддасаллоху арвоҳаҳум.

Билгилким, Хожа Аҳмаднинг тўрт халифалари бор эрдиким, олонни зикрлари бар сабили ижмол ирод топур. Ва биллаҳит-тавфиқ.

### *Тожи Хожа (раҳматуллоҳи таъоло)*

Абдул Малик Ҳожанинг фарзанди азизлари ва Занги Отонинг падари Бузругворлари турур. Мундин сўнг зикрлари келур. Ва Тожи Хожа улуми расмийнинг таҳсилидан сўнг илми тариқатда ва ҳақиқатда волиди шарифларидин тарбият топибдурлар. Даражайи камолға етушкандин сўнг ноқисларнинг тарбиятиға машғул бўлубдурлар.

### *Саъид Ото (раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Аҳмаднинг бирланчи халифалари турурлар. Олоннинг ишоратлари била муридларининг тарбиятиға муққаййад бўлдилар.

**Сулаймон Ото**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Хожа (Аҳмад)нинг иккиланчи халифалари турурлар. Турк машойихларининг улуғларидин турурлар. Ва ҳикматлареким, олар туркий тили била дарвишларнинг муомилаларида ойғибтурлар, Туркистонда маъруф ва машҳур турур. Ва фавойиди анфосларининг жумласидин бу масалким, халқ эҳтиромида ва вақт игтиномида ойғубтурлар: «Ҳар ким кўрсанг Хизр бил, ҳар тун кўрсанг кадр бил», яъни «ҳар кишини кўрсанг Хизр билгил ва ҳар кечани кўрсанг, лайлат ул-қадр билгил». Ва бу масал ҳам озорға мансубдурким, ўз нафсларининг шикастида ойғиб турурлар: «Барча яхши биз ёмон, барча буғдой, биз сомон», яъни: «Борча яхши турур, биз ёмон ва ҳамма буғдой турур, биз сомон».

**Сўфи Муҳаммад Донишманд**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Хожа Аҳмаднинг хулафойи арбаъларидин учланчи халифа эрдилар ва неча йиллар маснади иршодда бўлдилар ва халқни Ҳақға даъват қилдилар.

Ва Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтурларким, Сўфи Донишманд марди донишманд ва муташарриъ ва муттақий эрконлар, Ҳазрати Хожа Аҳмадким, Яссиға келдилар, одамларни зикри жаҳрга машғул қилдилар. Хизмати Сўфи Донишманд хотирлариға келдиким, Ҳазрати Хожа (Аҳмад)ни зикри жаҳрдин манъ этсалар. Манзилларидин йўлға равон бўлғонда Ҳазрати Хожа (Аҳмад) нинг маълумлари бўлдиким, эҳтисоб учун келурлар. Ҳануз мулоқот воқеъ бўлмасдин аввал онда тасарруф этдилар ва ҳийни мулоқотда онинг ишини тамом қилдилар.

**Ҳаким Ото**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Хожа Аҳмаднинг хулафойи арбаъаларидин тўртланчи халифа турурлар. Неча йиллар маснади иршодда ўлтурдилар. Хулафойи салосадин (уч ўринбосар вафотларидан) сўнг халқни Ҳақға даъват қилдилар.

Маскани Ҳаким Ото Ҳаворазм вилоятида эрди. Ул ерда дори дунёдан рихлат қилдилар. Мавзеидаким, они Оққўрғон

дерлар, яъни Оқ қалъа ва қабри мубораклари ул жойда маъруф ва машҳурдир. Юзору ва ютабаррук биҳи, яъни зиёрат этурлар ва табаррук талаб қилурлар.

### Занги Ото (раҳматуллоҳи таъоло)

Олорни Занги бобо ҳам деб ойтурлар. Ҳаким Отонинг асҳоби хулафоларининг аъзами ва ақдами эрдилар. Маълид ва масканлари Шош вилоятида ва қабри мубораклари ҳам ул жойда турур. Халқ зиёрат учун ул ерга борурлар ва муродларига восил бўлурлар.

Хизмати Мавлоно Қозийи алайҳир раҳма Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин нақл қилибдурким, ойтдилар: «Ҳар вақт Занги Отонинг зиёратларига келсам, қабри муборакларидин ҳамма (вақт) «Аллоҳ, Аллоҳ» деган овоз эшитурман».

Олар (яъни, Занги Ото) Орслонбобининг набираси Тожи Хожанинг фарзандлари турурлар ва улар волиди шарифларининг тарбияти зилли ҳимоятида бўлдилар. Волидларининг вафотидин сўнгра ишорати ғайбий ва иймо(ий) лорайбий (шубҳадан ҳоли бўлган маънавий ишора) била умрлар Ҳаким Отонинг мулозаматида бўлдилар. Ва Ҳаким Ото вафот тобгонларидин сўнг Анбар Ано отлиг завжасиниким, Бароқхон 2нинг қизи эрди, хуболайи ақдларига келтурдилар. Олорға Анбар Анодин авлод ва аҳфоди Бузругворлар пайдо бўлдиким, ҳаммалари олимуми омил ва фозилу комил эрдиларким, ҳар бириси ўз замонида муқтадойи соликон ва раҳномийи толибон эрдилар.

Ойтурларким, Ҳаким Ото сиёҳжарда эрконлар. Бир кун Анбар Анонинг хотирларига келдиким, «не бўлур эрди Ҳаким Ото сиёҳжарда бўлмасалар». Ҳаким Отоға онинг хавотирига ишроқе бўлуб, ойгубдурлар: «Тез бўлгайким, мандин ҳам сиёҳроқға мусоҳиб бўлурсан». Ул эрдиким, Ҳаким Отодин сўнг Занги Отоға насиб бўлди.

Баъзилар ойтур: Занги Ото баҳасби зоҳир Ҳаким Отони тобгон йўқ эрдилар, Ҳаким Отонинг тарбияти олорға баҳасби маъни ва руҳоният эрди, баҳасби зоҳир ва суврат эрмас эрди. Аввалги қавл асаҳх турур.

---

1. Ҳаким Ото ва Сулаймон Ото аслида бир киши бўлиб, котиблар томонидан алоҳида кишилар сифатида хатога йўл қўйилган.

2 «Маноқибнн Сулаймон Ото»да ёзилмишча. унинг асли оти «Бугроҳон» бўлиб, у Хоразм вилояти ҳокими бўлган ва ўз қизи Анбаройинми Ҳаким Отоға никоҳлаб берган. Сўнг ўзи яқинлари билан Ҳаким Отоға мурид бўлган. «Рашаҳот» муаллифи эса бу ўринда «Бароқхон» деб янглишган.

Ва ойтурлар, вақтеким, Ҳаким Ото Ҳаворазм вилоятида вафот топдилар, Занги Ото Тошкандда эрдилар, ала-л-фавр Ҳаворазм тарафига равон бўлдилар ва ҳеч ерда турмай етушдилар ва шарти зиёрати қабри Ҳаким Отони ва пурсиши аҳли мусибатни бажо келтурдилар. Анбар Анонинг иддасининг муддати ўткондин сўнг бир маҳрамни онинг олдиға йибордилар ва хутба, яъни талаби никоҳ этдилар. Анбар Ано юз қайтариб ойтди: «Мен Ҳаким Отодин сўнг ҳаргиз бир одамнинг издивожи ҳуболасиға кирмасман, хусусан, бу сиёҳ зангининг ақдиға». Бу юз қайтармоқда анинг бўйни каж қолди ва музтариб бўлди. Ул маҳраме Занги Отонинг ёнлариға келиб, можарони ойтди. Занги Ото яна онга пайғом йибордиким: «Ёдингда борму ул сўзиким, санинг хотирингга ўтуб эрдиким, не бўлур эрди агар Ҳаким Ото сиёҳжарда бўлмаса». Ва Ҳаким санинг хотирингга мушарраф бўлуб ойтдилар: «Тез бўлғойким, мандин ҳам сиёҳроқға мусоҳиб бўлурсан».

Вактеким, маҳрам ул сўзни Анбар Анога ойтди, ёлиға келди ва йиғлади ва ойтди: «Ризо бердим ул нимарсагаким, олонинг муроди турур». Дарҳол бўйинлари рост бўлди ва ҳуболайи издивожлариға кирдилар.

Ва олор (Занги Ото)нинг тўрт халифалари бор эрди: Узун Ҳасан Ото ва Саййид Ото ва Садр Ото ва Бадр Отоким, бу тўртлари мабодийи ҳолда Бухоро мадрасаларининг бирида таҳсили илмға машғул эрдилар. Бир-бирларининг иттифоқи била ҳимматларини мутолааға қўйдилар. Ва бир кечада тўртлариға бу йўл сулукининг доъияси пайдо бўлуб, иродаи тариқ хотирларидин бош чиқарди. Ва ала-с-сабоҳ уйларини торожға бердилар, мадрасадин саҳроға юз қўйдилар ва Туркистон тарафига бориб, Занги Отонинг суҳбатларида бўлдилар. Ва ҳар бирларининг зикри бар ваҳҳи ижмол била ирод топор ва биллаҳ-т-тавфиқ.

### *Узун Ҳасан Ото (раҳматуллоҳи таъоло)*

Занги Отонинг хулафойи арбаъларидан аввалғи халифа турур.

Ойтурлар: вақтеким, бу тўрт азиз (яъни, Узун Ҳасан Ото, Бадр Ото, Садр Ото ва Саййид Ото) Тошканд вилоятиға етушдилар, саҳродин ўтуб борурда бир сиёҳни кўрдилар: лаблари ситбарким, ёнларида бир пода сиғир, они боқиб турур эрдилар. Ул Занги Ото эрди. Тариқлари ибтидои қору борда сатри ҳол ва касби маишгат ваҳҳидин ул эрдиким, аҳли Тошкандни сиғирларини боқор эрдилар ва онинг ужрасидин аёлу атфоллариға қут қилур

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

эрдилар. Ойтурларким, ҳар вақт Занги Ото саҳрода намоздин сўнг зикри жаҳрга машғул бўлсалар сиғирлар тарки чаро қилиб, онинг атрофида ҳалқа урур эрдилар, то озор зикрга машғул бўлсалар, сиғирлар асло чаро қилмас эрдилар.

Вақтеким, ул толиби илмлар Отонинг ёнлариға бордилар, кўрдиларким, ёлонг оёқ бирдан бир пўшта хори дуруштни ёнчиб, бир-бирисиға уруб босарларким, ип бирлан боғлаб ўйлариға олиб борсалар ва ул тиконлар оёқлариға сончилмас эрди. Мутаажжиб бўлуб, ёнлариға бориб, салом бердилар. Ото жавоб ойтди. Сўрди-ларким: «Сизлар бу дунёда ғариб кўрунурсизлар, не киши бўлурсизлар ва қайси ердин келурсизлар?» Ойтдилар: «Бизлар толиби илм эрдук. Бухорода таҳсили илмға машғул эрдук, ногоҳ кўнгулларимизға мутолабайи мубоҳасадин гирифт бўлуб, иродайи сулук ботинларимиздин бош чиқарди, эмди талаби таҳқиқ учун ул диёрдин чиқиб келибмиз. Хоҳлармизким, ҳақиқатдин бўе бизларнинг машомимизға етушсун. Ҳар тарафни бўй қилурмиз ва муршиди комили мукамал охторурмизким, мундин сўнг мулозамат ва мутобаъатларини қилурмиз, шоядким бўъди нуқсон даражасиндин қурби камол даражасиға етушкўймиз». Ото ойтдиларким: «Бўлунглар, то ман бўй тортойин ва сизларға ул муршидни нишон беройин».

Бас, юзларини шимолу жануб ва машриқу мағриб тарафига тутдилар ва истиншоқи ҳаводин қилиб, ҳар тарафдин бўй тортибдурларким: «Оламнинг тўрт ҳаддидин ҳам бўй тортидим, тамоми рубъи маскунда ўзимдин бошқа кишини кўрмадимким, кўлидан келиб, сизларни нуқсондин қутқориб, камолға еткургай».

Бу сўздин Саййид Ото ва Бадр Отонинг ботинларида инкор пайдо бўлуб, Саййид Ото кўнгулларида андишга этибдурларким:

«Ман саййид ва олим бўлсам, қачон бу сиёҳи говчаронга тобеъ бўлурман». Ва Бадр Ото хотирлариға келтурубдурким: «Бу зангийи шутурлабни кўрунгим, на тариқа улуғ даъвони қилур». Аммо Узун Ҳасан Ото ва Садр Ото ул даъвоға инкор этмадилар ва кўнгуллариға келтурубдиларким: «Мумкиндурким, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу нуре бу сиёҳда омонат қўйгон бўлса».

Занги Ото бу ҳолға муқорин тўртларининг ҳам ботинларида тасарруф қилибдурларким, ва кўнгулларини ўз тарафл ариға мутааллиқ ва мунжазб қилибдурлар. Ул кишиким, ёронларидин илгору бориб, онинг қўлларида байъат қилиб, инобат келтурубдур Узун Ҳасан Ото эрдилар. Ва ул кишиким, бу тўрт азиздин даражайи комилға етушкондин сўнг изни иршод топди Узун Ҳасан Ото эрди.

**Саййид Ото**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Занги Отонинг иккиланчи халифалари эрдилар ва одлари Саййид Аҳмад турур ва Саййид Ото (бирла) маъруф ва машхур турур.

Саййид Ото Занги Отонинг мулозамати асносида ҳар неча риёзат тортдилар, ботинларида ҳеч руше кўрмадилар. Ҳар неча саъе қилур эрдилар диллариға ҳеч бир даре очилмас эрди. Охир дарди дилларини Анбар Аноға арз этдилар ва ойтдилар: «сизнинг сўзунгиз Отонинг наздида даражайи қабулда турур, умид этарманким, манинг ҳолимин сўз ойтсангиз, шоядким, иноят назариға мушарраф бўлсам». Анбар Ано қабул қилиб ойтибдулар: «Сиз бу кеча ўзингизни бир намади сиёҳға ўраб, Отонинг йўлининг устида ётинг, то вақти саҳар таҳорат қилмоқ учун тошқори чиқсалар, сизни ул ҳолда кўрсалар, имкон борким, сизга раҳм қилсалар».

Саййид Ото ондоқ қилдилар. Анбар Ано кеча фирошда Отоға ойтибдурларким, «Аҳмад марди фақир турур ва саййиди олим турур, неча муддатлардурким. мулозаматда бўлур, асло бу жаноб назари хослари била махсус бўлгонлари йўқтур, илтимос қилурманким, онга раҳм этсангиз». Ото табассум қилиб ойтдиларким: «Саодат ва илм онга садди роҳ бўлуб турур, ул кундаким, мани кўрди ва ман они ўзимга нишон бердим, ул кўнгилда андишга қилдиким, ман саййиде, олим турурмак, қачон бу сиёҳи говчаронга тобеъ бўлурман. Эмдиким, сан они дархост қилдинг, гуноҳини ўтдум».

Вақтеким, Ото саҳар вақтида тошқори чиқдилар, бир қаро нимарсани йўлларининг устида ётгон кўрдилар, оёқларини онга қўйдилар, ул худ Саййид Ото эрконларким, Занги Ото оёқларини олонинг сийпалариға қўюб эрдилар, олор Отонинг оёқларини ўпдилар. Ото ойтибдурлар: «Не кишисан?» Ойтдилар:

«Аҳмад». Ото ойтдиларким: «Турунгим, бу тариқа ўзунгизни синдурмоқ бирлан ишингиз дуруст бўлди». Ва онга шул маҳалда илтифоти хос этдилар. Вақтеким, Саййид Ото қадларини рост қилдилар, улча мақсадлари бўлса, онга мункашиф бўлди, мавоҳиб ва футуҳнинг боблари мафтуҳ бўлди, андак фурсатда даражайи иршодға етушдилар ва кўб ноқисларни мартабайи камолға етурдилар.

Ва Саййид Ото Ҳазрати Азизон Хожа Али Ромитанийким, хожалар қаддасаллоҳу арвоҳаҳум табақаларининг ажилласидин эрдилар ва зикрлари мундин сўнг келур, озор била ҳамаср эрдилар, ўрталарида муфовиҳнот, яъни мусовот воқеъ бўлубдирким, Ҳазрати Азизоннинг зикрида ондин шаммае прот топар.

Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг «Мақомот»ларида мазкур-дурким, вақге бир деҳқон ерига ториг экиб юрур эркан, Ҳазрати Саййид Ото ул ердин ўтуб борурда ондин сўрабдурларким: «Не ишдасан ва не экорсан?» Ул деҳқон ойтибдурларким: «Ториг экорман, валекин бу ер яхши ториг бермай турур». Саййид Ото ул ерга хитоб этиб ойтдилар: «Эй, ер! Яхши ториг бергил». Ойтурлар, неча йиллар ул ерда тухм сочилмай, ториг кўкорур эрди.

### *Исмоил Ото (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Саййид Отонинг хулафо ва асҳобларининг улуғларидин эрдилар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, одамлар авоёинли ҳолда Исмоил Отоға таарруз этур эрдилар. Ото ойтур эрконлар: «Ман буларни билмасман, ошин берорам, таблин қоқарам», яъни «онинг ошин берурман ва онинг таблин урарман».

Ото Ҳузиён навоҳийсида бўлур эрдиларким, қасабае турур, Сайром бирла Тошканд орасида. Ул диёр аҳли муллолари озор(га) нисбат(ан) маъразлик ва мутаарриз бўлмоқ эрди, доимо ғийбат ва мазаммат этур эрдилар. Ото ойтур эрдиларким: «Бу муллолар менинг собуним ва ишқорим турурлар». Бу сўзни Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) озордин бағоят писанд этиб, исгеҳсон қилур эрдилар.

Ва Отонинг анфоси нафисларининг фойдаларидиндурким, ойтур эрдилар: «Офтобда соя бўлгил ва совуқда жома бўлгил ва очликда нон бўлгил».

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтибдурларким: «Отонинг бу сўзлари каломи жомий турур». Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Исмоил Ото муридга (зикр вазифаларини) талқин этконларидин сўнгра ойтур эрдилар: «Эй, дарвиш, биродорони тариқат бўлдуқ. Бир насиҳат мандин қабул қилгил, бу дунёни бир кўк гунбаз хаёл этгил ва билгил, сан Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога ул чоғлиғ зикр ойтгилким, галаба ва қаҳрамони анвори тавҳиди Ҳақ субҳонаҳу қолсун, бас, сан ўртодин чиқгил». Ҳазрати Эшон

(Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: «Отонинг бу сўзидин хейли бўй (яъни, маърифат ва ҳақиқат бўйи) келур». Ва ҳам Ҳазрати Эшон ўзларининг дойилари Хожа Иброҳим алайҳир-рахмадан нақл қилурларким, Ҳазрати Саййид Шариф Журжоний алайҳир раҳма манга ойтдилар: «Шайхзода Исмоил муридларининг санжадларидин бўйи мазоқ (маърифат завқининг ҳиди) келур».

**Исҳоқ Хожа**  
*(риҳматуллоҳи таъоло)*

Исмоил Отонинг фарзандларидин эрди. Соҳиби сафойи вақт ва аҳволи Бузруг эрдилар. Истижоб навоҳийсида ўлтурур эрдилар ва ул Тошканд бирла Сайром аросида бир қасабадур.

Шайх Абдуллоҳ Хўжандий алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг асҳоби киборларидин эрди, ойтубдурларким: «Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг шарафи суҳбатлариға мушарраф бўлмасдан аввал неча йиллар манга жазабайи қавий етушуб эрди, Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий қуддиса сирруҳунинг мазорлариға бордим, олардин ишорат бўлди-ким, қайтғил, санинг мақсудинг яна ўн икки йилдин сўнг Бухорода ҳосил бўлса керакдур ва ул мавқуф турар». Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг зуҳурлариға манинг хавотирим филжумла ором толди. Хўжанд тарафиға мурожаат қилдим. Бир кун бозорда борур эрдим, икки туркни кўрдимким, бир масжиднинг эшикида ўлтурубдурлар, бир-бирлари била сўзлашиб йиғлар эрдилар. Қулоқ кўйдим, бу тариқдин ойтур эрдилар. Манинг хавотирим оларнинг суҳбатиға майл этди, оларға ниёзмандлик этдим, бироз таом ва мева олдилариға келтурдим, ўзларича ойтдилар:

«Бу дарвиш толиб кўрунур, лойиқ ултурким, бизларнинг султонзодамиз Исҳоқ Хожанинг хизматларида бўлса».

Вақтеким, олардин бу сўзни эшитдим, яна манга доияйи талабда қувват топди. Тафаҳхус этдим, олар ойтдилар: «Истинжобда бўлурлар». Суҳбатлариға бордим, изҳори талаб қилдим. Аммо воқеайи Термизидин ҳеч сўзламадим. Ва неча кунлар хизматларида бўлдим ва олар қўб меҳрибонлик қилдилар. Бир кун оларнинг фарзандлариким, жавоне эрди бағоят рашид ва осори қабул носиясидин зоҳир эрди, волиди Бузругворлариға ойтдилар: «Бу дарвиш мискин турур, керакки сизнинг хизматингизда бўлса».

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

Исҳоқ Хожа ойтдилар: «Эй, фарзанд, бу дарвиш Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муриди бўлса керакдир, бизда онга мажоли тасарруф йўқтур».

Вақтеким, олардин бу сўзни эшитдим, менинг яқиним Ҳазрати Хожага зиёд бўлди ва олардин ижозат талаб қилдим. Яна Хўжандга қойгдим ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) қуддиса сиррухунинг зуҳурларига мунтазир эрдим то вақтегаким, Бухорода шарафи суҳбат ва қабулларига мушарраф бўлдим.

### *Садр Ото ва Бадр Ото (раҳимаҳумаллоҳу таъоло)*

Занги Отонинг учланчи ва гўртланчи халифалари эрдилар ва одлари Мавлоно Садриддин Муҳаммад ва Мавлоно Бадриддин Муҳаммад эрди. Садр Ото ва Бадр Ото деб ҳам ойтурлар ва олар Бухорода ҳамшига ҳамхужра ва ҳамсабоқ эрдилар, бир зурфдин шароб ва таом ер эрдилар ва бир фиरोшда ётар эрконлар. Вақтеким, Занги Отонинг суҳбатида бўлубдурлар; кун-кундин осори тараққий Мавлоно Садриддиннинг ҳолларидин зоҳир бўлур эрди. Лекин Мавлоно Бадриддиннинг ишида тамом басталик бор эрди. Охир хотирларига келдиким, Саййид Ото Анбар Анони васила қилди, то Занги Ото онинг ҳолига марҳамат этдилар, ман ҳам ул ерга боройин, оларнинг шафқатининг дор уш-шифосидин дардимга даво талаб қилайин.

Бас, вақти фурсатда Анбар Анонинг хизматиға бордилар, йиғлаб-йиғлаб ҳолларини ойтуб ва оларни шафий этиб, илтимос қилдиларким, Отони маҳалли бастада арзиға етуштурунгим, Бадриддин ойтур, ман ва Мавлоно Садриддин иккимиз ҳам сизнинг бандангиз турурмиз, жиҳат недурким, сизнинг назари иноятингиз анинг ҳаққида зиёда тушибдур, агар мандин тақсире вужудга келгон бўлса, танбеҳ беринг, то онинг тадорикаға қиём кўргузойин.

Вақтеким, Занги Ото ул кун саҳродин келди, иттифоқо, мунбасит ул-ҳол эрди. Анбар Ано Мавлоно Бадриддиннинг пайғомини оларға етуруб, илтимоси илтифоти хавотир этдилар. Ото ойтдиларким: «Онинг ишининг фурубасталиги ул жиҳатдин-дурким, манлик била аввали мулоқот ва гўфтугўйда хотирға келтурдиким, Зангийи шутурлабни кўрунгим, не тариқа улуғ даъвони қилур. Эмдиким, сан дархост этдинг, онинг гуноҳини ўтдум». Бас, они талаб қилиб, илтифоте этдиларким, дарҳол

Мавлоно Садриддиннинг даражасига ва мақомига етушди. Ва ондин сўнг ҳамишга соирларнинг манозил ва мақомотлари сайрида онга инон бар инон ва ри қоб бар рикоб бўлуб юрур эрди ва орифларнинг мавожид ва аҳволлари зуҳурида онга шерик ва саҳим эрди. Ва мундин сўнг Мавлоно Садриддин ҳаргиз ҳеч вақтда ва ҳеч ҳолда онга фойиқ ва ғолиб бўлмади ва тариқат ва ҳақиқати сулукда ондин ўта билмади.

**Аламин Бобо**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Садр Отонинг халифаси эрди ва ондин сўнг олонинг ишорати билан толибларни Ҳақга даъват қилди.

**Шайх Алишайх**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Халифайи Аламин бобо турурлар ва олондин сўнг жойнишин бўлиб, маснади иршодда ўлтурди.

**Мавдуд Шайх**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Халифайи Шайх Али эрди ва олардин сўнг мустаъидларни тарбийат этдилар.

**Камол Шайх**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Мавдуд Шайхнинг асҳоби киборларидин эрди. Шош вилоятида мақом тутибдурлар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким: «Камол Шайх муриди Мавдуд Шайх эрди ва Ходим Шайхнинг биродари тариқати (эрди). Вақтеким, бизлар Хуросон сафаридан мурожаат қилдук ва Тошкандда иқомат этдук, ул бизларнинг суҳбатимизга қўб келур эрди».

Аъиззайи асҳобдин баъзилари ойтур эрдиким, бир кун Камол Шайх Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг ёнларига келиб эрди, Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Бизнинг учун «зикри арра» ойтинг». Зикри арра турк машойихлари силсиласида бир навъ зикредурким, зикр ойтғон вақтда аррайи дусар овози масаллик овоз

зокирнинг ҳанжарасидин чиқор. Камол Ҳазрати Эшон назарларида ҳар на бўлгон тамоми қуввати била етти-саккиз мартаба зикри арра этдилар. Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Кўйунгким, кўнглимиз дард этди». Баъзи асҳоблар ойтибдурким, (Ҳазрати Эшон) ойтдилар: «Кўйунгким, Аршдин то фаршгача ёнди». Бас, лаҳзайе тааммул этдилар, ул вақтда дедилар: «Ман ул фикрдаманким, агар мункире десаким, бу не нав зикр ойтмоқликдур, киши онинг жавобинда не дер?» Бас, бу байтни ўқудиларким:

*Мурғони чаман ба ҳар сабоҳе,*

*Хонанд туро ба истилоҳе.*

(Чаман қушлари ҳар куни тонгда,

Сени ҳар хил исм билан чақирадилар.)

*Ходим Шайх*

*(раҳматуллоҳи таъоло)*

Мавдуд Шайхнинг ажиллайи асҳобидин эрди. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг зуҳурлари мабодийсида Мовароуннаҳр ва Шош вилоятида муршид ва жамъи касирнинг муқтадоси эрди. Ва Ҳазрати Эшонга мулоқоти бор эрди. Шайх Жамолиддин Бухорий раҳматуллоҳким, Ходим Шайхнинг халифаси ва қойим мақоми эрди, Бухородин Ҳиротга келди. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиси сиррухунинг мазорларида муридларидин жамъи касир била иқомат қилди ва ҳам ул ерда вафот топди. Қабрлари тахти мазорда турур.

Бу фақир махдуми ва устози Мавлоно Разийдин ибн Абдулғафур алайҳир раҳма ва-л-руфроннинг мулозаматларида гоҳ-гоҳ суҳбатлариға борур эрди ва озор ўз шайхларидин нақл этар эрдилар ва фойдалар баён қилиб ойтур эрдиларким, ондин баъзиси беш рашҳанинг зимнида мазкур бўлур.

*Раиҳа 1.* Шайх Жамолиддин ойтур эрдиларким, бизларнинг Шайхимиз Ходим Шайх «фавайлун лилқосияти қулубихим мин зикриллаҳ» оятида ойтур эрдиларким, жамъ бордурларким зикр айтмоқдин қасовати қалб<sup>1</sup> ҳосил эторларким, они табиату нафс муқтадоси била гафлат юзиндин беадабона ойтурлар. Бас, лойиқдурким, «мин зикриллаҳ» ул

---

1. Кўлёмзада «қилиб» ёзилган, бу хатодир, тузатиб ёздик.

маънийга ишорат бўлса, агар чандиким, муфассирлар «гаф-лун мин зикриллаҳ»га<sup>1</sup> тафсир қилибдурлар.

*Раиҳа 2.* Олор ойтув эрдиким, бизнинг шайхимиз ва раҳна-момиз ойтибдурлар: «Ҳузуреким, соликларга зикр ниҳоятида ва онинг мартабалариға убур этконда муяссар бўлур, мумкиндур-ким, ондин аввал ҳам даст берса, лекин ул ҳузурға бақо бўлмас. Табиатнинг кашокаши воситаси била тез зоил бўлур. Аммо агар маротиби зикрғаким, баъзе анворнинг мушоҳадасидин ва кушүф-дин иборатдур, убур этгон бўлса, ул маротиб мисли ажсоми латифадек табиатнинг ўрниға ўтирув ва солик муқтазийоти табиатдин ва хавотир паришонлиқидин халос топар».

*Раиҳа 3.* Ва яна олор ойтур эрдиким, шайхимиз ойтдилар: «Ҳолеким вориб бўлур, онинг сиҳхатиға далил улдурким, вақти дуруда фано нисбати соликнинг ниҳодида пайдо бўлур ва кул-фати аъмол кетор ва шарийатға тоза муҳаббате ва майле ҳосил бўлурким, аҳкоми шарийъаға завқу баҳжат юзидин бекулфат ва бекасолат қийом кўргузур».

*Раиҳа 4.* Ва яна ҳам олор ойтурларким, уламон русумдин бир-лари шайхимиз ёнлариға келиб эрди ва ойтдиким, ҳоли аҳли рақсу самоъға икки нимарсадин ташқори эрмас. Аввал вақтда шуъур бордур ё йўқтур. Агар шуъурлари бўлса, бовужуди шуъур ҳаракат ва рақс ва изҳори беҳудлик, бағоят қабиҳ турув. Ва агар шуъурлари бўлмаса, шуъурдин сўнг таҳорат қилмай намоз ўқурлар, ул ондин қабиҳроқдир.

Ҳазрати Шайх ул донишманднинг жавобида ойтдиларким, асбоби нақзи вузувдин бири улким, ақл маслуб бўлур, мажнунлар-ға воқеъ турув ва яна бири улким, ақл мастур бўлур, ондоғким ҳолати ағмода (хушдан кетишда) бўлур. Аммо бу тоифанинг рақс, самоъ ҳолатида бешуъурлиқлари ақлнинг маслуб ва мастур бўлмоғидин эрмас, балким бу бешуъурлиқға жиҳот улдурким, ул маҳалда ақли куллий олами Илоҳийдин бу ақли жузъийға фойиз ойланур ва соликнинг вужуди мамлакатида ҳокиму голиб бўлур ва бу ақли куллийға ул қуввату қудрат бордурким, оламенинг забту тадбирини қилур, баданни забту тадбир этмоғига не сўз етишур?! Бас, бадан ул ҳолда онинг тадбири ва ҳимоятининг зиллида (соясиди) турув. Ва ул ақли куллийи мудаббар онинг нигоҳдошти (асровчиси) мақомида, балким ул маҳалда навоқизи вузув қолмасдур. Не учунким толиби содиқ ул вақтда табиъатдин ва

1. Аллоҳни эслашликдан — зикр қилишликдан (ғофил бўлуб) қалблари қаттиқ бўлганларга вайл бўлсин. (Зумар, 22-оят.)

аҳқоми табиатдин билкуллийа чиқор ва башарият наворами (қай-дидан) холос бўлур. Бас, (ул) вақтда таждиди вузуъ қилмоқға асло эҳтиёж йўқтур.

*Раиҳа 5.* Ва ҳам олор ойтдиларким, Ҳазрати Шайх ойтибдурларким, силсилаи хожагон қуддиса сирруҳунинг баъзи маходимлари мундоғ ойтурким, «вужуди адам вужуди башариятға авд этор (қайтар), аммо вужуди фано ҳаргиз вужуди башариятга авд этмас». Бу сўзнинг маъноси баҳасби зоҳир улдурким, мурод вужуди адамдин таҳқиқ сифати адам турурким, иборатдур ул беҳудлиқдинким, хожалар тариқи(нинг) мубтадийлариға машғуллиқ асносида даст берур, лекин улча ҳақиқат маъно турур, вужуди адам иборатдур ул ҳастийи ҳақийқийдинким, камоли шугли ботинийнинг воситаси била ва қўнгулнинг нуқуши кавния ҳоли бўлгонлиқи била солиқ мудрикасиға партав солур ва бу партави ҳастийи ҳақийқийким, ул беҳудлиқдин сўнг пайдо бўлур, ул адамнинг вужуди турур ва бовужуди авд қилур вужуди башариятга, яъни бу партав яна ногайдо бўлур. Вужуди башарийнинг лавозими голиб келур бахилофи вужуди мавҳуби ҳаққонийким, они бақо баъдал фано дерларким, фано мақомида мутаҳаққиқ бўлгондин сўнг пайдо бўлур. Бас, ҳамчунонеким, фаноға вужуди боқий фанодин сўнг ва онинг изидин ҳосил бўлур, бу авдга ҳам вужуди онинг изидин турур ва бу вужуд, агар чандиким ул вужуди боқийнинг партови турур, лекин мақоми фанода мутаҳаққиқ бўлмоғон восита била гоҳ-гоҳ мутаворе бўлур, то ул вақтғачаким, собит ойланур ва малака бўлур. Валлоҳу таъоло аълам.

### *Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (қуддиса сирруҳу)*

Олор Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг ҳулафойи арбаъаларидин тўртланчи халифа(лари) турурлар, сардафтари табақайи хожонон турурлар. Бу азизлар — қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ва равваҳа ашбаҳаҳум — силсилаларининг сарҳалқаси турурлар. Ва мавлид ва мадфанлари Бухоро вилоятида Ғиждувон деҳаси турур. Ва ул шаҳардек бир улуғ деҳадур, Бухородин олти фарсах ерда. Волиди шарифларининг оди Абдулжамил турур ва Абдулжамил Имом деган тасмия била маъруфдурлар. Имоми Молик авлодидин турурлар. Ва муқтадойи вақт ва улуми зоҳир ва ботинға олим. Ва Мулотойи Румда сокин эрдилар.

Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ)нинг волидлари Рум подшоҳларининг авлодидин турур ва ойтурлар Абдулжамил. Аммо Хизр алай-

ҳис саломнинг суҳбатдоши эрди. Хизр алайҳис салом они Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ)нинг вужудиға башорат бериб эрди ва Абдулхолиқ деб од қўюб эрдилар. Ва ондин сўнг Абдулжамил Имом ҳаводиси айём сабабидин мутааллиқлари била Рум вилоятидин Мовароуннаҳр вилоятиға келиб, Ғиждувонда сокин бўлдилар. Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ) ул ерда мутаваллид бўлдилар ва Ғиждувонда нашъу намо топдилар. Ва мабодийи ҳолда Бухоро шаҳриға келиб, таҳсили улумға машғул бўлубдурлар.

Бир кун кор-бор аросида устозлари имом Садриддин деган Бузруге эрди, кибори уламоийи замондин, онинг ёнларида тафсир ўқуб ўлтуруб эрдилар, бу оятға етушдиларким: «Удъу Рабаккум тазарруъан ва хуфйатан, иннаҳу ло юҳиббул-мўътадин».<sup>1</sup> Устоздин сўрдиларким, бу хуфйанинг ҳақиқати ва онинг тариқи не турур? Агар зокир баланд ўкуса ё зикр вақтида аъзоси била ҳаракат қилса, ғайре онга иттилоъ топор ва агар ул дил бирла ойтур бўлса, Шайтон бу ҳадис ҳукми билаким: «Аш-шайтону яври мин ибни Одама мажр аддами»<sup>2</sup> онга воқиф бўлур». Устоз ойтдилар: «Бу илми ладунний турур, агар Ҳақ субҳонаҳу хоҳлагон бўлса, аҳдуллоҳдин бир киши сенга етушур ва санға таълим берур».

Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ мунтазир эрдилар, то вақтеким, Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис салом озорға етушдилар ва вукуфи аладийни озорға талқин этдилар. «Фасл ул-хитоб» деган китобда мазкурдурким, Ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг равишлари тариқатда ҳужжат турур. Ва борча фирқаға қабул эрдилар, аладдавом сидқу сафо йўлида Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариат ва суннатлариға бидъат ва ҳавонинг мужонабат ва муҳолафатиға қўшиш этиб эрдилар ва равиши покларини агёрнинг назаридин пинҳон тутуб эрдилар. Озорға «зикри дил» сабақи ёшликда Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис саломдин эрди ва ул сабоқға мувозабат этдилар. Ва Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис салом озорни фарзандликка қабул этиб эрдилар ва буюруб эрдиларким, ҳавзға тушгил ва чўмгил ва кўнгул бирла ойтгил: «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ». Хожа андоғ қилдилар ва бу сабоқни тутдилар ва ишға машғул бўлдилар ва кушодликлар топдилар ва рўзгорлари аввали ҳолдин то ахийри ҳолғача барча халқнинг назид а мақбул ва маҳбуб эрди.

1. «Парвардигорингизга тазарру ва хуфя дуо қилингиз, чунки У ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди. («Ал-Аъроф», 53-оят.)

2 «Шайтон (васваса қилиш учун) одам боласининг ичида қоннинг айланганидек ҳаракатланади».

Ондин сўнг Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳу Бухороға келдилар. Хожа Абдулҳолиқ озорни суҳбатларини топдилар ва маълум этдиларким, озорға зикри дил бор экан, суҳбатларида бўлдилар, то муддатеким, Хожа Юсуф Бухорода эрдилар. Ойтиб турурларким, Хожа Хизр пири сабоқлари турур ва Хожа Юсуф қуддиса сирруҳу пири суҳбатлари. Агарчандиким, Хожа Юсуф ва озорнинг машойихлари қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумнинг тариқлари «зикри алонийа» эрди, лекин вақтеким, Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддуса сирруҳу Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис саломдин «зикри хуфйя»ни талқинини олиб эрдилар ва онга маъмур бўлдилар ва Хожа Юсуф они тағйир бермадилар ва ойтдилар: «Бар важҳеким озордин маъмур бўлубсиз, машғул бўлунгизлар».

Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддуса сирруҳунинг баъзи таҳриротларида мазкурдурким, ойтубдурлар: «Йигирма икки ёшда эрдимким, хожайи зинда дилон Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис саломани Ҳазрати шайхи Бузруги раббоний Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳуга топшурдилар ва манинг тарбиятимға васият этдилар ва то озор Мовароуннаҳрда эрди, ман хизмат ва мулозатларида бўлдум ва озордин истифоза этдим (файз олдим)».

Хожа Юсуф Хуросонга кетконларидин сўнг Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ риёзатга машғул бўлдилар, ҳолларини пинҳон тутар эрдилар ва валоятлари ул даражада бўлдиким, бир намознинг вақтида Каъбаға бориб келур эрдилар ва Шом вилоятида озорға қўб мурид пайдо бўлди ва хонақоҳ ва остона бино топди ва неча муддатлар иршод мақомида ва халқни даъват этмақда муттамаккин эрдилар ва толиби содиқларни тариқи Ҳақға далолат этдилар ва озорға одоби тариқатда васийатномаёе турурким, фарзанди маънавийлари Хожа Авлиёи Кабир қуддиса сирруҳу учун ёзиб эрдилар, муштамил бўлгон фавойиди жазийла ва авойиди жамилағаким, ҳамма солиқларда ондин гўзир йўқ турур. Ул васаёларнинг жумласидин турур бу неча фақарайи жомийақим, таяммун ва табаррук расми била ирод топор.

*Раиҳа.* Ойтубдурларким, васият қилурман сани, эй фарзандим, илму адабға ва тақвоға жамийи аҳволда. Ва лозим бўлсин сангаким, осори салафни татаббуъ этмак. Суннат ва жамоатға мулозим бўл, фикҳ ва ҳадис ўргангил ва жоҳил сўфилардин парҳиз этгил, намозни жамоат бирла ўқуғил бу шарт билаким, имом ва муаззин бўлмағайсан. Ҳаргиз талаби шуҳрат этмаким, офат турур, мансабе бирла муқаййад бўлма, доимо гўмном бўлғил. Қиболаларда отингни ёзмағил, маҳкамайи қазозға ҳозир бўлма, ҳеч бир

одамға кафил бўлма ва ҳеч бир киши васаёсиға дохил бўлма, мулук ва абной мулук била суҳбат тутмағил ва хонақоҳ бино қилмағил ва хонақоҳда ўлтурмағил, самоъни<sup>1</sup> кўб этмоғилким, самоъ этмоқдин нифоқ пайдо бўлур кўб вақт, ул вақтларда самоъ дилни ўлдурур ва самоъға инкор этмаким, самоъға асҳоби самоъ кўб турурлар. Оз сўзлагил ва оз егил ва оз уйқулагин. Ва халқдин қочғил ондоқким шердин қочорлар.<sup>2</sup> Ва ўз хилватингға мулозим бўлғил ва амрадлар ва хотунлар ва мубтадиълар ва бойлар ва омилар бирлан суҳбат тутмағил. Ҳалол егил ва шубҳадан парҳиз эткил ва то қўлунгдин келиб сақлонсанг, хотун олмоғилким, толиби дунё бўлурсан ва дунё талабида дин(ни) барбод берурсан. Кўб кулмағил ва қаҳқаҳа уриб кулмоқдин ижтиноб эткилким, кўб кулмак кўнгулни ўлтурур ва керакким, барча кишига шафқат кўзи била қарагойсан ва ҳеч фардени ҳақир саномоғил. Зоҳирингга оро бермағилким, зоҳирнинг оройиши ботинни хароблиқидин турур. Халқға мужодала этмағил ва кишидин нимарса талаб этмағил ва кишига хизмат буюрмағил ва машойихға мол била ва тану жон била хизмат қилғил ва озорнинг афъолиға инкор этмағилким, озорнинг мункари ҳаргиз растагорлик топмас. Бас, дунёға ва аҳли дунёға мағрур бўлма, керакким, кўнгулунг ҳамишга андуҳлиқ бўлсун ва баданинг бемор ва кўзунг гирён ва амалинг холис бўлсун. Ва тазарруъ била дуо қилғил ва либосинг кўҳна ва рафиқинг дарвиш ва дастмоя санга илми фиқҳ ва уйунг масжид ва мунисинг Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бўлсун.

*Раиҳа.* Ва яна Ҳазрати Хожа (Абдулҳолиқ)нинг калимоти қудсияларидин турур ва бу сақкиз иборатким, хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларининг биноси онга турур: хуш ҳар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдкард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт. Буларнинг ғайри борча пиндошт, яъни ужбу гурур турур.

Маҳфий қолмасунким, бу тоифайи алиййа мусталаҳоти жумласидин яна уч калима турур: аввал — вуқуфи замоний, вуқуфи ададий ва вуқуфи қалбийдурким, жумласи ўн бир калима бўлур.

Вақтеким, Ҳазрати Хожа (Абдулҳолиқ) сарҳалқайи силсилаи хожагон турурлар, ложарам, бу мақомда озорнинг мусталаҳлариким, бу азизларнинг тариқларини билмак онга мавқуф ту-

1 Ҳазал, шеър ва мусиқа тинглаш орқали ва ё жазба келганила рақс тушиб, зикрга берилиш.

2 Мурид тариқатда камолга етгунча маълум муддат одамлардан узоқ юриши назарда тутилмоқда.

рур, бу тоифанинг ибороти шарифалари била ўн бир рашҳанинг зимнида шарҳе топор, байнал ижмол ват-тафсил. Валлоҳу яқулул-ҳақ ва ҳува яҳдис-сабил.

*Раҳша 1.* «Ҳуш ҳар дам» ул турурким, ҳар нафасеки, ичкаридин келур, керакдурким, ҳузур ва огоҳлик юзидин бўлса ва ғафлат онга йўл топмаса. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қаддасаллоҳу руҳаҳу ойтибдурларким, ҳуш ҳар дам, яъни бир нафасдин интиқол этмак яна бир нафасга, керакки, ғофиллик, юзидин бўлмай, ҳузур важҳидин бўлсун ва ҳар нафасеки урор Ҳақ субҳонаҳудин холий ва ғофил бўлмасун. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтувдурларким, бу тариқда риояти ҳифзи нафасини муҳим тутубдурлар, яъни керак жамиъи анфос ҳузур ва огоҳлик наътиға масруф бўлсун ва агар киши муҳофазаги нафас қилмаса, ойтурларким, фалон киши нафас гум қилибдур, яъни тариқ ва равишни йўқ қилиб турур. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳу ойтдиларким, бинойи корни бу йўлда нафасга қўймоқ керак, ондоғким, замони ҳолнинг муҳимроқ вазифасига машғул бўлмоқни тазаккури мозийдин ва мустақбалда фикр этмоқдин фориг ойлантурсун ва нафасни қўймасунким, зое ўткай. Ва нафасининг хуружи ва духулида ва мобайн ун-нафасайнни ҳифз этмакда саъе қилсунким, ғафлат бирла кириб чиқмасун. Рубоий:

*Эй монда зи баҳри илм бар соҳили айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.*

*Бардор Сарфи назар зи мавҷи кавнайн,  
Огоҳ ба баҳр бош байн ан-нафасайн.*

(Эй, илм денгизига кирмай,

булоқ лабида қолган киши,

Денгизда фароғат бор,

соҳилда эса бахтсизлик.

Дунёнинг мавжланишига ҳуш назар ила боқма,  
Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўл.)

Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон Жомий қуддиси сирруҳус сомий «Шарҳи рубоийёт»ни ахийрида келтирибдурларким, Шайх Абулжаноб Нажм ул-Кубаро қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу «Фавотиҳ ул-жамол» деган рисоласида ойтувдурларким, зикреким жорий турур нуфуси ҳайвонотга олорнинг зарурий нафаслари турур ва онинг учунким, нафаснинг кирмакида ва чиқмоқида ҳарфи «ҳо»ким Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг гайби

хувийятига ишорат турур, они ойтилур. Агар хоҳласунларким, агар хоҳламасунларким, муборак Аллоҳдаги ҳарфи «ҳо» шул ҳарф турур ва «алиф», «лом» таъриф учундур ва ташдиди «лом» ул таърифида муболага учун турур. Бас, керакдурким, толиби хушманд Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло онинг малҳузи бўлсин, нафасинг хуруж ва духулида воқиф бўлсунким, нисбати хузури маъаллоҳда футур воқеъ бўлмасун, то етушур ул жойғаким, ул нигоҳдошда этмай, бу нисбат ҳамишга онинг ҳозири дили бўлсин такаллуф била оита билмаским, бу нисбатни ўзидин узоқ қилса. Рубоий:

*«Ҳо» ҳарфи хувийят омад, эй ҳарфшунос.*

*Ва анфоси туро бувад бар он ҳарф асос.*

*Бош огоҳ аз он ҳарф дар уммеду ҳарос,*

*Ҳарфе ғўфтам шуграф агар дори пос.*

*(«Ҳо» Аллоҳнинг борлиқ моҳият ҳарфидир,*

*эй толиб киши,*

*Сенинг олаётган нафасинг шу ҳарф асосидадир.*

*Умид ва кўрқинчда сен шу ҳарфдан огоҳ бўлғил,*

*Агар диққат қилсанг, нодир сўзни ойтдим.)*

Махфий қолмасунким, гайби хувийятким, Ҳазрати Махдумий (Абдурахмон Жомий) бу рубоийда ойтубдурлар, таҳқиқнинг истилоҳида иборатдур зоти субҳонаҳудин ло таъйин эътибори била, яъни итлоқи ҳақиқий шарти бирлаким, лафзи итлоқ била ҳам муқайяд эрмасдур ва мумкин эрмасдурким, бу мартабада ҳеч илме ва идрок асло онга тааллуқ топғой ва бу ҳайсийятдин мажҳули мутлақ турур.

*Рашиа 2.* «Назар бар қадам» улдулки, назари пушти пойида бўлсун, токим онинг назари пароканда бўлмасун ва дуруст эрмас жойга тушмасун. Ва лойиқдурким, назар бар қадам ишорат бўлса солиқнинг сайрининг суръатиға ҳастийликнинг масофатларини қатъ этмақда ва худпарастликнинг уқбаларини тай қилмоқда, яъни назари ҳар ерда мунтаҳий бўлса, филҳол онга қадам кўяр, ул нимарсаким, Абу Муҳаммад Рувайм қуддуса сирруҳу ойтибдурларким: «Адаб ул-мусофир ан ла южавиза ҳиммата қадамиҳ», яъни солики мусофирнинг адаби букич, ҳиммат қадамиға тажовуз этмасликдур, бу маъноға ишорат турур. Ва ҳазрати Махдумий китоби «Тухфат ул-Аҳрор»да Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддуса сирруҳунинг мангабатларида бу мазмунни назм а бу янглиғ келтуруб турурлар.

Маснавий:

*Кам зада беҳамдамийи хуш дам,  
Дар нағзашта назараш аз қадам,  
Баски зи худ карда ба суръат сафар,  
Баз намонда қадамаш аз назар.*

(Ҳушёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,  
Назари қадамидин ўзга ерда бўлмаган.

У ўзлигидин суръат билан сафарга,  
яъни узоққа кетган,

Ҳар бир қадами назардан холий бўлмаган.)

Рашҳа 3. «Сафар дар ватан» ул турурким, солиқ табиати башарийда сафар қилур, яъни сифати башарийдин сифати малакийга ва сифати замимадин сифати ҳамидага интиқол этар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) қуддиса сирруҳу ойтиб турурларким, шахси хабис ҳар ерга интиқол қилса, хабосат ондин зойил бўлмас, то сифати хабисадин интиқол этмагунча ва пушида эрмастурким, машойихи тариқат қаддасаллоху арвоҳаҳумнинг ҳоллари сафар ва иқоматда мухталиф тушибдур. Олардин баъзилари ибтидода сафар қилурлар ва ниҳоятда муқим бўлурлар. Ва баъзилари бидоятда муқим бўлурлар ва ниҳоятда сафар қилурлар. Ва баъзилари бидоятда муқим бўлурлар ва сафар қилмаслар. Ва баъзи бидоятда муқим бўлурлар, муқим бўлмаслар. Ва бу тўрт фирқадан ҳар тойифаға сафар этмак ва иқомат қилмоқда нияти содиқ ва ғарази саҳиҳ бор турур, ондоқким, таржимаий «Авориф»да машҳур турур. Аммо, хожагон қаддасаллоху таъоло асрораҳум тариқалари сафар ва иқоматда ул турурким, бидояти ҳолда ул чоғлик, сафар қилурларким, ўзларини бир азизнинг мулозаматиға еткурурлар. Бас, онинг хизматида муқим бўлурлар ва агар ўз вилоятларида ҳам бу тойифадин киши топсалар, тарки сафар қилиб, онинг мулозаматида бўлурлар ва огоҳлиқ малакасининг таҳсилида саъе жамил тақдимға етурурлар. Сифати малака ҳосил бўлгондин сўнг сафар ва иқомат баробар турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор) ойтурларким, мубтадийға сафарда паришонликдин бошқа ҳеч ҳосил йўқтур, вақтеким, толибе азизенинг суҳбатиға етушди, онга ўлтурмақ керак ва сифати тамкинни ҳосил этмак керак ва хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум нисбатлари малакасини қўлга келтурмак керак, ондин сўнг ҳар ергаким борур ҳеч моне йўқтур.

Рубоий:

*Ё Раб, чи хуш аст бе даҳон хандидан,*

*Бевоситаи чаим жаҳонро дидан.*

*Биншин, сафар кун, ки бағоят хўб аст,*

*Безаҳмати по гирди жаҳон гардидан.*

(Эй парвардигор, оғиз бўлиб туриб, оғизсиз кулмоқ

Кўзсиз бутун жаҳонни кўриб турмоқ қандай соз.

Бир жойда ўтириб, сафар қилиб, жаҳон атрофини,

Оёққа захмат етказмай сайр этиш нақадар яхши.)

Ҳазрати Махдумий (Абдурраҳмон Жомий) қуддиса сирруҳу  
«Шиққат ул-ламаъот»да<sup>1</sup> бу байтнинг шарҳидаким:

*Ойнаи суврат аз сафар дур аст,*

*К-он назиройи суврат аз нур аст.*

(Ўзи сувратни қабул қилувчи ойна,

Суврат каби сафар қилишдан узоқдир,

негаки унинг сувратни қабул қилиши нур туфайлидир.)

Шундоғ ойтибдурларким, яъни ойинаи суварийким, иборат ондан мақсул бўлган темир турур, онда нозирнинг суврати интибоъи учун ҳожат онга йўқтурким, сувратнинг тарафига сафар қилса ва ҳаракат кўргузса, онинг учунким, қабули суврат этмаки нуррийят жиҳатидин ўз ваҷҳи турур, ҳар нимарса онинг ваҷҳи муқобаласида бўлса онда кўрунур ва онинг суврати онда мунтабиъ бўлур ва суврат тарафига онинг ҳаракати бўлмас. Бу янглиг, вақтиким, кўнгулнинг ойинаи маънавийси сувари кавнийя хушунотидин халос топди сафо ва нуронийлиқ била мавсуф бўлди ва табиий хостлар зулумоти ондин зойил бўлди, тажаллиёти зот ва сифати Илоҳияни қабул этмакда сайру сулукка ҳожат йўқтур, онинг учунким, онинг сайру сулуки, ваҷҳи қалбнинг тасқили ва тасфиясидин иборатдур, вақтеким, ул мартабайи сафо ва сиқолатга етушди, сафар этмак ва сайру сулук этмакдин мустағний бўлур.

*Раиҳа 4.* «Хилват дар анжуман». Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумдин сўрдиларким, сизнинг тариқангизнинг бйноси не нимарсага турур? Ойтдиларким, хилват дар анжуман — базохир боҳалқ ва баботин боҳақ.

1. Аслида бу китобнинг номи «Ашиъят ул-ламаъот» бўлиб, бу ерда котиб хатога йўл кўйган.

Байт:

*Аз дарун шав ошинову аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам набувад андар жаҳон.  
(Ичдан Ҳақ билан ошно бўл,  
таш(қари)дан бегонадек тут ўзни,  
Жаҳонда бундай чиройли йўл кам бўлади.)*

Ончаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюриб турубдурким:

«Рижолун ла тулҳиҳим тажоратун вало байъун ан зикрил-лаҳи»<sup>1</sup> бу мақомга ишорат турур ва ойтдиларким, нисбати ботиний бу тариқада ондоғ тушубдурким, дилнинг жамъияти малода ва суврати тафриқа кўброқ ондин турурким хилватда. Ва ойтдиларким, бизнинг тарикимиз суҳбат турур ва хилватда шуҳрат ва шуҳратда офат, хайриятда жамъият турур, ул шарт билаким, бир-бирларида нофий бўлсалар.

Ва Хожа Авлиёи Кабир қуддиса сирруҳу ойтдиларким, (киши) зикрда мустафраклик ва машғуллиқ мартабасига етушурким, ҳақиқати дилга зикрнинг ғалабасидин агар бозорга кирса ҳеч сўз ва овоз эшитмас.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, жидду эҳтимом юзидин зикрга машғул бўлган сабабли беш-олти кунда бу мартабага етушурларким, одамларнинг ҳамма овози ва ҳикоятлари зикр кўрунур, ўзини сўзини ҳам зикр эшитур, саъйи эҳтимом этмай етиб бўлмас.

*Раиҳа 5. «Ёдкард»* — ул иборатдур зикри лисоний ё зикри қалбийдин.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддуса сирруҳу ойтубдурларким, зикри таълимийнинг тариқи улдурким, аввал шайх дил бирла ойтур «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ», мурид кўнглини ҳозир қилур ва шайхнинг кўнгли муқобаласида тутар ва кўзини очиб ва оғзини маҳкам тутиб, тилини оғзида ёпуштурур ва тишларини ҳам маҳкам тутиб, нафасини олмай, таъзим ва қуввати тамом бирла зикрга шуруъ этор. Шайхга мувофиқ бўлуб ва кўнгли била ойтур на тили била ва ҳибси нафас этмакда сабр қилсун, бир нафасда уч мартаба ойтсун, ондоғким, зикрнинг ҳаловати асари кўнгулга етушсин.

---

<sup>1</sup> Кишилар (бордирки,) уларни тижорат ҳам, савдо ишлари ҳам Аллоҳнинг зикридан чалғита олмас... (Нур, 37-оят.)

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ўз «Калимоти қудсия»ларининг баъзисиди ёзибдурларким, зикрдин мақсад улдурким, кўнгил ҳамишга муҳаббат ва таъзим ваъзи била Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға огоҳ бўлсун. Агар арбоби жамъиятнинг суҳбатида бу огоҳлик ҳосил бўлса, хулосайн зикр ҳосил бўлуб турур. Мағзи ва руҳи зикр ул турурким, кўнгил Ҳақ субҳонаҳуға огоҳ бўлса ва гар суҳбатда бу огоҳлик ҳосил бўлмаса, тариқ ул турурким ойтилурур. Ва тариқиким онинг нигоҳдошти осонроқ бўлур, бу турурким, дами зери нофда ҳибс этиб, лабини лабига ёпуштуруб ва тилини оғизда бар ваҳе тутсунким, нафас ичкарида кўб танг бўлмасун. Ва ҳақиқати дилким, иборат турур ул мудрики даррокдинким, ҳар тарафга борур, дунё ва мусолаҳаи дунёнинг андишгасини ҳамма(сини) ул қилур ва турфат ул-айнда онга осмонга бормоқ ва тамоми оламни сайр этмак муяссардур, (уни) ҳамма андишгалардин безор этсун. Ва они гўшти пораким, сановбарнинг сувратида турур, онга мутаважжих қилсун ва они зикр ойтмоқға машғул этсун, бу тариқадаким, калимаи «ло»ни тарафи болоға тортсун ва калимаи «Илоҳа»ни ўнг қўл тарафига ҳаракат берсун ва калимаи «иллаллоҳ»ни дили сановбарға қаттиғ урсун, ондоқким, осори ҳарорати тамоми аъзосига етушсин. Ва тарафи нафийда жамиъи муҳаддисотнинг вужудини назари фано ва ноҳостанлик била мутлаа этмак керак ва тарафи исботда вужуди Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони назари бақо ва мақсудлик била мулоҳаза қилмоқ керак ва жамиъи авқотини бу зикрга мустағрақ ойлонтурсун ва ҳеч бир шуғл сабабли ондин кейин қолмасун, то бу калима тақрори воситаси била суврати тавҳид кўнглида қарор тутар ва зикри кўнгулнинг сифати лозими ойланур.

*Раҳша 6.* «Бозгашт» улдурким, ҳар мартабаеким, зокир тили ва кўнгли бирла «калимаи таййиба»ни ойтур онинг изиди шул тил била ойтсун: «Худовандо, манинг мақсудим сан турурсан, санинг ризонг турур», онинг учунким, бу калимаи бозгашт нафий эткучидир ҳар хавотирениким, яхши ва ямондан келур, то онинг зикри холис бўлсун ва онинг сирри мосиводин фориг ойланур. Ва агар мубтадий бидояти зикри калимаи бозгаштда ўзидин сидқ мавжуд топмаса, керакким, они тарк этмасун, онинг учунким, даража-бадаража сидқнинг асарлари зоҳир бўлур.

Хизмати Мавлоно Алоуддин алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) қуддиси сирруҳунинг ажиллаи асҳобларидин эрди, ойтубдурларким, мабодийи аҳволдаким, Ҳазрати Маҳдумдин таълими зикр олиб эрдим, зикри бозгаштга маъ-

мур бўлдим, вақтеким ойтур эрдим: «Худовандо, манинг мақсудим сан турусан ва санинг ризонг турур», манга бу зикрни ойтмоқдин шарм келур эрди, онинг учунким, бу қавлда содиқ эрмас эрдим, сариқ билур эрдимким, ёлғон ойтурман. Бир кун бу хаёлга тушуб, оларнинг ёнларига бордим, ойтдиларким, Шайх (Умар) Баҳоуддиннинг ёнларига борурмиз. Мулозаматларига бордим, вақтеким, ўлтурдим, Шайх ойтдилар: «Ҳазрати Шайх Рукнуддин Алоуддавла қуддиса сирруху ойтиб турурларким, солиқ ҳар неча ўзидин талабда сидқ топмаса, лекин ойтмоқ керакким: «Худоё, мақсадим сан турусан», то вақтеким ҳақиқати сидқ зоҳир бўлур». Вақтеким Ҳазрати Шайхнинг ёнларидан ташқари чиқдук, Ҳазрати Махдум ойтдилар: «Шайх аҳли жазаба турурлар ва истилоҳ билмаслар». Бу сўз маъноси манга пушида қолди, то неча муддатдин сўнг зоҳир бўлдимким, оларнинг ғаразлари ул сўздин бу эрдиким, Шайх тариқи жазба бирла тарбият топибдурлар, на сулуқ тариқи билан. Ва тариқи иршодни билмай турурлар, онинг учунким, ҳануз ул маҳал йўқ эрдиким, Шайх они фақирга зоҳир этсалар, ул жиҳатдинким, то Шайхдин эшитганим йўқ эрди, бозгаштда ул калимани сўзу ниёз юзидин ойтур эрдим ва ул айтмоқда мунфаил ва хижил эрдим. Вақтеким, Шайхдин эшитдим ул сўзу ниёз ва инфиол ва хижолат қолмади.

*Раиҳа 7. «Нигоҳдошт»* — ул иборатдур мууроқабайи хавотирдин, ондоғким, бир дамда неча мартаба «калимайи таййиба»ни ойтурким, хавотири ғайрига ташқари кетмас.

Ҳазрати Мавлоно Саъуддин (Кошғарий) қуддиса сирруху бу калиманинг маъносида ойтиб турурларким, бир соат ва икки соат ва икки соатдин зиёда, у миқдорким муяссар бўлур, хавотирни сақласун, ондин сўнг ғайри онинг хавотирига ўтқай.

Хизмати Мавлоно Қосим алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг асҳоби махсусларининг улуғларидин эрди, бир кун тақрибан ойтдиларким, нигоҳдоштда малака ул даражага етушубдурким, тулуъи фажр вақтиндин то улуғ чоштгоҳгача кўнгилни агёрнинг хутуридин сақлаб бўлур, бар важҳеким, шул миқдор замонда қуввати мутахаййила ўз амалидан маъзул бўлур.

Пушида қолмасунким, қуввати мутахаййиланинг тамоми амалидин маъзул бўлгани, агарчандиким ёрим соат ҳам бўлса, аҳли таққиқнинг наздида бағоят амри азим турур ва ул наводирлардин турур ва куммали авлиёуллоҳга аҳёнан бу маъни даст берур. Ондоғким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддини Арабий қуддиса сирруху «Футухоти Маккий»да ул жойдаким сужуди қалбни баён этибдурлар

ва Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий қуддиса сирруҳунинг саволлари ва жавобларида бу баҳсинг таҳқиқини этубдурлар. Онинг тафсили бу мақомга лойиқ эрмас турур.

*Раиҳа 8.* «Ёддошт»ким, мақсуд ондин ҳама ул турур Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға батариқайи завқ доимо огоҳ бўлмақдин иборатдур ва баъзи бу иборат бирла ойтибдурларким, ҳузури беғайбат турур. Ва аҳли таҳқиқнинг наздида мушоҳадаеким, кўнгулга шуҳуди Ҳақ субҳона ҳубби зотининг тавассути била истило топар ҳусули ёддоштдин киноя турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳроп)нинг бу тўрт калимаким, мазкур бўлди, онинг шарҳида бу иборатларни ойтибдурларким, ёддошт иборатдур зикрда такаллуф этмақдин ва бозгашт иборатдур Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло(га) ружуъ этмақдин ул ваҳж билаким, ҳар мартаба калимаи таййибани ойтур, онинг изидин кўнгулда андишга қилур: «Худовандо, мақсудим сан турурсан» ва нигоҳдошт тил била ойитмай, бу ружуънинг муҳофазатидин иборатдур ва ёддошт иборатдур нигоҳдоштда росух бўлмақдин.

*Раиҳа 9.* «Вуқуфи замоний». Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу ойтиб турурлар, вуқуфи замонаиким, йўл юргувчиларнинг коргузорандаси турур, ул турурким, банда ўз аҳволига воқиф бўлсунким, ҳар замонда онинг сифати ва ҳоли не турур: мужуби шукр турурму ё мужиби узр?

Ва Ҳазрати Мавлоно Яъқуби Чархий қуддиса сирруҳу ойтиб турурларким, Ҳазрати Хожайи Бузруг, яъни Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу қабзи ҳолатда мани истигфорға амр этдилар ва баста ҳолатда шукр этмакка буюрдилар ва ойтдилар: «Бу икки ҳолнинг риояси вуқуфи замоний турур».

Ва яна Ҳазрати Хожа Бузруг ойтдиларким, бинойи кори солиқни вуқуфи замонийда соатга кўйиб турурлар, то нафасни топгучи бўлсунким, ҳузур била ўтарму ё гафлат била? Агар нафасга бино этсалар бу икки сифатни топгучи бўлмас. Вуқуфи замоний суфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум наздида муҳосабадин иборат турур. Ва Ҳазрати Хожа Бузруг ойтиб турурлар: «Муҳосаба улдурким, ҳар соатдин онча бизларға ўтуб турур гафлат биламу ўтубдур ва ҳузур биламу ўтубдур кўрармиз, агар барча нуқсон турур, бозгашт этармиз ва амални ёнги бошдин тутармиз».

*Раиҳа 10.* «Вуқуфи ададий» ва ул зикрда ададни риоя этмақдин иборатдур.

Ҳазрати Хожайи Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу ойтдилар: «Зикри қалба ададни риоя этмак пароканда бўлгон

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

хавотирларни жамъ этмак учун турур». Ва улчаким, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум каломларида воқеадурким, фалоний фалонийни вукуфи ададийга амр қилибдур, мақсуд (андин) зикри қалб турур риояйи адад била ва мужарради риояйи адад эрмастур зикри қалбийда. Ва зокир керакким, бир нафасда уч мартаба ё беш мартаба ё етти мартаба ё йигирма бир мартабага(ча) ойитсун ва адад-ни тоқ қилмоқни лозим санасун.

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қаддасаллоху таъоло руҳаҳу ойтибдурларким: «Кўб ойтмоқ шарт эрмас, керакким, ҳар неча ойтсун вукуф ва ҳузур юзидин бўлсун, то онга фойда мутараттиб ойланур». Вақтеким, зикри қалбийда адад йигирма бирдин ўтса ва асар зоҳир бўлмаса, ул амалнинг беҳосиллиқиға далил бўлур ва асари зикр ул бўлурким, замони нафийда вужуди башарият манфий бўлур ва замони исботда тасарруфоти жазаботи улўҳийятнинг асарларидин асарени мутолаа этилур. Ва ул нимарсаким, Ҳазрати Хожайи Бузруг ойтибдурлар вукуфи ададий илми ладуннийнинг аввал мартабаси турур. Эҳтимоли бордурким, аҳли бидоятға нисбат аввали мартабайи илми ладуний бу тасарруфоти жазаботи улўҳийят асарларини мутолаа этмак бўлурким, Ҳазрати Хожа Алоуддин ойтибдурлар. Онинг учунким, кайфияте ва ҳолатедурким, мувассил турур мартабайи қурбға ва илми ладуний ул мартабада макшуф бўлур. Ва аҳли ниҳоятға нисбат вукуфи ададийким, илми ладуннийнинг аввалғи мартабаси турур, ул бўлурким, зокир воҳиди ҳақиқийнинг эъдоди кавний мартабаларида сараёнийнинг сирриға воқиф бўлур, ондоғким, эъдод ҳисоби мартабаларида воқифи адади сараёнийға воқиф турур. Байт:

*Эъдоди кавн суврати касрат намойишист,  
Фал-куллу воҳидун ятажалла би кулли шаън .  
(Дунёдаги нарсалар кўблик шаклида кўрилади,  
Барчаси биттадир, у кўб нарсада жило қилади.)*

Муҳаққиқларнинг акобирларидин бирлари бу мазмунни шундоғ ойтибдур. Байт:

*Касрат чу нек нигари айни ваҳдат аст.  
Моро шаки намонд дар ин гар тўро шакист.  
(Кўп нарсага яшилаб қарасанг аслида биттадир,  
Сенда шубҳа бўлса ҳам, бироқ бизда шубҳа қолмади.)*

Ва «Шарҳи рубоиёт»да ойтибдурлар. Рубойи:

*Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,  
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.  
Зероки адад гарчи берун аст зи ҳад,  
Ҳам суврату ҳам моддааш ҳаст аҳад.*  
(Авлиё аҳли ва ақл арбоблари мазҳабида,  
Битта нарса барча нарсада зоҳирдир.  
Кўплик гарчи санокдан ташқари бўлса ҳам,  
Аслида кўриниши ва моддаси ягонадир.)

Ҳақиқатдан бу вуқуф турурким, илми ладуннийнинг аввал мартабаси турур. Валлоҳу таъоло аълам.

Пушида қолмасунким, илми ладунний илме турурким, аҳли қурбға таълими Илоҳий ва тафҳими Раббоний била маълум ва мафҳуми бўлур, далоили ақлий ва шавоҳиди нақлий била эрмас. Ондоғким, каломи қадим Хизр алайҳис салом ҳақида буюриб турур: «Ва алламнаҳу мин ладунна илман»<sup>1</sup>. Илми яқин ва илми ладунний аросида фарқ бу турурким, илми яқин иборат турур нури зотни ва сифати Илоҳийни идрок этмақдин. Ва илми ладунний идроки маъонийдин ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин илҳом тариқи била калималарини фаҳм этмақдин киноя турур.

*Раиҳа 11.* «Вуқуфи қалбий» ул турурким, ул икки маъниға маҳмулдир. Бири улким, зокирнинг кўнгли воқиф ва огоҳ бўлур Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло (дин), ул ёддошт мақуласидин турур. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ўз «Калимоти қудсия»ларининг баъзисида ёзибдурларким, вуқуфи қалбий иборат турур кўнгулнинг жаноби Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға огоҳ ва ҳозир бўлмагидин, бар важҳеки, кўнгулда Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин бошқа ҳеч бойисти ва хости бўлмасун. Ва яна бир жойда ойтибдурларким, мундоғ зикрда мазкурға иртибот ва огоҳлиқ шарт турур ва бу огоҳлиқға шухуду вусул ва вужуду вуқуфи қалбий деб ойтурлар. Ва давомнинг маънисини ул турурким, зокир кўнгулдин воқиф бўлсун, яъни асноий зикрда бу қитъайи санавбар аш-шаклга мутаважжиҳ бўлсунким, они мажозан кўнгул дерлар ва чап тарафда чап пистоннинг баробарида воқеъ турур. Ва они зикрға машғул ва гўё ойлантурсун ва қуймасунким, зикрдин ва зикрнинг мафҳумидин ғофил ва зоҳил ойлансун.

<sup>1</sup> ...Шунингдек, унга (яъни, Хизр алайҳис саломға) тарафимиздан бир илм ўргатган эдик. (Қаҳр, 65-оят)

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу зикр-да ҳибси нафас ва риояти ададни лозим санамас эрдилар, аммо вуқуфи қалбийни ҳар икки маъниғаким, ойтулуб эрди, муҳим тутар эрдилар, онинг учунким, хулосайи зикрдин улча улдур вуқуфи қалбийда турур. Байт:

*Монанди мурғи бош ҳон бар байзайи дил посбон,  
К-аз байзайи дил зоядат мастийу завқу қаҳқаҳа.  
(Дил тухуми устида товуқ каби посбон бўл,  
Дил тухумидан мастлиқ, завқ ва қаҳқаҳа туғилади.)*

Вақтеким, Хожа Абдулхолиқ (Ғиждувоний) қаддасаллоҳу таъоло сирраҳуға вафот яқин етушди асҳобларидин тўрт кишиниким, мазкур бўлур, мақоми даъват ва иршодда мустаъад топдилар ва Ҳазрати Хожанинг нақлидин сўнг бу тўрт Бузругнинг ҳар бирлари иршод амрига қиём кўргуздилар ва халқларни Ҳақға даъват қилдилар. Ва Ҳазрати Хожанинг вафотларида сана олти юз ўн еттида эркан ва сармозорларидаги иморатнинг ҳошиясиға бу қитъа ёзилибдурким, вафотларининг таъриҳида ойтибдурлар. Байт:

*Бандайи муҳлис басуйи Холиқи худ шуд равон,  
Чун садои «иржиъи» бишид шуд таълими ў.  
Ў чу дар рўзи азал тақсим карда ҳарчи ҳаст,  
То абад таърихи фағти Хожа шуд тақсими ў.  
(Муҳлис банда «Қайт» садосини эшитгач,  
Ўз Яратувчиси сари равона бўлди.  
Рўзи азалда ҳар бир нарса тақсим қилинганда,  
Хожанинг вафот йили ҳам «тақсими ў» сўзи бўлди.)*

### *Хожа Аҳмад Сиддиқ (раҳматуллоҳи таъоло)*

Олор Хожа Абдулхолиқ (Ғиждувоний) қуддиса сирруҳунинг хулафойи арбаъаларидин аввалғи халифа турурлар. Аслда Бухородин эрдилар ва Ҳазрати Хожанинг вафотларидин сўнг олонинг жойларида ўлтурубдурлар ва бошқа асҳоблар онинг мутобаъати ва мулозаматида бўлдилар. Вақтеким, вафотлари яқин етушди ҳамма ёронларни Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгарийнинг мутобаъатлариға амр этдилар ва олонинг нақлидин сўнг Бухорода бу икки Бузругвор мустаъидлар ва толибларнинг даъватиға ва иршодиға машғуллиқ этдилар. Ва Хожа Аҳмад (Сиддиқ)нинг қабри муборақлари қаряйи Муғёндадурким, Бухоронинг уч фарсахлиқ ерида деҳа турур.

**Хожа Авлиёи Кабир**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Хожа Абдулхолиқ (Ғиждувоний)нинг иккиланчи халифалари турур. Асллари Бухородин эрди. Ибтидои ҳолда Бухоронинг донишмандларидин бирларининг ёнларида таҳсили улумга иштиғоллари бор эрди. Иттифоқо, бир кун Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Бухорода миқдоре гўшт олиб эрдилар. Хожа Авлиё ул ерга етушдилар, кўб ниёзмандлик этиб, илтимос қилдиларким, гўштни манга беринг, то сизнинг била ҳамроҳ уй га олиб борурман. Ҳазрати Хожа илтимосларини қабул этдилар ва (Хожа Авлиё) гўштни Ҳазрати Хожанинг уйларига келтурдилар ва Ҳазрати Хожа оларга хотири хавотири шарифларида йўл бердилар ва ойтдиларким, бир андак соатдин сўнг келинг, то ҳамроҳ бўлуб таом ермиз.

Вақтеким, Хожа Авлиё Ҳазрати Хожанинг мулозаматларидан қайтдилар ўзларини таҳсил мутолаасидин бағоят фусурда топдилар. Ҳазрати Хожанинг суҳбатларига кўнгилни мойил кўрдилар. Соатедин сўнг яна Ҳазрати Хожанинг мулозаматларига бордилар ва фарзандлик давлатини топиб, нисбат ва тариқаларини қабули(ни) топиб, мундин сўнг (мадраса) устозининг хизмати га бормадилар. Ул донишманд ҳар қанча сатй этдиким, оларни бу йўлдан қайтаргай, муяссар бўлмади. Ондин сўнг ҳар ердаким оларни кўрар эрди, таъну маломат тилини узатиб, кўб сафоҳат этар эрди ва Хожа Авлиё онинг баробарида ҳеч сўз айтмас эрдилар, то кечалардин бир кеча Хожа Авлиёга кашф юзидин ул донишманддин амри қабиҳ ва феъли шаниъ зоҳир бўлди ва они кабира ва фоҳишгада кўруб, эртаси бир-бирларига йўлуқдилар, яна ул донишманд маломат ва сафоҳат оғоз этди. Авлиё ойтдиларким: «Эй, устоз, шарм этмассизмуким, кечани фоҳишга била кундузга келтурурсиз ва кундуз мани роҳи Ҳақдин манъ этарсиз». Ул донишманд бағоят хижил ва мунфаил бўлди ва яқин билдиким, оларга Ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг мулозаматларида фатҳе бўлуб турур, мутанаббиҳ бўлуб, шул замон Ҳазрати Хожанинг мулозаматларига бориб ва хизматларида тавбайи инобат била бозгашт этуб, оларнинг тариқаларига иқбол кўргузуб мақбуллардин бўлдилар.

Машҳур турурким, хизмати Хожа Авлиёи Кабир Бухоро бозоридаги Масжиди Саррофонда бир чиллайи хавотир ўлтурдиларким, ул қирқ кеча-кундуз муддатида ҳеч хавотир олорга мазоҳим бўлмай турур. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) бу амрни Хожа

Авлиёдан бағоят ғариб ва азим тутар эрдилар ва писанд қилур эрдилар ва муборак бармоқларини тишлар эрдилар ва ойтур эрдиларким: «Хожাগон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқалариға иштиғол кўргузмак андак фурсатда бу мартабаға етурким, ҳама овозлардин кулоқға зикр келур, эшитур». Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: «Чиллайи хавотирким, Хожа Авлиё алайҳир раҳмадин манқул турур, маъниси улдурким, мутлақо ҳеч хавотир келмогон бўлса, балки мурод улдурким, ҳеч хавотир оларнинг нисбати ботинлариға мазоҳим бўлмаган турур, ондоқким, наҳри жорийнинг юзида хасу хошок сувнинг жараёнимға монё бўлмай турур».

Ва ойтдиларким, Хожа Алоуддин Фиждувонийниким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сиррухунинг ажиллайи асҳобларидин эрди, олардин сўрдиким, сизнинг кўнглунгиз бу тариқададурмуким, ғайре онда ҳутур этмас? Ойтдиларким, йўқ, гоҳ-гоҳ шундоғ бўлур ва бу байтни ўқудилар. Маснавий:

*Чун бағоят тез шуд ин жў(й) равон,  
Ғам напойд дар даруни ошиқон.  
(Бу анҳор жуда тез оқадиган бўлгач,  
Ошиқларнинг қалбига ғам келмайди.)*

Ойтдиларким, ойтубдурки, ғам напойд ойтмайдур, ғам наёяд. Ва бу қавлнинг муаййиди турур улчаким, Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруху ойтибдуларким, хатарот монё бўлмасдур ва ондин эҳтироз этмак душвор турур, ихтиёри табиийким, йигирма йил муддате онинг нафйида эрдим, ногоҳ нисбатға хатаре ўтди, аммо қарор топмади. Хатаротни манъ этмак улуг иш турур. Ва баъзиларнинг биноси онгадурким, хатаротта эътибор йўқ турур, аммо қўймасунким мутамаккин бўлсун ва онинг тамкини сабабли мажорийи файзда судда пайдо бўлур».

Ва Хожа Авлиёнинг муборак қабрлари Бухорода қалъанинг хокрезини устида Буржи Йёрлиқда воқе бўлубдур. Вақтеким, Хожаға вафот яқин етушди, асҳобларидин тўрт кишиниким, мазкур бўлур, хилофотга ихтиёр этдилар ва иршодға ижозат бердилар

*Хожа Дехқон Қалтий  
(раҳматуллоҳи таъло)*

Хожа Авлиёнинг хулофоларидан аввалғи халифа ва Хожанинг вафотларидин сўнг маснади иршодда ўлтурубдурлар ва сойири ху-

лафо ва асҳоб оларнинг мутобаати ва хизматида бўлуб турарлар ва қабри мубораклари Қалтий деган деҳа турурким, қарйадур. Бухоронинг орқа тарафида, шаҳардан икки фарсах ер турар.

*Хожа Закий Худободий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Авлиё хулафоларидин иккиланчи халифа турур ва Хожа Деҳқондин сўнг мақоми иршодда эрдилар ва боқий хулафо ва асҳоблар оларнинг хизматларида бўлдилар ва мулозаматларини қилдилар. Ва қабрлари Худобод деҳасида турурким, Бухоронинг улуғ деҳаларининг жумласидан турур, шаҳардин беш фарсахлиқ жойда турар.

*Хожа Сўкмон  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хулафойи Хожа Авлиёдин учланчи халифа турур. Ва Хожа Закийдан сўнг даъвати халқга машғул эрдилар ва сойири асҳоб онинг хизмати ва мутобаатида бўлдилар. Ва қабрлари Хожа Авлиёнинг қабрлариға яқин турур.

*Хожа Фариб  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Авлиёнинг фарзанди сулбийлари ва тўртланчи халифалари эрдилар ва Хожа Сўкмоннинг изнлари била амри иршодға қиём кўргуздилар ва халқни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға даъват этдилар.

Шайх ул-олам Шайх Сайфиддин Бохарзийким, Шайх Нажмуддин Кубронинг асҳоби киборларидин эрдилар, қаддасаллоҳу руҳаҳумо, олар била муосир эрканлар. Бухоронинг Фатҳободидаким, мадфани Шайх Сайфуддин ул жойдадур, ҳамроҳ бўлуб, кўб суҳбатлар тутиб турурлар ва ул замондаким, шайхи мажзуби маҳбуб ул-қулуб, Шайх Ҳасан Булғорий раҳматуллоҳи таъоло, ўрус ва булғор тарафидин Бухоро вилоятиға келиб турурлар ва хизмати Хожа Фарибниким, тўқсон ёшда эрканлар, топиб турурлар ва бағоят мўътақид бўлубдурлар.

Ва вақтеким, Шайх Сайфуддинға мулоқот этибдурлар, Шайх Сайфуддин ондин сўрабтурларким: «Хожа Фарибни не

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

янглиғ топдингиз?» Ойтибдурларким: «Марди тамом турур ва онинг сулуки жазба бирла орастадур».

Шайх Ҳасан Булғорий муддати уч йилким Бухорода муқим бўлубдурлар, доимо Хожа Фариб била суҳбат тутар эрдилар. Хованд Тожуддин Сагтожийдинким, акобири вақтдин эрди, шундоғ манқулдурким, Шайх Ҳасан Булғорий алайҳир раҳма ойтдиларким: «Ман муддати ҳаётимда қўб авлиё ва арбоби қулубға мулозамат этдум, ҳеч кишини Хожа Фарибнинг мартабасида кўрмадим». Шайх Ҳасан «Мақомот»ида мазкурдурким, ойтибдур: «Ман муддати умримда авлиёдин йигирма саккиз танга мулозамат этдум, олар(нинг) аввали Шайх Саъдуддин Ҳаммуи эрди ва ахийри Хожа Фариб қалдасаллоху арвоҳаҳум».

Ва Шайх Ҳасаннинг аҳволидин мужмале «Мақсади аввал»нинг фасли аввалида Шайх Умар Боғистонийнинг зикридаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг жалди аълолари эрди, тақрибан ирод топар.

Ва Хожа Фарибнинг тўрт халифалари бор эрдиким, мазкур бўлур, ҳаммалари солики тариқи рашод ва соҳиби даъват ва иршод эрдилар.

### ***Хожа Авлиёи Порсо (раҳматуллоҳи таъоло)***

Халифайи аввал турур хулафойи арбаъайи Хожа Фариб алайҳир-раҳмадин ва олар Хирмантиҳи қарйасидин турурларким, деҳайе турур Бухоро вилоятида ва ҳоло мундарис ва мунтамис бўлган турур ва қабрлари ҳам шул жойда турур.

### ***Хожа Ҳасан Шоврий (раҳматуллоҳи таъоло)***

Хожа Фарибни иккиланчи халифаси турур ва олар қарйаи Шоврдан турурким, Бухоро вилоятининг деҳаларидин бир деҳа турур, ул ҳам ҳоло мундарис турур. Қабрлари ҳам ул ерда турур.

### ***Хожа Ўқитмон (раҳматуллоҳи таъоло)***

Хожа Фарибнинг учланчи халифаси турур. Қабрлари Бухорода Ҳавзи Муқаддамға яқин Хожа Чаҳор шанбанинг пушталарининг устидаким, шаҳарнинг қибласида воқеъ турур.

*Хожа Авлиёйи Фариб  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Фариб алайҳир раҳманинг хулафоларидин тўртланчи халифа турурлар.

*Хожа Сулаймон Карминий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Олар Хожа Абдулхолиқ (Ғиждувоний) қуддиса сирруҳунинг хулафоларидин учланчи халифа турурлар. Ва баъзилар оларни Хожа Авлиёнинг халифалари жумласидин деб турурлар. Эҳтимоли бордурким, олар аввал Ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг мулозаматларини эткан бўлсалар, лекин итмоми амрлари Хожа Авлиёнинг сўхбатларида бўлгон бўлсалар. Валлоҳу таъоло аълам.

*Раишҳа.* Олардин сўрдиларким: «Вал мухлисун ала «хатари азим»ким, ҳадисда воқеъ бўлуб турур, ул «хатари азим» не нимарса турур?» Ойтдиларким: «Агар бу хатар «хатари хавф» бўлса эрди лафзи «фий» бирла мусаддар бўлмоғи керрак эрди. Аммо, вақтеким, 4арфи «алз» била мусаддар бўлубдур, далил турур онуаким, мурод бу «хатари азим»дин мақоми олий турурким, мухлисларға муяссар бўлур ва бу мақомнинг лозими хавф турур. Ва улким, хавф онга голибдур, мақомининг баландлиги жиҳатидандур. Онинг учун ҳарким офтобға яқинроқ бўлса, ҳарорати офтобға онда таъсир кўброқ бўлур».

Хожа Сулаймоннинг муборак қабрлари Кармина вилоятидадур ва ул кўб деҳаларға муштамил бўлгон бир қасабадур, ул ердан Бухоро шаҳриғача ўн фарсахи шаръий йўл турур.

«Рисолайи Баҳоия»даким, муштамил турур Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг мақомот ва маноқибларига, шайхи фозили комил Абулқосим ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Бухорий алайҳир раҳманинг таълифлари турурким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳунинг кибори асҳоб ва таломизаларидин турурлар, шундоғ мазкурдурким, хизмати Хожа Сулаймоннинг икки халифалари бор эрканким, соҳиби иршод эрканлар ва халқни Ҳақға даъват этибдурлар. Рисолайи «Маслак

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

ул-орифин»да келтирубдурларким, Хожа Сулаймонга бир халифа бор эрди. Мажмуъларининг зикри ҳар бириси ўз замонида ирод топар.

*Хожа Муҳаммадшоҳ Бухорий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Сулаймоннинг аввалги халифалари эрди ва оларнинг вафотларидин сўнг қойим мақомлари бўлдилар.

*Шайх Саъдуддин Фиждувоний  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Сулаймоннинг иккиланчи халифалари турур. Хожа Муҳаммадшоҳдин сўнг халқнинг даъвати ва тарбиятига машғул бўлуб турурлар.

*Шайх Абу Саъид Бухорий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Олар ҳам Хожа Сулаймоннинг асҳоби киборларидин эрдилар ва оларнинг хулафоларидин. Ва Шайх Муҳаммад Бухорийнинг пири ва муқтадоси турурларким, хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумнинг тариқалари таълиф этулгон «Маслак ул-орифин» деган китобнинг соҳиби турур. Ул китобда мундоғ мазкурдурким, вақтеким, Хожа Сулаймонга вафот яқин етушди асҳобларининг аросидан Шайх Абу Саъидни хилофат ва ниёбатга ихтиёр этдилар. Ва шайх Абу Саъид олардин сўнг неча йиллар толиблар ва содиқларга пешво ва муқтадо бўлдилар.

*Раиҳа.* Шайх Абу Саъиддин сўрдиларким: «Вақтеким, хавотир келса ва бозгашт бирла они нафий қилурмиз ва манфий бўлур, на тариқа билурмизким, ул хавотир нафсонийдурму ё шайтоний?» Ойтдиларким: «Ҳозир бўлунг, агар яна ҳам ул либосда авд қилса, аввалги хавотирнинг мисли бўлса ул хавотир нафсоний турур, онинг учунким, ибром ва лижож онинг сифати турур ва бир орзуни муқаррар талаб қилур ва то вақтигаким, онинг мақсади ҳосил бўлур, бас, яна бир орзуға юз қўяр. Аммо, агар бошқа бир либосда авд этса шайтоний турур, онинг учунким шайтонийнинг мақсади излол ва игво турур. Агар ул либосда солиқни йўлин ура билмаса, яна бир либосда келур ва бошқа қафудин кирар».

*Раиҳа.* Ҳам олардин сўрдиларким: «Тариқатдин сўз ойтмоқ кимга етушур?» Ойтибдурким: «Одамега етушур агар онинг зоҳирини ҳамаи аҳли заминга арз этсалар, зоҳирида ҳеч айбе шаръан ҳеч топмаслар. Ва агар онинг ботини(ни) ҳамаи аҳли осмонга арз этсалар, ботинида ҳеч нуқсоне топмаслар».

***Хожа Ориф Ревгарий***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Хожа Абдулҳолиқ (Ғиждувоний) қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг хулафоларидин тўртланчи халифа турурлар. Мавлид ва мадфанлари Ревгар турурким, Бухоронинг деҳаларидин бир деҳа турур, шаҳардин олти фарсах ерда. Ул ердин то Ғиждувонга(ча) бир фарсахи шаръий турур.

Ҳазрати Хожа Ҳоҷоуддин қуддиса сирруҳуни силсилаи нисбаглари ва иродатлари Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқнинг хулафолари аросидин хизмати Хожа Ориф қуддиса сирруҳуға етушур.

***Хожа Маҳмуд Анжирфағанвий***  
***(қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу)***

Олар Хожа Орифнинг афзал ва акмал асҳоблари турур. Ва Хожа Орифнинг асҳоблари аросида хилофат ва иршод била мумтоз эрдилар ва мавлидлари Анжирфағаний турурким, бир улуг деҳа турур Бухоро вилоятида ва Вобкан музофотидин. Шаҳардин уч фарсах узоқдур. Вобкандда муқим эрдилар ва қабри мубораклари ҳам ул ерда турур. Гилкорлиқ касбига шуғллари бор эрди ва ул мамардин важҳи маош: этар эрди. Ва Вақтеким, Хожа ижозати иршодни топдилар ва халқни Ҳаққа даъват этмакка маъзун бўлдилар, муқтазойи вақтга бино кўйиб, толибларнинг ҳоли маслаҳати учун зикри алонийа (жаҳрий зикр)ни ифритгоҳ этдилар. Аввал мартаба машғул бўлубдурлар. Ҳазрати Хожа Ориф марази мавтида эркан, оларнинг жон таслими замониға яқин пуштаи Ревгарий устида эрди. Ва Хожа Ориф ул маҳалда ойтдиларким: «Бу вақт ул вақт турурким, бизга ишорат этуб эрдилар, яъни ғайбдан ишорат етушур эрдиким, вақте толибларнинг маслаҳати жони учун «зикри жаҳр» ойтмоқ керакдур». Оларнинг нақлидин сўнг Ҳазрати Хожа Маҳмуд Вобканд дарвозасининг ёнидаги масжидда «зикри алонийа»ға машғул бўлдилар.

Ва Мавлоно Ҳофизиддин кибори уламои вақтдин эрдилар, устоз ул-уламо, шамс ул-аимма Ҳалвойи раҳимаҳумуллоҳу таъо-

лонинг ишоратлари била Бухорода Хожа Маҳмуддин аимма ва уламои замондин жамъи касир ҳузурида савол этдиларким:

«Зикри алонийани сиз қайси ният била ойтурсиз?» Хожа ойтдилар: «Ётган киши бедор бўлсун ва ғофил огоҳ бўлсун ва йўлга юз келтурсин, шариат ва тариқат истиқоматиға кирсун ва тавба ва инобати ҳақиқийғаким, барча хайротнинг мифтоҳи ва барча саодатларнинг асли турур, рағбат кўргузсун». Хизмати Мавлоно Ҳофизиддинким, Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳунинг жадди аълолари турур ва ойтдиларким: «Сизнинг ниятингиз саҳиҳ турур ва сизга бу шуғл ҳалол турур». Ул вақтда Хожа Маҳмуддин илтимос этдиларким: «Зикри алонийаға бир таърифи баён этгинким, ул таъриф била ҳақиқат мажоздин мумтоз ойлансун ва бегона ошинодин жудо бўлсун». Ҳазрати Хожа ойтдиларким: «Зикри алонийа одамега мусалламдурким, онинг тили покиза бўлса ялғон сўзламак ва ғийбат қилмоқдин, ҳулқи покиза бўлса ҳаром ва шубҳатдин, кўнгли покиза бўлса риё ва тамъадин, сирри покиза бўлса ғайри Ҳазрати рубубиятға таважжуҳ қилмоқдин».

Ҳазрати Хожа Али Ромитанийким, Хожа Маҳмуднинг ажиллайи асҳобларидин эғди, ойтдиларким: «Бир дарвиш Хожа Маҳмуднинг аҳли давлатида Ҳазрати Хожа Хизр алайҳиссаломни кўрди, ондин сўрадиким: «Бу замонда машойихдин ким турурким, жодайи истиқоматда собит бўлса, то иродат илкани онинг мутобаати этагига уруб, иқтидо қилсам?» Хожа Хизр ойтдилар: «Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий».

Хожа Али (Ромитаний)нинг баъзи асҳоблари ойтибдурларким: «Ул дарвешким, Хизрни кўруб эрди, Хожа Али (Ромитаний) эрдилар. Аммо, ўзлариға ул сўзни келтурмас эрдиларким: «Ман Хизр кўрдим». Ойтурларким, бир кун Хожа Али сойири асҳоби Хожа Маҳмуд била Ромитан деҳасида зикрга машғул эрдилар, ногоҳ кўрдиларким, бир улғу оққуш парвоз этиб оларнинг бошлари устидан ўтарди, вақтеким, самт ур-раъслариға етушди, фасиҳ тил бирла ойтдиким: «Эй Али, мардона бўлгил». Асҳобларға ул қушни кўргандин ва ул сўзни эшитгандин сўнг сўрабдурлар: «Бу не эрдиким, кўрдук ва эшутдук?» Хизмати Хожа Али ойтдиларким: «Ул Хожа Маҳмуд эрди, Ҳақ таъоло оларға ул кароматни этибдурким, доимо ул мақомдаким, Ҳақ субҳонаху ва таъоло Мусойи Калим алайҳис саломға неча минг калима ойтибдур, парвоз этурлар. Ва ул маҳалда олар Хожа Деҳқон Қалтийким, Хожа Авлиёйи Кабирнинг аввалғи халифалари эрди, онинг такаюғлариға бориб

эрдиларким, вафоти яқин етушуб эрди, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин талаб қилиб эрдиким, нафаси ахийрда ўз дўстларингдин бирисини манинг ёнимга юборким, вақти рихлатда манга мадад қилсун. Хожа Маҳмуд ул сабабдин бориб эрдилар».

Ва хизмати Хожа Маҳмуднинг икки халифалари бор эрдиким, олардин сўнг мақоми иршодда эрдилар ва халқни тариқи таҳқиқга далолат қилдилар.

***Амири Хурди Вобканавий  
(раҳматуллоҳи таъоло)***

Одлари Амир Ҳусайн турур. Хожа Маҳмуднинг хулафоларидин халифайи аввал турурлар ва ўз замонининг улуғларидин эрдилар ва толиби содиқларнинг маржиъи эрди. Ва аларга Амир Ҳусайн одлиғ бир улуг биродар бор эрди Мир Калон Маъруфким, олар ҳам Хожа Маҳмуднинг асҳобларидин эрди, лекин Хожанинг хилофат ва ниёбат амрлари Мири Хурдга муфаввиз бўлбдур. Ва Мири Хурднинг қабрлари Вобканд деҳасида турур.

***Хожа Али Арғундоний  
(раҳматуллоҳи таъоло)***

Амири Хурднинг халифалари эрди ва қабрлари Арғундон деҳасида турур, Занданий қасабасидан, шаҳри Бухородан беш фарсаҳлик ерда турур.

***Хожа Али Ромитаний  
(қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу)***

Олар Хожа Маҳмуднинг хулафоларидин иккиланчи халифадурлар ва лақаблари силсилаи хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумда «Ҳазрати Азизон» турур. Ва ойтурларким, вақтеким, Хожа Маҳмудга вафот яқин етушди, хилофат амрини Ҳазрати Азизонга ҳавола этдилар ва сойири асҳобни оларга топшурдилар. Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг силсилаи нисбатлари Хожа Маҳмуднинг хулафо ва асҳоблари орасидин икки восита била оларга етушур ва оларга мақомоти рафиъа ва каромоти ажиба кўб турур. Ва бофандалик санъатида машғул эрдилар.

Ҳазрати Маҳдумий (Жомий) китоби «Нафаҳот ул-унс»да ёзибдурларким, бу фақирнинг баъзи ақобирдин шундоғ истимоми бордурким, оларга ишоратдур, улчаким, Ҳазрати Мавлоно

Жалолиддин Румий қуддиса сирруҳу ғазалиётларида ойтубдурлар. Байт:

*Гар на илми ҳол фавқи қол буди, кай шуди,  
Банда аёни Бухоро Хожайи нассожро?  
(Дунёвий илм авлиёлик илмидан устун бўлса,  
Бухоро аёнлари тўқувчи Хожага  
кул бўлишгарми?)*

Мавлиди шарифлари Ромитан турурким, Бухоро вилоятида бир улуг қасабадур, шаҳарнинг икки фарсахида муштамил турур кўб бўлак деҳалариға. Ва қабри муборақлари Хоразмда маъруф ва машхур турур. Юзору ва ютабарраку биҳи, зиёрат этулуру ва онинг била табаррук элтурлар. Ва оларнинг анфоси нафисалари барако-тиндин турур бу бир неча сўзким, ўн олти рашҳанинг зимнида ирод топар.

*Раиҳа 1.* Ҳазрати Шайх Рукнуддин Алоуддавла Симноний — қадасаллоҳу таъоло руҳаҳу — олар бирла муосир эрдилар ва оларнинг ўрталарида муросалот ва муфозот воқеъ бўлубдурким, ойтурларким, Ҳазрати Шайх (Рукнуддин) бир дарвишни оларнинг хизматиға йибордилар ва уч масъала сўрадилар ва ҳар бирига жавоб эшитдилар.

Аввалиғи масъала улким: «Сиз ва биз келгувчи ва кеткувчига хизмат қилурмиз ва сиз таомда такаллуф этмассиз ва биз такаллуф этармиз ва одамлар сиздан озодлиқ этарлар ва биздин гилада турурлар. Сабаб не турур?» Ҳазрати Азизон жавобда ойтдиларким: «Хизмат этиб миннат қўйгувчилар куб турур ва хизмат эта туруб миннатдор бўлгувчилар кам турурлар. Жаҳд қилингим, хизмат эта туруб, миннатдор бўлгувчидин бўлунг, то ҳар киши сиздин гилада бўлмасун».

Иккиланчи масъала улким: «Эшитибмизким, сизнинг тарбийатингиз Ҳазрати Хизр алайҳис саломдин турур, бу не янглигдур?» Жавобда ойдуларким: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бандалари ул нимарсанинг ошиқи турур, Хизр (алайҳис салом ҳам) онинг ошиқи турур».

Учланчи масъалаким: «Бизлар эшитурмизким, сиз «зикри жаҳр» ойтурсиз. Бу нечукдур?» Жавобда ойтдилар: «Бизлар эшитурмизким, сиз «зикри хуфия» ойтурсиз, бас, сизнинг зикрингиз ҳам жаҳр бўлур».

*Раиҳа 2.* Мавлоно Сайфуддин Қиссаким, замоннинг уламо ва акобирларидин эрдилар, Ҳазрати Азизондин савол этдиларким:

«Сиз «зикри алонийа»ни қайси нийят била ойтурсиз?» Олар ойтдиларким: «Барча уламнинг ижмои била нафаси ахийрда банд айтмоқ ва талқин этмак ҳадиси «Лаққину мавтокум бишгаҳодати ло илоҳа иллаллоҳ»<sup>1</sup> ҳукми билан жойиз турар ва дарвишларга ҳар нафас — ахийри нафас турур».

*Раиҳа 3.* Шайх Бадриддин Майдонийким, Шайх Ҳасан Булғорийнинг асҳоби киборларидин турур, Ҳазрати Азизоннинг суҳбатларини топиб эрдилар. Олардин сўрдиларким: «Зикри касирким, бизлар Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло наздидин онга маъмур турурмиз «Кама қолаллоҳу таъоло зикран касира»<sup>2</sup>, зикри тил турурму ё зикри дил?» Азизон ойтдиларким: «Мубтадийга зикри тил ва мунтаҳийга зикри дил. Мубтадий ҳамишга такаллуф ва тааммул қилур ва жон чекар. Аммо, мунтаҳийга, вақтеким, зикрининг асари кўнгулга етушди барча аъзо ва жавоҳир ва уруқ ва мафосиллари зикрга гўё бўлур ва ул вақтда солиқ зикри касир била мутаҳаққиқ бўлур. Ва ул вақтда онинг бир кунлик иши бошқаларнинг бир йиллик ишига баробар бўлур».

*Раиҳа 4.* Ойтурларким, ул сўзнинг маъносиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳар кеча-кундузда уч юз олтмиш мартаба раҳмат назари била бандайи мўминнинг кўнглига назар қилур ул турурким, дилининг жамиъи аъзоға уч юз олтмиш равзанаси бордур ва ул уч юз олтмиш тамор (томир) турур аврида ва шаройиндинким, дилга муттасил турур. Вақтеким, дил зикрдин қабули таъбир этса, ул мартабаға етушсаким, манзури назари Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бўлса, ул назарнинг асарлари дилдин жамиъи аъзоға муншаъб бўлур, то ҳар бир узв ўз ҳолига лойиқ тоатга машғул ойланур ва ул тоатларнинг нурлари ҳар бир узвдин файзиким, назари раҳмат ондин иборат турур, дилга етушур.

*Раиҳа 5.* Олардин сўрдиларким: «Иймон не турур?» Ойтдиларким: «Кандан ва пайвастан», яъни узмак ва пайванд этмак. Ўз санъатларигаким, бофандалик эрди, муносиб жавоб ойтдилар.

*Раиҳа 6.* Олардин сўрдиларким: «Масбуқ ўз масбуқонасини ўкумоққа қачон турар?» Ойтдиларким: «Субҳдин аввал, яъни керакким, вақтдин аввал турсун, то намози қазо бўлмасун».

*Раиҳа 7.* Ойтдиларким: «Ояти каримамайи «Тубу иллаллоҳи»да<sup>1</sup> ҳам ишорат турур, ҳам башорат. Ишорат тавба этмакка, башорат

1. Ўликларингизга (яъни ўлим тўшагида ётган яқинларингизга)шаҳодат калимаси «ло илоҳа иллаллоҳ»ни ойтиб турунглр.

2. Аллоҳу таъоло айтганидек, «кўб-кўб зикр қилинглр».

онинг қабулига. Агар қабул қилмаса эрди, амр этмас эрди. Амр — далили қабул турур тақсирни кўрмак била».

*Раиҳа 8.* Ойтдиларким: «Амал этмак керак ва этмагандек хаёл этмак ва ўзини муқассир кўрмак ва амални янги бошдин этмак».

*Раиҳа 9.* Ойтдиларким: «Икки вақт ўзларингизни яхши қараб тутунг: сўзлаган вақтда ва бир нимарсани еган вақтда».

*Раиҳа 10.* Ойтдиларким: «Бир кун Ҳазрати Хизр алайҳис салом Хожа Абдулҳолиқнинг ёнлариға келдилар. Ҳазрати Хожа икки арпа чуроки (нон) уйидин чиқардилар. Хизр алайҳис салом емадилар. Ҳазрати Хожа ойтдилар: «Тановул қилингким, ҳалол турур». Хизр алайҳис салом ойтдилар: «Шундоғ турур, аммо онинг хамир эткучиси бетаҳорат эркан, бизга они емак раво эрмасдур».

*Раиҳа 11.* Ойтдиларким: «Кишиким, бу ерда ўлтурур, халқни Худоға чақирур, керакким, ул мисли қушчидек бўлсунким, ҳар қуш ҳавсаласини билур ва онинг таъбиға лойиқ ҳар вақт туъмасини берур. Муршид ҳам керакким содиқлар ва толибларнинг тарбиятини қобилиятлари ва истеъодларининг тавофути андозасинча қилсун».

*Раиҳа 12.* Ойтдиларким: «Агар хамаи рўйи заминда Хожа Абдулҳолиқнинг фарзандларидин бирлари бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорға кетмас эрди, яъни агар Хожанинг фарзанди маънавийларидин бирлари ҳаёт бўлса эрди, Ҳусайн Мансурни тарбият бирла ул мақомдин ўтқарур эрди».

*Раиҳа 13.* Ойтдиларким: «Йўл юргучиларға риёзат ва мужоҳада кўб торгмоқ керакдур, то мартабаға ва мақомага етушурлар. Аммо, бу йўлларнинг барчасидин яқинроқ йўл борким, тезроқ мақсудға етушса бўлур ва ул йўл улдуким, йўл юргувчи кўшиш қилсун ўзини бир хулқининг ва хизматининг воситаси била соҳибдиленинг кўнглида жой этсун. Вақтеким, бу тойифанинг кўнгуллари мавриди назари Ҳақ турур, онга ҳам ул назардин насибе етушур».

*Раиҳа 14.* Ойтдиларким: «Тиле бирла дуо этунгким, ул тилға гуноҳ жорий бўлғон бўлмаса то ижобат мутараттиб бўлур, яъни Аллоҳу таъолонинг дўстларининг ёнинда тавозу ва ниёзмандлик қилинг, то олар сизлар учун дуо қилур».

*Раиҳа 15.* Бир кун бир киши Ҳазрати Азизоннинг ҳузурларида ўқуйдуким, мисраъ:

---

1. Аллоҳға тавба қилингиз.

*Ошиқон дар даме ду ийд кунанд.*  
(Ошиқлар бир лаҳзада икки байрам қилурлар.)

Олар ойтдиларким: «Уч ийд қилурлар». Ул киши ойтибдурким: «Ҳазрати Азизон бу маънини кашф этсунлар». Этдиларким: «Бири банданинг ёд этмаки Аллоҳу таъолони икки мартаба ёд этмак аросида. Аввал бандага тавфиқ берурким, онинг ёдини қилур. Вақтеким, ёд этса шарафи қабулга мушарраф қилур. Бас, тавфиқу қабул ва ёд этмак уч ийд бўлур».

*Рашиҳа 16.* Бир кун Шайх Фахруддин Нурийким, ул замоннинг акобирларидин эрди, Ҳазрати Азизондин сўрдилар: «Сабаб недурким, рўзи азалда саволи «Аласту бироббикум»<sup>1</sup> воқеъ бўлди, жамъи лафзни «бала»<sup>2</sup> била жавоб бердилар ва рўзи абаддаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло «ли-манил мулк ул-явм»<sup>3</sup> деб нидо қилур, ҳеч киши жавоб бермас?» Олар Ойтдиларким: «Рўзи азал таколифи шаръийяни вазъ этулган кун эрди ва шариатда сўзламак бўлур. Аммо, рўзи абад таколифи шаръийяни воқеъ этилур кундир ва олами Ҳақиқатнинг ибтидосидур ва ҳақиқатда сўзламак бўлмас, ложарам ул кун Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ўзига ўзи жавоб ойтурким: «Лиллаҳил воҳид ил-қаҳҳор»<sup>4</sup>.

Ва Ҳазрати Азизонга мансуб бўлгон ашъорларнинг жумласидин турур ва бир қитъа ва тўрт рубоийким, ойтиб турурлар.

Қитъа:

*Нафси мўрғи муқаййид дар дарун аст,  
Нигаҳдораиш, ки хуш мўрғисту дамсоз.  
Зи пояиш банд бигсил то напаррад,  
Ки нотаवони гирифтани баъди парвоз.  
(Боғлаб қўйилган нафс қуши ичингдадир,  
У сен учун ёқимли қушки, уни эҳтиёт қил.  
Оёғидан маҳкам боғлаки, учиб кетмасин,  
Учганидан сўнг уни тута олмайсан).*

Рубоийёт:

*Бо ҳар ки нишгасти нашуд жамъ дилат,  
В-аз тў нараמיד заҳмати обу гилат,*

1. Парвардигорингиз эмасманму?

2. Албатта. Парвардигоримиздурсен.

3. Бугун ҳукмронлик кимга тегишли?..

4. Қаҳҳор бўлган ягона Аллоҳга (тегишлидир). (Ғофир, 16-оят.)

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

*Аз суҳбати вай табарро накуни,  
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон бихилат.  
(Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсангу,  
тил топишолмасанг,  
Сендан обу гил (одамзотга хос) заҳмат кетмаса,  
Агар унинг суҳбатидан қўл ювмасанг,  
Азизоннинг руҳи сени ҳаргиз кечирмайди).*

Рубоий:

*Бечора дилам ошиқи рўйи тў буд,  
То вақти субуҳ душ бар кўйи ту буд.  
Чавғони сари зулфи ту аз ҳол ба ҳол,  
Мебўрдашу ҳамчунон яки гўйи ту буд.  
(Бечора дилим юзингнинг ошиғи эди,  
Тундан то тонггача сени кўйингда эди,  
Зулфинг чавғони бир ҳолатдан  
бошқа ҳолатга олиб кетса-да,  
У ҳам сенинг ягона гўйинг эди.)*

Рубоий:

*Чун зикр ба дил расад дилат дард кунад,  
Он зикр буд, ки мардро фард кунад.  
Ҳар чанд, ки хосийяти оташ дорад,  
Лекин бу жаҳон бар дили ту сард кунад.  
(Зикр дилингда етгач, дилингда дард пайдо бўлади,  
Бу ўша зикрки,  
инсонни тенгсиз ва ягона қилади.  
У ҳарчанд олов хосияти эга бўлса-да,  
Бироқ икки жаҳонни кўнглингда совутади.)*

Рубоий:

*Хоҳи, ки ба ҳақ, раси, биёром, э тан,  
Вандар талаби дўст биё ром, э тан.  
Хоҳи мадад аз руҳи Азизон ёби,  
Пой аз сари худ соз биё Рометан.  
(Агар Ҳаққа етмоқчи бўлсанг,  
эй, тан, оҳиста кел,  
Дўст талабида таслим бўлган ҳолда кел, эй тан.*

Агар Азизоннинг руҳидан ёрдам олай десанг,  
Оёгингни қўлга олиб Ромитанга кел).

### *Мин Ҳавориқи одотиҳи қуддиса сирруҳу<sup>1</sup>*

Манқулдирким, хизмати Саййид Отоким, зикрлари Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруҳумонинг силсилаларида ўтуб эрди, хизмати Азизон била бир замонда эрдилар ва гоҳ-гоҳ бир-бирларига мулоқот қилур эрдилар. Ва хизмати Саййид (Ото)нинг мабодийи ҳолда оларга инкорлари бор эркан. Бир кун хизмати Саййид (Ото)дан оларга нисбат тариқи одобға мунофий суврата воқеъ бўлубдур. Иттифоқо, шу кунларда турклардин бир жамъе Дашт тарафидин чаповул этибдурлар ва Саййид Отонинг бир ўғулларини асир этиб олиб кетибдурлар. Ҳазрати Саййид (Ото) мутанаббих бўлуб билибдуларким, бу ҳодиса ул беодобликнинг воситаси била воқеъ бўлуб турур, мақоми маъзаратға келиб ва тартиб суфра этиб, хизмати Азизонни зиёрат расми билан илтимос этдилар ва қўб ниёзмандлик қилдилар ва олар Ҳазрати Саййид Отонинг ғаразларига мутталиъ бўлуб ва илтимосларини қабул этиб, зиёфатларига ҳозир бўлдилар. Ва ул мажлисда акобири уламо ва машойихи вақтдин қўб эрдилар ва ул кунда хизмати Азизонга кайфияти азим рўй бериб эрди. Вақтлари бағоят хуш эрди. Вақтеки, ходим намакдон келтуруб суфрани ерда қўйди, олар ойтдиларким: «Али намакка қўл урмас ва таомға қўл узатмас то Саййид Отонинг фарзанди бу суфра бошида ҳозир бўлмағунча». Ва бу сўздин сўнг лаҳзае маскут этдилар ва ҳозирлар ҳаммалари ул нафаснинг мунтазири бўлдилар. Бу ҳолда ногоҳ Саййид Отонинг фарзандлари ул уйнинг эшигидин кирдилар. Баякбор ул мажлисдин шўру ғавро турди ва одамлар ҳайрон ва мадҳуш бўлдилар. Ондин келганлигининг кайфиятини сўрдилар. Ойтдиким, ман мундин зиёда билмасманким, ҳоли турклардин бир жамъенинг қўлида асир эрдим ва мани банд этиб ўз диёрларига олиб борур эрдилар ва эмди кўрарманким, сизларнинг ёнингизда ҳозир турурман». Аҳли мажлисга яқин бўлдиким, ул тасарруф эрканким, хизмати Азизондан воқеъ бўлубдур. Ҳамма бошларини оларнинг оёқларига қўйдилар ва иродат қўлини бердилар.

---

1. Азизон қуддиса сирруҳунинг кароматларидан.

Манқулдурким, хизмати Азизонга бир кун бир меҳмони азиз етушди ва уйларида ҳозир таом йўқ эркан. Ул жиҳатдин кўб қай-ғулик бўлбдурлар ва уйидин ташқари чиқдилар. Ногоҳ бир ғуломни таомфурушким, оларнинг мухлислари эрди, таомдин тўлган бир қазонни кўтариб, ул маҳалда етушдиким, кўб ниёзмандлик, кўргуздиким: «Бу таомни сизнинг мулозимингиз учун тайёр этибман ва умидворманким, маҳалли қабулда бўлса». Ва хизмати Азизонда ул ғуломнинг бу таом била келгани кўб писандида кўрунуб, они навозиш этдилар ва меҳмонни ул таом била қайтардилар. Бас, ул ғуломни талаб қилдилар ва ойтдиларким: «Санинг хизматкорлигинг бағоят (хуш) иш эрди, эмди ҳар муродинг бўлса биздин талаб қилгилким, мақсудинг ҳосил турур».

Ғулом кўб зийрак ва огоҳ эрди, ойтди: «Они хоҳларманким, ман сиз бўлсам». Хизмати Азизон ойтдилар: «Бу бағоят мушкул турур ва санга юк тушар ва бу юкни тортмоқга тоқат бўлмас». Ва ғулом ниёзмандлик этдиким: «Муродим бу турур ва мундин ўзга ҳеч орзу манга йўқ турур». Олар ойтдилар: «Шундоғ бўлсун» деб, бас, онинг қўлидин тутиб, хилвати хосларига олиб бордилар ва илтифот қилиб, онинг ҳолига мутаважжиҳ бўлдилар. Соатедан сўнг оларнинг шабиҳлари онга тушди, дарҳол зоҳиру ботин юзидин оларнинг суврат ва сийратларида бўлди ва биайниҳ оларнинг мисллари бўлди. Ва бу илтифотдин сўнг қирқ кун камобиш тирик эрди, ондин сўнг жавори Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға нақл этди — раҳматуллоҳи алайҳи ва раҳматан восиъатан.

Ойтурларким, вақтеким, хизмати Азизон ишорати ғайбий била Бухоро вилоятидан Хоразмға азимат этдилар ва шаҳарнинг дарвозасига келдилар ва таваққуф қилиб турдилар ва икки дарвишни Хоразмшоҳ ёнларига йибордиларким: «Фақире бофанда сизнинг шаҳрингиз дарвозасига келибдур ва иқомат этмак доииси бордур, агар сизнинг маслаҳатингиз бўлса, шаҳарға кирар ва агар бўлма-са, изиға қойтиб кетар». Ва дарвишларға ойтдилар: «Вақтеким, бўлмоқлик рухсати берилса, бу бобда подшоҳнинг муҳрлари била нишонае олинглар». Вақтеким, дарвишлар бордилар ва муҳимларини арз этдилар, Хоразмшоҳ ва аркони давлат ул сўзга кулдилар ва ойтдилар: «Бу одамлар содда ва нодон турурлар». Бас, ҳазил ва мутойиба юзидин муддаоларига мутобиқ нишона ёзиб, муҳр этиб, оларға бердилар. Дарвишлар ул нишонни Ҳазрати Азизоннинг мулозаматлариға келтурдилар ва олар қадами муборақларини шаҳарға қўйдилар ва ғўшаеда ўлтуруб, тариқи хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумға машғул бўлдилар. Ва ҳар сабоқ муздургоҳға келиб,

бир-икки муздур тутиб ва уйда олиб келиб ойтур эрдиларким: «Таҳорати комила қилинг ва бугун то намози дигаргача таҳоратлиғ бизнинг била суҳбат тутунг ва зикр айтинг, ондин сўнг муздингизни олиб кетинглар». Олар жон бирла миннатдор бўлур эрдилар ва то намози дигарг ача Ҳазрати Азизоннинг мулозаматларида бўлдилар. Вақтеким, бир кунни бу тариқ била ўтқардилар. Ҳазрати Азизоннинг суҳбатларининг баракотидин ботинларининг тасарруфи ва таъсиридин ул одамларда сифате пайдо бўлдиким, мундин сўнг оларнинг остоналари мулозаматидин кетмоқ ва жудо бўлмоқнинг имкони бўлмас эрди, то неча вақтлардин сўнгким, ул шаҳарнинг аксар одамлари Ҳазрати Азизоннинг рабқайи иродатлариға кириб, атрофларида жамъ бўлдилар, толибларнинг касрати ва издиҳоми кўб бўлди, охир Хоразмшоҳға хабар етушдиким: «Бу шаҳарда шайхе пайдо бўлудурким, аксар одамлар онга дасти иродат берубдурлар ва онинг мулозаматида бўлудурлар. Мабодоким, ондин касрати итбоъидин мулкка халале ва офате етушса ва фитнае қойим бўлурким, таскин бериб бўлмас». Подшоҳ ул хабардин мутаваҳҳим бўлди ва оларнинг мақомиға келдиким, ул шаҳардин ихрож этиб йиборса. Ҳазрати Азизон ул икки дарвишни ул нишона била подшоҳ ёнимға йибордиларким: «Биз сизнинг шаҳрингизға ҳам ижозат ва рухсатингиз била келиб эрдук, эмди агар сўзингизни габдил этиб онинг нақзига ҳукм этсангиз, биз чиқиб кетармиз». Подшоҳ ва аркони давлат ул сувратдин бағоят хижил ва мунфаъил бўлдилар ва Ҳазрати Азизоннинг мулозаматлариға келиб, муҳиблар ва мухлисларнинг жумласидин бўлдилар.

Ойтурларким, Ҳазрати Азизоннинг синни шарифлари то юз ўттуз йилгача бориб эрди ва оларни икки фарзанди Бузругворлари бор эрди. Иккилари ҳам олимумил ва орифу комилким, арболи валоятнинг маротиби олиятаридин баҳрайи тамомлари бор эрди.

**Хожа Хисрав**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Азизоннинг улуғ фарзандлари эрди. Одлари Хожа Муҳаммад турур. Волиди шарифларининг ҳаёт замонида сақсон ёшға кириб эрдилар ва асҳоби Ҳазрати Азизон оларни Хожа Бузруг деб ойтур эрдилар ва Хожа Иброҳимни Хожайи Хурд деб ойтур эрдилар ва (у) бу исм била шуҳрат топиб эрди.

**Хожа Иброҳим  
(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Азизоннинг кичик фарзандлари турурлар. Ойтурлар вақтеким, Хожа Азизонга вафот яқин етушиди, Хожа Иброҳимга ижозати иршод бердилар ва мустаъидларнинг даъватиға амр қилдилар. Баъзи асҳобларнинг хавотириға келдиким, бовужуди Хожа Бузруким, улуғ фарзанд турурлар ва улуми зоҳирий ва ботинийға олим турурлар, жиҳат не турурким, олар Хожа Иброҳимни иршоди халқ учун ихтиёр этдилар? Ҳазрати Азизоннинг ул хавотирға ишроқлари бўлуб ойтдиларким: «Хожа Бузрут биздин сўнг ул чоғлиқ макс этмас ва дағи бу кунларда бизга мулҳақ бўлса керак».

Ва Ҳазрати Азизоннинг вафотлари душанба куни икки намоз орасида зулқаъда ойининг йигирма саккизланчиси санаи ҳижрийдин етти юз ўн беш ўтканда эркан. Ва баъзи нусхаларда назарга келибдурким, олар нақл этганда сана етти юз йигирма бирда (1321) эрди. Валлоҳу аълам. Хожа Бузрукнинг вафотлари душанба куни вақти чоштда зулҳижжа ойининг ўн еттиланчи куни санаи ҳижрийдин етти юз ўн беш йил (1315) ўтуб эрди. Ҳазрати Азизоннинг нақлларидин ўн тўққуз кун ўткандин сўнг эрди. Ва Хожа Иброҳимнинг вафотларида сана етти юз тўқсон учда (1390) эрди. Ва Ҳазрати Азизоннинг вафотлари таъриҳида бу қитъани ойтиб турурлар.

Қитъа:

*Ҳафтсаду понздаҳ зи ҳижрат буд,  
Бисту ҳаштум зи моҳи зулқаъда.  
К-он Жунайди замочу Шиблийи вақт,  
3-ин саро рафт дар паси парда.  
(Ҳижрий етти юз ўн беш (1315) мелодий йили),  
Зулқаъда ойининг йигирма саккизи эди.  
Замона Жунайдию давр Шиблийси,  
бу саройдан у дунё сари кетди.)*

Ҳазрати Азизоннинг Хожа Хурдин сўнг тўрт халифалари бор эрди, ҳаммалари Муҳаммад одлиғ эрдиларким, соҳибкамолу аҳли завқ ва аҳли ҳол эрдилар. Ҳазрати Азизондин сўнг таҳқиқ йўлининг толибларини Ҳақға даъват этдилар.

**Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Азизоннинг кибор асҳобларидин турур ва хулафоларининг жумласидин ва қабрлари Хоразм вилоятида турур.

Хожа Муҳаммад Ҳаллож (*раҳматуллоҳи таъоло*) Ҳазрати Азизоннинг куммал асҳобларидин турур. Ва хулафоларнинг жумласидин турур. Қабрлари Балх вилоятида турур.

**Хожа Муҳаммад Бовардий**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Азизоннинг ажиллайи асҳобларидин турур ва хулафоларининг жумласидин ва оларнинг қабрлари Хоразмда турур.

**Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий**  
(*қуддиси сирруҳу*)

Олар Ҳазрати Азизоннинг асҳобларининг афзали ва акмали турурлар. Мавлидлари қарйайи Саммосий турурким, Ромитан деҳалари жумласидин турур ва ул ердин Бухороға уч тош йўл турур. Қабри муборақлари ҳам ул ерда турур.

Манқулдураким, вақте Ҳазрати Азизонга вафот яқин етушди, хизмати Хожа Муҳаммад Бобони асҳобларни аросидин ихтиёр этдилар ва амри хилофат ва ниёбатларини оларға тафвиз этдилар, ҳамайи асҳобларни оларнинг мутобаъат ва мулозаматлариға амр этдилар. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳуға фарзандлик назари қабули олардин эрди ва олар Ҳазрати Хожа (Баҳоуддиннинг) валодатларидин аввал ҳар мартабаеки Кўшки Ҳиндувонга ўтар эрдилар, ойтур эрдиларким: «Бу хокдин марденинг бўйи келур, тез бўлғайким, Кўшки Ҳиндувон Қасри Орифон бўлур». То бир вақтеда ул ерга келдилар ва ойтдиларким: «Ул бўй зиёда бўллубдур, гўёким ул мард мутаваллид бўллубтур». Ва ул маҳалда Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) валодатидин уч кун ўтуб эрди. Ва боболари оларнинг сийналариға ҳадйе қўюб, Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Бобо Саммосийнинг) назарлариға келтурдилар. Ҳазрати Хожа ойтдилар: «Ул бизнинг фарзандимиз турур ва биз они қабул этдук». Бас, асҳобларға ойтдиларким: «Бу ул мард турурким, биз анинг бўйини эшитиб эрдук, тез бўлурким, муқгадойи рўзгор бўлғай». Бас, Саййид Амир Кулол Ҳазрати Хожа (Саммосийнинг) халифалари эрди, оларға қараб ойтдиларким: «Фарзандим Баҳоуддиннинг

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

ҳақида шафқат ва тарбият дариг этмагайсан ва санга биҳил этмасман агар тақсир этсанг». Амир оёқ устида турдилар ва қўллари-ни сийналари устида қўйдиларким: «Мард бўлмагайман агар тақсир қилсам».

Бу ҳикоятнинг қолгани ва Амирнинг Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ни тарбият этканлари «Мақомоти Ҳазрати Хожа»да батафсил мазкур турур.

Ва Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: «Хизмати Хожа Бобонинг Саммосий деҳасида андак боғчалари бор эрканким, гоҳ-гоҳ онинг токидин ўз муборак қўллари била хомларини кесар эрдилар ва ул иш узоқ тортар эрди, бу восита биланким, вақтеким токнинг бир шохасини кесар эрдилар, ҳол ва кайфиятеким оларға бор эрди, они онинг ғалабасидин аррайи муборак қўлларидин ерга тушар эрди ва ўзларидин ғойиб ва беҳудлик кўб муддатилар кетар эрди.

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобонинг халифалари бор эрди, ҳам-малари фозилу комил эрдиларким, олардин сўнг содиқларнинг даъватига ва толибларининг иршодиға машғуллиқ қилдилар.

*Хожа Сўфий Сухорий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Муҳаммад Бобонинг хулафоларидин эрди ва қабрлари Сухор деҳасида турурким, Бухоронинг деҳаларидин бир деҳа турур, шаҳардин икки тош ер турур.

*Хожа Маҳмуд Саммосий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобонинг фарзанди шарифлари турур ва оларнинг хулафоларидин.

*Мавлоно Донишманд Али  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобони асҳоби киборларидин турур ва муқаррар хулафоларининг жумласидин.

*Ҳазрати Саййид Амир Кулол  
(қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу)*

Олар Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобонинг асҳоб ва хулафолари барчасининг афзали ва акмали эрдилар ва шарафи сиёдатлари ҳам бор турур. Ва мавлид ва мадфанлари Сухор деҳаси турур. Тошгар-

ликка иштиғоллари бор эрди ва Бухоро тилида кулол деб тошгарни ойтурлар.

Ва Ҳазрати Саййид Амир (Кулол)нинг «Мақомот»ларида мазкурдурким, волидаи шарифалари ойтибдурларким: «Амир Кулолни то ваъзи ҳамал этгунча кутардим, ҳар вақт луқмада иттифоқо шубҳа бўлса, мани азим дарди шикам тутар эрди. Вақтеким, бу маъни муқаррар бўлди, билдимким, бу тифлни вужуди сабабинин турур. Мундин сўнг луқмада эҳтиёт қилдим ва онга умидвор бўлдум».

Вақтеким, Амир Кулол йигитлик мартабасига етушдилар кураш тушар эрдилар ва атрофларида ҳангома ва маърака бўлур эрди. Бир кун ул маъракада бир одамнинг хавотирига келдиким: «Не маъноси бордурким, саййидзодаи шарифе кураш тутар ва зўрозмойлиқ қилур ва тариқа аҳли бидъатни варзиш этар?» Бул аснода ул одам уйқуға борди. Тушида ондоқ кўрдиким, қиёмат қойим бўллубтур, ул бир жойда то сийнасиғача лойға ботиб турур, ўз ҳолига дармонда бўллубтур. Ногоҳ кўрдиким, Амир пайдо бўлдилар ва икки бозусидин тутиб, осонлик била лойтдин юқори тортдилар. (Ул) уйқудин уйғонди. Амир у маъракада онга қараб ойтдиларким: «Биз зўрозмойлиқни шундоғ кун учун этурмиз».

Бир кун Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобо Амирнинг маъракаларининг каноридин ўтарда бир замон оларға назорае қилиб таваққуф этдилар. Баъзи асҳобларким, ҳамроҳ эрдилар, хавогирлариға келдиким, жиҳат не турур Ҳазрати Хожа бу мубтадиларға мутаважжиҳ бўлдилар? Ҳазрати Хожанинг бу хавогирларға ишроқи бўлуб ойтдиларким: «Бу маъракада марде турурким, мардлар онинг суҳбатида даражайи камолға етушур, бизнинг назаримиз онга турур, хоҳлармизким, они сайд қилмоқ».

Бу маҳалда Амирни назарлари Ҳазрат Хожаға тушди ва оларнинг жозибалари Амирни ўрнидин кўтарди. Вақтеким, Хожа қадам кўйди ва равон бўлдилар, Амир бетоқат бўлуб маъракани кўюб изларидин кетдилар. Вақтеким, Хожа ўз манзиллариға етдилар. Амирни келтурдилар ва тариқа ойтдилар ва фарзандликка қабул этдилар. Ондин сўнг асло киши Амирни маъракада ва бозорда кўрмади ва йигирма йил муддатие муттасил Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобонинг хизмат ва мулозаматларида бўлдилар. Ҳар ҳафта икки маротаба душанба ва пайшанба куни Сухордин Ҳазрат Хожанинг мулозаматлариға Саммосий(ға) бориб яна қойгур эрдилар. Сухор била Саммосийнинг ораси беш тош йўл турур ва ул муддатида тариқи хожагон қаддасаллоху асрораҳумға иштиғол кўргузур

эрдилар, бир вақтеким, ҳеч киши оларнинг ҳолларига иттилоъ топмас эрди, то Ҳазрати Хожанинг тарбиятлари соясида даражайи такмил ва иршодга етушдилар. Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳуга суҳбатнинг нисбати ва сулуки тариқатнинг одоби ва таълими олардин(дур).

Хизмати Амир Саййид Кулолнинг тўрт фарзандлари ва тўрт халифалари бор эрди. Ҳаммалари арбоби камол ва асҳоби вақту ҳол эрдилар. Ва фарзандларининг ҳар бирлари тарбиятин хулафойи арбаъларининг ҳар бирига ҳавола этдилар. Ва оларнинг зикри ва Ҳазрати Амирнинг сойир асҳобларининг баъзисининг зикри самти ирод топар.

Ва ойтурларким, Ҳазрати Амирнинг асҳоблари юз ўн тўрт тан эрдилар ва оларнинг баъзисининг олдари «Мақомоти Ҳазрати Амир»да мазкур турур.

### ***Амир Бурҳонуддин (раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Саййид Амир Кулолнинг аввалги фарзандлари эркан. Доимо ойтур эрдиларким: «Бу фарзанд манинг бурҳоним турур».

Ва Амир Бурҳон Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг ажиллайи асҳобларидин турур. Ва хизмати Амир (Кулол) оларнинг тарбиятларини Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)га ҳавола этибдур.

Бир кун Амир (Кулол) алайҳир раҳма Хожа (Баҳоуддин) қуддиса сирруҳуга ойтдилар: «Вақтеким, устоз шогирдини тарбият этса, албатта хоҳларким, ўз тарбиятининг асарини шогирдида мутолаа қилса, то агар тарбияти жой тушган бўлса, онга эътимод этар. Ва агар шогирднинг ишида халал кўрса, они ислоҳ қилур». Ул вақт буюрдиларким: «Фарзандим Амир Бурҳон ҳозир турур ва ҳеч киши онга тасарруф қўлини қўйғон эрмас ва тарбияти маънавий эткан эрмастур. Манинг назаримда онинг тарбиятига машғул бўлунг, то ман онинг асарини мутолаа қилайин ва манга сизнинг сифатингизга эътимод бўлур».

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) мувоқиб бўлуб ўлтуруб эрдилар, хизмати Амир (Кулол)га мутаважжих бўлуб ғояти риояйи адабдин имтисоли амрда мутаваққиф бўлдилар. Хизмати Амир (Кулол) ойтдиларким: «Таваққуф этилмасун». Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) оларнинг имтисоли амрларига бино қўюб, Амир Бурҳоннинг ботинларига мутаважжих бўлдилар ва онинг ботинларида тасарруф этмакка машғул бўлдилар. Дарҳол ул тасарруфнинг асарлари Амир

Бурҳоннинг зоҳиру ботинида пайдо бўлуб ва улуғ ҳол онда мавжуд бўлуб ва суқри ҳақиқийнинг асарлари зоҳир бўлди.

Амир Бурҳон соҳиби суқр ва жазабайи қавий эрдилар ва тариқлари инзиво ва халқдин мунтақтиъ бўлмоқ эрди ва ҳаргиз кишига унс ва ором тутмас эрдилар ва ҳеч киши оларнинг аҳвол ва атворлариға мутталиъ бўлмас эрди. Ва қуввати ботинда бамартабае эрдиларким, Ҳазрати Хожа (Амир Кулол)нинг баъзи асҳобларининг аҳволи ботинларини фораг этиб, они урён этар эрдилар.

Шайх Некруз Бухорийким, Ҳазрати Хожа (Амир Кулол)нинг асҳобларининг жумласидин турур, ҳикоят этибдуларким: «Ҳар мартабаким, Амир Бурҳонга мулоқот қилур эрдим, менинг аҳволи ботинимни мандин элтур ва мани холий ва паришонхотир қилур эрди. Вақтеким, бу маъно карроту маррот воқе бўлди, хоҳладимким дарди дилимни Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға арз этайин, бу нияти била оларнинг ёнлариға келдим. Ойтдиларким: «Амир Бурҳондин шикоят этмаққа келдингму?» Ойтдим: «Балли. Ойтдилар: «Ул замондаким, ул санга мутаважжиҳ бўлса, сан манинг мутаважжиҳим бўлғил ва ойтғилким, ман эрмасман, Ҳазрати Амир Сайид Кулол турурлар». Бу таълимдин сўнг вақтеким Амир Бурҳонга етушдим ва хоҳладимким, ҳамул тариқ билан манга машғул бўлса. Ман мутаважжиҳи Ҳазрати Хожа (Амир Кулол) бўлдум ва оларнинг сувратларини хаёлга келтурдим ва ойтдим: «Ман эрмасман, Ҳазрати Хожа турурлар». Баяқбор кўрдимким, ҳол Амир Бурҳонга бошқа бўлди, беҳуш бўлуб оёқдин йиқилдилар. Ондин сўнг ҳаргиз тариқи тасарруф била манга мутаважжиҳ бўлмадилар».

Амир Бурҳондин манқул турурким: «Йиди қурбон эрдиким, халқ мусаллодин қойтиб эрдилар ва кўб одамлар Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг мулозаматларида борур эрдилар ва ман ҳамманинг изида келур эрдим. Вақтеким халқнинг издиҳом ва иқболини Ҳазрати Хожаға мушоҳада қилдим ва ўз кўнглумга ойтдим: «Хушо, Ҳазрати Хожанинг зуҳури замонидир, бу замон халқ оларға ташвиш берулар». Вақтеким, бу маънони хотиримға ўткардим, Ҳазрати Хожа таваққуф қилдилар, то ман оларға етушдим, манинг яқом тутдилар, андак ҳаракат бердилар. Бағоят бир улуғ сифат манинг ботинимда тасарруф этди, ул миқдорким, онинг азамат ва савлагидин турмоққа тоқатим йўқ эрди. Ҳазрати Хожа мани сақладилар. Бироз замон ул сифат била ўтди. Вақтеким, ўз ҳолимиға келдим, манга ойтдилар: «Не дерсан ул аҳвол ва қору бор бу турурму ё бу эрмасму?» Қадамлариға тушдим ва ойтдим: «Қору бор ва аҳвол кўбдин-кўб турур».

**Амир Ҳамза  
(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Амир Кулолнинг иккиланчи фарзандлари турур ва Амир онга ўз волидлари исми билаким, Саййид Ҳамза эрди, од қўюб турурлар ва ҳаргиз они одлари била қичқурмас эрдилар, падар деб ойтур эрдилар ва ондин каромот ва хавотири одот қўб зоҳир бўлур эрдиким, баъзи ондин «Мақомоти Амир Кулол»даким, Амир Ҳамзанинг набираси таълиф этибдур, мазкур турур.

Ва Амир Ҳамза касблари сайёдди қ эрди ва ул мамаррдин важҳи маош ҳосил этар эрдилар ва Амир оларнинг тарбийатини Мавлоно Орифи Деггароний га ҳавола этиб эрдилар. Амир Ҳамза ойтур эрдиларким: «Хизмати Мавлоно Орифи Деггароний манга ойтдилар: «Агар ёре талаб қилсангизким, сизнинг юкин-гизни тортгай, бу душворлиқ била муяссар бўлур. Ва агар ёре талаб қилсангизким, сиз онинг юкини торт гайсиз, ҳамайи аҳли жаҳон сизнинг ёрингиз турур».

Ва хизмати Амир Ҳамза Ҳазрати Амир Кулолнинг вафотларидин сўнг қойим мақомлари эрди, неча йиллар халқни тариқи рашодга иршод этдилар. Ва вафотлари шаввол ойининг гарасида сана саккиз юз саккизида (1405) воқеъ бўлуб турур. Ва оларга тўрт халифа бор эрдиким, олардин сўнг маснади иршодда ўлтуриб, толибларни Ҳақга даъват этдилар.

**Мавлоно Ҳусомуддин Шошийи Бухорий  
(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Амир Ҳамзанинг хулафоларидин аввалги халифа турур ва Мавлоно Ҳамидуддин Шошийнинг фарзандлари эрдиким, Бухоронинг уламои киборларидин эрдилар. Ҳазрати Баҳоуддин қуддиси сирруҳунинг замонларида ва оларга иродат ва ихлоси тамомлари бор эрди.

Хизмати Мавлоно Ҳусомуддин аввал Шайх Муҳаммад Сунжийга иродат келтуруб эрдилар, ондин сўнг Амир Ҳамзанинг хизматлариға бориб, оларнинг хизмат ва суҳбатида тарбийати тамом топдилар.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда, вақтеким, Бухороға келдим, Муборакшоҳнинг мад-

расасиға бордим. Мавлоно Ҳусомуддин ва Мавлоно Ҳамидуддин Шоший мани тониғанларидин сўнг кўб илтифот қилиб ойтдиларким: «Мутолааға машғул бўлунг». Ва ойтдиларким: «Шайх Хованд Тахурнинг бизни волидимизга нисбати инобат ва илтифотлари кўб эрди». Гўйиё хоҳладиларким, онинг мукофотини бажой келтурсалар. Ул мадрасада бир яхши ҳужра таъйин этдилар».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Аввал мартаба Мавлоно Ҳусомуддиннинг хизматлариға мулоқот этдим, иттифоқо чакмайи удий бинафшаранг кийиб эрдим. Вақтеким, они кўрдилар, писанд этмадилар ва ойтдилар: «Дарвиш мундоғ жома киярму?» Дарҳол ташқори чиқдим ва бир кишиким пўстини била муоваза этдим, вақтеким кирдим, ойтдилар: «Бу яхши турур».

(Ҳазрати Эшон) ойтурларким: «Мавлоно Ҳусомуддиннинг жамъийяти қавий ва истиғроқи тамомлари бор эрди. Жамъийятининг асарлари олардин зоҳир эрди, ажаб пурҳол кўзлари бор эрди, киши ҳар неча бемазоқ бўлса ҳам оларнинг муқайяди бўлур. Ва олар ғояти ҳарорат ва жамъийятдин ва ғалаботи жазобатдин қиш кунда музни синдуруб, оёқларини сувда қўюб ва пеши сийналарини очиб, сийнасиға сув сочар эрдилар. Мирзо Улуғбек они Бухоронинг қозиликлариға таклиф қилиб эрди ва зўр била қози этди. Ул замонидаким, дорул-қазода ўлтурдилар ва қатъи хусумот этдилар, ман оларнинг маҳкамасиға ҳозир бўлдим ва онинг муқобаласида панжарае бор эрдиким, ман оларни кўрар эрдим ва олар мани кўрмас эрдилар, ул ерда ўлтурдим ва назар этдим. Ҳаргиз хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум нисбатларида олардин зуҳуле ва футуре фаҳм этмадим ва ўз тариқлари ва жамъийяти ботинларининг сатри ихфосида бағоят кўшиш қилур эрдилар ва нисбатларини либослар била ёпар эрдиларким, осонликда олардин нимарса зоҳир бўлмас эрди. Борхо ойтур эрдиларким, бу ишга аҳли илм сувратида юруб ифода ва истифодаға машғул бўлмоқдин ҳеч яхши либос йўқ турур.

Ҳазрати Махдумий (Абдурахмон Жомий) «Нафақот ул-унс»да Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин нақл этибдуларким, ойтдилар: «Бу фақир замондаким Бухороға келдим, Мавлоно Ҳусомуддин ва Мавлоно Ҳамидуддин Шошийнинг шарафи суҳбатлариға мушарраф бўлдим, бу фақирда изтиробе ва изтироре бор эрди, олар ойтдиларким: «Муроқабда ҳақиқатда интизор(лик) турур, Ҳақиқати мууроқабда иборатдур бу интизор(лик)дин, сайрнинг ниҳояти бу интизор (лик)нинг ҳусулидин иборат турур ва бу янглиғ интизор(лик) била мутаҳаққиқ бўлгандин сўнгким,

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

зуҳури галабайи муҳаббатдин турур, бу интизор(лик)дин бошқа раҳбар йўқ турур».

Ва ҳам ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Мавлоно Ҳамидуддиннинг марази мавти замони интиқолига қариб хизмати Мавлоно Ҳусомуддин волидларининг сари болинига келдилар ва волидларини мушавваш топдилар. Ойтдиларким: «Эй бобо, сизга не бўла турур?» Ойтди: «Мандин бир нимарса талаб қилурларким, манда йўқ турур ва онинг тариқи таҳсилини ҳам билмасман. Мандин қалби салим талаб қилурлар». Мавлоно Ҳусомуддин ойтдиларким: «Бу лаҳза манинг ҳозирим бўлунг, сизга маъқул бўлур». Вақтеким, падарлариға мутаважжиҳ бўлдилар, соатедин сўнг Мавлоно Ҳамидуддин богинларида итминон ва оромдилликни топдилар, кўзларини очиб ойтдилар: «Эй фарзанд, жазоқаллоҳу хайран<sup>1</sup>, манга ҳамайи умримда бу тариқанинг варзишини этмак керак эркан, дариг бу умрдинким зое кетгурдим». Ва фарзанди солиҳнинг баракатидин жамъиййати тамом била дунёдин ўтдилар.

*Мавлоно Камолуддин Майдоний*  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Амир Ҳамзанинг хулафоларидин иккиланчи халифа турурлар. Деҳайи Майдондин турурким, Самарқанд вилоятининг Кўфин деган қасабасидан бир деҳа турур.

*Амир Бузrug ва Амир Хурд*  
(*раҳимаҳумаллоҳу таъоло*)

Олар Амир Ҳамзанинг учланчи ва тўртланчи халифалари турурлар. Амир Бурҳоннинг фарзанди бузрукворлари турурларким, Амир Ҳамзанинг улуғ биродари турур — раҳимаҳумаллоҳу таъоло.

*Бобошайх Муборак Бухорий*  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Амир Ҳамзани асҳоби киборларидин турур ва баъзилари ойтурким, Ҳазрат Амир Кулолнинг асҳобларидин эрди. Ва «Мақомати Амир Кулол»да ул жойдаким, оларнинг баъзи асҳобларини

---

1. Аллоҳ таъоло сени кўб хайр (яхшилик)лар билан мукофотласин

од тутар, бир Шайх Муборакни зикр этибдурлар ва ул ердиким, асҳоби Амир Ҳамзани зикр этар, бошқа бир Шайх Муборакни од тутубдур. Лекин, ул Шайх Муборакеким, асҳоби Амир Кулолдин турур Карминий эркан ва бу Шайх Муборакким, Амир Ҳамзанинг асҳобидиндур Бухорий турур. (Ул) ўз вақтининг улугларидин эрканлар.

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қаддасаллоҳу руҳаҳу бовужуди Хожа Баҳоуддин қадасаллоҳу сирраҳунинг суҳбатларига ҳам борур эрдилар, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Хизмати Хожа Алоуддин Ғиждувоний алайҳир раҳма ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Бобо Шайх Муборакни кўрмакка кўб борур эрдилар. Бир кун манга ул доийя бўлдимки, ҳамроҳ бўлсам. Ойтдиларким: «Сиз борманг, нечунки, сиз Бобошайх Муборакнинг суҳбатидин Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг мажлислари жамъиятин талаб қилурсиз ва они эмди топа билмассиз, бас, безътиқод бўлурсиз, сизга бормоқлик муносиб эрмастур».

Ойтурларким, бир кун Бобошайх Муборак Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳунинг уйларига келиб эрдилар. Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) ахийри суҳбатда Хожа Абу Наср учун олардин фотиҳа талаб қилдилар. Бобо фотиҳа ўқуған аснода уйдин ташқари чиқиб, фотиҳани уйнинг ташқарисида тамом этдилар. Ондин сўнг олардин сўрдиларким: «Ташқари чиқмоқнинг жиҳати не эрди». Ойтибдурлар: «Ул маҳалдаким, Хожа Абу Наср учун фотиҳа ўқумоқга машғул бўлдим, ул чоғлик малоика осмондин тушуб келдилар, ул уйда издиҳом этдиларким, Муборакка жой қолмади, зарураддин ташқари чиқмоқ керак бўлди».

Махфий қолмасунким, хизмати Амир Ҳамза га бу азизлардинким, зикрлари ўтди, бошқа асҳоблар ҳам бор эркан, мисли Шайх Умар Сўзангар Бухорий ва Шайх Аҳмад Хоразмий, Мавлоно Атоуллоҳ Самарқандий ва Хожа Маҳмуд Ҳаммуий ва Мавлоно Ҳамидуддин ва Мавлоно Нуруддин ва Мавлоно Саййид Аҳмад — бу учлари Карминий турурлар ва Шайх Ҳасан ва Шайх Тожуддин ва Шайх Алихожа, бу учлари Насафий турурлар ва булардин ўзга асҳобларким, ҳаммалари фозилу комил эрдилар. Аммо, вақтеким, оларнинг ҳолларидин бир нимарса масмуъ ва маълум бўлгани йўқ эрди, ҳар бирларининг зикри алоҳида ирод топмади.

### *Амир Шоҳ (раҳматуллоҳи таъоло)*

Амир Саййид Кулолнинг учланчи фарзандлари турур ва касби маошда оларнинг тариқлари ул эрдиким, саҳродин туз келтуруб ва сотуб ул мамаррдин маош қилур эрдилар ва дунёдин бақадри кафоф тасарруф этар эрдилар. Ойтур эрдиларким: «Ҳар олмоқға жавоб ойтмоқ изда турур». Ҳамишга Худойи таъолонинг бандалари хизматиға машғул эрдилар ва одамларнинг муҳиммотлари кифоятида бақадри имкон саъй ва эҳтимоми тамомлари бор эрди. Ва хотирларнинг тааххудидин ва кўнгулларнинг нигоҳдоштидин бир дақиқа бекор ўткармас эрдилар. Ва Амир Кулол оларнинг тарбиятларини ҳавола этиб эрдилар Шайх Ёдгорғаким, хизмати хулафоларидин бир халифа эрди.

### *Амир Умар (раҳматуллоҳи таъоло)*

Амир Кулолнинг тўртланчи фарзандлари турур, соҳиби каромот ва ҳаворикӣ олот эрди. Ва аксар авқот эҳтисоб шуглиға қиём кўргузуб, амри маъруф ва наҳйи мункар этар эрдилар ва бағоят ғаюр эрканлар. Ойтур эрдиларким: «Улуғлар ойтибдурлар, вақтеким, говға боши кесилур вақти яқин келса, бу тоифа хирманиға йиборурлар. Вақтеким, нардбонга ўтға ёнмоқ вақти етушса, бу тоифанинг девориға қўёрлар. Ва ҳар кимни хоҳласаларким кўтариб урғайлар, бу тоифаға хасм этарлар».

Ва Ҳазрати Амир Кулол оларнинг тарбийатларини Шайх Жамолуддин Деҳистонийға ҳавола этиб эрдиларким, Ҳазрати Амининг хулафоларидин турур. Ва Амир Умарнинг вафотларида сана саккиз юз учда (1400) эрди.

Махфий қолмасунким, хизмати Амир Кулол алайҳир раҳманинг асҳоблари ва хулафоларининг афзали ва акмали Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қалдасаллоҳу таъоло сирраҳу эрдилар ва Ҳазрати Хожанинг асҳобларининг аҳволидин табақатан баъда табақатин тавийл ул-зайл бўлган жиҳатидин хизмати Амир Кулолнинг асҳоблари ва сойири хулафолари зикрларидин сўнг бир андак зикр ирод этилур. Валлоҳу валиюр рашод.

**Мавлоно Ориф Деггароний**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Хизмати Амир Кулолнинг тўрт халифаларидин иккиланчи халифа турурлар. Мавлиду мадфанлари Деггарон деҳаси турур. Ҳазора қасабасидинким, Оби Кўҳак лабида воқеъ турур ва ул ердин Бухорога тўққуз фарсахи шаръий турур. Ва Мавлоно Орифнинг қабри мубораклари деҳадин ташқари Ҳазора йўлининг устида турур.

Ва хизмати жаноби Амир Кулол алайҳир раҳма ойгурларким: «Манинг асҳобим аросида Ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва хизмати жаноби Мавлоно Ориф, бу икки тан янглиғ бошқа киши йўқтур ва олар ҳаммадин гўй элтибдулар».

Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло хизмати Амир Кулолдин ижозат топиб эрдиларким: «Ҳар ерда турку тожикдин машомингизга бўе етушса талаб қилинг ва талабгорликда ҳимматингиз мавжиға тақсир этманг». Ул ижозатдин сўнг, олар ул нафаснинг мужибинча Мавлоно Орифнинг суҳбатларида етти йил бўлдилар ва ул муддатида таъзиму тақдим била Мавлоно Орифга муомала этдилар. Ондөгким, таҳорат вақти сув лабида Мавлоно Орифдин юқорида таҳорат этмас эрдилар. Ва йўллардаким, ҳамроҳ юрур эрдилар, оларнинг қадами устига қадам қўймас эрдилар ва мутобаат сувратида оларга мусоҳабат қилур эрдилар. Нечунким, Мавлоно Орифнинг Амир Кулол мулозаматларида Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) га сабоқлари бор эрди. Ва Амир (Кулол) оларга Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)дин неча йиллар аввал тарбийатлар этиб эрдилар. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу ойгур эрдиларким: «Вақтеким, зикри хуфияга машғул бўлдим, ўтгуз йил Ориф била бу жүстужўй ва тақопўйда эрдим. Икки маротаба Ҳижоз га сафар этулди. Ҳар ерга нишон бердилар кунжларда ва зовияларда юрудим. Агар Мавлоно Орифнинг мислини ё онинг донғини топсам эрди, келмас эрдим. Одам бўлсаким, онга ҳамзону бўлса ва сир била осмондин ўткан бўлса ва зоҳиру ботин била бу ерда машғул ўлтурғон бўлса».

*Раиҳа.* Ҳазрати Мавлоно Орифнинг калимоти қудсияларидин турурким: «Ҳар ким талбирининг бандидадур дўзах онга нақд турур ва ҳар ким Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тақдири мутоласидадур беҳишт қапуси (нақд) турур».

*Раиҳа.* Ойтдиларким: «Таом еган вақтда ҳар узв бир иш га машғул турур. Ва кўнгул қайси нимарса га машғул турур?» Асҳоблар ойтдилар:

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

«Ҳақ субҳонаҳу зикрига машғул». Ойтдиларким: «Зикр бу вақтда «Аллоҳ» демак ва «Ло илоҳа иллаллоҳ» демак эрмастур, балким зикр бу маҳалда сабабдин мусаббигга кетмак ва неъматни мунъимдин кўрмоқдур».

Мавлоно Амир Ашраф раҳимахуллоҳким, Мавлоно Орифнинг асҳоблари махсусларидин эрди, нақл этибдурларким: «Бир кун бир одам Мавлоно Орифнинг хизматлариға ҳадае келтурди. Олар қабул этмадилар ва ойтдилар: «Ҳада олмоқ одамиға раводурким, ул ишким, соҳиби ҳадаининг мақсудидир онинг ҳиммати юмни била кифоят бўлур ва манда ул ҳиммат йўқ».

Ойгурлар: «Мавлоно Орифнинг Мавлоно Дарвиш Адрасканин олдиг қариндошлари бор эрдиким, Мири Хурднинг тобеъларидан, Вобкандий эрди. Зикри жаҳрға иштиғоли бор эрди. Мавлоно Ориф онинг ёнимға бордилар, зикри жаҳрдин манъ этдилар. Қабул этмади. Мавлоно Ориф ойтдилар: «Агар қабул этмасанг, деҳқоний ўкузинг талаф бўлур». Мавлоно Ориф сўзга илтифот этмади ва шул кун ўкузи ўлди. Бовужуди онинг била Мавлоно Дарвиш мумтаниъ бўлмади. Вобкандий азизларининг оstonалариға кетди ва яна келди. Сўзинг хуни яна бир ўкузи талаф бўлди. Ул икки аломатни кўргандин сўнг мутақаррид бўлди ва Мавлоно Орифнинг ёнлариға келди. Мавлоно Ориф ойтдилар: «Бу байтни биздин ёд олинг. Байт:

*Кори нодон кутаҳ андеи аст,*

*Ёд гурад кесе, ки дар неш аст».*

(Нодоннинг иши калта ўйлашдир,

Ақлли одам бунни ёдида тутади).

Манқулдурким, бир кун Деггарон деҳасиға Оби Кўҳакдин сели азим келиб эрди, ондоғким, ул ваҳм бўлдиким, деҳани сув олур. Одамлар кўрқдилар ва фиғон чекдилар. Мавлоно Ориф ташқари чиқуб, ўзларини селнинг раҳгузар жойиким, қаттиғ ва қувватлиғ оқар эрди, ул сувға ташладилар ва ойтдилар: «Агар қудратинг бўлса, мани оқизғил». Дарҳол сокин бўлди ва арбадаси таскин топди.

Манқул турурким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таоло сирраҳу Ҳижознинг аввалги мартаба сафаридин қайтдилар, неча муддатилар Марвда бўлдилар ва Мовароуннаҳрдин асҳоблар жамъ бўлуб келдилар ва улуг суҳбатлар қойим бўлди. Ул аснода Мавлоно Орифнинг ёнларидан қосиде етушдиким, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға пайғом бериб йибориб эрдиларким: «Ўлтурғон

бўлсангиз туринг ва агар турғон бўлсангиз равон бўлунгким, бизнинг кетмаклик вақтимиз яқин етушди, васийатларимиз бор турур». Ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) асҳобларни Марвда қўйдилар, ҳар тариқа таъжили тамом бирла Бухорога мутаважжиҳ бўлдилар, то Деггарон деҳаси га Мавлоно Орифнинг ёнлариға келдилар. Ҳазрати Мавлоно ҳозирларға ойтдиларким: «Манинг оларға сиррим бор турур, иккимиз бошқа бир уйга кирармиз ё сизлар бир уй га киринглар». Ҳозирлар ойтдилар: «Сизда ожизлик бор турур, бизлар бошқа уй га кирармиз». Ул вақт Мавлоно Ориф ул хилватда Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға ойтдиларким: «Сизнинг била бизнинг орамизда маълумдирким, иттиҳоди куллий бор эрди ва бор турур, агар ўртада ишқбозликлар ўткан бўлса, эмди вақт ахийр бўлди, ўз асҳобимга ва сизнинг асҳобингизга назар этдим, бу йўлнинг ва сифати нисбатининг қобилиятини хизмати Муҳаммад Порсода бошқалардин кўбрак кўрарман, ҳар назареким, касб била ҳосил этибман ҳаммасини онинг вақтиға нисор этдим ва онга топшурдим ва асҳобларимни онинг мутобаати га амр қилурман ва сиз ҳам онинг ҳақида албатта бу маънида тақсир этмасизким, ул сизнинг асҳобларингиздин турур». Ондин сўнг ойтдиларким: «Икки кун ё уч кун, андин зиёда эрмастур, ўз қўлингиз била сув қозонларини ювингким, икки тизингиз била ўлтуринг ва ўзингиз ўт ёқиб, сувни иситинг ва манинг истейдодимни қилинг ва манинг нақлимдин сўнг учланчи куни қайтинг».

Ҳазрати Хожа эҳтимоми тамом била Мавлоно Орифнинг васоёлариға қиём кўргуздилар. Оларнинг дафнидан уч кун ўткандин сўнг яна Марвга мутаважжиҳ бўлдилар.

Ва хизмати Мавлоно Орифнинг икки халифалари бор эрдиким, Мавлононинг нақлларидин сўнг Худонинг бандаларини тариқи Ҳақға иршод этдилар ва рўшди рашод йўлини кўргуздилар.

*Мавлоно Амир Ашраф Бухорий  
(раҳматуллоҳи таъоло алайҳ)*

Мавлоно Орифнинг аввалғи халифалари турур ва Мавлоно Орифдин сўнг оларнинг жойларида ўлтуруб, тариқи таҳқиқнинг толиблари билан суҳбат тутдилар ва хавотирларини кўнгулларнинг жамъияти га қўйдилар.

***Амир Ихтиёрiddин Деггароний***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Мавлоно Орифнинг иккиланчи халифалари турур ва олардин сўнг муридларнинг иршодига маъмур эрдилар.

***Шайх Ёдгор Кунсуруний***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Амир Кулолнинг учланчи халифалари турур. Кунсурун қарясидин эрдиларким, Бухоро вилоятидин бир деҳа турур, шаҳардин икки фарсах ерда. Ва Амир (Кулол) учланчи фарзандларининг тарбиятиниким, Амиршоҳ турур, оларга (яъни, Шайх Ёдгор Кунсурунийга) ҳавола этиб эрдилар. Амиршоҳ ул восита била даражайи олияга етушди.

***Шайх Жамолiddин Деҳистоний***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Амир Кулолнинг тўртланчи халифалари турур ва Амирнинг фармонлари била мураббийи Амир Умар бўлдиларким, Амирнинг тўртланчи фарзандлари турур. Ва Амир оларнинг тарбияти зиллида бу тоифанинг мақомоти рафиъаларига етушди.

***Шайх Маҳмуд Халифа***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Амир Кулолнинг кибор асҳобларидин эрди. Охири «Мақомоти Амир»да мазкурдурким, вақтеким, олар дунёдин риҳлат этдилар, барча асҳоблар Шайх Муҳаммад Халифанинг уйларига келдиларким: «Бугун Ҳазрати Амирнинг жойларига сиз бўлурусиз ва бу маъни сизнинг наздингизда турур, керакким толибларга йўл кўрсатурусиз». Шайх Муҳаммад ойтдилар: «Бу маъниким, сизлар они мандин талаб қилурусизлар, Амир Саййиднинг фарзандлари Амир Ҳамза наздида турур».

Бас, Шайх Муҳаммад сойир асҳоблар била бордилар, Амир Ҳамзанинг мулозамат ва хизматларини ихтиёр этдилар.

***Амир Калон Воший***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Амир Кулолнинг ажиллайи асҳобларидин турур. Деҳайи Вошдин бўлуларким, аъмоли Бухородин турур, шаҳардин уч фарсах

узоқдир. Амир Кулолдин сўнг муридларнинг тарбияти ва толибларнинг таълимига қиём кўргузур эрдилар. Хизмати Хожа Алоуддин Гиждувоний алайҳир раҳма Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сиррухунинг мулозаматлариға восил бўлмасдин таълими зикри олардин олиб эрдилар.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: «Хизмати Хожа Алоуддин Гиждувоний алайҳир раҳма ойтдилар: «Ман ўн олти ёшда эрдимким, Амир Калон Вошийнинг мулозаматлариға бордим ва олар мани «зикри хуфя» тариқиға машғул этдилар ва кўб муболага қилдиларким, бу тариқани шундоғ пинҳон сақлағилким, ҳамзону ва ҳамнишининг онга иттилоъ топмасун ва агар билсангким, онга иттилоъ топарлар, боши<sup>1</sup> топиб, анга така қилиб, машғул бўлғил». Неча вақтлар бу тариқа машғул бўлдим ва азим риёзатим бор эрди, заъфнинг асарлари башарамда зоҳир бўлиб эрди. Бир кун волидам манга ойтдиларким: «Сан беморлиқингни пинҳон тутасан ва заъфинг бор турурким, мандин ёшурурсан». Ойтдим: «Бемор эрмасман». Олар сийналарини очдилар ва ойтдилар: «Агар сан сабаби заъфингни ойтмасанг, сутиким, маннинг пистонимдин ичибсан, сани бидил этмасман». Зарурат юзидин қиссани оларға шарҳ этиб ойтдим ва тариқаки маълум этиб эрдим, арз қилдим, волида дарҳол ул тариқани олдилар ва тариқи нафйу исботга машғул бўлдилар. Ва ман бу маънининг изҳоридин азим дарбор бўлдим ва гояти изтиробдин Амир Калоннинг ёнлариға бордим ва қиссайи волидамни арзадошт этдим. Ойтдиким: «Биз сизнинг волидангизға ҳам ижозат бердукким, бу тариқға машғул бўлсун». Неча вақтлар волида ҳам машғул бўлдилар. Бир кун биродарим саҳроға кетиб эрди. Волида мани талаб этдилар ва буюрдиларким: «Қозонни покиза ювғил ва сувға тўлдуруб иситғил». Ондоғ қилдим. Ондин сўнг таҳорат этдилар ва икки ракаат намоз ўқудилар ва мани ёнларида ўлтурғуздилар ва ойтдиларким: «Тариқаға машғул бўлунг». Ва ўзлари ҳам машғул бўлдилар ва соатедин сўнг жон таслим этдилар».

### ***Шайх Шамсуддин Кулол (раҳматуллоҳи таъоло)***

Амир Кулолнинг асҳоби киборларидин эрди, Ҳижознинг сафари муборақларини эткон эрканлар ва ул йўлни Қаршидин пидеа кафш бирла юрубдурлар. Ва Ироқда машойихи вақт бирла

1. Форсчада болешти, яъни болиш

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

суҳбат тутубдурлар. Ва машойихи Ироқнинг тариқайи мувоқабаларини Мовароуннаҳрга олар келтуруб интишор этдилар. Ва мабодий ҳолда оларнинг Ҳазрати Хожа Баҳоддин қуддиси сирруҳуға нақорлари бор эрди, лекин ахийри ҳолда муртафиъ бўлди, ондоғким, «Мақомоти»и Ҳазрати Хожа (Баҳоддин Нақшбанд) қуддиси сирруҳуда бу қисса батафсил мазкурдир.

### ***Мавлоно Алоуддин Кунсуруний (раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Амир Кулолнинг коркарда асҳоблари жумласидин турур ва одлари «Мақомот»и Ҳазрати Хожа қаддасаллоҳу таъоло сиррахуда мазкурдур.

Махфий қолмасуқким, хизмати Амир Кулолга бу азизларким мазкур бўлди, булардин бошқа асҳоблар ҳам бор эрди, мисли Хожа Шайх Дарозуний ва Мавлоно Жалолуддин Коший ва Мавлоно Баҳоддин Тавонисий ва Шайх Баҳоддин Майдоний ва Мавлоно Сулаймон ва Шайх Айман — бу иккилари Карминий ва Хожа Муҳаммад Вобкандий — раҳимаҳумуллоҳу таъоло — ҳаммалари фозилу олим ва орифу комил эрдилар. Аммо, вақтеким, оларнинг аҳвол ва ақволаридин бир нимарса эшитилган эрмас эрди, ложарам, ҳар бирларининг зикри алоҳида ирод топмади.

### ***Мавлоно Баҳоддин Қишлоқий (раҳматуллоҳи таъоло)***

Ўз замонларининг муқтадоси эрди ва улуми зоҳирий ва улуми ботинийга олим ва соҳиби оёт ва каромат эрдилар ва мавлидлари Хожа Муборак Қаршавийнинг қишлоқидурким, Бухоро вилоятининг музофотидин турур ва ул ердин то Бухорога ўн икки фарсах турур. Ҳазрати Хожа Баҳоддин қаддасаллоҳу таъоло сиррахунинг шайхи суҳбатлари ва илми ҳадисда устозлари эрдилар. Ва Мавлоно Ориф Деггаронийнинг падархондлари турурлар. Хизмати Мавлоно Ориф Амир Кулолнинг суҳбатларига бормасдин аввал оларнинг муридлари эрди. Мавлоно Амир Ашраф ва Мавлоно Амир Ихтиёруддинким, Мавлоно Орифнинг хулафоларидин турурлар, олардин манқулдурким, ойтиб турурлар: «Бир кун Хожа Баҳоддин қаддасаллоҳу таъоло сирраху мабодий аҳволда Насаф вилоятида Хожа Муборакнинг қишлоқиға ва Мавлоно Баҳоддин Қишлоқийнинг хизматларига

келдилар, хизмати Мавлоно ойтдилар: «Мундоғ мурғеким, сан турусан, санинг ёринг Ориф Деггароний турур?» Ҳазрати Хожа ойтдиларким: «Оларнинг суҳбатлари бу яқин (ора)да муяссар бўлур». Ва Ҳазрати Хожага Мавлоно Орифни танимоқнинг шавқи голиб бўлди ва ул замонда Мавлоно Ориф ўз деҳаларида эрдилар. Ва иттифоқо ул маҳалда асҳоблардин жамъи била бир ерга гўза экиб юрур эрдилар, хизмати Мавлоно Баҳоуддин Ҳазрати Хожага ойтдиларким: «Агар сизнинг хавотирингиз Орифга бўлса, овоз қилсак, албатта, келурлар». Ва ташқари чиқиб бир ўчоқнинг устига чиқиб уч мартаба «Ориф!» деб овоз қилдилар. Мавлоно Ориф ул вақт кун ёримида гўза экомқдин қўл сақладилар ва асҳобларга ойтдилар: «Сизлар уй тарафига борингларким, Мавлоно Баҳоуддин мани талаб қилдилар». Бас, таъжили тамом бирла равон бўлдилар. Ул ёрим кунда ул суҳбатким, қишлоқда эрди, таом пишуруб эрдилар, ош пишгондин сўнг қазонни оташдондан тушурмасдин аввал етушдилар. Деггарон деҳаси била Хожа Муборакнинг қишлоқи аросида масофат қарийиб йигирма фарсах турур ва аввал мулоқатеким, Ҳазрати Хожа била Мавлоно Орифнинг ораларида даст берибдур, ул суҳбат эрди. Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий алайҳир раҳма улуғ эрдилар, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу иродатларининг бидоятида оларнинг суҳбатлариға бориб эрдилар. Олар ойтдиларким: «Бизга бир дарвише бордурким, ошхонаға ўтун келтурур, они кўрунг». Ҳазрати Хожа ташқари чиқдилар ва ул дарвишни кўрдиларким, бир пушта куруғ тиконни ялонғоч орқасиға кўтариб, саҳродин Мавлононинг ошхоналариға келтирур эрди ва пушти тиконни келтурумоқда онинг даъби ул эканким, яланғоч орқаси била келтурур эркан. Ва улким, хизмати Мавлоно Ҳазрати Хожани они кўрмакларига ишорат этдилар, хизматда оларни камоли ихлосға танбиҳ этмак учун эрди».

Ҳазрати Эшон бу ҳикоятни таҳрир этканларидин сўнг мажлисининг ҳозирлариға қараб ойтдиларким: «Одамлар шундоғ ихлос бирла хизматлар этибдурлар ва ниёз ниййати(ни) тамом илгари тутубдурлар. Ложарам, улуғ давлатлареким, онинг фавқида давлате мутасаввур эрмастур, онга етушубдурлар. Агар сизлар бу янглиғ хизматларни илгари тутмоқни эта билмасангизлар, боре билингларким. бу янглиғ одамлар бўлур эркан».

*Хожа Баҳоуддин Нақшбанд  
(қаддасаллоху таъоло сирраҳу)*

Оларнинг валодатлари муҳаррам ойида сана етти юз ўн саккизда (1318) эрди. Ҳазрати Азизон Хожа Али Ромитаний алайҳир раҳма ва-р-ризвон аҳдларида, бино ул қавлға бўлғон жиҳатиданким, Ҳазрати Азизоннинг вафотлари сана етти юз йигирма бирда (1320) бўлғон бўлса. Мавлиду мадфанлари Қасри Орифон турурким, деҳаедур, шаҳри Бухородин бир фарсах ерда. Тифллик замонларида ҳам осори валоят ва анвори каромот ва ҳидоят муборак чеҳраларидан возиҳ ва пайдо, лоиҳу Хувайдо эрди.

Ҳазрати Хожанинг волидаларидан манқул турурким, фарзандим Баҳоуддин тўрт ёшда эрдиким, ойтдилар, бизнинг бу фароҳшоҳ пешоний манғлоий сигир тана туғар. Неча ой ўткандин сўнг шул сифатда тана туғди.

Ва Ҳазрати Хожаға тифулиятда фарзандликка қабул этмак назари Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийдин эрди. Ва тариқат даъбининг таълими суврат юзидин Амир Кулолдин турур, ондоғким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобонинг зикрида анга ишорат этулди. Аммо ҳақиқат юзидин олар увайсий эрдилар. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қаддасаллоху таъоло сирраҳунинг руҳониятларидан тарбият топибдурлар, ондоғким, мабодийи аҳволда кўрган воқеаларидин маълум бўлур ва анинг тафсили «Мақомот»да<sup>1</sup> мазкур турур.

Махфий қолмасунким, силсилаи Хожাগон қаддасаллоху арвоҳаҳумда Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий замонларидин то Амир Кулол раҳимаҳумаллоҳнинг замонлариға келгунча зикри хуфияни зикри алония бирла жам этар эрдилар. Ва оларнинг силсилаи шарифларида «алонияхон» дер эрдилар. Вақтиким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоху таъоло сирраҳунинг замонлари келди, ул важҳдинким, Хожа Абдулхолиқ қуддиса сирруҳудин азиматға амал этмакка маъмур бўлуб эрдилар, зикри хуфияни ихтиёр этиб, зикри алонияни ихтиёр этмадилар. Ҳар вақтиким, асҳоби Амир Кулол мажлисда ифтитоҳи зихри алония этсалар, Ҳазрати Хожа туруб ул мажмаъдан ташқари чиқиб кетар эрдилар ва асҳобларнинг хавотирлариға бу маъно бағоят оғир келур эрди, лекин Ҳазрати Хожанинг ондин парвойлари бўлмади ва алардин рафъи сақл мақомида бўлмас эрдилар. Аммо Амир Кулолнинг хизматлари ва

---

<sup>1</sup> Бу ерда Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» китобига ишора қилинмоқда.

мулозаматларида ҳаргиз бир дақиқа кейин қўймас эрдилар ва доимо сайри таълимни оларнинг мутобаъати ва иродати остонасига қўюб эрдилар. Ва Амир кундан-кун илтифотларини Ҳазрати Хожага зиёда этдилар, то бир кун Амирнинг асҳоби киборларидин жамъи хилватда ғайрат ваҷҳидин Ҳазрати Хожанинг ҳақида хавз этдилар ва баъзи сифатларини ва аҳволларини қусур ва нуқсон сувратида кўргуздилар. Ва Амир ул хилватда ҳеч намарса дематдилар, то вақтиким, жамъи асҳоб улуғу кичикдин қўбу оз беш юз киши Сухорда масжид ва жамоатхона ва бошқа манзилларни ҳам иморат этмак учун жам бўлуб эрдилар ва ҳар киши бир ишта машғул эрди. Вақтиким лой иши ахирга етушди ва барча асҳоб Амирнинг олдида ҳозир эрдилар, ул мажмаъда Амир хавз эткучиларга қарадилар ва ойтдиларким, сизлар фарзандим Баҳоуддиннинг ҳақида гумони бад қилибсизлар, галат этибсизларким, анинг баъзи аҳволини қусурга ҳамл этибсизлар ва сизлар они танимабсизлар ва ҳамишга Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг хос назари онинг ҳолига шомил турур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бандаларининг назари тобеъи назари Ҳақ субҳонаҳу турур ва онинг ҳолига зиёда назар этмакда манга сунъи ва ихтиёри йўқ турур.

Бас, Ҳазрати Хожаниким, ишт ташимоқга машғул эрдилар, талаб этдилар ва ул мажмаъда оларга қараб ойтдилар: «Фарзанд Баҳоуддин, Хожа Муҳаммад Бобонинг нафаси муборақларини сизнинг ҳақингизда бажо келтурдим. Ойтиб эрдиларким, улчаким, тарбиятдин сенинг ҳақингизда бажо келтурдим, фарзанд Баҳоуддиннинг ҳақида бажо келтургил ва тақсир этмагил, ондоқ қилдим». Ва сийнаи муборақларига ишорат этдилар ва ойтдилар:

«Пистонни сиз учун хушк этдим ва сизнинг мурғи руҳониятингиз байзаи башариятдин ташқари чиқди. Аммо сизнинг ҳимматингиз қуши баландпарвоз тушубдур, эмди ижозат турур, ҳар жойда турку тожикдин сизнинг машомингизга бўй етушса, талаб қилинг ва талабгорлиқда ҳимматингиз мужибига тақсир этманг».

Ҳазрати Хожа ойтдиларким, вақтиким, Амирнинг хизматларидин бу нафас зоҳир бўлди, ул бизнинг ибтиломизга восита бўлдиким, агар ул суврати мутобаъатда бўлсоқ эрди, балодин узоқроқ ва саломатга яқинроқ бўлур эрди.

Ул нафасдин сўнг Ҳазрати Хожа етти йил Мавлоно Орифга мусоҳабат этдилар. Бас, Қусам Шайх ва Халил Отонинг мулозаматлариға бордилар. Ва ўн икки йил Халил Ото бирла бўлдилар.

Ва икки мартаба Ҳижозга сафар этдилар ва иккиланчи навбатда Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сиррухуни ҳамроҳ

этиб олиб кетдилар. Вақтиким, Хуросонга келдилар, Ҳазрати Муҳаммад Порсони соири асҳоб бирла Бовард йўлидин Нишопур тарафига йибордилар ва ўзлари Ҳиротга келдилар. Хусусан, Ҳазрати Мавлоно Зайнулдин Абу Бақр Тойободийга мулоқот этмак учун. Уч кун Тойободда олар била суҳбат тутдилар. Ондин сўнг Ҳижозга мутаважжих бўлдилар. Нишопурда асҳобга мулҳақ бўлдилар.

Ва қайтғонларидин сўнг Марвда неча вақтлар иқомат этдилар ондин сўнг Бухорога келдилар ва то охири ҳаётлариға чоғлиғ ул жойда бўлдилар.

Ва хизмати Амир Кулол алайҳир раҳма охири маразлари (касаликлари)да асҳобларни Ҳазрати Хожанинг мутобаатлариға ишорат этдилар, ул маҳалда асҳоб хизмати Амирдин савол этдиларким, Ҳазрати Баҳоуддин зикри алонияда сизнинг байъатингизни этмадилар. Амир ойтдилар: «Ҳар амалеким, оларға ўтқарурлар, ҳар оина бино бар ҳикмати Илоҳий турур ва ўртада оларнинг ихтиёри йўқ турур». Бас, бу мисраъни ўқудилар:

*Эй ҳама ту, ман киям, чунонки ту дони.*

(Эй, ўзи ҳаммани яратувчи бўлган,  
мен кимман, чунончи, ўзинг биласан.)

Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум хулафоларининг сўзлари турур: «Агар сени узликсиз ташқари чиқарган бўлсалар, қўрқмағил, агар сан ўзлик била чиққан бўлсанг, қўрқғил!»

*Ҳазрати Хожанинг  
нақллари кайфияти зикрида ва оларнинг  
вафотлари таърихида (қуддиса сирруҳу)*

Хизмати Мавлоно Муҳаммад Мискин алайҳир раҳма акобири замондин эрдилар, ойтдиларким, Шайх Нурулдин Хилватий Бухорода фавт бўлуб эрди ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу мажлиси таъзиятда ҳозир эрдилар. Ва асҳоб таъзият овозларини баланд этдилар ва зуъафо (аёллар) жамоаси наъра ва фарёди ноҳуш этар эдилар. Ҳозирларга ондин кароҳиййат бўлди ва манъ этдилар. Ва ҳар киши бир сўз ойтур эрди. Ул вақт Ҳазрати Хожа ойтдилар: «Вақтиким, манга охири вақт келса, ман дарвишларга ўлмакликни ўргатурман».

Мавлоно Муҳаммад Мискин ойтур эрдиларким, ҳамишга ул сўз манинг хавоиримда эрди, то вақтиким, Ҳазрат мариз бўлди-

лар. Ул беморликдаким, ахийри маразлари эрди, карвонсаройга бордилар ва муддати маразда карвонсаройнинг хужрасида бўлдилар. Ва хос асҳоблар мулозаматларида эрдилар ва олар ҳар бирларига нисбати шафқате ва илтифоте этар эрдилар. Ва ахийри нафасда муборак икки қўлларини дуога кўтариб, қўб муддати шундоғ тутуб турдилар. Ул вақт икки қўлларини муборак юзларига суртдилар ва оламдин нақл этдилар.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Хожа Алоуддин Фиждувоний алайҳир раҳма ойтдиларким, ман Ҳазрати Хожанинг ахийри маразларида ҳозир эрдим, олар ҳолати назьда эрдиларким, оларнинг ёнлариға кирдим. Вақтиким, мани кўрдилар, ойтдилар: «Ало, дастурхон келтиргил ва таом егил». Ва олар мани ҳамишга Ало деб ойтур эрдилар. Оларнинг амрлариға имтисол кўргузуб, икки-уч луқма едим. Ва ул ҳолатда таом еябилмай, дастурхонни йиғнадим. Яна кўзларин очдилар, кўрдиларким, дастурхонни йиғнабман, ойтдилар: «Ало, дастурхонни келтур ва таом егил». Яна бир неча луқма едим ва дастурхонни кўтардим. Яна кўрдиларким, дастурхонни йиғнабман. Ойтдиларким: «Дастурхонни келтургил ва таом егил, таомни яхши емак керак ва ишни яхши этмак керак». То уч мартаба шундоғ дедилар.

Ул замонда асҳоблардин жамъенинг ва мулозимларнинг хавотири машғул эрканким, Ҳазрати Хожа қайси кишига ижозати иршод берурлар ва фуқаронинг тарбиятини кимга тафвиз этарлар. Ҳазрати Хожаға ул хавотир ишроқи (маълум) бўлуб, ойтибдурларким: «Манга бу вақтда не учун ташвиш берурсизлар? Бу амр манинг қўлимда эрмастур. Ҳар вақтиким, Ҳақ таъоло сизларни ул ҳолатга мушарраф қилса, ул ҳолат ҳоким турур, сизларга албатта буюрур».

Хожа Али Домодким, Ҳазрати Хожанинг худдомларининг жумласидин эрди, шундоғ ойтиб турурким, Ҳазрати Хожа қуддиса сирруҳу ахийри маразларида мани гўр қазимоқда буюрдиларким, ҳоло равзаи мубораклари турур, они тамом эткандин сўнг ёнлариға келдим ва манинг хавотиримға келдиким, олардин сўнг амри иршод кимга бўлур эркан? Ногоҳ муборак бошларини кўтардилар ва ойтдиларким: «Сўз ул сўз турурким, Ҳижознинг йулида тамом ойтиб эрдим, ҳар ким бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсоға назар қилсун».

Бу нафасдин сўнг, эртанги куни жавори раҳмати Ҳақ субҳонаҳуға нақл этди тар.

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қаддасаллоҳу руҳаҳу ойтдиларким, Ҳазрати Хожанинг нақл этар вақтларида «Ёсин» ўқур эрдим, вақтиким, ярмига етурдим, анвор зоҳир бўла берди. Калимаға машғул бўлдум. Ондин сўнг Ҳазрати Хожанинг нафаслари мунқатиғ бўлди.

Ҳазрати Хожанинг синни шарифлари етмиш уч йил тамом бўлуб, етмиш тўртланчида эрдиларким, нақл этдилар. Вафотлари душанба кечасида рабиғ ул-аввал ойининг учланчи куни сана етти юз тўқсон бирда (1388) эрди. Ҳазрати Хожанинг вафотлари таъриҳида ойғибдурулар:

*Рафт Нақшбанд он Хожайи дунёву дин,*

*Он, ки буди шоҳроҳи дину давлат миллаташ.*

*Маскану маъвои у буд Қасри Орифон,*

*Қасри Орифон з-ин сабаб омад ҳисоби рихлаташ.*

(Дин ва дунёнинг Хожаси ул шоҳ Нақшбанд кетди,

У диннинг шоҳ кўчаси ва миллатининг давлати эди.

Унинг маскану маъвоси Қасри Орифон бўлгани учун,

Вафотининг таъриҳи учун ҳисоб «Қасри Орифон» бўлди).

(Бу ерда «Қасри Орифон»дан абжад бўйича 791-ҳижрий, 1388-мелодий йил чиқади).

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳунинг асҳоб ва хулафоларидин афзали ва акмали Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор ва Ҳазрати Хожа Мухаммад Порсо қуддиси сирруҳу эрдилар. Лекин олоннинг асҳоблари ва худдомлари кўб турур ва ҳадди шумордин ташқари турур. Ва бу мажмуъада Ҳазрати Хожанинг асҳобларидин одамларнинг зикри ойтилуруким, Ҳазрати Эшон ондин нақллар этибдурулар ё они кўрибдурулар.

Ва Ҳазрати Алоуддин Аттор агар чандиким, ҳамма асҳобларнинг аъзами ва ақдами турурулар ва халифайи баҳақ ва й аноби маноби мутлақ ва тақдимға авло озор турурулар, аммо олоннинг зикри Ҳазрати Хожаи Бузругнинг ҳамма асҳоблари зикридин сўнг ирод топар, ул важҳдинким, олоннинг зикри хулафо ва асҳоб ва атбоъларининг зикрлари тавийл уз-зайл турур, қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ва равваҳа аш-боҳаҳум.

### *Ҳазрати Хожа Мухаммад Порсо (қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу)*

Олар Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг иккиланчи халифалари турур. Ўз замонларининг аълами ва аврағи эрдилар ва хонадони хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг таъкиралари турурулар.

Мабодийи аҳволдаким, ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг мулозаматларини оғоз этдилар, бир кун риёзат ва мужоҳадот асносида Ҳазрати Хожанинг уйларига келиб эрдилар. Ва эшикдин ташқарида мантазир турдилар. Иттифоқан, Ҳазрати (Хожа)нинг ходимларидин бир қанизак ташқаридин ичкари кирди. Ҳазрат Хожа ондин сўрдилар: «Ташқарида ким бор турур?» Ул ойтибдур: «Бир жавоне порсоким, эшикда мунтазир турубдур». Ҳазрати Хожа ташқари чиқдилар. Ва Хожа Муҳаммад (Порсо)ни кўрдилар ва ойтдиларким: «Сиз порсо эркансиз». Ул кундун сўнггачаким, бу лафз Ҳазрати Хожанинг муборак тилларига жорий бўлди, алсанаи афвоҳга тушуб, хизмати Хожа Муҳаммад бу лақаб бирла машҳур бўлдилар.

Хизмати Хожа Муҳаммад (Порсо) қуддиси сирруҳу навбати сонийдаким, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳу Ҳижоз сафарига кетдилар, мулозаматда бирга эрдилар, ойтур эрдиларким, Ҳазрати Хожа Бузрут бодияи Ҳижозда бир мухлисларини муроқабатга амр этдилар ва оларнинг сувратларини хазинайи хаёлда муҳофазат этмакка ҳам амр этдилар. Ва ойтдиларким, онинг тарқи жазаба турур ва онинг сифати жамолу жалол ораси турур. Ва талқини зикр ҳам этдилар. Ва кайфиятларни онинг илмига ҳавола этдилар. Ва ул мухлисни ала-д-давом Аллоҳу таъолонинг сифат лутфиға тамассук этмакка, фазлидин кўрмакка ва амалнинг жазосидин назар этмакка амр этур эрдилар. Ва яна амр этур эрдилар ул нимарсагаким, қўл ва феълдин улчаким ўтар, они йўқлук дарёсига ташламоқ керакдур. Ва ўзининг қусуру нуқсонини кўрмак сарриштасини яхши сақламоқ керак).

Ва ҳам Ҳазрати (Хожа Муҳаммад Порсо) ул мухлиснинг ҳақида ойтдиларким, ул мурод турур, гоҳи муродга муридлик била онинг тарбияти учун муомала этурлар. Мабодийдаким, ул мухлисни тақаллумға амр этдилар, бир кун йўлда ул мухлис оларнинг олдида борур эрди, олар ул мухлисга назар этдилар ва асҳобға юзларин ойлантуруб ойтдиларким: «Онинг мажлисининг ҳозирлари ҳар бири ўз ҳолига нисбат(ан) сўз эшитсалар керакдур».

Ва баъзи маҳалларда ул мухлисга мўвҳибат назари била нафас бахш этдилар, то ҳар кимга сўз деса, муассир тушсун ва ҳар на сўз деса, ул бўлсун». Ва яна бир маҳалда ойтдиларким: «Ҳар нимарсакаким, ул ойтур, Ҳақ субҳонаҳу они қилур, ойтурман, «ойтгил», ул ойтмай турур». Ва яна бир маҳалда ул мухлисга назари мўвҳибат била сифати Бурхни каромат қилдилар. Ва Бурх асвад ва бан.тайи дирам харида ва сиёҳжарда киши эркан, Ҳазрати Мусо

алайҳис саломнинг замонларидаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло даргоҳида маҳбублик даражаси бор эркан. Ойтиб турурларким, Бурх бани Исроилда Увайс Қаранийнинг қаринаси турур бу умматнинг аросида.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, жамоаи кубаройи мутақаддиминданким, тилнинг васотати бўлмай, умури ҳақиқатни бир-бирларидин мужоласат бирла маълум этар эрдилар, оларни Бурхиён (Бурхийлар) деб ойтурлар. Ва жамъеким, дийни Муҳаммадий (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг зуҳуридин сўнг бу васф бирла мавсуф турурлар, оларни Увайсиён (Увайсийлар) дерлар.

Ва ҳам Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ойтдиларким: «Ҳижознинг йўлидаги мараздаким, Ҳазрати Хожа Бузрутга воқеъ бўлуб эрди, васийатлар этдилар ва ул аснода бул мухлисга ҳузури асҳоби хитоб этдилар ва ойтдилар; «Ҳаққи ва омонатиким, Хожагон қаддасалоҳу арвоҳаҳум хонадонларининг хулафоларидин бу заифага етушуб эрди ва улчаким бу йўлда касб этиб турур, ул омонатни сизга топшурдим, ондоғким биродари диний Мавлоно Ориф алайҳир раҳма топшурдилар, қабул этмак керак. Ва ул омонатни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг халқлариға етуштурмак керак». Ул мухлис тавозуъ этни ва қабул қилди.

Вақтиким, сафари Ҳижоздин мурожаат этдилар, ҳузури асҳобда жамъенинг аросида ул мухлисга назари мўвҳибат этдилар ва муқаррар ойтдиларким: «Улчаким, бизда бор эрди, тамомисини олдинг». Ва ондин сўнг ул мухлисга кун-кундин назари иноятни зиёда этар эрдилар.

Ва яна бир вақтда ойтибдурларким, улчаким, Мавлоно Орифнинг ҳақида ойтдилар, бю ҳам ойтурмиз онинг ва ул сўзда турурмиз, аммо онинг зуҳури бизнинг ихтиёримизнинг мавқуфи турур». Ва охири ҳаётларида ойтдилар: «Нисбати маънийи ботинийким, ойтиб эрдим ва ишорат қилиб эрдим, албатта зуҳур этар, аммо ўзлик ва манлик йўлда монез турур, то ул ародин кўтарилсун».

Ва ҳам Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ойтдиларким: «Ҳазрати Хожа Бузруг охири ҳаётларида ул мухлиснинг гиёбагида ул мухлиснинг ҳақида ойтибдурларким, ҳаргиз ондин ранжида бўлмадим, ҳар кишидин сабаби ранжиш вужудға келди, ондин келгани йўқ. Агар ниқоре ўртада бўлган бўлса, ул манинг тарафимдин эрдиким, ҳикмати ва маслаҳати оризий ваҳдин неча кун ботинимни ондин қайтариб олгон бўлсам. Эмди манинг ботиним онга батамоми рост турур ва ман ул сўздаман-

ким, Ҳижознинг йўлида асҳоблар ҳузурида ойтибман, эмди яна агар ул ҳозир бўлса эрди, ондин зиёда онинг ҳақида ойтур эрдим». Кун назарлар ул ҳолда изҳор этдилар ва кўб ёд қилдилар. Алҳамду лиллаҳи ала золика <sup>1</sup>.

*Бадин уммедҳойи шох дар шох,  
Карамҳойи ту моро кард густох.*

(Бу умидлар билан шохдан шохга кўндик,  
Сенинг караминг бизни густох қилди).

Ва ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Бузруг ахийри маразларида ул мухлиснинг ғайбатида асҳоб ва аҳбобларнинг ҳузурида они ҳаққида ойтибдурларким, бизнинг вужудимиздин мақсуд онинг зуҳури турур ва они жазаба ва сүлукнинг икки тариқи била тарбият қилдим, агар машғуллик этса жаҳон ондин мунаввар бўлур.

Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, бу нақлдин бу тариқа ҳам эшитибмизким, Ҳазрати Хожа Бузруг қуддиси сирруҳу Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳунинг ҳақида ойтибдурларким: «Мақсуд бизнинг вужудимизни ҳузури Муҳаммад турур». (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, бу иборат мутазаммини ибҳом турур.

Хизмати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳунинг Ҳазрати Хожа Бузруг (қуддиси сирруҳу)нинг марази ахийрларида кўб мулозамат этдилар, эртаю кеч хизматиға етушур эрдилар. Бир кун кўб меҳрибончилик қилиб. (Муҳаммад Порсога) ойтдиларким: «Сизга бул миқдор мулозамат этмак ҳожат эрмас».

Бир кун Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳунинг баъзи ақраболари Самарқандла маҳаллайи Хожа Кафширда Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг мулозаматлариға келиб эрдилар. Ул Ҳазрат оларға нисбат(ан) кўб илтифот этдилар ва оларнинг таъзиму тавқиқини зиёда этдилар. Суҳбат асносида ойтдиларким: «Бир азиз Ҳазрати Хожа Баҳоуддин (қуддиси сирруҳу)нинг интиқолларидин сўнг тушида кўруб, олардин сўрабдурларким, не амал қилурмиз, то нажот топ ғаймиз». Ойтибдурларким, ул амалға машғул бўлунгким, нафаси ахийрда машғул бўлмоқ керакдур, яъни нафаси ахийрда ўзини батамом Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жаноби ға ҳозиру огоҳ тутмоқ керак. ҳамишга ондоғ бўлунг».

1. Бунинг учун Аллоҳга шукрлар бўйсин.

Ондин сўнг ойтдиларким, хизмати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу, сизнинг жадди Бузрутворингиз бар ваҳже эрдилар, бир кун Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу бори Мазор ҳавзининг канориға келиб эрдилар. Кўрдиларким, олар оёқларини сувда кўюб, муроқабаға машғул бўлуб, ўздин ғойиб бўлуб турурлар. Ҳазрати Хожа дарҳол фўта боғлаб, сувға кириб, муборак юзларини оларнинг пушти пойиға кўюб, ойтиб турурлар: «Илоҳо, бу пойнинг ҳурмати учун Баҳоуддинға раҳмат қилғил!» Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) бу сўздин сўнг ойтдилар: «Ман билмасманким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу ул амалдин ўзгаким, нафаси ахийрда этмак керакдур, не амал этган эрканларким, бу даражаға етиб турурлар?»

### *Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо (қуддиса сирраҳу)нинг ҳавориқи одотлари<sup>1</sup> жумласидин турур*

Агар чандики, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирраҳунинг мартабалари ондин зиёда турурким, оларни ҳарқи одат била ситойиш этсалар ё олардин каромате нақл этиб кўргузсалар. Аммо, вақтиким, бу силсилаи шарифнинг удул ва сиҳатларидин икки-уч нақл эшитилуб эрди, онинг иродига густоҳлиқ этилди.

Баъзи маходим ойтур эрдиким, Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу осори тасарруфотларини ҳамишга вожиб бирла пушида тутар эрдилар ва онинг сатру ихфосида камо янбағий кўшиш қилур эрдилар. Лекин бир мартаба зарурат юзидин шаммае изҳор этдилар, бу восита биланким, онинг ихфосидин силсилаи машойихға оларнинг санади<sup>2</sup> ҳадисларидин иҳонате етушур бўлди.

Бул воқеанинг суврати бар сабийли ижмол ул турурким, қудватул-муҳаддисин Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий алайҳир раҳма Мирзо Улуғбекнинг замонида Самарқандға келиб эрдилар ва Мовароуннаҳр муҳаддисларининг санадлари таҳқиқи ва тасҳиҳиға машғуллик этдилар. Арбоби ҳасад ва ғараздин баъзилари оларға арз этдиларким, хизмати Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода кўб ҳадислар нақл қилурлар ва санадла-

1 Ҳавориқи одот — авлиёдан содир бўладиган кароматлар.

2. Санад ёки иснод — ҳадисларни бир-бирларига баён қилувчиларнинг номлари

рининг сиҳҳати маълум эрмастур. Агар Ҳазрати Шайх они таҳқиқ этсалар, узоқ эрмастур.

Шайх они таҳқиқ этмоқнинг мақомида бўлдилар. Мирзо Улуғбекни онга иқрор бердилар, токим қосидени Бухорога йибордилар. Ва Ҳазрати Хожадин келмакликни илтимос этдилар. Бас, Ҳазрати Шайх Хожа Исомуддин билаким, Самарқанднинг Шайх ул-исломи эрди ва вақт донишмандларининг жамиъи улуғлари мажмаъе этдилар. Ва бағоят олий мажлис мураттаб бўлди. Ва Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) ул мажлисга ҳозир бўлдилар. Шайх ул мажлисда олардин илтимос этдилар, то Ҳазрати Хожа бир ҳадисни ўз иснодлари била ривоят қилдилар. Шайх ойтдилар: «Бу ҳадиснинг сиҳҳатида ҳеч сўз йўқтур, аммо бу иснод<sup>1</sup> манинг наздимда собит бўлгон эрмастур».

Бу сўздин ҳосидлар хушдил бўлдилар ва бир-бирларига хубси айн этдилар (яъни, кўз қисишдилар). Ҳазрати Хожа ул ҳадисга яна бир тариқдин иснод ойтдилар. Шайх ул иснодда ҳам аввалғи сўзни ойтдилар, Ҳазрати Хожа билдиларким, ҳар иснодниким, баён этсалар, масмуъ бўлмастур. Бир лаҳза мувофиқ бўлдилар ва сукут этдилар. Ондин Шайхга қараб ойтдиларким, сиз Ҳазрати аҳли ҳадисларнинг китобларидин фалон муснадни мусаллам тутарсизму ва онинг иснодини муътабар дерсизларму? Шайх ойдилар: «Оре, онинг иснодларининг ҳаммаси муътабар ва муътамад турур ва онда фанни ҳадиснинг муҳаққиқларидин ҳеч бир кишига шубҳа ва дағдаға йўқтур. Агар сиз Ҳазратнинг иснодлари ул муснаддин бўлса, бизга онда сўз йўқтур».

Бас, Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) Хожа Исомуддинга қараб ойтдиларким, сизнинг китобхонангизда фалон тоқда, фалону фалон китобнинг тагида бу муснадким, от бердим, қатълари бу тариқа ва жилди бу янглиғ қўйулубдур. Ва ул билаким, баён этдим, батафсил мазкур ва мастур турур. Худломлардан бир шогирдингизни йиборинг, то они ҳозир қилсун. Хожа Исомуддин мутараддид эрдилар, ондаким, бул муснад ул ерда бор турурму ё йўқ?

Аҳли мажлис бу сўздин бағоят мутаажжиб ва мутаҳаййир, мутааммил ва мутафаккир бўлдилар. Нечунким, ёронларга зоҳир эрдиким, Ҳазрати Хожа (Порсо) ҳаргиз Хожа Исомуддиннинг китобхоналариға етушганлари йўқ эрди. Бас, Хожа Исомуддин бир одамни таъжил била уйга йибордилар. то ул нишоналарни

1. Қўлёзмада икки ерда бу сўз «устоз» шаклида нотўғри ёзилган.

мулоҳаза этиб, агар топса келтурсун. Ул одам бориб муснадни ул сифатлар билаким, нишона бериб эрдилар, топиб, мажлисга олиб келди. Ва ул ҳадис ул сафҳадаким, ишорат этиб эрдилар, ул иснод тариқлари била бетафовут мастур эрди. Ул мажлисдин хуруш чиқди ва Шайх соири уламолар била улуг ҳайратзада бўлдилар. Хожа Исомуддиннинг таҳаййур ва таажжуби ўзгалардин зиёда эрди, онинг учунким, ул муснаднинг китобхонада бор эрконин яқин билмас эрди.

Вақтиким, бу қисса Мирзо Улуғбекнинг арзиға етушди, ул ҳам Ҳазрати Хожани талаб қилмоқдин ташвир топди ва мунфаил бўлди. Ва бу тасарруфким, Ҳазрати Хожадин ул мажлисда воқе бўлди, шуҳратлари зиёда бўлмоқда сабаб ойланди. Ва замоннинг аён ва ақобириларига оларнинг ҳақида бошқа ақида пайдо бўлди.

Мавлоно Абдураҳим Найистоний раҳматуллоҳи таъолоким, Ҳазратнинг мулозаматлари ва разоъий биродарлари Бурҳонуддин Абу Наср қуддиси сирруҳунинг ҳамсабоқлари эркан, ойтибдурларким, ул тарихдаким, Амир Темурнинг фарзанди Мир Муҳаммад Жаҳонгир, онинг ўғли Мирзо Халил Самарқандда подшоҳ эрди ва Мирзо Шоҳрух Хуросонда бўлур эрди. Ҳазрати Хожа гоҳ-гоҳ мусулмонларнинг муҳимларини кифоят этмак жиҳатидин Мирзо Шоҳрухға руқъа ёзар эрдилар ва Мирзо Халилға ондин нохушлиқ келур эркан. Охир аҳти ҳасаднинг сиёяти била бағоят мутаассир ва мутағаййир бўлуб турур. Ондоғким, бир кишини Бухороға оларнинг ёнлариға йибордиларким, иноят этиб, сизнинг дашт тарафига кетмагингиз керакдур. Шоядким, ул ерда жамъе сизнинг қудумингиз баракатидин шарафи ислом топғайлар. Ҳазрати Хожа ойтдилар: «Хуш бўлғай, аввал мазоротларни тавоф этурмиз, ондин сўнг кетурмиз». Дарҳол от талаб қилдилар.

Мавлоно Абдураҳим ойтибдурким, ман оларнинг отларини эгарладим ва ёнлариға келтурдим. Фи-л-фавр сувор бўлдилар ва бизлар жамъе ходимлардин мулозаматларида равон бўлдуқ. Аввал Қасри Орифонга Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу сирраҳунинг мазорлариға бордилар. Вақтиким, мазордин ташқари чиқдилар ҳайбат ва ғазабнинг асарлари башарайи муборакларидин пайдо эрди. Ул ердин Сухорға бордилар. Бир замон Саййид Амир Кулол алайҳир раҳманинг қабрларида таваққуф қилдилар. Вақтиким, оларнинг мазорларидин ташқари чиқдилар, отлариға қамчи уруб, пуштанинг устидан юрутдилар. Хуросон тарафига қараб, бу байтни ўқудилар:

*Ҳамаро зеру забар кун на забар мон, на зер,  
То бидонанд, ки имруз дар ин майдон кист.*  
(Барчани остин-устун қил, на ост қолсину на уст,  
Токи бу майдонда ким борлигини билиб қўйсинлар.)

Ва ул ердин Бухороға келдилар. Ул лаҳзада Мирзо Шоҳруҳнинг нишони Мирзо Халилга етушди. Мазмуни буким: «Мана, дарҳол етушдим, керакким, уруш жойини муқаррар қилсун». Ҳазрат буюрдилар то ул нишонни Масжида жомеда минбарнинг устида ўқидилар. Ондин сўнг Самарқандға Мирзо Халилнинг ёнимға йибордилар. Ва Мирзо Шоҳруҳ ул нишоннинг изидин етушди ва Мирзо Халилни қатл этди.

«Нафаҳот ул-унс»да мазкурдурким, Ҳазрати Хожанинг муридлари ва мўътақидларидин бирлари нақл этибдурким, вақтиким, Ҳазрати Хожа (Порсо) навбати ахйрда Ҳижоз сафарини азимат этдилар, видоъ вақтида ойтдим: «Эй Хожа, сиз кетдингизму?» Ойтдиларким, «кетдук». Ул эрдиким, ул сафарда вафот топдилар.

Ҳазрати Хожа Абу Наср<sup>1</sup> қуддиса сирруҳу сафари Ҳижозда волиди Бузругворлари била ҳамроҳ эрдилар, ойтибдурларким, ул вақтдаким, волидим фавт бўлдилар, ёнларида ман ҳозир эрмас эрдим. Вақтиким, ҳозир бўлдум, муборак юзларини очдим, то назар қилғойман, кўзларини очдилар ва табассум этдилар. Манинг кулқу изтиробим зиёда бўлди. Оёқ учларидин келдим ва юзимни кафи пойлариға қўйдим. Оёқларини юқори тортдилар.

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Хожа (Порсо) икки мартаба сафари Ҳижозға бордилар. Аввалги мартабада Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин)нинг мулозаматларида эрдилар. Ва бу Ҳазрати Хожа Бузругнинг иккиланчи сафарлари эрди. Иккиланчи мартабада муҳаррам ул-ҳарам ойида сана саккиз юз йигирма иккида (1419) эрдиким, Байтуллоҳ ул-ҳарам тавофи ва зиёрати набийй Муҳаммад алайҳис саломни нияти била Бухородин чиқдилар ва Насаф йўлидин Сағониён ва Балх ва Ҳирот била мазороти мутабаррикаларнинг зиёратларини қасд этиб, равон бўлдилар. Ва ҳамма ерда содот, машойих ва уламо мақдами шарифларини ғанимат билдилар, эъзозу икромни тамом била мулоқот этдилар.

Вақтиким, Нишопурга етушдилар, ҳавонинг ҳарорати ва йўлнинг хавфи восита бўлғон сабабдин асҳобларнинг аросида сўзлар

1. Муҳаммад Порсонинг ўғли

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

ўтди. Фи-л-жумла азиматлариға путур йўл топди. Мавлоно Жалолуддин Румийнинг девонларини тафоул этиб очдилар, бу абёт чиқди:

*Равид, эй ошиқони Ҳақ ба иқболи абад мулҳақ,  
Равон бошид ҳамчун маҳ басуйи буржи масъудий.  
Муборак бодатон ин раҳ ба тавфиқи амонulloҳ,  
Ба ҳар шаҳру ба ҳар жое, ба ҳар даште, ки паймуди.  
(Эй Ҳақ ошиқлари, абадий иқболга етиш учун боринг,  
Ой каби бахтли бурж сари равон бўлинг.  
Қайси шаҳар, қайси жой, қайси даштга борсангиз,  
Аллоҳнинг омонлик тавфиқи сизлар учун муборак бўлсин).*

Ва Нишопурдин шул йўлнинг жумод ул-ахийрнинг ўнбир-ланчисида Ҳижоз тарафиға равон бўлдилар. Вақтиким сиҳҳат ва офиятнинг канафида Маккаи муҳтарамаға етушдилар ва аркони Ҳажни тамом этдилар, оларға маразе ориз бўлди, ондоқким, тавоф ва видоъни аморида (тахтиравонда) этдилар. Ул ердин Мадинаға мутаважжих бўлдилар. Ишорат ва башорат топиб, ойнинг йигирма учланчиси, чоршанба куниди Мадинаға етушдилар ва Ҳазрати Рисолат (Муҳаммад Мустафо) саллаллоҳу алайҳи васалламдин навозишлар топдилар. Ва пайшанба кун Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг раҳмати жавориға бордилар, (яъни вафот топдилар).

Мавлоно Жалолуддин Фанорийи<sup>1</sup> Румий ва Мадина аҳли ва қофила оларға намоз ўқидилар. Жумъа кечаси ул манзили муборакка нузул этдилар ва амир ул-мўъминийн Аббос (разийаллоҳу анҳу) қуббайи шарифлари жаворида мулфин бўлдилар.

Ва хизмати Шайх Зайнуддин Ҳофий раҳматуллоҳ Мисрдин бир оқ тош йўнуб келтириб, оларнинг қабрлариға лавҳ этти. Ва ул лавҳ ила соири қубурдин мумтоз бўлди.

Ойтиб турурларким, синни мубораклари етмиш учда эрди камобиш. Ва баъзи афозил оларнинг вафотлари таъриҳида ойтиб турурлар:

*Муҳаммад Ҳофизии имомун фоҳираҳ,  
Ман кона йасмаъу қавл ул-Ҳаққи ман фийҳ.  
Иза саъалту ли-таъриҳи фаътиҳи минҳу,  
Фа-қола фасл ул-хитоби ишоратун фийҳ.*

---

1. Босмада — қасорий

(Муҳаммад Ҳофиз ифтихорли имом,  
 Ҳақ сўзларини эшитгувчи зот эди.  
 Унинг ўлими таърихини сўрагандим,  
 «Фасл ул-хитоб» бу ҳаққа ишора, деб айтди.)

*Ҳазрати Хожа Абу Наср Порсо  
 (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсонинг шажараи таййибаларининг самараси эрдилар. Ва лақаби шарифлари Бурхонуддин ва Ҳофизуддин турур. Ва Ҳазрати Махдум (Абдурраҳмон Жомий) қуддиса сирруху «Нафаҳотул-унс»да келтирибдурларким, хизмати (Мавлоно) Хожа Абу Наср пояи улуми шариатни ва русуми тариқатни волиди Бузругворларига етиштуруб эрдилар. Ва нафйи вуҷуд ва базли мавҷуд этмақда ишни озордин ўрганиб эрдилар. Ҳолларини сатр ва талбис этмоқда бемасоба эрдиларким, ҳаргиз озордин зоҳир бўлмас эрдиким, бир кун бу йўлда қадам қўйғон бўлсалар. Ва бу тойифанинг улумидин, балки сойири улумдин бир нимарса билган бўлсалар. Агар киши озордин саволе этса, ойтур эрдиларким, китобға ружуъ қилур вақтеким китоб очсалар, ул масъала ё ул маҳалда чиқар эрди ё бир ва икки варақдин сўнг кўб ё оз мундин зиёда таҳаллуф этмас эрди. Пире азизе, кўб ёшиға кирган «пири хилт» лақаби била маъруф, Ҳазрати Хожа Порсо қуддиса сирраҳу остоналари ходимларидин эрдиким, ул Ҳазратнинг мулозаматларини кўб этиб эрди. Ва неча йиллар Хожа Абу Наср хизматларида бўлуб эрди. Ва ул хонадон бузругворидин нисбати бор эрди. Ҳиротга келиб эрди. Бир кун ойтдиким. Махдумзодаи ман Хожа Ҳофизуддин Абу Насрдин эшитдим, ойтдилар. Волиди Бузругворимдин бу байтни эшитдим. Байт:

*Сабуре варз, хуреандий, некубин бош, неку занн,  
 Ки дар ин чор чиз омад калиди шодмониҳо.  
 (Сабру қаноатлик бўл,  
 яна яхшилик қилувчи ва яхши гумонли бўл,  
 Бу тўрт нарса шодликнинг калити бўлди).*

Бир кун Ҳиротнинг Масжиди жомеъ(си)да жамъи толиби илмлар била Пири хилтнинг атрофида ўлтуруб эрдуқ ва ул хожаларнинг шамойилларидин, батахсис, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо ва хизмати Хожа Абу Наср қуддиса сирраҳудин сўз ойтиб ўлтуруб

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

эрди. Ул аснода мақсуранинг тоқида намози пешинга азон ойтдилар. Ва баззе мустамълар беодобона пирнинг сўзини қатъ этиб, таждиди вузуға турдилар. Ул ойтдиким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад қаддасаллоҳу таъоло сиррахудин бу байтни эшитдим.

Байт:

*Намозро баҳақиқат қазо бувад ва лекин,  
Замони суҳбати моро қазо нахоҳад бувад.  
(Намознинг қазосини ўқиб олса бўлади,  
Аммо бизнинг суҳбатимизнинг қазоси йўқдир.)*

Хизмати Хожа Абу Насрнинг вафотларида сана саккиз юз олтмиш бешда (1460) эрди ва олонинг вафотлари таърихида ойтибдурлар. Қўтға:

*Хожаи аъзам Абу Наср он ки шуд,  
Такягоҳаши маснади дорул-бақо.  
Сирри у чун бо Худо пайваста буд,  
3-ин сабаб таърих шуд: «сирри Худо».  
(Хожаи аъзам Абу Насрким  
Унинг манзили дорул-бақо (жаннат) эди.  
Ул зотнинг сирри Худоғе пайваста эди,  
Шу боис таърихи ҳам «Сирри Худо» бўлди.)*

*Мавлоно Муҳаммад Фағоназий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Бузругнинг мақбуллари ва манзурлари жумласидин эркан. Ва онинг мавлиди Фағназий турурким, бир улуё қасаба турур. Самарқанд била Бухоро аросида Бухоро музофотиндин турур. Ва Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтурларким, Мавлоно Муҳаммад жавоне бағоят соҳибжамол эрдиким, Ҳазрати Хожа Бузруг қуддуса сирруҳу они сайд этиб эрдилар ва назари иноят ва шафқат била қабул этдилар. Ва ул Ҳазрати Хожа Бузругнинг амрлари била олонинг нақлларидин сўнг Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддуса сирруҳу мулозаматларини кўб этдилар ва ойтур эрдиларким, мен онга мулозамат этдим. Ҳазрати Хожа Бузругнинг назарлари баракатидин ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсонинг суҳбатлари майманатидин нисбати жамъийят ҳосил этиб эрди. Ва олар ойтур эрдиким, кўб бўлур эрдиким, Ҳазрати

Хожа Муҳаммад Порсо хуфтон намози адосидин сўнг масжиддин ташқари чиқиб, масжиднинг эшигида асоларини муборак сийна-ларига кўйиб турар эрдилар ва асҳоб бирла икки-уч калима сўзлаб ондин сўнг сукут этиб, ул сукутда ўздин ғойиб бўлур эрдилар. Ва ул ғийбат имтилод топиб, озор шул тариқа асога такя қилиб турар эрдилар, то (субҳ) вақти(ғача)ким, муаззин намози бом-додга озон ойтур эрди. Яна масжидга кирар эрдилар.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, бу навъ машғулликлар бу силсиланинг хожалари қаддасаллоҳу арвоҳаҳум-дин бил-куллийа ажиб ва ғариб эрмастур. Бу ҳолат давоми маш-ғул бўлмоқдин осон бўлур. Ва амалнинг кулфати давоми машғул бўлмоқ воситаси била муртафиъ бўлур. Валлоҳу аълам.

*Хожа Мусофир Ҳаворазмий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Бузруғ қуддуса сирруҳунинг мухлислари ва му-лозимларидин эрди. Ҳазрати Хожанинг нақлларидин сўнг ҳам ул Ҳазратнинг ишоратлари била Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо-нинг мулозаматларини этдилар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) оларни кўруб эрдилар ва олар била суҳбат тутдилар. Ойтур эрди-ларким, аввалги мартабаким, Хирот тарафига мутаважжиҳ бўлдим, Хожа Мусофирга ҳамроҳ бўлдим, ва олар аслида Ҳаворазмдин эрканлар. Ва муаммар бўлиб эрдилар, тўқсон ёшга кириб эркан-лар. Кўб дарвишлар ва улўғларнинг суҳбатларини топиб эрди ва бу тариқ машрабида эрди. Ва ул ойтур эрдиким, Ҳазрат Баҳоуд-дин қуддуса сирруҳунинг мулозаматларида кўб бўлдим ва озор-нинг хизматларини қилдим. Аммо самоъга кўб майлим бор эрди. Бир кун озорнинг асҳобларидин жамъ била иттифоқ қилдукким, қавволе ва даффофе ва ноий ҳозир этиб, Ҳазрати Хожанинг маж-лисларида машғул бўлалуқ, кўраликким, не дерлар. Андоғ қилдук, Гўянда ва навозанда келтурдук. Ҳазрати Хожа ул мажлисада ўлтур-дилар ва ҳеч тариқа манъ этмадилар ва охирида ойтдилар: «Биз бу ишни этмасмиз ва инкор ҳам қилмасмиз».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) Хожа Мусофир-дин нақл этдиларким, ул ойтибдур: «Бир кун Ҳазрати Хожа Ба-ҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу иморат қилур эрдилар ва барча асҳоблар улўғ ва кичикдин ул ерда ҳозир эрди тар. Эҳтимо-ми тамом била лой ишига шуғллари бор эрди. Ҳазрати Хожа Му-ҳаммад Порсо қуддуса сирруҳу ул кун лойнинг ўртасида эрдилар.

Вақтеким, офтоб ҳадди устивога етушди, ҳаво кўб иссиғ бўлди. Ҳазрати Хожа асҳобларга ижозат бердиларким, «бир соат роҳат қилинглар». Ҳар ким қўл ва оёғини ювуб, сояга бордилар ва уй-қуладилар. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ул лойиқнинг канорида оёқлари тўла лой офтобда уйқуладилар. Шул аснода Ҳазрати Хожа келдилар ва барча асҳобга гузар этдилар. Вақтеким, Ҳазрати Хожа Порсонинг ёнлариға келдилар ва олорни ул кайфият била уйқуға кетгон кўрдилар, муборак юзларини оёқлариға суртдилар ва ойтдиларким: «Худовандо! Бу пойнинг ҳурмати учун Баҳоуддинға раҳмат этгил».

### *Мавлоно Яъқуб Чархий (қуддиси сирруху)*

Олар Ҳазрати Хожа Бузруг Баҳоуддин қаддасаллоху таъоло сирраҳунинг асҳоби киборларидан турурлар. Ва улуми зоҳирий ва боғинийға олим эрдилар. Ва аслда Чарҳдин турурларким, Фазнин вилоятининг бир деҳаси турур ва қабри мубораклари Ҳалфатуладурким, Ҳисорнинг деҳаларидин турур.

Олар ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сиррухунинг мулозаматлариға бормасдин аввал оларға муҳаббатим ва ихлоси тамомим бор эрди. Бухоронинг ақибир уламоларидин ижозати фатво олгонимдин сўнг, ул азиматни этдимким, ватани аслийға мурожаат этсам. Бир кун ман Ҳазрати Хожа била мулоқот этдим, тавозуь этиб, кўб тазарруь кўргуздимким, гўшайи хотирангиздан ман тарафға меҳрибон бўлсангиз. Ойтдилар: «Бу замонким, азимат этибсан, бизнинг ёнимизға келибсен (муддаонг не)?» Ойтдим: «Дўстдори хизмат турурман». Ойтдиларким: «Не жиҳатдин?» Ойтдим: «Ул жиҳатдинким, улугсиз ва ҳама халойиқнинг мақбули турурсиз». Ойтдиларким: «Мундин яхшироқ далил керак, шояджим бу далил шайгоний бўлса». Ойтдим: «Ҳадиси саҳиҳ турурким, ҳар вақт Ҳақ субҳонаху ва таъоло бир бандани дўст тутса, онинг дўстлигини бандаларнинг кўнглига солур». Олар табассум этдилар ва ойтдилар: «Бизлар азизлар турурмиз». Бу сўздин манинг ҳолим бошқа бўлди, ул жиҳатдинким, мундин бир ой аввал тушда кўруб эрдимким, манга ойтурлар: «Азизларнинг муриди бўл». Ман бу гушни фаромуш этиб эрдим. Вақтиким, олар бу сўзни ойтдилар, манинг ул туш ёдимға келди.

Ҳазрати Хожадин илтимос этдимким, хотири шарафингизни ман тарафға меҳрибон бўлунг. Ойтдиларким, бир одам Ҳазрати Азизон алайҳир раҳма ва-р-ризвондин хотире талаб қилгон эр-

кан, ойтибдурларким, хотирда ғайр қолмай турур ва бир нимарса бизнинг ёнимизга қўйгилким, вақтиким они кўрсак сан ёдга келурсан. Бас, ойтдиларким, сенда ҳеч нимарса йўқким, бизнинг ёнимизда қўйсанг. Муборак тоқияларини манга бердиларким, муни сақлағил, ҳар қачон бу тоқияни кўрсанг бизни ёд этарсан, вақтиким ёд этсанг, топарсан.

Ва ойтдиларким, зинҳор бу сафарда Мавлоно Тожуддин Дашт-кулакийни топгойсанким, авлиёуллоҳдин турур. Хотирга келдиким, манга иттифоқи Балх турур, ул йўлдан ватанимга борурман, Балх қайдаю Дашти Кўлак қайда». Ондин сўнг Бухородин Балха мутаважжих бўлдум. Иттифоқан зарурате воқия бўлуб, суврате олдимга келдиким, Балхдин Дашти Кўлакка тушдим. Ва Ҳазрати Хожанинг ишоратлари ёдимга келди. Мутаажжиб бўлдим ва Мавлоно Тожуддиннинг суҳбатларини топдим.

Ва Мавлононинг суҳбатларини топганимдин сўнг Ҳазрати Хожага манинг муҳаббатим робитаси қувват топди ва сабабе воқия бўлдиким, яна Бухорога ул Ҳазратнинг мулозаматлари учун муурожаат этдим. Ва бу доъийа хотирга тушдиким, Ҳазрати Хожага дасти иродат берсам. Бухорода мажзубе бор эрдиким, онга эътиқоди тамомим бор эрди, йўлнинг бошида ўлтургон кўрдим. Онга ойтдим, борайинми? Ойтди, тез боргил. Ва олдида кўб хат (чизиқ)ларни тортди. Ман ўзумга ойтдим, бу хатларни санайин, агар фард келса, бу доъийанинг ҳақиқатиға далил бўлур. «Инналлоҳа фардун йўҳиб ул-фарда». яъни Аллоҳу таъоло тоқ турур ва тоқни дўст тутар. Вақтиким санадим, фард эрди. Яқини тамом бирла Ҳазрати Хожанинг ёнлариға бордим ва иродатимни ойтдим. Ва манга «вуқуфи ададий»ни<sup>1</sup> талқин этдилар. Ва ойтдилар, то эта билгунча адади фардни рноя қилғил. Ул хутут фардларга ишорат этдиларким, ман ўзимга далил этиб эрдим.

Ва ҳам Мавлоно Яъқуб қуддиси сирруҳу мусаннафотларининг баъзисиде ёзибтурларким, вақте Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг инояти била бу фақирда доъийаи талаб пайдо бўлди ва фазли Илоҳийнинг қонди ва асокаши Ҳазрати Баҳо ул-Ҳақ ва-д-Дин (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу таъоло сирруҳуға тортди. Бухорода оларнинг мулозаматларин эгар эдим ва карами аминлари била илтифот топдим, то манга ҳидояти самадият билан яқин ҳосил бўлдиким, олар хос авлиёдин турурлар ва комили мукамал турурлар.

<sup>1</sup> Вуқуфи ададии — Аллоҳ исмини ёки таҳлилни ҳар бир нафасда тоқ айтиш.

Ва ишорати ғайбийя ва воқеъоти касийрадин сўнг Каломуллоҳга тафоул этдим, бу оят чиқдиким: «Улоикаллазийна ҳадайҳумуллоҳу фабиҳадайҳим иқтадиҳ»<sup>1</sup>.

Ва ахийри кун Фатҳободдаким, бу фақирнинг маскани эрди, Шайх Сайфиддин ал-Бохарзий (раҳматуллоҳи таъоло)нинг мозорларига мутаважжаҳ бўлуб, ўлтуруб эрдим. Ногоҳ қабули Илоҳийнинг пейки егушди ва ботинда беқарорлик пайдо бўлди. Ҳазрати Хожанинг ёнларига бормоқни қасд этдим. Вақте Қасри Орифонгаким, манзиллари эрди, бордим, Ҳазрати Хожани йўлнинг бошида мунтазир кўрдим. Эҳсон била талаққий этдилар. Намоздин сўнг суҳбат тутдилар. Ва оларнинг ҳайбатлари муставлий бўлўб, сўзламакка мажол қолмади. Ул аснода ойтдиларким, ахборда келиб турур: «Ал-Илму илмони, илм ул-қалби, фа-золика илмун нофиъун, алламаҳ ул-анбиёу ва-лмурсалун ва илм ул-лисони фа-золика ҳужжагуллоҳи ала бани Одама». <sup>2</sup> Умид турурким, илми ботиндин насиба санга егушса.

Ва ойтдиларким, хабарда келиб турур: «Иза жоластум аҳл ассидқи фажлисуҳум би-с-сидқи финнаҳум жавосис ул-қулуби, йадҳулуна фи қулубиқум ва йанзуруна фи ҳимамиқум».<sup>3</sup> Биз маъмур турурмиз, ўз ихтиёримиз била кишини қабул эта билмасмиз, бу кеча кўрайлик не ишорат бўлур эркан, агар сизни қабул этсалар, биз ҳам қабул этурмиз». Ва ул кеча ундоғ қаттиғ ўтдиким, умримда ондоғ кечани ўтказганим йўқ эрдиким, мабодо рад эшиги очилса, кўрқуб, ҳаросон бўлуб. Вақтиким, олар била намози бомдодни адо қилдим, ойтдилар: «Муборак бўлсунким, қабулға ишорат бўлди». Биз кишиниким, қабул этармиз ва агар қабул қилсак, узоқлик била қабул этурмиз, аммо то ҳар одаме не тарика келур ва не тариқа бўлур ва вақтнинг муқтазоси бўлур?

Ондин сўнг ўзларининг силсилаи машойихларини то Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний қаддасаллоҳу арвоҳаҳум келгунча баён эттилар. Ва бу фақирни «вуқуфи ададий»га машғул эттилар ва ойтдиларким, илм ладуннийнинг <sup>4</sup> аввали бу сабоқ турурким, Ҳазрати Хожа Хизр алайҳис саломдин Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин)га етишуб турур.

1. Ана шу пайғамбарлар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир Сен ҳам уларнинг йўлидан юр, уларга эргашгин. (Анъом, 90-оят).

2. Илм икки хилдир: қалб илми, бас, фойдали илмдир. у набийлар ва расуллар таълим олган илм. Қол илми эса бу Аллоҳнинг Одам фарзандларига ҳужжатидир.

3. Сидқ аҳли билан ўтирсангиз, садақат билан ўтиринг. чунки улар кўнгил жосуларидир, қалбингизга кирадилар ва ҳимматларингизга боқадилар.

4. Илми ладунний – Аллоҳ ҳузуридан бериладиган хос илм, яъни авлиёлик илми.

Ондин сўнг яна неча вақтлар мулозаматларида бўлдум, то гоятигаким, фақир Бухородин сафар этмакка ижозат бўлди. Ойтдилар, улчаким биздин санга етушуб турур, Худойи таъолонинг бандаларига етурғил, то сабаби саодат бўлғай.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, хизмати Мавлоно Яъқуб алайҳир раҳма ойтиб турурларким, Ҳазрати Хожа Бузруг манга амр этиб эрдиларким, Хожа Алоуддин Атторга мусобиҳ бўлунг. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг вафотларидин неча вақтдин сўнг ман Бадахшонга тушдим ва хизмати Хожа Алоуддин Чағониёнда мутаваттин эрдилар, бу фақирга нома ёздиларким, Ҳазрат (Баҳоуддин)нинг васиятлари шундоғ эрдиким, ҳамроҳ бўлсак, ҳоло маслаҳат не турур? Вақтики, мактубнинг мазмунидин мутталиъ бўлгонимдин сўнг, ман Чағониёнга келдим ва оларнинг мулозаматларида бўлдум, то вақтигаким, хизмати Хожа (Алоуддин) нақл этдилар. Уч кундин сўнг сафар этдим ва Халхату тарафига келдим.

Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархий қуддиса сирруҳу мабодийи аҳволда неча вақтлар Жомеи Ҳиротда ва неча вақтлар Миср диёрида таҳсили улумга машғул бўлубдурлар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Яъқуб алайҳир раҳма ойтдиларким, неча вақт Ҳирида бўлдим. Ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорий қуддиса сирруҳунинг хонақоҳларидинким, Бозори Маликда воқеъ турур, таом ер эрдим, ул сабабдинким, онинг шартларида тувсийъа бор турур ва асли вақфда ҳам эҳтиёт қилибдурлар.

Ва Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Мадрасаи Гиёсийанинг авқофидин ҳам еса бўлур, ул сабабдинким, онинг ҳам авқофида эҳтиётни риоя этибдурлар. Солиҳ ва мутаварриъ одамлар Мадрасаи Гиёсийада сокин бўлур эрдилар ва онинг авқофидин ижтиноб этмас эрдилар.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) хизмати Мавлоно Яъқуб қуддиса сирруҳудин нақл этар эрдиларким, олар ойтдиларким, Ҳирот шаҳрида онинг мавхуфотларидин уч мавзеънинг вақфидин бошқа вақфдин нимарсае еб бўлмасдур: хонақоҳи Хожа Абдуллоҳ Ансорий қуддиса сирруҳу, хонақоҳи Малик ва Мадрасаи Гиёсийа. Бошқа жоеким, онинг вақфида таралдуд бўлмаса, ондоқ жой турур. Шул вайҳдин Мовароуннаҳрнинг ақобирлари қаддасаллоху арвоҳаҳум муридларини сафари Ҳиротдин манъ этибдурлар. Нечунким, ул ерда ҳалол кам турур ва вақтиким солиқ ҳаромга воқеъ бўлди, «Ражаъа-л-қаҳқари ода-л-мийшум ила

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

табъиҳи»,<sup>1</sup> ...ружӯ этар ва табиати аслийға яна авд этар<sup>2</sup>, сироти мустақиймнинг сулукидин мунҳариф бўлур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, хизмати Мавлоно Яъқуб алайҳир раҳма хизмати Шайх Зайнуддин Хофий раҳматуллоҳ била Мисрда ҳамсабақ эрдилар. Мавлоно Шаҳобуддин Сайромий раҳматуллоҳким, кибори уламои замондин эрдилар, оларнинг олдида таламмуз этибдурлар ва шериклик жиҳатлари бор эрди. Бир кун хизмати Мавлоно Яъқуб алайҳир раҳма бу фақирдин сўрадиларким, Хуросонда бўлурсан, ойтурларким, Шайх Зайнуддин Хофийнинг хизматида муридлар туш ойтур эрмишлар ва оларни таъбир этиб, ондин кўб эътибор топар эрмишлар? Ойтдим: «Оре, ондоғ турур». Хизмати Мавлоно муборак кўлларини сақоллари аросида тутдилар. Бу сўзлардин сўнг оларға гайбате даст берди ва даъби ул эрдиким, замон-замон ўздин ғойиб бўлур эрдилар. Ул гайбатда муборак бошлари сийналарига тушди, ондоқким, икки-уч тори мўйи сафиди муборак бармоқлари аросида қолди. Соатедин сўнг бошларин кўтардилар ва бу байтни ўқудилар:

*Чу гуломи офтобам ҳама зи офтоб гўям,  
На шабам, на шабпарастам, ки ҳадиси хоб гўям.*

(Мен Куёшнинг гуломиман,

доимо Куёшдан гапираман,

Тун ҳам эмасман, тунни улугловчи ҳам эмасман,

туш таъбиридан гапирсам.)

Хожа Носируддин Убайдуллоҳ разийаллоҳу таъоло анҳу ва арзоҳу, агар чандиким, Эшоннинг хизмати Мавлоно Яъқуб алайҳир раҳмага нисбатлари ва иродатлари собит бўлгон ҳайсийятидин (жиҳатидин) лойиқ ул эрди ва муносиб шундоғ кўрунур эрдиким, Ҳазрати Эшоннинг зикри Мавлононинг зикридин сўнг самти ирод топғой. Лекин, вақтеким, Ҳазрати Эшоннинг аҳволлари ибтидодин то интиҳоға муштамил турур анвоъи ҳикояту ривоятға ва ул Ҳазратнинг обо ва ажлду авлду ақраболарининг сифотлариға ва мабодийи аҳвол ва атворлари баёнимға ва машойихи кибор била суҳбат тутгонлариға ва маориф ва латойифлариким, хилоли мажлисда ул Ҳазратдин бевосита эшитиб эрди ва

---

1. У ҳалолдан ортга қайтса табиатига бадбахтлик ўрнашади.

2. Бу ерда бир сўз ноаниқ ёзилган.

тасарруфоту ҳавориқи одатлари шарҳикаким, Ҳазрати Эшондин зуҳурға келиб эрди ва вафотларининг тарихи зикрига ва ул Ҳазратнинг дори дунёдин дори охиратға интиқол ва иртиқолларининг кайфиятига, ложарам бу мақоланинг итмомидин сўнгким, муштамил турур Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг силсилалари зикрига. Ҳазрати Эшоннинг аҳволларининг шарҳиким, бу мажмуъанинг таълифидин мақсуд улдур бар сабийли тафсил уч мақсад ва бир хотиманинг зимнида ирод топар. Ондоқким, бу рисолянинг дебочасида онинг фиҳристи ёзилиб эрди.

*Хожа Алоуддин Ғиждувоний  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин)нинг ажиллаи асҳобларидин турур. Мавлидлари Ғиждувон деҳаси турур. Ва қабри муборақлари Филмарзада турурким, шаҳри Бухоронинг жанубида, Ийдгоҳга яқин бир даҳе турур ва ул деҳанинг ўртасида талле бордурким, олар ул талнинг устида мадфун турурлар.

Хизмати Хожа Алоуддин ўн олти ёшларида Амири Калон Вешийким, Амири Кулолнинг асҳоби киборларидин эрдилар, қуддиси сирруҳума, оларнинг суҳбатлариға бориб, олардин таълими зикр олиб турурлар, ондоқким, мундин аввал Амири Калон зикрида ирод топди.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдилар: «Хизмати Хожа Алоуддин йигитлик овонида ҳам Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қуддиси сирраҳу)нинг шарафи мулозамат ва қабулларини топиб эрдилар. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) нақл этканларидин сўнг ҳам оларнинг ишоратлари била қолгон умрларини Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Бурҳонуддин Абу Наср қаддасаллоҳу руҳаҳумонинг суҳбатларида ўтказдилар. Ва ул Бузругворлар оларнинг суҳбати шарафларини ғанимат билур эрдилар».

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, хизмати Хожа Алоуддин (Ғиждувоний) алайҳир раҳманинг истиғроқи тамомлари бор эрди. Бағоят ширин калом эрдилар. Гоҳ бўлур эрдиким, каломнинг аросида ўздин ғоиб бўлур эрдилар. Ва ойтур эрдиларким, Хожа Алоуддиндек машғул ва ишга харис кишини кам кўрдим, машғулликларининг кўблигидин гўё бу нисбатнинг ғайбати бўлуб эрдилар.

Вақтиким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳу сафари мубораки Ҳижозга борур бўлдилар, хоҳладиларким, Хожа

Алоуддинни ҳамроҳ олиб юрсалар ва оларни ул вақтда ёш босиб, қариб, тўқсон ёшларига камобиш етушуб эрдилар. Ва қаррилиқ заъфининг асарларини кўб топиб эрдилар. Самарқанд ақобирларидин бирлари ойтибдурларким, Ҳазрати Хожа (Порсо)дин дархост этдимким, хизмати Хожа Алоуддин (Ғиждувоний) кўб пиру заиф бўлубдурлар ва олардин ҳеч иш келмас, агар бу сафардин оларни маъзур тутсангиз муносиб турур. Ҳазрати Хожа (Порсо) ойтдиларким, бизнинг оларга ҳеч ишимиз йўқтур. Мундин ўзгаким, вақтиким, оларни кўрармиз азизларнинг нисбатидин ёдга келур ва бу бизга мададе ва маъунати тамом турур.

Ҳазрати Хожа Алоуддин (Ғиждувоний) ойтур эрдиларким, то ман ўзумни билурман, ул миқдорким, бир сича минқорини сувда сақлар, ғафлат мани топгон эрмастур, на уйқуда ва на бедорлиқда.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳро) ойтур эрдиларким, хизмати Хожа Алоуддин (Ғиждувоний)нинг бағоят ғолиб истиғроқлари бор эрди. Вақтидаким, Бухорога келдим, олар тўқсон ёшларида эрдилар. Бир кун Ҳазрати Хожа Бузрут (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу зиёратларини ниййат этиб, Қасри Орифонга бордим. Ва мурожаат қилиб, йўл яримга келиб эрдиким, хизмати Хожа Алоуддин олдимдин чиқдилар ва ойтдилар: «Гумон этиб эрдиким, сиз кеча ул ерда бўлурсиз, онга бино қўйиб келиб эрдук». Яна олар била ҳамроҳ бўлуб, мазори шарифга келдук. Намози хуфтани ўқуғондин сўнг ойтдилар: «Ниёзманд киши турурсиз, бу кеча ихё қилинг, уйқуға борманг». Ва намози хуфтандин то сабоҳғача ўлтурдилар, бар важҳеким, бу оёқдин бу оёқга ўлтурмадилар.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳро) ойтдиларким, бу янглиг ором бирла ўлтурмоқ бежамъияти томм мумкин эрмастур. Камоли жамъият бўлмай қуввати башарий вафо этмастурким, киши кибори синнийда шундоғ ўлтурса. Ва ойтдиларким, шайхи мазор фақир киши эрди, икки коса ун оши(ни) турб бирла келтурди ва улуг косани Хожа (Алоуддин)нинг олдида қўйди, онинг ҳаммасини ичтилар ва хуфтандин то субҳғача ўлтурдиларким, ташқари чиқмоқға ва таҳорат этмакка эҳтиёжлари бўлмади.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳро) ойтдиларким, ул сабабдинким, мазори шарифга пиёда келиб эрдим, то йўлнинг ярмига мурожаат этиб ва яна Ҳазрати Хожа (Алоуддин)нинг хизматларида қойтиб эрдим, машаққат ва хоримоқ кўб бўлуб эрди. лекин мувофиқат зарурати била ўлтурмоқ керак бўлди. Ярим кечадин

сўнг ўлтурмоқ мажоли қолмади, они яхшироқ кўрдимким, туройин ва оларнинг ходими<sup>1</sup> қилайин. Вақтиким, шуруъ қилдим, Хожа ойтдилар: «Боре кўтариб, таъабга қолурсиз?» Ойтдим: «Ўлтурмоқга мажол қолмади, хоҳладимким, сабукбор бўлайин ва роҳате топайин».

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳроп) ойтур эрдиларким, Самарқандда мани кўз огриқи тутди. Қирқ кун дард чекдим. Малул бўлдим ва чиқиб кетмакни қасд этдим. Хизмати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ҳар неча манъ этдилар, мумтаниъ бўлмадим. Хожа Алоуддин Ғиждувонийни кўрмак орзуси била Бухорога майл этдимким, оларнинг авсофини кўб эшитиб эрдим, ҳануз муборак дийдорларини кўрганим йўқ эрди. Вақтиким, Бухорога етишдим, бир кун ташқари чиқдим. Ул ерда бир масжид кўрдим ва онга кирдим. Бир пурнуроний ул ерда ўлтурғон кўрдим. Манинг ботинимда онинг суҳбатиға инжизоби қавий пайдо бўлди. Ёнлариға бордим, манга яхши мулоқот этдилар. Уч кун мутгасил келур эрдим, ойтдилар: «Уч кун турур келурсан ва биз била суҳбат тутарсан, мақсад не турур? Агар келибсанким, шайхлик ва каромат кўргайсан, улчаким, талаб қилурсан, бу ерда топилмас. Агар бизнинг суҳбатимиздин мутаассир бўлсанг, бизга мубораксан, ё ойтдилар, санга муборак бўлсун». Ондин сўнг бу рубойиниким, Ҳазрати Азизон алайҳир раҳма ва-р-ризвонга мансуб турур, ўқидилар:

*Бо ҳар ки нишгастию нашуд жамъ дилат<sup>2</sup>.*

(Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсангу,  
тиг топишолмасанг...)

Ва ул пир Ҳазрати Хожа Алоуддин Ғиждувоний эрдилар қаддасаллоҳу руҳаҳу.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳроп) ойтур эрдилар:

«Бидояти ҳолда ажаб изтиробим бор эрди, то Ҳазрати Хожа Алоуддин алайҳир раҳманинг суҳбатлариға етишмагунча ором топмадим».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳроп) ойтур эрдиларким, авойили иродатда азизларнинг суҳбатлариға кўб борур эр-

1. Ходими қилмоқ — уқалаб, силаб кўймоқ.

2. Тўлиқ рубойи ва унинг таржимаси «Хожа Азизон зикри» бобида келтирилган.

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

дим. Баъзилари тариқага машғул этар эрдиларким, нисбати ҳузур ва жамъият тезлик била зоҳир бўлур эрди. Вақтиким, ул ҳузурнинг асарлари зуҳурға келса, амри дигарға машғул этар эрдилар ва ул жамъиятнинг асари зойил бўлур эрди ва мувриси тафриқа ойланур эрди. Бу жиҳатдин кўб саргардонлиқ тортар эрдим ва мунинг сабабини билмас эрдим. Охир ул-амр маълум бўлдиким, оларнинг мақсудлари ул эрдиким, бу тариқ бағоят камёб турур, тезлик била маълум бўлмас ва жамъият осонлик била муяссар бўлмас.

Вақтиким, Бухорода Хожа Алоуддин (Ғиждувоний)нинг хизматлариға борилди, оларнинг суҳбати шарафларининг баракати-дин ул тафриқалардан халос бўлдим ва тариқ равшан ойланди.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, бидоятда манга ақида ондоқ эрдиким, мақсуднинг хусули мавқуф турур азизе ва комиленинг илтифотиғаким, бир назару илтифоти комил била мақсуд муяссар бўлур. Вақтиким, Ҳазрати Хожа Алоуддин (Ғиждувоний)нинг хизматлариға етушдим, ойтдилар: «Ул-чаким, маълум этибсизлар, онга машғул бўлмоқ керакдур. Саъй ва эҳтимомнинг дахли тамомийси бордур, ҳар нимарсаким, бесаъйу эҳтимом ҳосил бўлур бақоси ва давоми бўлмасдур».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдилар: «Қирқ кун муддати хизмати Хожа Алоуддинға мулоқот ва ихтилотим бўлди. Бир кун Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) (қуддиса сирруҳу)нинг камоли тасарруфларини ва мажлиси шарифларини ёд этдилар ва охирида ойтдилар: «Вақт азизларининг суҳбати ҳам ганимат турур, агар чандиким, ўткан одамларнинг мартабаларида бўла олмаслар». Ва ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) ойтур эрдиларким, акобирлар ойтибдурлар: «Гурбаи зинда беҳ аз шери мурда, яъни тирик пишгак ўлган шердин яхши турур».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Хожа Алоуддин (Ғиждувоний) алайҳир раҳманинг фавт бўлганларида хизмати Абу Наср Порсо алайҳир раҳма ваъз ойтдилар. Ул аснода ойтдилар: «Хизмати Хожа Алоуддин алайҳир раҳма бизнинг ҳамсоялиқимизда эрдилар ва бизлар анинг сояйи ҳимояту инояти ва баракату ҳимматида эмин ва осуда эрдик. Бу замон олар Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жавори раҳматиға кетдилар. Эмди ул маҳал турурким, кўрқаман».

Мавлоно Балруддин Саррофоний азизенинг одлари турурким, Хожа Алоуддин Ғиждувоний қуддиса сирруҳунинг муридлари ва

ходимлари жумласидин эрдилар ва Саррофон маҳалласидинким, Бухоронинг маҳаллаларидин бир маҳалла турур, шундоғ ҳикоят этибдурларким, вақтиким, хизмати Хожа Алоуддин алайҳир раҳ-ма Ҳазрати Хожа Носируддин Убайдуллоҳ (Аҳрор) қаддасаллоху таъоло сирраҳуға ижозат бердилар. Ман хизмати Хожа Алоуддинга ойтдимким, сиз Ҳазрати Хожа (Убайдуллоҳ Аҳрор)га тез ижозат бердингиз? Ойтдиларким, Хожа Убайдуллоҳ бизнинг ёнимизга тамом келди ва бизнинг ёнимиздин тамом кетди.

Мавлоно Бадруддин доимо Бухородин Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг мулозаматлари учун Самарқандга келур экан. Асҳоблардин баъзилариға ойтибдурларким, вақтиким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) Хожа Алоуддин, жудо бўлдилар ва кеттилар, Хожа (Бадруддин) ойтдилар: «Субҳоналлоҳ бу Хожа Убайдуллоҳ эрмас, балким Хожа Баҳоуддин турурким, яна бир мартаба дунёга минг камол бирла зиёд бўлуб келиб турур».

**Шайх Сирожуддин Кулол Пирмасий**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)\*

Оларнинг мавлиди Пирмас эрдиким, даҳя турур Вобканд қаса-басидаким, ул ердин то шаҳри Бухороға қарийб гўрт фарсахи шаръий турур. Мабодийи аҳволда Амир Кулол қуддиса сирруҳунинг фарзандлари Амир Ҳамзанинг муриди эркан. Аммо, ахирда Ҳазрати Хожа Бузрут қуддиса сирруҳунинг асҳобларининг сулукига кирибдурлар. Бидоят ҳолдаким, Амир Ҳамзаға мулозим эрдилар, кўб риёзатлар ва мужоҳадлар этибдурлар. Бир мартаба ул аснода онга ғайбате даст берубдурким, уч кеча-кундуз ўзидин беҳабар бўлуб этибдур. Амир Ҳамзани ул ҳолдин воқиф этибдурлар. Ойтдилар: «Боринглар ва қулоқиға ойтингларким, Амир Ҳамза ойтибдурки, ул жойғаким етишибдурсен, шул жойтдин қайтгил». Вақтеким, бу сўзни онинг қулоғига ойтдилар, бир лаҳзадин сўнг онда ҳиссу ҳаракате пайдо бўлубдур. Ва шуъуриға келибдур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) мабодийи аҳволда они кўруб эрдилар ва онинг била суҳбат тутуб эрдилар. Ойтиб эрдиларким, ман йигирма икки ёшимда эрдим, Самарқанддин Бухороға азимат этдим. Ул йўлда Шайх Сирожуддин Пирмасийнинг диҳясиға етушдим. Кўб хотир машғуллик этдиларким, мен олонинг ул жойида бўлсам, менинг хотирим ул ерда бўлмоқ истама-

\*. Шайх Сирожуддин Кулол Пирмасий (р.т.)» зикридан бошлаб, то «Мақола»нинг охиригача бўлган қисми Б. Умрзоқ таъдил қилган.

ди. Ижозат талаб қилдим. Олор ойтдилар: «Бу бўстонга киринг ва сайр қилинг ва ондоқ ҳаёл этингким, Хуросон ва Ироқ ва ҳамма жойни кўрубсиз». Мен сайр этдим, вақтиким бўлмоқға хотирим йўқ эрди, Бухороға ижозат талаб қилдим ва икки-уч кунким, Шайх Сирожуддиннинг ёнлариға бўлдим. Оларнинг ҳолларини мулоҳаза қилур эрдим. Кундуз кулолликға машғул эрдилар ва кеча кўб ўлтурур эрдилар. Батарийқа ўлтурур эрдиларким, яна бир оёқға ойланмас эрдилар ва ҳам Ҳазрат Эшон (Убайдуллоҳ Аҳро) ойтдиларким, Мавлоно Сирожуддин Ҳаравий Самарқандға келиб, мадрасаи Улуғбекка мударрис бўлуб эрдилар. Олор ойтиб эрдиларким, мен Шайх Сирожуддин Пирмасийни кўруб эрдим. Бовужуди улким, олорға татаббуъи мутадовалоти илмийа оз эрди. Олорнинг мажлисида ва сўзларида улча қалиғланмоқ ва ҳаловат бор эрдиким, кўб донишмандлар ва дарвишларнинг мажлисида йўқ эрди. Ва бу Мавлоно Сирожуддин Ҳаравий кўб дарвишларни кўруб эрди. Ва бу тоифанинг мулозаматларини кўб этгон эрди. Китоби «Мафоҳис»ни Хожа Зиёуддиннинг олдиди ўқуб эрди. Ва Шайх Сирожуддин Пирмасийнинг мулоқоти ва сўзларининг ҳаловати ва мажлисларининг латофати сабабидин хожагон қалдасаллоҳу арвоҳаҳумнинг хонаводалариға кўб ақийдаси бор эрди.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Шайх Сирожуддин Пирмасий бу силсиланинг аҳлидин эрдилар. Ҳар вақт кишиларнинг суҳбатларини қасд этиб, ул замон уйни жоруб этиб эрдилар. Ё ҳануз жоруб кўлларида эрди. Олордин онинг сиррини сўрадим. Ойтдиларким, менга бир қарийна турур жиндинким, ҳар вақт меҳмон келур бўлса, ул ондин аввал менга хабар қилур. Ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Шайх Сирожуддин Пирмасий ойтиб эрдиларким, бир куни менга Шайх Абулҳасан Ишқийнинг асҳобларидин жамъега мулоқот воқеъ бўлди. Олор ул тасаввурни ойтдиларким, манга анинг майли бордурким, олорни силсилаи ирода-тимға келтурсам. Ойтдилар: «Эй, Шайх! Сиз хайли рўзг орингизни зойеъ қилмангким, бизлар Шайх Абулҳасаннинг муҳаббати ва тасарруфидин то бу ергача тўлғонмиз», — деб томоқлариға ишорат этдилар. Бошқа ҳеч нимарсанинг бизларда ганжойиши йўқтур. Сиз ойда билмассизким, ўзингизни бизларда ганжойиш берсангиз. Ғайрате бизни онга тутдиким, олорнинг ботинларида тасарруф этилдиким, ҳаммалари яқоларини чок этдилар ва ерга йиқилиб юмаладилар. Ва муддатие беҳуш ётдилар. Ондин сўнг тасарруфе этмак керак бўлди то ўзлариға келсалар. Вақтеким ўзлариға келдилар, бағоят иродат ва ниёз мақомида бўлдилар. Ойт-

дим: «Зарари йўқ турур ва биз ва сизларнинг Шайх Абулҳасанингиз (билан) бир навдан сув ичармиз».

Баъзи азизлардин шундоғ эшитилдиким, Ҳазрати Мавлоно Сатъуддин Кошғарий қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу мабодийи аҳволда Шайх Сирожуддинга кўб суҳбат тутиб эрдилар. Ва ул тариқаи зикр «Ло илоҳа иллаллоҳ»никим, оларнинг рисоласида мазкурдирким, «ло»нинг алифининг бир бошини сари нофдин эътибор этарлар ва курсийи «ло» ни пистони ростга ва «алиф»нинг бир бошини қалби санувбарга ва «илоҳ»ни муттасили курсийи «ло» эътибор этарларким, пистони ростда воқеъ турур. Ва «иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ»ни муттасили қалб эътибор этарлар. Бу шаклни бу кайфият била эътибор этарлар. Ва тарийқаи муқаррара била зикрга машғул бўлурлар. Шайх Сирожуддин раҳматуллоҳи таъолодин таълим олиб турурлар.

### *Мавлоно Сайфуддин Манорий (раҳматуллоҳи таъоло)*

Қаряи Манордин эрдиларким, Фаркат вилоятида бир деҳа турур. Ва ул қасабаи маъмурдурким, то Тошканддин тўрт фарсах узоқдур. Ва хизмати Мавлоно Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу сиррахунинг асҳоби киборларидин эрдиларким, илми зоҳир ва ботинга олим эрдилар. Махфий қолмасунким, Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу сиррахунинг мулозаматларида тўрт Мавлоно Сайфуддин бор эркан. Бирлари маҳбуб ва бириси мақбул ва бири мақхур ва бири мардуд. Ва ҳар бирининг аҳволидин шаммаие ирод топар.

Мавлоно Сайфуддинким, маҳбуби қулуб турур, хизмати Мавлоно Сайфуддин Манорий эрдилар. Ва Ҳазрати Хожаи Бузруг (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу сиррахунинг оларга таважжуҳи ва хотири илтифотлари кўб эркан. Ва Ҳазрати Хожа то қайди ҳаётда эрдилар, хизмати Мавлоно оларнинг мулозаматларида бўлдилар. Ва Ҳазрати Хожанинг нақлларидин сўнг ҳам оларнинг ишоратлари била Хожа Алоуддин Аттор қуддиси сирруҳунинг мулозаматларида бўлдилар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Сайфуддин Манорий раҳматуллоҳ Ҳазрати Хожаи Бузруг қуддиси сирруҳунинг суҳбатлариға восил бўлмасдин аввал истифода ва ифодаи улуми муталовалаға иштиғоли тамомлари бор эрди. Мавлоно Ҳусомуддинким, Амир Ҳамзанинг ҳулафоларидин эрдилар ва зикрлари ўтди, оларнинг волиди шарифла-

ри Мавлоно Ҳамидулло Шойнинг олдида шогирдлик этиб-дурлар. Вақтеким, Ҳазрати Хожанинг шарафи қабулларини топдилар, улуи расмийнинг мутааласидин юз қайтардилар.

Ойтур эрдиларким, Мавлоно Ҳамидулло марази мавтида сари болинида ҳозир эрдим, хизмати Мавлоно Ҳамидуллода изтироб и азим бор эрди. Ойтдим: «Эй, Махдум! Бу не қулқ (ҳаяжон) ва изтироб турур? Ул ҳама улумким, бизларни доимо онинг тарки таҳсилга маломат этар эрдингиз ва таъна урор эрдингиз, на ерга кетди?...» Хизмати Мавлоно Ҳамидулло ойтдиларким: «Биздин дилу аҳволи дил талаб қилурлар ва бизда ул йўқтур. Изтироб бу ваҳҳдин турур».

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, агар мизожнинг сиҳҳатлик ҳолида ҳузури дил малака бўлғон бўлмаса, ва касаллик вақтидаким, ҳамма қивойи димоғи ва табиъ заъиф бўлуб, ахтор (хатар)га юз келдурғон бўлса, жамъиййату ҳузури дилни касб этмак бағоят мутааззир ва мутаассир турур. Ва аҳлуллоҳ беморларнинг сари болинига келурлар. Онда сир ул турурким, оларнинг суҳбати шарифлари дасти била ул бемордин боз кўтари-лур. Ва онинг алойиқидин бир нимарса камроқ бўлур. Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, одамларким бу тариқда оларга баланд сўзлар бор эрди, дунёдин борур вақтларида озорни кўб дармонда кўрдим ва бағоят мушавваш топдим. Ҳамма маориф ва таҳқиқотлари ул вақтда бартараф эрди. Амреки, онинг таҳсили тақаллуф ва тааммул била бўлса, касаллик ва амроз ва эърознинг ҳужуми ва табиатининг заъфи вақтида нечук муяссар бўлур? Ҳусусан, руҳ бадандин муфорақат этар вақтидаким, шадиднинг асъаби ва меҳнатларининг қоттиғроқи турур. Нечукнинг ул маҳалда тақаллуф ва тааммулға мажол йўқ турур.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Мавлоно Рукнуддин Хевақийнинг нақли замонида хизмати Шайх Баҳоддин Умар ва Мавлоно Саъдулло Кошғарий била ҳозир эрдук. Ва Мавлоно Хожаким, Мавлоно Рукнуддиннинг муридлари ва маҳрамларидан эрди ва бир гуломким, озорнинг ходимлари эрди, ҳозир эрдилар, бошқа киши ҳозир эрмас эрди. Мавлоно Рукнуддинким, таҳқиқоти Имоми Ғаззолий алайҳир раҳмани назарга келтурмас эрди, ул вақтда баёни эътиқоддин ва такрори калимаи тавҳиддин бошқа иши йўқ эрди. Дунёнинг ҳамма ишлари ва фазлу қамолининг баёни хабо бўлур эрди.

Аммо Мавлоно Сайфуллоким. Ҳазрати Хожа Бузrug қаддасаллоҳу сирраҳу шарафи қабулларига мушарраф бўлуб эрди, Мав-

лоно Сайфуддин хушхон Бухорий эрди. Ва онинг Ҳазрати Хожага пайвасталигининг сабаби ул эрдиким, вақтида Бухородин тижорат расми била Хоразмга бориб турур, ул ерда Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қаддасаллоху руҳахунинг суҳбатлариға етишуб турур ва оларнинг мажлисларида бағоят мутаассир бўлуб, вақтеким, Бухорога мурожаат қилиб турур, Ҳазрати Хожаи Бузругнинг мулозаматлариға бориб озорнинг саодати қабулларини топиб турурлар. Ва озордин тариқи таълим олиб, ҳар на жидду жаҳду тамом била машғул бўлуб турур. Ва ҳамма ҳиммати била хожагон қаддасаллоху арвоҳахунинг нисбатлариға юз келтурур, қадимий дўстларининг ихтилотини ва ёрону надимларининг инбисотларини тарк этиб турурлар.

Аммо Мавлоно Сайфуддинким, Ҳазрати Хожанинг мақҳури бўлуб эрди, Мавлоно Сайфуддин Болохона турур. Ва ул Бухоро уламоларининг аёнларидин эркан. Ва бу Мавлоно Сайфуддин Болохона ва Хожа Ҳусомуддин Юсуфким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсонинг амми бузругворлари турур. Бу иккилари Мавлоно Сайфуддин Хушхон била кеча-кундуз мусоҳиб эрдилар. Вақтеким, Мавлоно Сайфуддин Хоразмдин қайтдилар, Ҳазрати Хожаи Бузругнинг тариқларини ихтиёр этиб, ёронга қўшулмоқни билкуллия тарк этдилар. Бир кун хизмати Хожа Ҳусомуддин Юсуф Мавлоно Сайфуддин Болохонани иттифоқ этиб, Мавлоно Сайфуддин Хушхоннинг уйига келдилар. Ва онинг била хилвате этиб ойтдиларким, бизлар бир-биримиз била ёрони қадим эрдук. Бир-бирларимизнинг суҳбатимиздин сабру шакиб этмагимиз йўқ эрди. Ва ҳуқуқи суҳбат ва муҳаббатнинг муқтадоси улдуким, бизларни ҳам ондин огоҳ қилиб ва онга далолат қилсангиз. Бўлғойким, бизлар ҳам ул давлатга мушарраф бўлсак. Кўб муболага ва ибромдин сўнг ойтибдуким, азизе турур бу вилоятда, бу суврат ва кайфиятда деб Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуға ишорат этибдукларким, озорнинг суҳбати шарифларида осори саодат ва анвори ҳидоят кўб турур. Мавлоно Сайфуддин Болохона ойтбдуким: «Оре, шундоғ турур. Бир кун озор манга мулоқий бўлдилар ва бир тоза пўстин кийиб эрдилар. Манинг хотиримға келдиким, керакким, озор бу пўстинни менга берсалар. Фил-фавр менга бердилар. Ва мен гувоҳлик берурман озорнинг ҳақиқатиға». Бас, Мавлоно Сайфуддин Хушхонга ойтдилар: «Турун, бизларни озорнинг мулозаматлариға олиб боринг». Ул вақт учлари ҳам Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоху таъоло сирраҳунинг мулозаматлари ва суҳбатлариға келдилар. Ва Хожа Ҳусомуддин Юсуф Мав-

лоно Сайфуддин Болохона ҳам олоннинг қабули нисбатлари ва тариқлари шарафига фойиз бўлдилар. Лекин ахири корда Мавлоно Сайфуддин Болохонадин тарки адабе содир бўлутурким, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг хотири муборакларига губор ва мужиби кароҳийат бўлуб турур. Ва ул восита била олоннинг шарафи суҳбатларидин маҳрум бўлуб, маҳжур ва мақхур ойланиб турур. Маҳжур ва мақхур бўлгонининг сабаби ул эрдиким, бир кун Ҳазрати Хожа Бухоронинг кўчаларининг бир кўчасида борур эрдилар. Ва Мавлоно Сайфуддин Болохона мулозаматларида эрди. Ногоҳ Шайх Муҳаммад Ҳаллож баробарларидин пайдо бўлди. Ва ул Ҳазрати Хожанинг замонларида мўътабар Шайх эрди. Ва кўб муридлари бор эрди. Ва Ҳазрати Хожанинг ҳақида ғалво этгучи мункирларнинг жумласидин эрди. Вақтеким яқин етушди, Ҳазрати Хожа карам ва мурувват мужиби била онинг тарафига таважжуҳ этдилар ва ўтор вақтда беш-олти қадам мушойаъ ҳам эттилар. Ва Мавлоно Сайфуддин онинг била қўймай ўзини ороға келтуруб ва неча вақт қадам мушойаъа эттилар. Ҳазрати Хожаға ул беодоблигим, ондин воқеъ бўлди, ғайрати азим бўлуб турур, бағоят мутаассир ва мутағаййир бўлдилар. Ва Мавлоно Сайфуддин ондин сўнгким қойтти ва оларға етушди. (Ҳазрати Хожаи Бузруг) ойтдиларким: «Ҳалложни мушойаъат этдинг ва бу беодоблигинг била ўзингни барбод бердинг ва Бухорони хароб этдинг ва оламни вайрон қилдинг». Ва Ҳазрати Хожанинг тағаййурлари ва қаҳру ғазабларидин сўнг шул неча кунда Мавлоно Сайфуддин Болохона вафот топди ва ўзбакдин тўхмоқ эли келиб, Бухорони муҳосара этди. Ва кўб одамлар мақтул бўлуб, зойеъ бўлди. Ва ул ноҳияға кўб вайронлиқлар йўл топти.

Ходимлардин баъзилари Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин нақл этар эрдиларким, ойтдилар: «Шайх Муҳаммад Ҳалложнинг етти халифаси бор эрди. Оларнинг аввали Шайх Ихтиёр ва ахийри Шайх Саъдий Пирмасий. Ва Шайх Ихтиёр мабодийи аҳволда Ҳазрати Хожаи Бузруг (қуддиси сирраҳу)нинг мулозаматларини кўб этгон эрканлар ва ихлоси иродати тамомлари бор эркан. Ва ажойиби умурдин улким, бовужуди Ҳазрати Хожанинг суҳбатларини топиб, охирда олоннинг мулозаматларини тарк этиб, Шайх Муҳаммад Ҳалложнинг суҳбатиға юз келтуруб турур.

Аммо бовужуди онинг муриди бўлуб, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларидин ойтур эрди. Ва олоннинг нисбати шарифларини тақвия этар эрди. Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, ман Шайх Ихтиёрнинг тариқат биродарини

кўрдим. Шайх Ҳожи одлиғ бир бофанда эрди ва ул ҳам Шайх Муҳаммад Ҳалложнинг хулафоларидин эрди ва Марв вилоятида бўлур эрди. Гоҳо бозорға иф олмоқ учун ва масолиҳи рўзгор учун борса, ул ишким онинг учун бориб турур, ондин бошқани билмас эрди. Ўз нисбатига огоҳ ва онинг ғайридин зоҳил эрди. Ҳаргиз йамину ясорға илтифот этмас эрди. Ва ҳамишга назарини қадмидин ойирмас эрди».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, Шайх Саъдий Пир-масийким, Шайх Муҳаммад Ҳалложнинг охир халифаси эрди, авойили ҳолда Ҳазрати Хожаи Бузруг қуддиси сирруҳунинг мақбуллари ва манзурларидин эркон. Аммо охирида суврате воқеъ бўлбтурким, ул ҳам кетибдур ва Шайх Муҳаммад Ҳалложға мурид бўлбдур. Ман они кўруб эрдим. Кўб муаммар бўлгон эркон ва авойилдаким Ҳазрати Хожанинг ёнларида бўлбтур ёш йигит эркон. Ва Ҳазрати Хожа они волидаси мулозаматида ё улуг волидасиким, бағоят мусинна (қари) эркон, онинг мулозаматида қўйуб турурлар. Ҳазрати Хожанинг боғлари бор эркон. Эрик (ўрик) тишгон вақтида Шайх Саъдий ул боғға бориб, хоҳлабдурларким, эрик олса. Боғбон монёъ бўлб турур. Шайх Саъдий ойтибдурким: «Эй, боғбон! Кўб бетааммул эрконсан. Ҳазрати Хожа бизлардин худойини дариг этмаслар. Сен эрикни дариг этарсанму?!» Вақтеким, бу сўз Ҳазрати Хожаға етишубдур, кўб истиҳсон ойтиб турурлар ва иноят назарлари Шайх Саъдийға кўброқ бўлбдур. Аммо ахирда ажаб суврате воқеъ бўлбтурким, Шайх Саъдий Ҳазрати Хожадин ҳаж кетмак ижозатини талаб этиб турур. Бу ижозат Ҳазрати Хожанинг ва асқобларининг наздида мустаҳсан тушмай турур. Ҳарчанд манъ қилиб турурлар, мумтаниъ бўлмай турур. Вақтеким, сафари Ҳижоздин қойтиб турур, Ҳазрати Хожадин илтифот топмай, Шайх Муҳаммад (Ҳаллож)нинг наздиға мурид бўлб турурлар.

Аммо Мавлоно Сайфуддинким, ахийрида мардудлиқ доғи била муттасим бўлиб турур, Мавлоно Сайфуддин Хоразмий турурким, мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу сирраҳунинг муҳиблари ва мухлисларидин эрди. Лекин, ахири корда суврати ажийба юз берибдурким, Ҳазрати Хожанинг шарафи суҳбатлари ва хизматларидин маҳрум ва маҳжур бўлб, муборак дилларидин узоқ тушиб турур. Ходимларнинг баъзилари Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)дин нақл этибдурларким, ойтдилар: «Онинг мардудлиқининг ва узоқ тушганлигининг сабаби ул эрконким, ул гоҳо амри тижоратға қиём кўргузур эркан. Бухлу имсоқдин холи эрмас эр кан».

Бир кун Ҳазрати Хожани ва асҳобларидин жамъе била истидъо этиб, зиёфат расми била ўз манзилига келтуруб турур ва Ҳазрати Хожанинг ва асҳобларининг даъблари ул эрканким, ҳар таомдин сўнг ширине ва ё мева ҳозир қилур эрканлар. Ва агар таомнинг изидин ширине ва ё мева ҳозир бўлмаса, ул таомни ноқис дер эрдилар. Ва ойтур эрдиларким, бу таом бедум бўлди. Иттифоқо, Мавлоно Сайфуддин ул кун таомдин сўнг ҳеч ширине ва мева келтурган йўқ эрди ва Ҳазрати Хожа тийбат ва инбисот юзидин ойтдиларким, Мавлоно Сайфуддин сизнинг таомингиз боре бедум бўлди ва онга бу сўздин кароҳияте бўлуб турур. Ва Ҳазрати Хожа они билиб ойтиб турурлар: «Агар сизга ўн икки минг тилло мояи рўзгор бўлса, нечук бўлур?» Ва онинг ҳамишга хотирида эрдиким, агар менинг дастмоям ўн икки минг тилло бўлса, яхши турур. Ондин сўнг Ҳазрати Хожа хотири шарифларини ондин олдилар ва онга озорнинг суҳбатиға иқбол қолмай турур. Ва оларнинг мажлиси шарифларида беинжизоб бўлуб турур. Ҳутоми дунёвийининг жамъиға хариси тамом бўлгонининг ботинида ҳол ойланубдурким, талаби дунёда беҳоб ва беором бўлуб, Ҳазрати Хожанинг хизмату мулозаматларини тарк этиб, ҳамма ҳиммати била тижоратға юз келтуруб турур. Бир кун Марв ва Моҳон йўлида карвон била ҳамроҳ сабзазоренинг канорифагим, бағоят сабзу хуррам эрди, етушдилар ва карвон ул ерга нузул этди. Ва ул баҳжату сурур юзидин сабзазорнинг устида ётиб ойтур эрдиким, бешайхлиқ на яхши нимарса турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, Мавлоно Сайфуддин Хоразмий бағоят белатиф киши эрконким, ондоғ суҳбатдин узоқликға ва маҳжурликға мутааллам ва мутаассир эрмас эркон.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу сирраҳунинг мулозимларидин яна бир киши тарк ва тарки хизмат воситаси била мардуд бўлуб турур. Мавлоно Сайфуддин Манорийнинг хоҳарзодаси Мавлоно Шамсуддин Фаркатий эрди. Хизмати Мавлоно Сайфуддиннинг икки хоҳарзодаси бор эрди. Мавлоно Муҳаммадким, жавоне олиму муттақий ва мунзавий эрди. Ва Ҳазрати Хожанинг мақбулларининг жумласидин эрди. Ва озорнинг зилли иноятида ва тарбиятида тамом машғуллиқи бор эрди. Ва яна бири Мавлоно Шамсуддин Фаркатийким, жавоне толиби илм эркон. Ва Ҳазрати Хожанинг хизматлари ва мулозаматларида бўлур эркон. Лекин бир мартаба ондин ихмоле ва касолате хизматида воқеъ бўлубдурким, онинг шумлиқидин

муборак назарларидин узоқ тушуб, ондин сўнг нажот топмади турур. Ва ул ондоғ эрдиким, бир кун Ҳазрати Хожага азиз меҳмонлар келиб манзилларида тушубдурлар. Оқар сув даркор бўлуб, Мавлоно Шамсуддин Муҳаммадни буюруб турурлар: «Тез боргил, ёфни боглаб сув келтургил». Мавлоно Шамсуддин ул ерда касолат ва тақсир этиб, муддатедин сўнг олоннинг ёнлариға келиб турурким, ожизлиқеким, манга торий бўлуб эрди, анинг сабабидин сувни келтира билмадим (дея). Ҳазрати Хожага ул ихмолу тақсиреким, ондин вужудға келди, кароҳияти азим бўлуб турур. Ойтдиларким: «Мавлоно Шамсуддин! Агар сен ўзингни чолиб, қонингни бу ёфдин оқизсанг эрди, сенга яхши бўлур эрди, бу хабардинким, келтурдинг». Ва бу ихмолдин сўнг онга димоғ марази оғиз бўлуб, Ҳазрати Хожанинг ёнларидин чиқиб, Фаркатга бориб, ўзининг дойиси Мавлоно Сайфуддин Манорийнинг ёниға бориб, арзи ҳолини ойтиб турур. Ва хизмати Мавлоно (Манорий) ойтдиларким, хизмати Хожа Алоуддин Атторнинг ёнлариға боринг ва истидъо қилинг, бўлғойким, олар марҳамат қилиб, сени дархост этгойлар. Шоядким, олоннинг хотири шарифлари машгулиқи баракатидин Ҳазрат Хожа сендин афв этсалар.

Мавлоно Шамсуддин дойисининг сўзининг мужубиға амал этмай, Бухороға бориб, Хожа Муҳаммад Порсонинг ёнларида арзи ҳол ойтиб турур. Олор ойтиб турурларким, бу иш бизнинг ёнимиздин очилмас. Ҳазрат Хожа Алоуддин Атторнинг хизматлариға боринг. Ул яна Фаркатга келиб турур. Хизмати Мавлоно Сайфуддин ойтиб турурким: «Мен сени Хожа Алоуддиннинг хизматиға юбордим. Сен бошқа ерга нечун бординг? Сенинг ишинг ул ердин очилур».

Мавлоно Шамсуддин яна Бухоро келиб, Хожа Муҳаммад Порсонинг ёнлариға борди. Олор яна они Хожа Алоуддинға ҳавола эттилар. Бу навбатким, Фаркатга келиб турур, дойисининг ёниға бормай турур. Ондин сўнг шундоғ мабхут ва фаромушкор бўлубтурким, ҳеч маълуми хотирида қолмади турур. То ҳадди ғаким, ўз фарзандларининг одларини билмай турур. Ва бу Мавлоно Шамсуддиннинг Хожа Имодулмулкгаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг ақраболаридин эрдилар ва зикри келур, кўб муҳаббати бор эркон, Хожанинг одларини билмай, олорға «Ано» деб ойтур эркон. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) бу ҳикоятни нақл этгонларидин сўнг, ойтдиларким: «Авлиёуллоҳнинг хотирларини ҳифз этмак ва амрлариға имтисол ва ишоратлариға инқиёд кўргузмак ҳамма толиблар ва содиқларға вожиб

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

турур. Олорнинг амрларини жамиъи муродот ва мақосидға тақдим этмак бағоят лозим турур».

Хизмати Мавлоно Абдулазиз Бухорий алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу руҳаҳунинг ходимлари ва мулозимларидин эрди, ойтур эрдиким, Ҳазрати Хожанинг ва олорнинг асҳоблари суҳбатининг толиби, керакким, уч адабни сақлағой. Аввал улким, ҳар неча амали мақбул олорнинг ёнларида ондин вужудға келгон бўлса, керакким, манлик этмаса ва минг мартаба ўзини йўқ билсин. Ва ўзидин хизматда зиёдати кўшиш мутолаба қилсун. Иккиланчи улким, ҳар неча ондин амале содир бўлгон бўлсаким, олорнинг маҳалли радди бўлса, керакким ноумид бўлмасун. Ва кўнглини ўз қабзаи тасарруфиди яхши сақласун, то мутараддид бўлмасун. Ва бошқа ҳеч тарафға кетмасун. Ва учлончи улким, ҳар амре ва ҳукмеким буюрсалар, тез ва ихлос била керакким, онга қиём кўргузса, то мақсудни топгучи бўлғой ва илло бебаҳра қолур.

### ***Хожа Алоуддин Аттор (қуддиса сирруҳу)***

Одлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий турур. Аслда Хоразм вилоятидин эрканлар. Ва Хожа Муҳаммаднинг уч фарзандлари бор эркан: Хожа Шаҳобуддин ва Хожа Муборак ва Хожа Алоуддин. Вақтиким, Хожа Муҳаммад вафот топдилар Хожа Алоуддин оталари меросидин ҳеч нимарса қабул этмадилар. Тажриди тамом бирла Бухоронинг мадрасаларидин бир мадрасада таҳсили улумға иштиғол этдилар. Вақтиким, тариқи Ҳақ добиййаси хотирларнда жўш этибдур, Ҳазрати Хожанинг суҳбати шарифларига бориб турурлар ва мутолабайи улуми расмийдин юз қайтарибдурлар. Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) оларни назари қабуллариға мушарраф ойлантирубдурлар. Ва тариқа ойтиб, амали ботинға машғул этиб турурлар.

Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин)нинг бир сағийра сулбиййалари бор эрди, онинг волидасиға ойтиб эрдиларки, ҳадди булугға етушса мани огоҳ эткил. Вақтиким, ул вақт етушли, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) Қасри Орифондин шаҳарға келдилар. Дарҳол Хожа Алоуддиннинг ҳужралариғаким, мадрасада эрди, бордилар. Ул ҳужрада бир кўҳна бурё кўрдиларким, Хожа (Алоуддин) гоҳи паҳлуларини онга кўяр эрдилар ва икки пишган кирпич тақялари эрди. Ва бир синук ибриқким, онда таҳорат этар эрдилар.

Вақтиким, Хожа Алоуддин оларни кўрдилар, қаламлариға бош қўйуб, қўб ниёзмандлик эттилар. Ҳазрати Хожа ойтдиларким, манга бир сулбиййа бор турурким, бир кеча ҳадди булугға егушубдур ва ман маъмур турурман онгаким, они санинг хуболайи ақдинг (никоҳинг)ға келтурурман. Ҳазрати Хожа Алоуддин тавозуъ этиб, ойтдиларким, бу саодати азизе турурким, манга юз келтурубдур. Лекин манинг кадхудолик (уйланишлик)дин ҳеч нимарсам йўқ турурким, сарф этсам ва ҳол бу турурким, мушоҳада қилурсиз. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) ойтдилар: «Санға ва онга Аллоҳу таъолонинг назидин ризқе муқаддар ва муқаррар турур, ул мамарр (йўл)дин фикре йўқ турур». Бас, ул ақд воқеъ бўлди. Ва неча вақтлардин сўнг хизмати Хожа Ҳасан Агтор вужудга келди.

Баъзи ходимлардин эшитилдиким, вақтиким, Ҳазрати Хожа Бузруг қуддиси сирруҳу Хожа Алоуддинни фарзандликка қабул этдилар ва мадрасадин чиқардилар, мавлавиятнинг риъванатини синдурмоқ учун ё бошқа бир ҳикмат учун Ҳазрати Хожа (Алоуддин)ға бир чубин сабад бердилар ва миқдоре олмани анга солдилар ва ойтдиларким, бу сабадни бошингизда қўйуб ва оёқяланг бўлуб, бозорларни ва Бухоронинг кўчаларини айланинг ва овози баланд бирла олма сотинг!

Хожа завқу нишоти тамом била ул амрга қиём кўргуздилар. Ва оларнинг биродари Хожа Шаҳобуддин ва Хожа Мубораққим, бономус одамлар эрди, ул сувратдан бағоят хижил ва мунфаъил бўлдилар. Ҳазрат ул маънидин хабар топиб, Хожа Алоуддинга ойтдиларким, бормоқ керак ва мева сабадини биродарларингизнинг дўкони пахлусида қўймоқ керак ва ул ерда овози баланд бирла олмаларни сотмоқ керак.

Хожа Алоуддин ондоқ қилдилар ва неча муддатилар ул ишда бўлдилар, то вақтигачаким, Ҳазрати Хожа озорға тариқа ойтдилар ва амали ботинға машғул этдилар.

Ва «Мақомот»да мазкур турурким, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) мабодийи ҳолда Хожа Алоуддинни мажлисда ўз ёнларида ўлтургузур эрдилар ва замон-замон озорға мутаважжих бўлур эрдилар. Ва Ҳазрати Хожанинг баъзи маҳрамлари бу маънидин савол эттилар. Ойтдиларким, они ёнимда ўз ёнимда ўлтургузурман, то они бўри емасун, нафсининг бўриси онинг каминида турур, ҳар лаҳза онинг ҳолини тафаҳҳас қилурман, хоҳларманким, мазҳари бўлсун.

Ҳазрати Хожа Алоуддин ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қуддиси сирруҳунинг мулозаматлари авойилида Шайх

Муҳаммад Дари Оханин мандин савол эттиким, дил сенинг наздингда не кайфиятда турур? Ойтдимким, онинг кайфияти манинг наздимда маълум эрмастур. Ул ойтди: «Дил манинг наздимда уч кунлик ойдек турур». Ондин сўнг ман анинг дилга нисбатан этган таърифи ва тамсилини Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)га ойтдим. Ойтдилар: «Ул дарвиш ўз ҳолининг нисбатини баён этиб турур». Ва Ҳазрати Хожа бу маҳалда қойим турган эдилар, қадами мубо-ракларини манинг қадамимда кўйдилар. Манда улуг кайфияте пайдо бўлдиким, жамияи мавжудотни ўзумда машоҳада қилдим. Вақти-ким, ул ҳолдин ўзумга келдим, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) ойтдиларким, нисбат бу турур, на ул. Бас, дилни қачон идрок эта билурсан? Дилнинг улуғлиқи баёнимга келмас ва ул ҳадиским: «Ло йасаъуни арзи вало самои валокин йасаъуни қалбу абдин муъминин»<sup>1</sup> онинг сири ғавомизидин турур ва ҳар кишиким, дилни таниса, танур.

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу айёми ҳаётларида кўб толибларнинг тарбиятини ҳаволасини хизмати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳуға эттилар. Ва ойтур эрдиларким, Алоуддин хийла борни бизга енгил этти. Ложарам валоятнинг анвори ва онинг асори «ала важҳ ил-атамм ул-акмал» (тўла ва мукаммал даражада) олардин зухурға келди. Ва оларнинг суҳбатининг баракати ва ҳусни тарбиятлари била кўб толиблар буъду нуқсон пойгоҳидин қурби камол пешгоҳиға етушдилар ва такмилу акмал мартабасини топдилар.

Манқул турурким, Бухорода уламодин жамъенинг аросида Ҳақ таъолонинг руъяти ва адами руъятидин баҳс воқеъ бўлди. Ва олонинг Ҳазрати Хожа Алоуддинға ақидаи тамомлари бор эрди. Жамиялари олонинг мулозаматлариға келиб, мабҳасни арз эттилар ва ойтдилар: «Сиз ҳакамсиз, бизларнинг орамизда ҳукм қилинг». Ҳазрати Хожа мункири руъятлариниким, мазҳаби муътазилаға майллари бор эрди, (уларга) буюрдилар: «Сизлар уч кун муттасил бизнинг ёнимизға келинглар ва бизнинг суҳбатимизда таҳорати комил била ўлтурунглар ва сокин бўлунглар, то ондин сўнг ҳукм қилурмиз».

---

1. Ерим ва Осмоним мени ўзига сиғдиролмайдди, бироқ муъмин бандам қалби сиғдира олади. (Бу ерда «сиғмоқ» сўзидан муъмин банданинг Ҳаққа маҳбуб ва муқарраб бўлишлигини тушуниш мумкин. Шунингдек, банда қалби назаргоҳи Илоҳий эканлиги маълум бўлади. Банданинг қалби садим, нияти холис бўлиши жуда муҳим. Бошқа бир Ҳадисда: «Албатта, муъминнинг нияти унинг амалидан кўра яхшироқдир», дейилган.)

Олар уч кун мутгасил Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг суҳбат-ларига келдилар ва сукут эттилар. Учланчи куннинг ахийрида оларга кайфияте бўлуб турурким, беҳудлиқлар эттилар ва ерда кўб юмаландилар. Ва ифоқатга (ўз ҳоллариға) келганларидин сўнг жойларидан турдилар ва гўш туттилар ва бағоят ниёзмандлиқ эттиларким, «иймон келтурдик онгаким, рўйятуллоҳ ҳақ турур». Ва ондин сўнг Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳунинг мулозаматларини лозим тутуб ва остоналарида мулозим бўлуб турурлар.

Ойтиб турурларким, ул мажлисда Ҳазрати Хожанинг баъзи асҳоблари бу байтни ўқуб эрдилар:

*Кўре онки гўядат банда ба Ҳақ кужо расад,  
Бар кафи ҳар як биниҳ шамъи сафо, ки ҳамчунин.  
(Сенга банда Ҳаққа қачон етади, деган кўрнинг,  
Ҳар битгасини қўлига сафо шамини,  
шундай бўлади, деб бергин).*

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳунинг муборак хатлари била ёзилғони кўрилдиким, Ҳазрати Хожа Алоуддин марази ахийрларида (охирги касалликларида) ойтдилар: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг инояти ва Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қуддуса сирруҳунинг назарлари била, агар ихтиёр қилсак ҳамаи аҳли олам мақсуди ҳақиқийға восил бўлур:

*Гар на шикаст дили дарбони роз,  
Қуфли жаҳонро ҳама бикшудами .  
(Сир дарвозабонининг дили синмаганда эди,  
Жаҳоннинг барча (сир)  
қулфларини очган бўлардим. )*

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳуға таважжуҳ ва мувоқабата кўб ғайбат воқеъ бўлур эрди ва Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳуға шуъур ва вуқуфи тамоми бор эрди. Ва бу сифати шуъур ва саҳвни ғайбат ва сукрдин атамм ва акмал деб турурлар.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг вафотларидин сўнг ҳама асҳоблари Ҳазрати Хожа Алоуддинға байъат

этдилар ва озорнинг шаънлари олий бўлгон жиҳатидин, ҳатто Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо байъат қилдилар, қаддасаллоҳу арвоҳаҳум.

**Ҳазрати Хожа Алоуддин  
қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг  
анфоси шарифа нафойисларидин турур**

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиси сирруҳунинг баъзи калимоти қудсийаларидинким, мажолиси суҳбатда ойтиб эрдилар, хизмати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳу қайди китобатга келтуриб эрдилар ва хоҳладиларким, Ҳазрати Хожа Бузrug (Баҳоуддин) қуддиси сирруҳунинг «Мақомот»лариға илҳақ этсалар, лекин муяссар бўлмади. Ва ондин баъзи бу турурким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳунинг хатти муборақлари била нақл этилур, таяммун ва табаррук расми била йигирма етти рашҳанинг зимнида бу мажмуъала мас-тур бўлур.

*Аввалғи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, риёзатдин мақсуд тааллуқоти жисмониййани би-л-қуллиййа нафй этмас турур олами арвоҳ ва олами ҳақиқатга таважжуҳи куллийа қилмоқ. Сулукдин мақсад улдурким, банда ўз ихтиёри ва касби била бу тааллуқот (алоқа)-динким, йўлнинг монетълари турур, ўтсун ва бу тааллуқотлардин ҳар бирини ўзига арза этсун, ҳар қайсидин ўтар бўлса, аломат ул турурким, ул тааллуқ монетъ бўлмас ва голиб келмасдур. Ва ҳар қайсидаким, ўтмай турса ва хотирини онга боғлиқ кўрса, билсунким, ул (нарса) онинг йўлининг монетъи бўлубдур. Онинг қатъи (йўқ бўлиши)нинг тадбири этсун. Ҳазрати Хожамиз эҳтиёт учун, вақтиким, янги жома кийсалар аввалда ойтур эрдиларким, бу жома фалон кишининг жомаси турур. Ва ориййат жомадек кийар эрдилар.

*Иккиланчи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, муршидға мутааллиқ бўлмоқ агар чандиким, ҳақиқатда ғайр турур ва ахийрда нафй этмак керакдур. Аммо, аввалда вусулға сабаб турур, онинг мосивосининг тааллуқини нафй этмак лавозим (лозим нарса)дин турур, ҳамма онинг вужудини ва ризосини талаб этмак керакдур. Ва маҳалда онинг мосивосини нафй этсун. Вақтиким, ғайри маҳалда нафй этса, фойда бермастур.

*Учланчи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, машойихи киборлар қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ойтиб турурлар: «Ат-Тавфиқу маъа-с-саъа».

яъни тавфиқ саъй била ҳамроҳ турур, ондоғким, толибга муршиднинг руҳониятининг мадади толибнинг саъйининг андозасида турурким, муқтадонинг амри била бўлса, бу маъни бесаъй бақо топмас. Муқтадонинг таважжуҳининг толибга неча кундин зиёда бақоси бўлмас. Зоҳирдурким, муқтадо ғайрға қочонгача мутаважжиҳ (юзланган) бўла турур, латифайи Илоҳий эрди.

Мавлоно Додариким, Ҳазрати Хожа Бузруг қуддиса сирруҳунинг асҳоблари собиқларидин турур, маънийи аввалдин саъй этмакни амр этдилар ва тавфиқ рафиқ бўлдиким, Ҳазрати Хожа қуддиса сирруҳунинг суҳбатларида авқоти ҳамма саъйга масруф бўлди. Ва асҳоблардин кам кишини билур эрдиким, бир кунни тамом саъй била ўтқарган бўлса эрди.

*Тўртланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, гоҳо бўлурким, асноийи саъй ва таважжуҳда ҳоле (бир ҳол) тулуь (чиқиш) пайдо қилур ва толиб они кўргувчи бўлур. Аммо, билмаским, не кўрар ва не била кўрар. Ва ўзига назар қилур ва ўзини маҳв бўлгон кўрар, ҳайрон бўлур. Ва яна ул ҳол ихтижобга юз келтирур ва ул ҳол тулуьи «мо биҳи ҳадис ун-нафс» (нафснинг ҳикояси)га ойланур. Керакким, аввалда ўзининг қусурини мутолаа қилсун ва ул ихтижобга рози бўлсун, ул жиҳатдинким, маҳбубнинг муроди турур ва муқтазойи иззат ул турур ва таважжуҳ била онинг қайдининг бандида бўлмасун, онинг учунким, башарнинг доми бу сайднинг лойиқи эрмастур, то ул вақтгачаким, яна ул ҳол тулуь қилур. Ва то ул вақтгачаким, ул ҳол қавий бўлсун ва бақо топсун. Яна саъйу кўшиш қилсун. Икки-уч кундин зиёда заҳмат йўқтур, ул саъйдин сўнг малака ойланур, то ҳаддиғаким, толибнинг ўз ихтиёри била фано ва фанойи фанога етушур.

*Бешланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, вақтиким, малакут толибга пушида бўлса ва фаромуш ойланса, фано бўлур, вақтиким, солиқнинг хастийлари ҳам солиқга пушида бўлса фанойи фано бўлур. Фалоний бу маънида имтиҳон этти, ҳайбат онга муртафиъ бўлди. Бу тоифани имтиҳон этмакни раво тутмай турурлар.

*Олтиланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, вақти толиб муршиднинг амри ва мадади била ўзини холий этса ҳар нимарсадинким, муршиднинг муҳаббатидин монеъ бўлса ва толибнинг кўнглида тамаккун топгон бўлса, ондин сўнг файзи Илоҳийга қобил ойланур ва аҳволи номуганоҳий вурудиға маҳал бўлур. Дарҳақиқат файзи Илоҳийда қусур йўқ турур. қусур толиб тарафида турур. Вақтиким толиб рафъи мавоний (тўсиқларни йўқ) этса. албатта онга ҳоле тулуь этар. муршиднинг руҳонияти воситаси билаким,

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

ул ҳол маҳалли ҳайрат бўлур. Ва ҳеч важҳ била ул вужуд ва ул ҳақиқатни идрок этиб бўлмас. «Рабби зидни таҳаййуран фийка» — Илоҳо, зиёда қилгил манга таҳаййур юзидин ўз зотингда. Ихтиёрнинг ҳикмати одамларда кўброқ турур. Вақтиким, мавониъи табиат (табиат тўсиқлари)ким, асл бўлуб турур, ихтиёрнинг қуввати кўб ва жаҳд била ул мавониъларини (тўсиқларини) рафъ этмак керак. Фаришталар, агарчандеки, тоатга мажбул ва маъсум турурлар қасдан ва феълан мухолафат этмакдин, аммо хавф ваҳшатида турурлар, саодат ва шақоватда тараққий ва таназзулда эътибори тамом ва ихтиёрда турурлар.

*Эттиланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, толиб ўзининг ожизлики ва бечоралиқини муршид ёнида, керакким, доимо мутолаа этсун ва яқин билсинким, мақсуди ҳақиқийга вусул ҳосил бўлмас, магар муршид тарафидин ва онинг ризосини топмоқ васотати ва бошқа ҳамма туруқ ва абвобни ўзига боғлиғ билсун. Ва тамоми зоҳиру ботинини онинг фидоси қилсун.

Ва муршиди комилнинг аломати ул турурким, толиб ҳар неча олиму ориф бўлса ва ул нимарсаким, билур ва ойда билур онинг била сулукда саъй этса ва ондин сўнг ҳузур ё ғайбатда муршиднинг руҳониятига таважжуҳ этса. Онинг ул саъйлари би-л-куллийа (бутунлай) мавҳ бўлур ва ўз ишининг басталигини ва беҳосиллигини муршидга таважжуҳ этмасдин аввал мутолаа этсун ва билсун ва таҳқиқ (текшириб) кўрсун. Ва ҳар неча манозил ва мароҳил қатъ этган бўлса онинг ҳаммаси муршид камолининг мутолааси жанбида ва онинг қуввати сайри ва руҳониятиким, тайрга мубаддал (ойланган) бўлгон турур, жазаботи Илоҳийнинг мадади била бағоят ондак кўрунур, токим онинг йиллари сайри муршиднинг бир соат сайрига етушмасдур.

*Саккизланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, уммил ондин ўзга эр-мастурким, ала-д-давом ва ҳар лаҳза ўз афъолининг қусурини кўрур ва қусурининг бориға кирар ва саргашталиқ ва дармондалиққдин карамнинг мулоҳазаси ва алтофнинг мушоҳадасини қилур ва маҳзи лутфиға ва иноятиға паноҳ элтур ва илтижо кўргузур. Ва Ҳазрати Хожа Бузrug (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу сирраҳу бу сифатга амр этилар ва ойтдиларким, мани доим бу сифатда сақларлар.

*Тўққузланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, керакким, толиб муршиднинг ризоси талабида зоҳиру ботин юзидин ғайбату ҳузурда ала-д-давом саъй этсун ва маҳзи инояти Илоҳий била онинг ризосининг маҳалли назарини топсун ва ул маҳалли ризони топмоқ-

да ва танумоқда ва онинг мувҳибиға амал этмак, ондоғким, маҳалли назар ризода тушгай. Ва ул назари ризо бақо топгай, куб душвор турур. Аммо, осон турур, вақтиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло тавфиқи рафиқ бўлса. «Ва иннаҳу лайасиру ала ман йасарраҳуллоҳу» аzza ва жалла, яъни бадурустиким, ул иш ҳар оина осон турур ул кишигаким, осон этиб турур они Аллоҳу таъоло.

*Ўнланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, толибға лозим ул турурким, муршидға нисбат(ан) беихтиёр бўлсун, тамоми умури диний ва дунёвий куллий ва жузъийда муршидға лозим улдурким, онинг аҳволини тафаҳхус этсун. Ва они салоҳи вақт ва замон нисбати била ҳар ишга буюрғай ва онинг амрларини таъйин қилгай, то муршидининг ихтиёри била онда шуруъ этгай.

*Ўн бирланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, аҳли илм жониби (томони)ға керакким, риоя этгай ва ўз ҳолини пинҳон тутмоқ керак. Ва аҳли тариқнинг ҳар бирига нисбати ҳолиға қараб сўз ойтмоқ керак. Ва аҳли қулубнинг хотирларини риоя этиб, оларнинг озоридин эҳтироз этмак керак. Бу тоифаға даруний бўлмоқ ишини душворроқ қилур. Оларнинг даруний ишлари нозик турур. Ва оларға муҳолатат ва дўстлик этмак вақте муфид бўлур ва сабаби мазиди аҳвол (ҳолини зиёда қилиш) турурким, ул муҳолата сабабли оларнинг одоби суҳатини кўброқ билса ва кўброқ риоя этса ва илло мазид хатарға сабаб бўлур. Мисраъ:

*Беадабро бор нею бо адаб будан хатост.*

(Беадабнинг хатоси ман (манман)ликнинг зуҳури ва ўзини боадаб кўрмак турур.)

*Ўн иккиланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, аҳволнинг афзали ва акмали тафвизда кўшиш этмак турур, ҳол нисбати била анбиё ва авлиё, то охирғача бу тариқа эрдилар. Банда, керакким, доимо аҳволи зоҳирий ва ботиний нисбати била ҳар лаҳза ботинида тафвизни касб этмакда бўлсун, ҳар нав ихтиёрким, ондин бош чиқарур касби тафвиз билан они ўзидин маҳв этсун, билур ва танурким. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ихтиёри онинг учунким, албатта, яхшироқ турур онинг ихтиёридин ўзи учун. Ва толибға ҳам лозим турурким, ала-л-давом ҳузур ва ғайбатда муршиднинг нисбати била аҳволи ботиний нисбатиға шул тафвизнинг касбида бўлсун.

*Ўн учланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, сифати жабборлиқни кўрмакдин мақсуд тазарруъ ва зорлиқ сифатининг зуҳури турур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға инобат этмак на тавба қилмоқ турур. Ва

ул кўрмакнинг сихҳатининг аломати муножотга майл этмак, на хаработга. «Фа-алҳамаҳа фуҷураҳа ва тақваҳа»<sup>1</sup>, ҳикмат онда ул турурким, вақтиким, майлини ризога кўрса шуқр этсун ва онга борсун, вақтиким адами ризо майл кўрса, тазарруъ этсун ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога қайтсун ва сифати истиғнодин кўрқсун.

*Ўн тўртланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, сабиқа инояти азалийни кўрмак керакдур ва ул инояти беиллатга умидвор бўлмоқдин ва ул иноятни талаб қилмоқдин лаҳза гофил бўлмаслиқ керак ва ўзини истиғнодин, керакдурким, сақласун. Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг андакини улуғ санасун ва истиғноий ҳақиқийнинг зуҳуридин ларзон ва тарсон бўлсун.

*Ўн бешланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, валоят жойеда собит бўлурким, они онинг била қўймаслар. Агар қусуре ўтса яна хост бўлур, ояти карима: «Ала инна авлиёаллоҳи ло хавфун алайҳим ва ло ҳум йаҳзанун»<sup>2</sup>да ойтдиларким, оларга зуҳури табиатнинг хавфи йўқ турур, онинг ҳукми билаким: «Ал-фониййа ла йурадду ила авсофиҳи», яъни фонийни рад этулмас аввалги васфлариға.

*Ўн олтиланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ботинда муътасим биллоҳ (Аллоҳга қаттиқ боғланган) бўлмоқ керак ва зоҳирда муътасим би-ҳаблиллоҳ бўлмоқ керак. Бу икки сифатнинг аросида жамъ этмак камол турур. Байт:

*Жамъи суърат бо чунин маънийи жарф,*

*Нест мумкин чу зи султони шигарф.*

(Бундай чуқур маънони жам этиш,

Улуғ Султон (ёрдамисиз) мумкин эмас).

*Ўн еттиланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, машойихи кибор қаддасаллоҳу арвоҳаҳум мазоротларидин зиёрат эткучи ул миқдор файз ола билурким, ул Бузругнинг сифатини билиб ва ул сифатга кириб ва ул сифат била таважжух этиб турур. Агар чандиким, қурби суварийға мушоҳада ва муқаддасанинг зиёратида осор кўб турур, аммо ҳақиқатда арвоҳи муқаддасаға таважжух этмақда буъди суварий монёъ эрмастур. Ҳазрати Набавий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидаким: «Саллу алайҳа ҳайсу мо кунтум» (қаерда бўлсаларингиз ҳам менга саловот юбораверинглар) бу сўзнинг далили турур.

1. Нафса ва унга бир қанча қобилиятлар бериб ҳамда яхшилик ва ёмонликларини илҳом қилганга қасамки... (Шамс. 6-7-оятлар).

2. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг дўст (авлиё банда)лари учун ҳеч бир хавф йўқ ва улар асло маҳзун бўлмаслар (Юнус. 62-оят.)

Ва аҳли қубурнинг суvari мисолийяларини кўрмакнинг эътибори кам турур, ул зиёрат ва ул таважжуҳда оларнинг сифатларини билмакнинг жанбида ва мунинг била ҳам. Ҳазрати Ҳожа Бузrug (Баҳоуддин) қаддасаллоҳу сирраҳу ойтур эрдилар, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға мужовир бўлмоқ аҳаққ ва авло турур Ҳақ азза ва жалланинг халқиға мужовир бўлмоқдин. Ва бу байт муборак тилларига кўб ўтар эрди:

*Ту токай гўри мардонро порасти,  
Ба кирдикори мардон гард расти.*  
(Сен қачонгача авлиёларнинг қабрига топинасан,  
Авлиёлар амалидек иш қилки, ўсасан).

Ақобирондин ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъиннинг мушоҳадаларини зиёрат этмакдин мақсуд, керакким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға таважжуҳди бўлса ва Ҳақ таъолонинг ул яхши бандасининг руҳини камоли таважжуҳиға васила этмакдур. Ондоқким, халққа тавозуь этган ҳолда, керакким, ҳар неча тавозуь зоҳирда халқға бўлса ҳам ҳақиқатда Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға бўлсун. Онинг учунким, халққа тавозуь ул вақт писандида бўлурким, Худойи азза ва жаллага хос бўлса, бу маъни билаким, оларни қудрат ва ҳикматининг асарлариға мазоҳир кўрса ва илло ул санъат бўлур, тавозуь бўлмас.

*Ун саккизланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, муроқаба тариқаси нафйу исбот тариқидин аъло турур ва жазбаға ақраб турур. Ва тариқи муроқабадин вазорат мартабасиға ва мулки малакутда тасарруф этмакка етушса бўлур. Ва хотирларға ишроқ бўлмоқ ва назари мавҳибат била назар этмак ва ботинни мунаввар ойлантурмоқ давоми муроқабанинг малакасининг хотирнинг жамъиятининг давоми ва дилларнинг қабулининг давоми ҳосил турур. Ва бу маънони «жамъи қабул» деб от қўйуб турур.

Ойтур эрдиларким, ибтидода вақтиким Хоразмға борулди, асҳоблардин ҳар кишиға ботинға иштиғол этилур эрди, ўз ихтиёри бирла ўз ботинини ихтиёр этган жиҳатли, то кўргайким, ул сифатға бақо турурму ё йўқ ул иштиғол қавий фойда этди ва ул малака боқий қолди.

*Ун тўққузланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, хомушлиқ керакким, уч сифатдин холий бўлмаса: ё дилин хотиротдин сақламоқ учун ё мутолаа этмак учун зикри дилниким, гўё бўлуб турур ё мушоҳала этмак учун аҳволинким, дилға ўтар.

*Йигирманчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, хатарот монё бўлмас, ондин эҳтироз этмак душвор турур, ихтиёри табиийким, йигирма йил муддати они нафй этмакда бўлдим. Ногоҳ нисбатга хатара (фикр хавфи) ўтди, аммо қарор топмади, хатаротни манъ этмак улуғ иш турур. Ва баъзининг наздида хатаротга эътибор йўқ турур, аммо кўймасунким, мутамаккин бўлур ва онинг тамкини сабабидин мажорийи файзда судда пайдо бўлур. Ул сабабдин доимо аҳволи ботинга мутафаҳҳис бўлмоқ керак ва ўзини нафас уруб, холий этмак зоҳиран амри муршид била хузурда ё ғайбатда хатаротни нафй этмак учундурким, тамаккун топибдурлар ботинда ва сабаб ул турурким, ҳар маъни бир сувратнинг либосида бўлур. Ҳар вақт ўзини нафас урмоқ била хатаротнинг мавонийларидин тамаккун топибдур, холий этмак керакдур.

*Йигирма бирланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, агар ҳаёт боқий бўлса, иншоаллоҳ азза ва жалла, Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қуддиса сирруҳунинг аввалғи тариқларини ихё этмак керакдурким, тарбият учун ҳар хотирга мувоҳаза хуш бўлур. Ва яна ахийри ҳаётларида малолат изҳор эттилар халқнинг тарбиятига иштиғол этмакдин, онинг учунким, улчаким оларга етушур, онинг муроётини этмаслар.

*Йигирма иккиланчи раишҳа.* Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин)-дин кўб нақл этар эрдиларким: «Ал-ибодату ашарата ажзоин тисъатун минҳа талаб ул-ҳалоли», яъни ибодат ўн жуз турур, тўққузи ондин талаби ҳалоли этмак турур.

Ойтур эрдиларким, вужуди макосибдин деҳқончилик ва боғбонлик ҳалолига яқинроқ турур бу замонда тижоратдин.<sup>1</sup>

*Йигирма учланчи раишҳа.* Аҳлуллоҳ била доимо суҳбат тутмоқ ақли маъоднинг зиёд бўлмоқиға восита турур.

*Йигирма тўртланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, суҳбат суннати муаккада (вожибга яқин мустаҳкам суннат) турур, ҳар кун ё ҳар икки кундин бу тоифага суҳбат тутуб ва оларнинг одобини муҳофазат этмак керак. Ва агар бўди суварий воқеъ бўлса, ҳар ой ё ҳар икки ойда ўз аҳволи зоҳири ва ботинийсидин иборат била ва мактуботнинг ишорати била эълум этмак керакдур ва ўз манзилида таважжуҳ била оларга машғул бўлмоқ токим ғайбати куллий воқеъ бўлмасун.

*Йигирма бешланчи раишҳа.* Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳунинг суҳбатларида ойтдиларким, матлуб ниҳоятда азамат

---

1. Таржимада «нажотдин» деб ёзилган, форсчасида «тижорат»дир.

турур, талаб этмакка тилимиз йўқ турур, ул талаб ҳам сизнинг иноятингиздин турур. Ойтдиларким, таъхир қобилиятнинг замони жиҳатидин турур, топарларким ва қўлдин берурлар ва танимаслар ва билмасларким, қайси жойтдин турур.

*Йигирма олтилончи раиша.* Ойтур эрдиларким, ман зомин бўлурманким, бир киши бу тариқға тақлид била кирса ва албатта, таҳқиқға етушур. Ва ойтдиларким, Ҳазрати Хожа Бузруг қуддиса сирруҳу мани ўзларининг тақлидиға амр эттилар, ҳар нимарсадаким, оларнинг тақлидини этдим ва энди ҳам этарман. Ҳар оина онинг асари ва натижасини таҳқиқ била мушоҳада қилурман.

*Йигирма еттиланчи раиша.* Ойтур эрдиларким, бу тоифани мақоми талвиндин бошқа ҳолда тануб бўлмас. Эмди, маълум этарманким, оларни мақоми тамкинда таниб бўлмай турур. Ҳар киши оларни ҳолати тамкинда топса ва тақлид била амал этса бебаҳра қолур, балки зиндиқ хатарига тушар, магар улким, иноят қилсалар ва ўзларини онга кўргузсалар. Интаҳа каломуху (сўзлари шу ерда тугади) қуддиса сирруҳу.

Махфий қолмасунким, машойихи тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳум наздида талвин иборат турур солиқнинг дилининг ойланғонидин аҳволедаким, онга ўтар. Баъзи ойтибдурларким, дилнинг ойланмоғи турур кашф ва ихтижоб орасида сифоти нафснинг гайбати ва ҳузур сабабидин. Албатта, солиқни бу мақомда таниса бўлур онинг аҳволи талаввунини жиҳатидин сифоти мутақобила (бир-бирига ўзаро қарама-қарши сифатлар) аросида, мисли қабзу <sup>1</sup> баст ва сукру саҳв ва онинг амсоли (шунга ўхшашлар).

Ва тамкин оларнинг истилоҳида иборатдур давоми кашф ҳақиқатдин дилнинг мавтини қурб ором топғон васотати била. Албатта солиқни бу мақомда таниб бўлмас, онинг учунким, соҳиби тамкин илми сиъа мартабасига етушуб турур ақлу шурбда ва байъу широда ва навму йақзада ва соири сифоти башарий (бошқа одамийлик сифатлари)да аҳли зоҳирға мушобиҳ ва мумосил бўлуб турур.

Ва аҳли тамкин умури табиийда ва тарки риёзат ва мужоҳидотда тақлид этмак зиндиқлик хатоларини ийжоб этар, ондоғким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу ойтиб эрдилар.

Аммо, ҳар вақтиким, талвинни ул маъноға ҳамл этсакким, қутб ул-муваҳҳидин ва ғавс ул-муҳаққиқин Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий ва оларнинг атбоъи қаддасаллоҳу арвоҳаҳум муста-

<sup>1</sup>Таржимада «файз» деб нотўғри ёзилган.

лиҳлари турур, соҳиби талвинни танимоқ мушкилроқ ва дақиқроқ турур соҳиби тамкинни танимоқдин. Онинг учунким, Ҳазрати Шайх қуддиса сирруҳу ўз истилоҳотларида келтирибдурларким, аксари машойихнинг наздида талвин мақоми ноқис турур, лекин бизларнинг наздимизда барча мақомотларнинг афзали ва акмали турур ва банданинг ҳоли ул мақомда ул ҳол турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ўз шаънида ойтурким: «Кулла йавмин ҳува фи шаън»<sup>1</sup>. Ва тамкин бизларнинг наздимизда тамкин топмоқ турур талвинда.

Хизмати Махдумий Мавлоно Разийуддин Абдулғафур алайҳир раҳма ойтур эрдилар, Ҳазрати Шайх қуддиса сирруҳу каломининг маънисиким, ойтибдурларким, талвин бизнинг наздимизда барча мақомотнинг акмали турур, на ул турурким, солиқ ҳар замон тажаллиёти бениҳоятдин бир тажаллийға мушарраф бўлур ё ҳар замон онга мудрикоти беҳалду беғоятдин мудрики маълум ойланур, балким мурод ул турурким, ҳақиқати одамий беранг бўлуб, аслга мутобиқ айланурким, зоти баҳти бекайфу бекамдин иборат турур. Бас, андоғким, ул жойда «кулла йавмин ҳува фи шаън» воқеъдур, бу ерда ҳам ҳар замон онинг ҳақиқатидин ранге пайдо бўлур ва они ўзига тобе ойлантурур ва онинг ҳақиқатининг нисбати ҳама рангларға баробар бўлур, балким ҳар лаҳза шуйуноти Илоҳийдин рангенинг муқтасосига амал қилур ва ҳақиқатда ўзи беранг бўлур, ондоғким, ойтиб турурлар:

*Манамки, ранги ману неки ман муаййан нест,  
Қаб-қаро яму қиб-қизил, на сан-сарик.*

Ва шак йўқдурким, мундоқ кишини танимоқким, ҳама ранглар била муттасиф бўла ва онинг нисбати ҳама рангларға баробар бўлса ва ўз ҳақиқатида беранг бўлса, мушкилроқ ва душворроқ бўлур соҳиби тамкинни танимоқдинким, ҳамашга бир тартибда муқим турур ва бир рангда собит ва мустақим турур, валлоҳу аълам.

### *Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳунинг вафотлари зикридадур*

Ҳазрати Хожа (Муҳаммад) Порсо қуддиса сирруҳунинг хатлари била кўрулубдурким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу марази ахийрда асҳобларға ойтдиларким, улчаким, манга ўта турур ва нисбати зоҳир ҳолингизнинг тафриқасини онга қиёс

1. У ҳар куни ишладир. (Ар-Раҳмон сураси. 29-оят.)

этманглар, зоҳирий ва ботиний ҳузурни риоя қилингллар ва илло паришон ва мутафарриқ бўлурсизлар.

Ва ойтдиларким, дўстлар ва азизлар кеттилар ва бор турурлар, албатта, ул олам яхши турур бу оламдин, кўклар назарға кўрунди. Бир киши ойтди: «Яхши кўклик турур». Ойтдилар: «Тупроқ ҳам яхши турур, бу оламға ҳеч майли қолгон эрмастур бу жиҳатдан бошқаким, дўстлар келурлар ва мани топмаслар, хотиршикаста бўлуб, қойтиб кетарлар».

Ва ҳам бу маразда асҳобларға ойтдиларким, расму одатни қўйингллар, ҳар нимарсаиким, халқнинг расми бўлса, онинг хилофини этингллар ва бир-бирингиз била мувофиқ бўлунгллар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъсатлари башариятнинг русум ва одатларини бузмоқ учундир. Ҳар бирингиз яна бошқа бирингизнинг жанбида нафй бўлуб, ул бошқа бирни исбот қилинг ва ҳамма ишларда азиматға амал этинг ва то мумкин турур азиматдин қайтманг. Сухбат суннати муаккада турур, бу нисбатға мувозабат қилинг хусусан ва умуман. Ва албатта тарки суҳбат этманг. Агар бу амрларгаким, айтилди, истиқомат ва варзиш қилсангиз, сизларнинг бир нафас истиқоматингизға ҳосил ул бўлурким, мани ҳамайи умрумнинг ҳосили ва сизларнинг аҳволингиз тазойидда бўлур. Ва агар бу васиятларни тарк этсангизлар, паришон бўлурсизлар.

Ва бу аснода қалимаи тавҳидни баланд айта бердилар.

Ахийри ҳаётларида бу фақирға нисбат(ан) асҳобнинг ҳузурда ойтдиларким, йигирма йилдан зиёда турурким, манинг била онинг аросида лиллоҳ ва филлоҳ (Аллоҳ учун) дўстлиқ бор турур. Албатта, ул бошқа бўлмас. Ва бу фақирнинг ғайбаотида онинг ҳаққида ойтдиларким, ман ондин рози турурман, ондоқким, Расул саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳоба разийаллоҳу анҳумдин рози бўдилар.

Бир кеча фақир била оларнинг аросида сатхе <sup>1</sup> ўтуб эрди ва олар фақирни нисбати ботинлариға ташриф эттилар ва иттиҳодда сўз ойдилар. Ва ул сўз «қобла кавсайн ав адно» <sup>2</sup> маъносиға муносиб эрди. Дунёдан борур ҳолларида ул кечани ёд эттилар: «Бир кеча манинг била онинг аросида бир сўз ўтуб эрди, ул сўзни ул билур, бошқа киши билмас». Ва ул кечани таъкиди ризо учун ёд эттилар ва ойдиларким: «Агар итоб суврати бўлса, онга боис муҳаббат ва шавк эрди».

1 Форсчада сухани (бир сўз).

2. Шунчаликки. (бирлаштирилган) икки ёй ораси қадар, ҳатто ундан ҳам яқин бўлди. (Нажм. 9-оят.)

Ва марази ахийрда фақирни кўб ёд этиб турурлар. Ва фи-л-жумла оларнинг хотири муборакларининг бу фақирга илтифоти тамомлари бор эрди. Ва ҳар умидворлиқиким, бу фақирга бордур бу маънидин турур.

Ва марази ахийрларида сўзлари гоҳо боби ризо ва важди муҳаббат ва шавқда эрди. Ва гоҳо насиҳатда ва ҳикмат ва халқнинг дуойи хайрида эди. Ва ул жумладин улчаким муборак тилларига ўтуб турур, бу байт эркан:

*Мо найистониму ишгат оташ аст,  
Мунтазир к-он оташ андар най расад.*  
(Биз қамишзормиз ва ишқинг оловдир,  
Ўша олов қамишзорга етишига мунтазирмиз).

Маразнинг шиддатида муқаррар қилиб ойтар эрдиларким, ман суврат ва маъни паҳлавонининг хизматида бўлубман, «ҳал мин мазид»<sup>1</sup> деб кўб ойтдилар. Ва Ҳазрати Хожа Бузrug (Баҳоддин) қуддиса сирруҳуни ҳозир кўрар эрдилар ва оларга сўз ойтиб ва сўз эшитур эрдилар. Ва ўзларининг беихтиёрлиқи ва кетмагу бўлмоқларини баён этиб ойтур эрдилар: «Манинг кетмакда ва бўлмоқда икки фирқа бўлубсизлар, бир сўзда бўлунглар, то ман ҳам ул сўзда бўлурман».

Ва маразларидин ўн-ўн беш кун аввал кетмакни ихтиёр эттилар ва таъкид қилиб ойтдиларким, бу ихтиёрдин қайтмасман ва мувжиби тақассур (ҳолдан ва кетишларининг сабаб)лари қавий бош оғриқи миёну камар оғриқи эркан. Ва мабдаи тақассурлари (ҳолдан кетишнинг бошланиши) душанба кунида, ражаб ойининг иккиланчиси, сана саккиз юз иккида (1399) эрди. Дорул-қарорға иртиҳоллари ражаб ойининг йигирмасида, чоршанба кечаси, намози хуфтандин сўнг воқеъ бўлди. Ва равзайи шарифлари (муборак қабрлари) Чағониённи Янгидеҳаси (Денов)да турур.

Ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ёзибдурларким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳунинг дарвишлари ва муҳиблари жумласидин бир дарвиш оларнинг вафотларидин қирқ кундин сўнг камо-биш, ул йилнинг шаъбон (ойи)нинг йигирма саккизланчиси, шанба куни Ҳазрати Хожани воқеъасида кўрубдурким, ойтдилар: «Улчаким, бизга каромат эттилар, ба-

---

1. Яна зиёда бўлурми?

ландроқ турур ул нимарсадинким, муҳибларнинг эътиқоди турур». Ва ойтдиларким, улча бор эрди сизларнинг аронгизда кўйдим. Бир игна оларнинг олдида тушуб ётган эркан, қўллари била олиб, оёқлариға урдилар ва ойтдилар: «Бу маънининг зуҳури одамеға турурким, бу игнанинг учида рост турса ва ҳеч тарафға майл этмаса».

Ва Ҳазрати Хожа (Порсо) ёзиб турурларким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу шаъбон ойининг авойилида сана етти юз тўқсон бешда (1392) вафотларидин етти йил аввал Чағониёндин Бухороға мутаважжих бўлдилар. Ҳазрати Хожа Бузруг (Баҳоуддин) қуддиса сирруҳунинг зиёратлари учун ўн саккиз кундин сўнг келдилар. Шавволнинг авойилида мурожаат эттилар. Рамазон ойининг ийди (ҳайити) кечаси Бухорода бўлдилар. Оларнинг дарвишларидин бир дарвиш ул кечада воқъада кўрдиларким, боргоҳе турур ниҳоят улуглиқда ва Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу Ҳазрати Хожа Бузруг била, қуддиса сирруҳу, ул боргоҳнинг яқинида турурлар. Маълум бўлдиким, ул боргоҳ Ҳазрати Рисолатпаноҳий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг боргоҳлари турур. Ҳазрати Хожа Бузруг ул боргоҳға кирдилар ва Ҳазрати Рисолатпаноҳий саллаллоҳу алайҳи ва салламға мулоқот этиб, фурсатдин сўнг башошату баста тамом била чиқдилар ва ойтдилар: «Манга бу кароматни эттиларким, ҳар киши манинг қабримнинг ҳар тарафидин юз фарсахлиқ ерда бўлса, ман онга шафоат қилурман изни Илоҳий бирла».

Ва (Алоуддин) Атторға қирқ фарсахлиқ ерда мартабаи шафоат бердилар. Ва манинг муҳибларим ва тобеъларимдин каминаға онинг марқадидин бир фарсахлиғ ерида шафоат бердилар.

*Хожа Ҳасан Аттор  
(раҳматуллоҳи таъоло) \**

Олор Ҳазрати Хожа Алоуддин Атторнинг фарзанди бузругворларидур. Ва олорнинг шажарайи валоятларининг самаралари ва олор Ҳазрати Хожа Бузруг ва Хожа Баҳоуддиннинг домодлари турурлар. Ва туфулият айёмида Ҳазрати Хожайи Бузругнинг манзури назари иноят ва отифатлари бўлуб эрдилар. Ойтурларким, бир кун Хожа Ҳасан жамъе атфол била мазори шарифнинг боғида ўйнаб юрур эрдилар ва бир тананинг устига миниб, атфоллар

\* Ушбу ердан, яъни «Хожа Ҳасан Аттор (р.т.) зикри баёни»дан то «Аввалги фасл (боб)»гача бўлган қисмни Б. Умрзоқ таъдил қилган. Форсий байтлар таҳрири М. Ҳасаний қаламиға мансуб.

атрофида югурур эрдилар. Ул аснода Ҳазрати Хожайи Бузруг у ерга келдилар. Ва оларни атфоллар била бу тариқа кўрдилар. Ойтдилар: «Тез бўлурким, бу тифл сувор бўлур. Ва подшоҳони зи шавкат онинг рикобида пиёда югурурлар». Ва ул андоғ эрди.

Вақтиким Хожа Ҳасан Хуросонга келдилар, Боғи Зоғонда Мирзо Шоҳрухни кўрдилар. Мирзо устуре ҳадия тариқасида озорни олдиға тортди ва ғоят ихлосидинким озорға бор эрди, хоҳладиким, ўзи озорни сувор этса. Ёнлариға келиб қўли бирла устуренинг рикобини тутуб ва яна бир қўли бирла устуренинг рикобини тутуб озорни устурега миндурди ва бу маҳалда устур саркашлик этди. Ва Мирзо онинг жиловини маҳкам тутуб, неча қадам озорнинг рикобларида югурди. Ондин сўнг устур ором бўлди. Озор устурдин тушдилар ва Бухоро тарафига қараб ниёзмандлик эттилар. Ва тавозуь қилдилар. Ва айёми туфулиятдағи қиссани ва танаға мингонларини ва Ҳазрати Хожанинг озорға эткон ваъдалариниким, подшоҳони зи шавкат рикобингда югурурлар, ҳаммасини Мирзоға ойтдилар. Устурнинг саркашлик этканининг сирри зоҳир бўлди. Ул ҳикоятнинг истимоъи ва ул сувратнинг мушоҳадаси Ҳазрати Хожайи Бузруг қуддиси сирруҳуға ҳозирларининг яқини издиёдиға сабаб бўлди.

Ҳазрати Махдумий қуддиси сирруҳу «Нафаҳот ул-унс»ларида келтурубдурларким, хизмати Хожа Ҳасаннинг жазбаи қавийлари бор эрди ва сифати жазба била ҳар кимниким хоҳласалар тасарруф этиб, бу оламға ҳузуре ва шуъуре мақомидин беҳудлик ва бешуъурлик кайфиятиға етирур эрдилар. Ва завқу ғайбат ва фанойеким, баъзи арбоби сулукка бар сабили надрат кўб мужоҳададин сўнг муяссар бўлур эрди, билдирур эрдилар. Мовароуннаҳр ва Хуросонда озорнинг тасарруфларининг кайфиййати толиблар ва зоирларда машҳури тамом турур, ҳар ким даст бўси шарафлариға мушарраф бўлса, оёқдин йиқилиб ва беҳудлиқнинг давлати даст берур эрди.

Шундоғ истимоъ этилдиким, бир кун эрта била уйдин ташқари чиқдилар ва голиб кайфиййатлари бор эрди. Ҳар кимнинг озорға назари тушса, ҳаммаға беҳудлик кайфиййати рўй бериб беҳуд бўлиб йиқилур эрдилар. Ва озорнинг дарвишларидин бир дарвиш сафари муборакнинг азимати била Ҳиротга келди. Жазба ва ғайбат ва беҳудлик ва ҳайратнинг асарлари ондин зоҳир эрди. Гоҳеким бозорлардин ўтор эрди, шундоғ кўрунур эрдиким, амри ботини они бил-куллиййа тутуб турур, халқнинг келиб-кетгони ва гуфтуғулариға ул чоғлиқ шуъури йўқ турур. Бу силсиладин азизеким, бу фақир озорнинг хизматиға борур эрди, ойтур эрди-

ларким: «Ул дарвишнинг иши мундин зиёда эрмастурким, алад-давом Ҳазрати Хожа Ҳасаннинг сувратига мууроқиб бўлиб ва сақ-лар ва ул нигоҳдошининг баракатидин олонининг сифати жазбала-ри онга сироят этиб турур ва хизмати Хожа Ҳасан онга бир вақт-дин бирларининг илтимоси бирланким, олонга нисбати ихлоси тамоми бор эрди, Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқларида мухтасаре ёзиб турурким, ондин баъзи бу турурким, табаррукан ва истиршод расми билаким, ирод топар.

*Раиҳа.* Билгилким, тоифаи алиййаи аллоиййаи зодаҳумуллоҳу таъоло футуҳаҳум нинг тариқаи сулуклари жамиъи машойих қад-дасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум сулуклари ва атворидин аъло турур ва тариқларнинг қариброқи турур, матлаби аъло ва мақсади асноға-ким, ул Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло турур. Онининг учунким, ул та-риқи алиййаниннинг рафиъи ҳижоб этор таъйинотнинг ҳижобларини зоти аҳадиййаниннинг важҳидинким, сорий эрди, қулли мавжудотда ваҳдат тарафда маҳву фано бўлғон сабабидин ҳатто мусаббиҳоти жалолий ишроқ этиб мосивони йўқ қилур ва ҳақиқатда сойир машойихлар пирларининг ниҳояти олонининг тариқаларининг би-доғти турур. Онининг учунким, олон аввал ҳадди фанодин кирурлар ва сулуклари жазбадин сўнг турур, яъни мужмали тавҳиднинг тафсиликим, олам ва одамнинг офаринишидин мақсуд шул ту-рур: Ва мо халақтул-жинна вал-инса илло лияъбудуни ой лияъри-фуни<sup>2</sup>. Ҳар вақтким, хоҳдасаларким, бу нисбати шарифга машғул бўлсалар, ул керакким ул кишининг сувратиниким бу нисбатни ондин олиб турур, хотирға келтирурлар, то ул нисбати беҳудлиқ пайдо бўлсун. Бас, ул беҳудлиқнинг мулозимии бўлмоқ ул суврат ва ҳаёл билаким, руҳи мутлақнинг ойинаси турур, нуктаи қал-бийға мутаважжих бўлурлар ва ўзини ул беҳудлиқга берурлар ва ҳар неча ул нисбат қувват топар, онга бу оламга шуъур камроқ бўлур. Ва муни адам ва гайбат дерлар ва бу важҳдин ойтиб турурлар(ким):

Байт:

*Васли иъдом агар тавони кард*

*Кори мардон марди тони кард.*

(Фақирликка етишишга қодир эсанг,

Мардлар ишини қилишда у

(мард)лардан ибрат ол.)

1. Аллоҳ бу олий тоифаниннинг фатҳларини зиёда қилсин.

2. Мен жинлар ва инс(онлар)ни Менга ибодат қилишлари учун, яъни: Мени танишлари, билишлари учун яратдим. (Зориёт.56-оят).

Вақтиким, беҳудлиқ ва нисбат тариқа мартабаега етсаким, вужуди гайрға асло шуъур қолмаса, они фано дерлар. Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий қуддиса сирруху ойтурлар.

Байт:

*Спас он адамероки, ҳастимо барабуд,  
Зи завқи ин адам омад жаҳони жон бавужуд.  
(Ўшал «йўқлик»қа мадҳлар бўлсинки,  
бизнинг «борлиқ»имизни олиб кетди,  
Бу «йўқлик»нинг завқидан жон олами вужудга келди.)*

*Баҳар куҷо адам ояд вужуд кам гардад  
Зиҳи адам, кичу омад вужуд аз он афзуд.  
(Қачонки йўқлик келса ундан вужуд камаяди,  
Бу ажойиб йўқликки, ундан вужуд кўпайди.)*

Тараққийи ҳол адамда ва бу нисбатнинг зиёда бўлмоқида ва беҳудлиқ сифати зухурининг муқаддимасида Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоху сирруху ойтур эрдилар.

Мисраъ:

*Мар омони худро ба он беҳудий деҳ.  
(Бизнинг омонлигимизни ўша  
беҳудлиқ билан бер).*

Агар хавотир ташвиш берса, Ҳазрати муршиднинг хаёлини изҳор эткан сабабли уммид турурким, мундафиъ бўлса, ва илло керакким, уч мартаба нафасни қувват била тортсун, ондоқким, димоғидин бир нимарсани чиқорурлар ва ондин сўнг тариқи мазкурға машғул бўлурлар. Ва агар хавотир авалгидек авд этса, керакким, тахлиядин сўнг тариқи мазкур била уч мартаба ойтсун: «Астағфируллоҳа мин жамиъи мо қариҳаллоху қавлан ва феълан ва хотиран ва сомийан ва нозиран. Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ» (тавба қилдим Аллоҳ ёмон кўрадиған сўздан, ишдан, хотирадан, эшитиладиған ва кўриладиған нарсалардан. Гуноҳдан сақланишлик Аллоҳнинг ёрдами, лутфи эҳсони билангина мумкин, Аллоҳга чиройли бандалиқ қилиш ҳам Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билангина мумкиндир). Ва кўнглини ҳам онга мувофиқ тутсун. Васвасанинг дафъида «Ё Фаъёл» зикриға машғул бўлмоқ асли куллий турур ва бу нисбатнинг варзишини этмак керак. Зероким, ҳеч ваҳҳ била бу нисбатдин ҳоли бўлмасун ва агар бир дам ғофил бўлса, яна ул

тариқ билаким ойтулди, иш қилсун. Доимо ҳозир бўлуб кўнгулнинг кўзининг гўшасини бу нисбатга тутсун бозорда, келмак ва кетмакда, олмоқ ва сотмоқда ва емакда...

*Хожа Абдуллоҳ Имоми Исфаҳоний  
(раҳматуллоҳи алайҳ)*

Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиси сирруҳунинг ажиллайи асҳ-обларидин турур. Олор ойтиб турурким, аввал мартабаким, Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг суҳбатлариға бордим, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Ту мабош асло камол ин асту, бас,  
3-у дар у гўм шав висол ин асту, бас.*  
(Манликдан кечгин, камолға етишнинг ўзи шудир,  
Унда, яъни ваҳдатда кўмилиб, йўқ бўл,  
висолнинг ўзи шудир).

Хизмати Хожа Абдуллоҳ Имомий алайҳир раҳма содоти Бузrugдин бирларининг илтимоси била Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқларида бир рисолаи мухтасар бағоят муфид ёзиб турурким, ондин баъзи бу турурким, табаррук расми била ирод топар.

*Раиҳа.* Тоифаи алонийининг таважжуҳларининг тариқаси ва нисбати ботинға парваришлари шундоғдурум, ҳар қачон хоҳласаларким, онга иштиғол кўргузсалар, ул мартаба ул одамнинг сувратиниким, бу нисбатни ондин олиб турур, хаёлға келтирурлар, то ул замонгачаким, ҳароратнинг асари ва олорнинг кайфийяти маъхудалари пайдо бўлеун. Ондин сўнг ул хаёлни нафий этмаслар, балким соқларлар ва кўзу қулоқи ва ҳаммаи қиволари била ва ул хаёл бирла қалбға мутаважжих бўлуларким, иборат турур ҳақиқати жомийаи инсонийдинким, мажмуъи коиноти улвий суфлийдин онинг муфассали турур. Ва агар чандиким, ул ажсомға ҳулул этмакдин муназаҳ турур. Аммо вақтиким, онинг била бу қитъаи лаҳми санувбарийининг аросида нисбати бор турур, бас лаҳми санувбарийға таважжуҳ этмак керакдур ва кўзни ва фикру хаёлини ва ҳамма қувватларини онга гумашта қилсун ва онинг ҳозири бўлсун ва кўнгулнинг эшигида ўлтурсун. Ва бизларнинг шаккимиз йўқтурким, бу ҳолатда ғайбат ва бехудликнинг

---

1. Бу ерда котиб ёки таржимон Хожа Ҳасан Аттор ва Хожа Абдуллоҳ Имоми Исфаҳоний воқсаларини аралаштириб юборган.

кайфияти юз кўргузмак этар. Ва ул кайфийятни бир йўл фараз этмак керак ва онинг изидин кетмак ва ҳар фикреким келур ҳақиқати қалбийга мутаважжиҳ бўлуб, онинг нафйин этмак ва ул жузъийга машғул ва емак-ичмак ва уйқуламоқда то ул замонга-ким, бу сифат малака бўлсун ва гоҳо муҳиммега машғул бўлмоқни хоҳласа, ҳар на тамомроқ тазарруъ била ўзининг Ҳазрати жомеъасида бу дуони ўқусунким: «Аллоҳумма кун ваҳжий фи кулли жиҳатин ва мақсадий фи кулли қасдин ва ғоятий фи кулли саъйин ва малжаъий ва мулозий фи кулли шиддатин ва ҳаммин ва вакийлий фи кулли амрин ва таваллий муҳаббатин ва иноятин фи кулли ҳол».

Хизмати Хожа Ҳасан қуддиса сирруҳу ондоғким, силсилаи Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқалари турур, беморларнинг зери бориға кириб, олоннинг беморлиқларини кўторур эрдилар. Вақтидаким Ҳижознинг сафари муборакини азимат қилиб Шерозға келдилар, ул ердин ақобирларнинг бирига озорға нисбати иродат ва ихлоси тамом воқеъ бўлуб эрди, онга касале ориз бўлғон эркон. Хизмати Хожа онинг зери бориға кирдилар. Ул Бузруг сиҳҳат топиб, Хожа мараз бўлдилар. Ул маразда нақл этдилар. Ва нақллари ийди қурбоннинг душанба кечасида сана саккиз юз олтида (1403) эрди. Ва наъши муборақларини Шероздин Чағонийён вилоятигаким, волиди Бузругворларининг мадфани турур, нақл этдилар. Ва олоннинг Ҳазрати Хожаи Бузруг Хожа Баҳоуддиннинг сулбиййаларидин фарзанди Бузругворлари бор эрди. Хожа Юсуф Аттор алайҳир раҳмаким, озор била Шайх Умар қаддасаллоҳу руҳаҳунинг орасида муросалот ва муфовазот воқеъ бўлуб турур.

Ва Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ) ойтдиларким: «Бир кун шайх Баҳоуддин қуддуса сирруҳунинг мажлисида мазкур бўлдимким, баъзи ақобири тариқат қуддиса сирруҳу вақти зикрда ҳабси нафасга буюруб турурлар ва они зикрнинг шарти этиб турур. Хизмати шайх ойтдиларким, ҳабси нафас ҳунуд ва жугийяннинг тариқаси турур. Улчаким, бу тариқнинг шарти турур, ҳасри нафас турур, на ҳабси нафас.

---

1. Эй, бор Худое! Ҳар бир қарашдан кўзлаган мақсадим Ўзинг бўл, ҳар бир қасддан мақсадим Ўзинг бўл, ҳар бир ҳаракатдан истагим, ҳар бир қийинчилик ва ҳамда паноҳим ва ёрдамчим Ўзинг бўл ва ҳар бир ҳолда марҳамат ва муҳаббатингни умид қиламан.

Хожа Юсуф алайҳир раҳманинг хизматлариға етушдиким, шайх Баҳоуддин Умар ул тариқни нафй этиб турурлар. Шайхнинг хизматлариға ёзиб турурларким, шундоғ эшитулдиким, сиз Ҳазрат ҳабси нафас тариқасини нафй этиб турурсиз ва ойтиб турурсизким, машойихи тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳумдин ҳеч киши ҳабси нафас этмакка буюрмой турурлар. Ваҳолонки, муҳаққақ ва муқаррар бўлубдурким, Ҳазрати Хожаи Бузруг Хожа Баҳоуддин ва олоннинг хулафолари қаддасаллоҳу арвоҳаҳум зикри тариқатда ҳабси нафас этмакка буюруб турурлар. Сиз нечук турурким, они нафй қилурсиз? Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруҳу Хожа Юсуф алайҳир раҳманинг жавобида шундоғ ойтиб турурларким: «Бу сўздин мақсуд олоннинг таврини нафй этмак эрмас эрди» ва жавобда ижмол ва ибҳом эттилар.

*Шайх Абдураззоқ  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Хожа Ҳасаннинг асҳобларининг ажилласидин ва олоннинг хулафоларидин турур. Онинг тариқи нисбати робитанинг варзиши эркон. Бир кун Ҳазрат Саййид Қосим Табризий қаддасаллоҳу сираҳунинг мулозаматлариға келган эркан. Ҳазрати Саййид онга ойтдилар: «Сизнинг шул нисбат ва тариқингиз яхши турур» ва они тариқи робитанинг варзиши га истехсон эттилар.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) бир кун мажлисларидаким, одамлар кўб эрди, ойтдиларким: «Мабодийи аҳволда менга улуғларнинг баъзисининг суҳбатида машойихлардан бир киши била иттифоқо мулоқот воқеъ бўлди». Ва ойтдиларким, онинг одини тутмасиз ва ул мажлисда бир мулоҳаза ваҳждин онинг одини изҳор этмадилар. Аммо хориждин маълум бўлдиким, ул Шайх Абдураззоқ эркон. Ул хоҳладиким, нисбати манга тасарруфе зоҳир қилса, даст — бурдлик кўрсатса. Суҳбат кўб улуг эрди. Ва хиле азиз одамлар ҳозир эрдилар. Ман ўзимни ўз нисбатим га гумашта қилдим. Ва ўз нисбатимни маҳкам сақладим. Ва ул бу маънони билди ва мақоми тасарруфда кўброқ бўлди. Ва икки кўзини менга тикти ва ҳама ҳиммати била менга мутаважжиҳ бўлди. Ва хоҳладиким, манга боре ташласа. Ман, пешдастлик этдим ва манинг бу кафтимга муборак қўлларини ва чап кафтлариға кўйдилар. Боре бор эрди, онга ҳавола қилдим. Вақтиким, манга онинг дафъи тасарруфи

хотирда эрди, илгори тутдим. Онинг таважжуҳи ҳеч асар қилмади. Ва бор онга тушди. Андоғ мутаассир бўлдимки, манглайига тер ўлтурди. Хижл ва мунфаъил бўлди. Ман ҳам шарманда бўлдимки, бир азиз эрди. Охир ўзимни онга таслим этдим, то ҳар нечук тасарруф этмак хоҳласа қилсун. Ул бу маъно била ҳозир бўлуб, яна тасарруф мақомига келди. Бовужуди муниг била ҳам ҳеч иш эта билмади. Шарм этдимки, зиёда уялур. Шул замон турдим ва ташқори чиқти(м).

### *Мавлоно Ҳусомуддин Пурсо Балхий (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Алоуддин Атторнинг халифаларидин турур. Мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожаи Бузруг қаддасаллоҳу таъоло сиррахунинг шарафи қабул ва суҳбатлариға мушарраф бўлгон эрконлар. Лекин Ҳазрати Хожанинг тарбиятини Хожа Алоуддин қуддиса сиррухунинг хизматлариға ҳавола эттилар. Ва ул Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг мулозаматларида даражаи камол ва тақмилга етушдилар. Камоли вараъ ва тақво била ва шариат одобининг риояси била мутаҳаққиқ эрдилар ва ўз аҳволу авқотининг муҳофазатида эҳтимоми тамоми бор эрди. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, вақтиким Ҳирийдин Мавлоно Йаъқуб Чархий алайҳир раҳманинг хизматлариға борурни ниййат этиб равон бўлдум. Балхда Мавлоно Ҳусомуддин Пурсоға мулоқот қилдим. Кўб хоҳладиларким, тариқаи Хожагонни баён этсалар ва ман олардин тариқа қабул этсам. Вақтиким, Мавлоно Йаъқуб алайҳир раҳманинг мулозаматлариға ниййатим бор эрди, қабул этмадим. Кўб муболаға эттилар. Хотирим чекмади. Охир ойтдиларким, манга ул миқдор мажол берингим, бу тариқи хос, яъни тариқи робитани баён этайинким, шоядким вақтида сизнинг хотирингиз хоҳласа баъзини бу тариқ била тарбиййат этсангиз ва эҳтимоле борким, одамлар сиздин бу тариқни хоҳласалар. Боре, сизнинг наздингизда маълум бўлсун. Ондин сўнг бу тариқни баён эттилар ва ойтдилар: «Кўб одамларға истеллод бергучидурким, бу нисбатда андак вақтда ул миқдор жамъиййат этсангиз бўлурким, бу нисбатнинг гайри била кўб вақтларда ҳосил бўлмас. Ва бу тариқни сиз га билмак муҳим бўлур». Иттифоқо, вақтиким Тошканд бордим, жамъе пайдо бўлдилар ва мандин бу тариқи хосни истидъо этдилар. Маълум бўлдимки, хизмати Мавлоно Ҳусомуддин ҳама бу муболағаларни ул маъно жиҳатидин ойтиб эрдилар.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтдиларким, Мавлоно Ҳусомуддиннинг авқоти Шайх Баҳоуддин Умарнинг авқотидин, балким Шайх Зайнуддин ҳавофийнинг авқотидин бовужуди аврод ва азкорларининг кўблиги била мазбутроқ эрди. Ва авқотларини ва аҳволларини муҳофазат ва риюя этмакда камоли саъй ва эҳтимомлари бор эрди. Эртадин то намози дигаргача, вақти қайлуладин бошқа тажвиз этуб эрдиларким, одамлар мулозаматларида бўлсалар ва намози дигардин сўнг то сабоҳгача ёнларида бўлмас эрди. Авқотлари бағоят мазбуг ва маҳфуз эрди. Намози таҳажжуд ва намози ишроқ ва намози чошт ва сойир сунанларни лозим тутуб эрдилар. Бу ибодатлар ва жамъе одоби шариат жамъийяти хотир била оларга ҳосил эрди. Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким, хизмати Мавлоно Ҳусомуддин ойтур эрдилар: «Ҳар неча жамъийяти хотир бўлса, лекин таом еган вақтда «бисмиллоҳ» айтмоқ мунофий эрмастур, керакким, тарк бўлмасун».

Ҳазрати Эшондин эшитулдиким, ойтдилар, хизмати Мавлоно Ҳусомуддин Балхийдин сўрадимким, ниҳояти корда Хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқларида нечук зикрга буюрурлар? Олор ойтдиларким: «Бу мақомда зикр ойтмоқ рафъи даражот учундир».

*Мавлоно Абу Саъид*  
(*раҳматуллоҳи алайҳ*)

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қаддасаллоҳу руҳаҳунинг кибор асҳобларидин эрди. Ва Ҳазрати Хожанинг нақлларидин сўнг Хожа Ҳасаннинг суҳбатлари ва хизматларида эрди. Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, Ҳазрати Саййид Қосим Табризийнинг назарлари ҳамишга мабдаъда эрди ва тавҳиднинг маъноси оларга голиб эрди. Ҳар нимарсаким бу оламнинг ҳаводис ва аворизидин пайдо бўлур эрди. Ҳазрати Саййид ўзларини бано бар машраби тавҳид ва онга мусаллам тутиб кўяр эрдилар ва онинг муқтазосиға муомала этур эрдилар ва тақриб била бу сўзни ойтдиларким, ул фурсатдаким, Хожа Ҳасан Аттор Хуросонга келиб эрдилар. Хиротда Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг деҳалариға бордилар ва оларга мулозамат эттилар. Ва хизмати Мавлоно Абу Саъид ҳам Хожа Ҳасаннинг мулозаматларида эрқон. Вақтиким Ҳазрати Саййиднинг суҳбатларида ўлтурдилар, хизмати Абу Саъиднинг хотирлариға тушдиким, Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг ботинларида тасарруфе этсалар Ва ул мақомда бўлуб ва

ҳимматларини жамъ этиб мутаважжиҳ бўлдилар. Ҳазрати Саййид воқиф бўлдиларким, хизмати Мавлоно Абу Саъидға тасарруф этмак доъбияси бўлуб турур. Ул важҳдинким, аҳли тавҳиднинг машраби ва сайъи бўлур. Ўзларини хизмати Мавлоно Абу Саъидға таслим этдилар ва онинг тасарруфиға тан бердилар, то хизмати Мавлоно тасарруфи тамом этдилар. Баҳастиким, Ҳазрати Саййидға зуҳул воқеъ бўлди ва кўб соат ўзидин машғул бўлмоқлик ва ул мужмалда қуллиййага қочмоқ, то ул нафй бўлсун ва агар нафй бўлмаса, ул шахснинг суратиға илтижо этмак ва они бир лаҳза сақламоқ, то яна ул нисбат пайдо бўлсун. Ул вақт ул суратнинг ўзи нафй бўлур. Аммо, керакким, шахси мутаважжиҳ они нафй этмасун. Ва агар ондогким, ул сурат била васваса нафй бўлмаса, неча навбат «Ё Фаъъл» исмиға маъно юзидин кўнгулда машғул бўлсунким, албатта дафъ бўлур. Ва агар муниг била ҳам дафъ бўлмаса, кўнгулда неча мартаба «Ло илоҳа иллаллоҳу»да тааммул этсун. Бу тариқа билаким, «Ло мавжуда иллаллоҳ» тасаввур қилсун ва ул васвасаким, онинг мушавваши турур. Ҳар навъдинким бўлса, вақтиким мавжуде турур мавжудот зеҳнидин батаҳқиқ они Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға қойим кўрсун, балким айн билсун. Онинг учунким, ботин ҳам Ҳақ субҳонаҳунинг баъзи зуҳуриятидин турур. Ва шак йўқ турурким, бу тааммул била завқе пайдо бўлур ва азизларнинг нисбати қувват олур. Ва ул замон ул фикрни нафй этсун ва беҳудликнинг ҳақиқатиға мутаважжиҳ бўлсун. Ва онинг изидин юрсун. Ва агар онинг билаким, зикри «Ло илоҳа иллаллоҳ»ни кўнгулда ойтиб ҳузуре топмаса, жаҳр била навбат этсун ва лафзуллоҳға мад берсун. Ва дил била ичкори элтсун ва ул миқдор машғул бўлсунким, кўб малул бўлмасун. Вақтиким, кўрсаким малул бўлғудек бўлур, тарк этсун ва билсунким, модомиким, ғайбату беҳудлик ва азизларнинг нисбати тараққийда бўлса, ҳақойиқи ашйода фикр этмак ва жузъийотиға мутаважжиҳ бўлмоқ айни куфр турур. Мисраъ:

*Бо худий куфр, беҳуди дин аст*  
(Ўзни кўриш куфрлик,  
ўзни кўрмаслик диндир).

Балким, бу дамда Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг асмолари ва сифотларида ҳам фикр этмаслик керакдур. Ва агар ул ҳам фикрга келса, они нафй этмак керак. Ул тариқалар билаким, ойтулди, агар бир киши десаким, бу суратда нафий Ҳақ лозим келур.

Жавобида ойтурмизким, Ҳақни Ҳақ учун нафй этса бўлур. Ондоғким, Ҳазрати Хожаи Бузруг қуддиса сирруҳу ойтдилар: «Ва агар ул фикр сарфи Ҳақ бўлса, керакким, ҳар неча нафй этсанг ҳам зиёда бўлур. Онинг учунким, Ҳақ кишининг нафй этмаги била манфий бўлмас ва илло зойил бўлур».

Ва яна ҳам бу тойифа руҳониятларининг мағлаби нестликка таважжуҳ этмак турурким ва адоий ҳайратнинг сарҳади турур ва зотнинг анворлари тажаллисининг мақоми. Ва ул мақомда вужуд қолмас ва асмо ва сифотда фикр этмак, шак йўқтурким, бу мартабадин паст турур керакким, бозорда ва гўфтугўйда ва ақлу шурб ва ҳаммаи ҳолатда ўзининг ул ҳақиқат жомеъасини ўзига насбулайин этсун ва они ҳозир билсун ва тасаввури жуъзий била ўз Ҳазрати жомеъасидин гофил бўлмасун. Балким, ҳаммаи ашйони онга қойим билсин ва савье этсунким, они ҳаммаи мустаҳсанотда ва мустафбаҳотда мушоҳада қилсун, то жойиға етишурким, ўзини ҳамма нимарсада кўрар ва ҳаммаи ашйони ўзининг жамоли бо камолиға ойина билур. Балким ҳамма нимарсани ўзининг ажзоси топарким, мисраъ:

*Жузъи дарвиш ист жумла неку бад,  
(Яхши ва ёмоннинг барчаси  
дарвишнинг қимматидир.)*

Ва сўзламак ҳолатидаким, керакдурким, бу мушоҳададин гофил бўлмасун, балким, онинг кўнли кўзининг гўшаси ул тарафда бўлсун. Агар чандиким, ул зоҳирда бошқа нимарсаларға ҳам машғул бўлса, ондоғким ойтиб турурлар. Байт:

*Аз дарун шав ошиноу ва-з берун бегонашав,  
К-он чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.  
(Ичдан Ҳаққа ошино бўл,*

*ташдан эса бегона бўлиб кўрин,  
Бундай зеболик йўл жаҳонда жуда кам топилур.)*

Ва ҳар неча сумт кўброқ бўлса, бу нисбат қавийроқ бўлур. Вақтиким, мартабаға етушсаким, дил била тилнинг орасида тафриқа эта билса ва халқ онга Ҳақдин ҳижоб бўлмаса ва Ҳақ халқдин ҳижоб ойлонмаса, ул замон эта билурким, сифати жазба била бошқаларда тасарруф қилса ва иршодға ижозат бермак ва халқни Ҳаққа даъват этмак ул кишига мусаллам бўлурким, бу мартабаға етушган бўлса ва керакдурким, ўзини ғазаб юритмоқ-

## **ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ**

---

дин сақласунким, ғазаб юрутмак ботиннинг зарфини маънонинг нуридин таҳий ва холий қилур. Ва агар ғазабе воқеъ бўлса ва ё қусуре даст берсаким, кудурати қавий торий бўлса ва нисбатнинг сариштаси йўқ бўлса ё заъиф бўлса гусл этсун. Агар мизожининг қуввати вафо қилса, совуқ сувғаким, кўб сафо берур ва илло иссиғ сув била гусл этсун ва покиза жома кийсун ва холий жойда икки ракаъат намоз ўқусун ва неча мартаба қувват била нафас тортсун ва ўзини холий қилсун. Ва ондин сўнг шул тариқа мутаважжих бўлсун. Ва зоҳирда ҳам ўзининг Ҳазрати жомеъасининг наздида тазарруъ қилсун ва онга бил-куллия таважжуҳ қилсун ва билсунким, бу ҳақиқати жомеъа Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг мажмуъи зоти ва сифотининг мазҳари турур. Ва Ҳақ субҳонаҳу онда ҳулул этмакдин муназзаҳ турур. Балким, ойнадағи сувратнинг манзаласида турур. Бас, бу тазарруъ ҳақиқатда Ҳақ субҳонаҳунинг наздида бўлур.

### ***Шайх Умар Мотуридий (раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг асҳобларидин турур. Ва олонинг хизматида қабули тамом топғон эркан. Ва Ҳазрати Эшон они кўруб эрдилар ва ондин нақл этор эрдиларким. Шайх Умар ойтур эрдилар: «Ироқ машойихлари Хуросон машойихининг ёнларига юбориб турурларким, бизларга аҳвол ва мавсждлар бор турур, ул маънолардин бу алфозлар била таъбир этдук. Сизлар бу бобда не сўз дерсизлар? Ва неча лафзларниким, аҳли мужоҳада ва мукошафанинг истилоҳи турур, ёзиб юбордилар. Ва машойихи Хуросон бу суратни машойихи Мовароуннаҳрга арз эттилар. Ва олар турк машойихидин сўрадилар. Машойихи турк ойтдиларким, бизлар бу нимарсаларни билмасмиз. Бизларнинг жавобимиз бу турурким, борча яхши биз ёмон, борча бугдой биз сомон, яъни ҳамма яхши турурлар, биз ёмонмиз ва ҳамма бугдой турурлар, биз сомон турурмиз. Яъни, бу тариқа асли кор ўз нуқсонини кўрмак ва нафий вужуд этмак турур.

### ***Мавлоно Аҳмади Маска (раҳматуллоҳи таъоло)***

Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиси сирруҳунинг асҳоблари жумласидин турур. Ва олонинг остоналарининг мулозимлари ва ходимларидин турур. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Бир кун Мавло-

но Аҳмади Маска мабодийи аҳволда Ҳазрати Хожадан ижозат талаб эттиларким, қариндошларимни кўрмакка Бадахшон борурман. Ва Бадахшондин мурожаат этгондин сўнг жойега келиб турурким, саҳронишинларнинг қизларидин бир тойифа сув олиб кетмакка келган эрканлар. Мавлоно Аҳмадга олорни кўрмакка дағдағаси бўлуб турур ва ул дағдага онга голиб бўлуб ва они беқарор қилиб турур. Хотириға келтуруб турурким, бир мартаба назар қилайин ва ўзимни бу ташвишдин халос этайин. Илгари бориб бир лаҳза олорни тамошо қилиб ўтуб кетгубдурлар. Вақтиким, Ҳазрати Хожанинг суҳбатлариға мушарраф бўлуб эрдилар, иттифоқо улуг мажмаъе ва олий мажлис эрди, Ҳазрати Хожа бу мажмаъининг орасидин Мавлоно Аҳмадга мутаважжиҳ бўлуб ойтдиларким, Хожакон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқларида муҳосаба бўлур. Ва ул замондинким, бизнинг ёнимиздин кетдингиз ва яна келдингиз улчаким, бу муддатида сизнинг бошингиздин ўтуб турур ҳаммасини бар сабили ижмол баён этинг?

Мавлоно Аҳмад мақоми тақрирда бўлдилар ва хийле ойтдилар. Вақтиким, қизларнинг наззораси қиссасига егушдилар, они айта билмадилар. Ҳазрати Хожа ойтдиларким, бир нимарса қолдиким, ойтмадингиз, албатта, ойтмоқ керакдур ва чора йўқтур. Ва агар сиз ойтмасангиз биз ойтурмиз ва сизни расво қилурмиз.

Мавлоно Аҳмад бағоят музтариб бўлди ва ул сирнинг ифшо-сидин ўзга чора кўрмади. Охирул-амр ҳар на тамомроқ хижолат била тақрири воқеъа этти ва Ҳазрати Хожа Мавлоно Аҳмаддин юзларини қайтариб ойтдилар: «Карамрав йигитни кўрунглар». Мавлоно Аҳмад ойтур эрдиларким, ман ул мажлисда даҳшат ва хижолатдин ондоғ бўлдумким, манинг ҳастилимиздин асаре қолмади ва гўё манинг вужудим эриди ва бил-куллия ўздин холий бўлдим.

### *Дарвиш Аҳмад Самарқандий (раҳматуллоҳи таъоло)*

Онинг куняти Абул-Майомин турур ва лақаби Жамолиддин ва одлари Аҳмад ибни Жалолиддин Муҳаммад Самарқандий турур. Агар чандеким, Дарвиш Аҳмад зоҳир юзидин Шайх Зайнуддин ҳавофийнинг муриди турур. Ва Ҳазрати Шайх онинг учун ижозатнома ёздилар ва охири ижозатномада ўзларининг муборак одларини ва тарихи китобатни шундоғ ёзибдурларким, «Кутиба ҳазихил-аҳрафи-абдил-фақир ила карамил-вофий Зайнул-ҳавофий, саббатаҳуллоҳу ала қавонийни аҳлит-тариқати ва авсалаҳу ила зир-

ватил-мақомотил-куммали мин арбобил-ҳақиқати тазкиротан лил-валадил-ъизз ус-саййор Аҳмад Самарқандий фатаҳаллоҳу алайҳи абвабал-ҳақойиқи ва аррафаҳул-мутамаййизи байнад-даражоти ва дақойиқи фи ражаб сана ихда ва ишрин ва саманимати фи баъзи навоҳий Ҳирот зуйнта ʻанилофот», яъни: «Китобат этти бу ҳарфларни бандаи фақир ва муҳтож карами вофийғаким, ул Зайн(уддин) ҳавофий турур, собит этсун они Аллоҳ таъоло аҳли тариқатнинг қонун ва қоидаларида ва восил қилсун они комилларнинг мақомоти баландиғаким, ул комиллар арбоби ҳаққиқатдин эрдилар ва ул ҳарфларнинг китобати тазкира эрди. Фарзанди азиз, саййор Аҳмад Самарқандий учун фатҳ этсун Аллоҳ таъоло Аҳмад Самарқандийга ҳақойиқнинг эшикларини, билдурсун онга даражот била дақойиқ орасида имтиёз бермакни. Ва ул тазкирани битилди ражаб ойида сана саккиз юз йигирма бирда (1518) Ҳирот вилоятининг баъзи навоҳисидаким, маҳфуз ва мавсун тутсун Аллоҳ таъоло ул вилоятни жамиъи офатдин».

Аммо ҳақиқат юзидин аҳли тавҳид вужуднинг машраби онга голиб эрди. Хожағони силсилаи Нақшбандийа қалдасаллоҳу арвоҳаҳум хонадонлариға тавалло кўргузди. Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз сафаридин аввал Мовароуннаҳрда Ҳазрати Хожа Алоуддин Агтор қуддиса сирруҳунинг суҳбатлариға кўб келур эрди. Ва олоннинг мажлиси шарифлари баракотидин ҳаззи тамом била муҳаттаний бўлуб эрдилар. Муфаррақоти суварӣ ва муҳожароти зарурийдин сўнг ҳамишга олоннинг хизмату суҳбати шарифларининг фавтиға изҳори ҳасрат ва надомат қилур эрди. Ондоғким, мурасалот ва мукотаботларидаким, олон учун ёзиб эрдилар, бу мазмун возиҳу лойиқ турур. Ва ул мукотабларнинг жумласидин турур ва мактубким, Дарвиш Аҳмаднинг хатги муборақларидин истишҳо ваҳжиятидин нақл этилди. Ва ул мактуб бу турур: «Хувал-жомиъ изад субҳонаҳу ва таъоло машриқийони ва мағрибиёни кайтиро баиззи жабҳаи фарро ва талаълуъи муасаффойи он нуридийдаи мардуми оламки, мардуми дийдаи ҳавоси бани Одамаст...»

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Шайх Зайнуддин ҳавофий алайҳир раҳма мабодийи ҳолда Дарвиш Аҳмад Самарқандий(га) эҳтимоми тамомлари бор эрди. Ва хотирларини онинг ишининг тазвижиға қўйуб эрдилар ва они Ҳиротнинг масжиди

---

1. Араб тилидаги бу мактуб ҳажм жиҳатидан катта ва илмий қиммати кам бўлгани сабабли қисқартирилди.

жомеиънинг мақсурасида воизлиқга насб этиб эрдилар ва ҳафта ва ўн кунга қариб шаҳарда таваққуф қилиб, онинг мажлисида ҳозир бўлур эрдилар. Ва аҳли шаҳарни онинг ваъзига тарғиб этиб ва онинг мажлисининг жамъиятида эҳтимоли балиғ кўргузур эрдилар ва одамларни амр этар эрдиларким, онинг қўлида байъат этунглар.

Неча вақтлардин сўнг Дарвиш Аҳмаддин кўб ранжида бўлдилар ва они ҳукм бакуфр эттилар ва одамларни мажлисидин танғири танғир эттилар ва кўб манъ қилдилар. Ва хотирларини ондин тамом олдилар ва хизмати Шайхнинг сабаби ранжишлари ул эрдиким, Дарвиш Аҳмад минбарнинг устида Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сиррухунинг абётларидин кўб ўқур эрдилар. Ва охир мажлисда ҳам буюрур эрдилар, то ўқуғучилар Ҳазрати Саййиднинг ашъорларинн ўқур эрдилар. Ва хизмати Шайх они ҳар неча ондин манъ эттилар, мутақоид бўлмади ва озор бу жиҳатдин Дарвиш Аҳмаддин кўб ранжида хотир бўлуб эрдилар. Ва иш жойега етушдиким, Дарвишнинг Мажлис ваъзида етти-саккиз кишидин зиёда қолмади.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Шайхнинг бу ранжиши хотири ва газаби ондин сўнг бўлубтурким, ман Ҳирийдин Ҳисор ва Ҳалғату тарафига Ҳазрати Мавлоно Йаъқуб Чархийнинг мулозаматлариға кетиб эрдим ва ул сафарда уч ой қолдим. Вақтиким яна Ҳирийға келдим. Дарвиш Аҳмаднинг сурати ҳоли ва хизмати Шайхнинг газаби ва онинг ваъзининг кайфиййати бу тариқа воқеъ бўлуб эрди. Манинг хотирим кўб малул бўлди ва ул вақтда манга Дарвиш Аҳмадга улча қатғиқ ошнолиқ йўқ эрди. Бир кун дарвозаи Маликдин шаҳарга келур эрдим, Дарвиш куфрукнинг устида юруб, манинг ёнимға келиб, ўзини отдин ташлади ва ойтди: «Сизнинг суҳбатингизни ниййат этиб манзилмдин чиқиб эрдим ва хоҳларманким, сизнинг ҳужрангизға борсам ва дарди дилим бор турур, они арза дошт этсам». Ва ул маҳалда ҳужранинг калидини Мавлоно Саъдудин Кошғарий сақлаб эрдилар. Ўзумға ойтдим: «Бўлғойким, Хизмати Мавлоно ёнимизға келсалар». Бас, Дарвиш Аҳмаднинг иттифоқи била ўз ҳужрамизнинг тарафига-ким, мадрасаи Фиёсиййада турур, равон бўлдуқ ва ул отини ўз манзилиға йиборди. Ва йўлда Хизмати Мавлоно Саъдудин олдимиздин чиқдилар. Ҳаммамиз бирга ҳужраға келдук. Вақтиким, ўлтурдук, сўзламасдан аввал Дарвиш Аҳмад йиғламоқ ороз этти. Ондин сўнг изҳори малолат ва шикоят этти. Ва қиссани ҳаммасини батамом ойттиким, манга ондоғ-мундоғ ийзо етурдилар ва ма-

нинг мажлису ваъзимда ҳеч киши қолмади. Ва сўз аросида ҳам кўб йиғлади. Бас, ойтди: «Ўз ишимизда ҳайрон эрдим, азизе манга шумдоғ дедиким, агар санинг ишинга кушойиш бўлса, фалон кишидин кушойиш бўлур. Бу амри хотир бошқа кишининг қўлидин келмас. Ва ул азиз мани сизга ҳавола этти. Эмди ман ниёзнинг қўлини сизнинг иноятингиз доманига урурман».

Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Дарвиш Аҳмаднинг қиссасининг истимоъидин ва онинг тазарруи ва йиғламоқидин ботинимда алами азим ихсос этдим ва манинг онга кўнглум ёнди. Кўрдиларким, хотирим беихтиёр Дарвиш Аҳмаднинг тарафига мутаважжиҳ бўлди ва билфеъл машғул ойлонди. Ойтдим: «Зарари йўқтурур, сиз фалон масжидга ҳозир бўлунг ва ваъз ойтинг. Манинг хотирим онга бордиким, албатта, сизнинг мажлисингизда жамъийат ва касрат кўбдун-кўб бўлур». Дарвиш Аҳмад хушдил бўлуб турди ва ул масжидгаким, ишорат бўлуб эрди, ваъз ойтмоқга оғоз этти. Неча кундин сўнг одамлар бамартабаи гулув эттиларким, ул ердин васийроқ масжидга бормоқ керак бўлди. Уч-тўрт масжидга бу жиҳатдин борилди. Ондин сўнг ижтимоъ ва ғавғо мартабага етушдиким, масжиди жомеъга бормоқ керак бўлди ва масжиди жомеъда ҳам халқнинг ҳужуми ва издиҳоми бар ваҷҳе бўлдиким, ҳар мажлисда Дарвиш Аҳмад неча навбат ойттиким, Тангри ёрлиқосунким, яқинроқ ўлтурунг. Одамлар ҳар неча яқинроқ ўлтурур эрдилар, Дарвиш Аҳмаднинг овози мажлиснинг канорасига етмас эрди. Бу ғавғо ва издиҳомнинг хабари хизмати Шайх Зайнуддин ҳавофийнинг самъиға етушди, ҳар неча муқобалада саъе эттилар, ҳеч иш бўлмади. Ва Дарвишнинг мажлисининг ҳужуми ва касрати кўброқ бўлди. Одамларнинг орасида шуҳрат топдиким, жавони Туркистоний Шайх Зайнуддин ҳавофийға муъораза этиб, ишини онинг қўлидин олди. Ондин сўнг шаҳри Ҳиротда ангушнамои бўлдук. Хизмати Шайхнинг муридлари бизларни Ҳирийда кўрсалар, бир-бирларига ойтур эрдиларким, Дарвиш Аҳмадга олор мадад эттилар. Ва онинг мажлисиға ривож бердилар.

Ойтур эрдиларким, йигитликда аввал муоразаким, этим Шайх Зайнуддинға нисбат этдим ва ишни онинг қўлидин олдим.

Ва ойтур эрдиларким, ёшлиқдин то альён манинг тариқим бу ваҷҳда тушубдуким, ҳеч киши ситиза ва иноят била манга голиб келган эрматур. Ҳар киши манга ситиза этса, онинг иши ўнг бўлмади.

Ва ойтур эрдиларким, Мирзо Абу Саъид ойтди, туш кўрдим, авлиёуллоҳдин жамъе менга ойтдиларким, Хожа Убайдуллоҳ он-

доқ кўб қувватлигдурким, онга ситиза ва иноят бўлмас. Ва ҳар тарафдаким, ул бўлса ва ҳар нимарсани онинг хотири хоҳласа, ул бўлур.

Ва ойтдиларким, рост кўруб турур. Ёшлиқимдин то алҳол билурманким, ҳар киши манга ситиза қилса мағлуб бўлди. Ва онинг иши илгори бормади. Ва Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқнинг мулозимлари ва ходимлариға ситиза этмакка кишининг мажоли йўқтур. Албатта, олоғ ғолиб турурлар.

Ва Ҳазрати Эшон Дарвиш Аҳмаднинг ваъзига кўб муътақид эрдилар. Ойтур эрдиларким, манинг хотирим онинг ваъзига кўб мойил эрди. Яхши сўзлар ойтур эрди ва онинг Мажлис ваъзида Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод ва Шайх Абу Усмон Ҳирий бўлмоқлари керак эрди. Ва гоҳи ойтур эрдилар, керак эрдиким, онинг мажлисида шайх Абул Қосим Жунайд ва Шайх Абу Бакр Шиблий ҳозир бўлса эрдилар, то онинг ҳақойиқи рафиъаларини эшитур эрдилар. Бир кун мажлис ваъзида баланду дақиқ сўзлар ойтур эрди. Шундоғ фаҳм эттиким, мажлисининг баъзи мункарлари ойтурларким, нечун шундоғ сўзларни ойтурким, киши фаҳм этмас. Дарҳол сўз оғоз этти ва дедиким, мундинким сан паст бўлсанг ва бу тойифанинги баланд сўзларини фаҳм этмас эрсанг. Не деяридин маълум бўлдиким, мажлисининг ҳама ҳозирлари шундоғ турур. Шоядким, бу мажлисда одамларе бўлсаларким, бу сўзлар оларға нисбат ойтилур ва ҳаммани ўзининг мислидек паст ва бефаҳм кўрмаслик керакдур. Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, Дарвиш Аҳмаднинг минбарнинг устида бағоят баланд сўзлар ойтур эрди. Тоъинлар ва низомийлар онга таън ва инкор тилини узотдилар. Ва олонинг тарафидин муътақидларнинг жавоби ул эрдиким, бу сўзлар ондин беихтиёр келур эрди. Ва мажлис аҳлининг баъзиларининг истеъдоди андозасида ойтила турур. Ва онга анда ихтиёр ва гуноҳ йўқтур.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, бир кун онинг мажлисида ҳозир бўлдим. Ондин ғоят баландликда ва латофатда сўзлар зоҳир бўлди. Ва ул сўзларга ул тафоҳур қилди. Ва они ўз истеъдодидин тоши бўлғон билди. Ва аҳли мажлисга кўб миннат кўйди ва ойтди: «Ман ул кишидурманким, манинг васотатим била ҳақойиқи гайбийя ва маъорифи ҳақиқийя сизларнинг қулоқларингизни қаръ этар ва сизлар онинг қадрини билмассизлар ва онинг шукрининг уҳдасидин чиқа билмассизлар». Ва мазмунни такрор этти ва миннат кўймоқни ҳаддин ўткорди. Ва ул бобда муболага ниҳоятига етурди. Манга кўб ноҳуш келди. Ойтдим:

«Не ердин турурким, бу сўз санинг ҳақиқатингдан ноший бўлуб турур? Нечун онга ҳамл этмассенким, шояд бу мажлисда баъзилар бўлсаларким, оларнинг истеъдоди бу маъноларни мабадаъ Файйоздин жазб этурлар. Агар аҳли мажлиснинг истеъдодлари ва қобилиятлари бўлмаса, сан ҳеч нимарса айта билмассен». Яқоси гирд кўртам бор эрди. Бошимни онинг жайбиға торгдим ва бармоқимни қулоқимға тикдим ва нафасимни ҳабс этдим ва ойтдим:

«Ман санинг сўзингни эшитмасман. Кўрайинким, маъориф на тариқа ойтурсан». Дарҳол ҳаср бўлди ва сўзининг йўли онга боғланди, ҳар неча саъе эттиким, сўзлағой, муяссар бўлмади. Билдиким, бу ҳаср на ердин турур, минбарнинг устида оғоз эттиким, бир фақирға сўзининг йўлини боғламоқ ва мустамиъларни махрум этмакнинг на маъноси бор турур? Охир чора топмади. Минбардин ошоқ тушди ва ман ўзумни одамларнинг орасида онинг назари-дин пинҳон этдим.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтурларким, Дарвиш Аҳмад кўб далир эрди ваъзинда. Ойтур эрдиким, донишманде ва олиме таъжил била намоз ўқур. Имом салом бергунча таҳаммул эта билмас. Изтироби тамом била масжиддин ташқори чиқор ва суф жомолар кияр. Алибек ва Ферузшоҳнинг уйининг эшигига борур итлар каби. Яна ойтди: «Астағфируллоҳ астағфиру, агар Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло фардойи қиёмат сўрасаким, ойтким ондин ҳаргиз исён ва нофармонлиқ вужудга келгон эрмас, нофармонлиқ этгон жамоъаға онинг одини нечун итлоқ этдинг деса, не дерман. Балким итларининг итининг чибани Алибек ва Ферузшоҳдекким, сабъийят ва даррандалик қуввати бор турур, бу жамоъатға бу қувват йўқтурур, улчаким озор сабъийят била топиб турурлар ва ҳаромеким жамъ этибдурлар, ул нимарсаға жамъ бўлуб турурлар».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар, бир кун Дарвиш Аҳмад ваъзида ойтдиким, мундин сўнг неча вақтлар ваъз ойтмасман. Онинг учунким, доимо ваъз айтмоқни икки тариқа киши эта билур. Бирин улким, шариятға тобеъ бўлгон сабабли бетамом ўзлигидин ўтгон бўлса ва нафснинг доъбиялари асарларидин онда ҳеч нимарса қолгон бўлмаса. Раъунат ва ҳаззи нафс ва жалби нафъ боис бўлмаса. Ва боиси маҳзи ҳаққонийят ва одамларға шафқат этмак бўлса. Иккиланчи, ул кишиким онга охиратға ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға иши бўлмаса ва ул оламнинг сабабини омода этмак фикри бўлмаса. Балким, онинг юзи ҳамишга халқда бўлса ва ҳузузи ожилани иштиёқ этмак ва раъунат ва ҳаззи нафс боиси бўлса. Ман аввалғи қисмдин эрмасман. Нечунким, бақоя ва нафснинг асарла-

ри манда кўб турур ва муътариф турурманким, манинг табиъий хостларим батамом рафъ бўлгон йўқ турур. Ва иккиланчи қисмдин ҳам эрмасман. Онинг учунким, умури ухравийнинг мулоҳазаси ва ул оламнинг сабабларини омода этмакнинг гами манда кўб турур. Бас, неча кун ваъз ойтдим, яна неча кун ойтмасман.

*Раиҳа.* Дарвиш Аҳмад алайҳир раҳманинг хатти муборақлари била кўрулубдурким, бир мажмуъада ёзиб турурларким «Кунту фил-қудси мутаважжиҳан ила Ҳазратил-қуддиси. Самийту минҳу жалла зикруҳу яқулу ҳаннис ли! Култу кайфа атаҳаннасу ё Рабб? Қола жалла ва ʼало бахилу сиррака ан ғойрр вал-таважжуҳи бил-куллийа илайя. Ва самийту фи Дарвишобод фил-яқазии қоилан руҳонийан бил-каломин руҳанайин яқулу ин худ ки кўйи ман зоти шарифам нест, яъни, бор эрдим ман қудси халилир-раҳмонда бу ҳолдаким, таважжуҳ этгучи эрдим Ҳазрати қуддусға, эшитдим ондин жалла таҳҳараҳу ойтур: «Ибодат қил манга!» Ойтдим: «Ман на тариқа ибодат қилурман эй, Раббим?» Ойтди жалла ва таъоло: «Ғайридин сиррингни холи этмак била ва манинг тарафимға билкуллийа мутаважжиҳ бўлмоқ била». Ва эшитдим Дарвишобод мавзъида уйғоқлик ҳолимда руҳоний сузлағувчи руҳоний сўз била, ойтур: «Бу нимарсагаким, ойтурсан ман зоти шариф турурман. Ондоқ эрмастур». Бу иборатдин ул нимарсани фаҳм этулдиким, яъни ондоғким баъзи ойтурларким, вужуди муфийд вужуди мутлақнинг айни турур, яъни вужуди махлуқ айни вужуди холиқ турур, ондоғ эрмастур. Таъолалилоҳу ан золика улувван кабийро. Алҳамдулиллоҳким, мушоҳада била маълум бўлди, вужуди холиқ муназзаҳ турур ондинким, айни вужуди мавжудот бўлса ва шул кунда зикрнинг ҳалқасидин сўнг мушоҳада этулдиким, бир нур турур мунбасит бўлгон жамиъ коинотда ва мажмуъи коинот бу нурнинг партавида зарра янглиғ турур. Бу воқеанинг илмий маъноси ул турурким, ондоғким зарра нуришгамсдин вужуд ва наму топиб турур ва онинг била зоҳир бўлуб турур, баайни мажмуъи мавжудотнинг нисбати шамс ҳақиқатиға шундоғ турур бу ваҳҳдинким, шамс ҳақиқатининг нури била зоҳир бўлуб-турурлар. Ва онга қойим турурлар ва бу фақирға уруже ва тажриде каромат эттилар. Ва ул уруж зоти Ҳақ субҳонаҳу ва таъолода эрди ва ул тажрид ва меърожда Ҳақ субҳонаҳу зоти била бу фақирнинг зоти орасида фарқ ул эрдиким, зоти Ҳақға ниҳоят йўқ эрди. Бу фақирнинг зоти мутаноҳий эрди. «Золика фазлуллоҳи юътийҳи ман яшоъ. Валлоҳу зул-фазлил-азим» бу мақомдин хабар бериб турур. Ул Бузруг ўзининг мушоҳадасидаким ойтиб турур бас, бай-

ни ва байнаҳу фарқун илло инний тақаддамту бил-убуди, яъни йўқ турур манинг била Парвардигорим орасида ҳеч фарқе, магар буюким ман тақаддум этдим бандалик била.

Ва шайхул-ислом Абдуллоҳ Ансорий қуддиса сирруҳуни уйқуда кўрилди. Ойтдилар: «Манинг била санинг орамизда оталиқ ва фарзандлик бор. Ондоғким, ўртада манлик ва санлиқ йўқ турур».

### *Саййид Шариф Журжоний (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳу манзурлари ва мақбуллари жумласидин эрдилар. Ҳазрати Махдум (Жомий) қуддиса сирруҳу «Китоби Нафаҳот»ларинда келтириб турурларким, бу фақир баъзи азизлардин эшитибдурким, қудвату уламоил-муҳаққақин ва усвату кубароил-мудаққиқин, соҳиби тасоний-фил ал-фойиқа ват-таҳ-қиқотир-ройиқа ас-Саййид аш-Шариф ал-Журжоний раҳматуллоҳи таъоло Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳунинг асҳоблари силкида мунхарит бўлмоқ тавфиқин топиб эрдилар. Ва олонинг ходимлари ва мулозимлариға ихлоси тамом ва ниёзлари бор эрди. Борҳо ойтур эрдиларким, то ман Шайх Зайнууддин Али Калоннинг суҳбатлариғаким, машойихи Шероздин турурлар, етушмадим, рафздан қутулмодим ва то Ҳазрати Хожа Алоуддин Атторнинг суҳбатлариға бормадим, Худойи (таъоло)ни тонимадим.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким, манинг дойим Хожа Иброҳим алайҳир раҳма ойтур эрдиларким: «Икки Темурнинг мадрасасида бўлур эрдим. Ҳазрати Саййид Шариф ҳам ул жойда бўлур эрдилар. Совуқ қишда вақти саҳар пиёда, кафш била Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруҳунинг мулозаматлариға соҳиби «Ҳидоя»нинг авлоди мадрасасиға келур эрдилар. Мани ҳам ҳамроҳ келтурур эрдилар. Кўб ўлтурдуқ, то фурсатеғаким, кирмаклик ижозати бўлур эрди. Ва Ҳазрати Хожанинг мулозимлари саҳарларда такаллуф бирла таъомлар таййор этар эрдилар. Мисли биринч ва товуқ гўшти ва бошқа такаллуфлардин ҳам баъзисини қилур эрдилар. Ва Мавлоно Баҳоуддин Андижонийким, уламои муттақийлардин эрди, гоҳи ул мажлисда ҳозир бўлур эрдилар. Бир мартаба вақти саҳарда бу таъомларни келтурдилар. Онинг хотириға келибдурким, дарвиш кишиға саҳар вақтида бу на такаллуфлар турур ва нега керакдурким, бу миқдор такаллуфни этарлар? Ва Ҳазрати Хожанинг онинг замириға иш-

роқлари бўлуб, ойтдиларким: «Мавлоно Баҳоуддин, таъомнинг агар ондоғким, ҳалол бўлса, зарар этмасдур».

Ва Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиси сирруху хизмати Саййид Шарифи Мавлоно Низомуддин Хомуш алайҳир раҳманинг суҳбатлариға амр этиб эрдилар. Ва хизмати Саййид Ҳазрати Хожанинг буюрганлари била Ҳазрати Мавлоно Низомуддиннинг мулозаматларини кўб эттилар.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма ойтдилар: «Вақтеким, Хизмати Саййид Шариф Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг суҳбатлариға бордилар ва Ҳазрати Хожа озорни қабул эттилар. Озор Ҳазрати Хожадин илтимос эттиларким, мани асҳобингиздин бир кишининг суҳбастиға амр этингким, онинг суҳбасти воситаси била бу мажлисға аҳлий-йат ҳосил этойин. Ва бу нисбат аҳлиға муносибате ҳосил қилойин».

Ҳазрати Хожа озорни бизнинг суҳбатимизға ҳавола этдилар. Ва Хизмати Саййид дарсин фориг бўлгондин сўнг бизнинг олдимизда ўлтурур эрдилар ва сукут қилур эрдилар. Бир кун муроқабат қилиб ўлтурур эрдилар, ногоҳ беҳудлик ва бетоқатлик озордин зоҳир бўлди. Ондоғким, амомалари бошларидин тушди. Ман турдим, амомалариғуб бошлариға қўйдим. Вақтиким, ҳоллариға келдилар ул беҳудлиқнинг сабабини сўродим. Ойтдилар: «Умрлар эрдиким, ул орзу бор эрдиким, манинг мудрикамининг лавҳи бир соат нуқуши илмийадин пок бўлса ва бир замон манинг дилим ўз маълумотим андишгасидин халос топса, бу маъно ул соатда бу суҳбатнинг баракатидин даст берди. Ғояти завқдин ва ул маънонинг лаззатидин манга беҳудлик рўй берди ва мандин бу беодоблик содир бўлди».

Хизмати Саййид Шариф алайҳир раҳма Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиси сиррухунинг мулозаматларидин маҳрум бўлгон ва муфорақат эткан авқотларда китобатлар ва руқъалар озорнинг мулозимлариға юборибдурлар. Ва ул жумладин турур бу икки мактубким, тайамун ва табаррук расми била ёзилур:

Ҳазрати Ҳақ таъоло ва тақаддас соя иршод паноҳий бандани, Ҳазрати қутбул-ақтоб маҳрами ҳазираи қудси зайнул-арбо султонул муҳаққиқин ва бурхонул-мудаққиқин воқифул-асрор ва қудватул-ахёр муршидил-халойиқ ва мавзиҳит-тариқ зиллуллоҳи алал-оламин ва маажо ут-туллоб ва муршидин аълоллоҳу субҳонаху амроҳу ва шаънахуни коффатан Аномнинг бошиға то явми қиёматға мамдуди мабсут тутсун. Бу зирьоти мақоми маълумдин марфуъ ойтилуб ва ул даргоҳиким, кимйо хосиятнинг хотири

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

отирлари илтифоти юмни била мустазҳар эрди. Ва бўлур рижа ва умиди восиқ ва маҳкам турурким, утбаи алиййанинг мулозамати ва пой бўслиқ саъодати ҳусни аҳволда муяссар бўлур ва бошқа аҳволи зоҳирий ва ботинийлар мужуби ҳамд ва сано турур. Ва урвати вусқоға тамассук озорнинг нисбатлари турур. Ва алҳамдуллоҳ ала золика алал-итлоқи махдумзодалар алал-хусус вал-хулус нодиратул-офоқи каримуш-шамойил вал-ахлоқ тожил миллат ваддин Хожа Ҳасан аҳсаналлоҳу аҳволуна би-лиқоиҳи хизматларини қабул этсунлар, суддаи уййонинг мулозимлари ва бақоу баъдалфанонинг майдони муборизлари Мавлоно Салоҳуддин вад-дунё ва Мавлоно Камолиддин Абу Саъид, соир ихвони сафо била даъвати муштоқонани тааммул этсунлар. Вас-салому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху ва таҳиййотуху.

Шеър:

*Ва ман ажаба инни аҳанна илайҳим,  
Ва асъалу ан ахбориҳим ва ҳум маъий.  
Ва туштақухум айний фи саводиҳо  
Ва биталабиҳим қалбий ва ҳум байна азлабий.*  
(Ажабки, мен уларга кин сақладим,  
Ва уларнинг хабарларидан сўрадим,  
ҳолбуки, улар мен билан биргадир.  
Ва кўзларим қорачиғида уларнинг иштиёқи бор,  
Қалбим уларни кўришни талаб қиляпти,  
(аслида) улар шундоққина ёнгинамдадир).

*Эй, сурату ту суврати алтофи илоҳий,  
Дар суврати ту маъноий Ҳақ номутоноҳий.*  
(Эй, суврати илоҳий лутфлар суврати бўлган,  
Сенинг сувратингда чексиз Ҳақ маъноси бор.)

Остона туфууроқини ўпуб бу байтни такрор қилур (эрди).

Шеър:

*Ва лав анна лий фи кулли манбатин шаъротан,  
Лисонан юбуссу ашшукра кунту муқассиран.*  
(Агар менда ҳар асл манбаъни  
ҳис этишлик бор бўлганида эди.  
Тилим шукр айтар,  
бошқа гап-сўз сўзламас эди).

Алтоф ва аътофеким, махдум ва махдумзодалар аҳсаналлоҳу ихвона биюмни суҳбатаҳи — бандаликларидин мушоҳада этилур. Ул Ҳазратнинг эътинолари ва хотир файйозларининг намузажи билур. Ва ҳар лаҳза умидворлиқ зиёдагида турур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло иршодпаноҳийнинг соясини коффаи Аномнинг бошида мустадом тутсун. Махдумзодалар, алал-хусус, Хожа Тожул миллат вад-дин хусну утбаи алийа мулозимлари алал-хусус Мавлоно Салоҳ ул-миллат вад-дин ва Мавлоно Камолиддин Абу Саъид сойир аброрлар ва ахйорлар била дуода махсус турурлар. Вас-сало-му алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

*Мавлоно Низомуддин Хомуш  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Олор Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг афзал ва акмал асҳоблари турур. Олорнинг зикрининг таъриҳиға сабаб ушурким, Ҳазрати Хожаи Бузруг ва Хожа Алоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳумонинг зикрларида ўтуб эрди, хизмати Мавлоно Низомуддин Ҳазрати Хожаи Бузругни овони таҳсилларида Бухоро навоҳисининг уламоларидин бирлари суҳбатларида кўриб эрдилар. Ондин сўнг Хожаи Алоуддиннинг хизматлариға бордилар. Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Ҳазрати Хожа Алоуддиннинг хизматлариға мушарраф бўлмасимдин ва олорнинг мулозаматлариға бормасимдин аввал манга мужоҳада ва риёзат кўб эрди. Ва риёзатнинг асарларидин ҳавориқи одотни кўб мушоҳада этилур эрди. Ондоким, баъзи масжидларға борур эдимким, қуфл этулгон, кирмакни хоҳлаб қуфлға ишорат этур эрдим, очилур эрди. Ва мунга ўхшаш кўб нимарсалар зоҳир бўлур эрди. Ҳазрати Хожа Алоуддин Агторни Самарқандға ташриф келтурубдурлар, деб эшитгонимдин сўнг, доъия бўлдимким, олорнинг мулозаматлариға борсам. Вақтиким, манзиллариға бордим аввал хизмати Мавлоно Абу Саъидға мулоқот воқеъ бўлди. Олор ойтдилар: «Мавлоно, кўб покиза турурсиз. Вақт бўлмадимким, бу покизаликлардин ўтқайсиз». Манга бу сўздин кароҳияте бўлди ва манинг хотиримға огир келди. Вақтиким, Ҳазрати Хожанинг ёнлариға келдим, олор ҳам шул иборотни ойтдиларким: «Мавлоно, кўб покиза турурсиз. Вақт бўлмадимким, бу покизаликлардин ва зўдлардин ўтурсиз». Лекин манга Ҳазрати Хожанинг сўзларидин ҳеч кароҳияте ва сақле бўлмади. Балким ул кароҳиятеким, ҳосил бўлуб эрди, муртафез бўлди.

Билдимким, озорнинг мақсудлари на турур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тавфиқи била хизматлариға етушдим.

Баъзи акобирлардин манқул турурким, ойтиб турур: «Бир кун Ҳазрати Мавлоно Низомуддиннинг ёнларида ўлтуруб эрдим, бир мамлукаи ялиҳаким, озорнинг канизлари эрди, менинг олдимдин муҳимме учун ўтди. Хотирға келдиким, оё, Ҳазрати Мавлоно бу канизни мулки ямин била тасарруф этиб турурларму ё йўқ?». Дарҳол озор ойтдилар: «Кўнгилни бу нимарсалар била мулаввас этмасанг керак эрди. Аҳли Ҳақ билурларким, ҳар кишининг кўнглиға не ўтатурур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло минг мартаба аҳли ҳақдин яхшироқ билур. Валлоҳиким, қирқ йил турур манга эҳтилом бўлмади. Ул сабабдинким, бир кун руҳонийлардин жамоъат манга келдилар ва ойтдилар: «Санга ўзунгни рия эмак керакким, эҳтилом бўлмасун. Онинг учунким, санга ул мамаррдин тарожий бўлур. Бу жиҳатдин қирқ йил турурким, бу маънони рия этиб турурман. Ва ўн етти йил турурким, манга гуслға эҳтиёж бўлғони йўқ турур». Бовужуди улким, Мавлоно алайҳир раҳма мутааҳҳил эрдилар.

### *Озорнинг латофатларидин ва сафойи ботинларидин шаммае зикр этилур*

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳманинг латофатлари ҳадди камолда эрди. Одамларнинг авсофлари ва аҳволлари ва ахлоқларидин кўб тез мутаассир бўлур эрдилар. Ва беранглик даъвосини қилур эрдилар. Валҳақ ондог эрдилар. Ҳеч нимарсани ўзлариға мансуб билмас эрдилар. Ҳар нимарса авсоф ва аҳволдин зоҳир бўлса, ойтур эрдилар: «Бу фалоннинг нисбати турур ва ул фалоннинг сифати турур».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, бир кун хизмати Мавлоно ойтдиларким: «Ҳожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум хонадонлари тариқларидинким, муқаррар қилиб турурлар, пире ул турурким, ҳар киши озорнинг ёнлариға келса, кўрурларким ул келганидин сўнг хотирға на тушуб турур ва улчаким, хотирға лойиқ бўлур турур, ул онинг васфи ва наъти турур. Вақтиким, камоли сафо сабабидин озорнинг кўнгиллари мосиводин мусаффо турур, улчаким зоҳир бўлур озорға, мансуб эрматур. Агар улчаким зоҳир бўлди иймонға ва мусулмонлиқға тааллуқи бўлса намозу рўза ва таҳсили улуми диниядин бу тариқ била таъбир этурларким, мусулмонлик ва диёнат нисбати ва нисбати илмий зоҳир бўлди. Ва

агар муҳаббат ва иш зоҳир бўлса, ойтурларким нисбати жазба зоҳир бўлди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин Тошкандда бизнинг манзилимизда меҳмон эрдилар ва ман озорнинг мақдами шарифларини ғанимат билиб, дсимо оларнинг хизматида эрдим. Бир кун оларнинг ёнларида ўлтуруб эрдим, ногоҳ ойтдилар: «Оҳ, оҳ, оғир нисбат зоҳир бўлди. Фолибо фалон киши келур. Ва аёни Шошдин бир кишини одини тутдилар, субҳона-лоҳ ва ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ демакка машғул бўлдилар. Бир замондин сўнг ул киши келди. Хизмати Мавлоно ойтдилар: «Келинг, хуш келдингиз, сизнинг нисбатингиз сиздан аввал келиб эрди».

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин тўқсон ёшор бўлиб эрдилар. Охир ҳаётда одамларниким, озорнинг нисбатида эрмас эрдилар, ё ул одамларнинг таври озорнинг наздида мустаҳсан эрмас эрди, агар узоқдин кўрсалар ойтур эрдиларким, фалон киши келур ва боре келтурур. Онинг борининг оғирлиқи мани хароб этур. Боринглар ва онга узр ойтинглар ва қайтаринглар. Бир мартаба суҳбатларида ўлтуруб эрдимким, Шайх Сирож одлиғ бир кишиким, Шошда бўлур эрди, эшикдин кирди. Ўлтурди. Хизмати Мавлононинг кўзлари онга тушти. Онинг башарасида риёзатнинг асарини эҳсос этдилар. Оларга (бу) хуш келди. «Алҳамдулиллоҳ» деб кўб ойтдилар. Сурур изҳор этдилар. Лекин ман бу шайх Сирожни танур эрдим. Одаме эрди, бағоят худписанд ва авлиёларнинг мункири. Агар чандиким зоҳир юзидин риёзати бор эрди, аммо ўзидин бошқа кишини писанд этмас эрди. Баъзилар ойтур эрдиларким, ақобири динга ҳам дошном берур эрди. Хизмати Мавлоно «Алҳамдулиллоҳ» дер эрдилар ва ман ойтур эрдим: «ҳоло маълум бўлса керакдурким». Ногоҳ хизмати Мавлоно музтариб бўлиб ойтдиларким, турғил, турғил, ҳар тариқа тамомроқ зажр била они ўз мажлисларидин қоваладилар.

Ва Ҳазрати Эшон ойтдиларким, бир кун хизмати Мавлонони ич оғриқи тутди. Кўб важаъ ва изҳори алам эттилар. Охир тафаҳдус этулди. Озорнинг фарзандлари ун оши ва хом сабҳа еган эркан. Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтдилар, бир мартаба бир киши келдиким, хизмати Мавлоно Низомуддинга маразе ориз бўлди. Ва ул замонда Шошда бизнинг манзилимизда меҳмон эрдилар. Таъжил била озорнинг ёнлариға бордим. Кўрдимким, ўт ёқиб турурлар ва кўб жомаларни оларга кийдурди ва неча киши ўзини озорнинг устига ташлаб турур. Ва хизмати Мавлонони улуғ тамарруҳ тутуб

турур ва қолтурарлар. Ва тишларини тишлариға урарлар. Ондоким, иситмада қолтурар ва ул тамарруҳ ҳеч таскин топмас, ман бу ҳолнинг мушоҳадасидин андуҳгин бўлдим. Соате ўлтурдим, ногоҳ озорнинг асҳобларидин бир кишиким, озорнинг хизматлариға робитаи тамоми бор эрди ва осие ға бугдой олиб бориб эрди. Эшиқдин кириб келди. Сув бўлгон жомалари билаким, совуқ ҳавода сувға йиқилиб эрди. Ва қаттиғ ушуб, бағоят қолтураб келди. Хизмати Мавлоноким, они ул ҳолда кўруб эрдилар, фарёд қилдиларким, мани қўйунг ва они тезроқ иссиг қилинларким, бу онинг совуқлиғидурким, ман ушурман ва онинг сифати ва ҳоли турурким, манга сироят этиб турур. Вақтиким, ҳўл жомаларини эгнидин олдилар ва бошқа жомалар кийдурдилар ва они иссиг қилдилар, озорнинг тамарруҳлари таскин топти. Ва ўз ҳоллариға келдилар ва беташвиш ерларидин турдилар.

Ҳазрати Эшондин эшитулдиким, ойтдилар: «Бир кун хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма ёнларида ўлтуруб эрдим ва озорнинг қўлларида бир китоб бор эрди. Ногоҳ бемуҷиб улуг йиғламоқ озорға муставли бўлди. Ойтдилар: «Оҳ!.. Манга на бўлди, магар бидоятға тушубдурман».

Ҳазрати Эшон ойтдиларким, бу сўз хизмати Мавлонодин ажаб турур. Керак эрдиким, билсалар эрди ул нисбати мажлисининг мубтадийларидин бирининг нисбати эрдиким, инъикос тариқи била озордин зоҳир бўлди. Хизмати Хожа Калон раҳматуллоҳ фарзанди Бузругвори Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий эрди, волиди шарифларидин нақл этор эрдиларким, озор ойтдилар: «Бир кун Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳманинги муборак оёқларининг бармоқи қабаржиқ бўлуб эрди. Жароҳат бўлди, ходимиға ойтдиларким, марҳам туз этгил, то бу жароҳатға қўяйин. Ул киши марҳам келтурди. Озорнинг оёқларининг бармоқиға қўйди. Соатедин сўнг ойтдиларким, манинги димоғимда ташвише пайдо бўлдиким, одамларға банг чеккандин пайдо бўлур, магар бу марҳамда ул нимарсадин қўшубсан? Ходим ойтди: «Оре». Ойтдилар: «Бас, онинг кайфийятининг асари турурким, манинги димоғимға сироят этиб турур. Дарҳол они узоқға олиб ташладилар. Ва бу ҳикоятнинг амсолларини хизмати Мавлонодин кўб нақл этарларким, онинг жумласининг зикри бар сабили мужиб татвил турур. Ложарам бу мажмуъада бу миқдорнинг иродига иқтисор этилди.

*Олорнинг қуввати ботилларининг  
баъзисининг зикрида турур*

Ҳазрати Махдум қуддиса сирруҳу «Нафаҳот ул-унс»да келти-  
рубдурларким, жаноби Махдумий Хожа Убайдуллоҳ адомаллоҳу  
таъоло бақоаҳу ойтдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин ойтди-  
лар: «Самарқанд ақобирларидин бирлариким, бизларга нисбати  
кўб муҳаббат ва ихлосу иродати бор эрдиким, касал бўлди. Ва  
ўлмакка яқин етти. Онинг фарзандлари ва мутааллиқлари кўб ни-  
ёзмандлик эттилар. Машғуллиқ қилдим. Кўрлимким, онга имкони  
бақо ва ҳаёт йўқ турур, магар зимнига олунса. Ва они зимнига  
олдим, сиҳҳат топди ва неча вақтлардин сўнг бизга нисбат тухма-  
ти воқеъ бўлдиким, бизнинг излол ва ихонатимизга муфзий бўлди.  
Ва ул киши қудрати етишур эрдиким, ул бобда саъйе қилса ва  
онинг дафъини этса, аммо ўзини сақлади ва ўзини ул ароға сол-  
мади. Ва бизнинг хотиримиз ондин кўфта бўлди. Ва они зимдин  
ихрож этдук. Йиқилди ва ўлди»

Махфий қолмасунким, ул Бузругким ақобири Самарқанддин  
Ҳазрати Мавлононинг амрларида ўзин сақлади — Хожа Исомуд-  
дин Шайхул-исломи Самарқандий эрди. Ва ул тухмат ва ихонат-  
ким, хизмати Мавлоноға етушди фарзандларининг воситаси била  
эрдиким, дуъо ва азойимхонлиқ ва тахсири жинға мансуб эрди ва  
ул жиҳатдин аҳли ҳарамнинг муаззамотлариға бориш-келиш қилур  
эрди. Ва арбоби гараздин жамъе аҳли ҳарамнинг баъзисининг му-  
ҳаббатига нисбат эттилар ва тухмат қўйдилар. Ва ул ҳолдин шам-  
мае Мирзо Улуғбекнинг самъиға етурдилар. Ва хизмати Мавлоно-  
нинг фарзандлари қочди. Ва ул саъобат ва тухматнинг асарининг  
шомати хизмати Мавлоно Низомуддинға сироят этти ва Мирзо  
Улуғбекка ғайрат бўлуб, ҳар тариқа тамомроқ газаб била Мавлонони  
талаб этти. Қосидлар оларни бош яланг, отнинг ақибига минду-  
руб, Мирзо Улуғбекнинг ёнимға олиб бордилар. Олор боғда бир  
майдон жойда ўлтуруб бошларини ошоқ солиб, муроқабада эрди-  
ларким, Мирзо Улуғбек олорнинг олдиндин ўтди. Олор турмадилар  
ва Мирзо олорни талаб этиб ва итобомиз сўзларни оғоз қилгон-  
дин сўнг хизмати Мавлоно Низомуддин ойтдиларким: «Бу сўзлар-  
нинг ҳаммасининг жавоби бир калима сўздурким, ойтурман ва  
ман мусулмонман. Агар бовар қилсанг кўб яхши ва агар бовар  
қилмасанг, ҳар нимарсаким, хотиринг хоҳласа, буюрғил». Мирзо  
ул сўздин мутаассир бўлди, дарҳол турди ва ойтдиким, они қўюң-  
глар!

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, бу беодобликдин сўнг Мирзо Улуғбекка шикаст ва кўб ташвишлар етушди ва ул яқинда онинг ўғли Абдуллатиф Мирзо они ўлтурди.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин кўб қувватлиғ эрдилар. Бир кишининг ёмонликини олонинг олдида ойтдилар. Олор мутаассир ва мутағаййир бўлуб, деворға бир хат тортдилар. Ул киши шул соатда ўлуб турур. Хизмати Мавлоно Муҳаммад Раважийким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарийнинг куммал асҳобларидин эрди, нақл эттилар, бизнинг Ҳазрати Мавлономиз ойтур эрдиларким, бир кун хизмати Мавлоно Низомуддиннинг ёнларида ўлтуруб эрдим. Мавлоно Саъдуддин Лурким, муқаррар донишмандлардин эрди ва хизмати Мавлононинг мухлисларидин эрди. Олорнинг олдида бир толиби илмдин кўб шикоят эттиким, хизмати Мавлоноға нисбати беодоблик ва гийбат ва тухмату хабосат ва ихонат этур. Ва ул чоғлиқ ойтдиким, хизмати Мавлонони мутағаййир этти. Иттифоқо, бу аснода ул толиби илми хабиси мункар узоқдин пайдо бўлди. Мавлоно Саъдуддин они хизмати Мавлоноға кўргуздиким, яна ул хабиси мункар будурким ўтуб борадур ва ул беодобона олорнинг олдида ўтди. Хизмати Мавлоноға ғазаб муставли бўлди. Бир чўб била қабрнинг суратини деворға тортдилар. Ул хабис дарҳол йиқилди ва беҳуш бўлди. Ва хизмати Мавлоно уйга кирдилар. Одамлар онинг ёнимға бордилар, то кўргайларким, не ҳоли бор турур, кўрсалар ўлуб турур.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно бир мартаба навбатлиғ сувнинг бўюнда ўлтуруб эрдилар ва таҳорат эттилар. Ва бир одам бир деҳқоннинг навбат сувини боғлаб эрди. Ул деҳқон таъжил била келди. Хизмати Мавлонони сувнинг бошида ўлтурғон кўруб, хаёл эттиким, сувни бу киши боғлаб турур. Тунд ва тез олорнинг ақибидин келиб мулоҳаза этмай, олорға қўл уруб кўтариб сарнигун қилиб сувға ташлади. Вақтиким, олор сувға тушдилар, бошлари сувнинг таҳига кетди. Ул деҳқон дарҳол сувнинг канорида йиқилди ва ўлди.

Ва бир мартаба бир мўътақид олорға ойтдиким: «Сизнинг учун хоҳларманким, бир боғ бино этсам». Неча муддатидин сўнг келдиким, боғингизни кўрмайсизми?» Олорни ул боққа келтурди. Бир муҳаввата эрдиким, онинг нисфини олор учун боғ этиб турурким, онда эҳтимом этмай турур ва қолғон нисфини ўзи учун этиб турур кўб маъмур эрди. Вақтиким, Мавлоно ул жойға кирдилар, нисфи боғеким ул кишига тааллуқи бор эрди, Мавлоно-

нинг назарларида яхши кўрунди. Ногоҳ олоннинг ичидин овозе келдиким, «ўлур». Бу овоз ҳеч мунқатий бўлмади ва неча жойниким, сайр этиб турурлар, ул киши йиқилиб турур ва ўлуб турур.

Ҳазрати Эшон ҳикоят қилур эрдиким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу хизмати Амир Шарифни қабул этгонларидин сўнг олар Ҳазрати Хожанинг ишоратлари мужиби била хизмати Мавлоно Низомуддин бирла кўб суҳбатлар тутдилар. Ондоким, мундин аввал ўтди, арбоби ғаразнинг баъзилари Ҳазрати Хожага арз эттиларким, Мавлоно Низомуддинга улуглик ва шайхликнинг добияси бор турур. Ва ул бобда кўб сўзлар ойтиб турурларким, Ҳазрати Хожанинг хотири шарифлари ғубориға сабаб бўлди. Ва хизмати Мавлонодин кўб дурбор бўлбурлар. Вақтиким, карроту маррот бу хавз воқеъ бўлди, олоннинг хотири шарифларининг ранжиши ниҳоятига етушди ва Мавлонони талаб қилдилар. Ва хоҳладиларким, бир навъ тасарруфе этсалар. Ва ул вақтларда олар Чағониёнда ва Мавлоно Самарқандда эрдилар. Вақтиким, Ҳазрати Хожанинг амрлари етушди. Мавлоно бетавақуф равон бўлдилар. Ва хизмати Саййид Шариф ҳам оларга ҳамроҳ бўлуб кетдилар. Ва хизмати Мавлоно эшакка миндилар. Ва хизмати Саййид Шариф хачир миндилар. Ногоҳ Саййиднинг хачирлари йўлда оёқиға ем тушуб, бар важҳе бўлдиким, мутлақо миниб юргудек бўлмади ва йўлда маътал бўлдилар. Хизмати Мавлоно ўзларининг эшағига Ҳазрати Саййидни миндурдилар ва ўзлари заиф таркиб бўлгон жиҳатдин ул бемор хачирга миндилар ва хачир дарҳол равон бўлди. Вақтиким, Саййид бу хориқи одатни Мавлонодин кўрдилар, хачирни ниёзмандлиқ тариқи била олоннинг олдиға чекдилар. Ва Мавлоно шундоғ хачир сувор бўлуб Чағониён келдилар. Асҳоблардин баъзи бу сувратни ҳам Ҳазрати Хожага етурдиларким, яна бир далил улким, Мавлоно улуглик ва шайхлик мақомидадур. Бу турурким, ўзи хачирсувор бўлуб, Ҳазрати Саййидни эшакка миндуруб ва они ўзига мурид этиб, токим йўлда хачирни назар тариқаси била олоннинг олдиға чекибдур. Бу мажмуъ Ҳазрати Хожанинг сақли азимиға сабаб бўлуб турур.

Вақтиким, Мавлоно ва Ҳазрати Саййид Ҳазрати Хожанинг мулозаматлариға келдилар ва мажлисда ўлтурдилар, ҳамма асҳоб ойтдиларким, бу ул кун турурким, Ҳазрати Хожа ҳар нимарсаким, Мавлоно Низомуддинга бериб турурлар они қайтиб олурлар. Ва ул кун иттифоқе ҳаво бағоят иссиғ эрди. Суҳбат имтидод топди. Ва офтоб етушуб, ҳамма одамлар турдилар ва Ҳазрати Хожа ва Мавлоно иккилари офтобда муруқаба ҳайъатида бир-бирилари-

нинг муқобаласида ўлтурдилар. Ва ул муроқабача узоқга тортди. Ва то кун ёримигача ўлтурдилар. Хизмати Мавлоно Низомуддин ойтур эрдилар: «Ман ул муроқабача ва таважжухда ўзумни кабутар масобасида топдим ва Ҳазрати Хожани шоҳбоз янглигим, манинг ақибимда парвоз этор эрди. Ҳар ераким қочиб борур эрдим, манинг изимда эрдилар. Охир музтариб бўлдим. Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг руҳониятлариға паноҳ элтдим. Ногоҳ бу аснода боргоҳи Муҳаммадий (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) зоҳир бўлди. Мани хужри иноят ва кунфи отифат ва ҳимоятлариға олдилар. Ва ман ул Ҳазрат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг анвори бениҳоятларида маҳв бўлдим. Ҳазрати Хожа вақтиким, бу ерга еттилар, озорға мажолни тасарруф қолмади. Ва Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)дин хизмати Хожаға хитоб етушдиким: «Низомуддин бизнинг турур ва кишининг онга иши йўқтур». Ул эрдиким, Ҳазрати Хожа бош кўтардилар ва кайфийяти азим била турдилар ва уйларига кирдилар. Ва ул ғайратдин неча кун касал бўлдилар ва ҳеч киши касалликларини сабабини билмади.

Ондин сўнг Ҳазрати Хожа Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг мазорлариға мутаважжих бўлдилар ва Хизмати Мавлоно Низомуддинни ҳам ишорат этдиларким, ҳамроҳ бўлсалар. Хизмати Мавлоно Ҳазрати Хожанинг амрлари мужиб била Ҳазрати Хожа Муҳаммаднинг мазорлариға мутаважжих бўлдилар. Ва Ҳазрати Хожа озорға маркабе берган йўқ эрдиларким, сувор бўлсалар. Бовужуди улким, хизмати Мавлоно пири заъиф эрдилар. Шундоғ ҳолда пидеда Ҳазрати Хожанинг изларидин Термиз тарафиға равон бўлдилар ва кўб меҳнат бирла ўзларини Термизга еткурдилар. Вақтеким, Ҳазрати Хожа мазори шарифға кирдилар, мазорни холий кўрдилар. Тафаҳхус ва тафаррусдин сўнг шундоқ маълум бўлдиким, руҳи шарифи Ҳазрати Хожа Муҳаммад (Термизий) Мавлоно Низомуддиннинг истиқболлариға кетиб турурлар ва равзани холий қўйбурлар. Ҳазрати Хожа ойтдиларким:

«Ҳақ субхонаҳу ва таъолонинг ҳар кимға нисбати инояти бўлса, биз не этабилурмиз».

Ондин сўнг хизмати Мавлоно Низомуддинга кўб илтифот эттилар. Ва ул ғубори хотир батамом муртафиъ бўлди.

Ва ҳам Ҳазрати Эшон ҳикоят қилур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин Шош вилоятиға келиб бизнинг манзилимизда меҳмон бўлдилар. Ва ман аксар авқот озорнинг мулозаматлари ва хизматларида эрдим. Бир кун суҳбатларида ўлтуруб эр-

димким, Мавлонизодаи Фаркатий неча адад ош берилган кўзи териси ниёзмандлик расми била озорнинг хизматлариға келтурди. Ман ўзумга лозим тутдимким, озор учун пўстин тиктуруб берсам. Вақтиким, пўстиндўзининг ёнига олиб бордим, ондин маълум этдимким, яқоши учун яна бир кўзи териси даркор турур. Онинг тадорикига машғул бўлдим. Ва ҳаво қаттиғ совуқ эрди. Мавлонозода озорнинг олдида тийбат тариқи била ойтдиким, Хожа пўстиннинг итмомида ихмол эторлар. Мужаррад бу сўз била Мавлононинг ботинларида тағйире пайдо бўлди ва бағоят мутаассир бўлдилар. Ва ойтдиларким: «Бу ихмол турур, бори ихмол кишини нисбатдин чиқарур». Бас, ул ҳикоятни оғоз эттиларким, замонеда ман Самарқандда эрдим. Хожа Исомуддинға марази қавий ориз бўлди, ўлмакка яқин етти. Онинг авлоди бизнинг ёнимизға келиб кўб илтимос ва ниёзмандлик эттиларким, Хожаниннг ётгон жойиға борсам. Бордуқ, кўрдукким Хожа ўлмак ва жон таслим этмак ҳолатида турур. Онинг борини кўтармакда таваққуф қилдуқ. Онинг фарзандлари ниёзмандликни ҳаддин ўткардилар, муболаға ва ибром эттилар. Ва бизни малжаъ эттилар. Хотирни онга кўйиб ўзумни исбот этдим. Ойтдим: «Ва Хожани ўз ҳаётим зимниға олдуқ ва ўз нисбатимиз га киргүздуқ». Хожа сикҳат топди. Неча вақтлардин сўнг бизга воқеъаи азим рўй бердиким, кўлимизни ва бўйнимизни боғлаб, бош яланг бозорнинг ичидин ўтқирдилар, Мирзо Улуғбекнинг ёнимға олиб бордилар. Ва Хожа Исомуддин ул замонда Самарқанднинг шайхулисломи эрди. Ул миқдор оита билмадиким, Мирзодин тиласа ва мададе етурса. Ва онинг ўзини сақлағонидин ва ихмолидин бизга қаҳр ва ғайрат келиб, они зимнидин ихрож этдуқ. Вақтиким, нисбатдин чиқди, дарҳол йиқилди ва ўлди.

Бу ҳикоятни тақдир этгонларидин сўнг фақирға мутаважжих бўлдилар ва ойтдилар: «Хожа, воқиф бўлунгим, сиз ҳам нисбатдин чиқдингиз». Мужаррад бу сўз биланким ойтиб эрдилар, улуғ бир оғирлиқ ўзимда мушоҳада этдим, ондоғким, озорнинг мажлисидин кўб хийла била турдим. Вақтиким, озорнинг муриди эрмас эрдим, Шайх Хованд Тоҳур ва Шайх Умар Боғистоний қуддуса сирруҳумонинг мазорлариға мутаважжих бўлдим. Ва озорнинг қабрлариға яқин ўлтүрдим ва ботин юзидин арзи ҳолате ойтиб, озордин мадад тиладим ва ул ўлтуруб таважжуҳ этконда шундоғ маълум бўлдиким, робитаи суварий ва маънавий сабабидин азизларнинг руҳониятлари мадади била ул бореким, хизмати Мавлоно фақирға мутаважжих қилиб эрдилар ҳам ўзлариға тушди. Ва ул оғирлиқ мандин зойил бўлди, енгил бўлуб турдим ва

Мавлононинг хизматлариға мутаважжиҳ бўлдум. Вақтиким, ёнларига бордим, кўрдумким Мавлоно ўлтуруб турурлар ва Мавлонозодаи Фаркатий ва асҳобларидин жамъе била гарм суҳбатда турурлар. Ва ҳеч ташвишлари йўқ турур. Ман ҳам ўлтурдим. Мутафаккир ва мутаҳаййир бўлдумким, батаҳқиқ маълум бўлуб эрдиким, ул бор Мавлоноға мутаважжиҳ бўлуб эрди. Сабаб не турурким, онинг асари зоҳир бўлмади?!. Бу андишгада эрдимким, беякбор Мавлоно фарёд эттиларким, турунлар, турунларким, бор тушди ва мани босқиладилар. Бизлар турдуқ ва олоғ мараз тўшагида ётдилар. Ва ул маразда дунёдин ўтдилар.

Ҳазрати Эшон ул оризада хизмати Мавлоно Қосим алайҳир раҳманиким, Ҳазрати Эшоннинг асҳоблари улуғларидин эрди, хизмати Мавлоно Низомуддиннинг тааххуллариға ва касаллариға қарамоқға таъйин этиб эрдилар. Хизмати Мавлоно Қосим алайҳир раҳма ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин бу маразда кўб йиғладилар ва ойтдиларким: «Хожа бизни бир топдилар ва ҳар нимарсаким, бу муддати ҳаётимда пайдо қилиб эрдим, биздин олдилар ва бизни ахири корда муфлис эттилар. Бовужудким, Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳу ниҳоятни қувват ва камоли тасарруфда эрдилар, ҳар неча саъйе эттиларким, бу фақирға нисбат тасарруфе этсалар, эта билмадилар».

*Рашиҳа.* Махфий қолмасунким, лафзи «нисбат» ва лафзи «бор» икки калима турурким, Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум иборатлари ва ишоратларида кўб воқеъ бўлуб турур. Гоҳе «нисбат» дерлар, ондин бу тойифаи алиййанинг тариқлари ва кайфийяти махсуса ва маъхудаларини хоҳларлар. Ва гоҳе бир кишининг сифати голибаси ва малакаи нафсийсини ирода этурлар. Ва гоҳе «бор» дерлар, оғирлик ва бенисбатликни хоҳларлар. Ондоғким, ойтурлар: «Фалон боре келтурди» ё «Фалон мани дарбор этти». Вақтиким, бир кишиға мулоқот этсаларким, олоннинг тариқалариға муносабати бўлмаса ва онинг нисбатидин мутаассир бўлсалар ва агар чандаким ул киши аҳли сулукдин ё аҳли илм ва тақводин ҳам бўлса, онинг учунким, бу азизларнинг нисбатлари ҳамма нисбатларнинг фавқи турур. Ва ҳар нимарсаким, онинг ғайри турур оларнинг хотирлариға бор турур. Ва гоҳе лафзи «бор»ни ойтурлар, ондин мараз ва аразни ирода этурлар. Ондоғким, ойтурлар: «Фалон фалоннинг борини кўтарди» ё «Фалон фалонга бор ташлади». Оларнинг мурудлари маразни рафъ этмак ё бир аразни ҳавола этмак турур.

Ва махфий қолмасунким, рафъи мараз ва ҳаволаи араз Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум табақалариға махсус турур. Хизмати волидим алайҳир раҳма фақирға ойтур эрдиларким, сан жумъа кечаси жумодул-аввал ойининг йигирма бирлончисида саккиз юз олтмиш еттида (1462) мутаваллид бўлдинг. Ва бу жумъанинг сабоҳида Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сирруҳу хонадонларидин бир пири Бузругвор Ҳижоз сафарининг ниййати била Мовароуннаҳрдин Сабзаворға келди ва неча кун бизларнинг манзилимизда иқомат этти ва ман ул жумъанинг сабоҳида сани қўлумнинг юзида тутуб озорнинг ёнларига олиб бордим. Қўлимдин сани олдилар. Ўнг қулоқингга азон ойтиб, чап қулоқингга иқомат ойтдилар ва манглайингдин ўпдилар ва ойтдилар:

«Бу гўдак биздин турур». Ва уч кундин сўнг сенга марази уммусибён ориз бўлди. Ва ул атфолларни ҳалок эткувчи бир касал турур. Ман кўрқдим. Вақтиким, ул мараз иштидод топди, яна бир мартаба сени озорнинг олдиға олиб бордим ва сенинг касалингни арз этдим. Ойтдилар: «Зарари йўқ турур». Ва яна сени олиб қанорларида қўйдилар ва бошингдин то қадаминғача қўллари била сийфаладилар. Ва ойтдилар: «Онинг била кўб ишлар бор турур. Сизлар хотирингизни жамъ этинг». Ондин сўнг ул мараздин асаре сенда пайдо бўлмади. Вақтиким, толиблар ва мустаъидлар ул азининг ҳолиға андак иттилоъ топдилар, онинг суҳбатини муғтанам билиб, хизматиға югурдилар. Бир кун озор фақирдин сўрадиларким, фалон йигит улуғзодалардин ва бу шаҳрнинг нуқаболаридинким, бизга зиёда илтифоти бор эрди, неча кун турурким, кўр(ин)май турур. Оё, онинг жиҳати не эркон? Ойтдим: «Бир ҳафта бўлдиким, улуғ тиш оғриқиға гирифтор турур ва юзининг бир тарафи чишиб турур». Ойтдиларким: «Ул қобил йигит турур. Турунглар, то онинг ийодатиға борурмиз». Озорнинг мулозаматида ул саййидзоданинг ётгон жойиға бордуқ. Кўрдукким, юзи чишиб, тўшакда ётиб турур ва ғояти важаъдин қолтураб нола қилур. Озорнинг пурсишидин сўнг бир замон сукут эттилар ва шундоғ маълум бўлдиким, онинг маразиға мутаважжих бўлдилар. Соатедин сўнг бош кўтардилар, ул дард ўзларининг тишлариға мунтақил бўлуб эрди ва юзларининг ҳам ул тарафи чишиб, тиш оғриқи била ва ҳарорат ва чишган юз била ўрунларидин турдилар. Ва ул йигит сиҳҳати тамом била озорнинг мушойасиға, то саройнинг эшигигача ташқори чиқти ва озор икки ҳафта тиш оғриқиға мубтало эрдилар».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, улчаким хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум хонадонлари ақобирларидин манқулдуким, бори мардумга кирорлар икки сувратнинг бириси била бўлса бўлур. Бири улдуким, вақтиким, бир азизнинг ошносиға маразе ё малолате ё бир маъсиятға мубтало бўлмоқ ориз бўлса, ул азиз таҳорат қилиб ва намоз ўқуб тазарруъ ва зори этиб, Ҳақ субҳонаху ва таъолодин они тиларким, ул ориздин пок ва мутаҳҳар қилсун. Ва яна бир суврате ул турурким, ул мараз ё ул маъсиятнинг соҳибини ва масдарини ўз нафслари билурлар. Ва онинг жойиға ўзларини исбот этарлар ва таҳорат ва ниёзи тамомдин сўнг тазарруъ ва зори қилурлар. Ва сидқи ихлос била тавба ва инобат ружуъ этарлар. Ва ул миқдор хотир машғул этиб, ҳиммат қўярларким, онга батамоме ул ибтилодин халос бўлмоқ ва нажот топмоқ муяссар бўлур.

Ойтур эрдиларким, вақтидаким, ёре ва азизе касал бўлса, они ҳиммат била мадад этмак кўб яхши турур. Мадад икки тариқа бўлур, бири улким, ҳиммат батамоми масруф бўлсаким, маразнинг муртафиъ бўлурига, яна бири улким — касал вақтида тафриқаи хотир кўб бўлур ва осонлиқ била хотир жамъ бўлмас. Ҳиммат била мадад берурларким, хотири мутафарриқа муртафиъ ё улчаким, маснуди аслий турур, нисбатул — айн ойланур.

### *Мавлоно Саъдуддин Кошғарий (қуддиси сирруҳу)*

Авоили ҳолда таҳсили улумға машғул эрдилар ва қутуби мутадовалани таҳсил этиб эрдилар. Ва суварий жамъийятлари ҳам бор эрди. Вақтиким, бу тариқни доъиясини пайдо қилиб турурлар, тарки ва тажриди тамом этиб, Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳманинг суҳбатларига бордилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг валади азизлари, хизмати Хожа Калон ойтур эрдиларким, бизнинг волидимиз ойтдиларким: «Камо биш етти ёшлик вақтида отам мани ўзи била ҳамроҳ сафарға олиб кетдилар. Ва озор ҳамишга тариқи тижоратға машғул эрдилар ва атрофи жавонибға касби маъош учун бориш-келиш қилур эрдилар. Ва ул сафардаким, мани олиб кетиб эрдилар, бир йигит бағоят соҳибжамол манинг била ҳамёш бизларға ҳамроҳ эрди. Манга ул йигитга алоқаи муҳаббат пайдо бўлди. Бир кеча карвонсаройнинг ҳужрасида бирга эрдуқ ва бирга ётдуқ. Вақтиким, шамъни ўчурулди ва одамлар уйқуға кетдилар, манинг хотиримға тушди-

ким, онинг қўлини тутуб, кўзимни онга суртсам. Ҳануз қўлумни узатгоним йўқ эрдиким, кўрдиким, уйнинг бир тарафи шаққ бўлуб, бир ҳайбатлиг киши қўлида шамъи равшан ул шикофдин кирди. Ва манинг тарафимға қараб тез ўтуб кетди. Ва ул уйнинг яна бир тарафи шаққ бўлуб, ул шикофдин чиқиб кетди ва ғойиб бўлди. Манинг ҳолим бошқа бўлди ва мутанаббих бўлдум. Ва ул алоқа қолмади».

Ва ҳам хизмати Хожа Калон нақл этдиларким, бизнинг волидимиз ўн икки ёшларида эрканларким, оталари била ҳамроҳ сафарга кеттилар. Бир кун карвонсаройнинг эшигида ўлтуруб эрканлар, ул яқинда жамъи савдогарнинг бир-бирисига мухосана ва муноқаша ва можароси бор эрди. Ва ғўфтуғўйлари дуру дарозга чекди, то вақт истивоға борди. Охир бизнинг волидимизга йиғламоқ муставли бўлуб, беихтиёр йиғлабдурлар, бамасобаким, ул жамоъа ғўфтуғўиларини қўйуб ологра мутаважжих бўлуб турурлар. Ва сўрабдурларким, сизга на бўлдиким, бемужиб йиғлайсиз? Ойтдиларким: «Сабоҳдин то бу замонгача ман ҳозирманким, сизларнинг ёдингизга Худо асло келмади. Манинг сизларга раҳмим келди, беихтиёр йиғладим».

Вақтиким, ологра таҳсили улумдин сўнг бу тариқ завқи пайдо бўлуб турур, Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма мулозаматлариға бориб турурлар. Ва неча йиллар олонинг суҳбатларида ва хизматларида бўлуб турурлар. Ва неча йиллардин сўнг олонинг ижозатлари била Ҳижознинг сафари муборақларини азимат этиб, Хуросонга келиб турурлар ва Ҳиротда машойихи вақт мисли Ҳазрати Саййид Қосим Табризий ва Мавлоно Абу Язид Пуроний ва Шайх Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайнуддин қадлсаллоху таъоло арвоҳаҳумнинг суҳбатлариға етушуб эрдилар. Ва Ҳазрати Саййид Қосим қуддуса сирруҳунинг ҳақида ойтдилар: «Олами маъонийнинг гирдоби турур. Бу замонда авлиёларнинг барча ҳақойиқлари олонинг олдида жамъ турур».

Ва Мавлоно Абу Язид Пуронийнинг ҳақида ойтдиларким: «Онинг Худойи таъолоға ҳеч иши йўқтурур. Ҳар ишиким онга бордур, Худоға турур». Ва Шайх Баҳоуддин Умар қуддуса сирруҳунинг ҳақида ойтдиларким: «Онинг ойинаси зотнинг баробарида тушуб турур. Ғайри зот онинг машхуди эрмастур». Ва Ҳазрати Зайнуддин қуддуса сирруҳуни камоли тащарруъ била ситойиш эттилар. Мавлоно Алоуддинким, олонинг асҳоби киборларидин эрдилар, ойтдиларким: «Бизнинг Ҳазрат Махдумимиз Мавлоно Саъдуддин ойтур эрдилар: «Мабодийи ҳолдаким, Ҳиротга келиб эр-

дим, бир кеча воқеъада шундоғ кўрдимким, мажмаъе эрди улуг ва жамиъи авлиёи Ҳирот ҳозир эрдилар. Мани ул мажмуъа келтурдилар. Ва мажмуъ ҳозирлариға муқаддам ўлтургуздилар, магар икки киши бири — Шайх Абу Абдуллоҳ Тоқий ва яна бири Хожа Абдуллоҳ Ансорий». Интаҳа каломуху.

Ва хизмати Мавлоно Алоуддиннинг ғайридин эшитулдиким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруху ойтдиларким, вақтиким ул воқеъадин уйғондим, ўзимда асари руънатни мулоҳаза қилдим. Ва ул ярим кечада ҳар тарафга борур эрдим. Ва ул руънатнинг дафъи учун чора истар эрдим. Ногоҳ бир чаён ҳар тариқа тамомоқ шиддат била оёқимға шундоғ маҳкам ниш урдиким, то сабоҳғача фарёд этдим. Ва ул дарди меҳнатда ул руънатдин халос бўлдим.

Ҳазрати Махдум қуддиса сирруху «Нафаҳот ул-унс»да келтирубдурларким, бизнинг Ҳазрати Мавлономиз ойтдиларким, неча йилларким, Ҳазрати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳманинг суҳбатлариға мушарраф бўлдим. ондин сўнг манга Ҳарамайни шарифайн (зодахумуллоху ташрифан ва такрийман)нинг доъия зиёрати қавий бўлди. Олордин ижозат истадим. Ойтдиларким, ҳар неча кўрарман, сани бу йил ҳожиларнинг кофиласида кўрмасман.

Ва ондин аввал ҳам воқеълар кўруб эрдимким, ондин мутаваҳҳим эрдим ва олор ойтиб эрдиларким: «Кўб ҳўрқмағил, вақтиким борурсан ул воқеъаларни Шайх Зайнуддиннинг хизматлариға арз этгилким, муташарриъ киши турур ва жодаи суннатда мустақим». Ва олорнинг муроди хизмати Шайх Зайнуддин ҳавофий раҳматуллоҳ эрдиким, ул кунда Хуросонда мақоми иршод ва шайхухатда мутаъаййин эрдилар. Вақтиким, Хуросонга келдим, ҳажга кетмак, ондоғким, Мавлоно Низомуддин ойтиб эрдилар, таваққуфга тушди ва кўб йиллар ўтгондин сўнг муяссар бўлди. Вақтиким, Шайх Зайнуддиннинг хизматлариға етушдим ва ул воқеъаларни арз этдим, олор ойтдиларким: «Бизга байъат қил ва бизнинг иродатимиз қайдиға киргил!» Ойтдим: «Азизеким, бу тариқни олордин олибман, ҳануз қайди ҳаётда турурлар. Сиз амин турурсиз, агар билсангизким, бу тойифанинг тариқларида жойиз турур, ондоғ қилайинг». Олор ойтдиларким: «Истихора этгил!» Ойтдим: «Манинг ўзумнинг истихорамға эълтимодим йўқ турур. Сиз истихора қилинг». Ойтдилар: «Сан истихора этгил, биз ҳам истихора этармиз». Вақтиким, кеча бўлди, истихора этдим. Кўрдимким, табақан хожাগон Ҳирийнинг зиёратгоҳиғаким, хизмати Шайх ул вақтда ул ерда бўлур эрди, келдилар ва дарахтларни чоптилар

ва деворни йикдилар, қахру ғазабнинг асарлари оларда зоҳир эрди. Билдимким, бу манга ишорат турур. Ондин бошқа тариққа дохил бўлсам. Хотирим фориг бўлди, оёқимни узотиб осудалиқ била уйқуға бордим. Вақтиким, бомдод бўлди, Шайхнинг мажлисиға келдим. Ман воқеъани оларға ойтмасимдин аввал ойтдилар: «Тариқ бир турур ва ҳаммаси бир ерга рожий бўлур. Ўз тариқинга машғул бўлгил. Агар бир воқеъа ё бир мушкил олдинға келса, бизга ойтгил. Ул миқдорким, ойда билсанг, мадад қилурмиз».

Ҳазрати Махдум қуддиси сирруху «Нафоқат ул-унс»да мундин зиёда келтирмай турурлар. Ва Ҳазрати Шайхнинг истихорала-риға ишорат қилмай турурлар, лекин баъзи маҳодимдин шундоғ эшитулдиким, Ҳазрати Шайх (Зайнуддин) ҳам ваъда бўлгон жи-ҳатдин ул кеча таважжуҳ эттилар. Бир бағоят улуг ва баланд да-рахтни кўрдиларким, шохлари қўб турур. Ҳазрати Шайхға доия бўлубтурким, ул дарахтдин бир улуг шохни синдурсалар ва жудо этсалар. Ҳар неча саъие этиб турурлар ва зўр уруб турурлар, муяс-сар бўлмай турур. Вақтиким сабоҳ Мавлоноға мулоқот этиб турур-лар, ойтибдурларким: «Тариқ бир турур, сиз ўз тариқингизға маш-гул бўлунг...»

Хизмати Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Раважий алайҳир раҳма ойтур эрдиларким, бизнинг Ҳазрати Мавлономиз ойтди-лар, вақтиким хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳмадин Ҳижоз сафарининг ижозатини талаб қилдим, ойтдилар: «Қофила-ни бодияда кўрдим ва сани олар била кўрмадим». Хомуш бўлдим ва мундин неча кундин сўнг яна ижозат истадим. Ойтдилар: «Бор-ғил, лекин биздин васийят қабул этгил. Зинҳор ул ишни этмагил-ким, биз этдук ва пушаймон бўлдуқ ва бу хижолатни қиёматға олиб кетсанг керакдур. Ҳар вақтиким асари қаҳри Илоҳий сандин зоҳир бўлса, аввал қуввати қаҳрияға амал қилдурмагайсан. Он-доғким, биз этдук. Хожа Исомуддинға ва баъзи мункирлар ва ноаҳилларға нисбат». Ва бу қиссаи Мавлоно Низомуддиннинг зик-рида ул жойдаким, оларнинг қуввати ботинларининг зикри ўтди, мазкур бўлуб эрди. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин ойтдиларким, олардин ман бу васийятни қабул этдим ва неча вақтлардин сўнг бир вақтеда манга кайфийяте даст бердиким, ҳар кимнинг манга кўзи тушса, дарҳол беҳуш бўлур эрди ва агар манинг ёнимға келса, ҳалок бўлур эрди. Ва ман ул кайфийятнинг зуҳури мабо-дийсида уйнинг кунжида ётдим. Ўн тўрт кечаю кундузгача ташқа-ри чиқмадим. Ва ҳар ким узоқдин пайдо бўлуб манинг ихтилоти-мға майл этор эрди, қўлум била ишорат этиб, монёе бўлур эрдим

ва қўймас эрдимким, манинг ёнимга келса, то вақтигаким, ул ҳолат ва кайфийят мандин мунжалий бўлди.

***Мавлоно Саъдуддин  
қуддиса сиррухунинг фавоиди анфослари  
жумласидин турурлар***

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Мавлононинг асҳоби киборларидин бирлари олонинг баъзи калимоти қудсияларини жамъ этиб турурлар. Ва ондин баъзи ўн олти рашҳанинг зимнида ирод топар.

*Аввалги раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар ишниким, фарз этсалар, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға машғул бўлмоқ ондин осонроқ турур, онинг учунким, ҳар нимарсаким бордур аввал они истарлар, ондин сўнг топарлар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони аввал топиб, ондин сўнг истарлар, агар аввал топмасалар эрди, қачон майл этор эрди. Мисраъ:

*То ту набийни жамоли ишқ нагирад камол.  
(Ишқ жамоли (чиройи)ни кўрмагунча,  
камолға етолмайсан).*

Бу сўзнинг маъносиким, Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруху ойтиб турурлар, улдуким, аввал Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло банданинг ботинига сифати ирода билаким, они тажаллий ироди дерлар, зуҳур этур. Ва банда ул тажаллийни топғондин сўнг Ҳақ субҳонаҳунинг муриди ва толиби бўлур. Бас, бу суврадда топмоқ талаб этмакка муқаддам бўлур. Ва бу байтдин яна бир мисраъ бу турур. Мисраъ:

*Мешинави васфи ҳол рост бибояд шинид.  
(Ҳол васфини эшитсанг уни тўғри  
эшитмоқ керак).*

*Иккилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, кишиким, бир кишини дўст тутса, хоҳласаким ҳамма киши они дўст тутғойлар, агар чандиким, муҳаббатнинг ғайрати они тақозо қилурким, маҳбубни пинҳон сақлар, лекин ғояти муҳаббатдин они сазъ этарким, онга мункире бўлмаса, билмаским на хийла андишга қилур ва на тадбир этурким, ҳама киши они мўътақиди ва толиби бўлурлар. Ҳар важҳ билаким бордур ва ҳар сифат билаким,

муяссар бўлур. Ул маҳбубнинг васфини қилур, то бўлгойким, онинг толиби бўлгойлар.

*Учлончи рашиҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар вақт санинг баданингда бир мўйи холийнинг воситаси била мутагаййир ва мутаассир бўлса, ул мўйнинг изидин кетмак керакдур.

*Тўртлончи рашиҳа.* Ойтур эрдиларким Хожа Муҳаммад Порсо қаддасаллоху таъоло сирраҳу ойтдиларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло била банданинг орасида ҳижоб шул суvari кавниййанинг кўнгилда мунаққаш бўлмоқи турур ва бу интиқош пароканда суҳбатлар ва сайрлар сабабидин ва гуногун ва шаклларни кўрмакдин зиёда бўлур. Ва кўнгилда ўй қилур ва меҳнату машаққати тамом била нафй этмак керакдур. Ва яна китобларни мутаолаа этмакдин ва сўзламак ва эшитмакдин, расмий сўзлардин ва калимоти мутафарриқалардин ул нуқуш зиёда бўлур ва яхши сувратларни мушоҳада этмакдин ва тарабангиз сўзлар ва нағмалардин ул нуқуш ҳаракат ва тамаввужға кирар. Ва буларнинг жумласи Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин баъид ва ғофил бўлмоқни ижоб этар ва толибға они нафй этмак вожиб турур. Бас, керакким, ҳар нимарсадинким, хаёлини зиёд этар, вожибе била ижтиноб этсун. Соф кўнгул била жаноб Ҳақ субҳонаҳуға тавба қилсун. Суннати Илоҳий ул нимарсага жорий бўлубдурким, меҳнат этмай ва машаққат кўрмай, лаззат ва шаҳват ҳиссини тарк этмай, бу маъно даст бермас. Роҳатеким, талаб қилурлар охиратда турур. Икки кун-уч кун бу саройи фонийда ранж тортдинг, эмди абадул-абад тинч бўлдунг. Бу оламнинг ул оламға ҳеч нисбати йўқ турур. Гўё бир ниҳояти йўқ биёбонда кўкнор донаси тушгандек турур.

*Бешлончи рашиҳа.* Фасли баҳор эрди. Олорнинг асҳобларидин бирлари баъзи рисоаларни ёзар эрдилар. Хоҳласдурлар, вақтиким, тамом бўлса, сайр этсалар бўстонда, оларни мулозаматлариға бордилар, бу машҳур рубойини ўқудилар. Рубойи бу турур:

*Бо ёр бо гулзор шудам раҳгузаре,  
Бар гул назаре факандам аз беҳабаре.  
Дилдор батаъна гуфт шармат бодо,  
Рухсори ман инжоу ту дар гул нигари.  
(Ёр олдиға гулзор оралаб кетдим,  
Гулларға беҳабар ҳолда назар қилдим.  
Ёр таъна билан дедими.*

«Менинг рухсорим бу ерда-ю сан  
гулга кўз тикасан!»)

Бас, ойтдиларким: «Агар сайр этмакка борурсан ва сайр этмакдин ҳазз этсанг Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин гофил бўлурсан ва агар ҳазз этмасанг, нечун борурсан ва рисолалар ёзарсан, агар амал этсанг бир сўз бас турурким, Худоға машғул бўл ва агар амал этабилмасанг, нечун ёзарсан?!» Ва ойтдиларким, бир йўқ ва минг осонлиқ бу сўз ҳама ерда бўлур ва ҳама нимарсаким, гайри Ҳақ турур йўқ дединг ва халос бўлдунг.

*Олтилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма ойтдиларким, сукут анфаъ турур каломдин. Онинг учунким, ҳар сўздин ҳадиси нафс ҳосил бўлур ва файзи Илоҳий асло мунқатиъ бўлмас турур. Ул файзни топмоқда монеъ ҳадиси нафс турур. Авлиёуллоҳнинг суҳбатида кўнгулни ҳадиси нафсдин сақламоқ керакдур. Онинг учунким, озорға қулоқе бордурким, ул ҳадисни ул қулоқ била эшитурлар ва озорнинг вақтига ташвиш берур, кишиким бир китобнинг мутолаъасига машғул турур, агар хориждин бир киши сўзласа, онинг вақтига ташвиш берур. Балким, агар чибин варақнинг юзига ўлтурса, ташвиш топар жамъким бар сабили давом Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға таважжуҳ ва машғулликлари бордур, албатта, ҳадиси нафс озорнинг мушавваши бўлур. Ва қўймастурким, машғуллик этсалар. Кишиким йиғлаб турғон тифли бордур, онинг йиғлагони мушавваши вақт турур. Ойтурларким, оғзига эмчак тутғил, то хомуш этсун. Киши керакдурким, зикрнинг эмчагини кўнгулнинг оғзига тутсун, то маънавий сутни ичмакка ойлансун ва зикр ойтмоқға кирсун ва ҳаёлот ва ҳадиси нафсдин халос бўлур. Ва баъзи одамнинг ҳолиға нисбати зикр айтмоқ ҳам ҳадиси нафс турур.

*Еттилончи рашҳа.* Бир кун асҳобларни мухотабат қилиб ойтдиларким: «Эй, ёронлар! Билингларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу улуглиқ ва азамати била сизларға ғоят яқинликқда турур. Бу эътиқодда бўлунглар. Агар ҳоло бу маъно сизларға маълум бўлмаса, лекин керакким дойимо халоу малода боодоб бўлунг. Вақтиким, уйда танҳо бўлсангизлар оёқларингизни узатманг ва жойи халода уятлиғ ва бошингизни ошоқ солиб ва кўз юмуб ўлтурунг. Сирру алонияда зоҳиру ботинда Худоға рост бўлинг. Вақтиким, бу одобнинг ҳифзига қиём кўргузсангиз, бу маъно сизларға даража-бадаража маълум бўлур. Керакким, ҳамашга ўзингизни одоби зоҳирий ва ботиний била ораста тутунг. Адаби зоҳирий ул турурким, шариятнинг авомиру навоҳийсига қиём кўргузунг. Доимо ботаҳорат юрунг ва истиғфор била бўлунг ва кам сўзланг. Жамиъи

умурда эҳтиёт қилинг ва салафи солиҳнинг асарларини танаббуъ қилинг ва адаби богиний кўб душвор турур. Одобларнинг муҳимроқи кўнгулни ағёрнинг хутуридин сақламоқ турур, хайр бўлсун, хоҳ шарр. Иккиси ҳам Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин ҳижоб бўлмақда баробар турур».

*Саккизлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ўзининг пайғамбарига саллаллоҳу алайҳи ва саллам тариқи муроқабани таълим берибдур. Ул ердаким, буюрубтурур: «Мо тақуну фи шаънин ва мо татлу минҳу мин Қуръонин ва мо таъмалуна мин амалин илло кунно алайкум шухудан из тафизуна фиҳи». Асл масъала бу турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюруб турур ва Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га таълим берибдур. Ишнинг покизаси бу турурким, Ҳақ субҳонаҳунинг жанобиға машғул бўлунг. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бандаларига ҳамма нимарсалардин яқинроқ турур ва яқинроқ демакдин ҳам яқинроқ турур. Нечунким, ҳоли қурбда иборат сиғмас. Вақтиким, қурбни иборатга келтурсалар, буъд бўлур. Қурб ул эрмастурким, ойтурсан онга яқин бўлдум ё ондин иборате эта билсанг. Қурб ўлтурурким, сан онда йўқ бўлсанг ўзунгни ва ўзунгнинг ғайрингни йўқ этсанг ва ҳеч билмасангким, на ерда эрдинг ва на ердин келдинг ва мутлақо ондин иборат эта билмасанг. Бир киши Бузрутеинг ёнларига хабар келтурдиким, фалон шайх қурбдин сўзлар. Ул Бузруг онга ойтдиким: «Вақтиким, ул шайхга борсанг ойтгил, ул жойдаким бизлармиз қурб қурбдур, буъд буъд турур. Қурб то буъддин иборат турур, ул ерга иборат қачон сиғар».

*Тўққизлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар нафасда ганже бор турур, ўто турур воқиф бўлмақ керак. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳозир нозир турур. Керакким, Ҳақ субҳонаҳудин шарм этсун ва ондин ғафлатни варзиш этмасун. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ташниъ ва сарзаниш этибдурким, «мо жаъалаллоҳу ажалин мин қалбайни фи жавфиҳи». Бир кишининг ичида икки кўнгил йўқ турурким, бирини дунёға машғул этса ва бирини Ҳақ субҳонаҳуға. Бир одамнинг ичида бир кўнгул турур. Агар дунёға машғул этса, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин бебаҳра қолур ва агар Ҳақ субҳонаҳуға мутаважжиҳ этса, онинг кўнглидин Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тарафига равзанаа очилур ва ул равзанадин файзи илоҳийнинг офтоби тушар. Офтобеким, тулуъ этти машриқдин мағрибгача ҳар зарраеким бордур, онинг нуридин баҳра топар ва онинг нури ҳамма нимарсага тушар. Агар уйи бўлсаким, онинг равзанаси бўлмаса, ҳар ойина ул нурдин бебаҳра қолур. Бас, агар кўнгил ҳозир

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

бўлса, онинг ҳузури ул равзана каби турур. Ул йўлдин вужуднинг файзининг нури онга етишса керакдур. Ва агар ғофил бўлса, ул нур ондин ўтуб кетар. Назм:

*Дўст баҳор лаҳза дар ту назар мекунад,  
Чун ту аз ў ғофиле аз ту гузар мекунад.  
(Дўст ҳар лаҳзада санга назар қилур,  
Сен агар ундан беҳабар бўлсанг,  
у сендан ўтиб кетади).*

*Ўнлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, тоат жаннатқа восил бўлмоқни ижоб этар ва тоатда адаб сақламоқ Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг қурбатига сабаб турур. Ва машойих қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг комиллари ул нимарсага иттифоқ этиб турурларким, ибтидода керакдурким, ўзининг ботинини соф қилсун. Тасфия ва тазкияға машғул бўлсун, то давом(ида) мувоқабат даст берур. Илло ҳар нимарсақим, аъмоли солиҳадин бажойе келтуруб турур, сўкуб турғон ерда таъаффуни зиёда қилур. Мисраъ:

*Ҳар чи гирад иллате иллат шавад.  
(Ҳар нарсага иллат тегса иллатга айланади).*

Чулоҳийнинг шогирдинким бўлмаслиқ керакдурким, неча муддатлар ўтарким, нах пайванд этмақни ўргонур. Ва бошқа ишлар ҳануз қайда турур. Толиб керакдурким, жидду жаҳди тамом била саъйе этсун, то нафий хотирда устод бўлсун. Ва билурким, на тариқа нафй этмақ керакдур. Ва ибтидода керакким, ҳеч нимарсага машғул бўлмасун, магар нафий хотирға. Ул кишиларким, рисоаларни мутолаъа этурлар ва сўзларни ул ердин териб олурлар, озорға ондин ҳеч нафъе йўқтур. Булар ҳаммаси бекорлиқ турур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг йўли ва иши юрмақ ва этмақ турур, на ойтмоқ ва эшитмақ турур. Агар киши Бағдодда подшоҳнинг ёнида ўлтурғон бўлса ва подшоҳ ҳузурида дойим бўла билса ва подшоҳ Шомға мактубе юборган бўлса, ул мактубдин ғойиблар ҳазза олурлар. Бағоят беақл ва жоҳил ва ғофил кишидурким, подшоҳнинг ҳузуридин ўз ихтиёри била узоқға кетса ва ул мактубни ўқумоқ учун Бағдоддин Шомға юз қўйса.

*Ўн бирлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар киши бир жойда ҳама жойда ва ҳар киши ҳама жойда ҳеч жойда.

*Ўн иккилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, парҳез этмақ яхши турур дору емақдин ва ҳар киши кўб еди турлук касаллар онда пайдо бўлур. Ул касални дафъ этмақ учун дору ер. сиҳҳат топар.

Вақтеким, сихҳат топди, яна кўб емакка юз қўйди. Яна дору ер ва сихҳат топар. Шундоғ неча маротаба иёода этди. Оқибат ул дору онга зарари куллий етирур. Ва шул тариқа кишиким гуноҳ қилди. Ва инобат этди, яна гуноҳ этти, яна инобат қилди. Яна гуноҳ этти. Бу инобатким, они батамоме гуноҳдин чиқормаса ва онда таъсири азим этмаса, бошқа бир гуноҳнинг мисли турур. Бу жиҳатдиндурким, аҳдуллоҳ парҳези куллийни ўзларига лозим тутуб, ҳама нимарсани тарк этиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға машғул бўлуб турурлар, то ногоҳ ғафлатнинг маразида ўлмасунлар.

*Ўн учлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, Жунайд куддиса сирруҳу ойтиб турурким, мууроқабада манинг устозим бир пишгак турур. Вақтиким, бир пишгакни сичқон тешугининг ёнида кўрдимким, ўлтурубдур, ондоғ онинг мутаважжиҳи бўлубдурким, аъзо-сида бир тук ҳаракат этмас эрди. Таъажжуб била онга қарадим, ногоҳ сирримға нидо эттиларким: «Эй, дун ҳиммат, ман санга мақсуд бўлмоқда сичқондин кам эрмасман ва сан манинг талабимда пишгакдин кам бўлмағил!» Шул кундин то алҳол мууроқабада бўлдим. Байт:

*Доники маро ёр чи гуфтаст имрўз.*

*Жуз мо бакасе дар мункир дида бадўз.*

(Биласанми, бугун ёр нима деди менга:

«Бирдан ўзгага қарама, кўзингни юм!»)

*Ўн тўртлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, дойимо Ҳақ субҳонаҳунинг ёди била бўлунлар, то ул ғоятғачаким, ўздин ғойиб бўлунг ва Ҳақ субҳонаҳу ҳаммадин латифроқ турур. Ҳар кишига латофат кўб бўлса, онинг Ҳақ субҳонаҳуға машғуллиқи кўб бўлур. Чулоҳ ва этукчи усто латифроқ турурлар ул кишидинким, ҳаммомға хасу хошок келтирур. Олорнинг қўлидин хасу хошок келтурмак келмас. Яна баззоз олардин латифроқ турур, чулоҳлик ва этукчиликға таҳаммуллари йўқ турур. Муллолар баззозлардин латифроқ турурлар, баззозлик эта билмаслар. Яна жамоатеким, Ҳақ субҳонаҳунинг жанобиға машғул турурлар, ҳаммадин латифроқ турурлар. Олорға сирр ва дил йўқтурурким, ғайри Ҳақ субҳонаҳуға машғул этсалар. Агар руъунатға борсалар, хуш келмастурким, ондин фориг бўлсалар ва агар сужудға борсалар хуш келмастурким, саждадин бош кўтарсалар. Бу тойифа ҳаммадин латифроқ турурлар. Ғайри Ҳақ субҳонаҳуға бир кўз юмуб очғунча таҳаммуллари йўқ турур. Анбиёлар олорнинг ҳолларига рашк этурлар. Ул жиҳатдин эрмастурким, олорнинг даражот ва камолотлари

анбиёнинг даражот ва камолотларидин зиёда турур. Лекин озорга шараф холадурким, доимо Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳунинг қурбида турурлар. Ва Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу озорни халқнинг назаридин пинҳон тутуб, бар сабили тамом озорни ўзига машғул қилиб турур. Масалан, бир подшо жамиъи умури мамлакатни муқаррабларидин бирига тафвиз этса ва ул подшоҳнинг амри била мамлакатда тасарруф қилса. Ва яна бир муқарраби афтободор турур, подшоҳнинг таҳорат сувини тартиб берур. Доимо подшоҳнинг ёнида турур. Албатта, улким мамоликда мутасарриф турур, подшоҳнинг наздида муқаррарроқ ва барғўзидароқ турур. Ва ҳар ойина агар онинг қобилияти кўб бўлмаса эрди, мамоликда мутасарриф бўлмас эрди. Лекин офтободорға бу шараф бордурким, доимо подшоҳнинг қурбида турур ва хизмати хоссаларни ул қилур ва ғайрига машғул эрмасдир. Ва илло ул қайда ва мамлакатда мутасарриф бўлмоқ қайда? Ул кишиким мамоликда мутасарриф турур кўрб жиҳатдин ва подшоҳнинг доимо хизматида бўлғон сабабидин турурким, ғабт элтур ва шак қилур.

*Ўн бешлончи раишҳа.* Бу байтнинг маъносидаким, Ҳазрати Мавлавий қуддиса сирруҳу ойтиб турурлар. Байт:

*Эй, дийда ажойибҳо бингар ажаб инаст, ин,  
Маъшуқ бар ошиқ бе вай не, ё бо вай не.*

(Эй, ажойибларни кўрган киши, қара,  
ажойиб шу нарсани,

(Ошиқ маъшуқ билан бирга ҳам эмас,  
усиз ҳам эмас).

Ойтур эрдиларким, агар киши уч минг йил учса, «бевай» (усиз)ни ва «бовай» (у билан)нинг маъносини топа билмас. Бас, қурби Ҳақни нечун идрок эта билур? Лекин вақтиким саъй этса ва жидд била машғул бўлса, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло онга ул чоғлиқ идрок ва яқийн қаромат қилурким, бу маънони топарким, Ҳақ субҳонаҳу олис эрмас эркон ва ул ғафлат кўргузур эркон. Аҳдуллоҳға яқийне ҳосил бўлурким, Ҳақ субҳонаҳунинг вужуди борлиқда ҳеч тариқа гумон ва тараддуд қолмас. Ондоғким, кишига ўзининг вужуди борлиқида шак йўқтурур, эғнида ҳар неча жомалари бўлса ва кўзини юмса, ўз вужудини йўқ қилмас ва ёдидин чиқариб шакка тушмас.

*Ўн олтилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, вақтиким, зикр либоси ҳарфдин ва савтдин ва арабий ва форсийдин мужаррад бўлса

ва жамиъи жиҳатдин ҳам мужаррад бўлса, ул замон мақоми ша-  
жариййатга етишур ва толиб ҳама вақтда ондин мева еса бўлур.  
Қавлуҳу таъоло: «Туйти аклуҳо куллу ҳийн»<sup>1</sup>. Зикр мисли ҳабба-  
дурким, маърифатнинг дарахти ондин кўқарур. Қола субҳонаҳу ва  
таъоло: «Мисли калиматин тойийбатин кашажаратин тайийбатин»<sup>2</sup>.  
Ондоғким, дарахт ҳаббадин бош чиқорур. Тавҳид сирфким, му-  
жаррад турур либоси ҳарфдин ва савтдин ва арабий ва форсий ва  
шакл ва лавну кайф ва камдину жамиъ жиҳатдин мужаррад ту-  
рур, калиманинг мазмунидин зоҳир бўлур.

**Ҳазрати Мавлоно**  
**қуддуса сирруҳунинг ҳавориқ одатлари**  
**жумласидин турурлар**

Хизмати Мавлоно Алоуддинким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуд-  
диннинг ажиллаи асҳобларидин эрдилар ва озорнинг зикрлари  
келур. Ойтур эрдиларким, ман касал эрдим. Ва Ҳазрати Мавлоно  
манинг иёдатимга келдилар ва суфанинг канорида ўлтурдилар ва  
лаҳзае муруқаба эттилар ва муборак бошларини ошоқ солдилар ва  
ул суфанинг сақфида озорнинг муборак бошларини юқорисида  
дарча бор эрди. Ногоҳ бир сичқон ул дарчанинг каноридин бир оз  
туфроқ сочди. Бўйунлариға ва ёқалариға тўкилди. Бош кўтардилар  
ва юқориға боқдилар ва яна муруқиб бўлдилар. Ва ул сичқон яна  
бироз туфроқ сочди, яна қарадилар. Шундоғ уч мартаба бу суврат  
воқеъ бўлди. Тўртлончи мартаба қарадилар ва ғазаб юзидин ойтди-  
лар: «Ҳей, мушаки беодоб!» Ул вақт турдилар ва ташқари чиқти-  
лар ва ман фиरोшимда ўлтуруб эрдим ва ул сувратдин қўб хижо-  
латим бор эрди. Лаҳзадин сўнг кўрдимким, ул дарчаға бир пиш-  
гак пайдо бўлди ва каминда ўлтурди. Ногоҳ бир сичқон туфроқ  
сочди. Ул пишгак сачраб панжаси била сичқонни тешукдин ташқ-  
ариға чекти ва ўлтурди ва бир оз ондин еди ва бу кун санадим ул  
пишгак ул тешукдин ўн саккиз сичқон ташқари чиқарди ва чай-  
наб ўлтуруб қўйиб кетди.

Мавлоно Пирали биродари Мавлоно Алоуддинким, ул ҳам  
Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддуса сирруҳунинг мухлислари  
жумласидин эрди, нақл қилибдурким, жома сотатурғон дўконим

<sup>1</sup>(Бу дарахт) Парвардигорнинг изни билан ҳар вақт мевасини берур...  
(Иброҳим, 25-оят мазмуни.)

<sup>2</sup>(Бунинг) мисоли чиройли сўз худди чиройли бир дарахтдай...  
(Иброҳим, 24-оят мазмуни.)

бор эрди. Бир кун муҳассил пиёда сувратида келиб, бир от келтуруб хушунат ва сафоҳат оғоз этди. Ва ул маҳалда манга они бароти важҳига адо қилғудек қудрат йўқ эрди. Ҳайрон бўлуб, дармонда қолдим. Бу ҳолга муқорин Ҳазрати Мавлоно пайдо бўлдилар. Вақтиким, ул ташаддудни ондин кўрдилар, муборак қўлларини онинг орқасига қўйдилар ва ойтдилар: «Ҳай, додар, тилингни сақлагил!» Вақтиким қўллари орқасига етушди, беҳуш бўлуб бозорнинг ўртасинда йиқилди ва кўб муддати ул ҳолда ётди. Ва озор манинг дўконимнинг эшигида ўлтуруб эрдилар, вақтиким ўз ҳолига келди, ниёзи тамом била турди ва озорнинг оёқларига йиқилди. Ва юзини оёқларига суртди. Ва ул шуглдин ружуъ этди ва тариқатга юз қўйди. Ва ҳам ул нақл этибдурким, фарзандларининг волидаси ҳомила эрди ва онинг ҳамлидин тўрт ой ўтуб эрди. Ул кунларда жанинни тушурмакка қасд этди. Ва жаннин онинг нисба тидин тушди. Ва ул ўлмакка яқин етди. Ва онинг ҳоли бошқа бўлди, изтироби тамом била озорнинг ёнларига югурдим. Кўрдимким, уламо ва сулаҳолардин кўб одамлар озорнинг ёнларида жамъ бўлубдурлар. Яқин бориб сўз ойтмоқға мажол йўқ турур, мутаҳаййир бўлдим. Ва билмадимким, на чора қилурман. Вақтеким, озорнинг кўзлари манга тушди, дарҳол турдилар ва манзил тарафга равон бўлдилар. Ва асҳоблардин жамъе изидин келур эрдилар. Ва ул аснода мани ёнларига чоқирдилар ва ойтдилар: «Ул золимаға ойтгилким, бир мартаба ҳам фалон тарихда бу ҳаракатни этиб эрдинг ва сандин афв этиб эрдук. Бу мартаба ҳам сандин афв этдук. Агар яна бир мартаба бу зулм сандин содир бўлса, сезонгни кўрарсан». Ман хушдил бўлуб таъжил била қойтдим. Вақтиким уйга келдим, кўрдимким, онинг ҳоли салоҳға келибдур, ул мараздин асаре қолмай турур. Ва қиссани онга ойтдим. Йиғлади ва ойтди: «Рост ойтиб турурлар. Ул тарихда бир мартаба қасд этиб эрдим ва ўлмакдин қутулдим.» Бас, Худоға аҳд этдиким, эмди мундоғ қасдни этмағой.

Хизмати Мавлоно Алоуддин қуддиса сирруҳу ойтдилар: «Ул фурсатдаким, Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларида бўлур эрдим, бир кун Кўҳистон вилоятининг қосиде келдиким, волидиндин мактуб келтурубдур. Мани муболага ва таъкиди балиғ била талаб этибдурлар, токим кадхудо қилсалар. Бу сувратдин бағоят малул бўлдимким, мабодо озорнинг шарафи мулозаматларидин маҳрум бўлурман. Ўзумға ойтдим: «Вақтиким, озор мактубнинг мазмуниға итилоъ топсалар, ҳар ойина мани сақларлар ва қўймасларким, Кўҳистонга кетсам». Вақтиким, озорнинг ёнларига кир-

дим, ҳануз мактубнинг мазмунини арз этгоним йўқ эрдиким, ойтдилар: «Вақтиким, муболага била талаб этиб турурлар, кетмак керакдур». Ман борғонимдин сўнг ҳам шул ҳафтада мани кадхудо этдилар. Ва саккиз йил ул жойда қолдим. Лекин, ул муддатларда ҳамишга олонинг хизматлариға мутаважжиҳ эрдим. Ва олонинг ботини шарифларидин истифоза этур эрдим. Ва ул диёрда омиле ва золиме бор эрдиким, молу хирожотнинг таважжуҳида манга қўб таъаддий этар эрди. Ва зулм ва бедодини ҳаддин ўтқарур эрди. Ва ман ҳеч эта билмас эрдим онинг дафъи зулмини қайси тариқ била қилурман?!. Охир ботинда Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин Кошғарий Ҳазрат)ға мутаважжиҳ бўлдим ва истиғоса этдим. Бир кеча олонри тушимда кўрдиким, қўлларида ўқ-ёйлари бор, ногоҳ ул омил баробарида пайдо бўлди. Олор ул ўқни ёйда қўйуб тортдилар ва онинг тарафига отдилар. Вақтиким уйғондим, ўзумга ойтдим: «То на била ул бадбахтнинг олдиға келгусидир». Эртаси кун онинг ёнимға бордим ва ойтдим:

«Ҳозир бўлким, бир улуг бало санга юз қўйғусидур». (Бефарқ) бўлди ва истехзо кўргузди ва беодобона сўзлар ойтди. Уч кундин сўнг онинг баданининг ярми фалаж бўлди ва қайтиб ўрнидин турмади.

Ва ҳам Ҳазрати Мавлавий (Жомий) ойтдиларким, ул кунлардаким, Кўхистон вилоятида эрдим, бир мартаба бир оз тухли фила (пилла) тутуб эрдим. Бир кун баланд тут дарахтининг устида йуфроқ кесар эрдим ва ул иш асносида нисбати робитани варзиш қилур эрдим. Ногоҳ оёғим турғон шох синди ва ман дарахтининг устидин жудо бўлдим. Кўрдиким, Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин) пайдо бўлдилар. Мани ҳаводин олиб саломат бўлғон ҳолимда ерда қўйдилар. Ондоғким, манинг ҳеч узвимға айб етушмади. Бу маънони пинҳон тутдим. Вақтеким, олонинг мулозаматлариға мушарраф бўлдим, хоҳладиким, ул золимнинг фалаж бўлғон қиссасини ва ўзумнинг дарахтдин йиқилганимни арз этайин. Ман сўз ибтидо этмасимдин аввал ойтдиларким: «Золимларнинг йиқилғони бошқа турур ва мазлумларнинг йиқилғони бошқа».

Ва ҳам хизмати Мавлавий (Жомий) ойтдиларким, мабодий аҳволда вақтиким, Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин) Ҳиротда манга зикри дилни таълим этгилар, ойтдиларким: «Манинг олдимда неча мартаба зикри дил била ойтғил!» Ман ибтидо қилдим ва дилни зикрга машғул этдим. Ойтдиларким: «Мундоғ этмагил ва зикрда дилга ҳаракат бермагил. Балким мафҳуми зикрни дилга ҳамл этгил, то вақтиким дил мафҳуми зикрдин мутаассир бўлуб ўзи

ҳаракатга кирар, ул замон ишни онга қўйғил». Ва ул маҳалдаким, озор ҳаракати дилдин манга хабар бердилар, манга ақида йўқ эрдиким, ернинг ҳама юзида одаме зоҳир бўлсаким, одамларнинг дарунидин ва халқнинг диллари аҳволидин огоҳ бўлса, ман бу таажжуб ва таҳаййурга тушдим ва зикр ойтмоқдин қолдим. Бу ҳолга муқорин ойтдиларким: «Нега ҳайрон қолибсан, валлоҳиким, манга Балхда муриде турур, баққол дўконида ўлтургон ва ман бу ерда онинг таъдилини ондин яхши билурман». Бу маънога мутталиъ бўлгондин сўнг манга кайфиййати азим даст берди. Ондин сўнг озорнинг этганини маҳкам тутдим.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад раҳматуллоҳким, Ҳазрати Махлуми Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон ал-Жомий қуддиса сирруҳус-сомийнинг кичик биродарлари эрди, ондин манқул турурким, ойтдилар: «Ман мабодийи аҳволда илми касирнинг аъмолиға ва онинг шуғлиға маъшуф бўлдим ва қўб авқоти шарифни онга сарф қилдим ва қўб тажрибаларни қўлға келтурдим. Ва ишга яқин нишонларни мушоҳада этдим. Аммо улчаким, Ҳақ эрди зоҳир бўлмас эрди ва манинг хотирим ул ишнинг шуғлида ва таркида мутараддид эрди. Ва бу жиҳатдин бағоят шикастобал ва паришонҳол эрдим. Бир кун бу паришонлиқда, саргардонлиғда хушлиқ била бозорга кирдим. Ҷақтиким, чорсуға яқин етиб эрдим, қўб одамларнинг орасиға тушдим. Ногоҳ бир киши изимдин келди ва қўлини бўйнимға солди. Қарадим, кўрдимким, Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин) эрконлар. Таваққуф қилдим ва ниёзмандлиқ кўргуздим. Озор ойтдиларким: «Ҳей, додар!» Қитъа:

*Кимёйи туро кунам таълим,  
Ки дар иксиру дар синоъат нест.  
Рав, қаноат гузин, ки дар олам,  
Кимёйи беҳаз қаноат нест.  
(Кимёни сенга таълим берайинки,  
У иксир ва санъат (хунар)да ҳам йўқдир.  
Боргин, қаноатни ихтиёр қил,  
Қаноатдек бу оламда кимё йўқдир.)*

Бу қитъани ўқудилар, турмай ўтуб кетдилар.

Озор кетгонлардин сўнг ул шуғл манинг кўнглимдин куллиййа зойил бўлди. Ва хотир батамом ул дағдағдин халос топди. Ва яқин билдимким, ул тасарруфе эрдиким маҳзи шафқат ваҷҳидин олардин бу фақирға нисбат содир бўлди.

Хизмати Мавлоно Алоуддин ойтур эрдиларким, авоиلى ҳола-даким, Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларини ихтиёр этдим, оло-руму расмийнинг тарки таҳсилига ишорат этдилар ва баъзи са-боқларимниким, арабиййат ва мантиқ ва калом фаннида бор эрди, тамомини кўйдим. Аммо Амир Саййид Асиллидин муҳаддис алай-ҳир раҳмининг олдида ҳадис китоби ўтқарур эрдим. Тамом бўлмақға яқин етушуб эрди. Ўзимга ойтдим: «Ҳадис ўқумоқ монё бўлмас-тур. Боре, ул китобни тамом қилойин».

Сабоҳи шанба эрдиким, бир жуз ҳадисни кўтордим. Даруни шаҳрдин Чилгаз маҳалласигаким, хизмати Саййид ул жойда эрди, мутаважжих бўлдим. Вақтиким, Дарвозаи Маликдин ташқориға қадам кўйдим, кўрдимким, бир оғир бандким, темурдин бўлғон, оёқимда пайдо бўлди. Ондогким, оёқимни душворлиқ била кўта-рур эрдим. Бу сувратдин бағоят мутаваҳҳиш ва мутаҳаййир бўлдим ва одамларға қарар эрдимким, оё не дерлар? Кўрдимким, маъноға ҳеч киши ҳозир эрмастур. Меҳнати тамом бирла кўфрукдин ўтдум. Бу аснода кўрдимким, дасторни бошимдин олинди ва бош яланг қолдим. Таваҳҳуш ва таҳаййурим зиёда бўлди. Бир-икки қадам яна кўйдим. Эғнимдин фаражимни олдилар. Шундоғ ҳар икки-уч қадамда баданимдин бир нимарсани олдилар, то салла ва фараже ва белбоғ ва жома ва кўйлак тамомиси кетди ва ман изор била қолдим. Ва ул оғир банд оёқимда қолди. Бозорчаға яқин етушдим. Ўзимга ойтдим: «Агар яна бир қадам илғори кўйсанг изор ҳам кетор ва ул замон расво бўлурсан». Дарҳол ул ердин қойтдим. Кўрдим, кўйлак баданимға келди ва ҳар мавзеъдаким, мандин бир нимарса йўқ бўлуб эрди, вақтиким ул жойға етушдим, ул нимарса ўз жойиға келур эрди. Вақтиким, шаҳарнинг дарвозаси бўсағасидин ичқори қадам кўйдим, ул бандим оёқимдин йўқ бўлди. Фил-фавр кўнглум мутолабадин нуфур этиб, оло-рунинг мулозаматлариға югурдим. Кўрдимким, Масжиди Жомеъда муруқабаға машғул турурлар. Оҳис-та келдим, ўлтурдим. Ногоҳ муборак бошларини кўтардилар ва ман тарафға мутаважжих бўлдилар ва табассум этдилар. Табассум-ларидин манга маълум бўлдиким, ул тасарруфе эрдиким, оло-рудин воқеъ бўлди.

Ва ҳам хизмати Мавлавий ойтдиларким: Бир кун манга қабзи азим ориз бўлди ва ҳузни қавий галаба этди. Ондогким, бетоқат бўлдим, жойимдин туруб Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин)нинг са-ройлари эшигига келдим. Ва оло-руға мутаважжих бўлуб, кўнгулда илтимос ва зорилик оғоз этдимким, иноят қилинг ва мани аламу андуҳдин чиқоринг. Бу ҳолда ташқори чиқтилар ва бастнинг асар ла-

ри оlorдин зоҳир эрди. Табассум этиб илгари келдилар, ўнг қўллари била манинг яқомдин тутуб чектилар ва ондин сўнг шаҳодат бармоқларини манинг бўйнумининг охирасида қўйдилар. Дарҳол манинг ботинимда суруре ва кўнглумда фарахе ва ҳузуре ҳол бўлди. Ва иншироҳе манинг сийнамада пайдо бўлдимки, то тўрт ой муддатиғача муттасил кўнглум гул каби очилди. Ва қаҳқаҳа била кулар эрдим. Ва муниги асарлари башарамдин зоҳир эрди, ул масобадаким, лабим кулмақдин йиғнолмас эрди.

Ва ҳам хизмати Мавлавий ойтдиларким, бир кеча расму одат аҳлидин жамъе била рақсу самоъ иттифоқ тушди. Вақтиким, сабоҳ оlorнинг мулозаматлариға келдим, ул ерда акобир ва аҳолидин жамъе ҳозир эрдилар. Оlor ғазаб юзидин ман тарафға назар этдилар, дарҳол кўрдимким, бори азим манга тушди. Хаёл этдимким, бир улуғ тоғни келтириб манинг эғнимда қўйдилар. Шундоғ мунҳаний бўлдимким, бурним ерга яқин етди ва нафасим танглик этти ва мутаъоқиб бўлди. Манглайимдин тер оқа берди. Ва ул кўрқув бўлдимким, робитаи ҳаётим мунқатий бўлур. Хизмати Мавлоно Шаҳобуддин Аҳмад Баржандий алайҳир раҳмаким, мутабаҳҳир донишмандлардин ва оlorнинг асҳоблари киборидин эрди ва онинг зикри келур, вақтиким, манинг ожизлиқим ва бечоралиқимни кўрди, оlorнинг тарафиға манинг учун дархост ва тавозеъ кўргузди. Ва ниёзмандлик этди. Оlor соатедин сўнг хизмати Мавлоно Шоҳобуддин Аҳмадға мутаважжиҳ бўлдилар. Ва ойтдиларким, каллапаз қоринни ул олудалиқи била шундоғ покиза этар ва пиширурким, туббоъи салималар онинг тановулиға рағбат этарлар. Биз ҳам баъзи нуфусни покиза этмақта ул каллапаздин кам эрмасмиз. Ва бу сўзни ойтдилар ўнг кафтларини чап кафтларида қўйдилар. Ва қўллариға молиш бердилар. Дарҳол ул бор манинг эғнимдин кўтарилди ва ул оғирлиқ зоил бўлди.

Хизмати устози Махдумий Ҳофиз Гиёсиддин муҳаддис раҳматуллоҳким, уламоий замондин ва ажилларидин ва Ҳиротнинг аъёнларидин эрди ва Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиси сирруҳунинг назарлариға етушуб эрдилар ва Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умарнинг мулозаматлариға ва оlorнинг волиди бузрукворлари Шайх Нуруддин Муҳаммад қаддасаллоҳу руҳаҳумонинг мулозаматларини кўб этиб эрди ва Султон Абдусъид Мирзонинг наздида муқарраб эрди, бир мартабаким, гоҳо Мирзонинг тахтининг устида ўлтуруб. Мирзо учун маснавий ўқур эрди. Ойтур эрдиким, бир куни Масжиди Жомеъда Мавлоно Саъуддин қуддиси сирруҳунинг мулозаматлариға бордим. Ул мажлисда кўб ула-

мо ва фуқаро ҳозир эрди. Ва саффи наъбалда ҳама ҳозирлардин ошоқда бир фақири Кӯҳистоний ўлтуруб эрди. Ва Ҳазрати Мавлоно сукут этиб ўлтуруб эрди. Ногоҳ бош кўтардилар ва ул Кӯҳистоний фақирни ёнларига чиқардилар. Онинг қўлини тутиб маининг қўлимға бердилар ва ойтдиларким: «Они санга топшурдим. Онинг мадади ва ҳимоятида тақсир этмаг ил». Ман қабул қилдим. Ва манга ва ҳеч кишиг а бу сипоришнинг сирри маълум бўлмади. То ўн беш йилдин сўнгким, Ҳазрати Мавлоно вафот топиб эрдилар, Мирзо Султон Абу Саъиднинг замониди шахсе пайдо бўлдимким, умаронинг мадади бирла одамларни жухудлиқ тухмати бирла тутиб, кўб маблағлар олур эрди. Иттифоқо ул Кӯҳистоний фақирни тутиб эрди. Вақиким, онинг моли ва жиҳати йўқ эрдиким, онинг халосиға сабаб бўлса, онинг иши ўлтурурмакка қарор топиб эрди, то бошқа одамлар қўрқсинлар. Ва ул тухмат била тутғучи кишининг иши ривож бўлиб, бозори қизисун. Охир муҳим анжом топтиким, онинг бўйниға иф солиб, дарвозаи Ироқға келтурдилар. То ул ерда они дорда осурлар. Бу аснода ман Мирзонинг ёнидин қойтиб, манзилимга борур эрдим. Дарвозаға келдим ва одамларнинг издиҳомини кўрдим ва сўрадим: «Ким, не нимарса турур?» Ойтдилар: «Фақирени жухудлиқ тухмати била тутиб турурлар ва хоҳларларким ўлтурсалар». Ман илгари бордим. Вақтиким, кўзи манга тушди фарёд этдиким: «Эй, Ҳофиз, ман ул фақири Кӯҳистоний турурманким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Масжиди Жомеъда мани санга топшуруб эрдилар ва ойтуб эрдиларким, онинг мадади ва ҳимоятида тақсир этмагил ва сиз қабул этдингиз. Эмди бугун мадад ва ҳимоят вақти турур». Вақтиким, онга яхши қарадим, тонидим. Дарҳол они ул балодин халос этдим ва ул ердин Мирзонинг мулозаматиға бордим. Ул фақирнинг қиссасини ва Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин)нинг сипоришини арз этдим ва Мирзо ул тухмат этгучини онинг ўзига сиёсат этди ва ул фақир ва сойир одамлар онинг шарридин халос топдилар. Ва хизмати Ҳофиз бу ҳикоятни тақрир эткондин сўнг бу икки байт-ни маснавийдин ўқудилар. Байт:

*Аз наст сад сол ҳар чи ояд бар ў,  
Пир ме бинад муъайян мў-бамў.  
Гар бимирад дид у боқий бувад,  
З-он ки дидаш диди Халлоқий бувад.*

(Юз йилдан сўнг ҳам унинг

бошиға нимаки келадиган бўлса,

Пир ипидан игнасигача барчасини аниқ кўради.  
Ўзи ўлса-да, унинг кўриши боқий бўлади,  
Чунки унинг кўриши Аллоҳ орқали бўлади).

Хизмати Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсавий Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қаддасаллоҳу руҳаҳу била кўб суҳбатлар тутдилар. Ажиллаи асҳобларидин баъзилари шундоғ ойтибдурларким, бир кун хизмати Хожа Ҳазрати Мавлоноға ойтибтурурларким, манинг олдимға икки азим мушқил келиб турур ҳақойиқи тавҳиддинким, онинг ҳаллидин ожиз турурман ва ул мушқилни очғудек кишини ҳам билмасман. Ва бу жиҳатдин манинг хотирим дарбор турур. Ва сафар ихтиёр этмак хоҳларман. Бўлғойким, бир киши топиб бу борни хотиримдин рафъ этсам. Ҳазрати Мавлоно ойтдиларким: «Сиз эртанг сабоҳда ул мушқилотнинг ҳалли ниййати била бу жониба мутаважжих бўлунг. Шоядким, сафар этмак эҳтиёжингиз бўлмағай». Ва хизмати Хожа эртаси кун келиб турурлар. Вақтиким, оларнинг кўзлари Ҳазрати Мавлононинг юзларига тушубдур, наъра уруб беҳуш бўлуб турурлар. Ва неча муддати ул беҳудликда қолибдурлар. Ифоқа ва шуъурға келгондин сўнг маснавийнинг бу байтларини ўқуб турурлар. Байт:

*Эй, жамоли ту жавоби ҳар савол,  
Мушқил аз ту ҳал шуда беқийлу қол.  
(Сенинг жамолинг ҳар қандай саволга жавобдир,  
Ҳар бир мушқил сен туфайли  
гап-сўзсиз ҳал бўлувчидир).*

Бас, сафарнинг дағдағаси хотири муборакларидин муртафий бўлубдур. Бир кун бир маҳрам хилватда хизмати Хожадин сўрабдурким: «Сизга ул кун не бўлдиким, кўб муддати беҳуш бўлиб ётдингиз ва ондин сўнг сафарни тарк этдингиз?» Ойтдиларким: «Вақтиким, кўзум олонинг рост абру (ўнг қош)ларига тушди, бир мушқилим ҳал бўлди. Яна кўзим чап абруларига тушди, яна бир мушқилим ҳал бўлди. Онинг лаззати ва завқидин фарёд этдим ва беҳуд бўлуб йиқилдим».

«Нафоҳат ул-унс»да мазкурдурким, дарвишлардин бирлариким, олонинг суҳбатларига етишуб эрди, шундоғ ҳикоят этиб дерким: «Манга ваъз мажлисларидаким, дарвишларнинг маъорифлари ўтар эрди, кўб тағайиур бўлур эрди. Фарёд этуб, наъралар урор эрдим. Ва ондин маҳжуб бўлур эрдим. Бир кун они Ҳазрати

Мавлонога ойтдим. Ойтдилар: «Санга ҳар қачон тағйире бўлса, мани хотиринга келтур». Ул вақтдаким, озор сафари Ҳижозга кетиб эрдилар, манга мадрасаларнинг биридаким, ул ерда азизе ваъз ойтур эрди, тағйир бўлмоқ бошлади. Озорга таважжуҳ этдим. Кўрдимким, мадрасадин кирдилар ва манинг ёнимга келдилар ва икки қўлларини манинг орқамга қўйдилар. Ман ўзумдин кетдим ва беҳуш бўлуб йиқилдим. Ул замондаким, ўз ҳолимга келдим мажлис бузулуб, аҳли мажлис кетиб эрдилар ва офтоб устимга тушуб эрди. Ва ул кун рамазондин охир панжшанба куни эрдиким, то ийд кунигача бошқа панжшанба йўқ эрди. Они хотиримда сақладимким, вақтиким Маккадин келсалар, озорга ойтурман. Вақтиким, Маккадин ташриф эттилар, хизматлариға мушарраф бўлдум. Жамъе озорнинг ёнлариға келиб ўлтуруб эрдилар, ойда билмадимким, они озорга ойтсам. Ул ҳолда манга қарадилар ва ойтдилар: «Панжшанбае эрдиким, ондин сўнг то ийд кунигача панжшанба йўқ эрди».

Ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг вафотлари жумодил-охирнинг еттилончисида чаҳоршанба кунида сана саккиз юз олтмишда (1455) эрди. Баъзи аҳолидин эшитулдиким, озорнинг таъзияси кунида Ҳазрати Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсавий қуддиси сирруҳу мажлис қуруб ваъз ойтдилар ва ул аснода минбарнинг устида бу байтни ўқидилар. Байт:

*Як мушти хок оинайи шуд ба рўзгор,  
Банамуд ваъҳи боқийу, бас хок тўда шуд.  
(Бир сиқим тупроқ ҳаётда ойнага айланди,  
Гарчи ундан бир тўда тупроқ қолса-да,  
бирок боқий юз (оина) ундан боқий қолди).*

Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳунинг икки фарзанди Бузругворлари бор эрди. Бирлари Хожа Муҳаммад Акбар маъруф турур Хожа Калон лақаби билаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)-нинг асҳоблари силкида тавфиқи инхирот топиб эрди. Ва икки мартаба Ҳиротдин Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларида Мовароуннаҳрга бориб эрдилар. Аввалғи мартабаким, бу ҳуруфнинг роқими Ҳазрати Эшоннинг остон бўслиқлариға мутаважжиҳ эрди. Чилдўхтарон қариясида Хожаи Калоннинг суҳбатлариға мушарраф бўлди. Ва ул Ҳазрати Хожанинг навбати сонийлари эрдиким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида кетдилар. Вақтиким, фақирни кўрдилар, мутаажжиб бўлиб сўрадиларким: «На ерга борурсан

ва на добиянг бор турур?» Фақир ўз дағдағамдин мужмале арз эттим. Кўб башошат кўргузулар. Ва ойтдиларким: «Мандин жудо бўлмағил, то бир-биримизнинг мувофақатимиз ва муурофақатимиз била бу йўлни қатъ этолук». Қабул эттим. Олор фақирнинг ихмол ва исқолларини ва мутааллиқларини ўз ёнларига келтурдилар. Ва ул сафарда шафқатлар ва кўб иноятлар эттилар. Вақтиким, Бухорога келдук, аксар ихмол ва исқолларни ва ходимлар ва мутааллиқларни ул ерда қўйуб, Хожанинг хизматида Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин жамъе била Бухоронинг музориъларида бўлур эрдилар, Насаф вилоятига мутаважжиҳ бўлдук ва Қаршида Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға мустаъид бўлдук. Ва хилоли мажолисида Ҳазрати Эшондин Хожа Калонга нисбат кўб илтифотлар, беҳад ва бешумор илтифотларни мушоҳада этулур эрди. Ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддинға бўлгон хусусиятлардин ва мусоҳабатлардин кўб нақллар эшитулди. Бир кун хилватда Ҳазрати Хожани нафий исбоғ тариқиға амр этдилар ва ойтдиларким: «Бу тариқа машғул бўлун! Вақтиким, Ҳиротга муурожаъат этсангиз, ҳар киши сизнинг учун келса, они ҳам бу тариқаға амр этинг ва зикр таълим беринг. Сизнинг волиди бузрукворингиз Мавлоно Саъдуддин, вақтиким, Ҳиротга кетиб турурлар, сулуклари ҳануз тамом бўлгон йўқ эркон, аммо Ҳиротда ёрон пайдо этибдурлар ва олорни ишга машғул этиб, ўзлари ҳам кўб машғуллик этиб турурлар, то ишлари илгори ўтуб турур ва сулуклари ниҳоятға етушуб турур. Сиз ҳам керакким, ишда бўлсангиз, то муҳимларингиз итмомиға етушса». Бас, маснавийнинг бу байтини ўқидиларким. Маснавий:

*Ҳосили он омад, ки ёри жамъе бош,*

*Ҳамчу бутгар аз ҳажар ёри тарош.*

(Вақти келдики, жамоатнинг ҳамроҳи бўл,

Бутпараст тошдан дўст ясаганидек,

сен ҳам ўзингга Дўст топ).

Ва неча вақтлардин сўнгким, Ҳазрати Эшон Хожаға Хуросонга кетмакнинг рухсатини бердилар, фақирға ҳам волидайннинг мулозаматлариға муурожаат этмакка амр эттилар. Бу фақир Ҳазрати Эшоннинг амрлари жиҳатидин Хожанинг муурофақатида яна Бухорога келди ва олор ул ерда неча кунлар макс этдилар ва фақир олорнинг ижозати била тезроқ Хуросонга мутаважжиҳ бўлди. Бир-икки ойтдин сўнг олор ҳам Ҳиротга келдилар. Ва ҳамишга бу каминанинг ҳолиға илтифот кўргузуб, кўб лутфлар этиб эрди-

лар, токим ўн беш йил ўтгандин сўнг фарзандликка ва бандаликка қабул эттилар.

Бир кун Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдуллаҳмон Жомий қуддиса сирруҳу тақрибан Хожа Калоннинг сифатида ва озорнинг тийнатларининг покизалиқида бу мисраъни ўқудилар.  
Мисраъ:

*Хоки ў беҳтар зи хуни дигарон.*  
(Унинг туфроғи бошқаларнинг қонидан яхшироғдур).

Ва Ҳазрати Мавлоно қуддиса сирруҳунинг иккиланчи фарзандлари Хожа Муҳаммад Асфарким, машҳур эрди Хожа Хурд лақаби билаким, улуми зоҳирий ва ахлоқи ботинийдин баҳраи тамомлари бор эрди ва иккилари ҳам ҳофизи каломуллоҳ эрдилар. Ва дақойиқи тафсир ва ҳақойиқи таъвилға мутталиъ ва огоҳ эрдилар. Ва Ҳазрати Хожа Хурднинг вафотлари Доварзамин вилоятида воқеа бўлуб эрди. Сана тўққиз юз олтида (1500) эрди. Ва худдомларидин баъзилари озорнинг наъшини ул жойтдин Ҳиротга келтуруб(дур)лар. Ва тахти мазорда волиди шарифларининг ақибида мадфун турурлар. Раҳматуллоҳи таъоло.

***Мавлоно Нуруддин Абдуллаҳмон ал-Жомий  
қуддиса сирруҳус-сомий***

Озорнинг лақаби асллари Имодуллодин турур ва лақаби машҳурлари Нуруддин. Валодатлари Харжарди Жомда эркон, шаъбони муъаззамнинг йигирма учлончиси, вақти ишода сана саккиз юз ўн еттида (1414) эрди, ондоғким, қасидаи «Рашҳи бол бишгарҳи ҳол»да озорнинг воқойиъи ҳолатидин мужмалига муштамил турур, муддати ҳаётларида шундоғ ойтиб турурлар. Назм:

*Ба соли ҳашт саду ҳафтдаҳ зи ҳижрати Набавий,  
Ки зад зи Макка ба Ясриб суродқоти Жалол.  
Зи авжи қуллаи парвозгоҳ иззи қадам,  
Бадин ҳазийзи ҳавон суст кардаам нуру бол.*  
(Пайғамбаримиз улуғлик чодирини Маккадан

Ясрибга тиккан кундан,  
яъни, ҳижратдан 817 (1414) йил ўтганда, парвозгоҳ  
ҳисобланган чўққининг юқорисидан,  
Бу паст дунёга тушмоқ учун қанотларимни суст этдим).

Пушида қолмасунким, Ҳазрати Махдумнинг нисбати шарифлари шайхи олим ва омил, имом ул-мухтаҳидийн, вори-си улумил-анбиё вал-мурсаин Имом Муҳаммад Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳға етушурким, мухтаҳидларнинг улуғларидин эрдилар. Ҳазрати Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (разийаллоҳу анҳу)нинг мазҳабларида ва соҳибайннинг бирлари турур. Ва ул Муҳаммад ибни Абдуллоҳ ибни Товус ибни Ҳурмуз аш-Шайбоний. Ва Ҳурмуз Бағдодда подшоҳ эрди. Ҳазрати Умар ибни Хаттоб (разийаллоҳу анҳу)нинг қўлларида иймон келтуруб эрди. «Мусаффо» деган китобда зикр этибдурларким, Имом Муҳаммад билан Абу Ҳанифа раҳматуллоҳнинг ораларида қаробати қариба бор турур. Онинг учунким, Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибни Абдуллоҳ ибни Товус ибни Ҳурмуз подшоҳ эрди. Ҳазрати Умар (разийаллоҳу анҳу)нинг қўлларида иймон келтуруб эрди ва Абу Ҳанифа Нуъмон ибни Собит ибни Товус ибни Ҳурмуз турурлар. Ва Ҳазрати Махдумнинг волидлари Мавлоно Низомуддин Аҳмад Даштий турур. Ва боболари Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Даштийким, аҳли илму тақвонинг машҳурларидин эрдилар. Махрусай Исфаҳондин маҳаллаи Даштға мансуб эрдиларким, ҳаводиси замоннинг баъзисининг воситаси була ватани маълуфларидин Жом вилоятга келдилар. Қазову фатво амрига иштиғол кўргуздилар ва олонинг оталарининг волидлари Имом Муҳаммад Шайбонийнинг фарзандларидин турур. Онинг учунким, Мавлоно Қивомуддин Муҳаммад Имом Муҳаммаднинг фарзандлари жумласидин турур. Ул валодаким, ўз вилоятларидин Жом диёрига келдилар, ўз сулбиййаларини Мавлоно Шарафуддин Жомий Шоҳмуфтий фақоҳатпаноҳнинг силки издивожлариға мунтазам ойлантирдилар ва ул издивожи валодатнинг натижаси мастура турурким, Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Даштий они ҳуболаи муноқаҳатиға келтурди. Ва ондин Мавлоно Низомуддин Аҳмадким, олонинг волиди шарифлари турур, мутаваллид бўлди. Ва олонинг оболари то Жом вилоятида сокин эрдилар, китобат ва сижиллот ва қибалажотда Даштий деб иборат ёзар эрдилар. Вақтиким, рахти иқоматни Ҳиротга келтурдилар, онинг жойиға лафзи Жомийни рақам этдилар ва ул йилким, Ҳазрати Махдум таваллуд топибдурлар, ҳоқони мағфур Шоҳруҳ Султон Анораллоҳу бурҳонаҳу Ироқ ва форс мамоликиға даст топиб турур.

*Ҳазрати Махдумнинг  
мабодий ҳолда таҳсили улумга иштиғол кўргузуб,  
фазлу камол аҳлиға ружуъ этгонлари зикрида турур*

Вақтиким, озор ёш замонларида волиди шарифлари била ҳамроҳ Ҳиротга келдилар, Мадрасаи Низомийада иқомат этиб, Мавлоно Жунайд Усулийким, арабийят илмида моҳир ва ул фанда шуҳрати тамоми бор эрди, онинг дарсиға кирдилар ва «Мухтасари Талхис»нинг мутолаъасига майл эттилар. Вақтиким, ул дарсға ҳозир бўлдилар, бир жамоъаға «Шарҳи Мифтоҳ» ва «Мутаввал»нинг қироатиға машғул эрдилар. Озор бовужуди ҳануз шаръий ҳаддиға етушгон йўқ эрдилар, ўзларида онинг фаҳмиға истеъдод топтилар ва «Мутаввал» ва «Ҳошияи Мутаввал»нинг мутолаъасига шуғл эттилар. Ондин сўнг Мавлоно Хожа Али Самарқандийким, рўзгорининг мудаққиқлари улугларидин ва Ҳазрати Саййид Шариф Журжоний раҳматуллоҳи алайҳнинг таломизалари куммалидин эрди, онинг дарслариға кирдилар. Ойтур эрдиларким, ул (яъни, Шариф Журжоний) тариқи мутолаъада бемисл эрди, аммо қирқ кунға қариб ондин мустағний бўлса бўлур эрди. Ондин сўнг Мавлоно Шаҳобуддин Муҳаммад Жожармийким, ўз замони мубоҳисларининг афозилларидин эрди ва Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Тафтазоний раҳматуллоҳнинг силсилаи тилмизаларидин эрди, (Жомий) ойтур эрдиларким, неча кунлар онинг дарсиға борур эрдим, ондин икки сўз эшитдимким, ишға ярар эрди: бири — «Китоби Талвих»даким, Мавлонозодаи Хаттобийнинг эътирозларидин баъзисини дафъе этар эрдилар. Аввалғи кунким, ул эътирознинг дафъи учун икки-уч муқаддима илқо этди они ботил этдук. Яна бир бошқа мажлисда тааммули вофийдин сўнг суврати жавоб баён эттиким, фил-жумла ваҳже бор эрди ва яна сўзи «Талхиси Мутаввал»нинг фанн баёнида андак муноқаша кўргузди. Ақар чаидиким, ул сўзға аслда зиёда дафъе йўқ эрди. Китобнинг иборатиға ва лафзиға тааллуқе бор эрди. Аммо онинг таважжуҳида истиқомат бор эрди.

Ва ондин сўнг Самарқандда қозийи Румийким, ўз асрининг муҳаққиқларидин эрди, онинг дарсиға бордилар. Аввал мулоқотда мубоҳаса воқеъ бўлди ва узоқға чекди. Охирда Қози озорнинг сўзлариға қойил бўлди ва Мавлоно Фатҳуллоҳ Табризийким, мутажаррид донишмандлардин эрди ва Мирзо Улуғбекнинг ёнида мартабаи сидорати бор эрди, ҳикоят қилур эрдиким, ул мажлисдаким, Мирзо Улуғбек Қозийи Румни Самарқандда ўзининг мад-

расасида ижлос буюрди, жаҳоннинг барча ақобиру аҳли фазллари ул мажлисда ҳозир эрдилар. Қозийи Рум ул мажлисда тақрибан мустаидлар ва хуш таъьларнинг зикрини этар эрди. Ва Ҳазрати Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг сифатларида шундоғ дедиким: «То Самарқанд бино топиб турур асло жавдати таъьу қуввати тасарруфда бу жавони Жомийдек киши оби Амуядин бу тарафга ўтгон эрмастур».

Қозийи Румнинг муқарраре шогирдларидин Мавлоно Юсуф Самарқандий нақл этибдурким, вақти Мавлоно Абдурахмон Жомий Самарқандга келдилар, иттифоқо фанни ҳайъатда шарҳи «Тазкира»га иштиғол эттилар ва тасарруфоти маъьумаи маъдудаким Қози ул китобнинг ҳавошиясига сабт этиб эрди ва неча йиллар қарор топиб эрди, ҳар кун ҳар мажлисда ул муқаррар сўзлардин бир-икки калима сўз мақоми ҳақ ва ислоҳга келур эрди ва Қози ондин бағоят мамнун бўлур эрди. Ва ул авқотларда «Шарҳи Мулаҳхас» жамъиниким, онинг натижаи афкоридин эрди, они ўртага келтурди ва озор онда тасарруфотларини ойтдиларким, ҳаргиз Қозининг хотирига келгон эрмас эрди.

Бир кун Ҳиротда Мавлоно Али Қушчи туркларнинг расми ва ҳайъатида белига бир ажиб чамтони боғлаб, озорнинг мажлиси шарифларига доҳил бўлдилар ва тақрибан неча бағоят мушқил шубҳаларни фанни ҳайъат дақойиқларидин илқо эттилар. Бадиҳатан ҳар бирига (Мавлоно Жомий бирин-кетин) жавоби шофий бердилар. Ондоғким, Мавлоно Али сукут этиб, мутаҳаййир бўлди ва озор (яъни Жомий) бар сабили мутояба ойтдиларким: «Мавлоно чамтонингизда мундин яхшироқ нимарса йуқ эркон». Мавлоно Али ондин сўнг шогирдларига ойтибдурким: «Манга ул кундин сўнг маъьлум бўлдиким, бу оламда нафси қудсий мавжуд эркон».

Маходимдин баъзилари ойтур эрдиким, бу қувват ул ваҳъдин турурким, Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқлариға машғуллиқдин, хусусан, ул навъ тариқақим, озор шугл этур эрдилар, таъаққулнинг мамаддийа қуввати мудриканинг муқаввийси турур ва озорнинг кайфиййат мутолаъаси ва қуввати мубоҳасаси ва ҳамсабақлариға, балким, устозлариға ғалаба ва истилоси амри машҳур ва муқаррар турур. Озорнинг таътил кунлари фароғатбол ва осудаҳоллиқ била ўтор эрди ва таъби дарроклари бошқа андишгаларни этар эрди. Вақтиким, дарсга борсалар, кўб бўлур эрдиким, бир жузьени ҳамсабақларидин олиб лаҳза мутолаба этиб, вақтиким дарсга кирсалар, ҳаммага голиб бўлур эрдилар. Мавлоно Муъини Туний ойтиб турурким, озор вақтиким, Мавлоно Хожа

Алининг дарсига кирдилар, ҳар шубҳақим мустаъидларнинг табиъятлари натижадин ўртага тушар эрди, бил-бидоҳа озорни дафъ этор эрдилар. Ва ҳар кун икки-уч шубҳа ворид ва эътирози хосни ул мажлисда ўзларининг мутолаъалари асарларидин қўйуб кетор эрдилар. Ва озор баъзи русуми улумдинким, симоъга мавқуф турур, ул жиҳатдин рўзгор аҳлининг мажлиси дарсларига ҳозир бўлур эрдилар ва илло нафсул-амрда озорнинг кишига шогирд бўлмақларига эҳтиёжлари йўқ эрди, балким ул ҳавзанинг мударрисларига ғолиб эрдилар.

Бир кун озорнинг устозлари ва муаллимларидин сўз ўртага тушқан эркан, озор ойтиб турурларким: «Биз устозлардин ҳеч бирларининг олдида ондоғ сабақе ўткоргонимиз йўқ турурким, озорнинг бизга ғалаба ва истилолари бўлгон бўлса. Балким, ҳамишга ҳар бирларига баҳсда ғолиб эрдук. Гоҳо бизга сарбасарлик қилур эрдилар ва ҳеч бирларига бизнинг зиммаимизда устозлиқ ҳақлари собит эрмастур. Ва биз ҳақиқатда отамизнинг шогирди турурмизким, тилни ондин ўргондук».

Шундоғ маълум бўлурким, озор илми сарф ва илми наҳвни оталарининг олдидин ўтқариб турурлар ва ондин сўнг улуми ақлий ва маъорифи яқинийда озорнинг кишига ул чоғлиқ эҳтиёжлари бўлмади.

Бир кун авойили ҳолда хизмати Мавлоно Шайх Ҳусайн ва Мавлоно Довуд ва Мавлоно Муъинким, ҳаммалари баҳсда шерик эрдилар, таҳсила вазифа учун иттифоқ этиб, Мирзо Шоҳруҳни баъзи умаролари уйининг эшигига бордилар. Озорнинг ҳам энгларидин тутуб тортиб қўймай ҳамроҳ олиб бордилар. Ва ул амирнинг эшигида бир замон интизорлик тортдилар. Мулоқот этгонларидин сўнг, вақтиким ташқари чиқдилар, озор ойтдиларким: «Манинг мувофақатим ва иттифоқим сизларга шул турур, энди бу сувратнинг мандин имкони йўқ турур. Андин сўнг аҳли жоҳ ва арбоби дунёдин ҳеч кишининг эшигига бормоқ ва қайтмоқ ва тараддуд этмадилар. Ва ҳамишга фақиру фоқонинг кунжида ҳимматнинг оёқини сабрнинг ва қаноатнинг этагига тортдилар, тоқим Шайх Низомий қуддиса сирруҳунинг сўзлари мазмуни озорнинг ҳақида зуҳурга келдиким, байт:

*Чун ба аҳли жавоний аз бари ту  
Ба дари кас на рафтам аз дари ту.  
Ҳамаро бар дарам фурустоди,  
Ман намехостам ту меодди.*

(Ёшлик аййомларида Сени деб,  
Сенинг эшигингдан бошқа  
одамнинг эшигига бормадим.  
Барчани менинг эшигимга юбординг,  
Мен Сенинг беришингни хоҳламадим.)

Ойтур эрдиларким, биз йигитлик кунларида ҳаргиз мазаллат ва хорлиқга тан берганимиз йўқ турур. Ондоғким, Самарқанд ва Ҳирот афозилу мустаъидларининг аксарлари Қозийи Рум ва Мавлоно Хожа Али Самарқандийнинг жиловларида пиёда юрар эрдилар ва биз асло озорға мувофақат этмасдук, балким ҳаргиз арбоби дарсинг одатларида мулозамат учун озорнинг уйларига бормоқға ҳам рағбат этмадук ва ул сабабдин бизнинг вазифамизнинг вусулига танқиси тамом йўл топар эрди.

*Ҳазрати Махдумнинг  
таъсили улумдин сўнг уламои русумға тарки ихтилот ва  
омизиш қилиб, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса  
сирруҳу суҳбатлариға авсил бўлгонларининг  
зикрида турур*

Мабодийи ҳолда озорға мазоҳири ҳусни жамолдин бирига кўнгулнинг гирифторлиқи бор эрди. Бир кун ул мутааллиқдин инҳирофи хотир даст бериб, Ҳиротдин Самарқандға кетдилар. Ва ул ерда фазойилу камолотнинг касбига машғул эрдилар, то улким бир кеча озорнинг хотирлари муфорақати суварийдин узоқлик ва маҳжурлиқ доғининг мазоҳаматидин мажруҳ ва муттааллим эрдилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳуни воқеъларида кўрдилар. Ва озордин эшитдиларким, ойтдилар: «Борғил, додар, ёре топғилким, сенинг ногузиринг бўлсин». Ва озорға бу воқеадин таъсири балиғ бўлиб ва дағдағаи азим хотирлариға тушиб, тез Хуросон тарафиға сафар этдилар. Ва Ҳазрати Мавлононинг шарафи суҳбатларида озорға андак фурсатда шавқи азим ва инжизоби қавий даст бериб турур. Ондоқким, бузурғлардин бирлари бу тариқда озорнинг рафиқлари эркан, мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлиб, ойтиб турурким: «Тариқи хожагон озорни тез ўзига олди».

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу Ҳиротнинг Масжиди Жомеъининг эшигида ҳар намоздин аввал ва сўнг асҳоб бирла ўлтуруб суҳбат тутар эрдилар. Ва Ҳазрати Махдумнинг гу-

зарлари ва мурурлари ул ердин эркон, ҳар навбатким ўтар эрдилар, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу ойтур эрдиларким: «Бу йигитнинг ажиб қобилийяти бор турур. Онинг ошифтаси бўлибмиз. Билмасмизким, они на хийла била сайд қилурмиз». Аввалги кунким, озор Ҳазрати Мавлононинг суҳбатларига келдилар, озорнинг гирифтори бўлдилар ва Ҳазрати Мавлоно ойтдиларким: «Бу кун бир шаҳбозе бизнинг доманимизга тушти». Ва ҳам ул аснода ойтдилар: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу йигитнинг суҳбати била бизга миннат кўйди».

Ва Ҳазрати Махдум Ҳазрати Мавлоно Саъдуддиннинг суҳбатларига гирифтор бўлгонларидин сўнг Мавлоно Шаҳобуддин Жожармий шундоғ ойтиб турурким: «Бу беш юз йил муддатида бир марди соҳибкамол донишмандларнинг орасида Хуросоннинг туфроқидин бош чиқориб эрди, Хизмати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий они йўлини урдилар».

Мавлоно Абдураҳим Кошғарийким, Ҳиротнинг муқарраре донишмандларидин эрди, шундоғ ойтиб эрдиларким: «То хизмати Мавлоно Абдураҳмон Жомий тарки матолаъа этиб, тариқи сўфийяга юз келтурмай бизга яқин бўлмадиким, таҳсили улуми расмийдин ва мутолаъадин яхшироқ бошқа иш ҳам бўлур эркон ва донишмандлик мартабасининг фавқида ҳам амри дигаре бўлур эркон». Озор бу тариқга шуғлларининг ибтидосида Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳунинг амрлари била риёзат ва мужоҳадати шоққа ихтиёр этиб эрдилар ва одамлардин бағоят мужтаниб ва муҳтариз ва мутаваҳҳиш эрдилар ва танҳо бўлур эрдилар. Ва одамларнинг орасига келганларидин сўнг тариқи муҳовара ва услуби муколама хотирларидин чиқиб эрди. Маънус бўлгон лафзлар муҳашший бўлуб, даража-бадаража ул лафзлар хотирларига келур эрди. Ва ул авқотнинг охирида озорга жазбаи азим рўй бериб турур ва кайфийяти қавий даст бериб турурким, бешуър Хонаи Каъбага мутаважжих бўлуб турурлар ва то Кўсуғача келиб, ул ерда озорга ифоқат бўлуб ва шуъурларига келиб, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу суҳбатларининг дағдағаси ва ул Ҳазратнинг муборак дийдорларининг шавқи голиб бўлуб, беихтиёр инони азиматни қайтариб, Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларига келиб турурлар. Озор Ҳазрати Мавлононинг мулозаматлари асносида фасли баҳор неча кунлар Убаҳ қасабаси тарафига сайр этиб эрдилар. Ва ул Ҳазрат руқъа ёзиб озор учун юбориб эрдилар. Ва ул руқъаи муборакни саводи бу турурким, ул Ҳазратнинг хатти муборакларидин нақл этулди: «Бисмиллоҳир раҳмо-

нир раҳийм. Саломун алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух. Ҳақ таъоло ўзига машғул этсун ва ўзидин бошқага қўймасун. Ул биродар ва нури басар биродар Мавлоно Абдурраҳмон Жомийдин таваққуъ улким, бу фақиру ҳақир амрини зойеъ ўткоргонни хотири шарифлари гўшасидин узоқ тутмасунлар ва иштиёқни голиб билсунлар. Билмасмизким, на ёзармиз. Булар ҳама исми расм турур. Улчаким, мақсуд турур иборатга келмас. Шайх Муҳаммад Ғаззолий ойтурким: «Бу тойифани таърифиниким, ойтурман, манга эҳтиёж бўлгон жиҳатдин эрмас турур, аммо таъаттуш жиҳатиндиким, манга турур иззат шарафиким, озорга турур, билмасманким, на дерман ва на ойтурман». Мисраъ:

*Рухсори ман инжо ту дар гул нигори.*  
(Менинг гул юзим бу ерда экан,  
сен у ерда гулга қараяпсан).

Вассалому ват-тахиййатал-фақир ул-ҳақир Саъдуддин Кошғарий».

Вақтиким, бу руқъа озорга етушди, фил-фавр мурожаъат эттилар, мундин сўнг ул Ҳазратнинг мулозаматларидин муфорақат этмадилар.

Ҳазрати Махдумий ойтур эрдиларким: «Бу тариқга ибтидоийи шуғлда анвор зоҳир бўлур эрди, батариқеким, Ҳазрати Мавлономиз ишорат этур эрдилар, шуғл қилур эрдуқ ва нафй этур эрдуқ, то пушида бўлур эрди, зуҳури анвор ва кашфу кароматга эътимод йўқ турур. Ҳеч каромат ондин яхши эрмастурким, соҳиби давлатенинг суҳбатида фақирга таассур ва жазба даст берса ва бир замон ўзлигинин қутулса».

Хизмати устозий Мавлоно Разийуддин Абдулғафур алайҳир раҳма вал-ғуфрон ойтур эрдиларким, озордин сўродимким, бу тойифадин баъзиға аволим кашф бўлур ва баъзиларга махфий қолур. Бу амрда сир не турур? Ойтдиларким: «Тариқ икки навъ турур ва бири силсилаи тартибким, солиқ ул йўле билаким, нузул этибдур, авд қилур ва яна бири тариқи важҳи хос турурким, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқлари турур ва бу тариқнинг соликига қиблаи таважжуҳ нафси зотидин бошқа нимарса эрмастур. Ва бу тариқда кашфи аволим зарурий эрмас».

Ва Хизмати Мавлоно Абдулғафур ойтур эрдиларким: «Озорнинг хотирлари ваҳдатни касратда мушоҳада этмаккаким, мушоҳадаи тафсилий турур, мойилроғ эрди, тариқи ижмолдин». Ойтур

эрдиларким: «Ҳар қачон ўзимизни мартабаи ижмолда тутсақ мағлуб бўлурмиз ва лекин Ҳазрати Мавлономиз ижмолдин тасфилга оз илтифот этар эрдилар ва ул амрда олоннинг жониби истиғроқлари ғолиб эрди». Ва ойтур эрдиларким: «Ваҳдатнинг сирри ва тавҳиднинг маъноси ондоғ ғолиб бўлбтурким, онинг дафъини ўзимиздин мумкин билмасмиз ва бу амрда бизга ҳеч ихтиёре йўқ турур. Ҳеч нимарса мундин аввал хотирга келмас эрди. Бу маъно ҳаманинг йўлининг бошин тутуб турур».

*Ҳазрати Махдумнинг  
ёш замонларидин то ниҳояти корғача машойихи киборға  
мулоқотларининг зикрида турур*

Махфий қолмасунким, олар Ҳазрати Мавлоно Саъдуддиндин бошқа ақобирларнинг жумласидинким, кўруб турурлар ва мулоқот этиб турурлар. Аввали Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу турурлар. Китоби «Нафаҳот ул-унс»да ёзиб турурларким, вақтиким Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) Ҳижоз сафарини азм этиб, Жом вилоятининг ўтдилар, қиёс била шундоғ кўрунурким, жумод ул-увлонинг ахийрида ё жумод ул-охирнинг аввалида сана саккиз юз йигирма иккида (1419) эрдиким, бу фақирнинг отаси ниёзмандлардин ва мухлислардин жамъи касир била олоннинг зиёратларини қасд этиб келиб эрдилар ва ҳануз манинг умримдин беш йил тамом бўлгон йўқ эрди. Мутааллиқлардин бирига ойтдиларким, мани душиға кўтариб, олоннинг миҳаффаи маҳфуфи боанворларининг олдида тутдилар. Олар илтифот этиб, бир наботи кирмомий иноят этдилар ва ул кундин то бу кунғача олтмиш йил турур — ҳануз олоннинг талъати мунавварларининг сафоси манинг кўзимда турур ва дийдори муборакларининг лаззати манинг кўнглимда ва ҳамоноким, бу фақирға робитаи ихлос ва эътиқоду иродат ва муҳаббатеким, хожагон қалдасаллоҳу арвоҳаҳум хонадонлариға нисбат воқеъ турур, олоннинг назарлари баракатидин бўлгон бўлса. Ва умид этарманким, бу робитанинг юмни била олоннинг муҳиблари ва мухлислари зумрасидин маҳшур бўлсам, биманниҳи ва важудиҳи.

Яна бирлари Мавлоно Фаҳруддин Луристоний раҳматуллоҳ эрдиким, машойихи замоннинг улуғларидин эрдилар ва ҳам «Нафаҳот ул-унс»да ёзиб турурларким, хотирга келурким, Ҳизмати Мавлоно Фаҳруддин Луристоний раҳматуллоҳ Харжарди Жомда саройғаким, бу фақирнинг волидиға тааллуқи бор эрди, нузул

этиб эрдилар ва ман ондоғ ёш эрдимким, мани олдиларига олиб ўлтургузуб муборак бармоқлари била машхур одларниким, мисли Умару Али ҳавонинг юзига ёзар эрдилар ва ман они ўқур эрдим. Табассум кўргузуб таажжуб қолур эрдилар. Онинг ул шафқати ва лутфи манинг кўнглимда бу тойифаға манинг иродатим ва муҳаббатимнинг тухми бўлди, ул вақтдин то бугунгача ҳар кун бошқа тариқа нашъу намо топар. Умид этарманким, олонинг муҳаббати била тирик юрсам ва олонинг муҳаббатида ўлсам ва олонинг муҳиблари қаторида махшур бўлсам. Аллоҳумма аҳйиний мискийнан ва амитний мискийнан ваҳшурни фий зумратил-масокийн (Эй, бор Худоё! Мени мискин ҳолда яшатгил, мискин ҳолда вафот эттиргил ва мискинлар гуруҳи билан бирга қиёматда қайта тирилтиргил!».

Ва яна Хожа Бурҳонуддин Абу Наср Порсо қуддиса сирруҳу эрдилар ва олонга хизмати Хожа Абу Насрнинг суҳбатлари кўб иттифоқ тушубдур. «Нафаҳот ул-унс»да ёзиб турурларким, бир кун олонинг мажлиси шарифларида Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сирруҳунинг зикри ва олонинг мусаннафотларининг зикри ўтор эрди, ўз волиди Бузругворларидин нақл эттиларким, олон ойтур эрдилар: «Фусус» жон турур ва «Футуҳот» дил». Ва яна муни ҳам ойтдиларким: «Ҳар киши «Фусус»ни яхши билса, онга Ҳазрати Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мутобаъатларининг доъияси қавий ойланур».

Ва яна бирлари Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умар қаддасаллоҳу руҳаҳу эрдилар. Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Шайхнинг истиғроқлари ва истиҳлоқлари улуг эрди ва кўб бўлур эрдиким, ҳавога тез-тез қарор эрдилар, ҳамоноким, халойиқнинг нафасларидин махлуқ бўлгон малоикаларниким, олонинг муқаррарлари ҳаво турур, мулоҳаза қилур эрдилар. Ва ойтур эрдиларким, бир кун Шайхнинг мулозамагларига Чағоза деҳасига бордим ва жамъе ҳам шаҳардин келдилар ва олонинг даъби ул эрдиким, ҳар киши шаҳардин келса, ондин сўрар эрдиларким: «На хабар бор турур?» Ул қоида била ҳар бирининг жудо-жудо сўрадиларким: «Шаҳардин на хабарингиз бор турур?» Ҳар киши бир нимарса деди, охир мандин сўрадилар: «Санинг шаҳардин не хабаринг бор?» Ойтдим: «Ҳеч хабарим йўқ турур». Ойтдиларким: «Йўлда не кўрдунг?» Ойтдим: «Ҳеч нимарса кўрмадим». Ойтдилар: «Ҳар кишиким фақиренинг ёнимға борур, керакдур шундоғ борсаким, на шаҳардин хабари бўлса ва на йўлда бир нимарса кўрса». Бас, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Дилороме, ки дори дил дар ў банд,  
Дигар чашм аз ҳама олам фурубанд.*  
(Дилингни банд қилган дилороминг бўлса,  
Кўзингни барча оламдан юм).

Ва яна Ҳазрати Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсуий қуддиси сирруҳу эрди. Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Хожа ваъз ойтур эрди. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин ва Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Асад ва Мавлоно Жалолиддин Абу Язид Пуроний ва булардин бошқа азизларким, ул вақтларда бор эрдилар, олонинг мажлисларига ҳозир бўлуб, маъориф ва латойифларини истеҳсон қилур эрдилар. Хизмати Мавлоно Шарафуддин Али Яздий раҳматуллоҳ олонинг мажлиси ваъзларига бизни тарғиб этдилар. Баъзи азизлардан эшитулдиким, ҳар кун Ҳазрати Махдум Ҳазрати Хожа Кусуийнинг мажлисларига дохил бўлур эрдилар. Ҳазрати Хожа ойтур эрдиларким: «Бу бир кун бизнинг мажлисимизда шамъе ёқдилар». Ва ҳақойиқ ва маъориф олонинг тилларига кўбдин кўб ўтар эрди. Ҳазрати Махдум ойтур эрдиларким: «Хожа Кусуий раҳматуллоҳ Ҳазрати Шайх Муҳйиддин қуддиси сирруҳу мусанафотларига мўътақид эрдилар ва масъалаи тавҳидни онинг сўзига мувофиқ тақрир этар эрдилар. Ва ул масъалани минбарнинг устида ва уламои зоҳирнинг ҳузурларида шундоғ баён этар эрдиларким, ҳеч кишига они инкор этмакка мажол бўлмас эрди. Ва Куръоннинг ҳақойиқлари асрорида ва ҳадиси набавий ва калимоти машойихда бағоят тезфаҳм эрдилар. Андак таважжуҳ била кўб маънолар озорға фойиз бўлур эрдиким, бошқаларнинг хотирига кўб тааммуллардин сўнг келур эрди. Ваъз асносида ва мажлис симоъида озорға важди азим етишур эрди. Ва кўб сайҳалар урар эрди. Ва онинг асари аҳли мажлисининг ҳаммаларига сироят қилур эрди. Ва хизмати Хожа одамларни нафасларининг сифат галабаси сувратиде кўрар эрдилар. Бир кун ойтдилар: «Бизнинг ҳам асҳобларимиз гоҳ-гоҳе суврати инсонийдин чиқорлар, аммо яна тез суврати аслийға келурлар». Ва бир-икки кишини од тутдилар. Ва ойтдилар: «Ҳар вақт бизнинг ёнимизга келсалар, тўрткўз итнинг сувратида кўрунурлар». Кўб бўлур эрдиким, олонинг суҳбатида кишининг хотирига бир нимарса келса, Хожа они бар важҳе изҳор этар эрдиларким, ондин бошқа киши билмас эрди.

Ва яна Ҳазрати Махдум қуддиси сирруҳунинг кўруб мулоқот этгон машойихларидин бирлари — Мавлоно Жалолиддин Абу Язид Пуроний раҳматуллоҳи алайҳ эрдилар. Озор Пурон деҳасига Ҳаз-

рати Мавлононинг хизматлари учун кўб борур эрдилар. «Нафаҳот»да ёзибдурларким: «Бир мартаба олонинг паҳлусида намоз ўқидим. Олонни шундоғ мағлуб ва мустаҳлак топдимким, ё ўзларига ҳеч шуъурлари йўқ эрди, қиёмда турғонда гоҳе ўнг қўлларини чап қўллари устида қўйуб, гоҳе чап қўлларини ўнг қўлларини устида қўёр эрдилар».

Ва яна бирлари Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Асад раҳматуллоҳ эрдиларким, Ҳазрати Махдум олон била кўб суҳбат тутдилар ва яна «Нафаҳот»да ёзиб турурларким, бир мартаба онинг била йўлда борур эрдук. Сўзлари тақрибан ул ерга етушдиким, ойтдилар: «Манга бунча кунларда амре воқеъ бўлубтурким, ҳаргиз ман они ўзимга гумон этмас эрдим. Ва они таваққуъ этмас эрдим. Ва бар сабили ижмол ул амрга ишорат этдилар, бар важҳе-ким, ман ондин олонинг мақоми жамъ била таҳқиқларини фаҳм этдим».

*Раиҳа.* Баъзи орифлар ойтиб турурларким, вақтиким, Аллоҳу таъоло ўзининг зоти била бир кишига тажаллий этса, ул киши жамъи мавжудотнинг зотини ва сифотини ва афъолини Ҳақ субҳонаҳунинг зоти ва сифоти ва афъоли ашиъасида муталоший топар ва ўз нафсининг нисбатини мавжудотга шундоғ топарким, гўё ул киши ул мавжудотнинг мудаббири турур ва бу мавжудот ул кишига нисбат онинг аъзолари турур ва бу мавжудотдин ҳеч бирига бир нимарсае нозил бўлмас, магар улким, кўрорким онга нозил бўлуб турур ва кўрар ўзининг зотини зоти Ҳақ воҳид ва ўзининг сифатини онинг сифати ва феълини онинг феъли кўрар. Онинг учунким, айни тавҳидда мустаҳлак бўлуб турур ва айни тавҳидда мустаҳлак бўлмоқ они лозим туторким, улчаким онга мансуб турур ўзига мансуб топар. Оларга тавҳидда бу мартабадин бошқа мақом йўқ турур. Вақтиким, басийрати жамоли зотнинг мушоҳадаси била мунжазиб бўлди, нури ақлким, фориқ эрди, ашённинг орасида вожиб била мумкинни бир-бирисидин жудо этор эрди. Зоти қадимнинг нури ғалабасида мастур бўлди ва қадим била ҳодиснинг орасида имтиёз қолмади. Онинг учунким, Ҳақ пайдо бўлгон замонида ботил ночиз ва нопаидо бўлур ва бу ҳолатни бу тойифа урфида жамъ дерлар.

Яна бирлари Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп) турурлар. Ҳазрати Махдум била Ҳазрати Эшоннинг ораларида тўрт мартаба мулоқот воқеъ бўлди. Икки мартаба Самарқандда ва учлончи мартаба Ҳиротдаким, Ҳазрати Эшон Мирзо Султон Абу Саъиднинг замонида Мовароуннаҳрдин Хуросонга ташриф келтуруб

эрдилар. Ва түртлончи мартаба Марвдаким, Ҳазрати Эшон Мирзо Султон Абу Саъиднинг илтимоси била Самарқанддин Марвга келдилар. Ва Ҳазрати Махдум ҳам Ҳиротдин ул Ҳазратни мулоқотларини топмоқ учун Марвга келдилар. Олорнинг хатти муборақлари била кўриладиким, ёзиб турурларким, «Навоҳийи Марвда хизмати Хожа Убайдуллоҳ — маддаллоҳу зилола жалолиҳи — бу камина сўрадиларким: «Ёшингиз нечада турур?» Жавоб ойтулдиким: «Тажминан эллик бешда». Ойтдилар: «Бас, бизнинг ёшимиз ўн икки йил зиёда турур».

Махфий қолмасунким, ул мулоқотдин аввал ва сўнг Ҳазрати Махдум била Ҳазрати Эшоннинг ораларида мукотабат ва муросалот кўб воқеъ бўлуб турур. Ва олорнинг ул Ҳазратга нисбат камоли ихлоси воридотлари назм ва наср мусаннафотларидин аҳли оламнинг хосу оммлариға зоҳир ва ҳувайдо турур. Ва ул манзумот ва мансуротлар ондин машхурроқ турурким, онинг ийродиға эҳтиёж бўлса. Ва ул Ҳазратнинг ҳам хулуси ақийда ва муҳаббатлари олорға нисбат мукотабат ва руқъаларким, ул Ҳазрат олорға ёзиб юбориб турурлар, ондин зоҳиру боҳир турур ва ул мукотабот ва руқъалар жумласидин турур бу икки руқъаким, бар сабили истишҳод ва тайаммун вар-рашод Ҳазрати Эшоннинг муборақ хатларидин нақл этилур, бу мажмуъада ирод топар.

*Аввалги руқъа.* Руқъа ниёз этгондин сўнг бу бечора гирифторнинг арздошти улким, гоҳи хоҳларманким, густоҳлик этиб ўз аҳволи харобимдин ул остоннинг мулозимлариға нисбат андак эълум этсам. Лекин, қўрқорманким, харобликидинким, ҳол бу фақирға турур ул бор ёфталарнинг мужиби малолати бўлмасун. Зикр ул-ваҳшат (яъни) ваҳшатнинг зикри айни ваҳшат турур. Ҳар тарика ҳол биланким бор турур, орзу ул турурким, бу дармонданинг хароблиқиға назар этсунлар, тараҳхум тариқасиким. каримларнинг ахлоқларидин турур, бу заъифға нисбат маръий тутсунлар. Ўзликка гирифторликнинг сабабини ондин бошқа билмасманким, маснавий:

*Ҳар киро дев аз каримон вабарад,  
Бекасиш созад сарашро вохурад.*

(Дев ҳар кимни азизларнинг олдидан олиб кетса,  
Уни йўлдан оздириб, ҳалок этади).

Вас-салому вал-икром.

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

*Иккиланчи руқъа.* «Арзадошт улким, утба бўслиқнинг иштиёқи ва орзумандлиги кўб турур. Ҳар нечаким, ўзимга ойтурман, мисраб:

*Ин кор давлатаст кунун то киро расад.*

(Бу иш кимгаки насиб этса, бу улуг давлатдир.)

Ва лекин онинг ҳавосиким, ўзимни ул остонда кўрсам, кўб турур умид Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг алтофи бениҳоятининг, улким, бу фақири беболу бепару беҳиммат ва беқаламнинг мужаррад иноятига маҳзи инояти била қадам рўзи қилиб, то ҳар кайфийятдаким бўлса ўзликнинг ҳибси мазийқидин нажот топиб остон бўслиққа мутаважжих бўла билгайман. Вас-салом».

Ҳазрати Махдум уч мартаба Самарқандга бордилар, аввалги навбат Мирзо Улуғбекнинг замонида эрди. Қозийи Румнинг дарсига бориб келдилар ондоғким, шаммае ондин ўтди. Иккиланчи навбат хоссатан Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларини топмоқ учун бордилар. Ул боргонларининг тарихи ондоғким, олонинг муборак хатларидин нақл этулди муҳаррам ойининг саккизлончиси, шанба куни, сана саккиз юз етмишда (1465) эрди. Ва улчаким, навбат ҳам Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларини топмоқ учун Ҳиротдин Самарқандга келдилар ва келган вақтларида шундоқ иттифоқ тушдиким, Ҳазрати Эшон зарурат юзидин Умаршайх Мирзо, Султон Аҳмад Мирзоларким, Султон Абу Саъид Мирзонинг фарзандлари эрдилар, олонинг мусолаҳаси учун Туркистонга азимат қилмоқчи бўлдилар. Вақтиким, мулоқот ва суҳбатдин уч кун ўтди, Ҳазрати Эшон Туркистон тарафига мутаважжих бўлдилар ва Ҳазрати Махдумни сойир асҳоб ва азизлар била Фороб тарафига юбордилар. Ва султонларнинг мусолаҳасидин сўнг Шош вилоятига келдилар. Ва олонни Форобдин талаб қилиб Тошкандда неча кечакундуз улуг суҳбатлар қойим бўлди ва олий мажлислар мунъақид бўлди. Ва хизмати Мавлоно Абу Саъид Убаҳий алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин эрди, онинг зикри учлончи мақсадда келур, ул суҳбатда ҳозир эркон, ул мажлисларнинг кайфийяти ва хусусиятларидин ҳикоятлар этиб ойтур эрдиларким, аксар авқот Ҳазрати Эшон била Ҳазрати Махдумнинг орасида суҳбат сукут била ўтар эрди. Ва гоҳи Ҳазрати Эшон сўз ойтур эрдилар. Бир кун Ҳазрати Махдум Ҳазрати Эшонга ойтдиларким: «Бизга «Футуҳот»нинг баъзи жойларида мушқил масалалар бордурким, онинг ҳалли тааммул ва мутолаъа била муяссар бўлмасгур». Ҳазрати Эшон мани амр этдилар, то «Футуҳот»ни мажлисга

келтургайлар. Ва Ҳазрати Махдум ул маҳалниким, мушкилроқ эрди, топиб арзга етуштурдилар ва иборати Ҳазрати Шайхни ўқудилар. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Лаҳзае китобни қўйунг, то бир муқаддима баён этурмиз». Бас, қўйдилар. Тамҳиди муқаддамот айтуб кўб ажиб ва ғариб сўзларни ойтдилар. Ондин сўнг ойтдиларким: «Эмди китобга ружуь қилурмиз». Вақтиким, китобни очдилар ва мулоҳаза этулди, мақсуд бағоят зоҳир ва возиҳ бўлди.

Ва Ҳазрати Махдумнинг муддати иқоматлари Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Тошкандда ўн беш кеча-кундуз эрди. Ондин сўнг ижозат олиб, Тошканддин Самарқандга мутаважжих бўлдилар. Ва Қарши йўлидин Хуросонга келдилар ва бу сафарнинг тарихи ондоғким, олоннинг муборак хатларидин нақл бўлди, бу тариқа турурким: «Учлончи мартаба Самарқанд сафари учун чиқилди, гарраи рабийъ ул-аввалда душанба куни, сана саккиз юз саксон тўртда (1479) эрди ва сўнгги душанбада Тахти Хотунга яқин етушулди ва панжшанба ул жойтдин куч этулди. Ва сешанба куни Ондхўйга етулди ва жумъа куни дарёи Амуядин ўтулди. Ва панжшанба куни Шодмон қарясига етулди ва ул жойда Ҳазрати Хожага мулоқот етулди. Ва якшанба куниди Туркистонга мутаважжих бўлдилар ва бизларни Форобга юбордилар. Рабийъ ул-охирнинг ўн бешлончи куни Форобдин Шош тарафига таважжух воқеъ бўлди. Йигирма иккилончи куни Шошга етулди ва жумодий ул-аввалнинг саккизида Шошдин Хуросон тарафига таважжух етулди. Ўнбешлончисиди Самарқандга етулди. Йигирманчи-лончисиди душанба риҳлат воқеъ бўлди, то панжшанбагача Шодмонда вуқуф етулди ва душанба куни Қаршига борилди. Жумодул-ухронинг ҳилолини панжшанба кечаси Қаршида кўрулди».

Ҳазрати Махдум ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа хотирларини тез ибхомга келтурур эрдилар ва агар бир нимарса хотири муборакларига оғир келса, қуввати қоҳира била они рафъ етурлар. Ва бу тоифанинг сўзларини бу ширинлик билаким, Ҳазрати Эшон ойтурлар: «Ҳеч кишидин эшитгонимиз йўқтурур».

Баъзи ходимлардин шундоғ эшитулдиким, Ҳазрати Эшон кўб толибларни Ҳазрати Махдумнинг хизматлари ва мулозаматларига ҳавола қилур эрдилар. Ва кўб мустаъидларнинг олонни суҳбатига таҳриз етур эрдилар. Аввалги мартабаким, бу ҳуруфнинг роқими Мовароуннаҳрга борди. Жайхуннинг соҳилига келгон кечаси тушида кўрдиким, Ҳазрати Эшон зоҳир бўлдилар ва ойтурларким: «Ажаб нимарсадурким, нурдин бўлгон дарё Хуросонда мавж урар,

одамлар чироғнинг нури иқтибосига Мовароуннаҳрға келурлар». Вақтиким, Қаршида ул Ҳазратнинг мулозаматлариға мушарраф бўлди, бир кун ул маводийда ойтдиларким, Ҳиротда машойихи вақтдин кимларни кўрдинг? Ойтдим: «Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мавлоно Муҳаммад Раважийни». Ойтдиларким: «Хуросонда ҳар ким Мавлоно Абдурахмон Жомийни кўрган бўлса, онга сувнинг бу тарафиға келмакка ҳожат йўқ турур». Ондин сўнг ойтдилар: «Эшитибмизким, хизмати Мавлоно Абдурахмон Жомий мурид тутмаслар ва Мавлоно Раважий мурид тутарлар». Ойтдим: «Оре, шундоғ турур». Ойтдилар: «Ҳазрати Хожа Бузрукким, Хожа Абдухолиқ Гиждувоний қуддиса сирруху калимоти гудсияларидин турурким, ойтдилар: «Шайхлиқ, эшигини боғлагил, дўстлиқ эшигини очгил, хилват эшигини боғлагил, суҳбат эшигини очгил».

Хизмати устози Мавлоно Разиютдин Абдулгафур раҳматуллоҳ ҳошияи «Нафоҳот»нинг «Такмила»сида ёзибдурларким, Ҳазрати Махдум кишиға талқин этмас эрдилар, бовужуди Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сиррухудин мажоз эрдилар ва ғайб жонибидин ҳам маъзун, лекин агар ногоҳ содиқе пайдо бўлса, они ҳафийатан бу тариқдин огоҳ этар эрдилар. Ва бу амрга маншаъ олоннинг камоли нозикликлари эрди. Ойтур эрдиларким: «Шайхлиқнинг бориға таҳаммулимиз йўқ турур». Аммо охири ҳолда арбоби талабни талаб этдилар, ойтур эрдилар: «Дариғоким, толиб топилмастур. Толиб кўб турур, аммо ўз нафси ҳаззларининг толиби турурлар».

Бу ҳуруфнинг роқимининг волиди Ҳазрати Махдумнинг мулозаматларини кўб этибдурлар. Олоннинг илтифотлари ва ишораглари била бу тойифаи олийининг ботиний шугллариға мушарраф бўлуб эрдилар. Ва ойтур эрдиларким, Зул ҳижжа ойида сана саккиз юз олтмишда (1455) ҳазрати имоми хумом Али Ризо алайҳир раҳма вар-ризвонни Машҳади мақаддасида воқеъада кўрдумким, равзадин ташқари қадам кўйдим. Азизе, бағоят нуроний, шукуҳи тамом била манинг баробаримда пайдо бўлди. Покиза бўлгон олачадан кўрта кийиб турурлар ва тахфифан боғлабдурлар. Олоннинг ёнлариға бордим ва салом бердим. Ва кўб ниёзмандлиқ этдим. Жавоб бердилар ва илтифот этиб ойтдиларким: «Шаҳарға қачон келдинг?» Ойтдим: «Икки-уч кун бўлдиким, келдим». Ойтдилар: «На ерга нузул этдинг?» Ойтдим: «Фалон жойға». Ойтдилар: «Боргил, ихмол ва асқолларингни келтургил ва бизнинг манзилимизға нузул этгилким, сенинг учун яхши жой муқаррар этибмиз». Ман та-

возеъ юзидин ниёзмандлик била ойтдим: «Ман сиз иа мулозамат этканим йўқ турур». Ойтдиларким: «Мани Саъдуддин Кошғарий, дерлар. Тез бўлгил, ўзингни бизнинг манзилимизга етуштургил!» Муни ойтдилар ва равон бўлдилар ва ман уйғондим. Вақтиким кундуз бўлди, Машҳад одамларидин сўрадимким: «Бу шаҳарда бу одлиг ҳеч азизе бўлурму?» Ойтдилар: «Шайх Саъдуддин Машҳадий одами зуҳд турурким, жамъенинг шайхи ва муқтадоси турур. Аммо Кошғарий эрмаслар». Бордим ва они кўрдим, уйқуда кўргон кишим эрмас турур. Вақтиким, онинг ёнидин ташқори чиқдим, ногоҳ Ҳирийнинг савдогари етушди ва олонинг орасида ошнолар бор эрди. Олорға мулоқот этгонимдин сўнг ва Ҳирий машойихларининг аҳволларидин истифсор этулгонидан сўнг, шундоғ маълум бўлдимким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиси сирруҳу Ҳиротда халқнинг муқтадоси эрконлар. Аммо бу кунларда дунёдин рихлат этибдурлар. Неча вақтлард ин сўнгким, Ҳирига келдим, Ҳазрати Махдумнинг мулозаматларида Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг мазорларининг бошига келдим. Ва хилватда бу воқеани олорға арз этдим. Ойтдиларким: «Санинг хотиринг га не таъбир келур». Ойтдим: «Манинг хотирим га шундоғ келдиким, ман Ҳирийда вафот топгумдур ва мани тахти мазордаким, олорнинг манзили турур, дафн этурлар». Ойтдиларким: «Не учун таъбир бу тариқа этмассенким, олор сани ўзларининг манзили маънавийлариким, иборат турур нисбатидинким, олор ул манзилда бўлбдурлар, далолат этубдурлар. Ул воқеани бу навъ ҳам этмак яхшироғ турур».

Вақтиким, Ҳазрати Махдум бу таъбирни этдилар, ман ниёзи тамом била ойтдимким: «Ҳоло, олор нақл этиб турурлар, олорнинг жойлариға сиз турурсиз. Агар тариқатға ишорат этсангиз, гоят банданавозлиқ бўлур» деб арз қилдим. Ва Ҳазрати Махдум ондоғким, олорнинг одатлари эрди, истибъод этдилар ва ўзларини ул маънодин узоқ тутдилар. Лекин, ул аснода киноя тариқи била шуғлға ишорат этдилар.

Вақтиким бу ҳуруфнинг роқимиға моҳи шаъбонда, сана тўққиз юз тўртда (1498) эрди, Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг валоди Бузругворлари хизмати Хожа Калонга нисбати мусоҳарат воқеъ бўлди, бу фақрни бандаликка қабул этдилар, хизмати волид алайҳир раҳма ойтдилар: «Ул воқеаким, ман мундин аввал қирқ йил муддатида кўруб эрдим, бу замон таъбир топди».

**Ҳазрати Махдумнинг Ҳижоз  
сафарига таважжуҳ этконлари зикридадур ва  
қоёеълариким ул сафарда даст берибдур, ийжоз тариқи  
била баён этилур**

Олор рабийъ ул-аввал ойининг авоситида сана саккиз юз етмиш еттида (1472) Ҳижознинг сафари муборақларига мутаважжих бўлдилар. Ва бориб келгонларининг тарихи бар сабили тафсил бу фаслнинг охирида ўзларининг хатти шарифларидин нақл этилур. Вақтиким, ул йўлнинг асбобларини омола этмакка шуғл этилар. Аъёни Хуросондин жамъе ул азимат фатҳини илтимос этиб, ойтдиларким: «Ҳар кун сизнинг илтифотингиз васотати била дарвишлар ва фақирларнинг кўб муҳимлари битор ва кифоят топар. Ва ҳар муҳимким, сизнинг хизматингиз юмни била подшоҳларнинг эшигида кифоят топса, бир пиёда ҳаж этгон била баробар турур». Олор бар сабили тийбат ойтдиларким: «Кўб пиёда ҳаж этганимиздин кўфта ва монда бўлдуқ. Мундин сўнг хоҳлармизким, сувора бўлуб Ҳаж қилсак».

Вақтиким, Ҳиротдин мутаважжих бўлдилар, Нишопур ва Пешовар ва Бистом ва Домгон ва Симнон ва Қазвин ва Ҳамадонга ѓубур эдилар. Ва Ҳамадоннинг ҳокими Шоҳ Манучеҳр одлиғ ихлоси тамом ва ниёзмандлик зоҳир этди ва аҳли қофила била олорни уч кеча-кундуз сақлади ва подшоҳона зиёфатлар қилди ва иззати тамом бажо келтурди. Ва мулюзаматларида ўзининг чокарлари ва мутааллиқларидин жамъи касир била ҳамроҳлиқ тариқини маслук тутдилар. Ва олорнинг қофилаларини Курдистондин саломат ўтқориб, Бағдод сарҳадиға еткурди. Жумодус-соний ойининг аввалида Бағдодға нузул эдилар ва неча кундин сўнг Ҳазрати амирул-мўъминин Имом Ҳусайн разийаллоҳу таъоло анҳунинг равзаи муқалласаи муборақларини зиёрат этмак ниййати била Бағдоддин Ҳалабга мутаважжих бўлдилар. Вақтиким, Карбалоға етудилар. Назм:

*Кардам зи дийдаи пойи суйи маснади Ҳусайн,  
Ҳаст ин сафар ба мазҳаби ушшоқ фарзи айн...*

(Кўзимни суртиш учун Ҳусайн марқади томон юрдим,  
Бу сафар ушшоқлар мазҳабида фарздир...)

Ондин сўнг яна Бағдодға қойтиб келдилар ва ул кунларда ғаройиби умурдин улчаким, судур топди, издиҳоми равофиз эрди ва «Силсилат уз-заҳаб»нинг баъзи байтлариға олорнинг эътирозлари. Ва бу воқеанинг суврати ижмол юзидин ул турурким, сакийнаи Жомдин Саводҳони Фатҳий одлиғким, неча йиллар Ҳазрати Махдумнинг саъодат фаржом остоналари навоҳисила мақом тутуб эрди,

ул хайр анжом сафарда ул ҳам ҳамроҳ эрди. Бир кун аворизи нафсонийнинг воситасидин онинг била Ҳазрати Махдумнинг ходимларидин бирининг ўртасида гўфтугўй бўлуб кудурати қавий ва низоға анжом топди. Ва ул ғояти ғилзати табиатидин ва жибиллатининг касофатидин олонинг мулозаматларини кўйуб, роби-таи жинсийат ва алоқаи муносабат ваҳждин равофиздин жамъиға ихтилот ва иртибот варзиш этди. Варахту бор иқмотини олонинг сар манзилларига идбориға тортди. Ва тамсилеким, олонинг китоби «Силсилат уз-заҳаб»нинг дафтари аввалида Қозийи Азудийнинг баъзи китобларидин нақл этуб турурлар, бу маънонинг баёнидаким, аҳли оламнинг аксари румий иборатни ўзларининг мавхуми ва мухаййалида тутарлар. Ул тамсиянинг аввалини ва охирини кўйуб, неча байтким, ул жамоъа ақидасининг моҳсаласи баёнида эрди, жудо этуб олонга кўрсатди. Равофиздин бириси камоли таъассуб ваҳждин бу қиссанинг таъкиди ва бу фитнанинг тавфири учун неча байт ойтуб онга зиёда этди. Равофизнинг жуҳҳоллари ва фуллотлари атроф ва жавонибдин олонинг қофилалари одамлариға нисбати рамз ва иршод ва иймо ва киноят тариқи била шўрангиз ва фитнаомиз сўзларни ойтур эрдилар, то улким бир кун Бағдоднинг мадрасаларидин бир улуг мадрасада мажлиси олий тартиб бердилар ва Ҳазрати Махдум ўлтурдилар. Қозийи Ҳанафий ва Шофъий ямин ва ясорларида қарор тутдилар ва Ҳасанбекнинг биродарзодаси Мақсудбекнинг завжасининг биродари Халилбекким, онинг тарафидин Бағдодға ҳоким эрди, олонинг муқобаласида тарокиманинг умаролари бирла ўлтурдилар. Бағдод аҳлининг ому хослари ул мадрасанинг устида ва эшигида издиҳом этдилар ва китоби «Силсилат уз-заҳаб»ни келтурдилар ва ул ҳикоятнинг мазмуни собиқи ва лоҳиқининг фикри ва мулоҳазаси била аҳли мажлиснинг ҳузурларида сузрати муурофаъа гопди. Ва олон инбисот тариқи била ойтдиларким: «Вақтиким «Силсилат уз-заҳаб»нинг назмида амирул-мўминин ва олонинг авлоди Бузруғлари ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъиннинг ситойишларини этдим, Хуросон суннийларидин ҳаросон эрдим, ногоҳ мани рафзға нисбат бермасунлар, на бил-дукким, Бағдодда равофизнинг жафосиға мубтало бўлурмиз».

Вақтиким, аҳли мажлис ҳикоятнинг мазмунига камо янбағий мутталиъ бўлдилар, ҳайронлиқ бармоқин тишлари бирла тугуб, ҳаммалари муттафиқ ул-калима бўлуб ойтдилар: «Ҳаргиз бу умматда киши Ҳазрати амирул-мўмининни бу тариқа яхши ситойиш қилғон эрмастур Бас, олонинг авлодларининг манқиба-

тида бу янглиғ муболага этгон эрмастур. Бас, ханафийнинг ва шофетийнинг ақзал-қуззоғлари ул мажлисда ҳозир бўлгонлар сойир акобир била ул ҳикоятнинг сиҳҳатиға маҳзар ёздилар. Ондин сўнг қозиларнинг ва сойир аёнларнинг ҳузурда шахсединким, ул равофизларнинг сарҳалқаси эрди, Неймати Ҳайдарий одлиғ, сўрадиларким: «Санинг бизларга шариат юзидин сўзунг борму турур ё тариқат юзидин?» Ойтди: «Иккисидин ҳам». Олор ойтдилар: «Ул шариатнинг ҳукми била турғил ва лабингдинким, бурутини умринг муддатида олғонинг йўқ турур, олғил!» Вақтиким олор бу сўзни ойтдилар, аҳли шарр ва ондин жамъеким, олорнинг ҳаводорлиқи била ул мажлисда ҳозир эрдилар, ўрунларидин туруб, Неймати Ҳайдарийға ёлушдилар ва то дукорд келгунча ёрим бурутини асонинг устида пичоқ била қатъ этдилар ва қолгон ёримини дукорд била олдилар. Вақтиким, онинг ҳамма бурутларини олдилар, олор ойтдиларким: «Эмди санга қавл етушди, тариқат юзидин аҳли тариқнинг мардуди назарлари бўлдинг ва фақирлиқ кисвати санга ҳаром бўлди, эмди заруратдин ўзингни пири вақтнинг назариға еткурмак керак, токим санинг ишингда фотиҳа ва такбир ўқусун ва тариқийлар қоидасиға бино қўйуб, онга неча муддатилар керакдурким, Карбало борсун ва ул ерда содотдин такбир қабул этиб, яна мужодала этмакка келсун».

Ондин сўнг Неймати Ҳайдарийнинг биродари тариқиниким, баъзи носавоб ойтиб, «Силсилат уз-заҳаб»нинг абётиға зиёд қилиб эрди, хушунат ва таассубда гўйи мусобақатни ақронидин элтиб эрди, илгори келтуруб, хитоб ва итоб этдилар ва ҳуккомнинг қаҳру сиёсатлари асари онга нисбат зуҳурға келди. Токим ул мажлисда тахтаи кулоҳ онинг бошиға қўйдилар ва эшакка терс миндурдилар ва сойир аввону ақронлари била таъзир ва ташҳир этиб, шаҳарнинг атрофларини ва Бағдоднинг бозорларини ойлантурдилар. Ва бу воқеъаларнинг судури ва аҳли Бағдоднинг жафоларидин сўнгра Ҳазрати Махдум бу ғазални ойтдилар. Назм:

*Бикшой соқий ба лаби Шатт сари сабуӣ,*

*В-аз хотирам кудурати Бағдодиён бишуй...*

(Шатт дарёси лабида, эй соқий, кўза оғзини оч,

Бағдодликлар етказган дилхиралигини

хотирамдан юв...)

Ва муддати иқоматлари Бағдодда тўрт ой эрди. Шул йилнинг ийди рамазонидин сўнг Ҳижоз тарафига мутаважжих бўлдилар ва Ҳазрати Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Мадинала-

рига юз келтуруб, ул Ҳазратнинг наътларида таркиби назм этдиларким, матлаъи бу турур:

*Маҳмали рихлат би банд, эй сорбон к -аз шавқи ёр,  
Мекашад ҳар дам барўйам қатрахойи хун қатор ...*  
(Ёрнинг иштиёқида, эй сарбон, сафар  
жабдуғини ҳозирла,  
Иштиёқдан қон қатралари юзимдан  
қатра-қатра оқмоқда...)

Ва шаввол ойининг авохирида Нажафнинг ҳурмати ҳаримиғаким, қиблаи иззату шарофат турур, етушдилар. Ва ул мақоми муборақда манзили мутабарриқда бу газални ойтдилар. Мақтаъ будур:

*Жомий аз қофила солори раҳишиқ туро,  
Гар бипурсанд, ке он кист, Али гуй, Али.*  
(Жомий, агар сендан ишқ  
йўлининг сарбони (қарвонбошиси),  
У ким деб сўраса, Али деб айт).

Машҳади муқаддаснинг зиёратидин сўнг ва ҳазрати Амир қарамаллоҳу важаҳунинг марқади мунавварларининг зиёратидин сўнг ул Ҳазратнинг мангабати шарифларида бир қасидае назм силки га келтурдиларким, матлаъи бу турур.

*Асбаҳту зойиран лака шаҳнатун Нажаф,  
Баҳри нисори марқади ту нақли жон бакаф.*  
(Эй, Нажафнинг ифтихори, жон фидо қилиш учун,  
Қабрнинг ёним га зиёратчи бўлиб келдим .)

Ва Саййид Шарафуддин Муҳаммад ақибким ул вақтларда ул диёрнинг саййид ус-содоти ва нақб ун-нуқабоси эрди, авлод ва ахфодлари ва сойир акобирлар била озорнинг иқболу истиқболларини этдилар. Таъзим ва тавқирларининг шартларини тақдим га те-гурдилар ва уч кеча-кундуз озорга улуг меҳмондорлиқ этдилар ва шойиста хизматларни баржой келтурдилар.

Вақтиким, зул қаъда ойи тоза бўлди, Ҳазрати Махдум аҳли қофила била бодияга қадам кўйдилар ва таважжухнинг юзини Пайгамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Мадиналарига келтурдилар. Ва ул йўл асносида қасидае иншо этдилар. Муштамил турур аксар мўъжизотга ва ул қасиданинг матлаъи бу турур.

*Бонги раҳил аз қофила бархост хез, эй сарбон,  
Рихтам биниҳ бар роҳийла оҳанги рихлат кун равон.*

(Жўнаш бонги карвонда янгради, тургил,

Эй сарбон, юкимни карвонга жойла ва

йўлга равон бўл).

Ва ийгирма икки кундин сўнг Мадинага келдилар. Ва ул Ҳазрат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг равзаи муқаддасларининг зиёратлари шаройитларин бажо келтуруб, Маккаи Мукаррамага мутаважжиҳ бўлдилар. Ва ўн кундин сўнг зул-ҳижжа ойи авойи-лида ул ерга етушдилар ва муддати иқоматлари Ҳарамда ўн беш кун эрди. Маносики ҳажжи Исломнинг адосидин сўнгра ва онинг одобу шаройитларини тамом этгондин сўнг яна Мадинага мутаважжиҳ бўлдилар. Ва Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг зиёратларига таважжуҳ этгон аснода бу ғазални ойтдилар. Ғазал:

*Ба Каъба рафтам аз онжо ҳавойи кўйи ту гардам,*

*Жамоли Каъба тамошо ба ёди рўйи ту гардам.*

(Каъбага бориб, у ердан ҳузурингизга

боришни хоҳладим,

Каъбани эса юзингизни ёди билан тамошо қилдим)

Ва равзаи Пайғамбар(имиз) (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг мулозаматларидин сўнг Шом тарафига мутаважжиҳ этдилар ва Дамашқда қирқ беш кун иқомат қилдилар. Ва Қозийи Муҳаммад Ҳузарийким, ул диёрнинг ақзал-қуззоти эрди ва рўзгори муҳаддисларининг акмали эрди ва илми ҳадисда бағоят олий санадлари бор эрди, онинг била суҳбатлар тутдилар ва ондин ҳадислар эшитдилар. Ва ҳадиснинг санадларин олдилар ва Қози олонинг ул жойда иқоматларига хизматкорлиқ ва меҳмондорлиқ вазойифага ондоғким, керакдур ва муносибдур, қиём кўргузди ва ондин сўнг олоқ Ҳалабга етушдилар. Ул вилоятнинг содотлари ва қози имомлари анвоъи туҳфа ва ҳадоя мабул тутдилар. Ва ул валода Қайсари Рум олонинг Хуросондин Ҳижоз тарафига таважжуҳларини эшитуб эрди, ўзининг баъзи хос одамларини Хожа Атоуллоҳ Кирмонийким, қадимдин олонинг мулозаматларини этур эрди ва ул остонага бориб қайтар эрди, онинг била беш минг ашрафини нақд масҳуб этиб, яна юз минг ашрафини олонинг худдомларига ваъда этиб ниёзмандлик ва мискинат тили

била илтимос этдиким, озор бир неча кун партави илтифотларини Рум мамлакатининг соҳтига солсалар. Ва ул марзибум сокинларини қудуми шарифлари била навозиш этсунлар ва иттифоқоти Ҳасананинг жумласидин ул эрдиким, озор Қайсарнинг расуллари келмасидин неча кун аввал илҳоми осмонийга мувофиқ Дамашқдин Ҳалабга мутаважжиҳ бўлдилар. Вақтиким ул расуллар Дамашқга келдилар, озорни кўрмадилар, таассуф эттилар ва озор ҳануз Ҳалабда эрдиларким, Дамашқдин Қайсарнинг одамлари озорнинг талабига келган хабари етушди. Таваққуф этмай Ҳалабдин Табриз йўлига юз қўйдилар. Мабодо ул расуллар Дамашқдин Ҳалабга келиб, озорни илҳоҳ ва ибром била талаб қилсалар, вақтиким Ҳалабга етушдилар ул аҳволнинг хилолида йўллар Рум била Озарбайжон лашкарининг ҳарб зарби воситасидин инқилоб ва изтиробда эрди, ул жой ҳокими Муҳаммад Бек одлиғким, тарокиманинг аъенидин эрди ва Ҳасанбекка қаробати қарибаси бор эрди. Ва онинг ҳусни эътиқоди ва камоли ихлосиким, Ҳазрати Махдумга бор эрди, ўзининг ақрабо ва атбоу ақронларидин уч юз отлиғ мукаммал озорнинг қофилаларига ҳамроҳ этиб, ул қофилани Курдистондин ва хатарнок мавзеълардин саломат ўтқариб, Табриз вилоятига етурди. Ва Қозийи Ҳасан Мавлоно Абу Бакр Тохроний ва Дарвиш Қосим Шиғоулким, Ҳасанбекнинг аъзами судурлари ва ақраби нудаболари эрдилар, ул диёрнинг сойир умарайи киборлари ва аъёну аквонлари била озорга истиқбол этдилар. Ва эъзозу икромни тамом била озорни худдомлар яхши манзилларга ва марғуб мавзеъларга тушурдилар. Ва боис бўлуб озорни Ҳасан Бек била мулоқот қилдурдилар. Ва Ҳасан Бек ғоят икрому эҳтиромни тақдимиға етқурди ва подшоҳона туҳфалар ва ҳадялар ўтқорди. Ибромни тамом била бўлмоқни илтимос этди ва озор волидаи мусинналарига мулозамат ва мулоқот этмакни баҳона етуб, Хуросон тарафига мутаважжиҳ бўлдилар. Вақтиким, Ҳиротга етушдилар, Мирзо Султон Ҳусайн Марвда эрди. Озорнинг мақдами шарифлари хабариким, онга етушди, баъзи хос муътаמידлардин бир кишини лойиқ туҳфалар била яна бир мактубниким, вуфури ихлос ва ниёзмандликка муштамил эрди, масхуб етуб озор учун юборди. Ва ул мактубнинг аввалида бу байт ёзилиб эрдиким, шеър:

*Аҳлан бимақдамик аш-шарийфа, фаиннаҳу*

*Фараҳал-қулуби ва нузаҳат ал-арвоҳ.*

(Хуш келибсиз, азиз қадамларингизга хасанотлар,

Чунки у қалбларнинг шодлиги ва

руҳларнинг роҳатидир)

Ва бу ҳолга муқорин Амир Низомуддин Алишернинг руқъаси етушди, муштамил эрди бу рубоъийҒақим, рубоъий:

*Инсоф бидеҳ, эй фалаки мийнофом,  
То з-ин ду кудом хубтар крад хиром.  
Хушиди жаҳонтоби ту аз жониби субҳ,  
Ё моҳи жаҳон гардиман аз жониби шом?*  
(Инсоф қил, эй кўк гумбазли фалак,  
Бу иковдан қай бири чиройлироқ хиром қилди:  
Тонг пайти чиққан нурли Куёшми,  
Ёки шом пайти чиққан жаҳон кезувчи Ойми?)

Ҳазрати Махдумнинг ўзларининг хатти шарифлари била кўрулдиқим, китобнинг заҳриҒа ёзибдурлар: «Ҳижознинг муборак сафари Ҳирот хумиййати минал-офот дорус-салтанасидин рабийъул-аввал ойининг ўн саккизлончи кунида сана саккиз юз етмиш еттида (1472) иттифоқ воқеъ бўлди. Жумод ус-соний ойининг авоситида БағдодҒа етулди. Шаввол ойининг мунтазифида Дажланинғ канори Ға иттифоқ тушди ва йигирмалончи кун қофила ул ердин равон бўлдилар. Зулқайда ойининг Ғаррасида Ҳазрати Амир қаррамаллоҳу ваҳжаҳунинг Нажафларидин биёбонҒа кирдилар. Йигирма иккисида ё йигирма учда Мадинаи Расул (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)Ға нузул этмак тавфиқи даст берди. Зул ҳижжа ойининг олтилончи кунида Маккаи шариф зодаллоҳу таъоло шарафанҒа етушулди. Ўн бешлончида Шом тарафиҒа ниййати иртиҳол воқеъ бўлди. Йигирма бешлончисида Мадинаи шарифҒа етулди. Йигирма еттида риҳлат етулди. Муҳаррам ойининг ушри охири авоситида ДамашқҒа нузул воқеъ бўлди. Рабийъ ул-аввал ойининг тўртлончисида маҳрусай Дамашқдин ХуросонҒа мурожаъат иттифоқ тушди. Ва ўн икки кунда ҲалабҒа етулди. Рабийъ ус-сонийнинг йигирмалончи кунида душанба кун Ҳалаб қалъасидин Парақ қалъаси тарафиҒа равона бўлдук ва жумод ул -увлонинг йигирма тўртида ТабризҒа етулди. Ва жумод ул-ухронинг олтилончисида Хуросон тарафиҒа таважжуҳ етулди. Ражаб ул -муражжабнинг хилолини Райнинг вароманидин бир манзил аввалда кўрулди. Шайбон ойининг ўн саккизида жумъа кун Ҳирот шаҳриҒа нузул воқеъ бўлди. Сана саккиз юз етмиш саккизда (1473) эрдиким, бу сафари муборак муяссар бўлди. Битавфийқиллаҳи таъоло» .

**Ҳазрати Махдум**  
**қуддиса сиррухунинг анфоси нафийсаларидин**  
**мусмуъ бўлгон сўзларининг баёнида турур**

Ва ул йигирма рашҳанинг зимнида ийрод топар.

*Аввалги рашҳа.* Бир кун тақриб била ойтдиларким, аҳли таҳқиқнинг наздида исолат ул эрмасдурким, бир кишининг обоу аждоди жинси умародин ва ё жинси вузародин бўлса, ё фиқсу зулмининг силкида мунтазам бўлса, балким исолат иборат турур хусни жавҳарединким, зоти инсонда бўлур, ондоғдурким, фитрати салим ва саришта покиза бўлур ва улчаким, одамлар афроди инсонийда они асл гумон этарлар, айна бадасллиқдур.

*Иккилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, баднафс одамлар вақтиким, хоҳласалар бир кишининг айбини ойтғойлар, ул ёмонлиқлариким, ўзининг зотида мавжуддур, онинг тилига жорий бўлур. Не учунким, ул олорнинг фаҳмларига лойиқ ва яқинроқ турур.

*Учлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, гадоиларнинг ва соилларнинг ҳаммаларига марҳамат ва шафқат этмак керакдур ва яхши ва ёмон луқмадин дариг тутмаслиқ керак ва онда назар этмак керакким, олорнинг мужидиким турур жунайдлиқ ва шиблийлиққа ҳожат йўқдур, токим онга эҳсон этгайсан. Ҳеч олий ҳиммат ва парҳезкор гадоилиқ қилиб ул кишининг уйига бормас. На ердин маълум бўлурким, ул жанда ва либоси мажҳулнинг ичинда соҳиб давлате эрмастур. Аксар шундоғ воқеъдурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг авлиёларини бесаруполарнинг суврати бирлан ҳолларини сатр этурлар.

*Тўртлончи рашҳа.* Бир кун олор бир кишидин сўрадиларким: «На ишда турурсан?» Ойтди: «Ҳузурим бор турур ва оёқимни офиятнинг этагига урубдурман ва бир кунжда фароғат ўлтурубман». Ойтдилар: «Фароғат ва офият ул эрмастурким, оёқини жомасига ўраб, бир кунжда ўлтурса. Офият ул турурким, ўзликдин ўтгон бўлсанг, ул замон хоҳ кунжда ўлтурғил ва хоҳ одамларнинг орасида бўлғил».

*Бешлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, жавонмардлик ул турурким, киши доимо маҳзун ва андуҳлиғ бўлса, корхонаи Илоҳийда фориг ўлтурмоқ яхши эрмасдур. Кишиким, онда ҳузн ва андуҳ бўлмаса, ондин гафлат иси келур. Ва кишиким онинг ҳузни ва андуҳи бўлса, ондин ҳузурини жамъийятнинг иси келур. Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг нисбатлари ҳузну андуҳ сувратида зоҳир бўлур.

*Олтилончи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, муҳаббати зотий ул турурким, бир киши бир кишини дўст тутар ва онга ҳеч сабаб ва жиҳат маълум бўлмас. Ва бу одамларнинг орасида кўбдур. Кишиким, онга Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло жанобиға шундоғ муҳаббат воқеъ бўлса, они муҳаббати зотий дерлар. Ва бу муҳаббат анвои муҳаббатнинг яхшироқи турур. Муҳаббат ул эрмасдурким, ҳар қачон лутфе кўрса дўст тутар ва ҳар қачон унфе кўрса, бемайл бўлур.

*Еттилончи раиҳа.* Бир киши озорнинг ёнида ойтдиким: «Фалон дарвиш зикри жаҳрни кўб ойтур, риёдин холи эрконга ўхшамас». Ойтдилар: «Эй, фалон! Қиёмат кунда ул риёи зикр онга кифоя қилур. Онинг риёи зикрдин нуре пайдо бўлурким, қиёмат саҳросини равшан қилур». Ойтдилар: «Ойтубдурларким, зикри жаҳрга хосиййате бордурким, зикри хафийда йўқтур. Онинг учунким, вақтиким нафс мавҳум зикрнинг тааққули била мутаҳаққақ бўлди, аввалан, қуввати мутахаййила ул зикр лафзининг тахаййули била мутаассир бўлур. Сонийан, вуқуфи нотиқа тақаллуф била. Солисан, вуқуфи шомма симоъ била. Робиъан, ва қуввати мутахаййила яна бир мартаба мутаассир бўлур ва мунинг каби яна мутаассир бўлур нафс ва қуввати ақлиййа ва бу ҳаракати давриййа вужудиййаға мувофиқ ҳаракати давриййа турур. Ва ул ҳаракати маънавий била мутаҳақққиқ бўлмоқнинг талабида ташаббус этмак бу ҳаракати суварийғаким, ул ҳаракат маънавийнинг суварати турур, ул таҳаққуқнинг ҳусулиға мумидд турур».

*Саккизлончи раиҳа.* Бир кун бир киши озорнинг мажлиси шарифларида ойтдиким: «Ақобирлардин бирлари ёзибдурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюрубдурким, «Ана жалийсу ман закараний», яъни «Ман ул кишининг ҳамнишинидурманким, зикр этуб турур ул киши мани». Одамиғаким, бу ҳол бўлса, ул зикри жаҳр нечук ойтур?»

Ойтдилар: «Вақтидаким, юз ношойиста ишлар ва нохуш феллар содир бўлур, бу мулоҳаза йўқ турур, нечук турурким, зикри жаҳрда бу мулоҳазани этарлар? Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳаммининг зоҳири ва ботинига муҳит турур, зикри жаҳр ҳам яхши турур».

*Туққизлончи раиҳа.* Бир киши озордин сўрадиким: «Нисбат не турурким, сиз Ҳазрат тасаввуфни кам, ойтурсиз?» Ойтдилар: «Бу ишким бир-бирова бир замон бози эрдук».

*Ўнлончи раиҳа.* Ойтур эрдиларким, авлиёуллоҳ қадласаллоҳу арвоҳаҳумнинг камолоти қудсиййалари Ҳазрати Рисолатпаноҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳақиқатлари мишкотидин муқта-

бас туруп. Ондоғким, Курьону ҳадиснинг таъзими вожибдур, авлиёуллоҳнинг ҳам таъзими каломлари лозим туруп. Олорнинг сўзларига адаб ва ҳурмат била зиндагонлиқ этмак керак, токим киши ўзидин бархурдорлиқ топар.

*Ўн бирлончи раишҳа.* Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший қуддиса сирруху ўзларининг мусанни фотларининг бирисида шундоғ ёзибдурларким, Бисмиллоҳ ай бил-инсонил-комил, уламои вақтдин баъзиларининг наздида бу маъно бағоят саъб кўрундиким, ул калиманинг тафсири бу иборотга нечук туруп. Бир кун Ҳазрати Махдумға арз этулди ва ул маънодин истикшоф кўргузулди. Ойтдилар: «Ул иборат лафзи исмининг тафсири туруп ва лазфуллоҳнинг тафсири эрмастур».

*Ўн иккилончи раишҳа.* Бир кун ойтдиларким: «Бу кун бизнинг хотиримизга туши ва жойида кўргонимиз йўқдурким, мазҳар алаал-ҳақиқат ойинадағи суврати мунтабиъа туруп, айни ойина эрмасдур ва онинг учунким, мазҳар ул турурким, ҳикоят этгучи бўлур зоҳирнинг холидин ва онинг авсофи ва аҳкоми ул мазҳарда зоҳир бўлур. Ва жавҳари ойинаға бу ҳолат йўқ туруп. Ва олорнинг арзлари бу сўздин бошқа нимарса эрди. Бу навъ била тамсил этмишлар».

*Ўн учлончи раишҳа.* Азизлардин баъзисиким, олорнинг мулозаматларига дойимо ружуълари бор эрди, ойтур эрдиларким, бир кун Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсуий қуддиса сиррухунинг мажлис ваъзларида эрдук, минбарнинг устида ойтдиларким: «Неча муддатилар эрдиким, ул сўзким аҳли шариат фишориш қабрни мўмин ва кофирдин ҳама кишига нисбат эътиқод этубдурлар. Ва ойтибдурларким, ул фишориш бир важҳе бўлурким, ўнг тарафи чап тарафига борур ва чап тарафи ўнг тарафига келур. Мушкил туруп бу суврат бетараддуд айни азоб туруп. Бас, они анбиё ва авлиёлар, балким солиҳ мўминлар ҳақида нечук тасаввур этулур? Ногоҳ хотирға шундоғ келдиким, ўнгға ва чапға олиб бормоқдин ва келтурмақдин ғараз ўлтурурким, жисмонийни руҳонийға олиб борурлар ва руҳонийни жисмонийға келтурурлар. Вақтиким, бу таважжуҳни Хожа ойтдилар, бар важҳе ижмол эрди. Бир кун Ҳазрати Махдумдин сўралдиким, бу сўзнинг маъноси не туруп? Ойтдилар: «Сўфиййа қаддасаллоху арвоҳаҳум барзахни қабр дерлар ва барзах иборат туруп мартабадинким, восита туруп олами жисмоний била олами руҳоний ўртасида. Бас, бу сўзким руҳонийни жисмонийға келтурурлар, ул турурким, руҳни суврат мисолида мусаввар қилурлар, яъни онга суврат миқдориким, камиййат

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

ва кайфийятдин иборатдур, пайдо бўлур ва ул вақт жисмонийни руҳоний қилурлар. Мурод бу жойда жисмдин ҳийтаи қабрдаги бадани коин эрматур, нечунким, руҳи мужаррад они билкуллия ташлади, балким мурод ул турурким, тоири руҳким аввал бу жисми касифга тааллуқи бор эрди ва ул ҳайсийятдин они мажозан жисмоний дер эрдилар ва бу жисми касиф муфорақат эткандин сўнг ҳавойи инқитоъда онга бошқа мутааллиқ пайдо бўлур, бағоят латифким, ул мутааллиқга нисбат они руҳоний дерлар ва яна бар важҳе бу сўзга ул турурким, бу оламда сифоти руҳоний махфий ва мустатир турур сифоти жисмонийда ва сифоти жисмоний зоҳир ва ҳувайдо турур. Бас, афроди инсондинким, ҳар шахсе бу олами кавни фасодда турур, сифоти инсоний ондин зоҳир турур ва сифоти сабъий ва шаҳавий онда махфий. Вақтиким, ойтуб турурлар жамиъи маъоний ул оламда мусаввар бўлса керакдур бар важҳеки, ҳар киши онда сифоти сабъийдин бир сифот мубаттан бўлса. Ул киши ул сабънинг сувратида зоҳир бўлур. Бас, ҳар ойина руҳонийким, ул сифати маънавий мустатир турур жисмоний бўлур ва жисмонийким, ул сифатий турурким, инсондин ҳоло зоҳир турур, руҳоний бўлур яъни, махфий ва мустатир ойланур. Бу икки важҳадаким, ойтулди (анбиё, авлиё ва солиҳ мўъминлар учун) таъзиб йўқ турур».

*Ҳн тўртлончи раишҳа*. Бир кун азизе олоннинг мажлисида сўрадиким, бу ҳадиским, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюрубдурлар: «Юъжари ибн Одам фи нафақати куллиҳа илло шайан ваъбаҳо фил-мои ват-тийни», яъни: «Одаме ўзининг эткан нафақасида охирадга музду савоб топар, магар ул нафақаларким, суву лойга сарф этибдурсан». Бас, бу ҳадис важҳидин лозим келурким, масожид ва маъобид ва работот буларга ўхшаш буқаъан хайрларни бино этмақда охирадга ҳеч ажр бўлмаса.

Олор ойтдиларким: «Бизга бу ҳадисда бошқа маъно хотирга келурким, обу гилдин мурод олами ажсом турурким, киши ҳар нафақаиким этса музд топар, магар ул нафақаиким онинг ҳиммати ва нийяти онда олами ажсомдин мутажовиз бўлмаса ва хоссатан фавойиди дунявий ва ҳузуси жисмоний ва онинг лавозимлари учун этса».

*Ҳн бешлончи раишҳа*. Ойтур эрдиларким, агар киши аввалан ва охирининг илмларини таҳсил эткан бўлса, нафаси охирда ҳеч илм онга дастгирлик этмаса ва этабилмаса ва мудрикасининг лавҳидин ҳама маълумотлари маҳв бўлса керакдур, магар улким, ҳузур ва огоҳликнинг малакасини эткан бўлса. Улчаким, нафаси охирда

дастгирлик этур, шул турур. Фанимат ул турурким, йигитликда неча кунлар ўзига риёзат тутмоқ керак, кунжеда ўлтурур, малака ҳосил этмоқ керакким, нафйи исботнинг мазоҳаматидин хотири халос бўлсун.

*Ўн олтилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларида кам киши кўрдукким, онда бир навъ чошини қабул бўлмаса. Бу тойифанинг бидояти бошқа машойихларнинг ниҳояти турур. Ҳар ким бу тойифани қабул этибдурлар, нодир турурким, ондин қўл узгон бўлсалар. Ҳар нечаким, аҳқоми нафс ва ҳавонинг галабаси жиҳатидин узоқ тушса ҳам яна ўрта-ларига тортурлар.

*Ўн еттилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, баъзи одамлар ажаб нимарсаларни ерлар ва ичарлар, мисли хамр ва бангдек. Онинг учунким, озорга хушвақтлиғ кайфиййати ҳосил бўлур. Кишиким, хамр ичди, доираи Исломдин ташқари чиқди ё дарранда ва сабъе бўлдиким, Худонинг бандалари ондин ташвишда турурлар. Ва ул кишиким банг еди эшак ё сифир бўлдиким, шаҳват юрутмак ва бир нимарса емакдин бошқа ҳеч нимарсани билмаслар. Ва бу ҳолни ҳузур ва кайфиййат деб од қўюб турурлар. Ҳеч кайфиййате хушёрлиқдин бошқа яхши эрмастурким, ўз ҳолидин огоҳ турур. Кишиким, бу нимарсалардин ҳузур ва кайфиййат пайдо қилур ул кайфиййат ҳам онинг бир варзишнинг дархури турур ва ҳам бу оламда онинг сурур иши зоҳир турур ва кўб яхши одамлар ул нимарсаларнинг мубталосидурлар.

*Ўн саккизлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, охиратнинг қаррилиғи йигитлик турур, ҳар важҳе билаким, йигитликда ўтқарурлар, қаррилиқ рўзгоринда онинг асари башараларида зоҳир бўлур.

*Ўн тўққизлончи рашҳа.* Бир кун бу-л-фузули борид ким, зуҳду тақводин дам урар эрди, озорнинг мажлиси шарифлариға келиб эрди, таъом келтурдилар, иттифоқо намакдон ҳозир эрмас эрди. Ходимларга ойтдиким, «Намакдон келтурунг, то намак била ибтидо қилурмиз». Озор тийбат юзидин ойтдиларким: «Ноннинг тузи бор турур». Бас, таъом емакка машғул бўлдилар. Бу аснода кўрдиким, бир киши нонни бир қўли била синдурди, (ул) ул кишига таарруз қилиб, ойтди: «Нонни бир қўл синдирмоқ макруҳдир». Озор ойтдиларким, «Таъом еган вақтда кишининг қўлига ва оғзига қарамоқ ондин макруҳроқ турур». Ул сокит бўлди. Бир замондин сўнг яна сўзлади ва ойтди: «Таъом еган вақтда сўзламак суннат турур». Озор ойтдилар: «Кўб сўзламак макруҳ турур». Мундин сўнг мажлисининг ахирғача сўзламади.

*Йигирмалончи раишға.* Бир кун бир киши олардин илтимос этдиким, манга бир нимарса таълим берингким, қолгон умримда ул нимарсага машғул бўлсам. Ойтдиларким: «Бир киши бизнинг Ҳазрати Махдум Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳудин шул илтимосни этуб эрди. Олор муборак қўлларини чап паҳлуларида қўйуб, қалби санубарига ишорат этдилар ва ойтдиларким: «Мунга машғул бўлунгким, иш шул турур, яъни вуқуфи қалбийни лозим тутунг». Ва бу маъноға мутазаммин турур ул рубоъийким, ойтиб турурлар. Рубоъий.

*Эй, Хожа бакўйи аҳли дил манзил кун,  
Дар паҳлўйи аҳли дил диле ҳосил кун.  
Хоҳики бийни жамоли машуқи азал,  
Ойнаи ту дил асту руй дар дил кун.  
(Эй, Хожа! Сен дил аҳлининг манзилига нузул эт,  
Аҳли дилнинг ёнида дил ҳосил қил.  
Агар машуқи азалнинг жамолини кўрай десанг,  
Дилинг ойна — юзингни ойнага қарат).*

### ***Ҳазрати Махдум қуддиса сирруҳунинг хориқи одатлари зикрида турур***

Уламоий муттақийларнинг жумласидин бир азизеким, Ҳиротдин Ҳижозга сафар этканларида олорға ҳамроҳ бўлуб кетиб эрди. Ул ойтдиким, Бағдодда мариз бўлдум ва манинг маризим имтидод ва иштидод топди. Ва олор мани кўб узоқ сўрамадилар, ул жиҳатдин бағоят малул бўлдум, то бир кун ёронларидин бириси таъжили тамом бирла келди ва ойтди: «Ҳозир олор санинг ийодатинга келурлар». Ул башоратдин манга кайфиййате бўлди ва манинг табиатим қувват топдиким, такядин бош кўтардим. Фирошимнинг устида ўлтурдим. Ногоҳ олор келдилар ва манинг ёнимда ўлтуруб аҳволимдин сўрадилар ва ойтдиларким, «Санинг маразинг узоқ чекди». Ман бу машхур байтни ўқудим, байт:

*Гар бар сари бемори худ ойи баййодат,  
Сад сол ба умиди ту бемор тавон бувад.  
(Агар беморингни кўргани келадиган бўлсанг,  
Бу умид била: юз йил бемор ётса арзийди).*

Олор инбисот юзидин ойтдиларким: «Бизга байт ўқурмусан?!..» Ондин сўнг бир лаҳза сукут этдилар ва мувоқиб бўлдилар. Ул

аснода ман терладим. Олор бош кўтардилар ва тернинг қатаротларини манинг манглайимда кўрдилар. Ойтдилар: «Тақя этгил, эҳгимом борким, бу тер била маразинг тахаффуф топса». Ва ман тақя этдим. Олор турдилар ва одамлар мани зиёдат жомалар била ёпдилар ва кўб терлар мандин равон бўлди. Ва ул кун касал муфорақат этди. Ва уч кундин сўнг туруб мулозаматларига бордим.

Сулаҳои маволийдин бирлари ул сафардаким, Ҳижоз сафари эрди, ҳамроҳ эрди, ҳикоят этубдурларким, мурожаъат эткандин сўнг, вақтиким Ҳалабга етушдук, ҳар ким бир манзилга тушди. Ман карвонсаройга тушдим ва касал бўлдум ва заъфи манга ондоғ муставалий бўлдимким, ман ҳаётимдин қатъи тамаъ этдим ва йўлдошларим ҳам мандин ноумид бўлдилар. Кун иссиғ эрди, ман ётгон эшикни андақ ёпиб эрдилар, ногоҳ кўрдим, бир киши эшикни андақ очди. Ондоғким, онинг дасторининг гўшаси кўрунди, лекин билмадимким, на киши эрди. Ўзимга ойтдимким, манинг ёронларимдин турурким, манинг ҳолимдин хабар олмоқға келибдурлар. Ул гумон билаким, ман уйқудаман, таваққуфе қилурким, мабодо уйғонур. Ман ойтдим: «Ҳар киши бўлсанг киргил». Ва билур эрдим, олор манинг касалимдин огоҳдурлар. Аммо гумоним йўқ эрдиким, манинг тақягоҳимға келурлар. Вақтиким, эшик очилди, кўрдимким, уй олорнинг юзи фуруғидин равшан бўлди. Манга кайфиййате бўлдимким, хоҳладимким, ўрнимдин турмоқға, асло тебронмакка мажол йўқ эрди, тургудек қувват дарҳол пайдо бўлди. Ойтдилар: «Сокин бўлғил!» Шундоғ ўз ҳолимда қарор тутдим. Олор келдилар ва манга яқин ўлтурдилар ва ойтдиларким: «На ҳолинг бор турур?» Манга хиффатеким, дийдорларидин ҳосил бўлуб эрди, олорнинг бу байтлари ёдимга келиб ўқудим. Байт:

*Хушаст аз ёди ту пайваста Жомий,  
Вале акнун бадийдори ту хуштар.  
(Сенинг ёдинг Жомийга доимо ёқар эди,  
Бугун юзингни кўриш янада ёқимлироқ бўлди.)*

Ва манинг ўнг қўлумни тутдилар ва энгимни то ул жойғаким, таҳорат суйи етушур, йиғнодилар ва канорларида қўйдилар. Ва неча мартаба муборак қўлларини ул жойға тортдилар. Ондоғким, бир кишига намознинг таҳоратини этадургандек, қўлим шундоғ олорнинг канорида эрдиким, ўздин ғойиб бўлдилар. Ман ҳам мувофақат этиб, кўзимни юмдим ва мутаважжиҳ бўлдим. Хийле замон ўтди. Ман кўзимни очдим, то кўройинким, олор ғайбатдин ўзлариға келибдурларму ё йўқ. Кўрдимким, ҳануз кўз

юмуб ўлтурбурлар, яна кўзимни юмдим. Вақтиким соате ўтди, бош кўтардилар ва манинг кўлумни сийнамнинг устида кўйдилар ва фотиҳа ўқудилар ва ойтдилар: «Атиббо санга шарбат буюрди-ларму?» Ойтдим: «Рубби беҳи (беҳи шарбати) буюрдилар». Ул вақтларда Ҳалабда рубби беҳи топилмас эрди. Ойтдилар: «Биз санга Рубби беҳи юборурмиз», деб турдилар. Рубби беҳи юбордилар. Шул соатда ўзимдин хиффати тамом топтим ва манинг касалим икки-уч кундин сўнг тамом зоил бўлдим, асаре боқий қолмади.

Хизмати Мавлоно Разиюддин Абдулғафур алайҳир раҳма ойтур эрдиларким, бир кун фақир озорнинг ҳужралариға бордим. Гуёким вақтлари они тақозо этмас эрди. Вақтиким, бу маънони билдим, андуҳи азим муставли бўлди ва сақли қавий жамиъи аъзома зоҳир айланди. Ондоқким, ўлтурмоққа тоқатим қолмади. Турдим ва ташқори чиқдим. Бу ҳолат маразға муфзий бўлди. Ва қоттиғелиқға анжом топди. Ондоқким, атиббо маъюс бўлдилар. Еттиланчи кун қулқ ва изтироби азим даст берди ва ҳол табдил топди. Ондоқким, ўлмак жазм бўлди. Озорнинг муборак дийдорини орзу эттим. Фақирнинг тақягоҳига келдилар. Вақтидаким, ҳеч аъзода мажол ва ҳаракат йўқ эрди, ташвиши тамом била арзи ҳолимни ойттим, шуглиға талқин этмоқни истидъо эттим. Ул нимарсагаким, ишорат эттилар, машғул бўлдим ва ихзори суратларини ҳам ўзларини амрлари била эттим. Ва озор ҳам мутаважжиҳ бўлдилар. Бир лаҳзадан сўнг ул кайфиййат рўй бердиким, радий таназзулга юз кўйди. Ва хуш ҳолатға мубаддал бўлди. Ул ҳолатнинг лаззати жамиъи қивоға ва аъзоға етушди. Ондоқким, ўрнимдин турдим, икки тизим била ўлтурдим. Вақтиким, озор муборак бошларини кўтардилар, мани ўлтурғон кўрдилар. Ойтдиларким: «Ташвиш тортмағил!» Фотиҳа ўқудилар ва равон бўлдилар. Фақир то ҳужранинг эшигигача мушойаъа этдим. Ул мараз шул кун тамом зойил бўлди ва яхшилик била ўтди.

Вақтиким, бу қиссадин неча йиллар кечди, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ асҳобларидин бирлари қуддиса сирруҳу Ҳазрати Эшоннинг тасарруфотларидин ҳикоят ойтур эрди, фақир бу қиссани онга ойтдим. Ҳамоноким ул бориб озорға ойтибдур ва онинг тафсилани истидъо этибдур, ойтибдурларким, вақтиким онинг суврати ҳолини ва маразининг ғалабасини эшитдуқ мутааллим бўлдуқ. Онинг тақягоҳига келдуқ ва машғул бўлдуқким, онинг бори (юки)-ни кўтаргаймиз. Кўрдукким, бизга бу борнинг таҳаммули йўқ турур, биздин ҳам ўтди. Азизе Гилон вилоятининг аъёнларидин ва аҳолилардин неча кун касал бўлғон эркон ва охирида мавтға му-

шарраф бўлуб турур. Ондоғким, авлодлари ва асҳоб ва ашойиру ақрабо ва мутааллиқлари яқоларини йиртиб, хурушу фиғон тортиб, такфин ва тажҳизи тарбиятига машғул бўлдилар. Ногоҳ бу маҳалда осори ҳис ва ҳаракат онда пайдо бўлуб, андак-андак ул сакарот ва ғамзотдин ифоқат топиб, шул кунда фиरोшидин камоли сиҳдат ва офият била туруб ва одамларким ул ҳолатга воқиф бўлубдурлар, таажжуб этиб ҳайрон қолдилар. Ва бир киши ул ҳолнинг ҳақиқатига мутталиъ бўлмади. Ондин сўнг неча замонлар ўтди. Маҳрамлар ва махсусларидин баъзиларига ойтдиким: «Манинг руҳим муфорақат этмакка яқин етушуб эрди ниҳоят иштидод ва изтироби мараздин. Ҳазрати Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон Жомий зоҳир бўлдилар ва илтифоте этдиларким, манинг маразим дарҳол зойил бўлди». Бу воқеъадин сўнг ул азизи Гилоний йигирма минг динор кепакийнинг миқдорини ажноси нафисаким, сувфу каттон ва озорнинг ғайридин назр деб Ҳазрати Маҳдумнинг ёнларига юборди. Ва беҳадлу ғоят ниёзмандликлар этиб тариқа илтимос этди. Ва озор Хожагон қалдасаллоху арвоҳаҳум тариқларида бир муфид ва мухтасар рисола ёзиб, онинг учун юбордилар. Ва ул рисоланинг охирида шундоғ ёздиларким, бу сўзларнинг амсолини ёзмоқ ва айтмоқ фақирнинг тариқаси эрмас эрди, аммо ул жонибдинким ихлоснинг ройиҳаси завқнинг машоминага етди, бу маъноларнинг тақрири ва таҳририга боъис бўлди. Рубоъий:

*Ин ҳама беҳосилийу бул-ҳавасе,  
Дармонда ба но расоийу ҳеч касе.  
Додем нишон зи ганжи мақсуд туро,  
Агар монарасидем ту шояд бираси.  
(Бу ҳамма беҳосиллик ва беҳуда орзу ҳаваслар,  
Норасолик ва кимсасизлик қийинчиликларга қарамай,  
Биз сенга мақсадлар хазинасини бердик,  
Биз етишмасак ҳам, шоядки сен етишсанг.)*

Балх азизлардин бирига воқеъ бўлгон эркан, жамъиким, ул азизни кўрубдурлар, ондин ул қиссани эшитуб ҳикоят этиб турурлар.

Ҳижознинг йўлида бир араб теваларини озорнинг (Абдурраҳмон Жомий Ҳазратнинг) мулозимларига кироға бериб эрди, озорнинг хоссаси бўлгон бир тевага тамаъ этуб, кўб муболаға ва ибром била озордин сотғун олиб ва ўз муддаосига мувофиқ баҳо бериб, юк юклаб турур. Ва ўн икки кундан сўнг ул тева бир тўда

қумнинг этагида ўлуб турур. Ул араб озорнинг ёнлариға келиб хушунат ва беҳаёлик оғоз этдиким, сизнинг теангиз маъйуб ва маълул эркан, манга сотиб турурсиз, деб ва озорнинг юзлариға кўб қоттиғ сўзлар ойтиб, беодобликлар этди. Ва иброми тамом била зарини қойтиб олди. Озор ойтдиларким: « Бу арабда тағйире бўлубдур, голибо онинг марги яқин турур». Вақतिकим, Маккадин қайтдилар ва ул қумнинг этагига келдилар, араб шул ерда йиқилиб ўлуб турур. Ва ул тўда қумда они дафн этиб турурлар.

Асқобдан жамъе Ҳижознинг сафариди озорнинг ҳамроҳлари эрдилар, шундоғ ойтдиларким, Фатҳи Савобхонким, Бағдодда равифизларға қўшулди ва ул фитнанинг гардини ҳамасини ул турғузди ва озорнинг саъодат асар назарларидин мардуд ва мутараддуд тарафига қайтди. Ва ҳануз озор Маккадин мурожаат этган йўқ эрдиларким, ул Табризда шом вақтида отига ем берган эркан, бир соатдин сўнг келиб, турбага қўл урди, то билгайким от емнинг ҳамасин ебдурму ё йўқ, дарҳол от огзини очиб шаҳодат бармоқини тамуғидин узубдур ва ул ғоят аламининг шиддатидин ва саъубатдин ўлуб турур ва жонин қоттиғлик ва бадбахтлик била топшурди.

Хизмати Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Раважий алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Мавлоно Саъуддиннинг кибори асқобларидин эрдилар, шундоғ ойтдиларким: «Бир кун Хизмати Мавлоно Нуруддин Аблурраҳмон Жомий била Рудмолон канорида ўлтуруб эрдук, сувнинг туғён қилур фасли эрди. Ногоҳ бир кирфи ётгонким, сувда ўлуб қолгон, сув юзидин зоҳир бўлди. Озор сувнинг юзидин они олиб, муборак қўллари била сийфадилар ва ҳеч кунҳи асари ҳаёт онда пайдо эрмас эрди. Бир лаҳзадин сўнг ҳаракатга кирди ва табиатнинг хилофига озорнинг канорига майл этди. Ва шундоғ озорнинг канорида эрдиким, то вақतिकим, шаҳарға мутаважжих бўлдук, озор канорларидин олиб ерда қўйдилар ва туруб равон бўлдилар ва ул саросимавор озорнинг изларидин югуруб, кўб йўлларни юруб, бизларнинг изимиздин келди, то жойға етушдук отлиғ ва пиёдаларнинг анбуҳи кўблигидин ондин махфий бўлдук, ул ҳам нопайдо бўлди».

Жавоне соҳиб жамолким, неча замонлар бўлдиким, озорнинг манзури назарлари бўлуб эрди, ҳикоят этиб турурким, бир кун озорнинг хизматларида батариқи сайри Сиёвушон деҳасиға бориб эрдук. Асқоб ва мутааллиқлардин жамъи касир ҳамроҳ эрдилар. Вақतिकим, кеча бўлди ва уйқу вақти етушди, ҳар ким бир гўшада ётдилар. Ва озор бир кенг уйда бир зовияни ихтиёр этдилар. Бир

улуғ шамъ то сабоҳ бўлгунча ёнор эрди ва ман ҳам ул гўшада олордин узоқроқ жойда уйқуга кетдим. Вақтиким, икки уч соат ўтди, бемужиб уйғондим. Ўзумни ташаххуд куъуди ҳайъатида ўлтургон кўрдим. Мутаажжиб бўлуб ўзумга ойтдим: «Бу не ҳолатдур, ман ётар вақтда узолиб ётиб эрдим ва ҳоло бу ҳайъатда ўлтурубман» Вақтиким, яҳши назар этдим, олор ўзларининг жойида икки тиз узра мувоқиб ўтирибдилар. Мен яна уйқуга кетдим. Замонеким ўтди, яна бежиҳат уйғондим ва ондоғким, ўзумни чўкка тушуб ўлтургон топдим. Манинг таҳаййурим зиёда бўлди. Ва бу суврат ул кеча неча мартаба воқеъ бўлди. Охир билдим, ул ҳол олорнинг хоотири шарифларининг таважжухининг воситаси била турур, то ташқари чиқдим, таҳорат этдим ва келдим, то сабоҳғача олорнинг ёнларида чўкка тушуб ўлтурдим.

Азизе олорнинг мухлисларидин нақл этибдурким, манга доъия бўлдиким, шаҳардин Сармазорга кўчиб борсам, дарахти иқоматни ул ерда кўйсам. Вақтиким, олорнинг ёнлариға келдим, ул доъияни арз этдим. Ойтдиларким: «Бағоят муносиб турур. Тез шаҳардин чиқғил ва келмақда ихмол этмаким, ҳаводис камин турур». Шул масоба эҳтимом этдиларким, ходимни талаб қилдилар ва манзил таъйин этдилар. Ва яна бир мартаба тез келмақда муболага кўргуздилар. Вақтиким шаҳарға келдим, баъзи авориз ва мавоний ваҳхидин ул доъия футури воқеъ бўлди. Ва ул азиматдин қойтдим. Бир ҳафтадин сўнг уйимга ўғри тушди. Нақд минг шоҳрухий сақлаб қўйуб эрдим, ҳар матоъеким, ул уйда бор эрди, онинг била пок олиб кетибдурлар. Ва мани яланғоч қўйди.

Бир кун Мавлоно Сайфуддин Аҳмад шайх ул-исломи Хирот сойир асҳоби тадрислар билан Ҳазрати Махдумнинг суҳбатлариға келдилар ва олор зиёфат маросимининг тақдимидин сўнг созанда ва хонандаларға буюрдилар, то ул мажлисда ғазаллар ўқуб ва нақшлар тартиб бериб, созлар этдилар. Иттифоқо ул суҳбатдин икки-уч кун ўтгандин сўнг, Ҳазрати Махдум зиёратгоҳ тарафига сайр расмийда чиқиб кетдилар. Ва ул жойда Шайх Шоҳғаким, машойихи мунаввари айндин эрди, мулоқот эттилар. Ва шайх ул-ислом суҳбатларининг кайфияти ва ул мажлисда бўлгон хонанда ва гўяндалиқлар олор бормаслардин аввал Шайх Шоҳға етушган эркан. Аснои суҳбатда Шайх олорға ойтдиларким: «Сиз муқтадои уламои Араб ва Ажам урафоларининг пешвоси бўлсангиз, нечукдинким, сизнинг мажлиси шарифингизда асбоби тараб ва найнавозлиқ ва усулу дойира ва мунларға ўхшаш нимарсаларни этсалар?!» Вақтиким Шайх бу эътирозни ойттилар, олор бошларини онинг кулоқ-

ларининг ёнимга олиб бордилар. Сир ва хафо пардасида онинг самъига бир сўз етуштурдиларким, аҳли мажлисдин ҳеч киши ул сўзнинг мазмунига иттилоъ топмади. Баякбор Шайхнинг ниҳодин фарёд чиқиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Ва бир замондин сўнг, вақтиким ўз ҳоллариға келиб, олонинг назарларида қўб ниёзмандлик эттилар ва мундин сўнг бу сўзларнинг амсолига оғиз очмадилар.

Бу фақирнинг волиди шарифи ойтур эрди: «Бир кун баъзи тафсирлардаким, ёнимда эрди, «ва оятул лаҳумул лайлу наслаҳу минхун наҳор» калимасида назар ва тааммул эттим. Ногоҳ хотиримга туштиким, бу оятни таъвил юзидин ул маъноға ҳамл этса бўлурким, наҳордин нури вужудни олсалар ва лайлдин зулмати адамни, яъни ҳар қачон вужуднинг нури олондин муртафиъ бўлса, адамнинг зулмагида қолурлар. Бу маъно хутур этгондин сўнг ният этгимким, бу суратни Ҳазрати Махдумға арз этайин. Эртонги кун эҳроми мулозамат боғлаб, олонинг ёнлариға бордум. Вақтеким ўлтурдум, ойтдилар: «Сизга тафсирларнинг мутолаасида ҳеч вақти андоғ бўлурмуқим, баъзи оёти Қуръонийда бу тойфанинг машрабиға лойиқ муносиб хотирингизға келсаким, қавмнинг китобларида назарингизға тушмаган бўлса, тақрир қилинг». Ман ул муқаддималарнинг шаҳниға қиём кўргуздим ва олар таҳсин айтдилар.

Бир донишманди фозилким, Ҳазрати Махдумнинг кибор мулозимларидин эрди, шундоғ ойтдиким, бир кун олонинг мулозаматларини қасд этуб, шаҳардин Сармазорға мутаважжиҳ бўлдум. Шаҳарнинг ташқорисинда Лангари Мавлоно Муҳйиға яқин бир йигит бағоят соҳибжамол олдимдин чиқди. Беихтиёр бир-икки назар онинг тарафига тушди ва бу ҳолға муқорин бир киши ўтдиким, эгнида рангин шолдин бўлгон кийимлари бор эрди. Шолнинг бир гўшаси ўнг кўзимга тегди. Хаёл қилдимким, бир ўқ эрдиким, кўзимга тегди. Неча муддати Лангарнинг эшигида ўлтурдим. Кўзимдин қўб сув оқди. Ондин сўнг олонинг мулозаматлариға бордим, кўрдим азизлардин жамъе била масжиднинг эшигида ўлтурубдурлар. Ман ҳам ўлтурдум. Бир лаҳзадин сўнг муборак бошларини кўтариб ойтдилар: «Бир дарвиш Ҳарамнинг тавофида бир соҳибжамол йигитға назар этубдур, ногоҳ бир қўл пайдо бўлуб онинг юзига шаффот била урубдурким, бир кўзи сув бўлуб оқиб турур. Хотифе овоз этибдурким, «Назрату билатматин ин зидта фазидно бика», яъни бир назар баробарида бир шаффот, агар сен зиёд этсанг, биз ҳам зиёд этармиз».

Бу сўзнинг тақриридан сўнг фақирга қараб ойтдилар: «Кўзни сақламоқ керак, то қўл сақларлар».

Илму салоҳ аҳлидин бир азизким, Ҳазрати Махдумға ихлосу мулозаматлари бор эрди, шундоғ ойтдиким: «Бир кун олорнинг зиёрат ва мулозаматини ниййат этиб Сармазорға бордим. Ва олор ҳарамда эрканлар. Вақти, сўфилардин бир азиз, они ҳам кўрдим, мунтазир бўлуб ўлтурғон эркан ва ҳар жойтдин сўз ўтар эрди. Ул азиз сўз асносида Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабийдин нақл этдиким, олор китобларида ойтиб турурким, ўн икки ойнинг муддати ўтмагида рўзанинг фарзиййати ўн икки ойнинг бирисида ворид бўлубдур, ҳар ойеким бўлса бетаъйин ва бетахсис махсуб бўлур ва моҳи рамазонга махсус эрмасдур».

Фақир бу нақлнинг истимоъидин бағоят мутаассир ва малул бўлдум. Онинг учунким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддинга эътиқоди тамомим бор эрди ва олордин бу сўзнинг амсолига рози эрмас эрдим. Дарҳол ул мажлисдин турдим. Ҳазрати Махдумға мулозамат этмай, шаҳарға келдим. Ва ул азиз ҳам олорни кўрмай манинг изимдин чиқди. Ва ман эртангиси кун бу сўзнинг тадқиқи учун олорнинг мулозаматлариға бордим ва арзи ҳол этмасдин аввал муқаддималардин бир навънинг илқосиға тил очдилар, то шавқи калом ул ерга бордиким, бизлар ўз замонамизнинг фуқаҳолари таврлари ва таъриқи аҳқомлариға рози бўлмоқимиз керакким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддин қуддиси сирруҳу китоби «Футухоти Маккия»да баъзи фуқаҳои замоннинг мазҳабида шундоқ ёзибдурларким, фалон вақтда Мисрнинг фуқаҳолари зумрасидин бир киши султони вақтнинг раъйи маслаҳати учун шундоқ фарз рўзаси бобида сурати фатво ёзди.

Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий қуддиси сирруҳу фарзандларидин бирлари шайхи олим ва ориф Румдин Хуросонга келиб эрди. Ва неча вақт Ҳазрати Махдумнинг мулозаматларида бўлди. Ва олорнинг қўб илтифотлари бор эрди. Ва онинг учун Сармазорда алоҳида жой тайин этиб эрдилар. Бир кун ойтдиларким: «Бу кунларда бир кеча Ҳазрати Махдум бизнинг манзилимизга ташриф эттилар. Хуфтон намозини ўқудуқ ва ул кеча манга бир нафас янглиғ ўтди». Ва ойтур эрди: «Гўёким хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқлари шундоғдурким, то киши ҳолиға илтифот этмасалар, онга ҳеч нимарса ҳосил бўлмас». Ва ул ҳикоят ойтибдурким, бир кеча йўл била борур эрдим. Ҳаво бағоят қоронғу эрди ва ёмғур ёғар эрди. Ва изтирор вақтида олорнинг тарафига таважжуҳ эттим. Йўл равшан бўлди. Ва зулматнинг ташвиш идин халос топдим».

**Ҳазрати Махдумнинг  
вафотлари тарихи зикрида ва озорнинг шажараи  
валоятларининг самарасига иймо ва ишорат этмак**

Вақтиким, хизмати мавлавий устозий Мавлоно Разийуддин Абдулғафур алайҳир раҳма, вал-ғуфронки, Ҳазрати Махдумнинг фазойил ва шамойиллариға муштамил ҳошияи «Нафаҳат ул-унс»-нинг такмиласида иртиҳол ва интиқоллари кайфийяти тариқини тафсил била келтуруб турур ва ул китобе турур машҳур ва онинг мазмуни тилларда мазкур, ложарам бу ерда ийрод тариқи била баён этар.

Билгилким, озорнинг касалларининг ибтидоси муҳаррам ул-ҳаром ойининг ўн учлончисида якшанба куни сана саккиз юз тўқсон саккизда (1492) эрди. Ва муҳаррамнинг олтилончиси жумъа куни сабоҳидаким, мараз ориз бўлуб эрди. Набзлари соқит бўлди. Вақтиким, намози жумъанинг суннатиға азон ойтилди, нафаси муборақлари мунқатиъ бўлуб, дори фанодин дори бақоға риҳлат этдилар. Вақтнинг фузалолари ва замоннинг шуъаролари марсияларида вафотлари тарихида қасойид ва муқаттаъот ва рубоъийот кўб ойтдилар. Ва бу икки қитъа ул жумладин турур.

Қитъаи аввал:

*Ғавси офоқ Ҳазрати Жомий,  
Кана фи муқлат ил-варо нуран.  
Чун инон ёфт аз диёри фано,  
Кард дар Каъбаи бақо рўро.  
Соли моҳи вафоти рўзаш буд,  
Ҳиждаҳўм рўзи моҳи ошуру.  
(Ғавси офоқ Ҳазрати Жомий  
парҳезкорлик ва тақво бобида қандил нуриддек эди.  
Бу фоний дунё юзидин,  
Боқийлик каъбаси сари юзланди.  
Вафотининг юз берган ойу куни,  
Ашуро ойининг ўн саккизи эди.)*

Қитъаи соний:

*Жомийким, буд булбули жаннат қарор ёфт,  
Фи равзатин муҳалладатин арзуҳо асмаъ  
Килки қазо навишт равон бар дари биҳишт,  
Тарихиҳу ва ман даҳала кана омино.*

(Жомий ким, жаннат булбули эди,  
Тақдир қалами жаннат эшигига ёзди:  
Вафотининг таърихи: ва ман дахалоҳу кана  
омино (кимки унга кирди, бас, омон бўлди.)

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса  
сирруҳунинг валади Бузрутворлари Ҳазрати Хожа Калоннинг сул-  
биййалари бор эрди. Ҳазрати Махдумнинг ҳуболалариға кириб эрди.  
Ва яна бири бу ҳарф била хуруфнинг роқимиға ҳавола бўлуб эрди.  
Ва бу маънода ойтилди.

Қитъа:

*Ду кавкаби шараф аз буржи саъди миллату дин,  
Тулуб карду бар омад басони дур зи садаф,  
Аз он яке базиё гаит байти орифи Жом,  
Аз ин ҳазиз ва боли Сафий шуд авжи шараф.*

(Икки шараф юлдузи миллат ва диннинг

бахтиёрлик буржидан,

Дур садафдан чиққани каби нур сочиб чиқди.

Улардан бири Жом орифи уйининг нури бўлди,

Сафийнинг қаноти эса юксаклик буржига етди.)

Ва Ҳазрати Махдумга ул сулбиййадин тўрт саъодат асар ўғул  
вужудға келди. Аммо аввалғи фарзандлари бир кундин зиёда ти-  
рик эрмас эрди. Исми била ҳам мусамма бўлмади. Ва то иккилон-  
чи фарзандлари Хожа Сайфуддин Муҳаммад эрди ва ул бир йил-  
дин сўнг фавт бўлди. Ҳазрати Махдум онинг фавтидан кўб мута-  
асир бўлдилар. Ондоғким, онинг учун марсияи назм ойтибдурлар  
ва девон аввалида марқум турур. Ондин маълум бўлур ва итти-  
фоқи ажийбиййадин ул турурким, онинг лақаби Сафий эрди. Бу  
фақирнинг тахаллуси этдилар ва бу фақирнинг лақабаниким, Фаҳр  
турур, онга тарихи валодат этдилар. Ондоғким, бу рубоъийда оло-  
рининг хатти муборақларидин нақл этилди, назм этибдурлар.

Назм:

*Фарзанди Сафийиддин Муҳаммад, ки жаҳон,  
Шуд зинда ба ў чунон, ки тан зинда бажон  
Чун шуд бавужуди у жаҳон фаҳр кунон,  
Шуд соли валодати вай аз Фаҳр айон.*

(Фарзанд(им) Сафийиддин Муҳаммад ким,

Унинг била жаҳон худди тан жон

билан тирилгандек тирилди.

Унинг вужуди жаҳонга фахр бўлгани каби,  
Унинг туғилган йили ҳам «Фахр» сўзидан аён бўлди.)

Ва онинг нақлидин сўнг Амир Низомуддин Алишер бу фақирниким, тўрт калимага муштамил турур, онинг тарихи вафотида мураббат қилиб, олонинг ёнларига юборди:

*Бақойи ҳаёти шумо бодо.*

(Ҳаётингизнинг абадийлиги бўлсин.)

Ва аммо олонинг учлончи фарзандлари Хожа Зиёуддин Юсуф эрди ва онинг тарихи валодати ондоқким, олонинг хатти муборақлари била кўрулуб турур, бу тариқдаким: «Фарзанди аржуманд Зиёуддин Юсуф анбатахуллоху наботан ҳасананнинг валодати шаввол ойининг тўққизлончиси чоҳаршанба кечаси эрди, нисфи охири сана саккиз юз саксон иккида (1477) эрди.

Бир кун Ҳазрати Махдум Сармазорда ҳавзнинг канорида масжиди қадимнинг орқа тарафида воқеъ эрди, ўлтуруб эрдилар, ходимлардин бириси Хожа Зиёуддин Юсуфни дўшига кўтариб ташқари чиқорди. Хожа ул маҳалда тахминан беш ёшар эрдилар. Вақтиким, яқин келди, ойтди: «Ё бобо! Ман Хожа Убайдуллохни кўрганам йўқ». Олор табассум этдилар ва ойтдиларким: «Сан Ҳазрати Хожани кўрубсан, аммо хотирингга келмай турур». Бас, ойтдилар: «Бу вақтларда бир кеча уйқуда шундоғ кўрдимким, Ҳазрати Хожа Убайдуллох қуддиси сирруху бу ерда ҳозир турурлар, воқеъага ишорат этдиларким, масжиднинг орқа тарафинда воқеъ турур. Ман Зиёуддинни қўл устида тутуб олонинг ёнларига келтурдум ва ойтдим: «Умид этарманким, бу тифл тарафига иноят назари этсангиз ва они шарафи илтифоти қабулға мушарраф қилсангиз». Ҳазрати Хожа они манинг қўлумдин олдилар ва муборак оғизларини (Зиёуддиннинг) оғизларига қўйдилар ва бағоят бир оқ нимарсани муборак оғизларидин онинг оғзига қўйдилар. Ондоқким, онинг оғзи ул нимарсадин тўлди ва бир нимарса зиёдалиқ қилди. Ондин сўнг они манинг қўлумга бердилар ва ман уйқудин уйғондим». Бу воқеънинг мазмунини «Хирадномаи Искандарий»нинг дебочасида Ҳазрати Эшоннинг мангабатлари асносида назм этиб турурлар.

Тўртлончи фарзанди аржумандлари Хожа Заҳриддин Иисо эрдиким, Хожа Зиёуддин Юсуфнинг валодатидин сўнг тўққуз йил мудлатида мугаваллид бўлдилар. Ва онинг валодати тарихи

ондоқким, олорнинг хатти муборақларидин нақл бўлди, бу турурким. Фарзанди аржуманд Заҳириддин Йисонинг валодати муҳаррам ойининг бешлончиси панжшанба кунининг вақти зуҳурининг воситида сана саккиз юз тўқсон бирда (1486) эрди — анбатаҳуллоҳу наботан ҳасанан ва раззақаҳу саъодат ад-дорайни би Муҳаммадин ва олиҳит-таййибийнат-тоҳирийн. Ва қирқ кун камобиш ўтгандин сўнг вафот топдилар. Ва олор онинг валодати ва вафоти тарихида бу икки қитъани назм этдилар. Қитъаи аввал:

*Фарзанди Заҳириддин панжум зи муҳаррам,  
Дар мунтасифи зуҳр шуд ороми дили мо.  
Жуз залика Йисо нашуд аз ғайб ишорат,  
Жустим чу номаш зи рақамномаи асмо.  
(Фарзанд Заҳириддин муҳаррам ойининг  
Пешин вақтида дилимизнинг ороми бўлди  
(яъни туғилди)*

Унинг туғилиш тарихини исмлардан қидирган эдик,  
«Золика Йисо» бунинг учун ишорат бўлди).

Қитъаи сония:

*Нури дийда Заҳириддин, ки фитод,  
Додану бурданаш баҳам наздик.  
Буд барқе зи осмони карам,  
Зодану мурданаш баҳам наздик.  
(Кўзимиз нури Заҳириддинким,  
Берилишию олиб кетилиши бир-бирига яқин бўлди.  
У карам осмонининг бир чақмоғи эди,  
Туғилиши ва ўлиши бир-бирига яқин бўлди).*

### **Мавлоно Абдулғафур вал-Ғуфрон**

Лақаблари — Разийуддин турурлар. Шаҳардин эрдилар. Ул диёрнинг аёнларидин шундоғ эшитилди, Саъд ибни Убода разийаллоҳ анҳунинг авлодларидин эрканларким, кибори ансордин турурлар ва Харзаж қабиласининг улуғларидин. Ва хизмати Мавлавий Абдулғафур Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг асҳобларининг ажиллаи таломизаларидин эрдилар, ақлий ва нақлийнинг ҳамма аснофларида ягонаи замон ва фарзонаи даврон эрдилар. Ва ул Ҳазратнинг аксар мусаннафотларини олорнинг олдила-

рида ўтқариб эрдилар. Ул шарҳи «Фусус ул-ҳикам»нинг муқобаласидин охири китобда хизмати Мавлавий бу калимоти қудсий нишонни ёзиб эрдиларким:

«Гаммат муқобалату ҳазал-китоб байний ва байна соҳибиҳи ва ҳува ахул-фозил вал-мавла-комил ва зур-раъй ис-соиб вал-фикр ис-соқиб Разий ул-милла вал-дин (Абдулғафур) истахласа-хуллоҳу субҳонаҳу линафсиҳи ва якуну лаҳу ивазан ан кулли шайъин фи авосити шаҳри жумод ил-аввал ил-мунтазамати фи шуҳури сана ситта ва тисъийна ва саманиъамиа ва анал-фақир Абдураҳмон Жомий афа анҳу».

Ва хизмати Мавлавий ҳошияи «Нафаҳот»нинг такмиласида ўз ҳолларидин бу унвон била тағйир этиб турурларким, бир фақирға бу тариқ шуғлининг дағдағаси даст берибдур. Олорнинг мулозаматлариға бориб таълим олмоқни истидьо этибдур. Ойтибдур: «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур-русулulloҳ» зикрини онга талқин этибдурлар. Ўз муборак сувратларининг ҳифзи била машрут этдилар. Ул фақир шул суҳбатда олорнинг буюрғонлариға машғул бўлди. Дарҳол онда бу тойифанинг асари маъхудалари зуҳурға келди. Ўзини бир равшан майдонда кўрди ва онга лаззати қавий ва шавқи азим даст берди. «Явма тубаддалул-арзу ғойр ал-арзи»<sup>1</sup> аломати онда ҳозир бўлди. Ва ҳувайдо бу ҳолатни олорға арз этди. Ойтдиларким: «Бу бир сирредурким, ёру дўстдин ҳам ихфо этмак керак». Ондин сўнг такрор шуғл ва касрати амал била беҳудлиқ кайфиййати онда мутазойид бўлди.

Бир кун ул фақир баъзи ишғолдинким, нисбатнинг футуриға сабаб бўлур эрди, шикоят этди. Ойтдиларким: «Ул нисбатни зоҳирий шуғллардин бир шуғл била жамъ этмакдин чора йўқ турур. Ва ул кишининг суҳбатиниким, бу нисбатни ондин топибдур, они лозим тутмоқ бошқанинг мулкидурким, бу кишида мунъакс бўлубдур. Шундоғ керакким, бу кишининг мулки бўлсун, давоми суҳбат била муяссар бўлур».

Ва ойтдиларким, зоҳир юзидин ҳаромға иштиғол кўргузмак зарурий турур, то бу киши сойир халқдин мумтоз бўлмасун ва нишонаманд ойланмасун. Эшитмадингизмуким, шахсе Бузругнинг ёнимға борди. Тариқат таълими олмоқни илтимос этди. Ва ойтдиким: «Ҳеч пеша қилурмисан!» Ойтди: «Йўқ». «Борғил, пунбадўзликни ўргангилким, бу тойифанинг равишларининг маъноси шуғли суврат бўлмай бўлмас». Ва ойтдиларким, бу ҳолатнинг ҳусули ва бу нисбатнинг таҳаққуқи оний турур, онинг

1. «Ер бошқа ерга алмаштирилган кун»... (Иброҳим, 48-оят.)

учунким, идрок ва инфийол мақуласидин турур, ҳақиқати кор эъроз ва иқбол турур, мосуводин эъроз этиб, Ҳақ субҳонаҳуға иқбол этмак. Бу бир онда мумкин турур. Одаме баманзалаи ойинадурким, юзи бошқа тарафга қараган, они ойлантурмоқ керакким, юзи Ҳақ тарафга тушсун.

Азизе машойихлардин бирларининг суҳбатида саяқати урди ва йиқилди. Вақтиким, ўрнидин турди, сўфий бўлиб турди ва ойтдики: «Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға рабт қилиб ҳосил бўлгондин сўнг ва огоҳлиқ нисбати мутаҳаққиқ бўлгондин сўнг гоҳ бу нисбат музҳили мосиво бўлур ва муни ҳол дерлар ва гоҳ музҳили мосиво бўлмас, муни илм дерлар. Ва илмни ҳолда мундариж дебдурлар ва ҳолдин ҳисоб қилурлар. Ва бу тафовут сафо ва кудурат кишининг истеъдоди тафовути андозаси била бўлур».

Ва ойтдиларким, зикрга машғул бўлгон замонда вақтиким, гайбати маъхуда даст берса, они мисли хатти мустақимдек фараз этмак керак. Не учунким, бу маънонинг тахаййули ва ҳаёлининг амри воҳидга шуғли мамидди жамъият турур.

Ҳазрати Рисолат (Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам) амирулмўминин Али (разийаллоҳу анҳу)ға ойтдиларким: «Йўлни мисли хатти мустақим фараз этмак керакдур». Ва (Абдулғафур Лорий) ойтур эрдиларким, хожাগон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқларининг бир зиёдалиқи бордурким, ҳар ерда ва ҳар ҳолда ва ҳамма кишининг орасида бу нисбатнинг варзишини этса бўлур. Ва бу нисбатнинг варзишини асл этмак керакдур ва онинг гайрига бақадри зарурат парво этмак. Ва бу нисбати шариф бағоят латиф турур. Ва онга ҳадди мазбут ва вақти муайян йўқ турур. Амри жузъий била зойил бўлур ва гоҳо вақтидаким, киши мутараққиб бўлмаса ҳам зоҳир бўлур. Ҳар қачон нисбатда футуре воқеъ бўлса, онинг сабабиға ружуъ этмак керак ва мулоҳаза этмак керакким, на нимарса бу футурға муфзий бўлубдур. Онинг дафъиға машғул бўлмоқ керак.

Ва ойтур эрдиларким, умури ҳиссийдин кўб нимарсалар бордурким, мулоҳазаси нисбат ва ҳолға мамид бўлур ва муқаввий жамъият ойланур. Ва бу амре турур мазбут эрмас. Аҳвол ва авқот юзидин мухталиф ва мутафовут тушубдур. Ул жумладин саҳродурким, суврати итлоқ турур. Итлоқнинг маъносини мулоҳаза этмакка муайян турур ва жиболнинг мушоҳадаси ҳайбат ва азаматнинг маъносига муврисе турур. Ва муроқабат вақтида сувнинг овози имтидод ва иттисол тариқи била муроқабанинг муқаввийсе турур. Зиллнинг зий-зиллига таъбиййатини мулоҳаза этмак керак, ўз

ҳавли ва қувватидин хориж бўлмоқни ийрос этар. Ваҳший жони-ворларнинг кўзларини ва таваҳхушини мулоҳаза этмак нисбати ҳайратни зиёд этар. Ва жанозанинг мулоҳазаси нисбати фанони тақвия этар. Ва йиғлагонларнинг овозини мулоҳаза этмак маҳбубини йўқ этганлардан ёд берур.

Ва ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сиррухунинг мулозаматларига бордим. Иттифоқе, гузар (им) ўлуб ётгон эшакнинг устидин тушдиким, кўзлари очик қолиб эрди. Ойтдиларким, «Ажаб истиҳлоке бор турур». Ул ҳийнда олонинг нисбатлари бағоят қавий бўлди.

Ва ойтур эрдиларким, бир кун қабзи азим воқеъ бўлди. Саҳроға чиқдуқ. Вақतिकим, Боғи Оҳуға яқин етдук, назаримиз ножуаларға тушди. Хотирға келдиким, ҳамоно бўлар ўз истейдодлари андозасида маблаъи файйоздин файз олурлар ва онинг била оромлари бордур. Дарҳол қабз бартараф бўлди. Ва нисбати азим ғалаба қилди. Моҳитоб кечаларининг кўбисида, вақतिकим, қабзиййат ҳодис бўлса эрди, соя ва ойнинг таъбиййатининг мулоҳазаси била муртафиъ бўлур эрди.

Хизмати Мавлавий ойтур эрдиларким, бир кун олонинг ёнларига бордим ва одамларнинг ихтилотидин шикоят этдим. Ойтдилар: «Худонинг халқларини оламдин чиқариб бўлмас. Шундоғ зиндагонлиқ этмак керакдурким, халқнинг бу кишига тасарруф қўли етмаса».

Ва ул кунларда китоби «Нафаҳот»нинг таълифотига машғул эрдилар. Бир сафҳа икки сафҳа ёзилур ва ёзмоқға шуъурлари йўқ турур, балким қалам одат тариқида жорий бўлур. Ва ойтдилар: «Баъзи ақобирлар ойтиб турурларким, тақаллум била шуғли ботиний жам бўлмас». Бу сўзлар олардин бағоят ғариб турур.

### *Анфоси мутабаррикалари жумласидиндурким, масмуъ бўлиб эрди*

Ва ул тўрт рашҳа зимнида ийрод топар.

*Аввалги рашҳа.* Бир кун жиннинг аҳволи тариқида сўз ўтди. Хизмати Мавлавий ойтдиларким: «Ҳазрати Шайх Муҳйиддин қуддиси сирруҳу ўз рисоаларининг баъзисида келтурубдурларким, ихтилоф турур ондаким, Абул Жинн иблис турурму ё иблиснинг ғойриму? Ва таҳқиқ будурким, ул иблисдин бошқа турур. Ва иблис олонинг бириси турур. Ва Абул Жинн хунаса эрди. Ва икки сонин бир-бирига суртар эрди. Ва ондин фарзандлар таваллуд то-

пар эрди. Вақтиким, озорнинг вужудининг таркиби ўтдин ва ҳаводин турурким, икки рукн хафиф турур, ложарам оларда сахофат ва хиффат бор турур, хусусан онга руҳ зам топғон бўлса. Бас, озор бағоят енгил ва сарий ус-сайр бўлса. Ва касир ул-ҳаракат бўлурлар. Ва озорнинг таркиби кўб заиф ва бебунёд бўлур. Ва андак изор во озор ва гаронлиқ биланким ва бори билаким, бани Одамдин ва озорнинг ғайридин озорға етушса, аъзолари бир-бирининг жудо бўлуб ҳалок бўлурлар. Ва бу жиҳатдин умрлари кутоҳ бўлур. Вақтиким, жинлар бир кишига сурат мисоли била зоҳир бўлсалар, тез қочарлар ва онинг назаридан ғойиб бўлурлар. Ва Ҳазрати Шайх қуддиса сирруҳу ойтдиларким, озорнинг тариқи ҳибслари бар ва-жҳеким, назардин ғойиб бўла билмаслар, ул турурким, назарни озорни суратиға тикарлар, ямин ва ясордин ҳеч тарафға қарамаслар. Ва то кишининг назари озорнинг суратиға тикилғон бўлса ҳеч важҳи била назардин ғойиб бўла билмаслар. Ва мисли маҳбусдек ўз жойида қолурлар. Ва шул важҳдин ишлар ва ҳаракатлар этарлар. Ва тасвилот ва тахаййўлотлар кўргузурлар, то бўлғойким, нозир онга таважжўх этсун. Ва онинг назари озордин мугасарруф бўлсин. Озор қочмоқға йўл топсунлар.

Ва Ҳазрати Шайх қуддиса сирруҳу ойтдиларким, озорнинг бу тариқа таълими ҳибслари Аллоҳ таъолонинг таърифи биладурким, мани онга мулҳам этти.

Ва ойдиларким, жиннинг орасида илми дониш кам бўлур. Ва умури маънавийда озорнинг идрокатлари бағоят қосир бўлур, хусусан, маърифатуллоҳда. Ва озорнинг аксари палид ва бефаҳм бўлур. Ва озорнинг ихтилотида ва суҳбатида ул чоғлиқ фойда йўқ турур, балким суҳбатлари зарар этар. Ва (жиннинг) сифати одамнинг ниҳодида озорнинг мусоҳабаҳатидин ҳолат бўлур, онинг учунким, озор жузви норий ва ҳавоийдин мураккабдурлар. Ва жузви норий озорнинг таркибида ғолиб турур, кибр ва саркашлик норий ҳавосдин бўлур.

Ва ойтдиларким гирдибодийким майдонларда бўлур, ондин баъзиси озорнинг майдонларида бўлур, ондин баъзиси озорнинг музораба ва муҳорабасининг асари турур. Ва ул гирдибод ичида озор турурким, бир-бирлари бирла жангу жадал қилур. Ва озорнинг орасида ошуб ва фитна ва мужодала кўб бўлур. Ва ул восита билаким, такаббур ва тажаббур озорнинг лозими зотлари турур. Вақтиким, озордин бириси вафот топса, бир захға мангалл бўлур. Ва онга нашаъу дунавийға мурожаат этмак имкони бўлмас. Ва онинг мақоми ҳам барзахта бўлур, то ҳашр абадул обод қойим

бўлур. Вақтигачаким, жамъи олардин мустаҳқиқи таъзиб ва дўзахий бўлсалар, озорни жаҳаннамда замҳарир била уқубат этарлар. Нечунким, ўтдин ул чоғлиқ мутаассир бўлмаслар. Ва агар чандиким дўзахнинг ўтидин мумкиндурким, муаззиб ва муоқаб бўлсалар, нечунким бул ўт бул унсурдин неча даража ва мартаба иссиғроғ ва ёқғучироқдир.

*Иккинчи раишҳа* хавотири шайтоний ва нафсоний баёнида турур.

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Шайх (Муҳйиддин) қуддиса сирруху «Футуҳот»да келтурубдурларким, шайтон икки турур. Бири шайтони суварий, яна бири шайтони маънавий. Шайтони суварий Иблис турур ва ул гоҳо ҳаққоний амрни илқо этар ва кишининг хотирига солур, то шайтони маънавийким, нафс турур, онда тасарруф этар. Ва они умури ботилнинг жумласидин этар. Ва гоҳ-гоҳ шайтони маънавий ишлар этарким, шайтони суварий онинг атрофида бўла билмас. Масалан, шайтони суварий бир кишининг кўнглига ҳасанани илқо этар ва бу умури ҳақдин турур. Онинг учунким, ҳадисда воқеъадур, ҳар ким бир суннатни ихё этса, то қиёматгача ҳар киши ул суннатга амал қилса, ул онинг савобидин бахраманд бўлур. Бас, шайтони маънавий ул мулақийда тасарруф этар ва они ул ишга далолат этарким, то пайғамбар (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг одларига ҳадис вазъ этар ва онга суннати ҳасана од қўяр, то одам ул ҳадисга амал қилур ва ул амрда онга ажре бўлур. Ва ул ҳадисдин гофил қолгонким ҳар киши пайғамбар(имиз Ҳазрати Муҳаммад) (саллаллоху алайҳи ва саллам)га ёлгонни нисбат берса, онинг жойи дўзах турур.

Яна бир мисол ҳам Ҳазрати Шайх қуддиса сирруху ойтибдурларким, шайтони суварий, масалан, баланд овоз бирла Қуръон ўқумоқни бир кўнглига илқо этди. Бу амр ҳаққоний эрмастур. Бас, шайтон онда тасарруф этди ва ғайрининг истимоъини онга мунзам қилди, то они толий дерлар ва они риё ва самъа била ботил ойландурди. Ва бу амрнинг мисоллари кўб турур.

*Учлончи раишҳа.* «Ҳаққ ул-яқийн» деган китобнинг соҳиби ибодати изтирорий ва ихтиёрийнинг баёнида ойтибдурларким, нафси идрокким, маърифатдур, ибодати изтирорий ва раҳмати оммни эъжоб этар. Идрокким илм турур, сир ва сулук ва раҳмати хосни ва ибодати ихтиёрийни лозим тутар. Бу сўзнинг маъносининг шарҳида ойтдиларким, идрокни маърифат леди истилоҳ важҳидин ва идрокдин мурод идроки басит турур. Не учунким, Ҳақ субҳонаху ва таъоло мудрикани барважҳе халқ этибдурким, фитрат юзидин

вожиди вужуди Ҳақ таъоло турур. Ул виждонга шуури бўлмай ва бу виждон фитрат юзидин онга ҳосил турур. Онинг учунким, қуввати мудрика ҳар нимарсаниким, мавжудотдин идрок этар, аввал вужудни идрок этиб, ондин сўнг ул нимарсани идрок этар, бас, вужуд нурнинг манзаласида турурким, ул нур басар била ул мудрика бўлур. Ондин сўнг ашён махсуса мудрик бўлур. Вақтиким, мудрика фитрат юзидин вожиди вужуди Ҳақ таъолодир, бас, осори вужуд онинг лозимларидин бар важҳе изтирорий мутаассир бўлур ва бу таъсир инқийод ва тазаллуле турурким, онинг вужуди Ҳақ таъолога нисбати бор турурким, агар хоҳласун ва агар хоҳламасун мутаассир бўлиб, вужуди хорижий онинг лавозимларини қабул этиб турур. Ва бу инқийод ва тазаллулнинг нафси Ҳақиқати ибодатдурким, ҳол андозаси била онга ҳосил турур. Бас, ҳол андозаси била онга изтирорий иборатдур. Ва бу идроки басит мужиб турур раҳмати оммнинг зуҳурифаким, файз вужудидин мудрикага ва соир мавжудотга муносабат турур. Ва нафаси Раҳмон била мулаққаб турур.

Ва идрокни илм деи истилоҳ важҳидин, вақтиким бу маънони идрок этдиким, онинг яъни мудрикаси вожиди вужуди Ҳақ таъоло турур. Ва онинг баҳасби воқеъ ва баҳасби ҳол мунқоди ва мустаслаמידур. Ва бу жойда хоҳладики, онинг сифат иродаси ҳолнинг сифат воқеаси га мутобиқ бўлсун. Бас, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ибодатини ва онинг амрлари ва наҳйларининг қабулини зоҳир юзидин қабул этти ва ихтиёр этти, то онинг зоҳири ва ботинига мувофиқ ва мутобиқ ва бу идрок мураккаб турурким сайру сулукнинг маротиби олиялариға уруж этмакни ийжоб этар. Ва раҳмати хосдурким, раҳмати раҳимийдир. Қавлуҳу таъоло «ва ма халақт ул-жинна вал-инса илло лияъбудуний». Ва бу мақомда онинг татбиқи дуруст келур, хоҳ ибодати изтирорий эътибори била ва хоҳ ибодати ихтиёрий эътибори била бўлсун.

Ва акобирлар ойғиб турурларким, ибодатда сир ул турурким, бу ибодати ихтиёрий мутобиқ бўлсун ул ибодати изтирорийғаким, мудрикага ҳамишга инқийод ва тазаллул юзидин ҳосил турур. Ва иродат мутобиқ бўлсун ҳоли воқеаға.

*Тўртлончи раиҳа.* Куффор аҳлининг азоби доимий ва жовидоний бўлмоқининг имкони ва онда акобирларнинг ихтилофлари баёнида турур.

1. Одамлар ва жинларни фақатгина менга ибодат қилишлари учун яратдим. (Зориёт. 56-оят.)

Ойтур эрдиларким, баъзилар савол этдиларким, удул ва ҳикматнинг муқтасоси ул турурким, мутаноҳий гуноҳға мутаноҳий азоб бўлур. Бас, жиҳат недурким, куффори мутаноҳийға азоби мутаноҳий турур? Хужжат ул-Ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий қуддуса сирруҳу бу саволнинг жавобида ойтдиларким: «Жазойи аъмолни қадр не чоғлиғ бўлурини Аллоҳ таъоло билур. Бу маънонинг идроки уқули ноқисанинг идрокидин хавф турур. Бас, ул жазоким, куфрға мумосил ва мушобиҳ бўлса, нашаъти ухровийда жовидона ва доимий бўлур. Жазойи аъмолнинг ҳақиқатиға ва сирриға Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин бошқанинг иттилоъи йўқ турур.

Баъзи(лар) ойтубдурларким, вақтиким куффорнинг қасди ва ниййати ул турурким, ҳамишға куфрда бўлсалар, бас ул нашаъда ҳам онинг жазоси ҳамишға бўлур.

Аммо ул кишиларким, азоби жавидонийға қойил эрмас турурлар, ойтурларким: «Куфр жаҳлийдур, оризий ва лоҳиқи руҳнинг мизожиға муносиб эрмас балким руҳнинг мизожиға муносиб. Ва онинг идрокотиға лойиқ умури Ҳаққ турур. Жаҳл бир сифате, охир муртафиъ бўлур.

Ҳазрати Эшоннинг калимоти қудсияларидинким, баъзи муҳодими жамъе ойтиб эрдилар: «Неча мавзеъларида дағдаға бор эрди ва хизмати Мавлавий устози алайҳир раҳмага арз этулди. Ва жавоб эшитулди ва ондин баъзи бу турурким, олти рашҳанинг зимнида ийрод топар.

*Аввалги раиҳа.* Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Улчаким, одамларға воқеъ бўлур агар шариятда онга муқаррар ҳадде ва таъзире бўлмаса, ондин ранжида бўлмасунлар. Онинг учунким, аввал Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг иқдори ва тамкини ва халқи била мавжуд бўлубдур».

Ва бу сўзнинг маъносида ойтдилар: «Агар чандиким, ҳар феъл хоҳ ҳадди шаръий мутаважжих бўлсун, хоҳ бўлмасун, бу қабилдин турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг иқдори ва тамкини ва халқи била мавжуд бўлуб турур, лекин мурод ул турурким, бу қисмадиким, мазкур бўлди. қазову қадарнинг ҳақиқатиға назар этмак керак, то уруш ва фитна бўлмасун. Ва ул суврати дигарда ҳам аҳкоми шариятға назар этмак керак, то силсилаи умири олам ўз низомида қолсун. Ва шаръи шарифға иҳонат бўлмасун ва ваҳм йўл топмасун. Бу сувратда ранжимак ва изтиробға тушмак ва уруш этмак Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ризосининг мужиби ва Расул (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хушнудликлари турур. Ва бу жанг ва ошубнинг зимнида минг фойида суврат ва маъно юзидин мун-

дариж турур. Ихмол ва имҳол онда илҳод ва зиндиқадин бошқа ҳеч нимарса эрмастур.

*Иккилончи раишҳа.* Бу сўзнинг шарҳида Ҳазрати Эшон ойтдиларким, қазову қадарнинг кўзи била назар этмак керак ва ҳама кишини амр таквинининг тамсили кўрмак керак, то уруш бўлма-сун.

Ойтур эрдиларким, яъни ул нимарсанинг тамсили билаким, таквин амри била ҳосил бўлгон бўлса ва бу адно мулобаса била изофа турур ва амри таквиний деб бевосита амрни ойтурлар. Яъни, бул амрнинг ҳусулида васойитнинг кўблигига ва замоннинг имтидодига эҳтиёж йўқ турур.

*Учлончи раишҳа.* Бу сўзнинг маъносида Ҳазрати Эшон ойтдиларким, ваҷҳи боқийнинг иродаси мусаҳҳар турур, яъни ҳиссаи вужудийким, ҳар мавжудға ҳосил турур, вужуди мутлақнинг ойинаси ул турур. Ул ирода ул ҳиссанинг мусаҳҳари турур. Ул маъно билаким, солик ул ҳиссига ғолиб бўлабилур ва они жамоли мутлақға ойина этабилур. Ва ойтдилар: «Яна бир маъно ҳам хотирға хутур келур. Мумкиндурким, иродаи ваҷҳи боқийдин таважжуҳи ваҷҳи ҳосни олсалар, вақтиким бу таважжуҳнинг натижаси ғайр ва исбот Ҳақ субҳонаху турур. Бас, ул ердаким, Ҳақ субҳонаху мусбит бўлса, ҳама ашё мусаҳҳар бўлур ва ул ҳолда Ҳақ субҳонаху ва таъоло бу ироданинг соҳиби ботиндин мусаҳҳари ашё бўлур».

*Тўртлончи раишҳа.* Бу сўзнинг маъносидаким, Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Футуҳот»да мазкурдурким, оламнинг зуҳурининг сирри маълум бўлмасдур, илло бимужоҳадотин касийратин ва риёзатин азийматин юсаббихул-ҳимама. Ойтур эрдилар: «Мурод юсаббихуҳал-ҳимама ул турурким, онинг мармаи қасди ва ҳиммати Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг зоти бўлсун. Ва то бу ҳиммат мавжуд бўлмаса ва бу ҳимматнинг соҳиби кўб мужоҳадаларни ва улғу риёзатларни ўзига олмаса, оламнинг зуҳурининг сирриким, асро-ри ромизанинг жумласидиндур, онга мункашиф бўлмас. Мужоҳада ва риёзат этмай танҳо бу ҳиммат ё танҳо мужоҳада била бетаҳсили риёзат бу ҳиммат ҳеч фойида ва натижа бермас».

*Бешиллончи раишҳа.* Бу сўзнинг маъносидаким, Ҳазрати Эшон ойтдиларким, баъзи орифларғ а ул қудратни берубдурларким, ҳар нимарсаниким, хоҳласалар халқ этурлар Ҳақ таъолонинг махлуқи била. Орифнинг махлуқи орасида фарқ улдурким, орифнинг махлуқи боқийдур, модомиким они ҳазаротдин бир ҳазратида исбот этса.

Ойтур эрдиларким, лозим эрмастурким, ориф таважжуҳи ҳиссийи шаҳодий била ўз махлуқиға мутаважжиҳ бўлса. Балким агар ҳазрати мисолда онинг суврати мисолиға мутаважжиҳ бўлса ҳам кифоя қилур ул мавжуди шаҳодийнинг вужуди хорижийсининг ибқосида. Бас, модомиким, орифдин ул таважжуҳ ул вужуди шаҳодийға олами ҳазрат мисолида ё ҳазрати шаҳодатда боқийдурур. Ул мавжуд ҳам Ҳазрати шаҳодатда боқийдурлар, ҳар қачонким, ул таважжуҳ мунқатиъ бўлса, ул мавжуд дарҳол маъдуми сарф бўлур.

*Оптилончи раишҳа.* Бу сўздаким, Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Ҳазрати Баҳоуддин Умар қуддиса сирруху оқ отга минар эрдилар. Баъзи махрамларидин онинг сабабини сўрулди. Ул ойтди:

«Оқ отни ихтиёр этмак ул жиҳатдиндурким, тажалиййоти суварийнинг баъзиси Ҳазрати Шайхга шундоғ машхуд бўлубдур».

Ойтур эрдиларким, арбоби мушоҳадот ва мукошафотнинг нисбатлариға ҳар сувратнинг хусусиййати истеъдоднинг ихтилофи маъоний ва ҳақойиқнинг ихтилофлари ваҷҳидиндурким, олоғра ашённинг сувратида мункашиф бўлур. Масалан, тажаллийи суварий Ҳазрати Мусо алайҳис саломға водийи Айманда дарахтнинг либосида воқеъ бўлди. Ва Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ға мухаттат йигитнинг сувратида юз кўргузди. Ондоғким, баъзи ҳадислар ул маъноға нотиқ турур, Интаҳа каломуҳу.

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Шайх ул-Аъзам Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруху муаллафотларининг баъзисида ёзибдурлар: «Раайту Раббийа ала сурат ул-фарас». Ва Ҳазрати Шайх Рукниддин Алоуддавла қуддиса сирруху баъзи мусаннафотларида бу сўзнинг шарҳида ойтиб турурларким, солиқлар Ҳақ субҳонаҳу ва таълони тажаллийоти суварий била кўрарлар ва онинг осорига нисбати бор турур. Ва тажалиййоти нурий била кўрарлар ва онинг афъолиға нисбати бордур ва тажаллиййоти маънавий била кўрарлар, онинг сифатиға нисбати бор турур. Ва тажалиййоти завқий била кўрарлар ва онинг зотиға нисбати бор турур. Ва тажаллийоти суварийдаким, осорға нисбати бордур, Ҳақ таъоло жамъи ашённинг сувратида бандага тажаллий этар: муфрадотдин, унсуриётдин ва маъоддин ва набототдин ва ҳайвонот ва афроди инсонийдин. Вақтиким, маволиди салосанинг бирида тажаллий этса, ул мартабада тажаллий эткандин сўнг яна бир бошқа мартабаким, онинг фавқидурур, онга ўтмакчи бўлса, ул мавлуднинг уфқида тажаллий этар. Ондин сўнг бошқа мавлудгаким, онинг фавқидур, ибтидо этар. Ондоғким, ҳар қачон тажаллий этса, маъоддин, вақ-

тиким, набототга ўтмакчи бўлса, суврати маржонда тажаллий этарким, маъоднинг уфқи турур. Нечунким, ул ақраб турур маъоддин мартабаи набототгаким, онда нумув этмакнинг нашъаси бор турур. Ва ҳар қачон набототдин ҳайвонотга ўтмакчи бўлса, хурмо сувратида тажаллий этарким, набототнинг уфқи турур. Набототнинг ақраби турур мартабаи ҳайвонгаким, ҳайвонотнинг хосларидин онда ҳам бордурким, агар бошини танасидин жудо қилсалар қуруқ ва талх ҳам онга махсус турурким, ҳайвонотнинг хоссасидин турурким, то нар хурмо дарахти шохасидин олиб мода хурмо дарахтига пайванд этмасалар, юк кўтармас ва бу ҳам ҳайвони хосларидиндурким, то нар модага пайванд бўлмас, юк кўтармас. Ва ҳар қачонким, ҳайвондин инсонга ўтмакчи бўлса, от сувратида тажаллий этарким, ҳайвоннинг уфқи турур ва ақраби ҳайвонот турур инсонга шуъур ва зийрак ва мудрикалиги важҳидин ва тажаллийоти суварийда уфқи инсондин фавқ бўлғон бошқа бир суврат йўқ турур. Фояте улдурким, мартабаи инсонда тажаллийи суварийнинг ниҳояти ул бўлурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло соҳиби тажаллийнинг суврати била онга мутажаллий бўлур. Ва соликка мазалат ул-қавм мундин қоттиғроқ бўлмасдурким, Ҳақ субҳонаҳу онга ўзининг суврати била тажаллий қилур. Ондоқким, солик ул тажаллида ўзидин бошқа кишини кўрмас. Ҳар нечаким, назар қилур, ҳамма ўзини кўрар ва жамъи мавжудотга ўзини муҳит кўруб, озорни муҳот топар. Ва Субҳонаҳу мо аъзаму шаънуҳу ва анал Ҳаққ ва лайса фи ҳаббатий сиволлоҳ ва аҳли фид-дорайни ғайри.

Буларнинг маънолари ва буларга ўхшаш сўзларнинг маънолари ҳаммаси бу тажаллийдин юз кўргузур ва кўб аҳли кашфларнинг қадамлари тойибдур, бу тажаллийи суварийди н турур, то шундоғ журъатларни ойтуб турурлар ва ҳукамо мазиллат ул-қавм тажаллийи маънавийдадурким, анбиё алайҳимус саломнинг мутобаъатларидин юз қайтариб, ўзларининг мудрикоти маънавийлариға мағрур бўлуб, залолатнинг бодиясида ҳалок бўлдилар. Вақтиким, авлиё алайҳимур раҳма Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мутобаъатлари юмни била маҳзуз турурлар, агар сукрнинг галаботида озордин саҳве вужудға келган бўлса, хушёрлик ҳолда они тавба этубдурлар. Ложарам Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло озорни тажаллийоти суварий ва маънавий ва нурий манзилларидан ўткариб турур ва тажаллийоти завқийю зотий ға етуштуруб турур ва мазиллат ул-қавмдин қутқориб ва озорнинг сирларини тажаллийи зоти рафийъ уд- даражотнинг наъийми муқиб-

мига восил этуб турур. Золика фазлуллоҳи юътийҳи ман яшоъ. Валлоҳу зул-фазлил-азим<sup>1</sup>.

*Рашиҳа.* Хизмати Мавлавий устозий Мавлоно Абдуғафур алайҳир раҳма вал-ғуфрон вужуди Борий таъолонинг баёнида ва онинг ашёга нисбати маъиййатида ойтдиларким, вужуди мумкин ўз ҳақиқатидин бошқа турур ва ул ҳақиқат га ориз турур. Масалан, Зайдни тасаввур этсалар, ондин зеҳнда суврате ҳосил бўлуб мусаввар бўлур. Зеҳнда ҳосил бўлгон мусаввар ҳақиқат турурким, бу вужуди хорижий ул ҳақиқатга ориз бўлуб ва онга муназзам ойлануб ва ул ҳақиқат бу замийманинг воситаси била мабдаъи осор бўлуб турур. Бас, ҳақиқатда бу вужуди оризий мабдаъи осор бўлса, нечунким, вужуддин бир нимарса била тағйир қилурларким, ул мабдаъи осор бўлмоқ турур ва Вожиб таъолонинг вужуди айни ҳақиқат турур ва вужуди мумкин айни ҳақиқати мумкинний эрматур. Бас, Вожиб таъолонинг ҳақиқати ҳеч нимарсага мунзам бўлмай, ўзи мабдаъи осор турур. Ва сўфиййа била ҳукамонинг орасида ихтилоф турурким, ул вужудким, мавжудот га мабдаъи осор бўлубдурур ва вужуд турур. Шайх Рукниддин Алоуддавла ва сўфиййадин бир оз тойифа ва ҳукамо ва мутакаллимнинг аксарлари ул эътиқод га борибдуларким, ул Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг сифатларидин бир сифат турурким, мавжудотга ифозаи вужуд этуб турур, «файзи вужудий» ва «вужуди омм» ва «нафс ур-Раҳмон» ва булардин бошқа исмлар била ҳам мусаммо бўлуб турур.

Ва ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий ва онинг тобеълари мутақаддимин ва мутаахиридин сўфиййаи муҳаққиқининг аксарлари ва бир оз тойифаи ҳукамо ва мутакаллиминдин ул мазҳабга кетуб турурларким, ул вужудким мабдаъи осор турур ҳам вужуди Ҳақ таъоло турурким, айни ҳақиқатий турурлар, ло ғайри. Бас, мумкинотнинг ҳаммаси вужуди вожиб била мавжуд турурлар, яъни зотга ашё билан алоқаи маъиййат воқеъдурким, ул маъиййат мажҳул ул-кайфиййат турур. Арбоби таҳқиқдин анбиё ва авлиё ва ҳукамодин ҳеч аҳаде ул маъиййат сирри ва ҳақиқини идрок этмайдурлар. Фояти будурким, афроди инсоннинг хосларидин жамъи ўзларининг истеъдоди ва қобилиййатлари андозасида сирри маъиййатга мутталиъ бўлубдуларлар. Тамсили будурким, бу алоқага мушобиҳдур, боандозаи муносабат турур, на улким воқеъада шундоғ бўлса, нисбати маърузга ориз турур.

<sup>1</sup> Бу Аллоҳу таъолонинг фазлидурки, хоҳлаган бандасига эҳсон қилади ва Аллоҳ улуг фазл эгасидир. (Ҳадид. 21-оят.)

Хизмати Мавлоно Абдулғафур алайҳир раҳма вал-ғуфронинг фавтидин неча кундин сўнг бир кеча озорни бир фақир тушинда кўруб турур ва хотирига келибдурким, дунёдин рихлат этуб эрдилар, ёнлариға бориб салом бериб, жавоб эшитиб, ондин сўнг сўрабдурларким: «Махдумо, вақтиким, охират уйига нақд этдингиз, тавҳиди вужудийнинг сирридин ва онинг ашёға нисбати маъиййатдинким, Ҳазрат Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий онда эрдилар ва сўзлар ойтубдурлар ва ғулув этубдурлар, сизга на маълум бўлди?» Ойтдиларким: «Вақтиким, бу оламға келдим, манга Ҳазрати Шайх била мулоқот воқеъ бўлди ва озордин бу масъаланинг сиррини сўрадим. Ойтдиларким: «Сўз ул турурким, ёзибтурман». Яна ул фақир сўрабдурким: «Оё, олами охиратда ишқ ва ошиқлик ва мазохир жумласиға хотирнинг тааллуқи бўлурму?» Ойтдиларким: «На дерсан мазоқ ва ошиқлик ул турурким, бу жойда турур. Онинг учунким, олами жисмнинг ҳусниким, ажзойи мухталифа таркибидин бўлубдур, тез мутағаййир ва мутабаддал ойланур ва ул ажзонинг бир-бирига зиддийати ваҳидин ва ул сабабдин ишқ зойил бўлуб тааллуқи хотир қолмас. Аммо бу оламнинг ҳусналариким, жамъи басойтдин хост бўлғон, қобили фано ва завол эрматур. Ҳаргиз тағаййир ва табдил топматур. Нечунким, онинг ажзосининг орасида зиддийат ва муҳолафат йўқ турур. Ложарам ул ерда ишқ ва ошиқлик барқарор турур, гоёте ул турурким. руҳнинг бадандин инқитоъи ибтидосида руҳнинг баданга унс ва алоқаси кам бўлур, икки-уч руҳнинг жавҳариға ташвиш йўл топар, аммо вақтиким, соф ва покиза бўлса, яна бурунғидек мазоқ ва ошиқликким, кўйига тушар». Вақтиким, озор бу сўзларни ойтдилар, ул фақир ойтуб турурким, улчаким, сиз они ойтдингиз охиратининг асрорлари жумласидиндур. Ва ойтурларким, амвоти асрор охиратнинг ифшосиға маъзун эрматур, бу нечук турур? Ойтдиларким: «Ул беҳуда сўздурким, авом халқи ойтур ва асли йўқ турурким, одамлар кўб воқеаларда Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ва бу умматнинг кубароларини қаддасаллоҳу арвоҳаҳумни кўруб турурлар ва озордин олами охиратнинг ажойиб ва ғаройибларини сўраб маълум этуб турурлар ва агар асрори охиратнинг ифшоси жойиз бўлмаса эрди, Қуръон ва ҳадис онга нотик бўлмас эрди».

Яна бир мартаба ул кунларда ул фақир уйқуда кўрубдурким, хизмати Мавлавий бемор турурлар. Хотирриға кечибдурким, мунда на сирредурким. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг дўстлари аксар авқотда офату балиййотга мубтало бўлурлар? Ойтдиларким: «Сирре

ул турурким, амрозу риёзот димоғнинг танқиясиға ва димоғнинг қиваларининг тафсиясиға мужиб турур. Вақтиким, димоғ танқия топса, ҳар ойина бу қувват димоғга мутааллиқ бўлур. Ул нури мутлақи баситким, жумлаи мавжудотнинг муҳийти ва ҳаммаи муқаввинотнинг мақсуди турур ва бу маънонинг зуҳури махсус эрмастур, баъзидин баъзигаким, балким сан ва ман ва афроди инсондин ҳар фардгаким, бу танқия ва тасфия даст берур ул нури мутлақ димоғиға ва қуввати димоғийясиға мутааллиқ бўлур».

Хизмати Мавлавий алайҳир раҳманинг вафотлари шаъбон ойининг бешлончи куни якшанба кунининг сабоҳида сана тўққуз юз ўн иккида (1506) эрди. Офтоб тулуь этгондин сўнг эрди ва замоннинг ақобирлари олонинг вафотлари тарихида бу қитъани назм этуб турурлар. Қитъа:

*Чу шуд Абдулғафур он комили аср,  
Бауқбо ғарқаи дарён ғуфрон.  
Саромади рўзгори дину дониш,  
Фурурафт офтоби илму ирфон.  
Чу хоҳи рўзу моҳу соли фавташ,  
Бигў: якшанбаи панжуми зи шаъбон.*

(Мағфират дарёсиға чўмган Абдулғафур,  
охират сари кетди.

У дин ва илмининг пешвоси эди,  
Илм ва урфоннинг офтоби сўнди.  
Агар вафотининг куни,  
ойи ва йилини билмоқчи бўлсанг,  
Айт: «Шаъбоннинг бешинчиси, якшанба куни».)

### **Мавлоно Шаҳобуддин Баржандий** (*раҳматуллоҳи алайҳ*)

Ҳазрати Мавлоно Саъдудин қуддиси сирруҳунинг асҳоби қиборларидин эрдилар, улуми зоҳирий ва ботинийға олим ва Ҳиротнинг муқаррар донишмандларидин эрдилар. Мавлидлари Баржанддурким, Қойин вилоятининг қасабаларидин турур. Ва одлари Аҳмад ибн Муҳаммад турур. Олонинг волидлари ҳикоят этубдурким, бир кеча воқеада кўрдумким, Тури Сино тоғининг устида ўлтурубман, Ногоҳ Ҳазрати Шайх ул-Исломо Аҳмад Жомий қуддиси сирруҳу пайдо бўлдилар. Олонинг ёнлариға бордим, салом бердим. Жавоб бердилар ва ойтдиларким: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло санга фарзанди солиҳ ато қилурким, онга бизнинг оди-

мизни қўйғилким, ул бизлардин турур». Ва бу воқеадин сўнг андек фурсатда Шаҳобуддин мутаваллид бўлди ва онга Аҳмад од қўйдум. Ва онга умидвор бўлдим.

Ойтурлар, ёшлиқдин зуҳду салоҳ ва тақвонинг асарлари онда зоҳир бўлди. Ондоғким, ул замонда намози таҳажжуд ва навофил ибодати ондин фавт бўлмас эрди. Вақтеким, йигитлик ёшига кирди, рахту иқоматни мадрасага элтиб, таҳсили улумга иштиғол кўргузди ва андак замонда ақронидин гўйи мусобақатни олди ва неча вақтлар Мавлоно Нуруллоҳ Хоразмий ва Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Жожармий ва Мавлоно Хожа Али Самарқандий ва олардин бошқа ҳам уламои муҳаққиқин ва узамои мудаққиқинларнинг дарслариға бориб келур эрдилар. Ул дарсларнинг мажмуъида аксар мустофидинға фойиқ эрдилар. Ва Ҳазрати Хожа Бурҳонуддин Абу Наср Порсо қуддиси сиррухунинг мажлисларида ҳозир бўлуб, аҳодис китоблариниким, мисли «Масобиҳ ва машориқ» ва «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» истимоъ қилур эрдилар. Ва Ҳазрати Хожа олоқ учун ҳадис ривоят этмакка ижозатнома ёздилар. Улуми уқулий ва нақлийни таҳсил этганларидин сўнг иродат юзини машойихи тариқат суҳбатлариға келтирдилар. Ва сўфийиё тоифасининг хизматларини ва мулозаматларини ихтиёр этиб, Шайх Зайнуддин Хофий ва Шайх Баҳоуддин Умар ва Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсубий ва буларнинг ғайри қаддасаллоху арвоҳаҳум хизматлариға бориб эрдилар. Ва охурул-амр Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (қуддиси сирруху)нинг суҳбатлариға тушуб, бошқаларнинг мулозаматларидин қутулдилар.

Ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолда Ҳазрати Мавлононинг атрофларида кўб бўлур эрдим. Бу азизлар нисбатларидин ботинда ҳеч асаре топмадим, бу жиҳатдин бағоят малул ва маҳзун эрдим, то бир кун намози жумъадин сўнг Ҳиротнинг мақсураси олдида одамларнинг касрати ва авом халқининг издиҳомида сайр эттим. Ногоҳ озорни ул касратнинг орасида кўрдум. Йўлларини тутиб, кўб ниёзмандлик эттим, ойтдиларки: «Додар, то бу улуми расмийниким, сийнада турур, қай (қайт) қилмасанг фойида йўқ турур». Ва бу сўзда манинг ботинимни ўзлариға мунжазб эттилар. Масжиддин ташқариғача мутаважжиҳ бўлдилар ва ман беихтиёр ақабларидин равон бўлдим. Ва узоқдин кўруб борур эрдим, то Масжиди Жомедин чиқиб бозори Хушға юз қўйдилар ва Ферузобод дарвозасидан ташқари чиқдим. Кўрдимким, чўфурушнинг дўкониға бордилар ва икки тахта беш газли энли иморат учун сотгун олдилар. Ва ўраб орқалариға қўйдилар ва хоҳладиларким, яна бир

тахтани кўтарсалар. Ман дарҳол ёнлариға бордим ва ойтдим: «Агар рухсат берсангиз, ман бу хизматни бажо келтирурман». Ойтдилар: «Агар донишмандлик намунаси монёъ бўлмаса, бу тахта чўбни кўтаргил!» Олор бир чўбни кўтардилар ва равон бўлдилар. Ва мен ҳам бирини заруратдин орқамға қўйуб, ғоятда инфёйол била изларидим юрудим ва ташвир арақларини тўкар эрдим ва гоҳо кўзимни юмуб, гоҳо очар эрдим. Ва олор фориг ул-бол олдинда юруб борур эрдилар. Ва бетаҳоший «пўшт-пўшт», деб то дарвозадин кирдилар, ўзимга ойтдим: «На бўлурким, Пойпора дарвозасидин ва маҳалласидин юрсаларким, бозорға нисбат хилват турур». Олор рост бозорға кирдилар, вақтеким, чорсуға яқин келдук, ўзимга ойтдим: «Не бўлурким, бозори Хушға кирсаларким, Бозори Маликда халқнинг кўблигидин йўл юриб бўлмас, хусусан, вақтеким, узун тахта чўб кишининг орқасида бўлса». Олор Бозори Маликка юз қўйдилар ва ман изларидин борур эрдим. Ҳолати ғариб ва хижолати ажиб билаким, донишмандлик пиндоридин тўлғон эрдим, то Бозори Маликнинг ўртасидин кўчага кирдиларким, масжиднинг таҳидин юрур эрдилар. Вақтеким, чўбни олорнинг уйларига келтурдим ва орқамдин ерда қўйдим, бу маҳалда олорнинг юмнлари ва инояти ва ҳусни тарбиятлари била манга кайфийоти азим даст берди. Ва бу азизларнинг нисбати қувват топди ва ондин сўнг олорнинг мутобаъатлари ва мулозаматлари этагини маҳкам тутдим.

Ва ҳам олор ойтдиларким, манинг дарсдин ва ифодадин афсурда бўлғоним боъиси ул эрдиким, ул кунлардаким, дарвозаи Хуш ташқарисида Хожа Али Фахруддиннинг мадрасасида мударрис эрдим, бир кун олорнинг мулозаматлариға бордим ва саройнинг эшигида таваққуф эттим. Ногоҳ кайфияти азим била ташқари чиқтиларким, ҳаргиз олорни ул кайфийят била кўрганим йўқ эрди. Зоҳир ва ботинда тавозеъ ва тазарруи тамом кўргуздим ва кўнглумда илтифоту илтимос эттим. Ойтдиларким: «Улуми расмийнинг мубоҳаса ва мужодаласидин одамнинг кўнгли қаро бўлур ва бу жиҳатдиндурким, Хожа Алоудди Аттор (қуддиси сирруҳу) ойдиларким, толибул-илм керакким, мубоҳасаи илмдин сўнг йигирма мартаба истиғфор ойтсун ва бу сўзга мақорин илтифоте этдиларким, манинг кўнглумда чироғе равшан бўлди. Ва манинг ботинимни мунаввар қилди. Бамасобаиким, онинг партаси жамиъи қўлларимға ва жавориҳларимға тушуб тобиш берди. Ва мажмуъи аъзоларимға ва аъзоларимға сироят этди ва улуғ ҳаловат

1. Қай — қайт

ондин юз берди. Ва олор бу маҳалда ойтдиларким, равшан бўлгон чироғни муҳолиф шамоллар била учурмай сақламоқ керак, то ўчмасин. Бу сўзни ойтдилар ва манга ижозат бердилар ва уйларига кирдилар. Ва ман ул равшан чироғни поси анфос била муҳофазат ва муҳофазат этар эрдим. Мутолаа ва музокараи илмийда эҳтиёт била ҳозир вақт бўлур эрдим. Токим бир кун манга ҳавзаи дарсда талабаи илмнинг бириси била масъалада номуважжиҳ сўзлар ойтур эрди, баҳс воқеъ бўлди ва сўз узоқга тортди ва эърозга анжом топди. Ва илзоми хасмдин фориг бўлгондин сўнг кўрдимким, ул нур зулматега мубаддал бўлубдир ва ул чироғ ўчиб турур. Бағоят малул ва маҳзун бўлдим ва дарсни яримжиҳ қўйуб, ниҳояти маллолат ва хижолат била олорнинг уйларига бордим. Бир лаҳзадин сўнг ташқари чиқтилар. Вақтеким назари муборақлари манга тушди, ойтдиларким: «Додар, бул нисбат ғазаб юрутмак била жамъ бўлмас, магар билдингизмуким, ғазаб юритмак ботиннинг зарфини маънонинг нуридин холий қилур». Ман бошимни ошоқ солдим ва ботинимда зори тамом ниёзмандлик кўргуздим ва йиғладим. Олор тараҳҳум этиб, илтифот этдиларким, ул чироғ ёниб равшан бўлди. Ондин сўнг дарс таралдул этмакни ва ифодани барҳам урдим. Ва тамоми ҳимматим била ўзимни ул нисбатнинг ҳифзига насб эттим ва ҳар нимарса ул маънонинг зуҳурига монё бўлса, они батамом тарк эттим.

Муборак ёшлари эллик беш йил эрди. Сана саккиз юз эллик олтида ё эллик еттида (1452-1453) эрди, дунёдин ўтдилар ва қабри муборақлари Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг таҳти мазорларида турур.

*Мавлоно Алоуддин Опизий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Оллари<sup>1</sup> Муҳаммад ибни Мўъмин турур. Ва мавлуди Опиз турурким, Кўҳистон вилоятида бир деҳа турур. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг асҳоби киборларидин эрди ва Ҳазрати Мавлоно нақл этгонларидин сўнг Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон Жомий қуддиси сирруҳунинг хизматлариға боруб келур эрдилар. Ва олорнинг Мавлоно Алоуддинға қўб илтифотлари бор эрди. Бир кун батақриб ойтдиларким, Мавлоно Алоуддиннинг тийнати ва онинг фарзанди Мавлоно Риёсуддиннинг тийнати покиза туфроқдин саришта бўлуб турур. Ва хизмати Мавлавий-

1. Кўлёмзада «Авлодлари»

нинг шевалари мактабдорлик эрди ва бу шугълни пардаи кори рўзгорлариға қибоб этур эрдилар.

Ойтур эрдиларким, Султон Абу Саъид Мирзонинг замонларида Ҳазраги Хожа Убайдуллоҳ қуддиса сирруху Ҳирийға ташриф келтуруб эрдилар, ул мартабаким, Ҳазрати Эшоннинг хизматлариға сўрадиларким, на кишисан ва на иш қилурсан? Ойтдим: «Фақире турурман Мавлоно Саъуддин Кошғарий ходимларидин ва мактабдорғина қилурман». Ойтдиларким: «Мактабдорғина демағил ва тасғир била ул одамни демаким, мактабдорлик улуғ ишдур ва қўб фойдалар ва авойдалар онга мурағтаб бўлур». Ондин сўнг бизнинг Ҳазрати Мавлонодин ҳикоят этдилар ва хуссиятлариким ораларида бор эрди, ондин бир оз нимарсани нақл этдилар ва қўб илтифотлар қилдилар.

Хизмати Мавлавий ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолда Ҳиротда таҳсили улумға иштиғолим бор эрди. Вақтиким, Ҳазрати Мавлоно Саъуддин қуддиса сирруху жанобларининг мулозаматларини ихтиёр этдим, мутолаада футуре воқеъ бўлди. Мутараддид бўлдимким, оё, бар қуллия тарки таҳсил этсамму эркан ё гоҳи машғуллик қилсам? Бу андишгадин бир кун шаҳардин ташқари чиқдим. Вақтиким, Ферузшоҳ мадрасаси га келдим, онинг жамоатхонасига кирдим ва эшикни ичкаридин илдим. Орқамни меҳробга бериб ўлтуруб таҳсил ва тарки таҳсил андишгасига тушдим. Ногоҳ меҳробнинг бир тарафидин овоз эшитдимким, ойтғучи ойтур: «Тарк этгил ва осуда бўлғил!» Ҳолим бошқа бўлди. Ул ердин чиқиб хиёбонга юз қўйдим. То Тали Қутбонга келдим. Ул гўристонда Нажмуддин Умар отлиғ бир девона бор эрди. Ногоҳ узоқдин пайдо бўлди ва ўзи била замзама этар эрди. Ойтдим: «Онинг ёнимға борайин ва кўрайинким, бу бобда на сўз ойтур эркан». Вақтиким, ёнимға яқин бордим, ойтди: «Ҳолоким, Ферузшоҳнинг масжидида эрдинг, санга ойтмадиммуким, тарк этгил ва осуда бўлғил!» Мутаҳаййир бўлдим ва онинг ёнидин кетдим. Тарки тажридни нг добияси қўброқ бўлди. Ул қавм била Ҳазрати Мавлоно Саъуддин қуддиса сиррухунинг мулозаматлариға келдим. Ва ул маҳалда озор масжиди жомеъда бир жойда муроқиб бўлур ўлтуруб эрканлар. Вақтиким ёнлариға бориб ўлтурдум, бошларини кўтардилар ва ойтдилар: «Итраҳ ва ифраҳ!» (Тарк этгил ва осуда бўлғил!) деган сўз масали машхурдур. Ҳосил ул турурким, таҳсили беҳосилни тарк этмак керакдур ва билкуллийа бу нисбатға юз келтурмак». Бу сўздинким озор ойтдилар, хотирим тараддуддин батамом халос бўлди. Ҳаммаи ҳимматим била хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқлариға иқбол кўргуздум.

Ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Мавлоно қуддиса сир-руҳу била ҳамроҳ бўлуб Хожа Шамсуддин Муҳаммад Қўсуийнинг мажлиси ваъзлариға бордуқ. Олор ойтдиларким, манинг изимда ўлтүргил ва ман гоҳ-гоҳ мажлису суҳбати симоъда наъралар урар эрдим. Вақтиким, Хожа минбарга чиқдилар, маъориф ва ҳақойиқ ороз этдилар, ул аснода иш жойеға етушдиким ва ҳоле зоҳир бўлдиким, наъра урор вақт эрди, хоҳладимким, наъра урайин. Овозим чиқмади. Яна бир мартаба шундоғ бўлди. Билдимким, олор мани муҳофазат этдилар ва қўймадиларким, фарёд этсам. Бу аснода кўрдүмким, олорға гайбат ва зуҳул даст берди. Истигроқ ва истиҳлок юз кўргузди. Ногоҳ манга ҳолате бўлдиким, уч наъра изи-изидин урдим. Мажлис охир бўлгонидин сўнг ўрнимдин турдим. Олор ойтдиларким: «Тез бўлгойким, наъралар сани даргўша этар, яъни иродат ва аҳвол пайдо бўлурким, онинг истийлоси вақтида беихтиёр наъра, фарёд урарсан». Ул кунларда бемор бўлдум ва ожизлиқим мартабаега етушдиким, ҳаракат этмакка қувват қолмади ва манинг ёронларим жозим бўлдиларким, бу кеча ўлурман. Бу хаёлға тушдимким, Ҳазрати Мавлономиз ул кунда ойтдиларким: «Тез бўлурким, наъралар сани даргўша этар». Ва олорнинг сўзлари ҳақ ва рост турур ва ҳануз ул маъно зуҳурға келгони йўқ турур ва ҳоло ман ўлурман. Бу нечук турур?» Ногоҳ уйқуға кетдим. Ҳазрати Мавлоно келдилар ва ойтдилар: «Ойтғил: Бисмиллоҳ Ҳасбийаллоҳ, Раббийаллоҳ, Таваккалту ʼалаллоҳ Йътасамту биллоҳ, Фаввазту амрий илаллоҳ. Мо шоаллоҳу, ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ». Вақтеким, уйғондим, бу калималар тилимда жорий эрди. Ва сабоҳ ул чоғлиғ қувват пайдо бўлдиким, таҳорат этуб намозни ўлтуруб ўқудим».

Ва ҳам хизмати Мавлавий ойтдиларким, ул кундаким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу мани тариқи нафий исботга буюрдилар, ул аснода ойтдиларким, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони ҳамма ашъға биз-зот муҳит эътиқод этмак керакдур. «Валлоҳу биккулли шайъин муҳит» калимаси бу маъноға шоҳид турур». Агар уламои зоҳир таъвил этмасалар, бу сўздинким, Ҳазрати Мавлоно ойтдилар, кўб кўрқдум. Фаросат била билдилар. Ойтдиларким: «Аҳли зоҳир ойтуб турурларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони илми жамийъи ашъға муҳийт турур: «Ва қод аҳота биккулли шайъин илман» ояти кариманинг далолати била, албатта, мун эътиқод этмак керакдур. Мундин чора йўқдур». Бу сўз била хушвақт бўлдум. Эртангиси кунким, мулозаматлариға бордим, ойтдиларким: «Мавлоно Алоуддин!

Фойда йўқтур. Шундоғ эътиқод этмак керакдурким, «аҳота» маъийат зотиға турур, муътақиди аҳли таҳқиқ шул турур». Интаҳа каломуху қуддиси сирруху.

Махфий қолмасунким, иҳота ва маъийяти Ҳақ субҳонаху ва таъоло ашғега шундоғким, кубарои муҳаққиқиндин баъзилари ойтубдурларким, икки тариқа турур: зотий ва сифотий. Аммо маъийяти зотийким, икки қисм турур, аввал зотнинг жамийъи зарроти мавжудотга маъийяти бекам ва бекайф умум тариқасида, ондоғким, Аллоҳ таъоло ойтуб турур: «Валлоҳу бикулли шайъин муҳийт». Иккилончи маъийяти зотий ихтисосийдурким, ул муқаррабларнинг хосларининг хоссалари, ондоғким, ойтуб турур Аллоҳ таъоло: «Ло таҳзан инналлоҳа маъано». Ва ойтуб турур Аллоҳ таъоло: «Инналлоҳа ламаъал-муҳсинин». Аммо маъийяти сифотий маъийяте турур илму қудрат юзидин ва Ҳазрати улухийятнинг сойир сифотлари юзидин. Ондоғким, ойтуб турур Аллоҳ таъоло: «Ва қад аҳота бикулли шайъин илман». Ва ойтуб турур Аллоҳ таъоло: «Инналоҳа бикулли шайъин қадир».

Ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сиррухунинг мақсудлари маъийяти зотийнинг икки қисмидин турур қисми аввал. Валлоҳу аълам.

### *Ҳазрати Мавлавийнинг Шайх Абдулкабир Яманӣ қуддиси сиррухуга мулоқот ва мақолотлари зикрида*

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Шайхнинг мавлудлари Ҳазрати Мавт турурким, Яманнинг шаҳарларидин бир шаҳар турур. Ва озор мабодийи ҳолда ва овони талабда Ажамнинг ва вилоятларини ва Арабнинг қалъаларини сайр этуб эрдилар. Ва ондин сўнг йигирма йил Ҳарамда мужоварат этдилар ва ўз вақтларида Шайхи Ҳарам, толибларга маржиъ эрдилар. Ва хизмати Мавлоно Алоуддин алайҳир раҳма ул вақтлардаким, Ҳарами муҳтарам зодаалоҳу таъоло шарафан ва қароматаннинг мужовири эрдилар. Ҳазрати Шайхнинг хизматлариға қўб бориб келур эрдилар. Озорнинг иноят назарлариға манзур бўлуб, маъориф ва латоиф эшитур эрдилар. Ва ул маъорифлардин баъзи турурким, ийрод топар. Хизмати Мавлавий ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрат Шайх мандин сўрадиларким: «Зулм на нимарса турур?» Ойтдим: «Вазъ этмак бир нимарсани гайри мавзеъда». Ойтдиларким: «Кўнгил Ҳақ таъолонинг ёдкардиға маҳал турур, Ҳақдин бошқа ҳар нимарсани ул жойда қўйсалар, зулм бўлур».

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Шайх мандин сўрадиларким: «Зикр қайси турур?» Ойтдим: «Ло илоҳа иллаллоҳ». Ойтдиларким: «Бу сўз зикр эрматур. Бу ибодат турур». «Бас, сиз ойтинг». «Зикр ул турурким, билгайсанким, билиб бўлмас». Ва ҳам Ҳазрати Шайх ойтдиларким: «Жаҳлга юз келтурмак керакдур ва намознинг нийятини шундоғ этмак керакдурким, Худойега топунурманким, билмасман. Аллоҳу акбар».

Хизмати Мавлавий ойтдиларким, бир кун манга бир ҳолате рўй берди ва амри бекайф ва бекамнинг шуҳуди даст бердиким, ондин ҳеч иборат била таъбир этуб бўлмас. Ногоҳ бу ҳолатда бизнинг Ҳазрати Мавлономиз Мавлоно Саъдулдин қуддиси сирруҳу зоҳир бўлдилар ва ойтдиларким: «Ҳей, додар! Бу ҳолатни маҳкам тутғилким, Шайх Абдулкабирнинг сўзларининг маъносиким, ойтдилар, жаҳлга юз келтурмак керак, шул турур».

Ойтур эрдиларким, манга Ҳарамни мужоварат эткан вақтда хонаи Каъбага алоқаи муҳаббат маҳкам бўлуб эрдиким, бошқа ҳеч жойда қарор ва ороме йўқ эрди. Ондоғким, бир кун тавофда эрдим, шамол хонаи Каъбанинг астарига ҳаракат берди, девори хонадин баъзи мақшуф бўлди. Манга кайфийяте юз бердиким, наъра уруб беҳуш бўлуб йиқилдим. Ифоқага келгандин сўнг мунфиъил бўлдим. Турдим ва Ҳазрати Шайхга мутаважжиҳ бўлдим. Вақтиким, олонинг ёнларида ўлтурдим, хоҳладимким, ўз гирифторлиғимдин шикоят этсам. Ман сўз ибтидо қилмасдин аввал ойтдиларким: «Ё аҷаму, айшун лака маъал-байти » Ман йиғладим ва ботин юзидин олорға тавассул этдим. Ойтдилар: «Ё аҷаму! Ул нимарсаким, хонаи Каъбада кўрарсан ул ғайри маҳдуд турур, балким тоғда ва деворда ва осмону ерда ва тошу кесақда мавжуд ва маҳшуд турур. Балким онинг ҳаммаси ул турур: Ва хувал аввалу вал-охиру ваз-зоҳиру вал-ботин ва хувал-лазий ло илоҳа иллоҳу. Ва бу маҳалда ҳар нимарсагаким, ашёдин, — энглари била ишорат этдилар, вақтиким, назар этдим, улчаким, ул нимарсадин лойиҳ бўлди ва ашёнинг ҳаммасида ул маъно мушоҳада ойланди. Ва Ҳазрати Шайхнинг илтифоту тасарруфлари воситаси била нисбати ҳуббий хонаи Каъбага ва ғайри хонаи Каъбага баробар бўлди. Ва ботин юзидин жиҳатнинг қайдидин халос топдим.

Ойтур эрдиларким, бир кун Шайх Абдулкабирнинг мажлисла-рига дохил бўлдим. Содотларидин ва Ҳарамни шарифнинг машойихларидин ва уламоу фуқародин мажлисларида жамъи касир ҳозир

1. Қўлёзмада «дорлар».

2.Эй, аҷамлик, хонаи Каъбада сенга қандай ҳол юз берди?

эрдилар ва озор маъорифи илоҳийдин сўз ойтур эрдилар. Ногоҳ уламнинг орасида ғалийзуттабъ бир фақиҳким, аҳлуллоҳ ва озорнинг сўзларининг мункири эрди, эътироз юзидин Шайхнинг юзлариға ва сўзлариға дахл этди. Аъёни мажлисдин бир киши онга овоз бердиким, «хомуш бўлғил». Ул ойтди: «Агар номашруъ ё номаъғкул сўз ойтсам мани манъ қилинг. Агар машруъ ва маъкул сўзласам, нечун монёъ бўлурсизлар?!» Вақтиким, ул бу сўзни ойтди, Ҳазрати Шайх фақирға қараб ойтдилар: «Ё ажаму! Халлисиний минху<sup>1</sup>». Фақиҳ ойтди: «Оё, ман зулму ситам қилурманмуким, халослиқ истарсиз. Балким ман сизнинг сўзингизда шубҳа этарман жавоб бермак керакдур. Бу ҳамма муболаға на турур». Кўрдимким, Ҳазрати Шайх дарғазаб бўлуб ва онга мутаважжих бўлуб ойтдилар: «На шубҳа қилурсан? Ойтғил!» Ул хоҳладиким, сўзлагай. Ногоҳ юз тубан йиқилди ва беҳуш бўлди. Ҳазрати Шайх туруб хилватлариға кетдилар ва ул мажлис бузулди ва фақиҳ шундоғ юз тубон йиқилиб ётиб эрди. Охир бир занбил келтуруб, они занбилда кўйуб ташқари чиқордилар. Ҳануз Шайхнинг манзилининг дахлизидин қадам ташқари кўйғон йўқ эрдиларким, жон берди. Эртангиси кунким, Ҳазрати Шайхнинг мулозаматлариға бордим, хотиримға келдиким, авлиёуллоҳ аҳли карам турурлар ва бу фақиҳ одаме эрди жоҳил. Ва озорнинг аҳволи ботинларидин гофил, на бўлур эрди, агар ондин афв этсалар». Шайх ойтдилар: «Эй, ажамлик! Икки юзлик бир қилич турурким, бағоят тез ва онинг дастасини ерга кўмуб маҳкам этуб, қиличнинг учини юқори қаратиб кўйуб турурлар. Кўмуб маҳкам этуб турурлар, ногоҳ бир яланғоч жоҳил келиб сийнасини яланг қилиб, ул шамширнинг учига кўйуб ва ҳар нечаким, қуввати била бор турур, зўр этса ва ўзини ҳалок қилса, қиличнинг не гуноҳи турур».

Ойдиларким, бир кун Ҳазрати Шайх мандин сўрадиларким: «Вақтиким, сизнинг пирингиз сиздин қаҳрлансалар на сўз дер эрдингиз?» Ман ойтдим: «Ойтур эрдиларким, ман фақир киши турурман. Вақтиким манинг ёнимға келсангизлар ўзларингизни чувт тутарсизлар ва Худоға огоҳ бўлурсизлар. Вақтиким, ташқари чиқиб кетарсизлар, Худони унутурсизлар. Ондин сўнг асло тони-массизлар». Ҳазрати Шайх ойтдиларким: «Сизлар шайхингизнинг муқобаласида на сўз ойтур эрдингиз?» Ойтдим: «Сукут этар эрдук». Шайх ойтдилар: «Ажаб султ кишилар эркансизлар. Керак эрдиким, муқобалада ойтсангизларки бизлар Худони танимасмиз

---

1. Эй, ажамлик, мени ундан қутқар!

бизлар сизни танурмиз». Интаҳа каломуҳу қуддиса сирруҳу.

Бу хуруфнинг роқими ойтурким, баъзи ақобирлар ойтубдурларким, пир муриднинг ойинасида ўзини кўрар, аммо мурид пирнинг ойинасида Худони кўрар. Самарқандда Ҳазрати Эшондин эшитулдиким, ойтдилар: «Ҳолоким, ман ҳаёт турурман, сизлар Худобин бўлабилмайсизлар, бас, қачон бўлурсизлар?»

*Ҳазрати Мавлавий Алоуддиннинг  
анфоси нафийсалари жумласидин турур*

Ул икки қисм турур. Аввалги қисм улчақим, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу нақд этурлар. Иккилончи улчақим, ўзлари ойтур эрдилар.

*Авағи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Мавлоно ойтдилар:

«Бизлар йўқ эрдук ва Худо бор эрди ва бизлар бўлмасмиз ва Худо бўлур. Ва ал ҳол бизлар йўқ турурмиз ва Худо бор турур, кўрунгим, юз йилдин сўнг кимдин жудо бўлурсиз ва кимга мусоҳиб бўлурсиз. Эмди ҳам онга мусоҳиб бўлинг ва ҳар нимарсақим, сизларнинг кўзингизнинг бошида қолур, ондин кўнглингизни узунглар».

*Иккиланчи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар ерда ҳам олар ойтдилар: «Ул нимарсақим, пири Ҳирот қуддиса сирруҳу ойтибдурлар, дарвишлик туфроғинадур соф этулган ва онга бир озгина сув солингон. Кафи поға ондин дарде ва пушти поға ондин йўқдур гарде. Дарвишнинг ҳақиқати эрмастур, балким, дарвишнинг сифати расми турур, дарвишликнинг ҳақиқати Худо била бўлмоқ турур».

*Учлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳам олар ойтдилар: «Ҳар ким Худо била ҳозир турур, биҳишт эшиги нақд турур. Ва ҳар кимки Худодин ғофил турур, дўзах эшиги нақд турур».

*Тўртлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Мавлононинг уйларининг эшигида асҳобдин жамъе ўлтуруб эрдилар. Олордин икки киши мубоҳаса этдилар. Бирлари ойтди: «Зикр айтмоқ афзал турур». Яна бири ойтди: «Тиловат этмак афзал турур». Бу аснода олар ташқари чиқдилар. Сўрадиларким: «На сўзларингиз бор турур?» Мубоҳасани арз этдилар. Олор ойтдилар: «Худо била бўлмоқ ҳаммадин афзал турур».

*Бешлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун зоҳидларнинг гиронжонларидин бир зоҳид Ҳазрати Мавлономизнинг мажлисларига келди. Қўлларида асо ва эгинларда ридо ва тароқ қофу,

мисвок ва тасбеҳ ул ридодин осибдур. Манга ул зоҳидни кўргонда танаффури азим бўлди. Ҳар неча ўзумни маломат этдим, фойида этмади. Вақтиким, ул зоҳид кетди, олор ойтдилар: «Эй, фалоне! Ондоғким, охират аҳли танаффур турурлар дунё аҳлидин, аҳл-лulloҳ ҳам танаффур турурлар аҳли охиратдин».

*Оттилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Мавлономиз сукут этдилар, ондин бошларини кўтардилар ва ойтдиларки: «Ёрон, ҳозир бўлунглар, ёри айн баайн турур».

*Еттилончи рашҳа.* Ойтур эрдилар ва ҳам олор ойтдилар: «Валлоҳиким, дўст сизларнинг кўлингизни тутуб, ўзининг талабида эшикларни атрофини ойлантурур». Бас, бу икки байтни ўқудилар. Байт:

*Онки на ном ба дасти аст маро аз у на нишон,*

*Даст бигирифта маро дар ақаби хеш кишон.*

*Ўст дасти ману но низ баҳар жо, ки равад*

*Пой кубон пеш мераваму дастфишон.*

(Унинг номи ҳам, нишони ҳам менда йўқдир,

Бироқ қўлимни тутиб, ортидан эргаштиради.

У менинг қўлим ҳамда оёғимдир,

У қайга борса мен ҳам ўша ерга бораман.)

Аммо иккилончи қисмининг жумласидин турур бу йигирма тўрт рашҳаким, баён этилур.

*Аввалги рашҳа.* Ойтур эрдиларким, толибга уч нимарса лозим турурким, ондин гузир йўқ турур. Аввал давомли таҳорат била юрмак. Иккилончи, ҳифзи нисбат этмак. Учлончи, луқмада эҳтиёт этмак.

*Иккилончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, «ло илоҳа иллаллоҳ»-нинг маъносидида улуғлар ойтуб турурлар: зокир ўз сулукининг мартабаларида гоҳо «ло маъбуда иллаллоҳ» десун. «Сайрун иллаллоҳга шуруъ этмасдин аввал, вақтиким, «ло илоҳа иллаллоҳ» деса керакким, «ло маъбуда иллаллоҳ» ни андишга этсун. Ва «сайрун иллаллоҳ»да «ло мақсуда иллаллоҳ» то «сайрун иллаллоҳ» мунтаҳи бўлмаса ва «сайрун филлоҳ»да қадам кўймаса «ло мавжуда иллаллоҳ»ни андишга этмак куфрдин турур.

*Учлончи рашҳа.* Ойтур эрдиларким, ҳар толибким, суннатни ўзига фарз ойлантурмаса, динининг нуқсонидин турур. Баъзи суннатлар Расул алайҳис саломга фарз эрди. «Фатаҳажжад биҳи но-филатан лака»<sup>1</sup> бу маънога ишорат турур. Сунан ва одоби шаръий-

ни камо янбағий илтизом этмакдин ногузир турур. Зоҳирий ва ботиний саъодатларнинг ҳаммаси онга мавқуф турур.

*Тўртлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бу муҳим, яъни нисбатнинг хусули иш била бўлмас. Иш этмай ҳам бўлмас агар ноқобил турур, иш этмай бўлмас, агар қобил турур.

*Бешлончи раишҳа.* Ҳар толиби мубтадийким, ишни яхши этса ва бир киши онга ул ишда истеҳсон қилса ва ул истеҳсон онинг нафсига хуш келса, нафсга бу хуш келганликнинг зулмати толибга ондин кам эрмастурким, зи-раҳм маҳрамига зино этар.

*Олтилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бу ишким, одамзодга тушубдур, ҳеч мавжудга тушкан эрмастур. Тоат расмидин ва одати ибодатдин ҳеч иш очилмас, бандаликда белни маҳкам боғламоқ керакдур. Сўзламакда ва қарамоқда ва емакда эҳтиёти балиғ этмак керакдур.

*Еттилончи раишҳа.* Ойтур эрдилар: «Бу тариқда керакким, ҳеч нимарса толибнинг малҳузи бўлмаса: на дунё ва охират ва ўзининг нафси. Агар шундоғ бўлса, онинг аломатидурким, ўзининг маърифати учун яратиб турур ва агар мундоғ бўлмаса, биҳишт учун ё дўзах учун халқ этуб турур».

*Саккизлончи раишҳа.* Ойтур эрдилар: «Ҳар киши бу оламда ўзлигининг халос бўлмаса, баданининг хароб бўлғонидин сўнг онинг руҳи фалаки қамарнинг тахтида қолур». Мисраъ:

*Ҳар киро дар хоки ғурбат пой дар гил монд монд.*

(Ҳар кимнинг оёғи айрилиқ лойига ботса,

демак у ботибди.)

Ва бу сўз Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабийдин турурким, ойтдилар: «Ҳар ким фалаки қамарнинг тахтида қолди». Ман бу сўзни Ҳазрати Мавлоно Абдурраҳмон Жомий қуддуса сирруҳуға ойтдим ва малолат изҳор этдимким, бу қисса манинг олдимда бағоят мушқил турурким, Ҳазрати Шайх ойтуб турурлар. Муъминларнинг кўбраги ваҳоланки, ўзликдин халос бўлмай фавт бўлурлар». Ҳазрати Мавлоно ойтдиларким: «Ҳар киши Худоға ва Расули Худоға иймон келтурубдур ва ул киши фалакка раҳна солибдурким, оқибат ул раҳнадин ташқари чиқор».

*Туққизлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, камоли мусулмонлиқ таслим ва тафвизда турур. Агар соҳиби таслимни мисли иблисдек бўйнига тавқи лаънат солсалар, керакким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъ-

1. Туннинг бир қисмида уйғониб сиз учун махсус нафл (ибодат) бўлган таҳужжуд намозини ўқинг!.. (Исро, 79 оят.)

олонинг феълидин шундоғ рози бўлурким, бандаи мўъмин ўз иймонидин рози бўлгондек бўлур. Бандаи содиқ қазойи ҳақ таълодин рози турур, на ўз феълидин.

*Ўнлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, вақтиким кишига макруҳе етушса, агар ўз нафсининг бандаси турур, онга тафовут этар. Ва агар Худонинг бандаси турур, тафовут этмас. Байт:

*Нафъу заррат гар тафовут мекунад,  
Бутагаре бошики ў бут мекунад.  
(Фойда ва зараринг агар сен учун фарқ қилса,  
Демак бут тарошлайдиган бутгар каби дурсан.)*

*Ўн бирлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, асл масъала ҳар кишига ишқ шўрангиз бўлмаса, бу ишқ онга ҳаром турур.

*Ўн иккилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, хожাগон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларида «Ҳуш дар дам» асли аъзам турур. Агар бир дам гафлат била ўтса, они улуғ гуноҳ билурлар, то ҳаддигаким, баъзилари куфр санаб турур. Ва Шайх Агтор қуддиси сирруҳунинг шеърлари бу қавлни таъйид этар. Ул жойдаким, ойтуб турурлар.

Шеър:

*Ҳар онк-ав у гофил аз Ҳақ як замонаст,  
Дар он дам кофираст, аммо ниҳонаст.  
Агар он гофили пайваста буди,  
Дари Ислом бар вай баста буди.  
(Ҳар ким Ҳақдан бир лаҳза гофил бўлса,  
Ўша онда кофир бўлур.  
Бироқ, бу яширин кофирликдир.  
Агар бу гофиллик доимий бўлса,  
Ислом эшиги унинг учун ёпилган бўларди.)*

*Ўн учлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Абу Язид Пуроний ойтдилар: «Ондоғким, авом халқиға маъсиятдин ижтиноб этмак вожиб турур, ҳавосға гафлатдин ихтироз этмак вожиб ва лозим турур. Ва авом ондоғким, маъсиятға муъоҳаза бўлурлар, ҳавослар гафлат сабабли муъотиб бўлурлар. Байт:

*Ё макун бо филбонон дўстий,  
Ё бино кун хоназ дар хурди нил.  
Кам нишин бо ёри азрак пираҳан,  
Ё бикаш бар хонумон онгўшти нил.*

(Ё филбонлар билан дўстлик қилма,  
 Ёки уларга лойиқ бино қур.  
 Ёмонлар билан кам ўтир,  
 Ёки хонумонингдан кеч).

*Ўн тўртлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, жамъеким, ҳамроҳ ўлтурурлар, ҳар қайсилари ўз таврида росухроқ турур, бошқаларни ўзига чекар. Нечунким, ҳукм ғолиб ға турур. Ондоғким, тарозунинг палласиким, ҳар қайсиким, оғирроқ бўлса, ул бирини жойидин кўтарур ва ўзига тортур. Бас, ҳиммат шундоғ керакким, ҳамма аҳли аёлдин олам бу кишига иқтидор этсалар, ҳаммани ўз тариқиға тортар ва ўз рангини берур. Интаҳа каломуҳу.

Бу ҳуруфнинг роқими бу сўзнинг таъйидида Ҳазрати Эшоннинг муборак хатлари била китобнинг заҳриға ёзилгон кўрубдур, бу калимоти қудсийаларниким, камоли салтанат ва султонлиғ улким, ўз тасарруфи била тамоми раёға ва хосларға ўз қисватини кийгузур. Ва ондоғким, онинг назари ҳар кимға тушса, ўзидин бошқани кўрмас. Ва онинг бандаларининг камоли ондаким, ўзлигидин тамом холи бўлсалар, ўзларида ул нимарсаким, подшоҳдин оларда турур, онинг ғайрини кўрмаслар ва билмаслар. Кўрмасликдин ва билмасликдин ҳам холи бўлсунлар. Иза тамма фақраҳум фалоҳум илло ана. (Вақтики, уларнинг фақирлик мақомлари тугаса, яъни камолиға етса, улар Ҳаққа етишурлар.)

*Ўн бешончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, наъра урмоқ ғафлатнинг аломати турур. Онинг учунким, вақте наъра урарким, маъноға ҳозир бўлса, агар ҳамишға ҳозир бўлса, ҳеч наъра урмас, балким, ҳузур ва огоҳлиқ фано ва адами шуъурнинг мужиби турур. Ва ул мақомда наъра урмоқ бўлмас, кишиким наъра урар ҳўл чўбнинг ҳукмидадурким, ўтға тушгач, то онда нам боқийдур, овоз этар.

Байт:

*Каф макун ва басар марав сар макшой дегро,  
 Нек бажуш ва сабр кун з-онки ҳаме пазонамат.  
 (Буғланма, қайнаб тошма, қозоннинг қалпоғини очма,  
 Яхшилаб қайна, фақат сабр қил, токи сени  
 тўлиқ пиширай.)*

*Ўн олтилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Хожа Бузруг: «Ал-косибу ҳабибуллоҳ»нинг<sup>1</sup> маъносида ойтубдурларким, му-род касбдин ризо турур. Бу сўзнинг маъноси ул турурким, банда керакким, касб этсун, бу маънонимким, Ҳақ субҳонаҳунинг этган ҳар нимарсасига рози бўлсун, бу маънонинг ҳусули ҳақиқатда ҳосил бўлур, вақти муяссар бўлурким, банда фанойи ҳақиқий била муҳаққиқ бўлса.

*Ўн еттилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, авом Худони халқ била тонур ва ҳавос халқни Худо била тонур. Вақтиким, ҳавоснинг юзига ул тарафдин эшик очилса, озорға ҳар нимарса маълум бўлурким, билурлар ва кўрурларким, ҳама халқ ул эшикка юз тутубдурлар.

*Ўн саккизлончи раишҳа.* Бир кун бу ҳадисни ўқудиларким, «афзалу иймон ал-маръи ан яълама инналлоҳа маъаҳу ҳайсу кона»<sup>2</sup> ва ойтдилар, бу таълим кофийдур, агар кишининг идроки бўлса.

Байт:

*Ёр бо ту ст ҳар куҷо ҳасти,*

*Жойи дигар чи жуий, эй авбош.*

*Бо ту дар зери якғалим аст у,*

*Пас бирав эй, тарифу худро бош.*

(Қаерда бўлсанг ҳам Ёр сен билан биргадир,

Эй бебош, уни нега бошқа жойдан излайсан.

У сенинг билан бир бисот устидадир,

Боргил, эй, дўст, уни топ.)

*Ўн тўққизлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун бу фикрга тушдимким, оё, иймони шухудий аҳволи зоҳирдин турурму ё аҳволи ботиндин? Эшитдим, бир ойтгучи ойтурким: «Бандага нисбатан аҳволи ботиндин турур ва Ҳақ таълога нисбатан зоҳир амрлардин турур. Онинг учунким, банда бу ҳолда ўз ботинининг ҳақиқатиға етишур ва Ҳақ субҳонаҳу «аз-Зоҳир» исми ва сифати била онга тажаллий этар».

*Йигирманчи раишҳа.* Бир кун Хожа Абул Вафо Хоразмийнинг бу рубоъийларини ўқудиларким, рубоъий:

*Чун баъзи зухуроти Ҳаққ омад ботил,*

*Бас, мункири ботил нашавад жуз жоҳил.*

---

1. Ҳадис: «Хунарманд (Касбу кор эгаси) Аллоҳу таъолонинг маҳбубидир».

2. Энг яфзал иймон кишининг қаерда бўлса ҳам Аллоҳу таъоло унинг билан бирга эканини билмогидир.

(Барча мавжуд нарсаларда ҳам Аллоҳдан ўзгани кўрса,  
Демак у ҳақиқатнинг нозик нарсаларидан ғофилдир)

Ва ойтдиларким, қирқ йил турур, бу рубоъийнинг мазмунига иймон келтурубмиз. Йигитлик вақтларида бир фасоднинг доъбияси била уйдин тошқари чиқдим ва бизларнинг деҳамизда миршабе бор эрди, кўб шарир ва баднафс. (Халқ) онинг нафсининг шароратида эрдилар, Ул кечанинг ичида кўрдимким, бир жойда ёшурунуб турубдур. Вақтиким, они кўрдим, ондин қўрқдим. Ул фасодни тарк этдим ва ул маҳалда билдимким, бу корхонада ямон ҳам, яхши ҳам даркор эркан. Ва ул Бузруг таҳқиқ юзидин ойтибдурларким, «ло тункирил-ботила фи тавриҳи. Фаиннаҳу баъзо зухуротиҳи. Интаҳа каломуху»<sup>1</sup>.

*Йигирма бирлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, агар ул кишининг орасидаким, санинг оғзингда ҳалво қўяр ва ул кишининг орасидаким, бўйнунга силлий урар, фарқ этсанг, тавқидда санинги нуқсонинг аломатидур.

*Йигирма иккилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун Мавлоно Нуруддин Абдуллаҳмон Жомийдин сўрадимким: «Даъвати маъсурада келибдурким, «Аллоҳум-машғилно бика амман сивак». Вақтиким, ғайр ва сиво бўлмаса, бу дуонинг маъноси не бўлур?» Ойтдиларким: «Коф хитоби ишоратдур нафси зотга, яъни мани машғул қил зот сабабли ғайри зотдинким, сифоту афъол турур. Яъни, мани машхуд зоти сабабидин таҷаллиёти асмий ва сифотий ва фиъолийдин халос этгил».

*Йигирма учлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Ҳусайн ибни Мансур Ҳаллож қуддиси сирруҳуким, «Анал Ҳақ» деди, ўзининг ҳақиқатини ойтур эрди ва Фиръавнким, «Ана раббукум» деди, ўзининг сувратини ойтдиким, агар ул ҳам ўзининг ҳақиқатини билса эрди, ул «Анал» демак ондин мақбул бўлур эрди.

*Йигирма тўртлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кеча амре ғалаба этдиким, юзумни дару деворга ва тошу кесакка суртар эрдим ва фарёд этуб бетоқатлиқ қилур эрдим. Бас, ойтдилар, вужуднинг зарраларидин ҳар бир зарра Маҳбубнинг рухсорига холедурким, онинг хуснини зиёд этар.

1. Баъзи ботил нарсаларни баъзи ўринларда инкор қилма, чунки у Аллоҳ амрининг баъзи кўринишларидандир.

### *Ҳазрати Мавлоно Алоуддиннинг ҳавориқи одотлари зикрида ва онинг зикрининг жумласидин турур*

Хизмати Мавлоно Алоуддин алайҳир раҳманинг латойифлари ва ашроф ва тасарруфи тамомлари бор эрди. Ул яқинлардаким, бу ҳарфнинг роқими Мовароуннаҳрдин келиб эрди, олонинг хизматлариға борди. Кўрдиким, икки толиб ул-илм олонинг ёнларида ўлтуруб, «Масобиҳ»дин сабақ ўқурлар ва олонинг қўлларида китоби «Масобиҳ», онга қарарлар. Фақирға шундоғ маълум бўлдиким, олонинг кўзлари китобнинг хатти сувратида ва яна кўнгуллари амри дигарга машғул турур. Хотирим ға келдиким, бу на тариқа дарс ойтмоқ турур, жамъе қироат этурлар ва мударрис онга ҳозир эрмастур. Олонинг бу хотирға ишроқ лари бўлуб, фақирға мутаважжиҳ бўлуб ва табассум этуб ойтдиларким, ҳар неча ёронларға ойтурманким, манда дарс ойтмоқға аҳлиййат йўқ турур, мандин бовар этмаслар. Сиз ойтсангиз, шоядким, қабул этгайлар.

Хизмати Мавлоно Гиёсуддин алайҳир раҳма оларнинг валади азизлари уламоий муттақи йдин эрдилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг шарафи мулозамат ва қабулларин топиб эрди. Ойтур эрдиким, тобистон кечасида Шамърезларнинг маҳалласида намози хуфтондин сўнг ўчакка (томга) чиқдимким, уйқулағойин. Ондин иттифоқо Ойнинг авойили эрди ва кеча андак маҳтоб эрди. Ва фақирнинг манзилига муттасил сароёе бор эрдиким, деҳанинг одамлариға тааллуқи бор эрди. Ва аксар авқот, хусусан, тобистонда холий турур эрди. Ногоҳ ул саройтдин бир кишининг овози манинг қулоғим ға келди. Вақтиким, ажаб кўрунди, ул учакнинг канорига бордим ва тубонга қарадим. Бир киши била бир хотунни кўрдум, рўбару ўлтурубдулар. Бир-бирига сўз ойтурлар. Дарҳол қойтдим ва уйқу тўшагимга келиб ётдим. Вақтиким, кеча ётди, намози бомдодни ўқуб, волидимнинг мулозаматлариға бордим. Астарбон маҳалласи ға. Вақтиким, олонинг ёнларида ўлтурдим, ойтдиларким: «Ҳамсояннинг ўчагига чиқмоқ ва онинг уйига қарамоқ жойиз эрмастур. Кишининг бу нимарсалар била на иши бордурким, ул на овоз турурким, ҳамсояннинг уйидин келур. Ўз ҳоли била бўлмоқ керакдур ва фузуллик этмагон яхшироқдур».

Мавлоно Гиёсуддин Аҳмад ойтур эрдиларким, ул кундин сўнг манга яқини том ҳосил бўлдиким, бу тойифаға қуввати босирадин бошқа ҳам назар бўлур эрканким, ул қоронғу кечада узоқ мавзеълар-

дин кўб нимарсаларни мушоҳада этарлар ва буъди макон ул назарнинг монези эрматур. Ва яна ул ойтур эрдиким, бир кун йигитлик овонида шогирдлардин жамъе била гозургоҳнинг сойрига бориб эрдук, орамизда бир соҳиб жамол йигит ҳам бор эрди. Уйқу вақти бўлди ва ул манинг оёқ учимда така этди. Вақтиким, чироғ ўчди, манинг хотиримга тушдиким, оёқимни онинг тарафига узатсам. Икки-уч мартаба бу хотир мазохим бўлди. Охир ўзумга ойтдим: «Отанг санинг ҳолингдин воқиф турур ва аксар авқотда санга ҳозирким, эртонг шаҳарга борурсан. Бу сувратни санинг манглайинг га риқам этар». Оёқимни сақладим ва уйқуға бордим. Эрта тонгласи шаҳарга кетдим ва отамнинг мулозаматлариға бордим. Ойтдиларким: «Они тажвиз этарсанким, махлуқе санга ҳозирдур ва шарм этарсан оёқингни узатмассан. Ўзингнинг Холиқингдинким, азалан ва абадан ва дунё ва охираг мавтинларида санга ҳозирдур, батариқи авло шарм этсанг ва беодоблик этмасанг керакдур».

Олорнинг асҳобларидин бирлари нақл этдиларким, мабодийи аҳволдаким, олорнинг хизматлариға бордим, бир кун мактабхонада ўлтуруб эрдилар, ёнлариға бордим. Қўлларида қоғозлари бор, гоҳ қоғозни очиб кўрарлар ва гоҳ урарлар. Вақтиким, мани кўрдилар, ойтдилар: «Фалоне, келгин, бу қоғазни олғил!» Ман ёнлариға бордим. Ва кўлумни узатдимким, қоғазни олайн. Қўлларини кейинга тортдилар. Ман мугтаҳаййир бўлдим. Турдум. Ва яна кўл узатдилар: «Олғил». Вақтиким, хоҳладимким, олайн, яна кўлларини тортдилар. Учлончисида шул қоғазни манинг кўлимга бердилар. Вақтиким, қоғаз манинг кўлимга етушди, ондин бир ўти барқи хотиф мислиййат кўлимга кириб кетди. Фоят суръат била томурлар йўлидин юруб, то манинг дилимга етушди ва манинг дилим ул ўтдин шундоғ ёндиким, хаёл этдим кул бўлгондур. Ул кўрқудинким, мабодо, ҳалок бўлурман, деб қоғазни кўлимдин ерга кўйдум. Олор ҳайбат била овоз этдилар: «Олғил!» Вақтиким, қоғазни ердин кўтардим, кайфиййате зоҳир бўлдимким, беҳуш бўлуб йиқилдим. Ва неча муддатилар ул беҳушлиқда қолдим. Ва ул ҳолда оқ кўбук лабларимдин пайдо бўлубдур ва мактаб болалари ҳар қачон мани кўрсалар, то икки-уч ойғача бир-бирига ойтур эрдилар: «Ана маст тева келди». Ул беҳудлиқдин шуъурға келгондин сўнг манга йиғламоқ муставлий бўлдимким, онинг сабабини билмадим. Ташқари чиқдим ва зор-зор йиғлар эрдим. Ва эртангисиким, олорнинг мулозаматлариға бордим, ўзимга ойтдимким: «Олорнинг яқинида ўлтурур бўлсам, мабодоким, юракин яна ёнур». Вақтиким, мактабхонанинг эшигидин кирдим, олор муро-

қиб ўлтурғон эрканлар, ман саффи наъолда ўлтурдум. Олор бошларини кўтардилар. Ойтдилар: «Эй, фалон!» Ойтдим: «Лаббайк». Олор тез-тез манга қарарлар, кўрдимким, яна ул ўт юрагимга тушди. Дарҳол яна йиқилдим, бир оз муддати беҳуш бўлуб ётдим. Вақтиким, ўзимга келдим, бу мартаба йиғламоқ ғолиб бўлмади.

Хизмати Мавлоно марази мавтларида қариб беш ой соҳиби фирош бўлдилар. Бу фақирким, бу ҳуруфнинг роқимидур, олонинг аввал маразларида ийодат расми била хизматларига бориб эрди. Вақтиким, ёнларида ўлтурдим, ойтдилар: «Эй, фалоний, бизнинг сувимизни сиқасидин боғладилар». Ўлмасларидин юз эллик кун аввал хабари мавтларини бердилар. Ондин сўнг бир соат сукут этдилар. Бас, ойтдиларким: «Худойе мавжуд турур». Бу сўзга мақорин баланд наъра урдилар. Ва ул наърада лафзи «Аллоҳ»ни ойтдилар. Ул вақтда ойтдиларким: «Онда саъйе этингларким, Худойи мавжудга парастииш қилинг, мавҳум Худоға парастииш этманглар».

Олонинг вафотлари жумод ус-соний ойининг авоситида шанба куни сана саккиз юз тўқсон иккида (1486) эрди. Ва қабрлари Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг таҳти мазорларида эрди ва бу қитъани олонинг фавтлари тарихида ойтулуб эрди. Қитъа:

*Пири аҳли Ҳақ Алоуддин ки рафт,  
Руҳи покаш бар фарози нух сарир.  
Хостам тарихи соли рафтанаиш,  
Ақли дурандиш гуфто: «Рафт пир».*  
(Аҳли Ҳақнинг пири Алоуддиннинг,  
Руҳи поки тўққиз фалак устига кетди.  
Ул зотнинг вафотини билмоқчи эдим,  
Узоқни кўрувчи ақл:

«Рафт пир» (яъни, Пир кетди, деди)

### ***Мавлоно Шамсуддин Раважӣй (қуддуса сирруҳу)***

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг ажилли асҳобларидин эрдилар. Ва кўб йиллар Жомеъи Ҳиротда толибларни Ҳақға даъват этдилар. Мавлидлари Раваж қаряси эрдиким, Ҳиротнинг жониби қибласидин тўққуз фарсахликда эрди, бир деҳа турур. Валодатлари шаъбон ойининг барот кечасида сана саккиз юз йигирмада (1417) эрди. Олонинг волидларининг беш яшар мақбул бир ўғуллари вафот топиб эрди. Ул жиҳатдин бағоят мута-

ассир ва хотирлари мажруҳ бўлди. Ул кеча, Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни тушларида кўрдилар. Ойтдиларким: «Ғам емагил! Ва кўнглингни хуш тутғилким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бир ўгул берурким, соҳиби давлат ва умри узун бўлур». Ондин неча вақтлар ўтгандин сўнг хизмати Мавлоно Муҳаммад мутаваллид бўлди. Волидалари дойимо озорға ойтур эрдиларким: «Ул фарзандеким, манга онинг вужуди била башорат бердилар, сандурсан». Ва озор ёш замонларида инзиво ва инқитоъға мойил эрдилар ва абнойи жинсдин ижтиноб ва ихтироз этуб, волидларининг манзилларида хилватхоналари бор эрдиким, аксар авқот ул жойда бўлур эрдилар. Обоу аждодлари савдогар ва тевачи эрдилар ва тижорат йўлида юрур эрди. Ҳаргиз озор оталарининг таврига рағбат этдилар.

Ойтур эрдиларким, дойим манга орзу ул эрдиким, Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни тушимда кўрсам, то бир кун уйга кирдим. Кўрдимким, волида ақраболардин жамъе зуъафо бирла ўлтурубдурлар. ёнларида китоблари бор, ўқурлар. Ман хилофи маъҳуда этиб, озорнинг орасиға бордим. Эшитдимким, волида ул китоблардин бир дуо ўқудиларким, ҳар ким они жумъа кечасида неча мартаба ўқуса, Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни тушида кўрар.

Вақтиким они эшитдим, манга дағдаға ва орзу зиёда бўлди. Иттифоқо жумъа кечаси эрди. Волидаға ойтдим: «Бу кеча бу дуони ўқурман, шоядким, мақсуд ҳосил бўлғой». Озор ойтдилар: «Борғил, ўқулғилким, биз ҳам ўқурмиз». Ондин сўнг хилватхонага бордим ва машғул бўлдим. Ул шаройитлар билаким, ёзиб эрди қиём кўргуздим. Ва яна эшитиб эрдимким, ҳар киши жумъа кечаси уч минг марта Ҳазрати (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га саловат юборса, ул Ҳазратни тушинда кўрар. Они ҳам ойтдим, то ётдим кечага яқин бўлди. Ондин сўнг бошимни қўйуб уйқуға бордим. Кўрдимким, ўз уйумнинг эшигининг кирдим. Қиш суфасининг канорида волида ўлтурубдур, маниким кўрдилар, ойтдилар: «Эй, ўғлум! Не учун кеч келдингким, ман санга мунтазирдурман. Яна Ҳазрати (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларнинг уйимизга келдилар. Кел, сани ул Ҳазратнинг ёнлариға олиб бораин». Бас, маннинг кўлумдин тутуб тобистоний суфанинг тарафига равон бўлди. Ман қарадимким, кўрдим, ул Ҳазрат суфанинг канорида муборақ орқаларини қиблага бериб ўлтурубдурлар. Ва ул Ҳазратнинг атрофларида жамъи касир ўлтурубдурлар. Ва яна бир жамъе ҳалқа урубдурлар ва ул Ҳазрат атроф ва жавонибға расоил ва макотиб

юборурлар ва ҳар киши ул Ҳазратнинг ёнларида ўлтуруб мукоба-теким, ул Ҳазрат имло этарлар ул ёзар. Манга шундоғ кўрунди-ким, ул Мавлоно Шарафуддин Усмон Зиёратгоҳий бўлсаларким, уламои раббонийдин, ўз замонининг муттақийларидин эрди ва ҳам акмалидин эрди. Вақтиким, волида мани илгори олиб борди, ул миқдор таваққуф этмадимким, ул Ҳазрат муҳиммотларидин фориг бўлсалар. Илгори борди ва ойтди: «Ё Расулаллоҳ! Манга соҳиб давлат ва умри узун фарзандға ваъда бериб эрдингиз, бу фарзанд ул турурму ё ул эрмасму?» Ва ул Ҳазрат ман тарафига қарадилар ва табассум этуб ойтдиларким: «Оре, бу ул фарзанд турур». Бас, Мавлоно Шарафуддин Усмонга қараб ойтдилар: «Онинг учун бир мактуб ёзгил!» Мавлоно коғаз ва қалам олдилар ва ман онга назар қилур эрдим: уч сатр ёзди ва ул сатрнинг таҳида ул одамларнинг гувоҳликларидекким, қаболаларда бўлур, кўб одамларни бошқа ёзди ва коғазни ўраб манинг қўлумга берди ва ман равон бўлдим. Ул аснода ман ўзимга ойтдимким: «Бу мактубнинг мазмунини билмадинг, қойтгил ва Ҳазрат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га кўргузгил. То ул Ҳазрат (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) онинг мазмунини санга ойтсунлар», деб қойтдим. Ва ул Ҳазратнинг ёнларига бордим ва ойтдим:

«Ё, Расулаллоҳ, билмадимким, бу мактубда не ёзилиб турур». Ул Ҳазрат манинг қўлимдин олдилар ва ўқудилар ва ман ул Ҳазратнинг бир мартаба ўқумоқлари била уч сатрни ҳам ёдладим. Бас, ул Ҳазрат мактубни ўрадилар ва манинг қўлумга бердилар ва ман хоҳладим яна бир сўз сўрасамким, ногоҳ эшикнинг овози келди. Волида қўлларида шамъ, уйнинг эшигининг кирдилар. Ман уйқудин турдим ва ойтдиларким, «Эй, Муҳаммад, ҳеч туш кўрдинг.-му?» Ойтдим: «Оре». Олор ойтдиларким: «Ман кўрдим», деб сўз бунёд этдиларким, ман кўрган тушимни аввалдин охирғача ва мактубни ёзгонлари ва берганларин ва манинг қайтғонимни ва ул мактуб батамома ўқуғонларини баён этдилар. Ва улчаким, фақир кўруб эрди, ҳаммасини бетафовут ойтдилар ва икки туш ҳам аввалдин то охирғача мувофиқ ва мутобиқ эрди.

Ойтур эрдиларким, йигитликнинг ибтидосидаким, Раваж қарясида бўлур эрдим, манга бу тариқнинг добияси пайдо бўлди: Баъзи одамлардин истифсор этдимким: «Ҳиротда ҳеч бир машхур Шайх бормуким, онинг хизматиға борсам?» Шайх Садруддин Рав-ссийни од бердилар ва ойтдилар: «Ул Ҳазрат Шайх Зайнуддин Хофийнинг хулафаларидин турурларким, ҳоло соликларнинг ир-шодиға ва толибларнинг таълимиға машғул турурлар». Дарҳол ша-

ҳар тарафига мутаважжиҳ бўлдим ва йўлдин Ҳазрати Шайхнинг сармозорига бордимким, Шайх Садруддин ул вақтларда ул жойларда бўлур эрдилар. Иттифоқо ул маҳалда асҳоблар била зикри жаҳрга машғул эрдилар. Олорнинг ҳалқаи зикрлари канорида бир замон турдим ва гавғоларини мушоҳада этдим. Манга маъқул тушмади. Ул ердин шаҳарга юз кўйдим. Йўлда ҳофиз Исмоил манинг олдимдин чиқди. Ва ул ҳам азизе эрдиким, Раваж қалъасидинким, Мавлоно Муҳаммаднинг хизматидин Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳунинг хизматларидин мулозаматларига етушуб эрдилар ва шарафи қабулларини топиб, олорнинг нақлидин сўнг Ҳазрати Махдучи Мавлоно Абдурраҳмон Жомий қуддиса сирруҳу мулозаматларида Ҳаж этиб эрдилар. Ва бу тойифадин баҳраи тамомлари бор эрди. Ойтдиларким, Ҳофиз манга ойтди: «Не ердин келурсан ва санда не доъия бордур?» Қиссани ойтдим. Ойтди: «Масжиди Жомеъга борғил. Ул жойда азизе бордурким, гоҳи жамъе асҳоб била Масжиди Жомеънинг дахлизидида суҳбат тутарлар. Олорни ҳам кўргил. Ғолибо, улким олорнинг суҳбати санга муассир тушар». Ул қавм била масжиднинг эшигига юз кўйдум. Иттифоқо, Ҳазрати Мавлоно азизлардин жамъе била масжиднинг долонида сукут этуб ўлтурубдурлар. Ман эшикнинг ташқарисида турдум ва деворга такя этиб, олорга қарар эрдим. Ва олорнинг сукутини кўрар эрдим. Ва Шайх Садриддиннинг ҳалқаи зикри ва асҳобларининг гавғосидин андишга қилур эрдим. Ва ўзумга ойтур эрдимким: «Ул фарёду изтироб не эрди ва бу сукут ва ором не турур?» Ногоҳ Ҳазрати Мавлоно (Саъдуддин Кошғарий) бош кўтордилар ва манга ойтдилар: «Додар! Бу ерга келгин!» Ман беҳудона илгори бордим ва мани паҳлуларида ўлтурғиздилар ва ойтдилар: «Агар бандае ё навкаре Мирзо Шоҳрухнинг ёнида ўлтургон бўлса, дойимо онинг ёнида баланд овоз билра «Шоҳрух, Шоҳрух...» деб ойтур бўлса, кўб совуқлик ва беодоблик кўрунур. Адаб ул турурким, навкар подшоҳнинг ёнида ва банда хожасининг ёнида ва олдида сокит ва ҳозир бўлса, фарёду гавғо этмаса». Бас, бу байтни ўқудиларким, байт:

*Кори нодон кутаҳ, андиш аст,*

*Ёд кард касе, ки дарнеш аст.*

(Нодоннинг иши узоқни ўйламасликдир.

Оқилнинг иши олдиндаги нарсани ўйлашдир).

Ондин сўнг манинг қўлимга қарадилар. Бармоғимда зиҳгир бор эрди, кўрдилар, ойтдилар: «Кишиким, ҳожат қўлини илгори

келтурур, агар онинг кўли холий бўлмаса яхши эрмастур». Ман дарҳол зиҳирни бармоғимдин чиқордим ва олов турдилар, масжидга кирдилар. Ман ҳам туруб эрдим, ҳозирларидин баъзилар манга ишорат қилдиларким, «Оловнинг изларидин киргил». Ман ҳам ақабларидин бордим. Жойида ўлтурдилар ва мани ёнларида ўлтурғиздилар ва тариқае баён этдилар ва ойтдиларким: «Масжиди Жомеъ яхши жой турур. Ҳам шул ерда иқомат этгил ва ишингга бўлгил!» Ман оловнинг ишорати била машғул бўлдум ва бизнинг волидамиз ҳам бу маънодин огоҳ бўлуб, Раваждин оловнинг хизматиға келди ва тариқат таълими олди. Неча вақтлардин сўнг Масжиди Жомеънинг гунбазидаким, беш вақт намоз ўқулур эрди, таҳажжуд ўқуб муроқиб бўлуб ўлтурур эрдим, ногоҳ бир нур чирроғдек зоҳир бўлдимким, гунбазнинг сафини онинг шуёнда дуруст кўрдум ва ул нур ҳар замон зиёда тоб берур эрди, то бир анор миқдори улғ бўлди ва гунбазнинг тамом ери кундуздек ондин равшан бўлди. Ва бир оз муддати турди. Вақтиким, сабоҳ бўлди, манга ул сувратдин гурур ва пиндор ҳосил бўлди. Шул ҳол бирла оловнинг мажлисларига бордим ва ўлтурдим. Ва ғазаб юзидин ман тарафга қарадилар ва ойтдиларким: «Сани бод била тўлғон кўрарман. Бу миқдор киши ўз вузуси нурун кўрар, бу янглиғ мағрур бўлурму?!. Ман ул фурсатларда Мавлоно Низомуддин Хомуш алайҳир раҳманинг мулозаматларини этар эрдим, кечаларким, кўчаларда юрур эрдим, ўн ва ўн икки машғал нурдин ямну ясоримда ёниб равшанлик берур эрди ва ҳар жойға борсам ҳамроҳ эрди ва ҳаргиз манинг онга илтифотим бўлмади ва ондин ҳисобе олмадим».

Бу сўздин сўнг тунд бўлдилар ва ойтдилар: «Эмди бу сифат била манинг ёнимға келмагил», деб ва мани мажлисдин қувдилар ва ман ёнларидин шикаста хотир бўлуб чиқдим ва йиғладим. Ул ҳолатдин истиғфор этдим ва кўб кўшишлар этдим, то манинг хотирим ул гурурдин пок бўлди. Ва оловнинг илтифотлари юмни била ул пиндор муртафий бўлди. Ва манинг волидимға ҳам ул нурнинг мисли зоҳир бўлубдур, лекин ондин ўта билмай турур ва онга ул нурнинг мушоҳадасидин ҳаззе ва равҳе бўлуб ва они кўрмакка азим унс этибдур.

Ойгур эрдиларким, ул кунлардаким, бу нур зоҳир бўлуб эрди, бир киши манга кўб тавозеъ ва фурутанлик этур эрди ва тамаллуқ ва ниёзмандликни ҳаддин ўтқорди. Охир онга ойтдим: «На сўзинг бордур ва бу ҳамма ниёзмандликнинг сабаби недурким, этарсан?» Ойтди: «Бир қаронғу кеча Масжиди Жомеънинг сақояси кунжида

ўлтуруб эрдим, ногоҳ бир киши сақоянинг эшикидин кирди ва ул қоронғу ярим кечада сақоянинг ҳама ери равшан бўлди. Вақтиким, назар этдим, сан эркансан ва санда ҳеч шамъе ва чироғ йўқ эрди. Вақтиким, чиқиб кетдинг, яна сақоя қоронғу бўлди.» Билдимким, рост ойтур.

Ойтур эрдиларким, вақтиким, Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларига бордим, манга изтироби қавий пайдо бўлди ва Хожাগон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум нисбатлари манга ҳосил бўлмас эрди. Кечалар Масжиди Жомеъда бошимни ерга уруб зор-зор йиғлар эрдим ва кундузлар саҳрога чиқиб кетар эрдим. Фарёду зори тазарруу қилур эрдим. Ва қариб етти-саккиз ой манинг ҳолим бу тариқа ўтди. Бир кун олоқ мани гирён ва бирён кўрдилар ва ойтдилар:

«Додар, қўб йиғламоғил ва зори этгил. Шундоғ этгилким, маҳалли раҳм бўлғил ва бу йиғламоқу зориликнинг улуғ асарлари бордур ва йигитликда бизнинг ҳам шундоғ йиғламоқимиз бор эрди».

Бу сўзнинг асносида илтифоте этдиларким, фил жумла бу азияларнинг нисбатларидин асаре зоҳир бўлди. Ондин сўнг бир кеча Масжиди Жомеъда пиллапоянинг орқасида мувоқиб ўлтурур эрдим. Ярим кечага яқин бўлди ва манга уйқу ғалаба қилди. Дафъи уйқу қилайин деб ўрнимдин турдум. Ногоҳ кўрдим: олоқ манинг орқамда мувоқиб ўлтурубдурлар ва ман гофил эрдим. Ва воқиф бўлмадимким, қачон ташриф келтурубдурлар. Мунфаъил бўлдим ва қасд этдимким, олоқнинг орқаларида ўлтуройин. Олоқ бош кўтардилар ва ойтдилар: «Эй, фалон! Нечун турдинг?» Ойтдим: «Манга уйқу ғалаба қилди, хоҳладимким, дафъин этсам». Бу сўз орасида лутфе этдиларким, манга азияларнинг тариқалари батамом ҳосил бўлди.

Хизмати Мавлоно Баржандий Шаҳобуддин алайҳир раҳма ойтур эрдиларким, бир кун алас-сабоҳ Ҳазрати Мавлоно Саъдудин қуддиса сирруҳу мулозаматларига бордим. Ойтдиларким: «Бу кеча сарбонбаччага фатҳе даст бердиким ва нисбати ҳосил бўлдиким, етти қат осмоннинг фаришталари онга рашк этдилар».

Ҳазрати Мавлавий ойтдиларким, шундоғ маълум бўлурким, ул сарбонбаччае Мавлоно Муҳаммад Раважий эрдилар. Нечунким, олоқнинг оталари хосса тевадар сақлар эрди.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад ойтурким, бизнинг Ҳазрати Мавлономизга қудрате ва қуввате бор эрдиким, ҳар вақт хоҳласалар ва ҳар кимни ирода этсалар, хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум

нисбатларини завқ қилдурур эдилар ва кайфиййати ғайбат ва бе-худликқа етуштурур эрдилар. Бир кун озорнинг мулозаматларида масжиднинг эшикига келдук. Намози шом азонини ойтдилар. Кир-дук. Намоз ўқудук. Иттифоқе ул масжидда хатм этмакчи эрдилар ва ҳофизлар ва хонандалар келиб эрдилар. Ва шамълар ёқиб рав-шан этдилар. Ва одамлар кўб жамъе бўлдилар. Озор ҳам таваққуф этиб, бир гўшада рўй бақибла бўлуб мувоқабата ўлтурдилар. Ва ман озорнинг ақабларида узоқроқ ўлтуруб, озорға мутаважжиҳ эрдим. Ногоҳ бошларини кўтариб қародилар ва манга ишорат этдиларким: «Манинг ёнимға келгил!» Ўрнимдин турдим, озор-нинг паҳлусида ўлтурур бўлдим. Хануз қиём била қуъуднинг ора-сида эрдиким, илтифоте этдиларким ва мани батамом мандин олдилар. Ондогким, билмадим қайси кайфиййатда ўлтурурдим. Ва ул бехудлик имтидод топди. Вақтиким, ҳозир бўлдиким, му-аззин намози хуфтонга такбир ойтди. Ул фурсатда асло тиловати Қуръондин ва ашъор ўқуғонлардин асло хабарим йўқ бўлди та-моми машғулалардин.

Ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолда вақтиким, масжиднинг сақоясида бўлдум ва қўлумда китоби «Маснавий» бор эрди. Ногоҳ Ҳазрати Мавлоно сақояға кирдилар ва ойтдилар: «Ул на китоб турурким, қўлингда турур?» Ойтдим: «Маснавий». Ойтдиларким: «Маснавий» ўқумоқдин ҳеч бир иш очилмас. Саъйе қилинлар-ким, озорнинг маънолари сизларнинг кўнгилларингиздин жўш урсин».

Ойтур эрдиларким, вақтиким озор манинг ҳужрамға келди-лар ва тоқнинг канорида бир мусҳаф кўрдилар. Ойтдилар: «Ул на китобдур?» Ойтдим: «Мусҳаф турур». Ойтдиларким: «Бу ишлар бекорлиқнинг аломати турур, яъни мубтадий керакким, сулуки-нинг ибтидосида тариқи нафйу исботга машғул бўлсун. Қуръон тиловат этмак мутавасситларнинг иши турур ва намоз кўб ўқумоқ мунтаҳийларнинг ишидур. Аҳли бидоятга аҳамми муҳиммот нафйу исбот турур».

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Мавлоно мулозамат этган аснода қавий машғуллиқларимиз бор эрди ва саъйи балиғ била ўзимни азизларнинг нисбатларига насб этдим: кечалар тонг отгунча чўкка тушуб ўлтурур эрдим ва тиздин ул тизга ойлануб ўлтурмоқға ма-жол бўлмас эрди. Агар жавз ё бодом каби тошлар тизимнинг таҳи-да қолғон бўлса, ҳаргиз онга парвойим бўлмас эрди ва они олиб ташламоқға фурсат бўлмас эрди.

Ойтур эрдиларким, машгуллиқнинг ибтидосида бир кун Мас - жиди Жомеънинг саҳнида мураббаъ ўлтуруб эрдим ва муроқаблада эрдим. Ногоҳ овозе эшитулдиким, қойиле ойтди: «Эй, беодоб бандалар, подшоҳлар қошида шунингдек ўлтурурларму?» Бехуд бўлуб, жойимдин сачраб турдим. Чўкка тушуб шундоғ ўлтурдум-ким, зонуларим пишган кирпичга маҳкам ботди ва дард этди. Ва ул вақтдин қирқ йил турурким, асло мураббаъ тариқи била ўлтурмоқ иттифоқ тушмади. Агар чандикиким, эмди ҳар тариқа ўлтурсам тафовут этмас, аммо ул важҳеким, хуб бўлубдур, мураббаъ тариқида ўлтурмоқ хуш келмас.

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Мавлономиз Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умарни кўрмак учун Чағорага эшак миниб кетдилар ва ман озорнинг мулозаматларида пиёда эрдим. Ва ман маркабларини ҳайлар эрдим ва сабоҳ таъом еб эрдим. Йўлда ташналик ғолиб бўлди ва сув ичмакка мажол йўқ эрди. Охирул-амр манга ойтдиларким: «Эй, фалон, ташна турурсанму?» Ойтдим: «Оре». Ойтдиларким: «То шаҳардин чиқдуқ ман ўзимда ташналикни топарманким, мандин эрмастур. Боргил сув ичгилким, санинг ташналигинг турурким, манга асар қилиб турур». Бордим ва сув ичдим. Ондин сўнг Ҳазрати Шайхнинг ёнлариға бордуқ. Ман кавш ва асоларини тутуб узоқда ўлтурдим ва шайх озорға сўзлар ойтдилар. Вақтиким, ман узоқроқ эрдим, эшитмас эрдим. Ўзимга ойтдим: «Бекор ўлтурмаслиқ керак, келгил, то Шайхға таважжуҳ этайин». Бас, ботин юзидин ўзимни шайхға рост қилдим. Вақтиким, манинг кўнглум шайхнинг кўнгли маҳозисида рост турди маъан Шайх манга қараб фарёд этдиларким: «Ҳай, на иш қилурсан?» Табассум этдилар ва Ҳазрати Мавлоно ҳам табассум этдилар. Ва бовужуди улким ул таважжуҳ бир лаҳзадин зиёда воқеъ бўлгон йўқ эрди. Асари азим ул таважжуҳга мутаратғиб бўлди. Ва кайфийяти қавий зоҳир бўлди ва тўрт-беш кунғача лаҳза-лаҳза асари қавийким, мужиби равҳи азим эрдиким, ямғурдек мутавотир фойиз бўлур эрди. Ондин сўнг Ҳазрати Мавлонодин сўрадимким: «Фақире ихлос юзидин таважжуҳ этар, нечун улуғлар онга тоб келтурмаслар?» Ойтдилар: «Онинг учунким, озорға бар сабили давом Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло жанобиға иттисоли томи ҳосилдур. Бу таважжуҳдаким, толиблар ойтурлар онинг била Ҳақ субҳонаҳу орасиға ҳойиле пайдо бўлур ва онинг андозасинда ҳижобе даст берур. Ва озорнинг фарёдлари ондин турур».

Ойтур эрдиларким, бир кун мабодийи ҳолда Масжиди Жомеънинг саҳнида шарқий суфага яқин рўй бақибла бўлуб танҳо

ўлтуруб эрдим ва шуғлим бор эрди. Ногоҳ, кўрдимким, Тахти муқаррибоннинг олдида шахсе зоҳир бўлди, бағоят қора ва нозик ва узун, ул масобадаким, боши мақсуранинг сақфиға яқин етибдур. Боши жавзи ҳиндий мисллик бағоят кичик ва оғзи очуқ ва тўлгон оқ тиш ва бўйни нозук ва узун ва бадани кичкина ва оёқлари бағоят нозук ва узун. Кўрдимким, ул ердин кулуб манга мутаважжиҳ бўлди ва оҳиста-оҳиста манинг тарафимға келур эрди. Гоҳо каж бўлуб, гоҳо рост бўлуб ҳаракатлар этар эрди. Ман ўзумға ойтдим: «Бу дев турур, хоҳларким, сани азизларнинг нисбати-дин манъ этиб ва шуғлингни кам қилиб, барҳам урғой». Ман ўзумни тариқаға насб этдим ва жидд била машғул бўлдим. Ва ҳар неча ул ҳаракатлар этди ва ишлар кўргуздиким, ман вақтимдин тушсам муяссар бўлмади. Ул ҳар неча яқин келди, ман қўбрак ўз шуғлимға ёпушдим, то бил-куллийа яқин келди. Кўрдиким, ман ўз ишимдин қайтмасман, хез уруб бўйнуғма минди ва рўдаподек оёқларини белимға ўради ва ман шундоғ ўз ишимда мутамаккин эрдим ва ҳеч изтиробу тахтака кўргузмадим. Бир замондин сўнг оёқларини белимдин жудо этди. Дуд янглиғ бўлуб ҳавоға кўтарилиб кетди ва нопадил бўлди. Мундин сўнгра ҳаргиз ул сувратнинг мисли манга ташвиш бермади.

Ойтур эрдиларким, яна мабодийи ҳолда Масжида Жомеъда бир кеча Тахти муқаррибонга такая этуб, осмонга назар этур эрдим, кўрдимким, бир юлдуз осмонда эрди, ерга қараб мутаважжиҳ бўлди ва жоладек ошоқға тушуб, барчаси манга мутаважжиҳ бўлуб, юз кўйдилар. Ва шундоғ манга яқин бўлдиларким, гумон этдимким, агар қўл узатсам юлдузға етушур. Бу ҳолнинг мушоҳадасидин кайфиййати азим рўй берди ва қўб беҳудлиқ даст берди. Ва ул кайфиййат то сабоҳ бўлгунча кўтарди.

Ойтур эрдиларким, яна мабодийи ҳолда бир кун волиданинг ёнларида ўлтуруб эрдим, кўрдимким, бир ворида қавий манга мутаважжиҳ бўлди. Билдимким, мани беҳуд этар, волидамға ойтдимким: «Манинг ҳолимдин бохабар бўлунг ва санангким мандин неча намоз фавт бўлур». Бу сўзни ойтдим ва ул кайфиййат манга ғалаба этди ва ҳисдин ғойиб қилди ва беҳуд бўлуб йиқилдим. Вақтиким, кўзимни очдим, волидани бош учимда йиғлаб ўлтурғон кўрдим. Ойтдим: «Не учун йиғларсиз?» Ойтдилар: «Вақтиким, кўрарман уч кечаю кундуздурким, ўлукдек ётибсан. Ҳар неча шўрбо ва сув оғзингға қўйдуқ, тамоқингдин ичкори кетмади ва ман санинг ҳаётингдин кўнгул узуб эрдим». Ҳисоб этдим: ўн беш фариза мандин фавт бўлубдур. Турдим ва қазо этдим».

Ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолда бир кун Масжида Жомеъда пешиннинг суннагини ўқуб эрдим, машғуллиқим бор эрди. Ногоҳ кайфийяти беҳудлиқ муставлий бўлди ва муддатие турди ва ҳар икки-уч кунда ул беҳудлиқ бир мартаба юз берур эрди. То шундоғ бўлдим, ҳар кун даст берди ва ул мартабаға етдиким, ҳар кун икки-уч мартаба пайдо бўлди. Замон-замон зиёдалиққа юз берди, то ҳаддиким, мутаъоқиб ва мутаботир бўлди. Ва неча вақтлар ҳол бу эрдиким, ғайбат ва беҳудлиқ шуъур ва огоҳлиққа галаба этди ва оз-оз кам бўлмоқға ойланди. Онинг футуридин кўрқдим ва Ҳазрати Мавлоноға арз этдимким: «Ғайбат ва беҳудлиқ заволға юз бурди ва ман ондин ҳаросон турурман». Ойтдиларким: «Кўрқмагил, кўб ғайбат заъфи ботиндин бўлур». Ҳоло андақ қувватлиғ бўлбдур. Ул кайфийяти маъхуда зойил бўлмай турур ва бу замон шуъурға ул бешуурлиқнинг ҳукми бор турур. Ва ул ҳол эрди, бу замон мақом бўлди». Интаҳа каломуху.

Махфий қолмасунким, ҳол сўфиййа қаддасаллоху арвоҳаҳум истилоҳарида иборат турур воридединким, нозил бўлур кўнгилға Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг маҳзи муҳаббати билаким, соҳиб би ҳолға онинг келганида ва кетганида ихтиёр бўлмас, мисли ҳузн ва сурур ва қабз ва бастдек нимарсалар. Ва ҳолнинг шартларидин бири ул турурким, албатта, завол топиб, изидин онинг ворид бўлур. Вақтиким, солиқларнинг ҳоли малака бўлуб, собит бўлса, они мақом дерлар ва мақом бу тойифанинг истилоҳида иборат турур солиқларнинг манзиллари ва мартабаларидин бир мартабаеким, солиқнинг тахти қадамиға кирар ва онинг маҳалли авқоти ва истиқомати бўлур, завол топмас. Бас, ҳолким фавқға тааллуқи бордур, солиқнинг тахти тасарруфиға келмас. Балким, солиқнинг вужуди онинг маҳалли тасарруфи бўлур. Ва мақомким, тахтға нисбати бордур, солиқнинг тасарруфи ва такмилиға маҳал бўлур. Ва бу жиҳатдиндурум, сўфиййа қаддасаллоху арвоҳаҳум ойтурлар, аҳволи мавоҳибатнинг қабилдин турур ва мақомот муқосабнинг қабилдин турур.

Ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолда Ҳазрати Мавлононинг амрлари била пайваста Масжида Жомиъи Ҳиротда бўлур эрдим ва кўб машғуллиқим бор эрди. Кечалар масжидда ойлануб юрур эрдим. Бу нисбатнинг фикдонидин зор-зор йиғлар эрдим. Бошимни масжиднинг пиллапоясига урар эрдим, ондоғким, кундузда маннинг бошимда ва манглаймда жавз ва бодомдек шишлар пайдо бўлур эрди ва масжиддин ҳаргиз ташқари чиқмас эрдим, магар таҳорат зарурат бўлуб чиқор эрдим. Бир мартаба шаҳар қирқ кун

қабал бўлуб эрди. Ул кунларда одамлар Масжиди Жомеъга қуб келиб кетар эрдилар. Ҳаргиз кишидин сўрамадимким, жумъадин бошқа кунларда бу одамларнинг касрати на ваҳҳдин турур? Ул балиййа ўтуб кеткандин сўнг эшитдимким, баъзи одамлар баъзисига ойтур эрдиларким: «Қабал кунларида ондоғ ва мундоғ бўлди...» Ман сўрадим: «Қайси қабал?» Ойтди: «Сан магар бу шаҳарда эрмас эрдингму?» Ман ҳеч нимарса демадим.

Ойтур эрдиларким, ибтидодаким Масжиди Жомеъда муътакиф бўлдум, уч кеча ва кундуз манга ўтдиким, ҳеч таъом етушмади. Бетоқат бўлдим. Турдимким, таъом талаб этмак учун ташқари чиқайин. Чап оёқимни масжиднинг бўсағасидин илгари қўйдумким, ҳануз ўнг оёқимни кўтаргоним йўқ эрди, кўнглумга илҳоме етушдиким: «Бизнинг суҳбатимизни нонга баробар сотдингму?!.» Оёқимни ичкари тортдим ва қаттиг табонча юзимга шундоғ урдимким, то бир ҳафта ул зарбнинг асари юзимда боқий эрди. Ул вақтда масжиднинг илгорисиға бордим ва бир гўшада оёқимни илгори этагимға ўраб ўлтурдим. Ва нафсимға ойтдим: «Агар ўлсанг ҳам таъомни талаб этмак учун ташқори чиқмасман». Бу ҳолда равҳи азим ва нисбати қавий ғалаба этди, бамасобаеким, таъомға майлим қолмади. Ногоҳ бир киши ёнимға келдиким, ман они харгиз кўрган эрмас эрдим ва ўн оғри миқдори ё зиёда оқ қанд маннинг олдимда қўйиб, сўзламай қойтиб кетди ва манга онинг қанд кетургани ондоғ хуш келмадиким, тез қайтуб ва ўзига мани машғул этмаганидек.

Ойтур эрдиларким, машғуллик асносида Ҳазрати Мавлононинг мулозаматларида манга бир соҳиб жамол йигит га таалуқи хотир бўлуб робитаи муҳаббат қавий бўлди, шул мартабадаким, кўнглумга онинг хаёли бил-қуллиййа ғалаба этди ва онинг ғайриға ҳеч муносабат қолмади, то иш жойега етушдиким, Шайхға зоҳиран ҳам таважжуҳ ва майл қолмади. Ва ул нафс хирқат ва муҳаббат била ором эрди. Ул кунларда қуллиййа озорнинг мулозаматларини тарк этдим ва шарм этар эрдимким, бу сифат била озорнинг олдида ўлтурсам. Даҳшат ва ваҳшат жойега етдиким, ҳар қачон озорни узоқдин кўрсам, бир гўшада турур эрдимким, бағоят ҳижил ва шармсор эрдим. Ва ул йигитнинг муҳаббати ва ишқида сабру қарорим йўқ эрди. Иттифоқо, қанча кунлардин сўнг кўчада борур эрдим, ногоҳ озорни кўрдимким, муқобаладин пайдо бўлдилар. Ҳеч қочғудек жой йўқ эрди. Камоли хижолат била турдим. Ва хижолат бошини ошоқ солдим ва арақи ташвир манглайимға ўлтурди.

Олор илгари келдилар ва муборак қўлларини сийнамда қўйдилар ва «Маснавий»дин бу байтни ўқудилар. Байт:

*Нагузири ту манат, эй ҳалқа гир,  
Як нафас гофил мабош аз ногузир.  
(Сен учун зарурий нарса менман,  
Эй ҳалқага олувчи, зарурий нарсадан  
бир нафас ҳам гофил бўлма.)*

Бу маҳалда ботин юзидин илтифоте этдиларким, ул йигитнинг муҳаббаги ва ишқи хотирим лавҳидин маҳв бўлди ва онинг робитаи муҳаббати мунқатиъ ойланди. Ва онинг муҳаббатининг алоқаси олорга интиқол топди.

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Рисолатпаноҳ имдодидинким, Ҳазрати Мавлономизнинг мулозимларидин бир мужаррад ва муртози Тошкандий бор эрди. Онга ҳам бир йигитга алоқаи муҳаббат пайдо бўлуб эрди ва онинг кўнглига майли мунфарит истийло топиб эрди. Юз меҳнат ва хорлиқ бирла бир нимарса пул ё бошқа бир нимарса тухфае топиб, ул йигитнинг йўлида қўяр эрди. Ўзи бир пинҳон ерда ўлтурур эрдиким, то бошқа киши олмасун. То ул вақтигаким, ул йигит келиб они олур эрди ва ул маҳалда ўзини ул йигитга асло кўргузмас эрди. Ва ондоғ этмас эрдиким, ул йигит ул сувратга иттилоъ топса. Ман ул қиссадин воқиф бўлдум ва онга ойтдим: «Кўб меҳнат била бир нимарса пайдо қилурсан ва ул йигитнинг йўли устига ташларсан. Бориб, ондоғ этгилким, ул сани кўрсун, то санинг ранжинг зойеъ бўлмасун». Вақтиким, ман бу сўзни ойтдим, кўзига ёш олди ва кўнглидин оҳе тортди ва ойтди: «Хоҳламасманким, бори миннат ман тарафдин онинг но-зик дилига ўлтурса».

Хизмати Мавлавий ойтдиларким, ул ёри Тошкандийнинг муълмасидин маълум бўлурким, онинг муҳаббати муҳаббати зотий турур. Ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Мавлоно (Саълуддин) манга ойтдилар: «Ҳеч билурмусанким, фалоненинг на ҳоли бордур?» Бир ғариби толиби илмега ишорат этдиларким, узоқ вилоятдин таҳсили илм учун Ҳиротга келиб эрди. Тарки таҳсил этиб, олорга мулозим бўлуб эрди ва Мавлоно Жалолуддин Қойний алайҳир раҳманинг мадрасасида ҳужраси бор эрди ва камоли тарки тажрида эрди. Ва олорнинг асҳобларигаким, ихтилот этар эрди ва аксар авқотда соқит ва маҳзун эрди. Ман олорга ойтдим: «Онинг ҳоли манга маълум эрмастур. Бу қадар билурманким, доимий шуғли бордур». Ойтдилар: «Онинг ҳолини таҳқиқ этгил ва то

ондин бир нимарса маълум этсанг, они тарк этмагил!» Ман олор буйруғлари била онинг ҳужрасига бордим ва ойтдим: «Сизнинг не ҳолингиз бордурким, олорнинг ёронларига қўшулмассиз? Дойимо ҳужрада танҳо ўлтурурсиз. Хуруж ва духулнинг эшикин ёронларга боғлабсиз». Ойтди: «Ман бир фақир ва ғариб турурман ва ўзимда ихтилот этмак аҳлиййатин асҳобларга лойиқ ва сазовор кўрмасман. Ложарам олорнинг вақтларига мазоҳим бўлмасман». Ман ибром этдим: «Албатта, сизга бир ҳоле бордурким, ул сизни суҳбатдин манъ этар. Манга изҳор этмакингиз керакдур». Ул ойтди: «Бу на муболағадурким, этарсиз». Ойтдим: «Бу ишга олодин маъмур турурман ва то ҳолингизни ойтмагунча бу муболағани тарк этмасман». Вақтиким билди манинг иброим бошқа ердин турур, оҳе тортди ва ойтди: «Эй, фалон, манга ажиб ва ғариб ҳол воқеъ турур. Ва ондин шаммае бу турурким, вақтиким намози хуфтонни жамоат била ўкурман ва ҳужрага келурман, лаҳзае мууроқиб бўлуб ўлтурурман ва ўзумнинг тариқаи маъхудимга машғул бўлурман, бир соат ўтар, нури бениҳоят манга фойиз бўлур ва олти тарафимга ғалаба қилур. Ва ман ул нурнинг зуҳрида ўзимдин ғойиб бўлурман. Сабоҳ вақтигача ул ғайбат ва бехудликда қолурман. Ва куннинг ҳаммасида ул нурнинг равҳи ва хушлуқида турурман. Кеча ва кундузда бўлур ҳолим шул турур».

Вақтиким, онинг тариқи манга маълум бўлди, онинг ғайрати ва рашкидин ёндим, ондоғким, беихтиёр кўзумдин ёш равон бўлди ва ул сўз ботинимга азим қор қилди. Онинг ёнидин ташқари чиқдим ва ондин сўнг Ҳазрати Мавлоно мандин сўрамадиларким, на маълум этдинг. ҳамоно мақсудлари ул эрдиким, манга маълум бўлсунким, атрофларида шундоғ одамлар бўлурлар ва шундоғ машғулликлар қилурлар.

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу фарзандлари хизмати Хожа Калон ойтдиларким, Ҳазрати волиднинг амрлари била гоҳ-гоҳ ул толиби илм учун таъом олиб борур эрдим ва ул ҳар уч ва тўрт кунда бир мартаба ифтор этар эрди. Вақтиким, таъомга қўл узатсак, онга ўхшайдурким, аввалдин таъом еб тўйғон турур.

Хожа Қутбуддин Ҳисорийким, мунъимлардин турур ва бу тойифага эътиқоди тамоми бор эрди ва ул толиб ул-илмнинг ҳолидин воқиф бўлуб, ғуломига таъйин этдиким, ҳар кун Хожанинг хонидин бир коса лазиз таъом, бир майда чўрак таъйин этилган, онинг учун мадрасага олиб борур эрди. Ғуломнинг ёнида ўлтуруб, ул таъомнинг ҳаммасин онга едурди. Ғулом холий косани уйга

олиб борди. Хожага ойтдиким: «Таомингизни ул мулла ажаб рағбат юзидин еди ва сизни дуои хайр этди». Хожа хушвақт, бўлиб гуломни ҳар кун бу коса била таомни юборур эрди. Гулом ул азизнинг ишорати била таъомни ўзи еб, бу маънони пинҳон тутар эрди. То бир йилдин сўнг бу қисса зоҳир бўлиб, Хожа гуломга ийзо бериб, қойтиб юбормади.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад ойтур эрдиларким, бир кун фақирнинг волиди Ҳазрати Мавлононинг ёнларида ўлтуруб эрдилар. Ва ман хизматларида туруб эрдим. Ногоҳ волид ойтдиларким: «Муҳаммад! Фалон кишини этгил». Олор онга ойтдилар: «Эй, фалон, бу ул Муҳаммад эрмастурким, сан кўрубсан». Ул вақт ойтдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сиррухунинг волидлари хаста бўлгон эрканлар. Ҳазрати Хожа икки дарвишни онинг хизматиға ва таъахҳудиға муқаррар этиб эрдилар. Ва Ҳазрати Хожанинг волидлари ул дарвишларға дуруштлик ва бадхўйлик қилур эрдилар. Ҳазрати Хожа ул ҳолдин воқиф бўлуб, оталарининг тақялари бошиға келдилар ва ойтдилар: «Эй ота, бу дарвишлар бизнинг суҳбатимизға Худо учун келурлар ва Худонинг толиблари турурлар. Бизга олорнинг хизматлиқлари ва хизматкорлиқлари вожиб турур. Олорға нечук қаттиғ юзлик ва дуруштсўзлик қилурсиз?» Волидлари ойтдилар: «Эй, Баҳоуддин! Манга панд берурму-сан. Ваҳоланки, ман санинг отанг турурман». Ҳазрати Хожа ойтдиларким: «Оре, сиз манинг отам турурсиз сурат юзидин ва лекин ман сизнинг отангиз турурман маъно юзидин. Сиз мани суврат юзидин тарбият этибсиз ва ман сизни маъно юзидин тарбият қилурман». Ҳазрати Хожанинг волидлари хомуш бўлуб, ул дуруштликни ва бадхўйликни тарк этдилар. Вақтиким, Мавлоно бу сўзни ойтдилар, фақирнинг волидлари қўб мутаассир бўлди. Мундин сўнг манга ҳаргиз иш буюрмадилар ва ҳамишга тақдим ва таъзим кўргузур эрди. То иш жойиға етдиким, ҳеч вақт йўл юрганларида мандин илгари қадам қўймас эрдилар. Ва мани олдинда юборур эрдилар. Ва агар ибо этсам, ондоғ муболага этар эрдиларким, ожиз бўлур эрдим. Ва муҳолафатға мажол қолмас эрди.

Ойтур эрдиларким, бир кун бизнинг Мавлономизнинг марази мавтларида Шайх Музаффар Кадканийким, Бузруге эрди силсилаи халватийадин, бир муридлари била олорни кўрмакка келди. Бир лаҳзадин сўнг ойтди: «Агар ижозат берсангиз ўз тариқимда бир неча зикр ойтайин». Олор ойтдилар: «Яхши бўлур». Бас, ул Шайх муриди била неча мартаба батариқи жаҳр зикр ойтди ва бир замон сукут этуб муроқиб бўлди. Ондин сўнг бош кўториб, олор-

дин сўрадиким: «Сиз Саййид эркансиз». Олор ойтдилар: «Оре...» Ойтди: «Не жиҳат турурким, бу муддати умрда сиёдатингизни зоҳир этмайсиз? Ваҳоланки, бу нисбатнинг ихфоси дуруст эрмас-тур». Олор ойтдиларким: «Вақтиким, бизнинг волидимиз вафот топди, ондин шажара ва насабнома қолди, бизларга шарм келди-ким, духоне қилсак ва они ҳар тарафга олиб бориб, одамларга кўргузсак...» Олор манинг хотиримга мушарраф бўлуб, ман тарафга назар этиб, табассум қилдилар, аммо «ло» ва «наъам» деб ҳеч сўзламадилар.

**Ҳазрати Шайх Абдулкабир Яманий**  
**била суҳбат тутғонлари ва баъзи сўзларни**  
**олордин эшитканларининг зикрида турур**

Вақтиким, Ҳазрати хизмати Мавлоно Муҳаммад алайҳир раҳ-ма Маккаи муборакка зодеҳаллоҳу таъоло шарафан ва қароматан-да мужовир бўлдилар. Ҳазрати Шайхга кўб мулозаматлар этдилар ва ойтур эрдиларким: «Шайх бағоят улуғ ва олий машраб эрдилар ва ўз замонларида қиблаи машойихи ҳарам эрдилар. Ва ул диёрда кўб сиқа одамлардин эшитулдиким, вақтиким, олор Яман тарафидин Маккага келдилар, бир йил муддате ҳеч таъом ва шароб емадилар ва ичмадилар ва Ҳарамнинг Тавофидин ором олмадилар. Ва ул муддатиларда бир йил оёқдин ўлтурмадилар, магар ташаҳ-худнинг қуъудида ўлтурдилар».

Ойтур эрдиларким, вақти, аввал мартаба Ҳазрати Шайх (Яманий)нинг суҳбатларига бордим, ул мажлисда кўб ақобирлар ҳозир эрдилар. Ман остонада ўлтурурдум, бир лаҳзадин сўнг бош кўтариб ман тарафга назар этдилар. Ул вақт сўрадиларким: «Ман хува?» Баъзилар мани тонур эрдилар, ойтдилар: «Силсилаи Нақшбандийадин турур». Ойтдилар: «Малийх... Малийх. Хумул — мухлисун, хумус — сиддийқун...» Ва Шайх одамларнинг таърифида кўб бахил эрдилар, гоҳиким, Жунайд ва Шиблийдин нақл тушар эрдиким, олорнинг машрабиға муносиб бўлмаса, ойтур эрдилар: «Фалон сард ойтибдур ё фалон борид ойтубдур...»

Ойтур эрдиларким, бир кун Ҳазрати Шайх ойтдилар: «Манинг отам бор эрдиким, сувнинг юзида юрар эрди ва қадамин ҳавоға кўяр эрди, лекин тавҳиддин онда буйе йўқ эрди. Бир кун мажлисларида уламо ва урафо ва фуқародин кўб ақобирлар ҳозир эрдилар. Тақрибан ойтдилар: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло олими ғайб эрмастур». Ҳозирларнинг аксари ул сўздин ларзаға тушдилар: баъ-

зи печиш тушдилар нечунким, зоҳир юзидин насси қотиғға му- холиф кўрунур эрди. Ҳазрати Шайх билдиларким, ул сўз баъзи- ларнинг ҳавсала ва донишиға сиғмасдур, ўз қиссаларидин таназ- зул ойтдилар, ул жойдаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло турур ҳама шаҳодат турур ва Онга ҳеч нимарса пинҳон эрмастур, то «ғайб» деб итлоқ этулса. Вақтиким, ғайб маъдум бўлса, илм маъдумға таъаллуқ топмас. Бас, «олимул-ғайб» Қуръонда воқеъдур, бизга нисбатан турур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға нисбатан эрмастур».

Бу ҳуруфнинг роқими эртангиси кун илватда хизмати Мав- лоно алайҳир раҳмадин сўрадиким: «Ўткан кун сиз ойтдингиз- ким, Шайх ул сўзда ўз қасдидин таназзул этди. Агар таназзул этмасалар эрди, ул сўз қайси маноға маҳмулдур?» Ойтдиларким: «Зот баҳт ва хувиййати ҳарф мартабасида жамиъ нисбат ва изофат соқит турур ва сифати илм ҳам ул нисбат ва изофатдин барий турур. Вақтиким, ул мартабада изофат ва нисбати илмийа бўлма- са, бас, ул мартабада олим бағайб бўлмас ва демаслар».

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Шайх ҳайвоне емас эрдилар ва гўшт емакдин парҳез этур эрдилар. Ойтур эрдилар: «Манга ажаб кўрунур одамлардинким, нимарсаенингким, икки кўзи бордур ва озорға қарар ва онинг тамоқиға пичоқ қўйуб они ўлтурурлар ва терисин олиб, ўтға қўйуб пишуруб ерлар».

Ҳазрати Шайх (Яманий)нинг бу сўзларидинким, озор нақл этдилар, онинг иси келурким, Шайх ул маҳалларда абдолларнинг мақоми била мутаҳаққиқ бўлдилар. Нечунким, бу сифат табақаи абдолга махсусдурким, ҳеч ҳайвонени ўлтурмаслар ва озор бер- маслар ва ҳайвоне емаслар. Ва ул восита билаким, ҳаёти ҳақий- қийнинг ашёда сарёнийнинг шухуди ул мақомда озорға голиб турур.

Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Шайх сойимуд-дахр эрдилар, озорнинг бир хариталари бор эрдиким, ичида миқдоре суюқ ва косаи чўбин солиб қўйуб эрдилар. Вақтиким, ифтор вақти бўлса, ул харитадин косаи чўбин чиқориб ва замзам сувидин бир оз онга солиб ва уч бармоқлари била ул харитадин миқдоре суюқ чиқо- риб, ул сувға қўшуб ичар эрдилар ва то келур кечағача гизо ва шарбатлари шул эрди.

Ойтур эрдиларким: «Вақти Ҳазрати Шайхнинг мулозаматла- ридин Мисрга келдим, эшитдимким, Мисрнинг машойихи киборларидин баъзилари тушда кўрубдурларким, аъзами авлиё- дин бирлари нобийно бўлур ва ондин сўнг замоннинг қутби ва рўзгорнинг ғавси ойланур ва икки йил мудлатие ғавсиййат мар-

табасида мутамаккин бўлур. Ондин сўнг вафот топар. Ул кунларда Мисрга келдимким, Шайх Абдулкабирнинг икки кўзлари ҳам пушида бўлди ва ондин сўнг яна икки йил қайди ҳаётда эрдилар. Ул вақтда Маккаи муборақда нақл этдилар ва қабри муборақлари ҳам ул жойда машҳур турур, зиёрат этилур ва табаррук қилурлар.

***Олорнинг анфоси мутабаррикларининг фойдаларининг  
жумласидин турурким, эшитилди ва эшитилиб эрди***

Ва ул ўн бир рашҳанинг зимнида ийрод топар.

*Аввалги рашҳа.* Ойтур эрдиларким: «Ҳофиз Кошғарийким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу мажлисларига қўб мулозамат этуб эрди, ондин эшитдимким, ойтди: «Бир кун мабодийи аҳволда Ҳазрати Хожанинг ёнларида ўлтуруб эрдим ва олор сукут этиб ўлтуруб эрдилар ва ул сукут қўб имтилод топди. Охир ойтдим: «Эй, Хожа, сўз ойтсангиз, ондин фойда олсам, баҳра топсам...» Ойтдилар: «Ҳар ким бизларнинг хомушлиқимиздин баҳра топмаса, сўзимиздин баҳра тополмасдур».

*Иккилончи рашҳа.* Яна ҳам Ҳофиздин нақл этдиларким, ойтди: Бир кун Ҳазрати Хожа бу байтни ўқудилар. Байт:

*Баҳар сифат, ки муяссар шавад бикун жаҳлий,  
Ки хешро ба сари кўйи он нигор каши.*  
(Агар ҳар сифат сенга насиб этган бўлса,  
бас, ғайрат қил,  
Токи ўзингни ўшал нигор кўчасига етқиз.)

Ва лафзи «каши»ни фатҳи коф била ўқудилар ва яна иккилончи мисраъни такрор этдиларки:

*Хешро ба сари кўйи он нигор кўши.*  
(Чунки ул гўзалнинг висолига етишиш ўзни қурбон қилиш билан насиб бўлади.)

Ва бу мартаба лафзи «каши»ни замми коф била ўқудилар.

*Учлончи рашҳа.* Ойтур эрдилар, бир кун Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кўсуий қуддиса сирруҳу ойтдиларким, қарчиғой сифат бўлмоқ керакким, бир мартаба учар, агар чангалига сайд тушса, қўб яхши ва илло қарор тутор. Ва биз ойтурмиз: балким хумой сифат бўлмоқ керакдурким, ул бир парвоз ҳам этмасун ва кўҳна устухонга қаноъат қилсун.

*Тўртлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким: «Ҳар дамда ғоят хуш ёқмаслиқдин ойтурларким, эртанг иш қилурмиз, ҳеч андишга этмаслар. Бугун ўткан куннинг эртанги турур. Бу кунда на иш этдиларким, эртанг этмакчи бўлурлар». Бу сўзниким ойтдилар, мазмунини бу қитъада назм этилди. Қитъа:

*Макун дар корҳо зинҳор таъхир,  
Ки дар таъхир офатҳост жонсўз.*

*Ба фардо афкани имрўз корат,  
Зи кундиҳойи табы ҳийлатомуз.*

*Қиёси имрўз гир аз ҳоли фардо,  
Ки ҳаст имрўз то фардойи вай рўз.*

(Ҳар қандай ишда кечикишга йўл қўйма,  
Ишни кечиктиришда дилни ёндирадиган офатлар бор.

Ҳийла қилувчи табиатингни хоҳиши билан,  
Бугунги ишни эртага қолдирсанг (зарардир).

Эртага бўладиган ишни бугундан қиёс қил,  
Зеро, бугун эрта учун, эрта эса индинга

муқаддимадир).

*Беишончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, Ҳазрати Мавлономиз ойтдилар: «Самарқандда танг бўлдим. Ҳисорға кетдим ва ул ерда ҳам малул бўлдим. Онинг учун ул сафарда ўзимдин ниййати дийний топмадим. Бир кун йўлда борур эрдим, бир киши манинг олдимдин чиқди ва бу байтни ўқуди. Байт:

*Бо ошиқон нишину ҳама ошиқи гузин,*

*Бо ҳарки нест ошиқи ҳаргиз машав қарин.*

(Ошиқлар билан бирга бўл ва ошиқликни ихтиёр эт,  
Кимда ишқ бўлмаса унга ҳаргиз яқин бўлма).

Бас, ул киши ойтди: «Эй, йигит! Бу байтни мандин ёд олғил ва онинг мазмунига амал қил, то санинг сафаринг беҳуда бўлмагон бўлғой». Ойтдим: «Алҳамдулиллоҳким, бу сафарда ғанимати куллий топдим. Бу байтни ёд олдим ва қойтдим».

Ойтур эрдиларким: «Киши бу байтга омил бўлса, саодатега етушур, ҳаргиз они шақоват топмас».

*Олтилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким, бир кун Мавлоно Муҳйиддин Воъизким, тўқсон ёшларида эрди ва Ҳазрат Мавлономизнинг ёнлариға келиб эрдилар ва қўб ниёзмандлиқлар била ойтур эрдилар: «Ҳиммате қилингим, Ҳақ таъоло манга ўз жанобиға рост таважжуҳ каромат этгай».

Ман ул мажлисда ботинимдин онга эъгироз этдимким: «Қарриб пир бўлгон бир сўфий тўқсон йилдин сўнг таважжуҳи рост талаб этар». Ажзу ниёз била эмдиким, пир бўлубмиз, бизга маълум бўлурким, Ҳақ ул пири фақир тарафида эркан. Онинг учунким, рост таважжуҳ ул турурким, соликнинг қибласи зоти бахт бўлсун, асмо ва сифат тарафига таважжуҳ этмакдин халос бўлсун. Ва бу бағоят қоттиғ ва душвордур».

*Еттилончи раишҳа*. Охири умрларида ойтдиларким: «Ўтгуз йил бўлуб турурким, ғафлатга қудрат қолғони йўқтур. Агар хоҳласоқким, бир замон ўзимизни гофил қилмоқчи бўлсоқ онга қодир эрмасмиз». Ондин сўнг Хусравнинг ғазалидин бу байтни ўқудилар:

*Ба жони ту, ки фаромуш нести нафасе  
Агар чи мешуди акнун намешави чи кунам.*  
(Жонинг ҳаққиқи, бир дам ҳам ёдимдан чиқмайсан,  
Олдин унутган бўлсам ҳам,  
энди унутолмасман, нима ҳам қилай?)

*Саккизлончи раишҳа*. Бир кун «хилват дар анжуман» ва «ба ботин боҳақ ва базохир боҳалқ» бўлмоқ маъносида сўзлар ойтдилар. Ондин сўнг бу байтни ўқудилар. Байт:

*Қассоби деҳ агарчи ки маро бикунит зор,  
Ҳам мечирим дар деҳу ҳам бар канораим.*  
(Қишлоқ қассоби гарчи бизни зор ўлдирса ҳам,  
Бироқ қишлоқда ҳам ўтлаймиз,  
ҳам канорга осиламиз).

*Тўққузлончи раишҳа*. Ойтур эрдиларким: «Манинг масалим мурғобенинг масали турурким, дарёнинг юзида турур, агар хоҳласа чўллар ва агар хоҳласа дарёнинг юзида юрар». Бу сўзда жамъ улжамъ мақоми била мутаҳаққақ бўлгонларини баён эттиларким, шуҳуди Ҳақ ва шуҳуди халқни бир-бирига жамъ этмакликдур.

*Ўнлончи раишҳа*. Бир кун ойтдиларким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу ойтибдурларким, баъзи авлиёларга кўб риёзатдин сўнг, олами зоҳирнинг сирри мункашиф бўлур. Ўтган кун ман бу маънони Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин талаб қилдим. Амре зоҳир бўлдимким, башариятимнинг қуввати они кўтармакка тоқат эта билмади. Онга яқин еттиким, манинг унсури вужудим бир-биридин жудо булуб, тўкилмакчи бўлди. Ва муталоший бўлуб, руҳ баданимдин муфорақат этмакчи

бўлди. Яна зорилик қилиб, муножот этгим, то Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ул маънони пушида этди. Ҳануз ондин асаре маңда боқийдур. Манинг бу кун гуфтигўйим, «Каллимни йа Ҳумайроим» турур. Ва хилофи маъхуд этиб, ул кун кўб сўзларни ойтдилар.

*Ўн бирлончи рашҳа.* Бир кун ойтдилар: «Агар мани кўйсалар ҳаргиз лаб очмас эрдим. Манинг сўзламагим зарурат юзидин турур». Бас, бу икки байтни ўқудилар. Байт:

*Ошиқонро чи рўй бо ту жуз онки,  
Лаб билу занду дар ту менигаранд.  
Бар дари ту муқим натавон бувад,  
Ҳалқайе мезананду мегузаранд.  
(Ошиқнинг лабини юмиб, сенга қарашидан,  
Ўзга ҳеч бир иши йўқ.  
Ёр эшигида кўб турмоққа рухсат йўқ,  
Эшик ҳалқасини қоқиб, тез ўтиб кетадилар).*

#### *Ҳавориқи одотларининг жумласидин турур*

Раваж қарясидин баъзи азиз кишиларнингким, Ҳазрати Мавлононинг хизматлариға собиқаи қадим ва ихлоси тамомлари бор эрди, ҳикоят ойтибдурларким, оларнинг волидлариға сорбоне бор эрди, кўб ғализут-табким, тевалариға тааххуд қилур эрди. Ва хизмати Мавлоно ул вақтларда ёш эрдилар. Бир кун тевага миниб, ҳар тарафға суруб ҳайдар эрдилар. Ул сарбон бир ишга машғул бўлуб ҳозир эрмас эрди. Вақтиким, тева ёнимға келиб кўрубтурким, озор бир тевага миниб ҳар тарафға борурлар ва хушвақтлиғ қилурлар. Оғози хушунат этиб, сафоҳат этти ва тева ни унф била чўкариб, озорни теванинг устидин отиб ташлади. Ондоқким, баъзи аззолари кўфта бўлди. Йиғлаб уйга келдилар. Ота ва оналари ул суратға итгилоъ топиб, сарбонга қаттиғ сўзлар ойтиб маломат эттилар. Вақтиким, кеча бўлди. Мавлоно ул сустилик ва малолат била уйкуга бордилар. Ва ул сарбон аввалғи тариқасида теваларға яқин ерда уйкуга борди. Вақтиким, кечодин бир оз ўтти ул теваким, озор они миниб эрдилар, ётғон еридин туруб, сарбоннинг устига келиб, они сийнасининг таҳига олиб, босмоқ оғоз этти. Сарбон уйғониб ондоғ қаттиғ наъра урдиким, ул навоҳий ва ҳаволийда бўлғон одамлар уйғониб, онинг устига келдилар. Вақтиким, ҳолни бу тариқа кўруб, изтироб била ул теваинг бошиға ва юзига уруб, кўб таёқлар синди. Ва ҳар неча саъй эттилар, (тева) они қўймади ва сийнасининг таҳида ондоғ

ерга босдиким, туфроғ била баробар этти. Ва бу сувратнинг мушоҳадаси волидайнларнинг таважжуҳларига ва ақрабо ва аҳбобларнинг ақидалари Мавлонога нисбатан зиёда бўлмоқига мужиб бўлди.

Жавоне бор эрди банно, қўб хуш таъб ва аҳл эрди, аммо гализ фисқларга ва идмони хирманга мубтало бўлуб эрди. Султон Ҳусайн Мирзонинг хонақоси ва мадрасасининг бинолиқиға маъмур бўлуб, қиём кўргузур эрди. Бир кун Мадраса била хонақонинг ўртасида пўшти дарвозаға ҳавоза боғлаб эрдилар. Ва ул онинг устида ўлтуруб, оёқларини ошоқ узатиб юбориб, ўз ишиға машғул эрди. Одамлар отлиғ ва пиёда ул ҳавозанинг таҳидин ўтар эрдилар. Иттифоқо ул кун хизмати Ҳазрати Мавлоно Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳу мазорларидин отлиғ қойтиб келурда гузарлари ул ҳавозанинг таҳидин бўлди. Вақтиким, яқин еттилар, ул банно йигит озорға ҳусни занний бўлғон ваҳҳидин риояи одоб этуб, оёқларини тортиб олуб ва озорнинг таъзими учун ўрнидин гуруб, қўб ниёзмандликлар этти. Озорға ул маҳалда бу одоб ондин хотирлариға қўб яхши писанд гушти. Онинг тарафига таважжуҳ этиб, амъони назар қилдилар. Гуё ул назар бир ўқ эрдиким, они сайд этти. Вақтиким, озор ул ҳавозанинг таҳидин ўттилар, онга ўлтурғон ерида бетоқатлик ва изтироби азим пайдо бўлди, ул масобадаким, лойу гач, қўл ва оёқи била ўзини ҳавозалин ташлаб, ошоқға ва озорнинг изидин равон бўлди. Қадамбақадам то Масжиди Жомеъға келди. Вақтиким, озор ўз манзиллариға келдилар, ул масжиднинг сақоясига кириб, қўл ва оёқини ювиб, гусл этиб, вақти сақоядин чиқди, озор ҳам бу ҳолға муқорин уйларидин ташқари чиқдилар. Ва онга қўб илтифот эттилар. Ва Масжиди Жомеъға танҳо кирдилар. Ва ул озорнинг изидин борди. Ва шул замон тариқат таълим бердилар. Ва нафйу исботта машғул эттилар. Ва мақбулларнинг жумласидин бўлди. Ва қадимий дўсту ёронларнинг ихтилоғларини ва суҳбатларини батамом тарк этти. Ва суҳбатини озорнинг хизматлари ва мулозаматлариға мухтасар қилди. Ва онинг ёру дўст ва ҳамсуҳбатлари онинг ишида мутаажжиб ва мутаҳаййир эрдилар. Оёким, на бўлди баяк бор шундоғ паришон ҳоллиғким, онга бор эрди, мужтаниб ва мутанаффир бўлуб, аввоби муошаратни асҳобға билкуллия масдуд этти. Ондин сўнг то қайди ҳаётда эрди, ҳаргиз киши ондин тарки адабни мушоҳада этмади. Ибтидои инобат ва бориб қайтмоқдин уч йил сўнг вафот топди.

Талабаи илмдин бир толиб ул-илм таҳсили беҳосилни тарк этиб, озорнинг мулозаматлариға юз келтуруб эрди. Ҳикоят этди-

ким, бир кун озор Масжиди Жомеъда ўлтуруб эрдилар, асҳоблардин жамъе атрофларида ҳалқа уруб, бир-бирлари маъмур бўлгон ишлари ҳифзига машғул эрдилар. Ва ман ҳам озорга мувофақат этиб, кўзимни юмуб нафий хавотир қилур эрдим. Ногоҳ бу аснода хотиримга келдиким, бул силсилаи хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳумда гоҳ-гоҳ бир кишига қалблари била мутаважжих бўлуб, онинг ботинда тасарруф этурлар. Ва асло бу амрнинг мислини озордин мушоҳада этилмади. Сабаб ул эрмастурким, озорга қуввати тасарруф бўлмаса, бас, муқаррар турурким, манинг истеъдодимда қусур ва футур бордир, озорнинг тасарруфи қабулига қобилиятим бўлмаса. Вақтиким, бу хотир муқаррар бўлди ва шуғли ботинийдин ман этди, ногоҳ кўрдимким, манинг қалбим ларзага кирди. Музтариб бўлуб, ботинимда тағйири азим пайдо бўлди. Бошимни кўтардим. Кўрдимким, озор манга тез-тез қарарлар. Ҳолим бошқа бўлуб, қулқу изтиробим зиёда бўлди. Ва озорнинг суврати мушоҳадасидин ва ул навъ қарамоқдинким, хилофи маъхуд эрди, кайфийяти ажиб манга ҳулул этдиким, беихтиёр наъра этдим ва беҳуд бўлуб йиқилдим. Ва неча муддатилар ул беҳудликда қолдим. Вақтиким, шуъурумга келдим, озорни асҳоблар била муроқиб кўрдим ва ўз ботинимда улуғ кайфийяте топдимким, онинг мислини ҳаргиз топғоним йўқ эрди. Қариб ўн кун онинг асарини ўзумда мушоҳада этдим ва ондин манга лаззати азим етишур эрди.

Ибтидоий ҳолда бу ҳуруфнинг роқими Ҳиротнинг Масжиди Жомеъида ҳар кун озорнинг мулозаматлариға келур эрди. Бир кун озорнинг изларида намоз ўқуб турғонда кўрдимким, озор вақти қиёмда ўнг оёқлариға суяниб, чап оёқлариға осойиш берурлар. Хотиримга келдиким, намознинг қиём адабларидин бири улдурким, икки оёқининг устида ямину ясорға майл этмай турмоқдур, магарким ул чоғда оломдин монъи шаръий бўлсаким, икки оёқнинг устида турмоқ матаазир бўлса. Ва ҳол ул турурким, озорнинг оёқларида оризанинг асари зоҳир эрмастур. Бу одобнинг тарки озордин нечук турур? Бу хотир ғалаба этди. Вақтеким, намоздин фориг бўлдук, суҳбат (қилгани) ўлтурдилар. Бир лаҳза сукут этдилар ва ондин сўнг фақирни мухотаб этиб ойтдиларким: «Бир кун ёш вақтларда отам мани Ҳазрати Шайх Баҳоуддин (Умар) қуддуса сирруҳунинг зиёратлариға олиб бордилар. Ул вақтларда Ҳазрати Шайх зиёратгоҳда сокин эрди. Иттифоқо, қиш фасли эрди. Ҳавонинг ғоят совуқлигининг сувлар муз боғлаб эрди. Мани бир маркабда оёқларимни ўраб ўлтурғизуб эрдилар. Вақтеким, шаҳардин ташқари чиқтук чап оёқим ялонғоч бўлди ва ман ғояти

ҳаёдин на риояи адаб ваҷҳидин ҳеч сўзламодем ва дам урмадим. Ҷзимга ҳам ул қудрат йўқ эрдиким, оёқларимни ёбсам. Ва совуқ шамол келур эрди ва манинг оёқим қоттиқ совуқ еди, то зиёрат-гоҳга келдук, оёқим шундоғ ишдин кеткан эрканким, мани маркабдин кўтариб тушурдилар. Кўб фурсат ўтдиким, оёқимда ҳис ва ҳаракат пайдо бўлди. Ул кундин то бу кунғача онга нуқсон йўл топдиким, намозда ул оёқ била кўб тура билмасман».

Бир кеча бу фақир уйқуда шундоғ кўрдимким, Ҳиротнинг Масжиди Жомеида туруб, саҳнида эрдим, ногоҳ хизмати Мавлоно пайдо бўлдилар ва фақир озорнинг истиқболига илғари бордим. Кўрдимким, икки кўзлари ҳам ёпиқ турур. Бу сувратнинг мушоҳадасидин бағоят мутаваҳҳиш ва мутаъаллим бўлдим. Вақти бомлодким, озорнинг хизматлариға бордим, мутааллим ва мутааммул эрдимким, бу тушни озорнинг арзиға нечук еткурурман. Оё, онга на таъбир бўлса? Охирул-амр хотиримни онга қарор бердимким, ҳеч сўзламагайман ва мунтазир ўлтуруйин. Эҳтимоле борким, озор бир сўз ойтсаларким, бу мушкул ҳал бўлғай. Кўб замон суҳбат ва сукут ила ўтди ва бу дағдаға хотиримдин маҳв бўлмас эрди. Ва кўб интизорлиқдин сўнг сўз оғоз этдилар ва фақирға қараб ойтдиларким: «Инсонга икки кўз турурким, бири нозир турур олами мулкка ва бириси олами малакутға нозир турур. Агар киши воқеасида кўрсаким, шахсенинг ўнг кўзи нобино турур ва чап кўзи равшандур таъбири улдурким, онинг назари олами малакутдин пушида бўлуб, таважжухиси олами мулкға турур. Ва бу ҳол аҳли ҳижоб ва авом халқенинг мартабасидур. Ва агар кўрсаким, ул шахсенинг чап кўзи нобино ва ўнг кўзи равшан турур, таъбири улдурким, онинг кўзи ва назари олами мулкдин пушида бўлиб, таважжухи олами малакутға турур. Ва аҳли кашфнинг ҳоли ва ҳавосларининг мартабаси турур. Ва агар кўрсаким, бу тоифадин икки кўзи нобино турур, таъбири ул турурким, онинг назари мулк ва малакутдин ва олами носутдин батамом пушида бўлуб, олами жабарут ва олами лохутға нозир турур. Ва бу авлиёи ахфиядин ахасси ҳавоснинг ҳоли турур».

Пушида қолмасунким, сўфиййа қаддасаллоҳу арвоҳаҳум истилоҳларида олами мулкниким, олами халқ ҳам деб ойтурлар, мартабаи шаҳодатдин иборат турур, яъни олами ажсом ва жисмонийят. Ва ул фалак ул-афлокнинг дойираси муҳаддабидин то курраи хок марказиғача, бу оламе турурким, онинг вужуди модда ва муддатиға мавқуф турур. Ва олами малакутниким, они олами амр ҳам деб ойтурлар, олами арвоҳ ва руҳонийят ва олами мало-

икадин иборат турур. Ва ул оламедурким, онинг вужуди модда ва мударига мавқуф эрмас турур. Балким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг амри била бевосита бесабаб вужудга келур ва мавжуд бўлгон турур.

Ва Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший қуддиса сирруҳу ўз «Истилоҳоти»да келтурубдурларким: «Бу оламини ул жиҳатдин олами амр деб ойтурларким, мужарради амри «кун» била мавжуд турур». Ва Ҳазрати Шайхи Бузруг Мухйиддин қуддиса сирруҳу ойтуб турурларким, бу оламини «олами амр» деб ул жиҳатдин ойтурларким, онда ҳама амри маҳз турур ва ҳеч наҳйе йўқ турур, онинг учунким, бу оламининг аҳликим, малонка турурлар, олонинг истейлодлари тариқаедурким, муҳолафат била тасмия топгон нимарсага онда йўл йўқ турур, то наҳйени онга мураттаб этулса. Ва олами жабарут олами асмо ва сифоти илоҳийдин иборат турур. Ва олами лоҳут мартабаи зоти бахтдин иборат турур, асмо ва сифатни эътибор этулмаган ҳолда. Ва олами носут олами ажсом ва жисмонийатдин иборат турур ва бу лафзи «лоҳут» ва «носут»-ким, бир-бирларининг муқобаласида воқеъдур, насоронинг иборати жумласидин, олонинг истилоҳотларидиндурким, гоҳо сўфийи қаддасаллоҳу арвоҳаҳум олонни ғайб ва шаҳодат мартабасига итлоқ этурлар. Валлоҳу аълам.

**Ҳазрати Мавлоно Раважжийнинг  
дори дунёдин дори бақоға интиқол ва иртиқол  
этканлари зикрида ва кайфийяти баёнида турур**

Олонинг вафотлари рамазон ойининг ўн олтилончиси шанба куни сана тўққиз юз тўртда (1498) эрдиким, воқеъ бўлди. Шулайки шайбон ойининг авойилида олон саъий жамил тақдимга еткуруб, боъис бўлдиким, бу ҳуруфнинг роқимиға Ҳазрат Мавлоно Саъуддин қуддиса сирруҳунинг фарзанди Бузругворлари Хожа Калоннинг хизматлариға нисбати мусоҳарат даст берди. Ва ўзлари мажлиси ақда хизмати устозий Мавлоно Разийуддин Абдулғафур алайҳир раҳманнинг иттифоқлари била ҳозир бўлдилар. Ва олонинг ҳузурларида ул ақд мунъақид бўлди ва бу сувратдин қирқ кун сўнг камо-биш мариз бўлдилар ва маризлари ибтидосида моҳи рамазоннинг тўққузлончиси шанба куни эрди. Ва бу ойнинг ўн бешлончиси жумъа кунининг ахирида олоннинг ёнлариға кирдим. Кўб илтифотлар этдилар ва ойтдиларким:

«Эмди сан бизнинг Ҳазрати Мавлономизнинг авлодлари силкига кирдинг. Эмди киши санга даст топа билмас. Мундин сўнг

сан оlorнинг зилли ҳимоятлари ва иноятларида турурсан. Кўб уммидвор бўлғил ва кўнглингни хуш тутғилким, ишлар санинг муродингча турур», деб кўб навозиш ва эҳсон этдилар. Бу аснода баъзи асҳоблар оlorдин сўрадиларким, сизнинг худдомларингиз сиздин сўнг қайси жойга бориб келурлар. Оlor ойтдилар: «Ҳар жойғаким, эътиқодлари кўбрак бўлса». Ойтдилар: «Яна ҳам сизнинг атрофингизда бўлсалар нечук бўлур?» Ойтдилар: «Узоқ эрмастур». Ондин сўнг бу иборани ойтдиларким: «Ул одамларким, мутаъайин турурлар, оlor ҳоледин бир ҳолга ва сифатедин яна бир сифатга нақл этурлар».

Бу фақирга ул мажлисда ул иборатдин бу маъно хотирга келдиким, яъни ул одамлареким, мартабаи валоят ва иршодда мутаъайин турурлар, дунёдинким охиратга борурлар. «Инна авлиёллоҳи ло яму туна ва лакин янқилуна мин дорин ила дорин» (Албатта, Аллоҳнинг суюкли бандалари, яъни авлиёуллоҳлар ўлмаслар, балки улар (бу фоний юртдан бошқа боқий юртга кўчиб ўтадилар)нинг ҳукми била ҳоледин ҳолега ва сифатедин сифатга нақл этурлар. Ва бу интиқол ва иртиқол оlorнинг ифозалари ва ифодаларининг инқитобига ва инфисолига мужиб эрмастур, балким то башарийят вужуди била муқаййадурлар. Эҳтимоле борким, оlorнинг ифозасида аворизи башарийнинг воситаси била гоҳ-гоҳ футуре воқеъ бўлса, лекин вақтиким, ул қайддин батамоми халос то пиб олами барзахга қадам қўйсалар, ҳар ойина оlorнинг ифозалари ва ифодалари атамм ва акмал бўлур. Ондоғким, Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Румий қуддиси сирруҳунинг фарзанди Бузругворлари Султон Валад ҳийни вафотларида муридлариға ойтдиларким: «Агар манинг руҳим бадандин муфорақат этса, ғам емангларким, то қилич ғилофидин чиқмаса, иш битмасдур».

Хизмати Мавлоно ул сўзни ойтғонларидин сўнг бир киши оlorдин тариқи муроқабани сўради. Ойтдилар: «Тариқи муроқабаким, они бизлар варзиш этармиз, нодир ва бағоят мустахсандир. Аммо они ҳифз этмак душвор турур. Сизларга нафий исбот тариқиға машғул бўлмоқ керак ва ҳақиқатегаким, эътиқод этуб турурсизлар, Ҳақ турур, онга ёпушмоқ керакдур ва доимо ул ҳақиқатни ўзидин талаб этмак». Бас, ойтдиларким: «Боре кўнглумизнинг вирди «Аллоҳ... Аллоҳ...» турур».

Фақир оlorнинг бу сўзларини Мавлоно Абдулғафур алайҳир раҳма вал-ғуфроннинг хизматлариға арз этдим. Ойтдиларким:

«Мундин аввал ман бу сўзни эшитсам эрди, мундин ҳам кўб оlorнинг мулозаматларини этар эрдим». Ва оlorнинг суҳбатларининг фавтиға кўб таассуф едилар. Вақтиким, ўн олтилончи куни шанбанинг субҳи бўлди, покиза туфроқ талаб этдилар. Тайаммум

этуб, намозни ишорат била ўқудилар. Офтоб тулуь этган вақти эрдиким, анфоси нафийсалари мутавотир ва мутаъоқиб бўлди ва то чошт вақтига борди ва бу вақтда шуъуру тамомлари бор эрди. Ва шундоғ фаҳм этулдиким, ўзларини жидди тамом била хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум нисбатлариға насб этдилар ва анфоси шарифаларидин калимаи муборак лафзи «Аллоҳ» мафҳуми бўлур эрди. Бу аснода сулаҳо ва зуҳҳодлардин бир кишиким, олоннинг бу тариқлариға ул чоғлиқ муносабати йўқ эрди, ёнлариға яқин ўлтуруб эрди, баланд овоз била ойтди:

«Ло илоҳа иллаллоҳ». Олар муборак кўлларини иймози била ишорат этдиларким, «ло илоҳа иллаллоҳ» демагил». Ҳазрати Мавлоно Абдулғафур алайҳир раҳма вар-ризвон ҳозир эрдилар. Онга (яъни, ул тавҳид калимасини айтган кишига) ойтдилар: «Калимаи «Аллоҳ»ни ойтғил». Ул (киши) баланд ойтди: «Аллоҳ!.. Аллоҳ!..» Олор қошлари била ишорат этдиларким: «Шул калимани ойтғил, яъни бу мақом нафйу исбот мақоми эрмастур, балким исботи сарфнинг мақоми турур». Шундоғ «Аллоҳ» деб ойда-ойта нафаси мубораклари мунқатиғ бўлди.

Ойнинг ўн еттисида якшанба кунда наъшларини хиёбонга олиб бордилар. Шаҳарнинг хосу омлари ва Ҳирийнинг аҳли ноҳияси ийдгоҳнинг саҳросида олорға жаноза намозини ўқуб, Таҳти мазорға олиб борди. Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг марқади мунавваралари ақабида дафн этдилар. Ва тўрт ой ўткандин сўнг суврате воқеъ бўлдиким, олорнинг баъзи асҳоблари ибром этуб, ул жойтдин кўтариб, Ҳазрати Шайх ул-Ислому Абдуллоҳ Ансорийнинг баъзи асҳоблари қаторида мазори фойиз ул-анвор ҳаволиси козургоҳға олиб бордилар. Ва хатирадаким, хизмати Мавлоно ўзлари учун бино этиб эрдилар, дафн этдилар.

Вақт ақобирларидин бирлари ва баъзилари олорнинг фавтлари тарихида бу қитъани ойтуб турурлар. Қитъа:

*Шайх Раважий, ки буд-аз истиҳқоқ,*

*Зубдаи орифони рўйи замин.*

*Кард парвоз аз нешимани хок,*

*Руҳи покаш бавжи илийин.*

*«Муршиди аср» буд тарихаш*

*Зи иттифоқоти даҳр гашт ҳамин.*

(Шайхи Раважий ҳақиқат аҳлидан,

ҳамда Ер юзидаги ориф зотларнинг сарасидан эди.

Унинг покиза руҳи ер юзидан,

Жаннатнинг юқори поғонасига парвоз қилди.

У «муршиди аср» (аср муршиди) бўлгани учун,  
Вафотининг тарихи ҳам «муршиди аср» бўлди).

Тамом бўлди ул мақолаким, силсилаи шарифаи Нақшбандийа табақасида ўткан хожаларнинг зикрига муштамил эрди, қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумул-алийа ва мундин сўнг мавжуд бўлгон уч мақсад ва бир хотимаким, муштамил турур Ҳазрати Эшоннинг обоу киромлари ва авлоду асҳоби ъизомларининг зикрига ва ул Ҳазратнинг аҳвол ва атворлариға ва шамойил ва фазойиллариға ва маъориф ва латоиф ва каромат ва ҳавориқ одотлариға, дорул-фанодин дорил-бақоға интиқол ва иртиқол этканлари кайфийятиға шуруъ этулур.

Махфий қолмасунким, ҳикоёт ва амсол ва ҳақойиқларнинг жумласидинким, ихлоли аҳволда Ҳазрати Эшондин бевосита эшитилуб эрди, иккилончи мақсадда ийрод топар. Ва бир оз ул қабилдин турурким, Ҳазрати Амир Абдулаввал ва хизмати Мавлоно Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ ўзларининг «Масмуъот»ларида келтурубдурларким, вақтиким, бу фақир ҳам ул сўзларни Ҳазрати Эшондин бевосита эшитиб эрди, они кўймоқни бу мажмуъаи шарифада келтурмасликни раво кўрмай, ложарам ул неча нами масмуъаларни ҳам иборате билаким, ул азизлар келтуруб эрдилар, ийрод этди. То «инналлоҳа яъмурукум ан туад-дул-амоноти ила аҳлиҳа» ҳукми била бешойибаи хиёнат уҳдаи амонатдин чиқгон бўлғой. Ва биллоҳит-тавфиқу ва биядиҳи азиммат ут-таҳқиқ, яъни асбоби хайрни матлуби хайрға мувофиқ этмак Аллоҳ таъолонинг иродаси ва иъонати била турур ва таҳқиқнинг замонлари, яъни ихтиёрлари онинг қудрати ва машиийатидадур.

---

1. Аллоҳу таъоло омонатларни ўз эгаларига етказишни амр этади.

## АВВАЛҒИ МАҚСАД (БОБ)

### *Ҳазрати Эшоннинг обову аждод ва ақраболари ва валодатларининг таърихи зикрида*

Ва ул Ҳазратнинг сабо айёмларидаги аҳволларидин ва ахлоқу атвор ва шамоилларидин шаммае зикр этмак ва ибтидои сафарлари ва машойихи замоннинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўрганларининг баёнидаким, ул мақсад (боб) уч фаслга муштамил турур.

*Аввалғи фасл* — Ҳазрати Эшоннинг обову аждод ва ақраболари зикрида.

*Иккиланчи фасл* — Ҳазрати Эшоннинг валодатлари таърихида ва сабо айёмидаги аҳволлари ва ул Ҳазратнинг ахлоқ, атвор ва шамоилларидин шаммае зикр этмакнинг баёнида.

*Учланчи фасл* — Ҳазрати Эшоннинг ибтидои сафарлари ва машойихи замоннинг кўрганларининг баёнида турур.

## АВВАЛҒИ ФАСЛ

### *Ҳазрати Эшоннинг обову аждод ва ақраболарининг зикрида*

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг ота ва оно тарафларидан аксари обову аждод ва ақраболари ҳаммаси арбоби илми урфон ва асҳоби завқу виждон эрдилар. Ва бу авроқда оларнинг баъзи аҳволларидин ва асҳоб ва хулафоларидин ижмол тариқи била мазкур бўлур.

### *Хожа Муҳаммад Номий раҳматуллоҳ*

Ҳазрати Эшоннинг Ото тарафларидин жадди аълолари эрди ва асда Бағдоддин. Ва ойтурларким, Хоразмдин эрканлар. Ҳазрати Шайх имом ва олими омили раббоний Абу Бакр Муҳаммад бин Исмоил Қаффоли Шоший раҳматуллоҳи алайҳнинг асҳоблари жумласидан эрканларким, уламои Шофийийанинг узамоларидин эрдилар.

Шайх Абу Бакр Қафтолнинг «Мақомот»ларида мазкурдир-ким, олар умри азизларининг йилларини уч қисм этиб эрдилар. Бир йил Рум тарафига куффор била ғазот этмак учун борур эрдилар. Бир йил ҳажжи исломга таважжуҳ этиб, яна бир йил ўз вилоятларида бўлур эрдилар. Улуми шариат ва тариқат ифодасига машғулиқ қилур эрдилар. Ва ул йиликим, Ҳарамайни шарифайни зодаҳумаллоху шарафан ва кароматаннинг зиёратига бориб қайтгонларидин сунг, вақтеким, Бағдодга келдилар. Хожа Муҳаммад Номийким, Бағдоднинг аъёнлари ва номдорларидин эрди. Ҳазрати Шайхнинг суҳбатлариға бориб, оларнинг қайди иродатлариға кирдилар. Ва ўз ватани маълуфларини тарк этиб, аҳмолу асқол ва аёлу атфол била Ҳазрати Шайхға ҳамроҳ бўлуб, Шош вилоятиға келдилар ва бақийату-л-умрни ул жойда иқомат этиб, то ахийри ҳаётлариғача Ҳазрати Шайхнинг мулозаматлари ва хизматларида бўлдилар.

Ҳазрати Эшон мабодийи ҳолдаким, Шош вилоятида бўлур эрдилар, Ҳазрати Шайхнинг қабрлари зиёратига мудовамат этдилар. Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Шайх руҳонийат юзидин бағоят мумидд ва муъоён турурлар».

Манқул турурким, бир куни Исмоил Отоким, онинг зикри Хожа Аҳмад Яссавий қуддиси сирруху силсилаларида ирод топди, Ҳазрати Шайхнинг қабрлари олдидин ўтур эрканлар, ул ернинг одамларидин сўрабдурким: «Ҳазрати Шайхнинг вафотларидин неча йил ўтубдур?» Ойтдилар: «Кўб вақтлар турур» ва таърихини ёд этдилар. Исмоил Ото ойтдиларким: «Сомон бўлгон эрканлар, ишга ярамас». Дарҳол бу ҳолға мақорин ҳаводин бир сомоннинг япроғи келиб, онинг кўзига тушди. Ҳар неча саъй этдилар чиқмади ва кўзига санчилиб, то иш жоёға етдиким, ул кўз зойиъ бўлди.

### *Шайх Умар Боғистоний рахматуллоҳ*

Деҳаи Боғистонда турурларким, Ташканд тоғининг этагида-дурлар. Ва Ҳазрати Эшоннинг Ано тарафидин жадди аълолари турур. Ва Шайхнинг насаблари ўн олти восита била Абдуллоҳ бин Умар ал-Хаттоб разийаллоху анҳумоға етушурлар. Ҳазрати қутбул-восилийн, шайхи мажзуби маҳбуб Ҳасан Булғорийнинг ки... асҳобларидин эрдилар. Ва Шайх Ҳасан Шамсуддин Муҳаммад Розийнинг муридлари турурлар. Ва ул Шайх Ҳусайн Сақони муридлари. Ва ул Шайх Аҳмад Ҳаззолий муридлари. Ва ул Абу Бакр

Нассожнинг муридлари. Ва ул Шайх Абулқосим Гургонийнинг муридлари турур қаддассаллоҳу арвоҳаҳум. Ва Шайх Абулқосимнинг нисбатлари то Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламга боргунча бу китобнинг аввалида ирод топган эрди. Ва Шайх Ҳасан аслларида Нахжавондин эрдиларким, Озарбойжонда машҳур турур бир қасаба. Отолари Хожа Умар олиғ улуғ савдогардин эрди. Ва Хожа Ҳасан йигирма уч ёшларида Дашти Қипчоқ куффорининг қўлига тушди. Они асир этиб олиб кетдилар. Етти йил аларнинг аросида бўлди ва ўттуз ёшларида жазабаи қавийға мушарраф бўлдилар. Тавба ва инобат этиб, атрофи жавониби оламни сайр этиб, кўб авлиёларни ва улуғ машойихларни топиб турурлар. Тўққиз йил муддати Булғорда ва уч йил Бухорода ва йигирма етти йил Кирмонда ва бир йил Мароғаи Табризда бўлубдулар. Синни шарифлари ондоғким, ўзларининг калимоти қудсияларидин маълум бўлурким, тўқсон уч йил турур. Онинг учунким, ойтиб турурларким:

«Ман ўттуз ёшимда жазабаи Илоҳийға мушарраф бўлдим ва ман қутбедурманким,<sup>1</sup> Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларида воқиф бўлдум ва манга бу амрда ҳеч шак йўқ турур. Ва ондоғким, ул Ҳазратнинг умрларининг йиллари олтмиш уч эрди ва манинг умрим ибтидои жазабадин то ахийри ҳаётгача олтмиш уч эрди, тамом бўлди».

Ва оларнинг вафотлари рабиъ-ул-аввал ойининг йигирма иккиланчисида душанба кечасида сана олти юз тўқсон саккизда (1298) эрди. Ва қабри муборақлари Табризнинг Сурхон деган қарясида турур. Ва ул уч йил муддатиким, Шайх Ҳасан Бухорода бўлдилар. Шайх Умар Боғистоний оларнинг суҳбатларида ва мулозаматларида бўлуб, камолот ҳосил этдилар.

Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий) ойтур эрдиларким: «Вақтеким, Мавлоно Яъқуб Чархий алайҳи-р-рахманинг мулозаматлариға бордим. Мандин аҳвол сўрдилар ва ойтдиларким: «Қайси ердин турурсан?» Ойтдим: «Шош вилоятидин». Ойтдилар: «Шайх Умар Боғистонийға нисбатинг борму?» Манга хуш келмадиким, аввали амрда ўзимнинг Шайх Умар Боғистонийға қаробатимни изҳор этсам. Ихфо этдим. Ва ойтдим: «Манинг оталарим ул хонводаға мурид эрканлар ва мўътақид». Ва Мавлоно (Яъқуб Чархий) ойтдиким: «Ҳазрати Хожа Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиси сир-

1. Қутб — авлиёлар пешвоси, Аллоҳ томонидан маълум вилоятга таъсир ўтказиб турувчи валий.

руху (оларнинг) тариқларига мўтақид эрдилар ва писанд қилур эрдилар ва ойтур эрдиларким: «Оларнинг тариқида жазаба истиқомат била жам турур». Бас, хизмати Мавлоно Яъқуб ойтдиларким: «Бу яхши таъриф турур, онинг учунким, жазабанинг зуҳури ва истилосидин сўнгким, ул иборат турур нисбати завқийадин, шариатда истиқомат этмак душвор турур. Аксар ул қабилдиндурларким, аҳли жазабага истиқомат бўлмас, аммо ақвиё жам эта билурлар». Бас, Ҳазрати Хожа Шайх Умарни камоли қувватда таъриф этган бўлурлар».

*Раиҳа.* Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий) ойтур эрдиларким: «Шайх Умар (Боғистоний) ўзларининг фарзандлари Хованд Тахурға ойтур эрдиларким: «Ё Тахур, мулла бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, ул бўлма, бул бўлма, мусулмон бўлғил».

*Раиҳа.* Ойтур эрдиларким: «Бир киши узоқ йўлдин Ҳазрати Шайх Умар қуддиса сирруҳунинг ёнларига келиб эрдиким, тариқат таълим олғай. Ойтдилар: «Ул мавзиёдаким, сан бор эрдинг, масжид бор эрдиму?» Ойтдиким: «Бор турур». Сўрдиларким: «Мусулмончиликнинг аҳқомларини билурмисан?» Ойтди: «Билурман». «Бас, бу жойга келмагинг бефойда эркан. Аҳқоми ибодат маълум ва жойи ибодат маълум, қайтғил ва машғул бўлғил».

*Раиҳа.* Ойтур эрдиларким: «Шайх Умар ойтибдурларким: «Муридни ғайридин холий қилиб, Ҳазрати Аҳадийятнинг жанобиға нозир этурмиз, мунинг ҳаммасини этурмиз, аммо биз этмасмиз».

### *Шайх Хованди Тахур (раҳматуллоҳи таъоло)*

Олар Ҳазрати Шайх Умар (Боғистоний)нинг фарзанди Бузругворлари турур. Улуми зоҳирий ва ботинийға олим эрдилар. Ўз волиди шарифларининг зилли тарбият ва иноятларида бўлур эрдилар. Аҳли валоятнинг даражоти олийларига етушдилар. Бовужуди онинг била ҳам турк машойихларининг баъзилари суҳбатида фавойиди кабира касб этдилар.

Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий) ўзларининг амакилари Хожа Муҳаммад алайҳи-р-раҳмадин нақл этдиларким, олар ойтдилар: «Шайх Хованди Тахурға Туркистон азимати бўлди. Тенгиз Шайхким Хожа Аҳмад Яссавийнинг хонадони улуғларидин эрди, онинг била суҳбат тугуб, андин фойдалар олдил. э. Вақтеким, онинг манзилига нузул этдилар, Тенгиз Шайх табх э макка ўзлари мубошир бўлдилар. Ва онинг бир заифаси бор эрди. мусаллат. Хизматлариким, хотунларға тааллуқи бўлур эрди, ош пишурмак ва нон

этмак, ул этмас эрди. Тенгиз Шайх ўз нафслари била ош пишурмак мақомида бўлур эрдилар. Ўтун ҳўл эркан, ўт яхши равшан бўлмади, Шайх бошларини ўчоқға ва кулга яқин элтиб, эҳтимом этдиларким, ўт ёнғай. Шайхнинг заифаси келиб, Шайхнинг бошиға бир лигад урди, бар важҳеким, Шайхнинг юзлари ва соқоллари кул била олуда бўлди. Ул заифанинг жафосига сабр этуб, ҳеч сўзламадилар. Табҳдин ва таом емакдин фориг бўлдилар, ондин сўнг Шайх Хованди Тахурнинг жамиъи воқийот ва мушкilotларини хилватда баён этиб, ҳаммасини ҳал этдилар.

Шайх Муҳаммад Халавий отлиг бир киши Шайх Хованд Тахурға мулозим эрдиким, онинг тариқаси оларнинг наздида писандида эрмас эрди. Ва кўб они дафъ этмакнинг мақомида бўлдилар, аммо ул ибром этиб, оларнинг суҳбатидин кетмас эрди ва Туркистон сафарида ҳам ҳамроҳ эрди. Ва Шайх Хованд Тахур Тенгиз Шайхға неча кунлар суҳбат тутуб, истифода ва истифоза этгандин сўнг, ахийри корда Тенгиз Шайх оларға ойтдиларким: «Бу марди Халавий сизнинг суҳбатингизга лойиқ эрмасдур». Ва ойтдилар: «Эртанг видоъ этиб кетар вақтида ман онга ҳадяе берурман, сиз онинг мартабасини ул ҳадядин билурсиз».

Эртонги кунким, Шайх Хованд кетмакчи бўлдилар. Тенгиз Шайх бир тубуррак яъни зириҳи йўқ бир улуғ дафни Шайх Муҳаммад Халавийға бердилар. Ва ул они қабул этмакда тараддуд қилди. Шайх Хованд Тахур ойтдилар: «Шайхнинг тубурраки табаррукдур, беҳикмат эрмасдур, қабул қилинг». Олар амр этгандин сўнг қабул этди. Шайх Хованд Тахур Бухоро тарафига мутаважжих бўлдилар. Икки йўлнинг бошиға келдиларким, бири Хоразм ва яна бири Бухоро тарафига кетар эрди, Шайх Хованд онга ойтди: «Бизга мундин зиёд сизнинг била суҳбат тутмақ йўқдур, сиз Хоразм боринг», деб они ул йўл билан равон этиб, ўзлари Бухоро тарафига мутаважжих бўлдилар. Ва онга ойтдиларким: «Тенгиз Шайхнинг ҳадяси ишоратдур онгаким, атрофингда асҳоби ўғули ноқисалар пайдо бўлурлар, ондоғким, атфоллар ва канизаклар ва беақллар тубуррокнинг овозиға жамъ бўлурлар».

Ва ул андоғ эрдиким, вақте ул Хоразм борди, баъзи жоҳиллардин ва авому-н-носдин онга жам бўлуб, онинг муриди бўлдилар.

Ва бу силсиланинг аъиззаларидин қаддассалоҳу арвоҳаҳумнинг баъзиларидин эшитилдиким, вақтеким, Тенгиз Шайх хилватда Шайх Хованднинг вақойиъларини ҳал этиб, мушкулотларини рафъ этдилар, олар ойтдилар: «Бизнинг бу мушкулларимиз-

ни ҳал эттингизким, бовужуди сиз мунга камолоти маънавиййа ва улуми диниййа била, ул на эрдиким манкуҳанинг жафосиға таҳаммул кўргуздингиз? Ва они ул беадабликда зажр этмадингиз?» Шайх ойтдилар: «Бизга бу улум ва аҳволнинг зуҳури жоҳилларининг жафосиға сабру таҳаммул этгонимизнинг воситаси била турур».

*Раишҳа.* Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий) ойтдиларким: «Шайх Хованд Таҳурнинг тариқи сўфиййада мусаннафотлари бор турур. Ўзларининг рисолаларидин бир рисолада ёзиб турурларким: “Тавҳид — танни танҳо этмакдур шаҳавотдин ибодат учун ва кўнгилни танҳо этмакдур хатаротдин бандалик учун, ва илло Ҳақ таъоло воҳид турур, воҳидни воҳид ойлантурмоқ маҳол турур, ондоқким, ойтилиб турур. Шеър:

*Мо ваҳҳада-л-воҳида мил воҳид,  
Из куллу ман ваҳҳадаҳу жоҳид.  
(Воҳидни воҳидга айлантриб бўлмайди,  
Кимки уни танҳолайман деса жоҳилдир.)*

Яна ҳам ойтиб турурларким: «Тавҳид шариатда Ҳақ таъолони бир деб ойтмоқ ва бир билмак. Аммо тариқатда кўнгилни Ҳақ субҳонаху ва таъолони гайридин жудо этмакдур».

*Раишҳа.* Яна ҳам Ҳазрати Шайх (Хованд) ойтдилар: «Борғил, кўнгилни душмандин кўтаргил, дўстни талаб этмак не ҳожат турур».

Ва оларнинг ашъори маъориф шиъорлари кўб турур. Ва Ҳазрати Эшон гоҳ-гоҳ маъориф ва латоиф асносида ондин ўқур эрдилар. Бу байтлар онинг жумласидин турур. Байт:

*Нигоҳбони ду чашм аст чашми дилдори,  
Нигоҳдор назар аз руҳи дигар ёри.  
Ҳало, мабод, ки чашмаш ба чашми ту нигарад,  
Дуруни чашми ту бинад хаёли ағери.  
Кужост дар ҳама олам чунон сарандози,  
Ки ошиқи ба хаёлаш адо кунад рози.  
(Дилдорнинг кўзи икки кўзингни*

кузатиб турувчидир,

Нигоҳингни ўзга ёр юзидин сақлаб,  
Эҳтиёт бўлки, кўзи кўзингга боққанда,  
кўзингни ичида ағёрнинг хаёли борлигини кўрмасин.  
Бутун дунёда бир ошиқ бормики,  
Бош эгиб, унинг хаёли билан сирлашса?)

Яна:

*Шер зод бешаи ишгам қавий дар кори хеш,  
К-ав ҳарифи ман биё то зӯрбозу бингарад.  
(Ишқим чангалзори ўз ишида пухта шерни туғди,  
Эй, рақибим, кел, унинг курашини кўр.)*

*Эй, беҳабарон, ишқ маварзид, ки айб аст,  
Илло ба жамоле, ки наси пардаи ғайб аст<sup>1</sup>.  
(Эй беҳабарлар, ишққа кўнгил бермангки, бу айбдир,  
Ғайб пардаси орқасидаги жамолнигина севинглар.)*

**Хожа Довуд**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Шайх Хованд Таҳурнинг фарзандлари турур. Ҳазрати Эшоннинг волидалари Хожа Довуднинг сулбиййалари экан. Ва Хожа Довуднинг волидалари ато тарафидин саййид эрканлар. Ва Шайх Хованднинг волидалари табақай содотдин эрди. Ва Хожа Довуд алай-хи-р-раҳма соҳибӣ оёту каромот ва ҳавориқи одот эрдилар.

Манқул турурким, ул фурсатлардаким, Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруху Андижон вилоятидин Самарқандға мутаважжиҳ бўлдилар ва ўз махсусларидин бирини Шош йўлидин Ҳижоз сафари ға ижозат талаб этуб, Хожа Довуднинг ёнлариға юбордилар. Вақтеким, ул қосид қайтмоқчи бўлди, Хожа Довуд онга бир тулку пўстин бердилар ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо бир теша юбордилар. Иттифоқан, ул вақтлар ҳаво қўб иссиқ эрди. Ул қосиднинг хотириға келибдурким, бу вақтлар пўстин инъом этар вақт эрмастур. Яна хотириға келибдурким, авлиёуллоҳ жамоаларининг иши беҳикмат эрмастур. Вақтеким, ул табар-тешани (болта-тешани) Ҳазрати Хожанинг назарлариға келтурдилар, ойтдилар: «Муни яҳши сақлангларким, мунинг зимнида сирре бор турур».

Ойтурларким, вақтеким, Ҳазрати Хожаға Ҳазрати Расул саллаллоху алайҳи васалламнинг Мадиналарида вафот етушти, оларнинг қабрларини қазмоқға бошқа олат йўқ эрди, қабри муборакларини ул табар-теша билан қаздилар. Ул қосидгаким, пўстин бериб эрдилар, иттифоқан шундоғ бўлдиким, йўлда сармойи азим воқий бўлди. Агар ул пўстин бўлмаса ул қосид ҳалок бўлур эрди. Ул кун пўстин берган ларининг ҳикмати зоҳир бўлди.

1. Форсий нусхаларда бу байт мавжуд бўлиб, таржимада тушириб қолдирилган экан, биз уни қўшиб қўйдик. (М.Ҳ.)

Ҳазрати Саййид Абдул Аввал қуддиса сирруҳу ўз «Масмуёт»-ларида ёзибдурларким: «Зулқаъданинг ушри ахийрида сана саккиз юз саксон саккизда (1483й.) эрди, Ҳазрати Эшон Тошкандда Шайх Хованд Тахурнинг мазори шарифларида эрди. Сўралдиким: «Ҳазрати Шайхнинг нақлларидин неча йил ўтубдур?» Ойтдиларким: «Олтмиш беш йил муддати турурким Хожа Довуд нақл этибдурлар ва олар Ҳазрати Шайх вафот этганларида етти ёшда эрканлар . Ва Хожа Довуднинг умрлари етмиш беш йил турур, ондоғким, бу йилда сана саккиз юз саксон саккизда турур. Бас, ўттиз уч йил ўтган бўлур».

**Бобойи Обрез**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг кибори асҳобларидин турурлар. Соҳиби жазабаи азим эрдилар. Олардин сўрдиларким:

«Сизни Обрез деб нечун ойтурлар?» Ойтдиларким: «Вақтеким Аллоҳу таъоло азал кунда Ҳазрати Одамни тупроқларини (хамир) этур эрди, ман онга сув қуйдим, то ул кундин бери мани Обрез деб лақаб этдилар».

Ва ул жазабот ва ғалаботнинг ибтидоларида гоҳи йўлнинг бошида ўлтуруб, атфоллар янглиг бурё ва қамишдин ва чўбдин ўқ-ёй этуб, ул ёйдин ўқни ҳар кишининг тарафига отса, дарҳол йиқилиб, жон берур эркан.

Ойтурларким, онинг бир сиғири бор эркан. Гоҳи онинг устига бир нимарса юклаб, ҳадя тариқасида Шайх Умар Боғистонийнинг ёнлариға танҳо юборур эрканлар. Ва оларнинг ароси қўб фарсаҳ йўл эрди. Ҳар ким ул сиғирнинг атрофиға борса фи-л-фавр ич оғриғи тутар эркан ва ҳеч кишига мажולי тасарруф йўқ эрди. Ул сиғирниким, киши ҳайдамай ўзи танҳо бориб, танҳо келур эрди!

**Шайх Бурҳонуддин Обрез**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Бобойи Обрезнинг авлоду аҳфодларидин эрди. Оларнинг ҳам жазабаи қавийлари бор эркан. Боб Мочиннинг муридлари эрдиким, ул Мочин вилоятининг Бузруги эрди. Шош вилояти ға

---

1. Бобойи Обрезнинг қабри Эски Жўва бозори яқинида, Кўкалдош мадрасаси юқорисида жойлашган (М. Ҳ).

Абу Тоҳирхўжанинг «Самария» асарида ёзилшича «Шайх Абу Саъид Обрез мазори Хожа Аҳрор ҳазираси яқинидадир. У Бобо Обрез наслидан. Бобо Обрезнинг қабри Жокардица қабристонидадир...»

келиб, Тошкандда сокин бўлуб эрдилар. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Аввалги навбатким, Саййид Қосим Табризий қуддиси сирруху Самарқандга келиб эрдилар, Шайх Бурҳонуддин оларни кўрмакка бордилар. Иттифоқе, Ҳазрати Саййид мураббаъ ўлтурган эрканлар ва асҳоблар жамъ эрдилар. Шайх Бурҳонуддинга олардин бу тариқа ўлтурмоқ хуш келмади. Ойтдиларким:

«Сиз Шайх турурсиз, вақтеким, мураббаъ ўлтурсангиз, сизнинг муридларингиз ётмоқ истарлар, сиздин бу навъ ўлтурмоқ, муносиб эрмастур». Ул бобда муболага этдилар. Ҳазрати Саййиднинг муридлари онга хушунат мақомида бўлдилар ва ул муболага этмакни қўймади, то вақте гачаким, Ҳазрати Саййидни чўкка тушиб ўлтурғиздилар ва соатедин сўнг Ҳазрати Саййид таҳоратхонага бордилар. Асҳоблар ҳар тарафдин, мисли Мир Махдум ва Ҳофиз Саъд Сайёд ва олардин ҳам бошқалари Шайх Бурҳонга таарруз оғоз этдилар ва тавҳиднинг мушкул масалаларидин неча сўзларни ондин сўрдилар. Ул ойтибдурким: «Ман бу сўзларни билмасман, бу миқдор билурманким, Ҳазрати Саййиднинг боғбонлари уч кундин сўнг вафот топар ва ондин сўнг Ҳазрати Саййид га фалаж марази ориз бўлур». Ва ул мажлисдан туруб, ташқари чиқдилар. Вақтеким, Ҳазрати Саййид таҳоратхонадан чиқиб келдилар, сўрдиларким, ул азиз на ерга кетди? Асҳоблар қиссани ойтдилар ва Ҳазрати Саййид оларни ул тааррузда маломат этдилар.

Вақтеким, бу суҳбатдин уч кун ўтди, дарҳол ул боғбон вафот топди. Ва ҳаво ул неча кунларда бағоят иссиғ эрди, Ҳазрати Саййид дафъи ҳарорат учун яхдонга кирдилар ва уйқуладилар ва уйқудин уйғониб турғонларидин сўнг фи-л-фавр оларга фалаж ориз бўлди. Бу сабабдин Ҳазрати Саййид Шайх Бурҳонуддинга ниёзи тамом била нисбати ниёзмандлик мақомида ва хусни ақидада бўлдилар. Ва ҳар икки-уч кунда неча бош наботи Кирмоний ва неча оқ шоҳи Шайх Бурҳонуддин учун юборур эрдилар.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Иккиланчи мартабада Ҳазрати Саййид Самарқандга келиб эрдилар, ман Шайх Бурҳонуддинни оларнинг ёнлариға олиб бордим. Ибтидода танимадилар. Ойтдим: «Оларнинг сизга мулоқот ва мулозаматлари бўлғон эркан, маҳаллаи Кафширда бўлурлар ва отлари Шайх Бурҳонуддин турур». Ва Ҳазрати Саййид таниб, яна онинг била мусоҳафа этдилар ва йиғладилар. Ондин сўнг ойтдиларким: «Ман сизнинг аҳволингизни Қозийизодайи Румдин кўб истифзор эт-

дим. Алар жаво беда ҳеч нимарса ёзмадилар ва ман сизнинг аҳволингиздин ҳеч хабар топғоним йўқ эрди. Алҳамдулиллаҳким, сизни қайди ҳаётда топдим».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Шайх Бурҳонуддиндин лат еб эрдилар. Ва ойтдиларким: «Ҳазрати Бурҳонуддиндин эшитдим, ойтди: «Таом емакнинг одобида ёзибдурларким, зинҳор суфранинг устида биринжқублик этмагил, яъни керакким, мағдор устухонни унф биле табоқға ва нонга қаттиғ урмагил».

### *Шайх Абу Саъид Обрез (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ул ҳам Бобойи Обрез раҳматуллоҳи алайҳнинг аҳфодларидин турур ва Шайх Бурҳонуддиннинг Ано тарафидин боболари эрди. Ва ул Шайх Абу Саъид Шайхон исми биле машҳур турур, маҳаллаи Кафширда бўлур эрди. Улуғ ва мажзуб ва мустақиму-л-ҳол киши эрдилар. Ҳазрати Эшон оларға кўб муътақид эрдилар. Ул ҳам Ҳазрати Эшонга камоли ихлос ва иродатда эрди ва ул Ҳазратнинг мулозаматларини кўб этдилар.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад Қозийиким, Ҳазрати Эшоннинг ходимларининг мақбул бўлғонларининг жумласидин эрдилар ва учланчи мақсадда мазкур бўлур, китоби «Силсилату-л-орифий»-даким, оларнинг аксари Ҳазрати Эшоннинг шамойиллари ва маноқиблариға муштамил турур, шундоғ ёзибдурким: «Самарқандда вабойи азим бўлди. Ҳазрати Эшон кўчуб, Дашти Аббосийаға бордилар. Жўйи Аббос лабида неча кунлар ўлтурдилар ва ул атрофнинг ҳаммаси Шайх Абу Саъиднинг зироати эрди, пишмакка яқин етушуб эрди. Ва Шайх Ҳазрати Эшоннинг суҳбатлариға доимо келиб кетар эрдилар ва ҳаргиз зироат тарафига назар этмадилар ва мутааллиқларидин ҳам ҳеч кишини зироат тарафига бормоқға қўймадилар ва онинг жамъи а ва забтиға эҳтимом этмадилар. Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Зироат ишиға машғул бўлунг, бизнинг келганимизни ул шуглға моний қилманг». Муяссар бўлмади ва асло зироатға илтифот этмадилар. Оқибат ёронларидин жамъи ҳазрати Эшоннинг амрлари билан Шайхнинг зироатларини ўруб ва дукуб олдилар ва Шайхнинг уйларига юбордилар».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Шайх Абу Саъид мунъим ва бой эрмас эрдиким, бу маҳсулотнинг фавтидин онга тафовут этмаса, аммо ул ваҳддинким, онинг камоли адаби ҳурматдорлиқи бор эрди, мундоғ қилди».

Ва яна ул китобда ёзибдурким, Шайх Абу Саъиднинг фавт бўлур вақтида Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Ҳазрати Хожа Алоуддин Гиждувонийнинг фавтларида Хожа Абу Наср Порсо қуддиса сирруҳу ваъз ойтдилар ва ойтдиларким: «Хожа Алоуддин бизларнинг ҳамсоялиқимизда бўлур эрдилар ва бизлар онинг ҳимояту инояти ва баракату ҳимматларида эрдук, бу замон олар жавори раҳмати Илоҳийга бордилар ва кетдилар, эмди маҳалли кўрқув турур». Шайх Абу Саъид ҳам бизларнинг ҳамсоялиқимизда эрдилар ва мустағфирийн жумласидин эрдилар ва модомики, жамъенинг аросида истиғфор бўлса, бало ва азоб мундафъ бўлур. Истиғфор ул эрмастурким, киши тил билан «астағфируллоҳ» дер, балки керакдурким, онинг тамоми аъмоллари ва аҳволлари мужиби мағфират бўлсун. Ва бу азизким, бизларнинг аромиздин кетди бу қабилдин эрди. Жазоухуллоҳу аннан хайран»<sup>1</sup>. Шайх Абу Саъид Шайхоннинг вафотларида сана саккиз юз тўқсои тўрт (1488) эрди ва қабри муборақлари маҳаллаи Кафширда, Ҳазрати Эшоннинг муҳавваталарида турур.

### *Шайх Бахшиш (раҳматуллоҳи таъоло)*

Шайх Умар Боғистонийнинг хониводалари дарвишларидин ва мунтасибларидин эрканлар. Ва соҳиби жазобот ва аҳволи писандида эрдилар. Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Самарқанддин аввал мартабаким, Ҳиротга азимат этдим, хизмати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қаддасаллоҳу таъоло қўймадиларким, ман танҳо олардин жудо бўлсам. Азизе бор эрди Самарқандда хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум хониводаларидин ва Шайх Бахшиш раҳматуллоҳи таъоло асҳобларидин эрди, ободон киши эрди ва онинг хотирига бу маъни тушиб эрдиким, бу оламда на кайфиятда бўлмоқ керакдур ва на тариқа иш этмак керакдур? Хизмати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий они шафоат учун манинг ёнимга юбориб турурлар. Ва ул бозорда манинг ёнимга келди ва ойтди: «Зинҳор Ҳирига бормангким, хизмати Мавлоно Саъдуддин сизнинг кетганингиздин бағоят мутааллим турур». Бу бобда кўб маболаға этдилар, ман жавобида ойтдимким: «Ул вилоятнинг дағдағаси бағоят қавий турур ва азимат мусаҳҳаҳ бўлибдур. Бўлмоқнинг имкони қолгани йўқ турур». Ойтди: «Вақтеким, борурсиз мандин бир ва-

1. Аллоҳ таъоло уни кўп ҳайратлар билан мукофотласин.

сият қабул қилингим, ондин кушойишлар топарсиз. Улуғ гурбатқа борурсиз ва қавий талабингиз бор турур ва сизга лозим бўлсунким, Шайх Умар Боғистонийнинг хониводаларини ўз вақтингизга лозим тутинг ва ондин гофил бўлмангим, ман Шайх Бахшишиким, ул хониводанинг табақасидин турур, кўрубман ва олардин нисбат таълим олибман, оларнинг камоли жазба била шариятда истиқоматлари бор турур ва бу мақом кўб олий турур ва наводирнинг жумласидин. Ва бўлмастур бу мартаба, магар авлиёларга».

Ва ондин сўнг манга бу рубойни ўқудилар ва ондин ёд олдим. Рубой:

*Ишқ, омаду шуд чу хунам андар рагу нўст,  
То сохт маро тихийу нур сохт зи дўст.  
Ажзойи вужуди ман ҳама дўст гирифт,  
Номист зи ман бар ману боқий ҳама дўст.  
(Ишқ келди ва томиру териларимдин жой олди,  
Гўё мани бўшатдию, дўст билан тўлдирди.  
Вужудимнинг борини дўст билан қоплатиб,  
Номим қолдию, вужудим дўстга айланди.)*

**Мавлоно Тожуддин Дарғамий**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Эшоннинг аждоди Бузругворларидин турурлар. Ҳазрати Эшоннинг волидаларининг волидаси Мавлоно Тожуддиннинг набираларидин турур. Олар ўз замонларининг акобирларидин эрдилар. Олим эрдилар улуми зоҳирий ва ботинийга ва камоли тақво ва вараъ била аҳволи олийа ва каромати зоҳира била маъруф эрдилар.

*Раиҳа.* Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо сураи «Ёсин» тафсирининг авойилида ёзибдурлар ҳошияеким, Мавлоно Тожуддин Дарғамий алайҳи-р-раҳма боби тиловати Куръонда ойтибдурларким, ҳаққи тиловат ҳузури қалб билан ўқимоқдур, қўрқув била авомирни қабул этмак ва маноҳийлардин қочмоқ ва амсол ва қисаслардин ибрат олмоқ била ва ваъдаларда масрур ва хушвақт бўлмоқ ва ваъидлардин маҳзун бўлуб, йигламоқ биландур».

**Мавлоно Муҳаммад Бушоғарий**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Бушоғар қарйасидиндурким, Самарқанд вилоятида кунчиқар била орқа тарафнинг ўртасида бир улуғ деҳа турур. Ул жойдан шаҳарга ўн

икки фарсах ер турур. Ва хизмати Мавлоно Муҳаммад ўз вақтларининг улуғларидин эрдилар. Улуми зоҳирий ва бу тоифанинг улуми ға олим эрди. Ва ҳақиқатда увайсий эрдилар. Шариатнинг варзиши ва суннатнинг мутобаати васотати била улуми ботинийнинг эшиклари оларға мафтўх бўлуб эрди ва арбоби валоятнинг аҳволлари ва мақомоти олийалари муяссар бўлур эрди. Ва олар Мавлоно Тожуддин Дарғамийнинг қариндошларидин турурлар. Ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддуса сирруху оларни кўруб эрдилар. Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Ҳазрати Мавлоно Дарғамийнинг воситалари билан хизмати Мавлоно Муҳаммад бизга қариндошлиқи бор турур, раҳимаҳумуллоху таъоло».

**Хожа Иброҳим Шошӣ**  
(*раҳматуллоҳи таъоло*)

Ҳазрати Эшоннинг дойиларидин эрдилар, олиму ориф эрдилар, фозилу комил эрдилар. Ва бу тоифанинг азвоқ ва мавожидларидин насиби тамомлари бор эрди. Мабодийи ҳолда Ҳазрати Саййид Шариф Журжоний била Самарқандда мусоҳиб эрдилар. Мадрасаи Эйки Тимурда олардин улуми мутадовала истифода этдилар. Ва оларнинг иттифоқлари билан Хожа Алоуддин Агтор қуддуса сиррухунинг мулозаматлариға бориб, ул мажлиси олийда бу нисбати шарифни истифоза этдилар.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: «Манинг дойим Хожа Иброҳим алайҳи-р-раҳма манинг таълимим аввалида бу байтни ёзиб эрдиларким, байт:

*Пайдост ҳоли мардуми ринд ончунон, ки ҳаст,  
Хуррам касе, ки фош кунад ҳар ниҳон, ки ҳаст.*  
(Ринд кишиларнинг ҳоли қандай бўлса

шундай ошқордир.

Ниҳон нарсани ошқор қилган киши шод кишидир).

Ойтур эрдиларким: «Бир кун манинг дойимға кайфияте бўлуб, Чокардизанинг гүристонни атрофларида айланиб, дарди дил била бу байтни ўқиб, йиғлар эрди. Байт:

*Фироқи дўст агар андак аст, андак нест,  
Даруни дийда агар ним мўст, бисёр аст.*  
(Дўст фироқи оз бўлса ҳам оз эмас,  
Кўз ичидаги яримта қил ҳам кўпдир).

Ойтур эрдиларким: «Дойимдин бу рубойни ёд олиб эрдим» деб, ўқур эрдилар. Рубойи:

*То банда зи худ фонийи мутлақ нашавад,  
Тавҳид ба назди вай муҳаққақ нашавад.  
Тавҳид ҳулул нест нобудани туст,  
В-арна багазоф одамий ҳақ нашавад.*

(Банда ўзидан тўлиқ, фоний бўлмагунча,  
Тавҳид ҳақиқати унга аён бўлмайди.

Тавҳид — бир-биридан жой олиш эмас,

балки сенинг йўқ бўлишингдир.

Йўқса, одам лоф уриш билан ҳақ бўлолмайди).

***Хожа Имоду-л-Мулк***  
***(раҳматуллоҳи тағоло)***

Шайхе эрди фозилу комил ва ҳожийи-л-ҳарамайн ва мун-баситу-л-ҳолким, Ҳазрати Эшоннинг ҳамширалари ақдида эрди.

Ойтур эрдиларким: «Хожа Имоду-л-Мулк манинг улуғ отомни кўрмакка Тошкандга келиб эрдилар ва кеча бизларнинг жойимизда бўлдилар. Кечадин бир кеча соат ўтуб эрди ва ҳамма хизматкорлар кетиб, уйку жойида ётдилар. Ман била яна бир ёш йигит қолиб эрдук ва ман кўб ёш эрдим. Мандин мутаваққий эрмас эрдиким, бу миқдор ўлтура билсам. Олар манинг ўлтурғонимдин таажжуб этдилар ва бир-бирларига ҳикоятлар ойтур эрдилар ва ман эшитур эрдим. Ва ул жумладин Хожа Имоду-л-Мулк бу сўзни ойтдиларким: «Мажмуъи аҳвол ва мавоҷиддин истиқомат яхшироқ ва маҳбуброқ турур». Ондоғким, ойтиб турурлар. Байт:

*Ё раббам, мулки истиқомат деҳ,  
К-астиқомат зи сад каромат беҳ.*

(Эй, Раббим,

шариатда мустаҳкам туришни ато қил,

Чунки юзта кароматдан шариатда

маҳкам туриш яхшироқдир).

Мавлоно Мусофир азизе эрди турк машойихларининг силсилаларидин. Ҳазрати Эшоннинг сафарларининг ва аҳволларининг ибтидоларида оларга мусоҳиб эрдилар. Ойтур эрдиларким: «Мусофаратнинг аввалларида бир қиш Мавлоно Мусофир била Шоҳруҳийада ҳамхўжа эрдик. Вақтеким, Мавлоно Мусофир Шош вилоятига келдилар. Ойтдилар: «Ул фурсатлардаким, Фаркатда

бўлдик, Хожа Имоду-л-Мулк бизнинг ёнимизга келдилар ва илтимос этдиларким, оларга тариқат таълим берсак. Биз ойтдук: «Аввал сиз вужуди маънавий пайдо қилинг, ондин сўнг биз тариқат таълим берурмиз ва уч кун сизга муҳлат бердук». Хизмати Хожа Имоду-л-Мулк уч кун ўтгандин сўнг ҳеч сўзламадилар, биз ҳам ҳеч нарса демадук».

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Ман Мавлоно Мусофирга ойтдим: «Ажаб эрканким, Хожа Имоду-л-Мулк ойтмай турурлар, бизга вужуди маънавий ҳосил турур, деб». Мавлоно Мусофир ойтдилар: «Вужуди маънавий на турур?» Ман билдимки, вужуди маънавийким, Мавлоно Мусофир ойтдилар вужуди маънавий мусталақ эрмастур. Ойтдим: «Вужуди маънавий ул турурким, толиб — вужуди маънавий турур». Мавлоно Мусофир таажжубда қолди. Ва ойтдиларким: «Кўрарсизким, бизнинг суҳбатимизнинг воситаси била бу латофат ва бу сўзларнинг амсолига танаббуҳ сизга на кайфиятда ҳосил бўлуб турур». Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Мавлоно Мусофир билмас эрдиким, биз они оларга мусоҳабат ва мулоқот этмасдин аввал билур эрдук».

Махфий қолмасунким, вужуди маънавийи сўфийа қаддасаллоҳу арвоҳаҳум истилоҳларида валодати сонийадин иборат турурким, солик машина табиатидин ва онинг аҳқомидин чиқмоғи турур, ондоғким, Ҳазрати Исо алайҳис салом ойтдилар: «Лан ялижа малакут-с-самовоти ман лам ювлад марратайни», яъни «кела билмас ва дохил бўлмас осмонларнинг мулкига кишиким, мутаваллид бўлмас икки марта». Ва ҳар кишиким, вужуди маънавийга бу маъно билаким, мазкур бўлди, мушарраф бўлгон бўлса, ҳар ойина, ҳожат бўлмас онга ул нимарсагаким, кишидин тариқи таълим олмоқ илтимос этса. Бас, вужуди маънавий бу маҳалда онга маҳмулдур, бўлурким, бу вужуди сонийнинг толиби турур. Ва ул кишиким, бу вужуднинг толиби бўлса, ул сабабдиндурким, бу вужуднинг партавидин онга асаре тушубдур. Бас, мажоз тариқи била ойтса бўлурким, онга вужуди маънавий ҳосил турур».

Ҳазрати Эшоннинг бани аъмомларидин бир қари азиз Тошканддин ул кунларда келиб эрди. Оларнинг олдида бу ҳикоят ўтди. Ойтдилар: «Охиру-л-амр Мавлоно Мусофир Хожа Имомду-л-Мулкка тариқа таълим бердилар ва хизмати Хожа Мавлоно Мусофирнинг муридларидин бўлдилар».

Бу силсиланинг баъзи маҳодимларидин эшитилдиким, Буҳорода Мавлоно Мусофирнинг хулафоларидин бирини кўрдумким,

ойтур эрди: «Бизнинг Ҳазрати Мавлономиз либоснинг танзифи ва татҳирида, тариқат ва шариатнинг соир одобларида эҳтиёти балиғ ва эҳтимоми тамомлари бор эрди. Бир кун оларнинг ёнларида ўлтуриб эрдиким, бир саббоғ олар учун икки обуфтни ранг этиб келтурди. Олар бир лаҳзадин сўнг онга ойтдилар: «Бу обуфтларни олиб бориб, сувга солиб, кўб молиш бергил, то покиза бўлсунким, манинг хотиримга тараддуд келур». Саббоғ ойтди: «Эй Махдум, буларнинг ранги ва таровати зойиё бўлуб, манинг ранжу меҳнатим зойиё бўлур ва ботил бўлур». Олар муболага эттилар, ул киши бечора бўлуб, обуфтларни олиб кетди. Ва хизмати Мавлоно мууроқиб<sup>1</sup> бўлдилар. Манинг хотиримга эътироз келдиким, бир фақир икки-уч ҳафта заҳмат тортиб, обуфтларни яхши ранг этиб, хизматлариға келтурди. Ҳеч нажосат ва нопоклик онда зоҳир эрмас, бу ҳама муболага на эрдиким, Ҳазрати Мавлоно этдилар. Охир ул хотирни нафй этиб, ман ҳам мууроқиб бўлуб, кўзимни юмдим. Ул аснода гайбате воқий бўлди. Кўрдумким, бир йўл билан борурман ва Мавлоно манинг олдимда борурлар. Ногоҳ бир улуг тоғ бағоят баланд олдимиздин чиқди. Ва йўле бор турур кўб нозик ва қоронғу, ҳамвор эрмас. Ва хизмати Мавлонони кўрдимким, ул йўлда осонлиқ била учар қушдек парвоз этиб юқори борурлар. Ман кўб меҳнатлар ва машаққатлар била оёғи синғон ожиз қумурсқадек, йиқилиб ва туруб юқори борурман. Ва ҳар қадам қўйғонда ул ваҳми этарманким, йиқилиб пора-пора бўлурман. Ногоҳ ҳозир бўлдим ва бу ҳолға мақорин хизмати Мавлоно ҳам мууроқабадин бош кўтардилар ва ойтдилар: «Эй фалон, биз агар либос танзифи ва татҳири ва соири умурда агар эҳтиёти балиғ этмасак ул баланд тоғнинг амсолида нозик ва қоронғу йўлда, ондоғким, кўрдинг осонлиқ била юқориға чиқа билмасмиз».

### *Хожа Шаҳобуддин Шоший (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг ота тарафларидин боболари турур ва соҳиби оёт ва каромат ва аҳволи мавожид эрдилар. Мажнунларға ва мажзубларға кўб суҳбат тутар эрдилар. Аксари авқот зироат амриға ва гоҳ тижоратға машғул эрдилар. Голибан шундоғ эрканларким,

---

1. Мууроқаба — қалбға қулоқ солиб, ўтмиш ва келажак ишларидин хабар топиш. Мууроқиб — мууроқабаға киришган одам.

сафарларида ҳамроҳ била муқайяд бўлмай, танҳо сафар этар эрдилар. Агар гоҳи қуттоғу-т-тариқ оларнинг йўларини тўссалар баланд овоз бирла мажзубларни бир-бир от тутуб, чақириб, мадад тилар эрдилар. Ул жамоат дарҳол ҳозир бўлуб, ўғриларни дафъ этуб, оларни саломат ўтқарур эрдилар. Ва озорнинг икки ўғиллари бор эрди. Бирлари Хожа Муҳаммад ва бирлари Хожа Маҳмудким, Ҳазрати Эшоннинг волиди Бузругворлари турур.

Манқул турурким, Хожа Шаҳобуддин га вафот яқин етушди, улуг фарзандлари Хожа Муҳаммадга ойтдиларким: «Фарзандларингни мунда келтургул, то оларга видоъ этайин». Ва Хожа Муҳаммаднинг икки ўғиллари бор эрди: Хожа Исҳоқ ва Хожа Масъуд. Иккиларини ҳам олиб келдилар. Хожа Шаҳобуддин оларга навозиш этдилар ва ойтдиларким: «Муҳаммад, санинг фарзандларинг қўб паришонлик ва саргардонлик тортарлар, хусусан, Масъуд ва Хожа Исҳоқнинг саргардонлиқининг сабаби ул бўлур». Ва авсофи номарзоларидин баъзисин ойтдилар. Ондин сўнг Хожа Маҳмудким, Ҳазрати Эшоннинг оталари турур, онга ҳам ойтдилар: «Сан ҳам фарзандларингни келтургил». Ва Ҳазрати Эшон ул маҳалда қўб ёш эрдилар, оларни бир ҳирқага чулғаб келтурдилар. Вақтеким, Хожа Шаҳобуддиннинг назарлари оларга тушди, изтироб этдиларким: «Мани турғузунглар» деб. Турғуздилар. Олар Ҳазрати Эшонни ёнларида қўйуб, юзларини тамом аъзосига суртуб, қўб йиғладилар ва ойтдилар: «Ул фарзандлариким, ман талаб этуб эрдим, бу турур. Дарифким, онинг зуҳури айёмларида ман бўлмасман ва онинг оламда тасарруфотларини кўра билмасман. Тез бўлурким, бу ўғул оламгир бўлур, шариятга ривож бериб, тариқатга равнақ берур. Ва рўзгорнинг султонлари онинг хатти фармониға бош қўйуб, амру наҳйига тан берурлар. Ва ишларе ондин вужудға келурким, ондин аввал ҳам машойихи киборлардин ҳам келган бўлмағай». Ва ҳар нимарсаким, аввалдин то ахийригача Ҳазрати Эшонга ўтубдур, ҳаммасини бирин-бирин бар сабили ижмол зоҳир этдилар. Ва яна бир мартаба юзларини оларнинг ҳамма аъзолариға суртдилар. Бас, Хожа Маҳмудга бердилар. Онга васият этдиларким: «Манинг бу фарзандимни яхши сақлагил ва онинг шавқати ва тарбияти ондоғким, керакдур, муносибдир баржой келтургайсан». Ондин сўнг Хожа Муҳаммадга қараб ойтдиларким: «Ҳотирингга келмасунким, отам манинг фарзандларимни ул чоғлиқ, навозиш этмади ва Маҳмуднинг фарзандларини қўб навозиш этдилар, деб. На қилиб бўлурки, санинг фарзандларингни ул нав этибдур ва Маҳмуднинг

фарзандларини бу нав, ман на иш этайин? Золика тақдирул-азизу-л-алим»<sup>1</sup>.

### *Хожа Муҳаммад Шоший (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Хожа Шаҳобуддиннинг ота бир биродарлари эрдилар. Ҳазрати Эшон ойгур эрдиларким: «Хожа Шаҳобуддиннинг биродарлари Хожа Муҳаммад Тур вилоятининг азвоқларидин эрдилар, баҳраи тамомлари бор эрди. Хожа Шаҳобуддин ойтдиларким: «Модомики биродарларим ул дунёнинг ҳуккомларидин Худойдод Хусайнийнинг нимарсасини қабул этмас эрдилар, манинг била онинг аросида киши восита бўлмай, бир-биримизнинг мақосидларимизни бенома ва беқосид маълум этур эрдук. Вақтеким, онинг нимарсасини қабул этуб на онга ихтилот этдилар ва ул ихтилотнинг шумлиғидин бу маъни бизлардин мафқуд бўлди ва васойитга эҳтиёт бўлуб, китобат этмакка ва қосид юбормакка муҳтож бўлдук».

### *Хожа Маҳмуд Шоший (раҳматуллоҳи таъоло)*

Олар Хожа Шаҳобуддиннинг кичик фарзандлари ва Ҳазрати Эшоннинг оталари турурлар. Ва бу тоифанинг мазоқидин шурби тамом ва ҳаззи вофирлари бор эрди. Ҳазрати Эшон оталарининг истидъолари била бағоят нофиъ бир рисола хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларида таълиф этдилар, ондоғким, машҳур турур ва бу рисоланинг аввалида ойтиб турурларким: «Бу рисоланинг таълифиға сабаб ул эрдиким, бу раззақаҳуллоҳу ва ланал-амала бима фийҳи<sup>2</sup> оларнинг ҳусну занни биносидинким, бу фақирға бор эрди ва ишга амр этдилар ва ойтдилар: «Керакдурким, бизнинг учун аҳлуллоҳ сўзларидин бир нимарса ёзсангизким, онга амал этмак мақомоти улё вусулиға сабаб ва улуши ҳақиқиййанинг ҳусулиғаким, таври назар ва истидодлолидин хориж турур, сабаб бўлсун. Қоланнабиййу алайҳи-с-салому: «Ман амила бимо алима варасаҳуллоҳу таъоло илман мо лам яълам»<sup>3</sup> ва оларнинг амрларига имтисол этмак бу фақирға вожиб кўринди. Онинг учун-

---

1. Бу Ғолиб ва Доно (Аллоҳ)нинг тақдиридир (Анъом, 96-оятдан.)

2. Аллоҳ таъоло ул зотга берган амал билан бизларни ҳам ризқлантирсин.

3. Ҳар ким билганига амал қилса. Аллоҳ таъоло унга билмаганини ҳам билдиради.

ким, иззати рубубийятга адаб этмакнинг муқтазоси шул турур, ул вужҳдинким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг рубубийятининг асари вусули бу фақирга етушди, аввал мартаба оларнинг воситаси била турур».

Ва баъзилар оларнинг таҳқиқида ойтибдурлар: «Ҳазрати рубубийятнинг одобларидин ул турурким, мазохирлариким, рубубийятнинг асарини қабул этиб турурлар, мазҳарийят ҳайсиятидин оларга ва оларнинг таъзимини вожиб билсун, онинг учунким, бу таъзим ҳам «ва илайҳи яржиъу-л-умур» ҳукми била ул Ҳазратга оийддур».

Манқул турурким, хизмати Хожа Маҳмуд алайҳи-р-раҳмага Ҳазрати Эшон оларнинг сулбидан волидаларининг раҳмларига нақл этмасларидин бурун жазбае ворид бўлиб эрдиким, неча вақтлар мужоҳадот ва риёзоти шоққага машғул эрдилар. Ва тақлили таом ва маномни, хосу омга ихтилот этмакни тарк этиб, доимо сукут этмакка қиём кўргуздилар. Ва бу жазба то тўрт ой муддатиғача борди. Бу аснода Ҳазрати Эшон Хожа Маҳмуднинг сулбидин волидаларининг раҳмига нақл этдилар. Ва ондин сўнг Хожанинг жазбалари таскин топди.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### Ҳазрати Эшоннинг

*валодатлари таъриҳида бўлгон воқеъотлар зикрида ва шаммае ул Ҳазратнинг ахлоқу атвор ва шамойиллари ва сабо айёмларидаги аҳволларининг баёнида*

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг валодатлари моҳи рамазони шарифда сана саккиз юз олтида (1403) эрди. Ва баъзи азизларким, Ҳазрати Эшонга қаробат ва қарибалиқлари бор эрди ва бани аъмомларидин эрдилар, ойтур эрдиларким, Эшон валодат топғонларидин сўнг то волидалари нифосдин пок бўлмай ва ғусл этмай пистонларини олмадилар ва қирқ кун сутларини ичмадилар.

Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Ман бир ёшимда эрдимким, маннинг сочимни олмоқчи бўлдилар ва тўй этиб эрдиларким, ногоҳ, Амир Темур фавт бўлгон хабари етушди ва одамлар тарқалдилар. Ондоғким, пишган ошни емакка фурсат бўлмади. Қозонларни холий этиб, тоғга чиқдилар».

Ва ул замонларда Ҳазрати Эшоннинг обои киромлари Боғистонда бўлур эрдилар. Ҳазрати Эшоннинг сабо айёмларида ва ёш

замонларида ҳам рушд асари ва саъодатнинг аломатлари ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг инояти ва қабулининг анворлари жабини мубаййинларида равшану пайдо ва зоҳиру ҳувайдо эрди, то гоётеким, ҳар кимнинг назари оларга баробар бўлуб, жамоли муборақларига тушса, беихтиёр оларга сано ойтиб, дуо қилур эрдилар. Байт:

*Ситора ҳатти туро хондаву сано гўфта,*

*Фаришта рўйи туро дийдаву дуо гўфта.*

(Юлдуз сенинг хатингни ўқидию, мақтовлар айтди,

Фаришта юзингни кўрдию, дуолар айтди.)

Ҳазрати Эшонда уч-турт ёшлардин Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға огоҳлик ҳосил эрди. Ойтур эрдиларким, туфулият кунларимда мактабға бордим, кўнглум ҳамма вақтда Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳуға ҳозир эрди ва огоҳ эрди. Ва ул замонларда манга ақида ондоғ эрдиким, оламнинг ҳамма улуг-кичик одамларининг ҳаммаси шул тариқа огоҳ ва восилдурлар. Бир мартаба, ул вақтларда, қиш фасли эрди, саҳрода манинг оёқим лойға ботди ва кафшим оёқимдин жудо бўлди ва лойға ботиб қолди. Ва ҳаво кўб совуқ эрди, то кафшимни лойтдин олгунча ғафлат ориз бўлуб, нисбати огоҳлиқдин қолдим, дарҳол ўзумни маломат этдим ва кўб мутаассир бўлдум, ондоғким, манга йиғламоқ муставлий бўлди. Ул яқинда бир деҳқон қўш ҳайдаб юруб эрди, ўзимга ойтдим: «Бу деҳқон бовужуди ўкуз ҳайдамоқ ва ер ёрмоқға машғул турур, бу ҳол билан ҳам Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға огоҳ бўлмоқ, нисбатидин гофил эрмас, сан бу миқдор машғуллик бирла гофил бўлдинг». Ва манинг гумоним ул ёшда ул эрдиким, ҳамма кишиға ҳамма ҳолда бу нисбат ҳосил турур. То ман булуғи шаръий ҳаддига етмадим, билмадимким, одамларға ғафлат бўлур».

Мавлоно Жаъфар алайҳир раҳма Ҳазрати Эшоннинг асҳоби киборларидин эрдилар, оларнинг зикри учланчи мақсадда келур, ойтдиларким: «Ул Ҳазрат ойтур эрдиларким, ман ўн икки ёшда эрдим, билмас эрдимким, киши Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ёдидин гофил бўлур. Гумон этур эрдимким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло халқларнинг ҳаммасини бул важҳда яроғиб турурким, ондин гофил бўлмаслар. Ондин сўнг маълум бўлдиким, ул инояте турур баъзиларға мухтасс ва баъзиларға риёзат ва кўб ижтиҳодлар била бу мартаба муяссар бўлур ва баъзиларға бўлмас».

Ҳазрати Хожа Исҳоқким, Ҳазрати Эшоннинг амакиларининг ўғли турур, ондин манқул турурким, ойтиб турурлар: «Бизлар ва

соир атфоллар ёш замонларимизда ҳар нечаким хоҳладуқким, Ҳазрати Эшонни баъзи феълларда ва ўйинлардаким, ёшлиқнинг муқтазоси турур, машғул этмакчи бўлдук, ҳаргиз муяссар бўлмади. Аввалда ўзларини шундоғ кўргуздиларким, магар машғул бўлдилар. Ва ҳар қачонким, ул ўйуннинг вақти келса қочор эрдилар ва ҳамишга оларда исматни маъносини мушоҳада этилур эрди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ёш вақтимда Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорларида Ҳазрати Исо алайҳис саломни тушимда кўрдумким, ўлтурубдилар. Ман ўзумни оларнинг қадамлариға ташладим, олар манинг бошимни туфроқдин кўтардилар ва ойтдилар: «Фам емагил, биз сани тарбият этурмиз». Бу тушнинг таъбири бир тариқа манинг хотиримға келдиким, ёронлардин баъзининг ёнларида бу тушни ойтдим. Олар тибға таъбир этдилар. яъни санга илми тибдин насибе бўлур. Ва ман бу таъбирға рози бўлмамим. Жавоблариға ойтдим: «Сизларнинг таъбирингизға манинг розилигим йўқдур, ман ваъжи дигар била таъбир этдим ва ул таъбир ул турурким, Ҳазрати Исо! алайҳис салом мазҳари ихё турурлар, то авлиёуллоҳдин ҳар ким бу сифати ихё била зоҳир бўлса, ойтурлар «Исавий ал-машҳад турур». Вақтеким, олар бу фақирнинг тарбиятини ўзлариға олдилар, бу фақирда қулуби майиталарни ихё этмак сифати ҳосил бўлур».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдилар: «Андак муддатидин сўнг Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бу таъбир мужибинча қуввате ҳосил ва ҳолатеға мушарраф этдиким, бу маъни зуҳурға келди ва кўб кишилар гафлатнинг тангносидан ҳузур ва шўхуднинг фазосиға етдилар».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни тушда кўрдум. Асҳоб ва ғайри асҳобдин жамъи анбуҳ била бир бағоят баланд тоғнинг этагида ўлтуруб турурлар. Ногоҳ ул бу фақирға ишорат этдилар: «Кел, мани кўтариб бу тоғнинг устига чиқоргил». Ман ул Ҳазратни бўйнуғма кўтариб юқори чиқориб, тоғнинг қулласиға қўйдум. Ул Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам истехсон этдилар ва ойтдилар: «Ман билур эрдимким, санда бу қувват бордур ва бу иш сандин келур, лекин хоҳладимким, бошқалар ҳам билсунлар».

(Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожа Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳуни тушимда кўрдумким, бир кечада келдилар ва манинг ботинимға тасарруф этдилар, ондоғким, оёқларим суст бўлди. Ондин сўнг равон бўлди-

1. Таржимон бу ерди Хизр деб ёзган. Форсчасида эса Исодир.

лар ва ман ҳам ҳар ваҳж била қувватим борича ўзумни Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға етуштирдим. Орқаларига қараб ойтдилар: «Му-борак бўлсун».

Ва (Ҳазрати Эшон) ойтур эрдиларким: «Бу воқеадин сўнг Хожа Муҳаммад Порсони, қуддиси сирруҳу, тушимда кўрдим ва олар ҳам хоҳладиларким, манга тасарруф (этсалар), аммо эта бил-мадилар».

Ва ойтур эрдиларким: «Мирзо Улуғбекнинг даргоҳида бир қари ясовул бор эрди. Гоҳе одамларни сиёсат учун ётқузуб урур эрди. Бир кун Тошкандга пайғом йибордиким: «Шайхзодалар мазорда жамъ бўлсунларким, оларни кўрмакка борурман». Ҳамма жамъ бўлди-лар, ул етти тан эрдилар ва ман ҳаммадин кичикроқ эрдим. Вақте-ким, ул ясовул келди, ҳамма бирлан мусофаҳа ва муонақа этди ул кишигаким кайфияте бўлуб оёқдин йиқилди ва ётди. Вақтеким, манга мусофаҳа этди, манга ҳам кайфияте пайдо бўлди, аммо са-букдастлик этдим ва онга ёпушдим ва йиқилмадим. Ва онга мандин бу чусту чолонклик кўб хуш келди ва таажжуб этди, бовужуди улким, ман ҳаммадин ёш эрдим, мани ҳаммасига тақдим этди ва сўзлаганда манга хитоб этди. Ва бу асно хотирга келдиким, бову-жуди ботинларга бу тариқа тасарруф ва истило била, бу на ишдур-ким, олар ихтиёр этиб турурлар? Онга бу хотирга ишроқе бўлуб, ойтдиким: «Ман Хожа Ҳасан Атторнинг муридлари эрдим. Неча муддатилар оларнинг мулозаматларида бўлдум ва сабақи ботинга машғул эрдим ва ҳеч тариқа манга фатҳе бўлмади. Охируламр дарди дилимни Хожа (Ҳасан Аттор)ға арз этдим. Ойтдиларким: «Санга подшоҳларнинг даргоҳида бир хизматни ихтиёр этмак керакдур-ким, мазлумларнинг рўзгориға санинг мададинг етушгудек бўлсун». Бас, мени бу шуғлда ишорат этдилар ва Мир Саъидким, Мирзо Улуғбекнинг умароларидин турур, онга сипоришнома ёзиб, манга васият этдиларким: «Ҳамишга мусулмонларнинг муҳимларининг кифоятида, фуқаро ва масокинларнинг имдодида саъе балиғ кўргуз-гил. Агар бир мусулмонга муҳимме бўлсаким, онинг кифоятидин ожиз келсанг, керакким, онинг ғамида бўлсанг ва ўзунгни малул этсанг ва онинг малолати била уйқуға борсанг, умиддурким бу муомала муфзий бўлса ул муҳимнинг фатҳ бўлмоқиға».

Ондин сўнг ман Ҳазрати Хожа (Ҳасан Аттор)нинг буюргон-ларига машғул бўлдум ва ул аснода фатҳе манга даст берди ва уқдалар очилди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Авойили ҳолда ниёзманд-лик манинг ботинимга ондоғ муставлий эрдиким. ҳар киши бан-

даву озоддин, сиёҳу сафид, сариғу кабирдин мулоқий бўлса, онинг оёқиға бош қўёр эрдим, тазарруъ ва ибтиҳоли тамом била ондин ҳиммат ва илтифоти хотир талаб қилур эрдим».

Ойтур эрдиларким: «Авойилда манинг отамнинг мавзеи Каласда зироатлари бор эрди. Бир мартаба ғаллани бир турки саҳройи бирлан манинг ёнимға йибориб эрдиларким, ман они жой этсам ва ман ғалланинг забтиға машғул бўлдим. Ул турк жуволларни олиб кетибдур. Вақтеким, воқиф бўлдим, манинг ботинимда ул кеткон важҳдин изтироби азим пайдо бўлдиким, ондин ҳиммат дарюза этиб, ниёзмандлик кўргузмадим. Ўзимда бу тақсирдин андуҳи ажабе мулоҳаза этдим. Ғаллани шундоғ қўйдим, онинг изидин таъжили тамом била югурдим ва они шаҳарнинг ярим йўлида топдим. Ажз ва ниёз ва тазарруъи тамом била онинг йўлини тутдим ва ондин талаб этдимким: «Гўшаи хотирингизни ман тарафга тутунг ва манинг ишимга назаре этинг, бўлғайким, сизнинг баракатингиз била Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло манга раҳм этгай ва манинг боғлиғ тугунларим очилгай». Ул турки саҳройи мутаажжиб ва мутаҳаййир бўлуб ойтди: «Ғолибан, сиз турк машойихларининг сўзлариға амал қилурсизким, ойтиб турурлар: «Ҳар ким кўрсанг Хизр бил ва ҳар тун кўрсанг қадр бил». Ва агар мундоғ бўлмаса, ман бир турки саҳройи, бағоят беҳосил турурманки, юзумни зарурат била юварман, бу маънилардинким, сиз онинг толиби турурсиз, манга ондин хабар йўқ турур».

Ва манинг касрати ниёзимдин ул туркда асаре ва кайфияте пайдо бўлди ва қўлини дуоға кўтарди ва манинг ҳақимға неча дуолар этди. Ва ман онинг дуосидин ботинимда кўб-кўб кушодликлар мушоҳада этдим».

Ойтур эрдиларким: «Ёшлиқимда қуввати воҳима манда бағоят қавий эрди. Уйдин танҳо ташқари чиқа билмас эрдим. Бир кеча амре манинг дилимға ориз бўлди ва зўр келтурди ва қувват этди. Иш жойға етушдиким, сабру қарорим қолмади ва ихтиёр қўлдин кетди. Беихтиёр бевақт уйдин ташқари чиқдим. Ул завқ бўлдиким, Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорлариға бордим. Мазорға кирдим ва бир соат Шайхнинг қабрлари олдида ўлтурдим. Ҳеч қўрқув бўлмай, ул ердин Шайх Хованд Таҳур мазорларини тавоф этмак дағдаға бўлди. Ул ерга бордим ва ҳеч қўрқмадим. Ва ул ердин Ҳожа Иброҳим Кимёгарнинг мазориға бордим ва ул ердин Шайх Зайнуддин кўйи Орифоннинг мазориға бордим ва ҳеч тарсе ва қўрқув ўзимда мавжуд топмадим. Мундин сўнг

азизларнинг руҳониятлари мадади била ул ёшлиқда ҳеч бир мазорда ва мавзеи муҳибларда кўрқмадим».

Ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолдаким, маҳалли галаботи аҳвол эрди, кечалар Тошканд мазоротларининг атрофларини ойлонур эрдим ва ул мазоротлар бир-биридин кўб узоқ турур. Гоҳ бўлур эрдиким, бир кечада ҳаммасини ойлонур эрдим. Ва ул замонларда ҳадди балоғатга етиб эрдим. Мутааллиқга таваҳҳум бўлдиким, мабодо бир номарзий амалга машғул бўлсам. Шахсиким, бу фақирга ҳамширалик ва ризоий биродарлиги бор эрди, манинг изимдин йибордилар, то манинг аҳволимни тажассус ва тафаҳҳус этса.

Бир кеча Шайх Хованд Таҳурнинг мазорларида қабрнинг муқобаласида ўлтуруб эрдиким, ул киши келди. Вақтеким, манинг ёнимга келди ва қўлини манга урди ва қалтирар эрди. Ойтдим: «Санга не бўла турур?» Ойтди: «Ажаб нимарсалар назаримга келур, яқин турурким, ҳалок бўлсам». Они уйга келтурдим ва бизнинг уйнинг одамлариға ойтиб турурким: «Ондин андишга этманглар ва кўнглунгизни жамъ тутунгким, ул бошқа ишнинг талабида турур. Шундоғ қоронғу кечадаким, ўн мардона киши ул мазорға кира билмаслар, ул танҳо бориб Шайх Хованд Таҳур қабрларининг муқобаласида ўлтурубдур».

Ондин сўнг бизнинг одамларимиз билдиларким, на ишга мубталолиқ воқеъ турур.

Ойтур эрдиларким: «Ибтидон ҳолда бир саҳар Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорлариким, бағоят муҳиб ва ҳавлноқ жой турур, ондоғким, киши кундуз кунида ул ерга танҳо борса кўрқар, онда ўлтуруб эрдим. Ва Тошкандда бир жумрийи бор эрдиким, манинг била мақоми инодда ва инкори тамоми бор эрди ва доимо фурсат ахтариб, мутарассид эрдиким, манга озоре ва изое етурса. Ул шул саҳар манинг изимда эркан. Вақтеким, ман ул жойда бошимни ошоқ, солиб ўлтуруб эрдим, бир замон ўтуб эрди, ногоҳ камингоҳдин югуруб чиқиб, наъра уруб, арбадалар этиб, мани кўркутмоқ ва ҳарос бермак учун манинг устумга югурди. Ва манга ул мажол йўқ эрдиким, онинг наъраси ва садмасидан кўрқсам ё манинг хотиримга онинг ҳаракатларидин ҳавле ва ҳайбате йўл топса. Ва шундоқ, бошимни ошоқ солиб ўз қароримда ва ҳолимда бўлдим ва қатъан онинг парвойини этмадим. Вақтеким, ул жумрийи бу ҳолни мушоҳада этди, бағоят мунфаил бўлуб ва ўз афъолидин хижлу шармисор бўлуб, йиғлай-йиғлай манинг олдидимда юз тубан йиқилиб ер ўпди, ёронларнинг ва муҳибларнинг биридин бўлди».

Ойтур эрдиларким: «Яна бир кеча Шайх Зайнуддин Кўйи Орифоннинг мазорларида ўлтуруб эрдим, ул мазоре турурким, шаҳардин бир фарсаҳ узоқ ва ул ҳаволий ва навоҳийда одамлар камроқ бўлур эрди. Ва Тошқандда бир девона бор эрди баланд қомат ва қавий ҳайкалким, равшан кунда бозорнинг ичинда одамлар андин қўрқар эрдилар. Ва ул кунларда ҳам бир кишини ўлтуруб эрди. Ногоҳ бу ярим кечада бу гўристонда пайдо бўлди ва манинг бошим устида ҳашар этуб, ғавфо этдиким: «Бу ердин туруб чиқиб кеткил». Ва ман асло анга илтифот этмадим ва ўз нисбатимдин айрилмадим ва таважжухим бор эрди, они қўймадим. Ва ул андоғ муболаға ва ибром этур эрди. Ногоҳ югуриб бориб, дарахтлареким, мазорда бор эрди, шохларини синдуруб, улуг бир даста боғлаб келтурди ва сармазорнинг масжидиға кириб, ул ерда чироғ ёқиб, ташқари чиқди. Фарази ул эрдиким, ул шохаларни ёқиб, манинг устимға ташласа. Бу ишда эрдиким, шамол келиб, ул чироғни ўчурди ва онинг ғазаби ўти зиёда бўлуб, ғавфо ва ошуб этиб, жунуни тугён этди. Раъддек ғарив этиб, атрофимни ойлонуб ва ўзича бир нимарсалар ойтур эрди. Ва ман мутлақо анга илтифот этмадим ва хотиримға ҳеч тараддуд ва тазалзул йўл бермадим. То тонг отгунча манинг била муомала шул эрди. Вақтеким, сабоҳ бўлди, Тошқанд бозориға кириб, яна бир одамни ўлтурди. Одамлар онга ҳужум этиб, қатл этдилар».

Ойтур эрдилар: «Ул нимарсаким, одамлар ойтурлар, мазоротда бизларнинг олдимизга нимарсалар келур, ҳаргиз манинг нисбатимға воқеъ бўлмади. Ондин бошқаким, бир кеча Хованд Тахурнинг мазорлари айвони олдида ўлтуруб эрдим, ногоҳ юқоридин бир қора нимарса ерга тушуб ётди. Андак ташвиш манинг хотиримға пайдо бўлди. Ул ердин туруб келдим. Яна бир мартаба ҳам бир кеча ўлтуруб эрдим, сарвлариким айвоннинг олдида турур, оларнинг тагидин сурфа овози келди. Ул ердин туруб, илгари бориб ўлтурдим. Мазорларнинг атрофларини ойланиб, неча мартаба юрган била ҳеч нимарса воқеъ бўлмади».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ, равваҳаҳуллоҳу руҳаҳунинг мунтасиблариким, бозорларда юрурлар, қулоқларига ҳамма зикр овози келур, зикрдин бошқа нарса эшитмаслар. Мабодийи ҳолда зикр шундоғ ғолиб бўлуб эрдиким, шамол ва ҳар овозеким қулоқимға келур эрди, зикрнинг овози эшитилур эрди. Тошқанд одамларидин бир кишиким, они Муҳаммад Жаҳонгир деб ойтур эрдилар. молдор ва соҳиби жоҳ киши эрди. тўйи бериб эрди, Самарқанддин хонанда ва созанда ва уду чангни киши

йибориб, бу вилоятга келтуруб эрди. Бир кечадаким, гавғойи азим бўлди, бир кишига мувофақат этуб, зарурат била онинг манзилига яқин бориб эрдим, одамларнинг ҳамма овозлари, уду чанг нағмалари манга зикр овози кўрунур эрди, зикрдин бошқа ҳеч эшитмас эрдим. Ул вақтларда ўн саккиз ёшимда эрдим».

**Ҳазрати Эшонинг  
бидояти ҳолда тажаррудлари ва  
фақирлиқлари зикрида**

Ойтур эрдиларким: «Мирзо Шоҳрухнинг замонида Ҳирида бўлур эрдим. Манинг бир пулга қудратим йўқ эрди. Бир дастор бор эрдиким, кўҳна бўлгон, пора-пора бўлуб, ҳар ердин бир бўлоки осилгон, бирисини банд этсам, яна биридин кетиб осилур эрди. Бир кун Бозори Маликда борур эрдим, бир гадой мандин нимарса савол этди, манинг ҳеч нимарсам йўқ эрдиким, онга берсам. Дасторимни бошимдин олдим, ошпазнинг олдиға ташладим ва ойтдим: «Бу дастор покиза турур, қазон ювгондин сўнг дастмол бўлур, сақлагил ва бу гадойға бир нимарса бергил». Ошпаз гадойға бир нимарса бериб, хушнуд этди ва дасторни адаби тамом била манинг ёнимға келтурди. Ман қабул этмадим ва туруб кетдим».

Ойтур эрдиларким: «Кўб одамларға хизмат этдим. Манинг отим ва маркабим йўқ эрди. Бир йилда қабое кияр эрдиким, пахталари ташдин чиқар эрди. Ва уч йил муддатида бир пўстин кияр эрдим. Ва ҳар уч йил муддатида бир тош тобон этук кияр эрдим».

Ойтур эрдиларким: «Мусофаратнинг авойилида бир қиш Мавлоно Мусофир била Шоҳрухияда бўлдуқ. Хужрамиз бир эрдиким, эшиги кўчаға қараган эрди ва хужранинг ичи кўчадин кўб паст эрди ва ёмғур вақти хужрага лой ва сув кирар эрди. Саҳарлар масжидга борур эрдим, ул ерда намоз ўқур эрдим. Ва ул қишда манинг жомаларим кўб юбқа эрди, баданимнинг нисфи асфали асло иссиғ бўлмас эрди».

Ойтур эрдиларким: «Жамъийатнинг асбобини ҳаммасин муҳайё этубмиз. Киши керакким саъй этса. Агар асбоби жамъийатни тафриқа ва бекорлиқға сарф этсалар улуг айб бўлур. Ва бизга ҳаргиз гурбатлардаким, бу ишнинг талабиға кетуб эрдуқ, икки ибриқ иссиқ сув таҳорат учун беташвиш қўлга кирмади. Шайх Баҳоуддин Умарнинг суҳбатларидин вузв таҳорат учун гоҳо шаҳарға борур эрдуқ. Хотирға келур эрдиким, не бўлур агар Шайх ул миқдор этсаларким, шул ерда қишларда таҳоратхонада иссиқ сув фуқароларнинг таҳорат этмагиға муяссар бўлса. Аммо муяссар

бўлмас эрди. Биз ҳужраю шамъ ва таҳорат суйи ва таҳорат жойи ва ҳаммом ва мо-яҳтожуким, ичмак ва емак ва киймак ҳаммасини асҳоблар учун муҳайё этуб қўюбмиз. Машоғилнинг ҳужумидин аввал фурсат бағоят ганимат турур».

Ва ойтур эрдиларким: «Беш йил Ҳирида бўлдим. Гоҳ бўлур эрдиким, бир ҳафта икки мартаба-уч мартаба Шайх Баҳоуддин Умарнинг уйларига борур эрдим. Бу муддатиларда ул ерда икки мартаба нимарса едук. Сабаб ул эрдиким, Мир Ферузшоҳнинг биродари Мир Маҳмудшоҳ Шайх (Баҳоуддин Умар)нинг жойларига келиб эрди. Зоҳиран, бир қўй сўйиб, ош этуб эрдилар. Биз ва Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) ташқорида ўлтуруб эрдук. Олдимизга таом келтурдилар. Ва яна бир мартаба Шайх олма билан ифтор этдилар. Оларнинг тишлари солим эрди. Ва ул кунларда манинг тишим оғур эрди. Бир андак олма мувофақат расминда едим».

Ойтур эрдиларким: «Биз ва Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) бир кун Шайх (Баҳоуддин Умар)нинг хизматиға бориб эрдук. Ул кунда ҳаво бағоят соф эрди. Хизмати Шайх хоҳладиларким, басте этсалар. Бизларга ойтдиларким: «Мавлоно Жалолуддиннинг ёнимга борингим, сизлар учун таом тайёр қилурлар». Ва бу Мавлоно Жалолуддин оларнинг биродари тариқатлари эрди ва Хожа Сурманнинг мазорларига мутаввали ва шайх эрди. Ваҳоланки, ман ҳеч вақтда мутаввалининг таомини еганим йўқ эрди. Шайхнинг буюрғонлари ваҳҳидин бордуқ. Ва Мавлоно Жалолуддин ул улугъ ёфдаким, мазорнинг олдида воқеъ турур, бир балиқ тутган эрканлар. тахминан, йигирма мисқол бор эрди. Они кабоб этиб бизларнинг олдимизга келтурди. Ва андин сўнг муддати мадидда мувоқабага машғул бўлди. Мавлоно Саъдуддинга ишорат этдимким, ташқари чиқолуқ. Жойимиздан турдуқ ва чиқиб кетдуқ».

Ойтур эрдиларким: «Усто Фараҳ Табризий марде эрдиким, Мирзо Шоҳрухнинг замонида соҳиби аёр<sup>1</sup> ва Ҳирининг саррофларининг ва заргарларининг улуғи эрди. Ва хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум хуновдаларига қўб иродати бор эрди. Ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қудлиса сиррухудин таълимға ва илтифоти хосға мушарраф бўлуб эрди. Ман Ҳирида кишининг таомини емас эрдим. Ул бу маънини билиб эрди. Моҳи шарифи рамазоннинг ғаррасида эрдиким, қасам ичиб эрди, агар онинг уйида ифтор қил-

<sup>1</sup> Бу сўзни араб ёзувида бир неча хил ўқиш мумкин ва улардан олтининг сифатини текширувчи, қўб иш қўрган ва айёр, алдончи маънолари чиқади. бу ерда олтининг сифатини текширувчи маъносилда.

масам, хотини талоқ бўлурга, ҳийла этиб эрди. Зарурат юзидин рамазоннинг оқшомлари ул ерга бормоқ керак бўлди. Ондин кўб хизматлар ва шафқатлар кўрдим. Ва бизга ул замонда истеъдод йўқ эрдиким, онга хизмате била мукофот этсам. Ва бизга қудрат ва макнат пайдо бўлганда ул вафот топиб эрди. Аммо, онинг ўғлига маблағи ўн минг динор кабакий риюя этдук. Ва ондин бошқа хизматлар ҳам бажо келтурдук».

Ҳазрати Эшон умрлари ибтидосидин то интиҳосиғача ҳаргиз кишидин ҳадя ва тухфа қабул этмадилар. Мавлоно Аҳмад Коризий алайҳир раҳма азиз киши эрди. Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин қуддиси сирруху вафотларидан сўнг, ўз қўллари била оқ кўзи юнгиндин игириб, нозук ва ҳарир қилиб, жомадор чакмен этиб ва анинг ҳамма ишида эҳтиётни маърий тутуб ва Кориз вилоятидин Самарқандга тухфа расмида йибордилар ва илтимос этдиларким, Ҳазрати Эшон они кийсунлар. Вақтеким, назари муборақларига келтурдилар, ойтдиларким: «Бу жомани кийсак бўлур, валекин ондин садақа <sup>1</sup>нинг иси келур. Биз умримизда ҳеч кишидин бир нимарса қабул этмодук. Хизмати Мавлавийға биздин узрхоҳлик қилинг» деб. Бас, ул чакманни яна неча банд қоғоз била ҳадя расмида Мавлоно Аҳмад учун Коризга қайтариб йибордилар.

Бир кун Ҳазрати Эшон шаҳардин неча фарсаҳ узоқ бир саҳродин ўтуб борур эрдилар ва худломлардан ва асҳоблардин неча киши жамъи касир сувора ва пиёда оларнинг миҳафбалари атрофида борур эрдилар. Ва ҳаво кўб иссиғ эрди, ногоҳ узоқдин бир неча қора уй кўрунди. Ва ул ердин уч киши бу жонибга мутаважжих бўлдилар. Ва бир нимарса ўзлари била ҳамроҳ олиб келтурдилар ва таъжили тамом била ул Ҳазратнинг йўлларидин тутдилар. Ва ул қора уйлуклар улуғи эрди. Бир семуз эчкуни бир кишининг бўйнида кўюб ва бир улуғ карсон тўла қотиқ, яна бир киши қўлида йўлниинг ўртасида Ҳазрати Эшоннинг миҳафбалари олдида тизини ерда кўюб ўлтурди. Ходимлар миҳаффаниннг отларини сақладилар. Бас, ул ниёзмандлик юзидин ойтди: «Эй, хожам, бу эчку ҳалол турурким, сизнинг мулозим ва худдомларингиз учун назр этубдурман. Бу карсон қотиқ покиза турурким, келтурубман, то сизнинг мулозимларингиз ичсунлар». Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Ман кишининг назрини ва ҳадясини олмасман. Эчкуни рамаға йиборғил <sup>2</sup>. Аммо қотиқнинг баҳосини бериб олурман». Ойтди: «Бу саҳрода қотиқнинг баҳоси ва қадри йўқ турур». Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Ман кишининг нимарсасини муфт олмасман». Бас, ходи-

1. Форсчада «бўйи сидқ» дейилган.

2. Форсчада: «ўзингни подангга қайтарғил».

мға ойтдилар, то бир шоҳрухий бер, деб. Ходим берди. Ул вақт қотиқ-ни талаб этдилар, бир оз ичдилар. Бас, ҳамма сувора ва пиёда андин ичдилар ва равон бўлдилар.

**Ҳазрати Эшоннинг  
ғино ва тамавулларининг ниҳояти  
камолға етконининг зикрида турур**

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким; «Мабодийи ҳолдаким, Ҳирийда бўлдум, Ҳазрати Саййид Қосим Табрисий қулдуса сир-руҳу мулозаматлариға қўб борур эрдим ва олар таомларидин қолгон сарқитларини манга берур эрдилар ва ойтур эрдилар:

«Эй шайхзодаи Туркистоний, ондоғким, бизнинг бу нохушларимиз бизга қибоб<sup>1</sup> бўлуб турурлар. Тез бўлурким, санинг дунёнг санга қибоб бўлур». Ва ул вақтеким, Ҳазрати Саййид бу сўзини ойтдилар манда ҳеч дунё йўқ эрди».

Ҳазрати Эшон йигирма икки ёшларида эрдиларким, дойилари Хожа Иброҳим оларни Тошканданким, ватани маълуфлари турур, таҳсили илм ниййати билан Самарқандга келтурдилар. Оларга ботиний шуглнинг ғалабаси улуми зоҳирийнинг таҳсилидин монёз бўлди.

Ул ваҳҳдин бу силсилаи шарифа қаддасаллоҳу арвоҳаҳум маҳодимларининг мулоқотлари ва суҳбатлариға майл этиб, бу ишнинг талабига юз келтурдилар, ондоғким, бу мақсаднинг учлончи фаслида ирод топар.

Ва икки йил муддати Моварсуннаҳрда бу хонивоода ақобирлари пироманларида юрдилар. Ва йигирма тўрт ёшларида Ҳирот шаҳриға бордилар. Ва беш йил муддати Ҳиротда машойихи вақт била суҳбат тутдилар. Ва йигирма тўққуз ёшларида ватани маълуфлариға қойтиб келдилар. Ва ул ерда деҳқончилик қилиб, зироатға шугл этдилар. Ва бир кишига шерик бўлиб, онинг иттифоқи била бир жуфт ўкуз юрутдилар. Ва ондин сўнг Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло оларнинг зироатларида қўб баракатлар зоҳир этди.

Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг молу маноллари ва зиёу ақор ва ғаллаю рамалари ва абиду мавошийлари, асбобу амлоклари ҳадду андозадин ташқари эрди ва ҳийтаи ҳисоб ва доираи шўмордин зиёд эрди.

---

2. Қибоб — яшириш, билдирмаслик. ўзини айёрликка солиш.

Иккиланчи мартабадаким, бу ҳуруф роқими Ҳазрати Эшоннинг остонбўслиқларининг шарафига мушарраф бўлди, оларнинг баъзи саркорларидин эшитдиким, ул Ҳазратнинг мазраъалари минг уч юздин ўтуб турур. Ул вақтларда мушоҳада этулдиким, яна неча мазраъаларни сотгун олинди.

Ва Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурраҳмон Жомий қуддиса сирруҳу китоби «Юсуф ва Зулайҳо»да Ҳазрати Эшоннинг мангабатларида бу маънига ишорат этиб турурлар.

Байт:

*Ҳазораш мазраъа дар зери кишт аст,*

*Ки зоди рафтани роҳи биҳишт аст.*

(Мингта экинзор экин остидадир,

Яъни бу жаннат йўлида юриш учун жамғармадир).

Ул фурсатдаким, бу ҳуруфнинг роқими остонбўслиқга мутаважжих эрди, Қаршига келди ва кечаси Ҳазрати Эшоннинг баъзи саркорларининг манзилида бўлди. Ул ойтди: «Ман Қаршининг жўйборининг соҳиби насақидурманким, Ҳазрати Эшоннинг минг уч юз мазраъаларидин бир мазраъа турур». Фақир сўрдиким: «Бу жўйборда неча жуфт авомил зироат бўлатурур?» Ойтди: «Ҳар йил ёф қазмоқ учун бир қўш ўкузлик ердин бир киши чиқар, адади уч минг бўлур».

Бир кун Ҳазрати Эшон тақриб билан ойтдиларким: «Ман ҳар йил Хоссатан Самарқанд мазраъасидин Самарқанд тошига сексон минг ботмон ғалла маҳсулимизнинг ушрини султон Аҳмад Мирзонинг девониға жавоб ойтурмиз». Ва ойтдилар: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бизнинг молларимизда баракате қўюб турурким, ҳар хирманеким ҳарз эткучи соҳиби вуқуфлар минг ботмон ғаллани ҳарз этсалар, ўлчаган вақтда минг тўрт юз ва минг беш юз ботмон ғалла келур».

Мулозимлардин бир киши Ҳазрати Эшоннинг баъзи анборхоналарининг ғалласининг онга тааллуқи бор эрди, ойтдиким: «Ғалланинг харжи гоҳо дахлидин зиёда келур ва йилнинг ахийрида кўрарманким, анборхонада ҳануз ғалла кўб боқий қолибдур. Ва бу ҳолнинг мушоҳадаси Ҳазрати Эшонга манинг яқиним зиёда бўлмоққа сабаб бўлур эрди».

Бир мартаба бу маънини Ҳазрати Эшондин истифсор этдим. Ойтдилар: «Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, мундоғ молға хосият шул турур».

*Раишха.* Бир кун Ҳазрати Эшон «Инна аътойнака-л-кавсар»<sup>1</sup> ояти каримасининг маънисиди ойтдиларким: «Муҳаққиқлар бу оятнинг тафсирида шундоғ деб турурларким: «Бердим санга Кавсарни, яъни аҳадиятни касратда мушоҳада этмакни бердим». Бас, кишиким, бу машҳад онинг мақоми турур, ҳар оина зарроти кинотдин ҳар зарраким онга оина турурким, онда ваҳҳи боқийнинг жамолини мушоҳада қилур. Бу янглиғ кишигаким, мосиво била мусаммо бўлгон шухуд ва тажаллийи вужуднинг зиёда бўлмоқиға сабаб бўлса, асбоби дунявий жамоли мақсудга нечук ҳижоб бўлур? Ва онинг маҳжублиғи нечук сурат боғлар?» Ҳазрати Махдумий (Абдураҳмон Жомий) қуддиси сирруҳу китоби «Тухфат ул-Аҳрор»да Ҳазрати Эшоннинг мангабатларида бу маъниға ишорат этуб, ул ердиким ойтуб турурлар.

Маснавий:

*Зад ба жаҳон навбати шаҳаншоҳий,  
Кавкабаи фақри Убайдуллоҳий.  
Он, ки зи ҳуррияти фуқаро огоҳ аст,  
Ҳожа Аҳрор Убайдуллоҳ аст.  
Рўйи замин на сару на бун аст,  
Дар назараш чун рўйи як нохун аст.  
Як рўйи нохун чу ба даст оядаш,  
Кай ба раҳи фақр шикаст оядаш.  
Лужжжи баҳри аҳадият дилаш.  
Сурати касрат садафи соҳилаш.  
Ҳаст дар он лужжжаи ноқаър боб,  
Қубба нўҳ тўйи фалак як ҳуббоб.  
(Убайдуллоҳнинг фақирлик юлдузи,  
Жаҳонда шоҳаншоҳлик навбатини эгаллади.  
Ҳожа Аҳрор Убайдуллоҳгина,  
Фуқаро ҳурриятидан огоҳдир.  
Унинг учун ер юзи на бошланишу на тугашдир.  
(Ер юзи) учун бир тирноқ юзичадир.  
Битта тирноқ юзи унинг қўлига кираркан,  
Қандай қилиб фақирлик йўлига зарар етсин.  
Унинг дили аҳадият денгизининг қаъридир,  
Садаф кўплигининг сурати унинг соҳилидур.  
Қаъри йўқ бу денгиз туби ичида,  
Тўққиз фалак қуббаси бир ҳубоб кабидир).*

1. «Албатта, Биз сизга Кавсарни бердик» (Кавсар, 1-оят.)

**Ҳазрати Эшоннинг  
хосу оммдин коффаи аномга нисбатан  
хизматлари ва шафқатларининг зикрида турур**

Ҳазрати Эшон ибтидои ҳолларидин то маротиби камолларининг интиҳосигача ошно ва бегонанинг шафқати ва хизматиға, дўсту душманнинг ионати ва риоятиға ҳарис ва мавлиъ эрдилар. Маҳофил ва мажолисларда хизмат этмоқда ҳамма кишиға сабқат кўргузур эрдилар.

Ойтдилар: «Вақте Самарқандда Мавлоно Қутбуддин Ҳайдарнинг мадрасасида бўлур эрдим, икки-уч касалникомим, маразии ҳасбалари бор эрди, тааххуд ва бемордорлиқ қилур эрдим. Олар шиддати мараз сабабли бешуъур эрдилар, жомалари ва тўшакларини ювмоқға муҳтож бўлур эрди, ман ювар эрдим ва олардин дафъу рафъи изо қилар эрдим. Ва бундай воқеа тез-тез бўлур эрди. Ва манга ҳам бемордорлиқ ва анинг лавозимини этган жиҳатимдин ҳасба бўлди. Бир кечаким, таби муҳриқ тутиб эрди, уч-тўрт кўза сув келтурдим, беморларнинг жомаларини ва тўшакларини ювуб, покиза этдим».

Ойтур эрдилар: «Вақтедаким, Ҳирида бўлдим, саҳарлар Ҳирининг ҳаммомиға борур эрдим ва одамларни ходими қилур эрдим. Гоҳ бўлур эрдиким, ўн беш-ўн олти кишиға хизмат этуб, ул хизматда яхши ва ямон, оқу қора, озоду бандани фарқ этмас эрдим. Гоҳ шундоғ бўлур эрдиким, ҳаммомнинг гармхонасида беш-олти кишиға ходими этуб бўлгондин сўнг қочиб кетар эрдим, то ул кишиларга ужра бермак дағдаға бўлмасун. Ва агар бўлса ҳам мани тобмасунлар».

Ва ҳаётларининг охирларида ойтур эрдилар: «Ҳаммомда бу тариқа хизматларни кўб этканимдин ҳаммомнинг ҳароратидин табиатға кўфта йўл топибдур. Бу жиҳатдин ҳоло ҳаммомға рағбат бўлмас». Ва ҳаммомға кам борур эрдилар, сабаби шул эрди, деб ойтур эрдилар.

Ойтур эрдилар: «Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларида ҳиммати хотир масруф этмак ул бўлурким, вақтнинг муқтазоси не турур? Зикр ва мувоқабат вақтеда бўлурким, ул вақтда хизмате бўлмасаким, ондин мусулмонға роҳате етушур бўлса. Ва хизматеким, кўнгул аларнинг қабулиға сабаб бўлса, зикр ва мувоқабатдин муқаддам турур. Ва баъзи гумон этуб турурларким, на вофил ибодатға иштиғол этмак хизматдин авло турур, аммо

хизматнинг самараси муҳаббат ва кўнгилларда тамкин турур. «Жубилат ул-қулубу ала ҳуббин ман аҳсана илайҳо», яъни кўнгуллар эҳсон эткучи кишининг муҳаббатига ва они дўст тутмоқга мажбур турур, бул маънининг мубаййани турур. Ҳаргиз навофилнинг асароти ва самаро ти ул асар ва самара ва на-тижаким, мўминларнинг муҳаббатига мураттаб бўлур, онинг била баробар бўлмас».

Ойтур эрдилар: «Ул маъноким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва оларнинг мутобиълари қаддасаллоҳу арвоҳаҳум осонлиқ била кишининг хизмати қабул этмай турурлар. Ва ул жиҳатдан-дурким, хизмат ва тавозеъ эҳсоннинг жумласидин турур, муҳсинга муҳаббат этмак зарурий ва муҳаббатнинг андозасида алоқа воқеъ. Вақтеким, олар тамоми ҳимматларини жамъ қилмоқ била нафйи халқга машғул турур ва хоҳламасларким, оларга ҳечгуна алоқае бўлса. Бас, заруратдин саъйу эҳтимолари бўлурким, то эта билсалар хизмат этурлар ва қабули хизмат қилмаслар. Ва одамедин хизмат қабул қилурларким, онда ул истеъдодни топ-саларким, кун-кундин оларнинг тариқа ва таврларидин баҳра-манд бўлсалар. Ва онинг оламдин алоқаси оларнинг илтифоти хотирлари ва қабуллари сабабидин камроқ ойланса ва онинг ботини жамъиятдин олами маъмур ва мунаввар бўлса».

Ва ойтур эрдиларким: «Ман бу тариқни сўфийянинг кито-бларидин олғоним йўқ турур, балким одамларнинг хизматидин олдим, на улким манга ўргатган бўлсалар. Аммо хизматнинг хо-сияти шул турур».

Ойтур эрдиларким: «Ҳар кишини бир эшикдин келтируб-дурлар, мани хизматнинг эшикидин келтуруб турурлар, бу жи-ҳатдин турурким, хизмат манинг марзом ва мухтор ва маҳбубам турур. Ва ҳар кимга умидворликим бўлса, хизмат буюрурман». Ва бу байтни ўқудилар:

*Ҳиммати хизмат туро бу кунгураи кибриё кашад,  
Он сақфгоҳро беҳ аз ин нардобон махоҳ.*

(Хизматга ҳиммат кўрсатиш сени

кибриё кунгурасига етказди,

У томни бу нарвондан яхши деб билма).

Ва мен шундоқ ўқурман:

*«Хизмат туро ба кунгураи Кибриё кашад».*

*Ҳазрати Эшоннинг  
оммаи халойиққа нисбати риояи адаб ва  
хурматлари зикрида турур*

Ҳазрати Эшон хало ва малода камоли адаби зоҳирӣ ва ботинӣ била муттасиф эдилар. Суҳбатда ва хилватда одоби зоҳирӣ ва ботинийни риоя қилур эрдилар.

Бу ҳуруфнинг роқими ул майманат нишон авқотлардаким, ул Ҳазратнинг остонаи валоят ошёнлариға мулозим эрди, кеча ва кундуз хизмат ва мулозаматға мудовамат этур эрди, аввалғи мартабада тўрт ой муддати ва иккиланчи мартабада саккиз ой муддати ҳаргиз кўрмадиким, Ҳазрати Эшон ҳамёза эткон бўлсалар ё сурфа ё ғайри сурфа била ё суве муборак оғизларидин чиқариб тошлагон бўлсалар ва бурунларин симқурган бўлсалар. Ва ҳаргиз кўрмадиким, хало ва мало ичида кеча ва кундузнинг авқотларидин бир вақтида мураббаъ ўлтургон бўлсалар.

Хизмати Мавлоно Абу Саъид Ўбаҳийким, ул остоннинг мулозимларининг жумласидин эрди, ўттиз беш йил муддат ул остонга манглайн суртиб эрди, шундоғ ойтдиким: «Ул муддатилардаким, мулозамат ва хизматға қиём кўргуздим, ҳеч бир суҳбатда ва хилватда ҳаргиз кўрмадиким, узумнинг донасини ва пўстини, олма ва амруд ва беҳи ва буларға ўхшаш меваларнинг пўстини муборак оғизларидин чиқариб ташлагон бўлсалар. Ва ҳаргиз кўрмадиким, бурунларин симқурган бўлсалар ва ё оғизларидан балғам чиқариб ташлагон бўлсалар ва бо вужуди назла ва гоҳи зўком бўлур эрдилар. Ва ҳар нарсаиким, табиатларнинг кароҳати ва наф-ратиға сабаб бўлса, ул Ҳазратдин мушоҳада этулмади. Ва ҳеч бир узвларидин номақбул ҳаракатлар содир бўлмас эрди. Ҳамишга хало ва малода камоли адаб ва ҳусни муомала била мутаҳаққиқ ва мутахаллиқ эрдилар».

Жаноби нақобат маоб Саййид Абдулқодир Машҳадий султон Абу Саъид Мирзонинг замонида Самарқандға келиб эрдилар ва Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларини топиб эрдилар. Ойтур эрдиларким: «Бир кеча Мир Мазид Аргун маҳаллайи Кафширда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келди ва доия қилдиким, ул кеча оларнинг суҳбатида эҳё этса. Фақир ул мажлисда ҳозир эрди. Вақтеким, намози ҳуфтонни ўқурдилар, (Ҳазрати Эшон) ойтдиларким: «Мир Мазид бизнинг меҳмонимиз турур, хоҳларким, бизнинг била бу кеча эҳё этсак ва меҳмон тарафни риоя этмак лозим турур. Биз баъзи ёронлар била ўлтурмоқ истармиз, сизлар ёш йи-

гитлар турусизлар, боринглар, ётиб уйқуланглар, агар кўнглингизга тушса саҳар келинглар». Ман ойтдим: «Агар ижозат берсангиз, фақир ҳам бўлурман». Ойтдилар: «Агар ўзунгизда ўлтурмоққа қувват топсангиз, монъё йўқ турур». Фақир, яна асҳоблардин уч киши ул мажлисда ўлтурдуқ ва ман кечанинг аввалидин то тонг отгунча оларнинг аҳволига мутараққиб эрдим. Шу ул икки тизининг вазъидаким, кечанинг аввалида ўлтуруб эрдилар, асло ва қатъан бу зонудин ул зонуға ойлануб ўлтурмадилар ва мутлақо ҳеч узвларидин ҳаракат содир бўлмади, то вақтеким, намози таҳажжудга турдилар. Вақтеким, намоздин фориг бўлдилар, яна шу ул тариқа ўлтурдилар, тамкин ва виқор юзидин бир қарорда бўлуб, то тулуъи фажр бўлгунча нуъос ва пинакнинг асари олардин зоҳир бўлмади. Ва фақир бовужуди йигитликнинг қуввати била ҳар бир соат ва икки соатда бу оёқдин ул оёқға ва бу зонудин ул зонуға ойланур эрдим ва такаллуф била уйқуни ўзумдин узоқ қилур эрдим. Ва Мир Мазид ҳам Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари баракатидан озроқ ҳаракат қилур эрди, бовужуди мартуб киши эрди. Ва уйқунинг муқаддималари ҳам ондин зоҳир бўлмади. Олар шундоғ муроқиб эрканлар то тонг отди, ондин сўнг намози бомдоднинг суннатиға турдилар ва намози бомдодни намози ҳуфтоннинг таҳорати бирла ўқудилар. Бу ҳолатнинг мушоҳадаси фақирнинг таҳаййуриға ва таажжубиға мужиб бўлди ва оларға нисбати ҳусни эътиқод зиёд ва ихлоснинг зиёда бўлмоқиға сабаб бўлди.

**Ҳазрати Эшоннинг  
асҳобларға ва сойир дарвишларға нисбатан  
ийсор ва шафқат ва марҳаматлари зикрида турур**

Ҳазрати Эшоннинг лутфу карамлариға ниҳоят ва ҳад йўқ эрди ва ҳамишга ўзларига меҳнат ва машаққатни ихтиёр этуб, асҳоблар ва худдомларнинг фароғат ва роҳатларини ўз нафслариға ийсор этар эдилар. Ва хизмати Мир Абдулаввал алайҳир раҳма, ўз «Масмӯёт»-ларида ёзиб турурларким, бир мартаба баҳорнинг аввойилида мулозим ва ходимларидин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Кеш вилоятиға борур эрдилар, кундуз кеча бўлди. Заруратдин ул кеча тоғнинг аросида таваққуф этдилар ва худдомлар чодир қурдилар. Намози шомдин сўнг ёмғур тутди. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Манга бу чодирнинг таҳоратида тараддуд бор турур, ман бу ерда бўлмасман, асҳоблар ул ерда чодирда бўлсунлар» деб, бу бобда лутф этиб, муболаға қилдилар. Ва бир чодирдин зиёда ҳамроҳ эрмас эрди, оларнинг мужиб била фуқаро ва асҳоблар ул хаймада бўлдилар. Ва ул

кеча то кундуз бўлгунча ёмғур ёғди ва селлар оқди. Вақтеким, сабоҳ бўлди, намози бомдодни ўқидилар, баъзига иноят этуб, шундоғ ойтдилар: «Шарм этдукким, биз хаймада бўлуб ва асҳоблар ёмғурда бўлсалар». Ва ул нимарсаким, хайманинг ҳақида ойтдилар, сатр эркан, то ёронлар бетараддуд бўлмасинлар.

Асҳоблардин баъзилар нақл этдиларким, бир мартаба тоби-стон фаслидаким, ҳаво бағоят иссиғ эрди, Ҳазрати Эшон Бўзовард деган мазраъалари жонибиға таважжуҳ этдилар. Фуқаро ва асҳоблардан жамъи мулозаматларида эрдилар. Ул мавзёнинг мазорильларининг бир олочуғлари бор эрди, они Ҳазрати Эшон учун барпо қилдилар, асҳобларға ҳаё монё бўлур эрдиким, олар бирла бир жойда ўлтурсалар ва ондин бошқа соя йўқ эрди. Вақтеким, ҳаво иссиғ бўлмоқ оғоз этди. Ҳазрати Эшон от талаб этдилар ва ойтдилар: «Хоҳлармизким, баъзи шудгорларни кўрсак». От миниб, саҳроға чиқиб. офтобда сайр этар эрдилар. Вақтеким, ҳаво бағоят иссиғ бўлса обканда ва жарларнинг соясидаким, ҳамма баданлариға вафо этмай муборак бошлари сояда бўлуб, то ҳаво мўътадил бўлгунча, бу тариқа истироҳат қилур эрдилар. Ондин сўнг ул олачуғға келур эрдилар. Неча кунким, ул ерда бўлсалар, муомала бул эрди. Бил-ахийра асҳоблар маълум билдиларким, Ҳазрати Эшон ул отланиб юрмакни ва офтобда сайр этмакни асҳобларининг роҳати ва фарогати учун ихтиёр этибдурлар.

### *Ҳазрати Эшоннинг ибтидои сафарлари ва машойихи замони кўрганлари баёнида турур*

Ойтур эрдиларким: «Дойим Хожа Иброҳим алайҳир раҳманинг кўб хотир машғуллиғи бор эрдиким, ман таҳсили илм этсам. Мани Тошканддин бу маслаҳат учун Самарқандға келтурди ва эҳтимом этди, лекин ҳар мартабаким, ўқимоқ учун зўр этди, манга маразе ориз бўлдиким, таҳсили илм этмакдин монё бўлди. Охирул-амр манга ҳасбайи қавий тори бўлди. Дойимға ойтдимким: «Ман таҳсил эта билмасман ва сиз қўймасиз, агар мундин зиёда муболаға этсангиз, ҳалок бўлурман, деганни хавф этарман». Ва дойим бу сўздин бағоят мутаассир бўлди. Ва ойтдиким: «Ман санинг ҳолингни бу ғоятғача билмас эрдим, мундин сўнг сани ўз ҳолингға қўйдум, қайси тариқни хотиринг хоҳласа, машғул бўлгил».

Яна бир мартаба таҳсил этмакни қасд этдим, кўз оғриқи ориз бўлуб, қирқ беш кунгача борди, охири тарк этдим».

Ойтур эрдиларким: «Бизнинг мажмуъи таҳсилимиз «Мисбоҳ» ва наҳвдан бир-икки варақдин зиёда эрмас эрди».

Хожа Фазлуллоҳ Шайх Абуллайсийким, Самарқанднинг аконинг бирларидин эрди, ойтур эрдиким: «Ҳазрати Эшоннинг камоли ботинларини билмасмиз, аммо бу қадар билурмизким, олар улуми расмийдин бир нимарса бағоят оз ўқудиларким, кун бўлур эрдиким, «Тафсири Қозийдин бизнинг ёнимизга шубҳае келтурмасаларким, биз ондин ожиз келмасак». Хизмати Мавлоно Алийи Тусийким, Мавлоно Али Аррон деган лақабда машҳур турурлар ва уламои замоннинг узамоларидан эрдилар, Ҳазрати Эшонга эътиқодлари кўб эрди ва мажлисларига кўб келиб-кетар эрдилар. Аммо бағоят кам сўзлар эрдилар. Бир кун Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Сизнинг олдингизда бизнинг сўзламагимиз ғоят бешармлик турур. Керакким, сўз ойтсангиз, бизлар эшитсак». Хизмати Мавлоно ойтдилар: «Жоёғаким, мабдаи файёздин сўз етушса бевосита бизнинг ул жойда сўз демагимиз бешармлик турур».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ман Тошканддин Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳманинг хизматлари учун Самарқандга келдим, манинг отам Ҳазрати Мавлоно (Низомуддин Хомуш)нинг ёнларига киши йибориб эрдиларким: «Ман онинг амакисининг қизини онга ақд этуб бермак учун сақлаб турурман, агар дарҳол келиб, бу нисбатни қабул этмаса, биродарим мандин ранжида бўлур» деб, бу бобда кўб илҳоқ кўргузди. Ва хизмати Мавлоно Низомуддин манга кўб насиҳатлар этдилар ва охирида ойтдиларким: «Биз билмасмиз, агар изтироп ва дармондалиқ мартабаеда бўлсаким, киши ҳар жойда ўзи га қарор бера билмаса, ҳеч иш ва ҳеч нимарса била ороми бўлмаса, ул замон маъзур турур». Тарқи таҳсил ваҳҳида маволий бу ҳикоятни неча мартаба ойтиб турурлар.

Ҳазрати Эшон мабодийи ҳолдаким сафар этуб турурлар, Шоҳруҳияда ва Самарқандда ва Бухорода ва булардин ҳам бошқа ерда турк машойихларидин кўб кишини ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг кибор асҳобларини ва Хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум табақаларининг ажиллаларидин кўб жамоаларни кўруб эрдилар ва суҳбатлар тутдилар, ондоғким, мундин аввал машойихлардин ҳар бирлари зикрида батафорик ирод топиб эрди.

Ва яна Самарқандда Хуросонга келмасларидин аввал Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиса сирруҳунинг мулозаматлари ва суҳбатларига мушарраф бўлдилар. Вақтеким, Хуросонга ташриф

келтурдилар, яна бир мартаба Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг хизматлариға ва Ҳирот машойихларидин киборларининг баъзилариға мулоқот этдилар ва оларнинг суҳбатлариға мувоҳамат кўргуздилар. Ондоғким, мундин сўнг мазкур бўлур.

Ҳазрати Эшоннинг асҳоби киборларидин бир азиз ойтдиким, бир муътаמיד кишидан эшитдимким, ойтди: «Бир кун Самарқандда Мавлоно Низомуддин (Хомуш)нинг суҳбатлариға бордим ва оларнинг ёнларида ўлтурдим. Кўрдумким, бир йигит келди, бағоят нуроний, ҳайбат ва маҳобати азим била бир замон келиб ўлтурди. Чиқиб кетгондин сўнг Ҳазрати Мавлоно Низомуддиндан сўрдимким: «Бу йигит на киши эрди?» Ойтдилар: «Ул Хожа Убайдуллоҳ турур, тез бўлурким, салотини олам онинг мубталоси бўлур».

Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Сарпулий Ҳазрати Мавлоно Абдуллоҳ Сарпулийдинким, Ҳазрати Эшоннинг қудамойи асҳобларининг жумласидин турур ва Сарпулким, Самарқандда бир мавзеи машҳур турур, онда сокин эрдилар. Шундоғ нақл этдиким, ул ойтди: «Ман ёш эрдим. Отам Ҳазрати Мавлоно Низомуддин (Хомуш)нинг мултақид ва мухлисларидин эрди. Ва аксари авқотларда ҳазрати Мавлоно (Низомуддин Хомуш) бизларнинг манзилимизда бўлур эрдилар. Ва отам оларнинг мулозаматлари ва хизматларида қиём кўргузур эрдилар. Ва аглаб аҳволда мувоқиб эрдилар. Бир кун мувоқабат қилиб, бошларини ошоқ солиб ўлтуруб эрдилар, отам ҳам ёнларида бир ишга машғул эрди. Ногоҳ Мавлоно бошларини кўтариб, баланд фарёд этдилар. Отам ул ишдин қўл сақлаб, ул фарёднинг сабабини ондин сўрадилар. Ойтдиларким: «Машриқнинг тарафидин бир киши пайдо бўлди, Хожа Убайдуллоҳ одлиғ ажаб улуг Шайх турур, ер юзини батамом олди». Ман Ҳазрати Эшоннинг одларини Ҳазрати Мавлоно Низомуддиндин эшитиб эрдим. Ёдимда сақлаб, оларнинг мақдами шарифлариға мунтазир бўлдум, оларнинг соясиға ишқибозлиқлар қилдим. То Абу Саъид Мирзонинг замони бўлди, Ҳазрати Эшонни Тошканддин кўчуруб, Самарқандға келтурди. Аввал кишиким, Самарқанддин Ҳазрати Эшоннинг суҳбатлари ва мулозаматлариға шитоб била борди, ман эрдимким, саодати хизмат била мустаъид бўлдим».

Ҳазрати Эшон мабодийи ҳолда неча вақтлардин сўнгким, Самарқандда бўлдилар, ул ердин Бухороға майл этдилар. Йўлда Шайх Сирожуддин Пирмастийнинг деҳасиға келиб, бир ҳафта ул ерда Шайх била суҳбат тутдилар. Ул жойтдин Бухороға бориб, Мавлоно Ҳисомуддин бим Мавлоно Ҳамидууддин Шошийни кўрди-

лар. Хожа Алоуддин Фиждувоний била суҳбатлар тутдилар. Ондоғким, китобнинг аввалғи мақоласида Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум зикрларида мазкур бўлди. Ондин сўнг Хуросонга азимат этдилар, Марв йўлидин Ҳиротга келдилар ва тўрт йил муттасил ул ерда бўлдилар. Ва ул муддатларда Ҳазрати Саййид Қосим Табризий ва Шайх Баҳоуддин Умар қуддиси сирруҳумонинг суҳбатлариға кўб борур эрдилар. Ва ҳазрати Шайх Зайнуддин қуддиси сирруҳунинг суҳбатлариға аҳёнан борур эрдилар. Ва тўрт йилдан сўнг Ҳиротдин Ҳазрати Мавлоно Яқуби Чархий қуддиси сирруҳу била суҳбат этмакни ниййат этиб, Балх ва Шибирғон йўлидан Ҳисор вилоятиға мутаважжиҳ бўлдилар. Ва Балхда Мавлоно Ҳисомуддин Порсонинг суҳбатлариға етушдилар. Ондоғким, Мавлононинг зикрида ўтди. Ва ул ердин Хожа Алоуддин Аттор қуддиси сирруҳунинг қабрларини зиёрат этмакнинг ниййати била Чағониёнға бордилар. Ва ондин сўнг Ҳалғатуға келдилар ва Ҳазрати Мавлоно Яқуб қуддиси сирруҳуни ул ерда топдилар. Ва оларға байъат қўлини бериб, олардин тариқайи таълим олдилар. Ондоғким, мундин сўнг мазкур бўлур. Ва ул сафарда уч ой муддати юруб, яна Ҳиротга мурожаат этдилар. Яна бир йил камобиш ул ерда бўлуб, беш йил муддати Ҳиротда иқомат этконларидин сўнг, ўзларининг ватани маълуфлариға азимат этдилар. Ва Тошкандға келиб, муқим бўлиб, зироат амриға қиём кўргуздилар ва деҳқончилик шуглиға иқдом этдилар.

Ойтур эрдиларким: «То йигирма тўққуз ёшға киргунча мусофарат этдим, одамларнинг шаҳрида бўлдум, вабодин беш йил муддати аввал Ҳиридин Тошкандға келдим ва вабонинг воқеасида сана саккиз юз қирқда (1436) эрди».

Ва Тошкандға келганларида Ҳазрати Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳма ул ерда эрканлар, яна олар била суҳбат тутдилар ва оларнинг ороларида умури ажибалар воқеъ бўлди, ондоғким, ондин шаммае Ҳазрати Мавлоно Низомуддиннинг зикрида ўтди.

### *Ҳазрати Эшоннинг*

*Самарқандда ва Хуросонда Ҳазрати Саййид Қосим  
Табризий қуддиси сирруҳу била суҳбат тутғонларининг  
зикрида турур*

Ойтур эрдиларким: «Ман ҳама умримда Ҳазрати Саййид Қосимдин улуғ кишини кўрмадим. Машойихи замондин ҳар кишининг суҳбатиға бордим, нисбате зоҳир бўлуб, кайфияте ҳосил

бўлур эрдиким, охируламр они маҳкам тутмоқ керак бўлур эрди».

Ойтур эрдиларким: «Ҳар қачон Саййид Қосим ёнлариға борсам, шундоғ мушоҳада этулур эрдиким, жумлайи коинот оларнинг атрофида ойлануб ва оларда маҳв бўлур эрди».

Ойтур эрдиларким: «Саййид Қосим мабодийи ҳолда Бовард ҳаволисиди Ҳазрати Хожа Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳуға мулоқоғ этиб эрдилар. Ва олар била суҳбат тутуб ва ондин сўнг ўзларини Хожа Бузругнинг тариқалари ва нисбатларида тутар эрдилар. Баъзи вақтлар суҳбатда ўлтурғонларида мажлисларида шундоғ маълум бўлур эрдиким, Ҳазрати Саййид Қосим ўзларини Хожাগон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқаларида тутар эрдилар».

Ойтур эрдилар: «Ҳазрати Саййиднинг бир дарбонлари бор эрдиким, кишиғи беижозат Ҳазрати Саййиднинг ёнлариға кирмоғиға қўймас эрди. Ҳазрати Саййид бу дарбонга ойтиб қўюб эрдиларким, ҳар қачон бу Туркистоний йигит келса, монё бўлмағил ва қўйғилким, бизнинг ёнимизга кирсун».

Ойтур эрдилар: «Ман ҳар кун Саййиднинг уйлариға келур эрдим, лекин бовужуди ижозат ҳар икки кун ё уч кунда ёнлариға кирар эрдим, оларнинг кишилари ҳайрон қолур эрдилар: «Сиз ижозат топибсиз, нечун ҳар кун ёнлариға кирмассиз, бошқаларга ижозат йўқ турур ва илло, ёнларидан ҳеч турмас эрдилар. Кишиға хуш келмаским, оларнинг олдидин туруб кетса, лекин ўзлари одамларға тез ижозат берур эрдилар. Аммо, мани ҳарғиз турғузмадилар».

Ойтур эрдиларким: «Мабодийи ҳолда бир мартаба мандин сўрдиларким: «Бобу, одинг на турур?» Ва одатлари ул эрдиким, одамларға «бобу» дер эрдилар, ойтдим: «Убайдуллоҳ». Ойтдиларким: «Керакдурким, ўз исминг таҳқиқин этсанг».

*Раиҳа.* Хизмати Мавлоно Муҳаммад Қозийи алайҳир раҳма бу сўзнинг шарҳида шундоғ ёзибдурким: «Керакдурким, ўз исмингнинг таҳқиқин этсанг, яъни камоли саъйни бажой келтуруб, Ҳақ, субҳонаҳу ва таъолонинг бандалигини бар важҳи акмалда эткил».

Ва улчаким, бу ҳуруфнинг роқимиға бу сўзнинг маъносида хотирға етушур, ул турурким, исмингни таҳқиқ эткил, яъни ул исмким, санга мураббий турур ва санинг мабдаи файзинг ул турур ва ҳақиқатда санинг ҳақиқатинг ул исминг мазҳари турур. Ва санга мураббийким, охирул-амр қойтиб борур жойинг ва ружуъ этар еринг онга бўлур, ул турур. Ва ул исм била мутаҳаққиқ бўлмоқ ул турурким, солиқнинг ҳақиқати ойна бўлурким, ул

исм онда ўз лавозими била батамом тажалли этар ва онинг мазҳаридин бар важҳи камол зоҳир бўлур. Ва ул тажаллининг осор ва аҳкомининг зуҳурида солиқ мустаҳлак ва мустағрақ бўлур.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг назарлари ҳамишга оқибати умурга бўлар эрди ва Шайх Баҳоуддин Умарнинг бу назарлари йўқ эрди».

Ойтдилар: «Бир мартаба Шайх Баҳоуддин Умарнинг ёнлариға бордим. Иттифоқо, фақирлардин жамъи аҳли заламадин додхоҳлиқ этур эрдилар ва оларнинг ёнларида гуфту шунуд қўб эрди. Шайх ман тарафга назар этдилар ва ойтдиларким: «Кеча на ерда эрдинг?» Ман мақсудларини фаҳм этдим, яъни муносабате касб этуб турурсизким, шундоғ маҳалда келдингиз. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Агар Шайхнинг оқибатға ва истедодға назарлари бўлса эрди, мундоғ демас эрдилар».

Мавлоно Фатҳуллоҳ Табрисий раҳматуллоҳдин манқул турурким, ойтиб турурлар: «Ман Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг хизматларида қўб бўлдум ва тасаввуфнинг масъалалариға майлим ва машъуфлигим бор эрди, то гоьтағаким, қўб кечаларни бу тойифаннинг дақойиқларидин бир масъаланинг тааллуқида кундузға келтурур эрдиким, уйиқ келмас эрди. Бир мартаба Ҳазрати Саййиднинг суҳбатларида келтурур эрдим, Ҳазрати Эшон келдилар. Саййид Қосим талаққий этдилар ва иқбол кўргуздилар. Маъорифи ғариба ва дақойиқи ажибани ойтдилар. Ҳар мартабаким, Ҳазрати Эшон Ҳазрати Саййиднинг ёнлариға келур эрдилар, Саййид беихтиёр ҳикоёти асрори ғомизаларни оғоз этуб, ҳақойиқ ва латойифи ғариба олардин ондоғ жўш урур эрдиким, бошқа вақтларда онинг мисли иттифоқ тушмас эрди».

Бир кун Ҳазрати Саййид (Қосим) мажлисларидин турғондин сўнг фақирға мутаважжих бўлуб ойтдиларким: «Мавлоно Фатҳуллоҳ бу тоифаи улёнинг сўзлари, агар чандиким, қўб яхши турур, аммо мужаррад ойтмоқ, била ва эшитмак била иш кифоят бўлмас. Агар хоҳласангким, саъодатиға етқайсанким, арбоби ҳимматнинг ниҳоятни мутамманнолари турур, бу Туркистонининг этокин маҳкам тутуб, қўлунгни ондин ойирмағилким, аъжубайи замон турур. Ондин сўнг қўб ишлар ҳисобға кечар: тез бўлурким, жаҳон онинг нури валояти била равшан бўлуб, ўлган кўнгуллар ва ҳавойи нафс била афсурда бўлгонлар суҳбати шарифларининг баракатидин ҳаёт топиб тирилу».

Ва манга Ҳазрати Саййиднинг ишоратлари мужиби била доимо Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларининг орзуси бор эрди, то

султон Абу Саъид Мирзонинг замониғачақим, Ҳазрати Эшон Тошканддин Самарқандга келдилар. Ман аксари авқотлар Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлари ва хизматларида бўлдум. Ва улчақим, Ҳазрати Саййид ойтуб эрдилар, ондин зиёда мушоҳада этдим».

Бу нақлдин муҳаққақ бўлдимки, Ҳазрати Саййиднинг назарлари ҳар ишнинг оқибатида ва одамларнинг истейдодида эрди. Ва бу маънининг муаййиди турур ул сўзикаим, мундин аввал Ҳазрати Эшоннинг ғино ва тамавуллари баёнида ўтдиким, Ҳазрати Саййид ойтдилар: «Ондоққим, бизнинг бу нохушларимиз сизга қибоб бўлуб турурлар, тез бўлурким, дунё санинг қибобинг бўлур».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид Қосимнинг суҳбатларида ҳеч нохушлиқ йўқ эрди, магар бир неча мурид ва улчақим одамларга нисбат сўз ойтур эрдилар, икки нимарсадин бири турур: аввал улким, қазо ва қадарга мутталиъ бўлуб билиб эрдиларким, шул тариқа била турурларким, мундоқ нохушлар оларнинг атрофларида бўлурлар ва ул одамларни сақламоқдин чоралари йўқ эрди. Ё ул турурким, ондоғким, мевадор боғларнинг атрофиға жангалзор тутарлар, то ўғри ва ҳайвонотлар кирмақдин монё бўлур. Олар ҳам бу жамоатға атрофларида йўл бердилар сатри ҳол этмак учун ва ўзларининг ҳақиқатини ғайрдин сиёнат этмак учун».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййиднинг ёнларида ўлтуруб эрдим. Пиргеликим, шахсе эрди оларнинг муридларидин, маъориф ва ҳақойиқи баландларни одамларға бетаҳоший, алониятан, беибо, баҳодирона ойтур эрди ва онда муболага этар эрди, (Саййид) эшиқдин кириб келди. Вақтеким, (Пиргелининг) кўзи Саййидга тушди, ранги мутағаййир бўлди ва ҳар лаҳза бир рангда бўлур эрди, онинг учунким, Ҳазрати Саййиднинг таъзим ва тавқари ботинида қўб эрди ва қўб қавий эрди. Ва ҳар бир қадамдаким, Ҳазрати Саййидга яқин келур эрди, бошини ерга қўёр эрди ва Ҳазрати Саййид ҳар маротаба ойтур эрдилар: «Ҳала, дарвишон, ҳала, дарвишон, шул тариқағачақим машғул турурсиз, ул тариқда бўлунг ва жаҳд этунг, то авсот мақомида қолмағайсиз». Пиргели яна шул тариқа билаким, аввал келиб эрди, яна шул тариқа то кейин-кейин қойтиб ташқари чиқди. Ул чиқиб кеткондин сўнг Ҳазрати Саййид ойтдилар: «На ойтойин онинг истейдо-дида, бу тавр нимарсадин бошқа нимарсага ганжойиш йўқ турур, шул нарсанинг камолига буюрдим ва онинг учунким, ҳар нимарсақим камоли нуқсондин яхши турур».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид Қосим ойтдилар: «Бобу, ҳеч билурмусанким, ҳақойиқ ва маъориф бу замонда нечун кам

зоҳир бўлур? Ул восита билаким, ишнинг биноси ботиннинг тасфиясиға турур ва тасфиянинг биноси луқмайи ҳалолға турур. Ва вақтеким, бу замонда луқмайи ҳалол кам турур, ложарам, ботини соф киши қолмай турурки, асрори Илоҳий ва маъорифи Илоҳий ондин зоҳир бўлса».

Ва бу тақриб била ойтдиларким: «То замонеким, манинг қўлумға иш тегар ва ишга борур эрди, ҳазор баҳя тоқия тикар эрдим ва ўзумға ондин нафақа қилур эрдим. Ва вақтеким, фалажлик воситаси била қўлим бекор бўлди, китобхонаеким, обову аждодларимдин қолиб эрди меросе, они сотдим ва тижоратға дастмоя қилдим. Ва бу законлар ондин нафақа қилурман».

Ҳазрати Саййиднинг таомға эҳтиёжлари шул тариқа эрди. Аммо, одамлар бошқа тариқа эътиқод этуб эрдилар, ул ғайри воқеъ турур, одамлар, ул муридларидинким, атрофларида бўлур эрдилар, истидлол этуб эрдилар, оларнинг қибоблари эрди».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид Қосим кўб олийҳиммат эрдилар ва оларнинг одамлари ва мулозимлари тариқи касбға машғул эрдилар ва улча ҳосил этсалар карам ва муруватнинг мувжибиға сарф бўлур эрди. Шафқат ва тараҳхумлари кўб эрди. Агар эшитсаларким, бир жойда бир киши ва ё бир толиби илм касал турур, кўб мутааллим бўлуб, онинг иёдатига мулозимларини бир неча маблағ ва харжи била йибориб, тааххуд ва тафаққуд қилур эрдилар».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Самарқандда манга ҳасба бўлди, андак яхши бўлуб эрдим ва касалдин яхши бўлгон кунларим Мавлоно Қутбуддин мадрасасида бўлур эрдим. Ногоҳ Мавлоно Саъдуддин Кошғарий келдилар ва ойтдилар: «Сизга башорат бўлсунким, Саййид Қосим ташриф келтурдилар». Манда ул қувват ва қудрат йўқ эрдиким, дарҳол оларнинг мулозаматлариға бора билсам. Ойтдим: «Сиз борингим, манга ҳоло ул қувват йўқдурким, оларнинг хизматлариға борсам».

Неча кунлардин сўнг ўзимда фил-жумла қуввате топдим. Эшитдимким, Ҳазрати Саййид Шайх Абуллайсийнинг хонақоҳларида ҳаммомиға келиб турурлар. Ул ерга бордим. Ҳазрати Саййид бир соатдин сўнг ҳаммомдин чиқдилар ва тахтиравонга миндилар ва ул тахтни тўрт киши кўтарур эрди. Иттифоқо, бир киши ғойиб эрди, бир пояни ман тутдим, манга бори азим тушди, ондоғким хам бўлдим. Яқин эрдиким, бурним ерга етушгай ва тахтиравон қўлумдин тушса. Яхши бир андишгани ўзимда жой бердим. Ул андишга ҳузур ва жамъияти тамомға мурис бўлди ва ўзимда қув-

вати азим мавжуд топдимким, то тахтиравонни Амир Шоҳмалик-нинг мадрасасига олиб бордим. Ондин сўнг Ҳазрати Саййиднинг муридлари манга ойтдилар: «Бу замон одамларнинг силкига кирдинг-ким, ҳомили бори омонат бўлдинг». Интаҳа каломуху қуддиса сирруху.

Бу сўзни тақриб била ойтдиларким, ойтур эрдилар: «Ўзини яхши андишгалар бирла масрур этмак керакдур. Хотирға шундоқ келурким, ўзини яхши андишгалар бирла масрур этмак ондин иборат бўлурким, билсунким, нафсул-амрда ул жисме турур кашфи Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг асмо ва сифатлариға мазҳар ва афъоллариға масдар бўлуб турур. Ва ҳар сифат ва феълким, ондин зоҳир турур ҳақиқатда бошқа жойидин турур. Бас, керакдурким, банда ўзини ҳамишга бу андишга била масрур тутсун».

Байт:

*Шодийи жовид кун аз дўст ту,  
То наганжи ҳамчу гул дар пўст ту.  
(Гулга ўхшаб пўст ичидан жой олмаслик учун,  
Дўстдан абадий шодлик қидир.)*

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид Қосим ойтдилар: «Маволи жинсидан икки киши кўрдумким, оларға мазоқи сўфия бор эрди. Бири Мавлоно Жоний Румий ва яна бири Мавлоно Носири Бухорий».

Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруху мабодийи ҳолда мужозиб ва мажонинларининг атрофларида қўб бўлуб эрдилар. Ойтдиларким: «Румда бўлдум, одамлардин мажзубларининг ҳолин сўрдим. Ойтдилар: «Фалон мавзуда бир қавий ҳолли мажзуб бор турур». Ул ерга бордим ва они кўрдум. Танидим, Мавлоно Жоний эрдиким, Табризда ҳамроҳи таҳсил этуб эрдук. Туркий лафзи била онга ойтдимким: «Эй Мавлоно Жоний, мани донирсан?» Ойтди: «Доний турурман, Мавлоно Саййидсан». Ойтдим: «Санга не ҳол бўлди?» Ойтди: «Ман санингдек саргашта эрдим, ҳамишга ҳар нимарса мани ҳар тарафға торгар эрди, ногоҳ бир нимарса кўрунди ва мани ҳамма нарсалин мужаррад этди». Бас, Рум туркийсининг тилинда деди: «Денгландум, денгландум, фароғат(ли) бўлдум, фароғат(ли) бўлдум».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Ҳар мартаба Ҳазрати Саййид бу ҳикоятни нақл этсалар кўзларидин ёш тўкулур эрди. Мундин маълум бўлурким, ул мажзубнинг сўзи оларнинг ботинларида таъсири азим этуб турур».

Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид ойтдилар: «Шаҳри Сабзаворда бир мажзуб бор эрди. Они кўрмакка бордим. Хотирға келдиким, оё Бобо Маҳмуд Тусий яхши киши бўлса турурму ё бу мажзубми? Дарҳол манга мутаважжиҳ бўлди ва ойтди: «Мезак этурманким, Бобо Маҳмудни сув олиб кетсун».

Бу ҳуруфнинг роқимининг волиди шундоғ ойтур эрдиларким: «Баъзи аиззадан эшитдим, вақтиким, Ҳазрати Саййид Қосим бу мажзуби Сабзаворийғаким, Мирдевона деган исм била машҳур турур ва қабрлари ул диёрда маъруф турур, мулоқот этуб турурлар ва (Саййид) хотири шарифлариға келтуруб турурларким, оё бул яхшироқми ё Бобо Маҳмуд? Ул мажзуб ул сўзниким, Ҳазрати Эшондин нақл этилди, тилига келтурубдур ва ондин сўнг ойтибдур: «Бобо Маҳмуд манинг тиркашимдан бир ўқ турур».

Ҳазрати Саййид Сабзавордин Бобо Маҳмуднинг хизматиға Тусға боруб турур. Мирдевонанинг сўзини хотирға келтурубдурким, ойтиб эрди: «Бобо Маҳмуд манинг тиркашимдин бир ўқ турур». Бобо Маҳмуд шол чакмон яқосидин бош чиқориб ойтди: «Бепару бепайкон».

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Бир кеча туш кўрдумким, бир улуғ шоҳроҳнинг ўртосида турубман ва бу улуғ йўлдин бир неча кичик йўллар ҳар тарафға кетибдур. Ногоҳ кўрдумким, хизмати Шайх Зайнулдин Ҳавофий алайҳир раҳма йўлнинг бошида ўлтурубдурлар. Мани тутуб ойтдилар: «Қола-н-набиййу алайҳиссалому: ас-самоъу аҳлун ли-аҳлиллоҳи», яъни самоънинг аҳли аҳлуллоҳ турурлар. Бас, ишорат этурларким, кел, то сани йўлдин ўз деҳамизга олиб борайин». Ва манинг хотирим тортмадиким, улуғ йўлдин бошқа бир йўлға борсам». Ногоҳ кўрдумким, Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳу бир оқ отни миниб улуғ йўлдин келдилар ва манга ойтдилар: «Бу улуғ йўл шаҳарға борур, кел, то сани шаҳарға олиб борайин». Мани ўзлариға радиф этиб, ул улуғ йўлға кириб юрдилар».

*Ҳазрати Эшоннинг  
Шайх Баҳоуддин Умарнинг суҳбатлариға  
борғонларининг зикрида турур*

Ойтур эрдиларким: «Ҳуросон машойихларининг атворидин манга Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруҳунинг атворлари кўб хуш келиб эрди. Аксар авқотда ҳар ким оларни кўрмакка келса анга муносиб зиндагонлиқ қилиб ўлтурур эрдилар ва ўзларини

ҳеч навъе била мумтоз этмас эрдилар. Бу миқдор бўлур эрдиким, аҳёнан чилла ўлтурмоқни ўз машойихларининг тариқаси бўлгон важҳдин ихтиёр этдилар».

Ойтур эрдиларким: «Беш йил муддати Ҳирида бўлдум. Ногоҳ бўлур эрдиким, ҳафтада икки-уч мартаба Шайхнинг суҳбатлариға борур эрдим. Шайхнинг суҳбатларида манга зиёда фойда йўқ эрди, магар бу миқдорким, ўз нисбатимни Шайхнинг суҳбатларида равшанроқ топар эрдим».

Ҳазрати Мир Абдулаввал алайҳир раҳма ўз «Масмуъот»ларида ёзибдурларким, Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Вақтеким, Ҳирида бўлдум, воқеада кўрдумким, бир манзилдин ўтарканман, Шайх Зайнуддин Хофий қуддиси сирруҳуға тааллуқи бор эрди ва оларнинг муридлири ва асҳоблари манга далолат этурларким: «Бу жойда бўлғил». Ул ерда бўлмоқни хотирим тортмади ва бўлмади. Ул жойтдин ўтдим. Бир жойға келдимким, кўб покиза, назокату нўзҳатли ер эрди. Шундоғ маълум бўлдимким, Шайх Баҳоуддин Умарнинг манзили турур. Кўрдимким, бир ҳавз тўла сув, ғоят сафода, кўб бир васиъ майдон турур. Ҳазрати Шайх ҳавзнинг канорасида ўлтуруб турурлар, хоҳларким, намози жумъа ўқусалар. Ул жой манга кўб яхши кўрунди. Вақтеким, уйғониб ҳозир бўлдум, Шайх Баҳоуддин Умарнинг мулоқотиға кўбрак майл этдим ва оларнинг ёнлариға кўб бордим». Ва ойтдиларким: «Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳунинг асҳобларидин кўб улуғларни кўрдум. Шайх Зайнуддиннинг тариқалари манинг наздимда ондоғ кўрунмади. Ва Шайх Баҳоуддин Умарнинг тариқалари кўб яхши кўрунди. Ҳамма кун ўлтуруб эрдилар ва гоҳо чилла ўлтурур эрдилар». Интаҳа каломуху.

Ойтур эрдилар: «Вақтеким, Шайх Баҳоуддин Умарнинг манзилу маконлариға борур эрдим, аввал йўлнинг бошида Шайх Зайнуддиннинг манзиллариға етушдим, ўзимни ҳамма нисбатлардин холий этдим ва ўзимни ўз ихтиёримға қўйдум. Шайх Зайнуддиннинг уйлариға бормоқ майли бўлмади, хотирнинг кашиши Шайх Баҳоуддин Умарнинг уйлариға бўлди».

Ойтур эрдиларким: «Бир кун хизмати Шайх Зайнуддиннинг уйлариға бориб эрдим, оларға истиғроқ бор эркан. Мавлоно Маҳмуд Ҳисорий ўзини Шайхнинг хулафоларидин тутар эрди, жамъи асҳоблар била ҳозир бўлдилар ва шундоғ маълум бўлдимким, Шайхнинг тасниф этган китобларини ўқусалар ва хоҳладиларким. Шайхнинг олдида ўқусалар, оёқларини ерга уруб ва сурфа этуб ва нохуш ҳаракатларни этар эрдиларким, Шайх муроқабдин тур-

саларким, сабақнинг вақти ўтди. Ва Ҳазрати Шайх ҳозир бўлмадилар. Охир ойтдилар: «Булар била бўлмас, авло ул турурким, ботин била Шайхға машғул бўлурмизким, то ўз ҳоллариға келсунлар». Бас, ўлтурдилар ва хотирларини Шайхға насб этдилар. Ва Шайх ҳозир бўлдилар ва ойтдилар: «Сабақ учун келган бўлсангизлар, келинглар». Бас, Шайх ва асҳоблар ўлтурдилар, ифода ва истифодаға машғул бўлдилар».

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Манга Мавлоно Маҳмуд ва соири асҳобдин бу беадаблик кўб нохуш кўрундиким, азизени шундоғ ҳолдин сабоқ ўқимоқ, учун ҳозир этдилар».

Ойтдиларким: «Бир кишига хотир насб этмак била онга лат бериб, бўйниға урмоқнинг аросида фарқ йўқ турур, бу жиҳатдин Шайх Зайнуддиннинг уйлариға камроқ борур эрдим».

Ойтур эрдиларким: «Ул куниким, Ҳазрати Шайх Зайнуддин Мавлоно Маҳмуд Ҳисорий ва Дарвеш Абдураҳим Румийға ижозати иршод бериб, ўз вилоятлариға юбормакчи бўлдилар, ман ул мажлисда ҳозир эрдим».

Ходимлардин баъзилари Ҳазрати Эшондин нақл этиб ойтдилар: «Бир кун Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умарнинг ёнлариға кирдим, ондоғким, одатлари эрди, сўрдиларким, шахреда на хабар бор турур? Ойтдим: «Икки хабар». Ойтдилар: «Қайси турур?» Ойтдим: «Шайх Зайнуддин ва асҳоблари ойтурларким, ҳама ондин турур ва Саййид Қосим ва оларнинг атбоълари ойтурлар: «Ҳама ул (яъни Худо) турур. Сиз на дерсиз?» Шайх ойтдиларким: «Шайх Зайнуддинийлар рост ойтурлар». Шайх Зайнуддин ва оларнинг асҳобларининг сўзлариға тақвия бериб, далил ойтмоқға ўлтурдилар. Вақтеким, қулоқ кўйдим, ҳамма далиллари Саййид Қосим атбоъларининг муқаввийси эрди. Ойтдим: «Бу далилларнинг ҳаммаси Саййид Қосимийларнинг сўзларини тақвия қилур». Шайх эса қавийроқ далиллар иқомат этдилар. Бу ҳам Саййид Қосим ва атбоълари тақвиясида эрди. Бу маҳалда манинг хотиримға келдиким, ботин юзидин Саййид Қосимийларнинг сўзига мўътақид бўлмоқ керак, аммо зоҳир юзидин ўзини Шайх Зайнуддинийларнинг эътиқодларида кўргузмоқ керак».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: «Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умарни кўб ходиме қилур эрдим. «Бас» деб ойтмас эрдилар ва ман тарк этмас эрдим. Оларға истиғроқе бор эрдиким, ул киши янглиғким, уйқуға кетса ва пинак этса, гоҳ-гоҳ ҳозир бўлур эрдилар: «Магар сизларнинг вилоятингиз расми шул турур?» Ман ойтур эрдим «Оре (ҳа)». Шайх ойтур эрдилар: «На яхши жой турур, агар киши ул жойға борса».

Ойтур эрдилар: «Шайх Баҳоуддин Умарнинг хизматлариға кўб борур эрдим. Манга ойтур эрдилар: «Кел, шайхзода, маннинг кифтимни овқалагил». Ман оларнинг муборак кифтилари ни овқалар эрдим ва гоҳи оёқларидин музаларини тортар эрдим, ҳеч бўйе манга оларнинг пойтобаларидин келган бўйдин яхши кўрунмади».

**Ҳазрати Эшоннинг  
хизмати Мавлоно Яъқуби Чархий  
қуддиса сирруҳуға мулоқот этганларининг зикрида**

Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Ул мартабаким, Ҳириға бордим, Халдухтаронга<sup>1</sup> келдим. Кўб бежаммол<sup>2</sup> савдогарлар саройнинг эшигида ўлтурубдурлар. Шундоғ фаҳм этдимким, хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум зикрларининг тариқига машғул турурлар. Сўрдимким: «Бу тариқа сизларга кимдан ва қайси азиздан етушди, ондоғким, бозор одамлари ва тужжорларнинг тариқаси бўлса?» Дарҳол зоҳир этди ва ойтди: «Азизе турур Ҳалғатуда, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳунинг хулафолариданким, оларни Ҳазрати Мавлоно Яъқуби Чархий дерлар, бу нисбат олардин бизга етушиб турур» деб, фазойил ва шамойилларини баён этди ва онда кўб муболага қилди. Хоҳладимким, шул жойтдин мурожаат этсам. Вақтеким, Ҳириға яқин келиб эрдим, хотирға келдиким, Ҳирининг дағдағасини хотирдин чиқарайин, ондин сўнг Мавлоно Яъқуби Чархийнинг мулозаматлариға борсам.

Ҳириға бордим ва ул ерда тўрт йил муддати макс бўлди. Хизмати Шайх Баҳоуддин Умарнинг мани сақламоқда эҳтимомлари бор эрди. Тўрт йилдин сўнг Ҳалғату тарафига равон бўлдим. Вақтеким, Чағониён вилоятиға келдим, заъф ва касаллик ориз бўлуб эрди ва йигирма кун ҳам таб ва сармо<sup>3</sup> бўлуб эрдим. Ул жойтдин тез чиқа билмадим. Ва Чағониён навоҳийсида баъзи одамлар Мавлоно Яъқубнинг ғийбат ва шикоятларини кўб этдилар ва беморлиқ муддатида паришон сўзларни эшитгон сабабли оларға мулоқот этмак доияда фу-

---

1. Асл нусҳада Чилдухтарон.

2. Жаммол — туякаш дегани, мазмунга мос эмас. Форсчада: «Чиройли бир савдогар сарой эшигида ўтирар эди».

3. Асл нусҳада «таби сармо» — безгак.

тури азим воқеъ бўлди. Охирул-амр ўзимга ойтдим: «Вақтеким, бу миқдор узоқ масофатни қатъ этубсан, яхши эрмас турким, мулоқот этмасанг». Вақтеким бордим ва оларни кўргандин сўнг кўб илтифот этдилар ва ҳар ёндин сўзлар ойтдилар. Вақтеким, эртанги куни мулозаматлариға бордим, кўб ғазаб этдилар, дуруштлиқ ва хушунат бирла сўзладилар. Хотирға келдиким, ғазабларининг сабаби ул ғийбатнинг истимоъидин турур ва футуридин турурким, ул сабабдин бўлуб турур ва бўлуб эрди. Агарчандиким, тасриҳ этмадилар, лекин ойтдилар: «Саҳл турурким, киши бир кишининг келурини икки ойтдин аввал билмаса».

Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Манга яқин бўлдиким, ғазабларининг сабаби истимоъи ғийбат ва мулозамат этмакда бўлгон ул футур эрди. Бир соатдин сўнг яна лутф бирла муомала этдилар ва кўб инояту илтифотлар қилдилар. Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуға мулоқот этконларининг кайфиятин баён этдилар ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға мулоқотларининг кайфиятин баён этконларидин сўнг қўлларини узатдиларким: «Кел, байъат эткил». Манинг табиатим аларнинг қўлларин олмоқға иқбол этмади, ул ваҳҳдинким, муборак пешоналарида баёзе бор эрдиким, мушобиҳ бўлгон маразегаким, табиатнинг нафратига мужиб бўлур. Олар манинг табиатимнинг кароҳиятини билдилар ва қўлларини таъжил била тортдилар, халъи либс била суратларини табдил этуб, сурате била зоҳир бўлдиларким, қўлимдин ихтиёр кетди, яқин қолдиким, бехудона Ҳазрати Мавлоноға ёпушсам. Олар яна қўлларини узатдилар ва ойтдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин манинг қўлумни тутуб ойтдиларким, санинг қўлинг бизнинг қўлимиз турур, ҳар ким санинг қўлунгни олди, бизнинг қўлимизни олди. Агар бизнинг қўлимизни олдингиз, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қўлларини олурсиз», дедилар. Бетваққуф Мавлоно Яъқубнинг қўлларини олдим. Хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқаларини нафйу исбот тариқи билаким, они вуқуфи ададий дерлар, таълим берганларидин сўнг, хизмати Мавлоно Яъқуб ойтдилар: «Улчаким, Хожа Бузруг қуддиса сирруҳудин бизга етушуб турур, шул турур. Агар сиз тариқи жазаба била толибларни тарбият этсангиз, ихтиёр сизда турур».

Ойтурларким: «Баъзи асҳоблар Ҳазрати Мавлоно Яъқубдин сўрдилар: «Толибға бу замон тариқа ойтдингиз, нечун эрдиким, яна ойтдингизким, агар жазаба била тарбият этсангиз, ихтиёр сизда турур?» Хизмати Мавлоно (Яъқуб) ойтдилар: «Толиб шундоғ керакдурким, муршидининг олдиға келса, у мажмуъи умурни

мухайё этиб, бир ижозатга мавкуф бўлуб эрди ва ҳар нимарсани десалар, онда ул қувват бор турур».

Ҳазрати Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон Жомий қуддиса сирруху «Нафаҳот ул-унс»да ёзубдурларким: «Шундоғ истимоъ бўлди-ким, хизмати Мавлоно Яъқуб ойтдилар: «Толибеким, азизенинг суҳбатига келур, мисли Хожа Убайдуллоҳдек бўлуб келмак керакким, чироғ ва фатила ва ёғ ҳаммасин мухайё ва омода этуб турур, эмди бир гугурт тутмоқ керак эрди».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: «Хизмати Мавлоно Яъқуб инсоф бериб ойтдиларким, тариқиким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сиррухудин бизга етушубдир, зикр турур. Агар киши тариқи жазаба била тарбият эта билса, кўб яхшидур, этмак керакдур».

Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: «Вақтеким, Мавлоно Яъқубнинг хизматларидин ижозат талаб қилдим, хожагон қаддасаллоху таъоло арвоҳаҳум тариқаларини батамом баён этдилар. Вақтеким, тариқайи робитага етушдилар, ойтдиларким: «Бу тариқни ойтмоқликда даҳшат этмагил ва мустаъидларга етургил».

### **ИККИЛАНЧИ МАҚСАД**

Баъзи ҳақойиқу маъориф ва дақойиқу латойиф ва ҳикоятлар ва амсолларким, Ҳазрати Эшондин хилоли аҳволда бевосита эшитилуб эрди, уч фаслга маштамил турур.

*Аввалги фасл* — зикрида турур маъориф ва латойифким, оёту аҳодис ва каломи авлиёнинг маънисида ойтиб эрдилар.

*Иккинчи фасл* — ҳақойиқу дақойиқ ва ҳикоятларниким, баён қилинур машойихи мутақаддимин ва мутааххирин (шайхлар) қаддасаллоху арвоҳаҳумдин нақл этдилар.

*Учланчи фасл* — хос сўзларнинг баёнидаким, Ҳазрати Эшон муборак тилларига ўтуб эрди ва мухотабат сўзлариким, ул Ҳазратдин бидоят ва ниҳоят аҳлига нисбатан суҳбатда содир бўлуб эрди.

### **АВВАЛГИ ФАСЛ**

Аммо, улчаким, баъзи оётнинг маъносида ойтуб эрдилар ун олти рашҳанинг зимнида ирод топар.

*Аввалги рашҳа*. «Алҳамду лиллаҳи роббил-л-олабийн» ояги калимасида ойтдиларким: «Ҳамдга бидоят ва ниҳоят бор турур. Ҳамдининг бидояти ул турурким, неъматиким, бандага бериб турур,

онинг муқобаласида банда ҳамд ойтур, онинг учунким, банда билурким, ҳамд ойтмоқ неъматни зиёда қилур. Ҳамдинг ниҳояти ул турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло, масалан, онга қуввате бериб турурким, ул қувват била убудийятнинг ҳаққиға қиём кўргузур, мисли намозу рўза, закоту ҳаж ва буларға ўхшаш нарсалардин. Шундоғ неъматнинг муқобаласидаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг қурби ва ризосиға сабаб бўлубдур, ҳамд ойтур, балким ниҳояти ҳамд ул турурким, банда билсунким, онинг мазҳарида ҳомид Ҳақ таъолонинг ғайри эмасдур. Банданинг камоли ондин бошқада эрмастурким, билсунким, ул маъдумий турурким, онга на зот бордур ва на сифат ва на феъл. Бу андишга била ўзини масрур этсунким, они ўз сифотиға мазҳар қилибдур».

*Иккилончи рашҳа.* «Ва қалилун мин ибодиййа-ш-шакур»<sup>1</sup> оятида ойтур эрдиларким: «Ҳақиқатда шакур ул турурким, мунъимнинг неъматда мушоҳада қилур». Ва ойтдиларким: «Имом Ғаззолий қуддиса сирруҳу ойтибдурларким, агар неъматдин муталаззиз бўлса шукр мунофий бўлмас, агар онинг талаззузи бу жиҳатдин бўлсаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг вусулиға сабаб бўлур».

*Учлончи рашҳа.* «Фаъаризъан ман таваллаъан зикрино»<sup>2</sup> ояти каримасининг маъносида ойтдилар: «Бу оят икки маъноға мутановил турур. Бири улким, зоҳири оятдин мафҳум бўлурким, эъроз этгил тоифадинким, олар бизнинг зикримиздин эъроз этибдурларким, аҳли шуҳуд ва ғафлатдур. Яна бири улким, тоифае бордурларким, мазкурнинг шуҳудида истиғроқ ва истиҳлокидин васфи зикр олардин муртафиъ бўлуб турур. Агар фаразан оларни зикрға таклиф этсалар зикр оларға мазкурнинг шуҳудидан монъе бўлур. Бас, Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам маъмур бўлдилар онгаким, эъроз этсун шундоғ тоифаданким, эъроз этубдурлар зикр этмакдин. Ва мазкурнинг шуҳудида мустағрақ бўлуб турурлар, ул маънидаким, оларни зикр ойтмоқға таклиф этмасунлар».

*Тўртлончи рашҳа.* Ояти: «Куну маъа-с-содиқийна»<sup>3</sup> маъносида ойтдилар: «Маъас-содиқийннинг кайнунатиға икки маъно бор турур. Бир кайнунат суврат юзидин, ул кайнунат ул турурким, аҳли сидқға мужоласат ва мусобақатни ўз вақтиға лозим тутсун, то оларнинг давоми суҳбати сабабидин онинг ботини оларнинг сифатлари ва ахлоқларининг анворидин мунаввар бўлур. Яна бири

1. Бандаларим ичида шукр қилувчилари камдир. (Сабаъ, 13-оятдан.)
2. (Эй, Муҳаммад с.а.в.) Бизнинг зикримиздан юз ўгиргандан Сиз ҳам юз ўгиринг! (Нажм, 29-оятдан.)
3. Сиддиқлар (ростгўй зотлар) билан бирга бўлинг. (Тавба, 119-оятдан.)

маъни юзидин кайнунати “маъа-с-содиқийн” ул турурким, ботиннинг раҳгузаридин тариқи робитани варзиш этсун тоифага нисбатанким, воситалиқға истиҳқоқи бор бўлса. Ва суҳбатни ҳамишга кўз била нозир бўлмоқда ҳаср этмасун, балким шундоғ этсунким, суҳбат доимий бўлсун, сувратидин маъниға убур этсун то ҳамишга восита назарда бўлсун. Вақтиким, бу маъноға бар сабили давму рияэ этса онинг сиррига ул тоифанинг сирри била муносабати ва иттиҳоди ҳосил бўлур. Ву восита била, улчаким, мақсуди аслий турур онинг ҳақиқатиға восил бўлур”.

*Бешлончи раишға.* Шул оятнинг маъносида ойтдиларким: “Улчаким, бу амри вожиб ул-имтисолдин мафҳуми бўлур бу турурким, керакким, кўнгли содиқларнинг бирларига муртабит бўлсун. Содиқлар ул тоифа турурларким, бир нимарсаким, мусаммо турур ғайр била, оларнинг басиратлари олдин муртафиъ бўлиб турур. “Румҳи садук” деб ул найзани ойтурларким, улчаким найзаға керакдур ва муносибдур ростлиқдин хунари ҳам бўлса. Ва улчаким, ҳақиқати инсонийға керакдурким, онинг била мутаҳалли бўлса, то ўзининг даражаи камолиға етушган бўлса рост таважжух турур. Жаноби Ҳақ субҳонаҳуға рост таважжухдин бошқа нимарса ҳеч нимарса эмасдир”.

*Олтилончи раишға.* Яна шул оятни маънисиди ойтдилар. Байт:

*Бо ошиқон нишину ҳама ошиқи гузин,*

*Бо ҳар ки нест ошиқи бо у машав қарин.*

(Ошиқлар билан ўтир, ошиқликни танла,

Ҳар кимда ошиқлик бўлмаса, унга яқинлашма).

“Маснавий”и Мавлавийи(дин):

*Пеши устоди, ки у наҳвий бувад,*

*Жони шогирдаш аз у наҳвий шавад.*

Наҳвий (тилшунос) бўлган устоднинг олдида,

Шогирднинг жони ҳам ва вужуди ҳам

шунга мос бўлади.)

Одамийға, ул жиҳатидинким, ҳамнишинлардин таъсири томмға истеъдод ҳосилдур, бу амрга маъмур бўлуб турур. Қайси амал бу тоифанинг суҳбати баракати била Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин воқеъ бўлгон кашишга муқовамат эта билур? “Жазабатун мин жазаботил Ҳаққи тавози амала-с-сақалайн”. “Ҳақ таъолонинг жазабаларидан бўлмиш битта жазаба жин ва одамзоднинг амали билан баробардир. бу маънининг муаййиди турур”.

*Еттилончи раиҳа.* Калимаи “ло илоҳа иллаллоҳ”нинг маъносида ойтдиларким: “Акобирларнинг баъзилари ло илоҳа иллаллоҳ зикрини зикри омм(а) деб турурлар ва зикри Аллоҳни зикри хос ва зикри “Ҳу”ни зикри хоссу-л-хосс деб турурлар, Ваҳоланки, зикри ло илоҳа иллаллоҳ хоссу-л-хосс бўлса бўлур, онинг учунким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тажаллиётига ниҳоят йўқ турур ва ул сувратда такрор ҳаргиз мутасаввир эрмастур. Бас, ҳар бир онда нафй сифати этуб, исбот сифати этар. Бас, абаду-л-абад нафйу исботдин холий бўлмас”.

*Саккизлончи раиҳа.* Ойтур эрдиларким: “Ло илоҳа иллаллоҳ”нинг маъниси баъзининг наздида Аллоҳ исмли зот турур, мин ҳайсу ҳийа ул бўлса бўлурким, ло илоҳа, яъни йўқдур Илоҳким, иборатдур мартабаи улуҳиййатдин, яъни зоти маъас-сифотдин, иллаллоҳ магар зот бахт муарро ани-л-кулли, бу маънини ўзидин узоқ тутмасун, онинг учунким, кўнгил ағёрдин холий бўлг он замонда сирнинг машхуди зоти муқаддасдин бошқа ҳеч нимарса эрмас. Ва бу Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддиса сирруҳунинг силсилаларидаги мубтадийларға нисбатан муяссардир. Фаҳима ман фаҳима (ким тушунувчи бўлса тушунади).

Мисраъ:

*Бонги ду кардам агар дар даҳ кас аст.*

(Ўн киши бўлса ҳам икки мартагина бонг урдим.)

Бу маънида ойтдиларким: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг тариқлари мубтадийларға аввалғи қадамда хувиййати ғайбдан чошнийи ҳосил турур”.

*Тўққузлончи раиҳа.* “Қуллиллоҳу сумма зарҳум”<sup>1</sup> маънисида ойтдилар: “Мурод ул турурким, нафси зотга мутаважжиҳ бўлғил, на сифатға”.

*Ўнлончи раиҳа.* Ояти каримаи: “Ё аййухуллазийна оманув омину”<sup>2</sup> маъносида ойтур эрдиларким: “Такрор уқудга ишора турур, яъни иймонким, бу тоифанинг наздида “ақди қалб”дин иборат турур Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға, яъни амр этди Ҳақ субҳонаҳу таъолоким, бу ақдни такрор этинглар, яъни сайй қилинглар ва билингларким, бу сизларнинг васфингиз эрмастур”.

1. “Аллоҳ” денг, сўнг уларни (инкорчиларни) кўйиб кўйинг. (Анъом. 91-оятдан.)

2. Эй. мўъминлар. иймон келтирингизлар (яъни. иймонингизда собит бўлингизлар). (Нисо. 136-оятдан.)

*Ўн бирлончи раишҳа.* Ояти каримаи: “Фа-минҳум золимун ли-нафсиҳи ва минҳум муқтасидун ва минҳум собикун би-л-хайроти”<sup>1</sup>нинг маънисида ойтдиларким: “Фа-минҳум золимун ли-нафсиҳи” лойиқдур ишорат бўлса, тоифаким, ўз нафсларига зулм этиб эрдилар, ул маънидаким, ҳар нимарса нафснинг муроди турур лаззат ва шаҳавотдин, они маҳрум этиб турурлар. Ва жамъи аҳволда онинг муҳолафатини лозим тутубдурлар то қабули мавоҳибға мустаъид бўлсунлар. Бу таҳқиқға назар этганда, бу гуруҳ жамоаи муқтасидондин ва жамоаи муқтасидони собиқони хайротдин муқаддам бўлсалар”.

*Ўн иккилончи раишҳа.* Ояти: “Ва савоун алайҳим а анзартаҳум ам лам тунзирҳум ло юьминун”<sup>2</sup> маънисида ойтдиларким, шоядким, ишорат бўлса, бани Одамдин тоифаегаким, муҳаммининларнинг қалблариде воқий бўлуб турурларким, олар малоикадин тоифаедурларким, шуҳуди зотийда гоъти истиғроқларидин Ҳақ субҳонаҳунинг зотидин бошқа ҳеч мавжуднинг борлиқиға ҳеч огоҳлиқлари йўқ турур. Вақтеким, ул тоифа ҳеч нимарсадин огоҳ бўлмаслар, заруратан ҳеч нимарсага иймонлари бўлмас. Ложарам “ло юьминуна” ул Бузругворларнинг васфлари бўлди.

*Ўн учлончи раишҳа.*<sup>3</sup> Ояти: “Ли-мани-л мулки-л-явма лиллаҳи-л-Воҳиди-л-Қаҳҳор”<sup>3</sup>нинг маъносиде ойтур эрдиларким: “Шояд мулкдин солиқнинг кўнгли мурод бўлса, яъни вақтиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло кўнгилға воҳидийат қаҳри биле тажаллий этсе, ул кўнгулда ўзидин ғайрға нишон қўймас. Бас, ул кўнгилде “ли-мани-л-мулки-л-явм” садосини солур. Вақтеким, ул мамлакатде ўзидин бошқани кўрмаса яна ҳам ўзи жавоб берурким, “Лиллаҳи-л-Воҳиди-л-Қаҳҳор”, “Субҳоний мо аъзаму шаъний ва ана-л-Ҳаққу ва ҳал фи-д-дорайни ғайрий” ва бу сўзларнинг амсолларининг садоси бу мақомдин турур”.

---

1. Улардан (инсонлардан) кимлардир ўзларига зулм қилар, кимлардир ўртада қолар, кимлардир Аллоҳнинг изни (ёрдами) билан яхшиликларде пешқадам бўлмоқик учун мусобақа қилурлар... (Фотир. 32-оятдн.)

2. Уларни огоҳлантрасизми, огоҳлантрмайсизми — бу улар учун барибир (аҳамияти йўқ). иймон келтирмайдмлар. (Ёсин. 13-оят.)

3. Букун ҳукмронлик (подшоҳлик) кимға тегишлидир? Қаҳҳор бўлган Аллоҳға тегишлидир. (Фофир. 16-оят.)

*Ўн тўртлончи раишҳа.* “Ё аййуҳан-носу антуму-л-фуқароу иллаллоҳи”<sup>1</sup> ояти каримасининг маънисида ойтдиларким: “Одамийлар Ҳақ субҳонаҳуға муҳтож турурлар. Вақтеким, Аллоҳу таъоло ўз илми қадими била билур эрдиким, одамий башарият муқтазоси андозаси била нону сув ва асбоби дунёвийға муҳтож бўлғусидур. Ложарам ўзининг жамоли қаййумиййатини мазоҳири ашъдин зоҳир қилди то одамий ҳар нимарсага муҳтож бўлса, дарҳақиқат Ҳақ субҳонаҳуға муҳтож бўлур онинг қаййумиййати ваҳҳидин”.

*Ўн бешлончи раишҳа.* Бир кун мажлисининг ҳозирларидин баъзиларига сиёсат этуб ва маломат ойтуб, сўзлар ойтур эрдилар, ул аснода ойтдилар: “Кўчаларда ойланиб юринглар, бир иш этингларки, одамлар сизлардин манфаат олсунлар. Ҳар вақт ул ваҳҳким, эта билсангизлар ўзларингиз кам этунглар, саъй қилингим, шуҳуди аҳадиятда касрат ҳосил бўлсун. Баъзилар: “Инно аътайнока-л-кавсар” маънисини шундоғ тафсир этибдурларким: “Бердим санга кавсарни, яъни аҳадиятни касратда мушоҳада этмакни бердим”.

*Ўн олтилончи раишҳа.* “Кулла явмин ҳува фи шаън” оятида сўзлар ойтдилар. Ул аснода тақриб била ойтдиларким: “Бақоун баъд-ал-фано”ға икки маъно бор турур. Бири улким, солиқ шуҳуди зотий била муттасиф ва мутаҳаққиқ бўлуб, онда русуҳи тамом топиб ва истиғроку ғайбатдин шуъур ва ҳузурға қойтиб келгандин сўнг асмой феълийнинг тажаллиётига мазҳар бўлур. Асмой кавниянинг асарларини ўзида топар. Ул асмонинг ҳар бирининг аросида имтиёз этар ва ҳар исмданким, ҳаззи хос олур. Ва яна бир маъноси улким, ҳар бир онда ва замоннинг ажзоларидин жуъъи ло йатахаййарида асмой зотиянинг осоридинким, онда ва онга хорижда мазоҳир йўқ турур, ўзида асаре топар. Ва бу осори мутанаввиъа ва муталлаввинани онан фа-онан ўз ботинида идрок этар ва асарларининг ихтилофи эътибори била ҳар бирининг аросида замонларнинг аксар замонида имтиёз этар ва бу бағоят нодиру олий турур. Арбоби валояти хоссадин афроди инсонийнинг акмалиға бул маъни бар сабили надра ҳосил бўлур.

Ва ояти каримаи: “Кулла явмин ҳува фи шаън” бу маънининг мубаййаани турур.

Байт:

*Ҳар дам аз ин боғ бари мерасад,  
Тозатар аз тозатари мерасад.*

1. Эй, инсонлар! Сизлар муҳтождирсизлар Аллоҳга... (Фотир. 15-оят.)

(Бу боғдан ҳар нафас мева етишгади,  
Тоза мевалардин ҳам тозароғи етишгади).

Аммо улчаким, баъзи аҳодиснинг маъносида ойтдилар, саккиз рашҳанинг замида ирод топар.

*Аввалги раиҳа.* “Ал-қаноату канзун ла яфна”<sup>1</sup> ҳадисининг маънисидида ойтур эрдиларким: “Қаноат бизларнинг наздимизда ул турурким, вақтиким, бир киши элак урулмоғон арпа унидин нон топса, арпанинг майда унидин бўлғон нонни орзу этмас. Они ҳам ул миқдориғаким, қўли ва оёқиға намоз ўқуғудек ҳаракат пайдо бўлсун”.

Ва ойтур эрдилар: “Бар важҳе бўлмоқ керакким, ҳамишга муяссар бўлса, емаку ичмак ва киймакда қаноат этсун, нимарсаегаким, ондин аднороқ бўлмаса”. Бас, муборақ қўлларини очдилар ва ойтдилар: “Ҳар қачон киши оч бўлса, бир қисм биринж ё ун онга кифоя қилур, ҳар ким шундоғ этди, осуда бўлди”.

Ва ойтур эрдиларким: “Агар киши, масалаң, биёбонга тушсаким, онда сув ва ободонлиқ ҳеч мамаррдин таом бўлмаса, онга таом учун ҳеч дағдаға бўлмас ва ботинида ҳам ҳеч онинг тазарруи бўлмас. Деса бўлурким, бу одамнинг ҳақиқатинда қаноат ҳосил бўлур”.

*Иккилончи раиҳа.* Хабарда қелиб турурким: “Ат-такаббуру маъ-л-мутакаббири садақатун”<sup>2</sup>. Ойтдиларким: “Такаббур икки нав турур: мазмум ва маҳмуд. Мазмум бўлғон такаббур Худонинг бандалариға ўзини улуғ тутмоқ ва ҳақорат кўзи била қарамоқ ва ўзини олардин зиёда-ю яхши кўрмак. Ва маҳмуд бўлғон такаббур ўзини модунни Хақ таъолоға илтифот этмаслик турур. Ва Ҳақ субҳонаҳудин гайриға ўзини улуғ тутмоқ ул маънидаким, ҳар нимарсаким, Ҳақ субҳонаҳунинг гайри турур ва ондин алоқа ва илтифоти мунқатий бўлур. Бу такаббур асл турур, онинг назарида фақир ва бемиқдор бўлур ва фано мартабасиға мувассил турур”.

*Учлончи раиҳа.* Ойтур эрдиларким: “Ҳадисда ворид бўлубдурким: “Шайабатний сурата Худ”<sup>3</sup> ул ваҳжданким. сураи Худда... истиқоматға амр воқий бўлубдур. Камо қола субҳонаҳу: ”Фастақим камо умирта”.<sup>4</sup> Ва истиқомат амре турур бағоят саъб, онинг учунким, истиқомат —

1. Қаноат — йўқ бўлмайдиган ҳазина.
2. Такаббурга такаббурлик қилмоқ садақадир.
3. Худ сураси мени қаритди.
4. Сизга буюрилганидек истиқоматла (собит) бўлинг!

мажмуъи афъолу аҳвол ва ахлоку аҳволнинг ҳадди васатида истиқрор этмак турур, бар важҳиким, мажмуъи афъолда улчақим, зарурий турур ондин тажовуз содир бўлмас ва ифроту тафрит тарафиндин маҳфуз бўлур. Ва бу ердақим, ойғиб турурлар, иш истиқоматда турур, каромат ва ҳавориқи одатға эътибор йўқ турур”.

*Тўртлончи рашҳа.* “Ал-явма тасадду куллу фуржатин”<sup>1</sup> ҳадисининг маънисиди ойтдилар: “Масжидики, Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам онда намоз ўқур эрдилар, онинг неча эшиклари бор эрди. Ул Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам марази ахийрларида буюрдилар, то ул фуржаларнинг аксарини банд этдилар. Ва ул фуржақим, Сиддиқи Акбар (Абу Бакр Сиддиқ) разияллоҳу анҳунинг тарафларида эрди, они қўйдилар. Бас, ойтдилар: “Ал-явма тасудду куллу фуржатин илла фуржата Аби Бакрин”, яъни бугун банд этилди ҳама фуржаларни, магар Абу Бакр (разияллоҳу анҳу)нинг фуржалари банд бўлмади. Арбоби таҳқиқнинг бу бобда сўзлари бор турур. Ва ул сўз ул турурқим, Ҳазрати Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламға нисбатан ҳуббилари бор эрди. Ва ул Ҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда ишорат этдилар ул маъниғақим, нисбати ҳуббийдан бошқа эрмасгур. Нисбати ҳуббийнинг жинсининг баробарида тамоми нисбатлари масдуд ва тариқлар ҳам масдуд турур. Ва робита бу нисбати ҳуббийдан иборат турур. Ва соҳибдавлатғақим, воситалик эътиқодиға лойиқ бўлса ва хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқлариқим, Ҳазрати Сиддиқи Акбар разияллоҳу анҳуға мансуб турур бу нисбати ҳуббийнинг ҳайсийятидин турур. Ва бу азизларнинг тариқлари ҳақиқатда бу нисбати ҳуббийнинг нигоҳдошти турур”.

Яна бир вақтда бу нисбати ҳуббийнинг таҳсили баёнида бу абётларни ўқудилар.

Байт:

*Ҳин дарича сўйи Юсуф боз кун,  
В-аз шикофаш фуржаи оғоз кун.  
Ииқибозий он дарича кардан аст,  
К-аз жамоли дўст дийда равшан аст.*

(Кел, Юсуф томонга дарича оч,  
Ва бу даричадан роҳат ол.

Ошиқлик — бу шундай дарича очишдир,  
Дўстнинг жамолидин кўзларни равшан қилишдир).

1. Бугун барча эшиқлар ёпилади...

*Бешлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким: “Тариқат кубаролари қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг баъзилари ҳадиси: “Ли маъаллоҳи вақтун”нинг маънисидида ойтиб турурлар: “Ай вақтун мустамаррун шомилун ли-жамиъи авқотиҳи”, яъни Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирлариға иттисол ва иртибот бар сабили давом Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға ҳам бар сабили давом иттисол ва иртибот ҳосил этдиким, онда ҳеч нарсага ганжойиш йўқ эрди. Аммо қуввати мудрикадаким, мусаммо ба қалб турур ҳамма нарсага ганжойиш бор эрди мусолиҳ ва муҳорабаи аъдо, азвожи тоҳиротга мубошарат этмакдин ва булардин ҳам бошқа ишлардин”.

Баъзилар ойтиб турурлар: “Ли маъаллоҳ вақтун”, ай вақтун нодирун азизун”. Ва ойтдиларким: Хожа Алоуддин Гиждувоний алайҳир-р-раҳма қавли сонийға табдил этибдурлар. Ва ойтур эрдиларким, комилларға бар сабили надрат бу ҳол воқиъ бўлур.

*Олтилончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким: “Меърож кечасининг ҳадисидида воқиъдурким, вақтиким, Ҳазрати Жаброил алайҳис салом Расул саллаллоҳу алъйҳи васалламға ҳамроҳ бўлмоқдин қолди ва ойтди: “Лав данавту анматан лааҳтарақту” аҳли таҳқиқ ул сўзнинг маъносидида ойтиб турурлар: “Агар ўз мақомимданким, шуҳуди зот маъа-с-сифот турур, бир бармоқнинг учи миқдори яқин борсам, ҳар оина ёнарман, яъни ман қолмасман, бошқа бир нимарса бўлурман”.

*Еттилончи раишҳа.* “Аддабани раббий фа-аҳсана таъдибий” ҳадиси шарифининг маънисидида ойтдилар: “Ай би-ан аътоний ал-маҳабба-та-л-жомиъата ли-жамиъи-л-ҳасойиси-н-нуъути-л-марзиййати ва-л-хисоли-л-ҳамидати-л-латий яқтазий лима йулойиму Ҳазрата-л-маҳбуб”, яъни бу тариқақим, ато қилди манга Раббим сифати мар-зиййанинг тамоми хасойислариға жомий бўлгон муҳаббатни ва яна ато қилди яхши хислатларниким, муқтазий эрди ул хислатлар маҳбубнинг Ҳазратиға муносиб бўлгон нимарсаларға”.

*Саккизлончи раишҳа.* Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати амиру-л-мўъминин Али разияллоҳу анҳу ойтиб турурларким: “Лав кушифа-л-ғитоу мо уздиат яқинан”. Маънисиким, ҳарфи “лав”нинг истеъмолиға муносиб турурким, ул калимаи турурким, онинг маъниси имтиноъи соний турур. Аввалнинг имтиноъи сабабидин ҳеч кишининг хотириға келмагандур. Ва ул маъни ул турурким, яқин ҳамишга зиёда бўлмоқда турур. анинг учунким, қошифи ғитоъ ҳаргиз мумкин эрмастур. Ва бу арбоби таҳқиқ олдида муқаррар бўлудурким, “зотун мин ҳайсу ҳийа”, ҳаргиз зоҳир

бўлмас, магар сифотнинг пардасидин. Вақтеким, ул ҳақиқат ҳамишга кумун ва истигорнинг ҳижобида бўлса кашфи ғитоъ ҳаргиз мумкин бўлмасдур. Бас, бу яқин ҳамишга тазойидда бўлур”.

Аммо улчаким, авлиёуллоҳнинг калимотларининг маънисидида ойтуб эрдилар, ул ҳам саккиз рашҳанинг зимнида ирод топар.

*Аввалги раишҳа.* Бу сўзнинг маънисидаким, акобирлардин ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ажмаъийн ойтибдурларким: “Исҳабув маъаллоҳи фа ин лам тайтийқу фаисҳабу ман ясҳабу маъаллоҳи”, ойтдиларким, мурод бу жойда суҳбатдин ҳузур ва огоҳликдурким, суҳбатнинг лозими турур, онинг учунким мусоҳибийнга лозимдурким, бир-бирига ҳозир ва огоҳ бўлсалар. Таважжуҳ ижодида инсонга шундоғ нисбат ворид бўлубдурким, “халақтуху бийадайтйа”, яъни авсофи мутақобила била халқ этдим Одам алайҳи-с-саломни, яъни жамиъи авсофдин онда нимарсае бор турур ва авсофнинг жумласидин турур ҳузур зотий, нечунким Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло азалан ва абдан ўз зоти била ҳозир турур. Бас, улчаким, афроди инсонийада ҳузур ва огоҳликдин зоҳир турур олардин эрмастур, балким, ҳузур зотийнинг офтобидин партаве турурким, мазоҳирнинг девориға тушуб, они мунаввар этуб турур. Одамийнинг камоли ондин бошқада эрмастурким, ўз ҳолини таҳқиқ этиб, билсунким, улчаким, онга ҳузур ва гайри ҳузурдин ҳозирдур ва ҳосилдур, ондин эрмастур, балким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин турур. Ва онга онда ҳеч Ҳақ йўқ турур. Ва улчаким, пири Ҳирот қуддиси сирруҳу ойтиб турурларким: “Ат-таҳқиқу талхисун масҳу бика”, бу маъниға ишорат турур”.

*Иккилончи раишҳа.* Бу сўзнинг маънисидаким, муҳаққиқлар ойтиб турурларким: “Лав ақбала сиддикун иллаллоҳи алфа-алфа санатин сумма аъраза анху лаҳзатан ма фаамотаҳу минху аксару мимма нолаҳу”, яъни агар сиддиқе Аллоҳу таъолонинг тарафига минг-минг иқбол этса, ондин сўнг бир лаҳза ондин юз қайтарса, ул сиддикдин фавт бўлгон нарса етишган нарсасидин кўб турур”.

Ойтур эрдиларким: “Бу сўзнинг таҳқиқи ул турурким, бу тоифа Бузругворлар мақомеға етушурларким, ҳар бир нафасда камолоти мотақаддамни касб этурлар. Ва машҳур ҳикоят турурким, бу тоифадин баъзини халифанинг ёнида гаммозлик этдилар ва ойтдилар: “Олар зиндиқ турурлар ва халқни залолатға солурлар. Агар фармон бўлсаким, олар қатлға етуб, ул мазҳаб муталоший бўлса, ажри азийм онга мугараттиб бўлур”. Вақтеким, оларни дорул-хилофатға ҳозир этдилар, халифа оларни қатл этмакка фармон берди. Сайёф хоҳладиким, олардин бирини ўлтургай. Яна бири

олдиға келиб, талаб этдиким, “аввал мани ўлтургун”. Сайёф анга қасд этиб эрди, яна бири олдиға келиб, талаб этдиким, аввал мани ўлтургил. Сайёф онга қасд этуб эрди, яна бири олдиға келиб, талаб этдиким, аввал мени ўлтургил. Яна бири олдиға келиб, шул талабни этди. Сайёф дармонда бўлиб мутаҳаййир бўлди ва ойтди: “Сизлар ажаб кишилар эркансизлар, ўз қатлингизга муштоқ турурсизларким, бир-бирингизга мубодарат этасизлар ва мусобақат кўргузурсизлар”. Ойтдилар: “Бизлар аҳли ийсор турурмиз ва мақомага етубдурмизким, ҳар бир нафасда камолоти собиқани касб этармиз, бас, ҳар биримиз ўз ҳаётимизни яна бир-биримизга ийсор этармиз, то бу миқдор фурсатда яна биримиз бир неча нафас олиб, касби камолот этурлар”. Бу сўз халифаға етушди ва халифа мутанабих бўлиб, оларнинг ҳолини таҳқиқ этди ва камолотлариға мутталиъ бўлгондин сўнг, ойтди: “Агар бу тоифа зиндик бўлсалар, оламда сиддик йўқ турур» деб, ул вақт оларға узрхоҳлик қилди ва эъзозу икромии тамом била қайтарди”.

Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Бу сўзнинг тамсили бор турур. Тамсил ул турурким, бир кишининг юз тилла сармойеси бор турур ва онинг била тижорат этиб, муддате сазй этди, то юз минг тилла бўлди. Бу замонда улчаким, бу юз миңг тилла сармойедин тижорат судида онинг ҳосили турур, ҳар ойина кўб турур ул нимарсадинким, онинг ҳосили эрди аввал замондағи юз тилланинг фойдасидин. Бас, агар ул киши бу замонда касбу тижоратдин қолса, онинг “мо фота”си зиёда бўлур “мо нолаисидан”.

*Учланчи раиҳа.* Ойтур эрдиларким: “Улчаким, акобирлар ойтиб турурлар: “Ман ғамаза айнаҳу аниллаҳи тарфата айнин лам яҳтад тавла умриҳи”, яъни ҳар киши Аллоҳу таъолодин кўз юмуб-очар фурсати кўзин юмса, яъни гофил бўлса, эмди фавт бўлгон замоннинг тадорикиға муҳгад бўла билмасдир”.

*Туртлончи раиҳа.* Ул сўзнинг маънисидаким, баъзи урафо ойтиб турурларким: “Арбобу-л-ҳоли атабарауна ғани-л-аҳволи”. Ойтур эрдиларким: “Истиғроқ ва истиҳлок ҳам мувжиби тараққий эрмастур, онинг учунким, таҳқиқға етушубдур ва маълум бўлубдурким, тараққий давоми амалға мавқуф турур. Истиғроқ ва истиҳлокнинг замони амалдин қолур замон турур, балким истиғроқ ва истиҳлок ул мавтаннинг аҳкомларидин турурким, истиғжол тариқасида бу мавтанда зоҳир бўлуб турур. Агар мавтани дунёда зоҳир бўлмаса эрди, мавтани уқбода батариқи акмал зоҳир бўлур эрди. Бас, биноси бу таҳқиқға турурким, арбоби аҳвол табарро этуб турурлар аҳволдин”.

*Бешлончи раишха.* Ойтур эрдиларким: “Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруху ёзибдурларким: “Ҳақиқату-з-зикри иборатун ған тажаллияги Субҳонаху ли-зотиҳи би-зотиҳи фий айни-л-абди мин ҳайсу исми-л-мутакаллими”, яъни зикрнинг ҳақиқати иборат турур Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг ли-зотиҳи би-зотиҳи тажаллийсидин банданинг зотида исми мутакаллимнинг ҳайсиййатидин”.

Ва ойтдиларким: “Бу мақом ондоғдурким, толиб неча муддатилар зикри ойтмаса, то онинг давоми огоҳлик кўнглига ҳосил бўлмаса, муяссар бўлмасдур ондин сўнг агар яна бир ҳамла келтурса ва бу нисбатни ўзидин салб этса Ҳақ субҳонаху ва таъолодин иноят турур”. Бас, бу байтни ўқудилар:

*Як ҳамлаи мардонаи мастона бикардим,  
Аз илм гузаштиму ба маълум расидим.  
(Мардонаю мастона бир ҳамла қилдик  
Илмдан ўтиб, маълумга етишдик.)*

*Олтилончи раишха.* Бу сўзнинг маънисадаким, баъзи акобирлар ойтиб турурларким: “Субҳона ман лам йажъал ли-л-халқи сабийлан илла би-л-ажзи ған маърифатиҳи” ойтур эрдиларким, маърифатдин ожиз келмак ул турурким, маълум бўлсинким, “ло яърифуллоҳа иллаллоҳ”, яъни маърифат таркиби инсонийнинг муқтасоси эрмасдур, улчаким, таркиби инсонийдин маърифат зоҳир турур инсондин эрмасдур, балким инсон ойнае бўлбдурким, онда Ҳақ субҳонахунинг маърифатининг суврати акс ташлабдур, бу янглиғ ажзи инсонийнинг маърифатиға мунофий эрмасдур. Баъзилар гумон этуб турурларким, маърифатдин ожиз келмак жаҳд турур ва бу ботил турур”.

*Еттиланчи раишха.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу Бакр Воситий (раҳматуллоҳи алайҳ) ойтиб турурким: “Ин кунта қоиман би-ғайрика фа-анта фонин би ло жамъин ва ло тафрақатин”, яъни сан ўзингдин ғайрға қойим бўлсанг, бас, сан фоний турурсан бежамъ ва бетафрақа. Жамъ бу жойда амалда тавфиқни кўрмакдин киноя турур. Ва тафрақа вазоифи убудиййатни ўз васфи била адо этмакдин иборат турур”.

Ва ойтур эрдиларким: “Ҳар ким бу сўзнинг мазмунин топди, завқ юзидин они идрок этди, халос топди ва ағёрнинг тафрақасидин қутулди”.

*Саккизлончи раишха.* Ойтдиларким: “Акобирлар жамъу-л-жамъ маънисада шундай дейдилар: “Ал жамъу ма лаҳу алайҳи ва ма лака алайка ва жамъу-л-жамъи ан яжмаъ ма лаҳу ва ма лака алайҳи”.

Ойтдилар: “Мартабаи жамъ ул-жамънинг мубаййини турур бу байтким, Ҳазрати Мавлавий (Румий) қуддиси сирруху “Маснавий”да ойтиб турурлар.

Байт:

*Мо кийим андар жаҳон печ-печ,  
Чун алиф он худ надорад ҳеч-ҳеч.  
(Биз жаҳон ичида киммиз, ҳеч киммиз,  
Виз “алиф”га ўхшаймиз,  
унда ҳеч нарса (яъни нуқта) йўқ).*

### ИККИЛАНЧИ ФАСЛ

*Ҳақойику дақойиқ ва ҳикоётлар зикрида турурким,  
машойихи мутаққаддимин ва мутааххириин қаддасаллоху  
арвоҳаҳумдин нақл этуб эрдилар ва ул эллик икки рашҳа  
заминда ирод топар*

*Раишҳа 1.* Ойтур эрдиларким: “Аҳли иродат бағоят орзу турурлар”. Бу тақрибда ойтдиларким: “Бир Шайх ақобирлардин бирининг ёнимга йибордиким, агар муриди содиқ топғон бўлсангиз, бизнинг учун йиборинг. Ул Бузруг жавобда ойтиб йибордиким, бу жойда мурид камроқ турур, аммо ҳар нечоғлиқ Шайх талаб этсангиз сизнинг учун бериб йиборурмиз”.

*Раишҳа 2.* Ойтур эрдиларким: “Мавлоно Рукниддин Ҳавофий алайҳир раҳманинг кўб фазойил ва камолотлари бор эрди, мутабаҳҳир ва донишмандлардин эрдилар на тоифага рост иродати бор эрди, ул ойтур эрди: “Манинг ўз ишимдин ҳеч умидим йўқ турур, магар бир ишдинким, бағоят умидвор турурман ва ул иш ул турурким, бир кун саҳрода Ҳазрати Шайх Зайнуддин Али Кулолким, Шерознинг улуг машойихларидан турур, таҳоратга машғул эрдилар ва ман оларнинг истинжо (қиладиган) кесакларини юзумга суртдим, то онинг била истинжо этдилар”.

*Раишҳа 3.* Яна ҳам ондин нақл этдиларким, ойтиб турурлар: “Дарवेशининг суратини деворга нақш этсалар, ул деворнинг тагидин адаб била ўтмак керакдур”.

*Раишҳа 4.* Ойтур эрдилар: “Вақтеким, Шиблийга бу йўлнинг иродати пайдо бўлди ва онинг отоси ул фурсатда Воситга ҳоким эрди ва Муҳаммад Хайрким, вақт машойихларидин эрди, онинг қўлида инобат келтуруб, тавба этди. Муҳаммад Хайр они Жунайдининг ёнимга йиборди. Соҳиби “Кашф ул-маҳжуб” ойтиб турурким, бу йибормак ул жиҳатдин эрмас эрдиким, Шиблийнинг

тарбиятидин ожиз келган бўлса, лекин Жунайднинг адабини сақлади ва Шиблий ҳам Жунайднинг қариндошларидин эрди. Жунайд онга етти йил касб буюрди ва ойтди: “Ондин пайдо бўлгон нимарсаларни радди мазолимгаким, айёми ҳукуматда сандин содир бўлуб турур, онга қайтуб бергил”. Ондин сўнг они яна етти йил халожой ва таҳоратхонанинг хизматида сақлади, то истинжо кесакларини ва асҳобларнинг таҳорат суйинни муҳайё қилур эрди. Ва ўн тўрт йилдан сўнг онга тариқа ойтуб, риёзатга амр эдилар”.

*Раиҳа 5.* Ойтур эрдилар: “Саҳл бин Абдуллоҳ Тастарий қуддиса сирруху муддати мадид риёзат шоққа тортди ва давоми зикрга иштиғол кўргузди, бамартабаеким, бир кун димоғидин қон равон бўлди, ҳар қатраеким ерга томди лафзи мубораки “Аллоҳ”нинг нақшида бўлди. Бу тариқа машғулликлар эткондин сўнг они пири ёддоштликга амр элди”.

*Раиҳа 6.* Ҳазрати Эшондин икки мартаба эшитилдиким, ойтдилар: “Ҳазрати Хожа Абдулхолик қуддиса сиррухунинг сўзлари турурким: “Шайхлик эшигини боғлагил, ёрлик эшигин очкил, хилватнинг эшигини боғлагил, суҳбатнинг эшигини очкил”. Иккиланчи мартаба “Маснавий”дин бу байтни ўқудилар .

Байт:

*Ҳирфа мехоҳи тариқаш феълест,*

*Илм омузи тариқаш қавлист.*

*Фақр хоҳи он ба суҳбат қойим аст,*

*Не забонат кор меояд на даст.*

(Ҳунар тиласанг, бунинг йўли феълдир,

Илм ўргансанг, бунинг йўли сўздир.

Фақр керак бўлса, у суҳбат орқали топилари,

Тил билан ҳам, қўл билан ҳам топилмайди.)

*Раиҳа 7.* Ойтур эрдилар: “Баъзи ақобири дин ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ойтибдурларким, намози дигардин сўнг соатедурким, керакдур ул соатда аъмолнинг яхшироқи га машғул бўлеунлар. Баъзилар ойтибдурларким, аъмолнинг яхшиси муҳосаба турур ва муҳосаба улдурким, кеча ва кундузнинг соатида авқотларини ҳисоб этарлар, неччаси ондин тоатга сарф бўлуб турур ва неччаси маъсиятга ва улчаким тоат била ўтубдур, онга шукр этурлар ва улчаким маъсият бирлан ўтубдур, онга истиғфор ойтурлар. Баъзилар ойтибдурлар, аъмолнинг яхшиси ул турурким, ўзини бир кишининг суҳбатиға етурурким, онинг суҳбатида ҳар нимарсаеким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ғайри турур ондин малул бўлур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға мойил ва мунжазб бўлур. Аҳли таҳқиқ ойтиб турурларким, аъмолнинг

яхшироқи ул турурким, онга иштигол кўргузган восита била Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг ғайридин малул бўлуб, Ҳақ субҳонаху ва таъолоға мойил бўлур.

*Рашҳа 8.* Бу маънодаким, ажнабийнинг суҳбати нисбатнинг футурига сабаб ва мужиб бўлур, ойтиб эрдиларким: “Бир кун Шайх Абу Язид қуддиса сирруҳунинг вақтига футур йўл топди. Ойтди: “Охтарингларким, бизнинг мажлисимизда бегонае бор турурким, бу футур ул сабабдиндир”. Кўб жустужўй этконларидин сўнг ойтдилар: “Бегона йўқ турур”. Ойтдилар: “Асо хонани талаб этинглар”. Талаб этдилар. Бегонаенинг асосини топдилар ва узоқға отиб ташладилар. Дарҳол ўз вақтлариға воҳид бўлдилар ва ул тафрақа жамъиятқа мубалдал бўлди.

Ва ойтдиларким, Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруҳунинг суҳбатларида ҳам бир кун футур бўлди. Ойтдилар: “Бу суҳбатда бегона бор турурким, онинг воситаси била нисбатнинг сарриштаси йўқ бўлди”. Ва кўб тафаҳхус эткондин сўнг саффи ниъолдин бир бегона кишининг кафшини топиб чиқариб ташладилар. Дарҳол жамъият ва сафойи вақт ҳосил бўлди ва ул тафрақа ва кудурат муртафиъ бўлди.

Ходимлардин баъзилар ойтдиларким, асҳобларнинг бирлари бир бегонанинг жомасини кийиб, саҳардаким, вақти инъиқоди суҳбат эрди, Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келди. Бир лаҳзадин сўнг ул Ҳазрат ойтдиларким: “Бу мажлисда бегонаенинг исин топарман”. Бас, ул азизға ойтдиларким: “Бу ис сандин келур, магар бегонанинг либосин кийибсан”, дедилар. Ул азиз турди ва мажлисдин ташқари чиқиб, ул жомани эгнидин чиқариб узоқға ташлади. Дарҳол яна келиб ўлтурди.

*Рашҳа 9.* Ойтур эрдиларким: “Жамодотга одамлар аъмоли ва ахлоқларининг таъсири арбоби таҳқиқларнинг наздида амри муқаррар турур.

Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сирруҳунинг бу бобда таҳқиқотлари кўб турур. Ва жамодотнинг бу таъсири то гоятегадурким, агар киши афзали ибодатниким намоз турур, мавзеидаким, адо этса, ул мавзе жамоатининг нописандида аъмолларидин ва ахлоқларидин мутаассир бўлгон бўлса, бу амалнинг баҳо ва жамоли ул амалға баробар эмастурким, мавзеида адо этсаким, арбоби жамъиятнинг жамъиятидин мутаассир бўлгон бўлса. Шул ваҳддин турурким. Маккаий муборакнинг ҳарамиди икки ракаат намоз ул мавзенинг ғайри (бошқа ерида) адо топқон етмиш ракаат намозға баробар турур.

*Раиҳа 10.* Ойтур эрдиларким: “Бу нисбатни талаб эткучи кишига бу рубойга амал этмакким, Ҳазрати Азизонга мансуб турур, лавозимнинг жумласидин турур. Рубойи:

*Бо ҳарки нишгастии-ю нашуд жамъ дилат,  
В-аз ту нарамид заҳмати обу гилат,  
Аз суҳбати вай агар табарро накуни,  
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон биҳилат.*  
(Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсангу,

тил топишмасанг,

Сендан обу гил (одамлик) заҳмати узоққа кетмаса.

Агар унинг суҳбатидин қўл ювмасанг,

Азизоннинг руҳи сени ҳаргиз кечирмайди).

*Раиҳа 11.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу Толиб Маккий қуддиса сирруҳу ойтиб турурларким, жаҳд эткилким, санга Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин сўнг ҳеч орзу ва бойист қолмасун, вақтеким, шундоғ бўлдинг, санинг ишинг тамом бўлди, эмди агар аҳвол ва мавожд ва кароматдин ҳеч нимарса зоҳир бўлмаса гам йўқ турур”.

*Раиҳа 12.* Ойтур эрдиларким: “Тавҳид бу рўзгорда ул бўлуб турурким, одамлар бозорлар борурлар ва бесоқол йигитларга қарарларким, бизлар Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ҳусну жамолини мушоҳада этармиз (дея). Наузу биллоҳ, бу мушоҳададан”.

Бас, ойтдилар: “Ҳазрати Саййид Қосим Табризий, қуддиса сирруҳу бу вилоятга келиб эрдилар. Оларнинг муридларидин жамъи бозорларда сайр этиб, амрад йигитларни топиб, оларга тааллуқ варзиш қилиб ойтур эрдиларким: “Бизлар суvari жамилада Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жамолини мушоҳада этармиз”.

Гоҳи Ҳазрати Саййид қуддиса сирруҳу ойтур эрдиларким: “Бизнинг бу хуклар не ерга кетиб турурлар?” Бу сўздин шундоғ маълум бўлурким, ул тойифа Ҳазрати Саййиднинг басират назарларида хук суратида кўринур эрдилар.

*Раиҳа 13.* Ойтур эрдиларким: “Машойихи тариқат қалдасаллоҳу арвоҳаҳум ўз истилоҳотларида “шоҳид” ва “мафтун биш-шоҳид” лафзини келтурубдурлар. Баъзилар анга пуч маънийи зоҳирий берибдурларким, мурод шоҳиддин шоҳиди суварий турур ва мафтун биш-шоҳиддин мурод ул тоифадурларким, мазоҳири жамилага ишқу муҳаббат робитасини варзиш этарлар”.

Бас, ойтдилар: “Бу нисбати турур бағоят мазмум ва хатарнок ва нафсга онда мадҳал бор турур. Ақобирлардин бирлари ойтиб

турур: “Фараз этдукким, нафсга шоҳиди суварийнинг мушоҳадасида ҳеч даҳл ва ҳазз қолмаса ҳам охир руҳоний ҳаззи боқий турур ва они инкор этиб бўлмас. Ва ондоғким, соликка лаззати нафсонийдинким, ҳижоби зулумоний турур, ондин ўтмақ вожиб турур, ҳузузи руҳонийким, ҳижоби нуронийдур, ондин ҳам ўтмақ лозим турур”.

*Раиҳа 14.* Ойтур эрдиларким: “Акобири тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ойтибдурлар: “Ҳар мазаммат ва дашномким, бир кишидин санга нисбатан воқе бўлса, керакким, ҳақиқатан билгайсанки, сан ул турурсан. Агар сени хук ва сак ва буларни амсоли бўлгон лафзларни десалар, яқин этгилким, санда ул сифатлардин ҳиссае бор турур. Нечунким, одаме нухаи жомиъа турур, ондоғким, малакий сифатлари бор турур ва сабий ва баҳимий сифатлардан ҳам холий эрмастур”.

Акобирларнинг бирлари Саййид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳу ёнларида ўлтуруб эрди. Шиблий кириб келди. Ул Бузруг они Жунайднинг ёнида кўб ситойиш этди. Онинг сўзи тамом бўлгондин сўнг Жунайд ойтди: “Бу хукни мунча таъриф этдинг”. Ул Бузруг кўб мунфаъил бўлдиким, онинг таърифи ва воситаси била Шайх Жунайд Шиблийни хук деди. Аммо Шиблийнинг зоҳирида ва ботинида ҳечгуна кароҳиятнинг асари пайдо бўлмади ва онга ҳеч тағйир йўл топмади”.

*Раиҳа 15.* Ойтур эрдиларким: “Дарвишлик ул турурким, пири Ҳирот қуддиса сирруҳу ойтуб турурларким, туфроқе турур соф этилган ва бир оз сув онга солинган, на пушти поға ондин гарде ва на кафи поға дарде. Ва дарвишликнинг хулосаси ул турурким, ҳама кишидин юк тортур ва ҳеч кишига юк қўймас, на сурат юзидин ва на маъни юзидин”.

*Раиҳа 16.* Ойтур эрдиларким: “Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг балолариға собир, балким шокир бўлмоқ керакдур, онинг учунким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бир-биридан саъброқ балолари кўброқ турур”.

Бас, ойтдиларким: “Хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма ойтур эрдилар: “Икки биродар бир қориндин тавъомон бўлдилар. Орқалари бир-бирига ёпушуб эрди. Вақтеким, улуғ бўлдилар доимо тиллари шукри Илоҳийға жорий эрди”. Бир киши олардин сўрдиким: “Бовужуд шундоғ балоким, сизларга воқе турур бу шукр этмоқ жойи эрмастур”. Олар ойтдилар: “Бизлар билурмизким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға мундин ҳам саъброқ б алолар кўб турур, бу балоға шукр этармиз, мабодо мундин ҳам улуғроқ балоға мубтало бўлма ғаймиз”.

Ногоҳ ул иккисининг бири ўлди, яна бири ойтдиким: “Яна мушкулроқ бало пайдо бўлди, эмди агар бу мурдани қать этсалар ман ҳам ўларман, агар қать этмасалар манга мурдакашлик этмак керакдур, то вақтиғачаким, онинг бадани фарсуда бўлиб тўкулур”.

*Раиҳа 17.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу Язид қуддиса сирруху ойтибдурларким: “Ўттиз йил Ҳақ субҳонаху ва таъолоға сўз ойтдим ва Ҳақ субҳонаху ва таъолодин сўз эшитдим. Ва халқ гумон этдиларким, оларға сўз ойтурман ва олардин сўз эшитурман”. Бу сўзнинг маъноси ул турурким, улчаким мазҳардин зоҳир турур мазҳардин эрмастур”.

*Раиҳа 18.* Ойтур эрдиларким: Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруху ойтдилар: “Ман Маккаийи Мубораққа зодеҳаллоху таъоло шарафан ва кароматандин икки киши кўрдим: бири кўб баланд ҳиммат ва бири кўб паст ҳиммат. Ҳиммати паст ул эрдиким, бир кишини тавофда кўрдимки, қўлини хонаийи Каъбанинг ҳалқасиға урубдур, шундоғ шариф жойда ва шундоғ азиз вақтда Ҳақ субҳонаху ва таъолодин ғайри Ҳақ субҳонаху ва таъолони талаб қилур эрди. Ҳиммати баланд ул киши эрдиким, Минонинг бозорида бир йигитни кўрдимким, эллик минг тилло камо-биш олмоқ ва сотмоқ савдо этдиким, ул фурсатда бир лаҳза кўнгли Ҳақ субҳонаху ва таъолодин гофил бўлмади, ул йигитнинг ғайратидин манинг ичимдин қон кетди”.

*Раиҳа 19.* Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Абу Язид қуддиса сирруху йўлда борур эрдилар, сувға ботғон бир ит олдиларидан чиқди. Олар этақларин тортдилар. Ит фасиҳ тил била олар билан суҳбатлашди ва ойтди: «Агар этагинг манга тушса, сув била покиза бўлур эрди, аммо мандин этагингни тортдинг ва ўзингни мандин покизароқ кўрдинг, қайси сув била ювиб покиза бўлур?»

*Раиҳа 20.* Бир киши Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида аҳли мууроқабдан бўйин каж қилуб, ўзини мууроқиб ва машғул кўрсатур эрди. Ҳазрати Эшон тунд бўлуб ойтдилар: “Бир киши Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳманинг суҳбатларида бошин ошоқға солиб ўлтуруб эрди. Ойтдилар: “Бошингни юқори кўтарким, кўрарман, сандин дуд чиқар ва санга мууроқабға на нисбат бор турур, неча йиллар санга истинжо кесагини муҳайё этмак керак ва мабразлардин нажосатларни олиб ташламоқинг керак, то онга шойиста бўлурсанким, бу тариқдин санга сўз ойтулса, мууроқаб ҳануз на ерда турур?”

*Раиҳа 21.* Вақтеким, Ҳазрати Эшон фақиреға Хуросонга қайтмоқ ижозатин бердилар, ойтдиларким: “Вақтеким, ман Хожа

Алоуддин Фиждувоний алайҳир раҳманинг хизматларидин жудо бўлдим, ойтдилар: “Ўзингга қарор бергилки, фалон мавзегача ўз нисбатимдин гофил бўлмасман, вақтеким, ул ерга етсанг, яна бир мавзени нишона қил ва то ул жойғача ўзингни нисбатга рост тутгил ва шундоғ мавзе-бамавзе ва манзил-баманзил бу нисбатни вазиш этгил, то вақтигаким, бу нисбатга малака ҳосил бўлсун.

*Раиҳа 22.* Ойтур эрдиларким: “Сайид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳдин манқул турурким, ойтиб турур: “Муриди содих ул турурким, йигирма йил муддатиға қариб котиб шимол бир нимарса топмаским, онинг зарарига борса”. Бу сўзнинг маъноси ул эрмастурким, мурид маъсум бўлсунким, бу муддатиларда ҳечгуна жарима ондин содир бўлмасун, балким, бу ул маънода турурким, котиб шимол бир нимарса ёзмасдин аввал онинг тадорикиға машғул бўлсун ва они ўзидин вужуҳлардин важҳа била дафъ этсун”.

*Раиҳа 23.* Ойтур эрдиларким: “Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний қуддиса сирруҳу ойтибдурларким, халқдин оғурлик кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб била, “даст ба қор, дил ба ёр”, деган сўз хожагон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқларида амри муқаррар турур”.

*Раиҳа 24.* Ойтур эрдиларким: “Хожа Муҳаммад Али ҳаким Термизий қуддиса сирруҳу ойтубдирларким: “Дилнинг тириклигиға даражот бордур. Дилнинг тириклиги иқтизодин бошқа нимарса била ҳосил бўлмас ва иқтизо давоми зикр турур уйқуда ва уйғоқликда. Ва уйқудаги зикр ул турурким, уйқусида кўрарким, зикр ойтур, бу зикрниким уйқуда Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сирруҳу ва машойихи тариқат қаддасаллоҳу сирраҳумдин ҳам баъзилари тараққийнинг мувжиби демаслар. Онинг учунким, тараққий амале била турурким, илмдин ноший бўлса. Улчаким, уйқуда кўрилурким, зикрга машғул турур, бу қабилдин эрмастур”.

*Раиҳа 25.* Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ойтдилар: “Зикрга мудовамат этмак бир жойга етурким, зикрнинг ҳақиқати дилнинг жавҳари била бўлур”. Бу сўзнинг маъноси мумкиндур ул бўлсаким, вақтиким, зикрнинг ҳақиқати амре турур ҳарфу савтдин муназзаҳ ва жавҳари дилким, иборат турур латифайи мудрикадин, ул ҳам муназзаҳ турур шойибайи каму кайфдин, бас, бу латифанинг ул ҳуруфи савтдин муназзаҳ бўлгон амрга камоли шуғли воситасидин оларнинг ўрта-сида иттиҳод пайдо бўлур ва ягоналик васфи юз кўргузур. Ул ҳолда зокир мазкурнинг истилоси сабабидин дил била ҳақиқати

зикр аросида ҳеч тафрақа ва тамиз эта билмас, нечунким, онинг дилининг мазкурға иртиботи бар важҳе бўлубтурким, онинг дилида мазкурдин бошқа нимарсага ганжойиш йўқ турур”.

*Раиҳа 26.* Ойтур эрдиларким: “Бир кун Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳманинг хизматлариға бордим ва олар маволийдин жамъи била мубоҳаса илмиға машғул эрканлар ва ман хомуш эрдим, то фориг бўлдилар. Ва Мавлоно фақирға қараб ойтдилар: “Сукут ва ором яхши турурми ё ҳадис ва ё калом?” Яна ўзлари жавоб бериб ойтдилар: “Кўрамиз, агар ул киши ўзликнинг қайдидин қутулгон бўлса, ҳар нимарса этса, мене йўқ турур ва агар ўзлигиға гирифтор турур ҳар нимарса этса онга товон турур”.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Биз Мавлоно Низомуддиннинг хизматларидин мундин яхшироқ сўз эшитганимиз йўқ турур”.

*Раиҳа 27.* Ойтур эрдиларким: “Хизмати Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳма ойтдиларким: “Шариат ва тариқат ва ҳақиқатни ҳамма нимарсада баён этса бўлур. Масалан, ёлгон сўзламакким, ондин наҳй воқеъ бўлуб турур. Агар киши они сазйу мужоҳада билаким, истиқомат тариқи била бўлса, тилидин узоқ этсаким, хоҳ ихтиёр била ва хоҳ беихтиёр тилидин содир бўлмаса, бу шариат турур. Лекин, бовужуди мунинг била ҳам имкони бордурким, ботинида ёлгон сўзламак доияси боқий бўлса, сазйу мужоҳада ондаким, ботинидин ёлгон сўзламак доияси узоқ бўлса бу тариқат турур.

Ва шундоғ бўлмоқким, хоҳ ихтиёр била ва хоҳ беихтиёр ондин ёлгон ойтмоқни келмаса не тилидин ва не кўнглидин бу ҳақиқат турур”.

Ҳазрати Эшон бу сўзни хизмати Мавлоно Низомуддиндин кўб ойтиб, истеҳсон этар эрдилар.

*Раиҳа 28.* Ойтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруху ойтдиларким: “Жазабанинг бидоятда манга ойтдилар: “Бу йўлга на тариқа кирарсан?” Ойтдим: “Бу шарт билаким, ҳар нимарсани ман десам ва хоҳласам ул бўлсун”. Хитоб келдиким: “Ҳар нимарсани биз ойтурмиз ва хоҳлармиз ул бўлур”. Ойтдим: “Ман онга тоқат эта билмасман”. Ўн беш кеча-кундуз муддати мани манинг ўзим била қўйдилар, аҳволим хароб бўлди ва тамом хўшк бўлдим. Вақтеким ноумидлик сарҳадиға етди хитоб келдиким: “Ҳоло ҳар нимарса сан хоҳларсен шундоғ бўл”, дегил”.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Ҳазрати Хожа “Мақомот”ларида шул қадар ёзибдурларким, аммо хизмати

Мавлоно Яъкуби Чархий алайҳир раҳма Ҳазрати Хожадин нақл этиларким, вақтиким, хитоб етушдиким, ҳоло ҳар нимарса сан хоҳларсан, “шундоғ бўл” дегил. Ман тариқае ихтиёр этдимким, албатта мувассил бўлсун”.

*Раиҳа 29.* Бир кун Ҳазрати Эшон асҳобдан жамъиға тунд бўлуб ойтдиларким: “Сизлар бу тариқнинг юкини торта билмассизлар, бу тариқ ғоят дақиқ турур. Ўз муродидин ўтмак ва бошқа бир кишининг муродинча иш этмак кўб улуг иш турур, сизлардин бу иш келмас. Агар ман ҳоло айтсамким, боринглар, хукбонлик қилинлар ва бутга тобунинглар, дарҳол манга рақами куфрни тортарсизлар. Бу иш сизларнинг ишингиз эрмастур. Сизлар не ерда-ю, тариқ не ерда?”

Бас, ойтдиларким: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу меҳмонхоналарида маволийдин икки кишиким, оларнинг хизматларида бўлуб эрдилар, мабҳаси иймондин баҳс этибдурлар ва қилу қоллари узоқга тортибдур. Ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) бу ғуфтуғуйларни эшитиб, охир ул икки азизнинг ёнлариға келиб ойтдиларким: “Агар манинг суҳбатимни хоҳларсизлар сизларга иймондан ўтмак керакдур”.

Олар бағоят музтариб бўлдилар ва неча муддатлар ул изтиробда эрдилар, то охир ул сўзнинг маъниси оларга зоҳир бўлди.

*Раиҳа 30.* Бир кун Ҳазрати Эшон бир кишини мухотаб этиб ойтдиларким: “Агар Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу суҳбатларида санга бир нисбати ҳосил бўлса, ондин сўнг яна бир Бузругнинг суҳбатиға борсанг ва ондин шул нисбатни топсанг не иш этурсан? Ҳазрати Хожа Баҳоуддинни кўюб кетармусан ё кўймасмусан?” Бас, ойтдилар: “Бошқа ҳар еркиним, ул нисбатни топсанг, керакким, они ҳам Хожа Баҳоуддиндин билсанг”.

Ва ойтдиларким: “Қутбуддин Ҳайдарнинг муридларидан бир мурид Шайх Шаҳобуддин Сўҳравардийнинг хонақоғига борди. Кўб оч эрди. Ўз пири деҳасининг тарафиға қаради ва ойтди: “Шайъанлиллоҳ Қутбуддин Ҳайдар”. Шайх Шаҳобуддин онинг ҳолидин огоҳ бўлди, ходимиға буюрди то онинг олдиға таом олиб борди. Вақтеким, дарвиш таомдин фориг бўлди, яна ўз пирининг деҳасиға қараб ойтди: “Шайъанлиллоҳ Қутбуддин Ҳайдарким, мани ҳеч жойда муаттал кўймадинг”. Вақтиким, ходим Шайхнинг ёнимға борди, Шайх ондин сўрадиким: “Ул дарвишни не тариқа кўрдинг?” Ойтди: “Саҳл киши эркан, сизнинг таомингизни еди ва Қутбуддин Ҳайдарға шукр айтди”. Шайх ойтди: “Муридликни

ондин ўрганмак керакким, ҳар ерда бир фойда топса, ўз шайхининг баракатидин билур хоҳ зоҳирда, хоҳ ботинда”.

*Раиҳа 31.* Ул тақриб била ойтур эрдилар: “Вақтеким, муриди содиқ ўз шайхидин акмал бир шайхни топса, онга жоиз турурким, комилни қўюб, акмални мулозаматиға борса”.

Ва ойтдиларким: “Шайх Абу Усмон Ҳирий қуддиса сирруху ойтибдурким, ибтидои ҳолдин доимо хотирда бор эрдиким, бу тоифанинг мавожидлари ва азвоқларидин баҳраманд бўлсам. Иттифоқан, Шайх Яҳё бин Маъози Розийнинг мажлиси ваъзига бордим. Кўнглум ул ерда ором топди. Онинг мулозими бўлдим. Ондин сўнг Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг суҳбатиға бордим. Вақтеким, оларнинг ёнлариға кирдим, мани мажлисларидин чиқариб юбордилар ва ойтдиларким: “Ул ражопарвар турур, ондин иш келмас”. Ўзимга ойтдим: “Бошим бу остонада бўлсун”. Неча муддатилардин сўнг ўз суҳбатлариға йўл бердилар ва неча вақтлар оларнинг мулозаматларида бўлдим ва оларга Шайх Абу Ҳафси Ҳаддод қуддиса сирруху зиёратларининг азимати бўлди ва ман ҳам оларнинг мулозаматларида бордим. Ва вақтеким, Шайх Абу Ҳафснинг суҳбатлариға етушдим, мани батамом мандин олдилар, аммо шоҳ Шужоъға бу ерда бўлурман, деб айта билмас эрдим. Вақтеким, кетмак вақти бўлди, Шайх Абу Ҳафс Шоҳ Шужоъға ойтдилар: “Бизни бу Ҳирий йигит била хушимиз бор турур, они бу жойда қўюб кетинг”. Мани қўюб кеттилар ва манинг ишим Шайх Абу Ҳафси Ҳаддоднинг суҳбатида тамом бўлди”.

*Раиҳа 32.* Ойтур эрдиларким: “Акобири диндин бирлари бир масжиднинг эшигига келди. Шайтонни кўрдиким, саросимавор масжиддин ташқари чиқиб қочди. Ул Бузруг назар этди. Кўрдиким, масжидда бир киши намоз ўқур ва яна бир киши онинг яқинида таъя этиб уйқулаб ётиб турур. Ондин сўрди: “Эй малъун, бу масжидға не ишга келиб эрдинг?» Шайтон ойтди: “Ҳоҳладимким, бу кишининг намозини фосид ойлантирсам, аммо ул ётгон кишининг ҳайбати ва маҳобати мани қўймади, ондин кўрқиб ташқари чиқиб қочдим”.

*Раиҳа 33.* Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиса сирруху ойтдилар: “Бир кун Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тойободийнинг мажлисларида ўлтуруб эрдим. Машойихи вақтнинг муридларидин бирлари ул мажлисда ҳозир эрди. Ҳазрати Мавлоно ондин сўрдиларким: “Ўз шайхингни кўброқ дўст тутармусан ё Имоми Аъзам — Абу Ҳанифа Кўфийниму?” Ул киши ойтди: “Ўз шайхимизни”.

Ҳазрати Мавлоно ул сўздин кўб ғазабнок бўлдилар, бу мартабаким, ул кишини “ит” деб ойтдилар ва турдилар, уйларига кирдилар. Ман ҳам ул жойда ўлтуруб эрдим. Бир лаҳзадин сўнг Ҳазрати Мавлоно ташқари чиқдилар ва манга ойтдилар: “Ул кишига ғазаб қилдук ва қаттиғ сўз ойдук, кел, то бориб онга узрхоҳлиқ қилолук”.

Ҳазрати Мавлоно била ҳамроҳ бўлуб равон бўлдук. Ул киши йўлда олдимиздин чиқди ва ойтди: “Ман узрхоҳлиқга келур эрдим ва хоҳлардимким, сизнинг хизматингизга арз этсамким, неча йиллар турурким, Абу Ҳанифа разийаллоху анҳунинг мазҳабларида бўлдим ва манинг нохуш сифатларимдин ҳеч бири кам бўлмади ва неча кунким бу азизнинг мулозаматида бўлдим, ҳамма нохушликлардин узоқ бўлдим. Агар шундоғ кишини Ҳазрати Имоми Аъзамдин дўстроқ кўрсам не моний турур. Агар китобларда ёзгон бўлсаларким бу дўстлиқ мазмум турур ва наҳй эткон бўлсалар, бу сўзимдин қайтойин”.

Ҳазрати Мавлоно онга кўб узрхоҳлиқ қилдилар ва истихсон қилдилар”.

*Раиҳа 34.* Ойтур эрдиларким: “Мавлоно Саъдуддин Кошғарий била ҳамроҳ Шайх Баҳоуддин Умар қуддиси сирруҳунинг мулозаматлариға борур эрдик. Йўлда хизмати Мавлоно Саъдуддин ойтдилар: “Қутбе хоҳларманким, манинг ботинимға тасарруф этиб, мани халос этса”.

Бу сўзларнинг амсоли ўтди. Вақтским, Ҳазрати Шайхнинг мулозаматлариға бордук, Шайх Мавлоно Саъдуддин Кошғарийға қараб ойтдилар: “Қутбнинг тасарруф этмагидин на қилурсиз, бу тоифанинг тасарруфи ондин зиёд эмастурким, баъзи хужжат ва мавонийким, кишининг истеъдодиға ориз бўлуб турур, оларнинг таъсири воситаси била муртафиъ бўлур. Ва ул истеъдоди моний муртафиъ бўлгондин сўнг қабули мавҳибат этар ва солиқ ўз истеъдодидин амреким, онинг мақсуди турур, топар”.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Шайх Баҳоуддин Умар Мавлоно Саъдуддиннинг муродларини топмадилар, оларнинг мақсудлари бошқа нимарса эрди. Хожагон қалдасаллоху арвоҳаҳум тариқларида тасарруфе бўлур бу тариқаким, кўнгил била толибнинг ботинига мутаважжих бўлурлар ва ул таважжуҳ раҳгузоридин толибнинг ботини била оларнинг кўнглиға иртибот ва иттисол ҳосил бўлур ва ул иртибот ва иттисолнинг воситаси била оларнинг кўнгли ул толибнинг ботини орасида иттиҳод воқеъ бўлур ва инъикос тариқа била оларнинг кўнглидин толибнинг ботинига партав тушар. Бу

сифате турурким, оларнинг истеъдодидин ноший бўлуб, ул толибнинг истеъдодининг ойнасида батариқи инъикос зоҳир бўлуб турур. Бу янглиғ амрни ўз истеъдодидин талаб этиб бўлмас. Лекин, агар бу иртибот муттасил бўлса, улчаким, инъикос тариқида ҳосил бўлуб эрди доимийлик сифатин қабул этар.

Хизмати Мавлоно Саъдуддин бу янглиғ амрни талаб этиб эрдиларким, ўз истеъдодларининг хорижидин ҳосил этсалар. Ул эрмас эрдиким, улча оларнинг истеъдодларида турур, зоҳир бўлса”.

*Раиҳа 35.* Бу ҳуруфнинг роқими ойтурким, муҳаққиқлардин баъзилари шундоғ деб турурким, аъёни собитанинг ҳар бириким, мавжуди хорижий айланиб турур, хусусан фаришталар, исми хоснинг мазҳари бўлурлар ва уларнинг ҳузур ва лаззатлари ул исмдин эрди ва ҳаргиз ул исмдин яна бир бошқа исмға тажовуз этмадилар. Ва ояти карима: “Ва ма минна илла лаҳу мақомун маълум” бу маънидин хабар берур бахилофи инсонийким, вақтеким, онда залумлик ва жуҳулнинг тийрали ги бор эрди, ўз инсониятининг ва шахсиятининг хусусиятидин қочиб тааййун ва хусусиятнинг варосида бошқа амрга таважжуҳи том этди. Ул жиҳатдин истеъдоди башарий ва тааййуни инсонийнинг дэирасидин хориж бор ҳақиқатқа ҳомил келиб ва амри бениҳоятни топгучи бўлди”.

*Раиҳа 36.* Ойтур эрдиларким: “Соҳиби “Баҳр ул-ҳақойиқ” Шайх Нажмуддин Доя алайҳир раҳма ойтув турурлар. “Дарифоким, ҳеч киши авлиёларнинг суҳбатлари қадрин билмади ва билмаслар”.

*Раиҳа 37.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абулқосим Гургоний қуддиса сирруху ойтибдурлар: “Бир киши била ўлтурким, санинг ҳар на боринг ул бўлсун ё онинг ҳар на бори сан бўлғил, ё иккинғиз ҳам Ҳақ субҳонаҳуда йўқ бўлунг, на сан қолғил ва на ул қолсун”.

*Раиҳа 38.* Ҳазрати Эшоннинг мажолисларида бир кишининг хотирига келибдурким: “На бўлурким ул Ҳазрат манинг ботинимда тасарруфе этсалар”. Ва Ҳазрати Эшон онинг ботинига мушарраф бўлуб ойтибдурларким: “Камоли тасарруф вақтеда бўлурким, ман сан бўлсам ё сан ман бўлсанг”. Бас, Пири Ҳирот қаддасаллоху сиррухунинг ул сўзларини муборак тилларига олдиларким:

*Абдуллоҳ марди эрди биебоний,*

*Талаб этмакка кетди оби зиндагоний.*

*Ногоҳ Ҳарақонийға етушди,*

*Ул жойда ҳаёт чашмасининг суйин топди.*

*Шул чоғлиғ ичдиким, на ул қолди, на Ҳарақоний.*

---

1. Бу сўз таржимада тушиб қолган.

*Рашиҳа 39.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу Саид ибн Абулхайр қуддиса сирруҳудин манқул турур, ойтибдурларким: “Машойихи тариқат қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумдин етти юз тан (яъни киши) тасаввуфнинг моҳиятида сўз ойтиб турурлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроқи ва яхшироқи бу турурким: “Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти бима ҳува авла биҳи”, яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтига лойиқ ва муносиб бўлгон нимарсагаким, муқтазойи вақтдин эрди”.

*Рашиҳа 40.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу-с-Суъуд раҳматуллоҳ асҳоблариға ойтур эрконларким: “Манинг ёнимға кўҳна гўшт била келманглар, тоза гўшт била келинглар”.

Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сирруҳу ойтибдурларким: “Шайх Абу-с-Суъуднинг мақсуди бу сўздин асҳоблариға ҳиммат ўргатмак эрди, яъни одамларнинг асрор ва маорифлари била манинг ёнимға келманглар, балким, бир нимарса била келингларким, ул сизларнинг хоссангиз бўлсун ва кўнгилларингизнинг пешгоҳидан бош чиқарган бўлсун”.

*Рашиҳа 41.* Ойтур эрдиларким: “Саййид ул-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳу сўзни сарфа била ойтур эрди. Бир кун оларнинг маъорифлари беихтиёр баланд бўлди. Кўрдиларким, аҳли мажлисининг ул маъорифларни идрок этмакка истельдоллари йўқ турур. Ойтдилар: “Тафаҳҳус этинглар, шоядким, бу яқинда бир киши бўлсаким, онинг истельдоди ва қобилияти бу ҳақойиқни жазб этиб турур”. Кўб тафаҳҳус этканларидин сўнг Ҳусайн Мансурни топдиларким, бир гўшада бошини яқосиға тортиб ўлтуруб турур. Ва Шайх онинг ёнида ҳаргиз баланд сўзларни айтмас эрди, нечунким, оларға зоҳир эрдиким, ул бир кун бу сирни ифшо этса керакдур. Буюрди, то они ул мажлисдин ихрож этдилар”:

*Рашиҳа 42.* Ойтур эрдиларким: “Хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳир раҳма ойтдилар: “Шайхлиқ ул турурким, киши ўзини муридларнинг назарида жамол била мужаммал бўлмақни эта билтай. Онинг учунким, то жамол бўлмаса муридларнинг муродға робитаси ва сифати муҳаббат билаким, мужиби жазб ва тасарруф ул турур, маҳкам бўлмас. Ва биз муни тадбири ақл била билур эрдук. Лекин бизга ул фурсат йўқтурким, ҳамишга такаллуф этсак ва ўзимизни жамол била кўргузсак то одамларнинг эътиқодлари футурега сабаб бўлмасун. Шул ваҳҳдин турурким, саққол тарамоқ ва дасторни яхши боғламоқ ва булардин ҳам бошқа нимарсаларким, тартиби зоҳирға тааллуқи бор турур, суннат бўлди”.

*Раиҳа 43.* Ойтур эрдиларким: “Мавлоно Яъқуб Чархий алайҳир раҳма ойтдиларким: “Термизда бир шайхнинг суҳбатига бордимким, муболагайи азим қилур эрдиким, муриднинг иши бешайх ҳеч ерга бормас. Онга ойтдимким: “Ояти каримаи “ал-явма акмалту лакум дийнакум ва атмамту алайкум неъматини”<sup>1</sup> мазмунидин шундоғ маълум бўлурким, китоб ва суннатнинг мужибига амал этмакда иш кифоя турур. Ва лозим эрмастурким, кишига зоҳир юзидин пиру муқтало бўлса”. Ул Шайх ҳаср бўлди. Бу сўзни Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуға арз этдим. Ҳазрати Хожа истеҳсон этдилар ва қабул била талаққий кўргуздилар”.

*Раиҳа 44.* Бир кун тақриб била содотнинг таъзими ва тавқирида ойтдиларким: “Бир диёрда содот бўлсалар, ман хоҳламасманким, ул диёрда бўлсам, онинг учунким, оларнинг улуғлуқлари ва шарофатлари кўб турур. Ман оларнинг таъзими ҳақиға қиём кўргуза билмасман”. Бас, ойтдиларким: “Имоми Аъзам разийаллоху анху бир кун мажлис дарсларида неча мартаба ўрунларидин турдилар ва киши онинг боисини билмади. Охир имомнинг шоғирдларидин бирлари онинг сабабин сўрди. Ойтдиларким: “Мадрасанинг саҳнида содоти алавиййадин (Али саййидларидин) бир тифл атфолнинг аросида ўйнар, ҳар мартабаким, бу дарснинг тарафига етушса, манинг назарим онга тушар, онинг таъзими учун ўрнимдин турурман”.

*Раиҳа 45.* Ойтур эрдиларким: “Самарқанд ақобирларидин бирига ойтдим: “Агар киши уйқусида кўрсаким, Ҳақ субҳонаху ўлуб турур, бу тушнинг таъбири не бўлур?” Ул ойтдиким: “Ақобирлар ойтиб турурларким, агар киши уйқусида кўрсаким, пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ўлуб турур, таъбири ул турурким, бу туш соҳибининг шариатида қусуре ва футуре бўлуб турур ва у шариат суратининг ўлмаки турур. Бу тушнинг ҳам онингдек ранги бор турур”. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Эҳтимол бордурким, кишига ҳузур маъааллоҳ бўлғон бўлса, ногоҳ ул ҳузур қолмаса, ул ўлмакнинг таъбири бул турур, яъни онинг нисбати ҳузур ва шуҳуди йўқ бўлуб турур”.

Бу ҳуруфнинг роқими ойтурким: “Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон Жомий қуддиса сирруҳу-с-сомий бу сўзни бошқа тариқайи таъвил этиб эрдилар ва ойтдилар: “Эҳтимоли бордурким, ояти каримаи “афараайта маниттаҳаза илоҳаху ҳавоҳу”нинг ҳукми

---

1. Бугун сиз учун динингизни тугал (комил) қилдим ва сиз учун неъматимни тўлиқ(эҳсон) этдим... (Моида, 3-оятдан.)

ҳаволарининг бириниким, соҳиби воқеа ўзига Худой тутуб эрди, онинг кўнглидин рахтин кўтариб, нобуд бўлса. Ул Худойнинг ўлмаки бу ҳавонинг нобуд бўлмоқидин иборат турур. Бас, бу туш ул ҳузурнинг зиёда бўлурига далил бўлур”.

*Раиҳа 46.* Ойтур эрдиларким: “Кашфи қубур”<sup>1</sup> ул турурким, соҳиби қабрнинг руҳи сувари мисолийдин муносиб бир суратга мутаммасил бўлур ва соҳиби кашф они ул суратда дийдаи басират била мушоҳада қилур. Аммо вақтеким, шағтинга сувару ашколи мухталифа била мутаммасил ва муташаккил бўлмоқга қуввати бор эрди, ул жиҳатдин хожалар қаддасаллоху таъоло арвоҳаҳум бу кашфни эътибор этмай турурлар. Ва оларнинг тариқалари асҳоби қубурни зиёрат этмакда ул турурким, вақтиким, бир азизнинг бошига борсалар ўзларини ҳамма нисбатлардин ва кайфиятлардин холий қилурлар ва мунтазир ўлтурурлар, то ҳар на нисбат зоҳир бўлса, ул нисбатдин соҳиби қабрнинг ҳолини маълум этурлар. Ва оларнинг тариқлари бегона одамларнинг ҳам суҳбатиде шул ваҳж била турурким, ҳар киши оларнинг ёнларига келиб ўлтурса ўз ботинларига назар этурлар. Ҳар нимарса ул киши келгандин сўнг зоҳир бўлса, билурларким, ул нисбат ондин турур ва оларнинг онда дахли йўқ турур. Ул нисбат андозасида онинг билан лутф юзидин ё қаҳр юзидин зиндагонлик қилурлар.

Ва Ҳазрати Шайх Муҳиддин ибн ул-Арабий қуддиси сирруҳу муни “тажаллийи муқобала” деб турур.

Бу маънонинг зуҳури камоли жило ва сафонинг воситаси била турурким, оларнинг ботини мунавварларига ҳосилдур ва ҳақиқатларининг ойнаси нуқуши кавнийадин пок ва соф бўлуб турур. Ва ул зоти бекаму кайфга камоли муҳозоти сабабидин тажаллийи зотидин бошқа онда ҳеч нимарса қилғон йўқ турур. Ва ҳар қачонким, они ўз таъбиға кўйсалар ул амри бекайфдин бошқа ҳеч нимарса онда зоҳир бўлмас. Бас, ҳар нимарса ул ойнада зоҳир ва пайдо бўлса, ондин эрматур, балким шахсдин бўлурким, тақобулнинг воситаси била онда мунаъкс бўлуб эрди. Ва бу сўзнинг муаййиди ойтдиларким: “Бир кун хизмати Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳма бу фақирга ойтдиларким: “Бугун Шош вилоятининг мазоратлари тавофиға борурмиз”. Оларнинг мулозаматларида бордим. Хизмати Мавлоно бир қабрнинг бошида кўб ўлтурдилар. Ондин сўнг кайфияти тамом била ўринларидин

---

1. Кашфи қубур — қабрдагиларнинг аҳволини билмоқ, яъни қабрдаги ўликнинг руҳи билан гаплашиш.

турдилар. Ойтдиларким: “Бу қабрнинг соҳибига нисбати жазаба голиб эркан”. Ва ул Хожа Иброҳим Кимёгарнинг қабри эрдиким, ўз замонининг мажзубларидан эркан. Ва ондин сўнг яна бир қабрнинг бошига бордилар ва лаҳзае таваққуф этдилар ва ондин сўнг чиқдилар. Ва ойтдиларким: “Бу қабрнинг соҳибига нисбати илмийя голиб эркан”. Ва ул Шайх Зайнуддин Кўйи Орифоннинг қабрлари эрдиким, уламоий раббонийдин эрканлар”.

*Раиҳа 47.* Ойтур эрдиларким: “Арбоби таҳқиқнинг наздида муқаррар бўлубтурким, мавтдин сўнг ҳам тараққий воқе турур. Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сиррухунинг сўзлари бу тақрирға нозир турур. Олар ойтдиларким: “Тажаллийётдан бир тажаллийда Абул Ҳасани Нурий била жамъ бўлдим ва мани тақбил этди ва мандин сероб бўлди. Ойтдиким: “Сиз ойтмадингизмуким, тавҳиднинг ташнаси ғайрдин сероб бўлмастур?” Хижил бўлди. Ойтдим: “Вақтиким дун олийдин аҳз этса ғайрдин аҳз эткан бўлмастур”.

Ва арбоби таҳқиқнинг мундин бошқа сўзлари кўб турурким, тараққий баъд-ал-мавтға далолат қилур.

Бу ҳуруфнинг роқими ойтурким: “Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қуддиса сирруху “Футуҳот”нинг баъзи мавзеида ойтибдурларким: “Тараққий баъд-ал-мавт”ни нафий этканларнинг бири Шайх Абул Ҳасан Нурий раҳматуллоҳи алайҳ турур. Бас, мундин сўнг онинг ҳоли икки муроддин ташқари эрмастур: ё илми яқин била билиб турурким, тараққий воқе турур ё воқе эрмастур. Агар билган бўлсаким, воқедур ё воқе эрмастур сабат ул-муддао. Агар билган бўлсаким, воқе эрмастур, бу бошқа турурким, онга мавтдин сўнг ҳосил бўлуб турур. Ҳар ҳолда тараққий баъд-ал-мавт воқедир”.

*Раиҳа 48.* Ойтур эрдиларким: “Бир кун фақирнинг сифатида ойтдиларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Ҳазрати Саййид Фавс ул-Аъзамға бу хитобни ойтдиким: “Ё Фавс ул-Аъзам, қул ли-асҳобики би-ихтияр илфақри, сумма-л-фақру ан-ил-фақри, фаиза тамма фақрухум фалоҳум илла ана”, яъни ё Фавс ул-Аъзам, асҳобларингға фақр ихтиёр этмақларин ойтғил ва фақрдин ҳам фақир бўлмоқ ихтиёрин ойтғил, бас, ҳар қачон оларнинг фақрлари тамом бўлса, бас, олар эрмас турурлар, магар ман”.

*Раиҳа 49.* Ойтур эрдиларким: “Баъзи ақобири тариқат қалдасаллоҳу арвоҳаҳум ойтиб турурларким, жаҳд эткил то

амалингни гўрға элтмагайсан. Бу сўзнинг маъноси гўё ул турурким, керакдур билгайсанким, ҳеч амал санга мустанид эрмасдур, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тавфиқи била қойим турур”.

*Раиҳа 50.* Ойтур эрдиларким: “Баъзи ақобирнинг сўзлари турурким, Ҳақ субҳонаҳу мартабайи воҳидиятда агар хоҳласа ўзини танур. Бу сўзнинг маъноси ул турурким. ҳақойиқи мужарради инсониянинг мартабасидаким, баъзиларнинг истилоҳида воҳидият мартабаси ондин иборат турур, агар хоҳласа илми хос ва истеъдоди хос ўз назидин қаромат қилурким, ул илм ва истеъдоди хос била инсон они танур. Вақтеким, онинг илмидин бошқа нимарса била они таниб бўлмас, бас, онинг шиносотиқи онинг ғайри эрмастур”.

*Раиҳа 51.* Ойтур эрдиларким: “Бир кеча Хожа Боқийнинг алами бор эрди, уйқуға бора билмади. Ман ҳам онинг аламидин уйқуламадим. Ойтдилар: “Касиф шундоғ киши турурким, бир кишига алоқаси бўлса ва онинг аламидин мутаассир бўлмаса. Балким, керакдур шундоғ бўлсунким, ҳар нимарсага алам тушса, ондин мутаассир бўлсун. Бир мартаба маркабиға таёқ урдилар ондоқким, паҳлусидин қон оқди. Абу Язид Бистомий қуддиса сирруҳунинг ҳам муборак паҳлуларидин қон оқди.

Бу сўздаким, Ҳазрати Эшон ойтдилар, мақоми жамъ била мутаҳаққақ бўлғонлариға ишорат турур.

Бу мақомнинг баёни Ҳазрати Ҳақойиқ паноҳий Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон Жомий қуддиса сирруҳу-с-сомийнинг зикрларида, ул жойдаким, оларнинг Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Асад била мулоқотлари мазкур бўлди, рашҳанинг зимнида ирод топиб эрди».

*Раиҳа 52.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруҳунинг мажлисларида эрдимким, бир киши олардин сўрдиким, баъзи муҳаққиқлар авойили ҳолда ойтибдурларким, балким, вожиби айн мумкин турур, мунинг жиҳате на турур? Ҳазрати Шайх ул кишининг жавобида ойтдиким, аввалғи(си) ул сўзни адами истиқомат ҳолида ойтибдурлар. Иккиланчи(си) бу сўзни истиқомат ҳолида. Ҳазрати Эшон ҳуззори мажлисға хитоб этдиларким, бу икки сўзнинг ўртасида фарқ на турур? Ҳеч киши густохлик этмади ва бир нимарса ҳам демади. Ва Ҳазрати Эшон ҳам ул восита билаким, умаройи тархонийдин жамъе келиб эрдилар, ҳеч нарса демадилар”.

## УЧЛАНЧИ ФАСЛ

*Хос сўзларнинг баёнидаким, Ҳазрати Эшоннинг тилларига ҳар бобдан ўтуб эрди ва мухотабатлариким, ул Ҳазратнинг аҳли бидоят ва аҳли ниҳоятга нисбат суҳбатида содир бўлуб эрди. Ва юз йигирма рашҳанинг зимнида ирод топар.*

*Раиҳа 1.* Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруху мандин сўрдиларким: “Мубтадийга сафар яхши турурми ё иқомат?” Ман ўзимни муроёоти адаб ваҳҳидин жавобдин ожиз кўргуздим. Олар муболаға этдиларким: “Ойтғил”. Ойтдим: “Сафарда мубтадийга паришонхотирли кдин бошқа ҳеч нимарса ҳосил эрмастур”.

Бас, Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Сафар вақте муборак бўлурким, сифати тамкин ҳосил бўлган бўлса. Бизнинг эътиқодимизча мубтадий га сафар муносиб эрмас турур, онга бир гўшада ўлтурмоқ ва сифати тамкинни ҳосил этмак керак. Кишиким, бу тариқага машғул турур, ҳам ўз шаҳри ва вилоятида бўлмоқ авлороқ турур, онинг учунким, қариндошлар ва ошиноларининг маломати ва ташниъида ва одамлардин номус этмакда онга моний келур ондинким, шариатнинг хилофиға иш қилса ва номарзо феъллар га муртакиб бўлса. Ва баъзи машойихлар бу сўзнинг хилофиға кетиб, ойтиб турурларким, мубтадийга сафар этмак керак то муҳожарати автон ва мафориқати ихвон сабабли одоти расмий ва маълуфи табиийнинг баъзисидин халос бўлур. Риёзат ва мужоҳадатким, сафарнинг лавозимидин турур, онинг воситаси била фи-л-жумла онга тасфийа ва тазкийа ҳосил бўлур. Аммо, улчаким, сафар ва иқомат бобида хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум муътақидлари турур, ул турурким, мубтадийга ул чоғлиғ сафар этмак керакдурким, ўзини бу тоифадин бир азизнинг суҳбатиға етурсун. Ондин сўнг, керакким, сафарни тарк этиб, онинг мулозамати ва хизматини лозим тутсун ва иш қилсун, то вақтиғаким, бу азизларнинг нисбатиға малака ҳосил қилсун ва бу нисбат онинг мулки бўлсун. Ва агар шаҳарда бу янглиғ киши топса, албатта, онинг хизмати ва суҳбатидин ҳеч тарафга кетмасун ва мундин бошқа ҳар нимарса этса авқотининг зойий бўлуриға мужиб турур”.

Ва ойтдиларким: “Шайх Абу Язид қуддиса сирруху бидояти ҳолда Бистомдин сафар этди, машойихдин бирларининг суҳбатиға борди. Ул Бузруг ойтди: “Қайтғил ул ердинким, қадамингни кўтариб келдинг ва мақсудингни кўйдинг”. Ул изиға қайтди ва қаригон волидалари бор эди, онинг ризосини талабиға ва хизматиға қиём кўргузди ва

мақсуди ҳосил бўлди. Ҳазрати Шайх Муҳиддин ибну-л-Арабий қуддиси сирруҳу бу сўзни таъвил этиб турурларким, ул Бузрутнинг ишорати онга эрдиким, улча мақсуди ҳақиқий турур жамъи азмина ва амкинаға муҳит турур ва ҳеч ер онинг иҳотасидин холий эрмасдур. Бас, Боязидни ул сирға огоҳ этдиким, онинг талабида қатъи масофатға ҳожат йўқ турур”.

*Раиҳа 2.* Ойтур эрдиларким: “Солик нистийликнинг ҳусули учун, керакдурким, хорлик ва мазаллат йўлини қатъ этсун, то шоҳиди лоҳутийнинг жамолини нистийликнинг ойнасида мушоҳада этгай”.

*Раиҳа 3.* Ойтур эрдиларким: “Ҳар толибгаким, хорлиқдин ва одамларнинг дашномидин хуш келмаса ҳаргиз онинг жонининг машомиға мардларнинг маъниларидин буй етушмас турур, онинг учунким, аҳли таҳқиқнинг наздида: “Ло фойилун фи-л-вужуди иллаллоҳ” амри муқаррар турур. Бас, маҳбубдин ҳар нимарса етушса хорлиқ ва дашномдин муҳибби бийноға сабаби ҳузур ва сурур бўлур”.

*Раиҳа 4.* Ойтур эрдиларким: “Ҳар ким бир кишининг нисбагиға бир нимарса десаким, ондин нуқсон лозим келур бўлса, албатта, ул кишиға нохуш келур ва одаме мажбул турур ул нимарсагаким, онга нуқсонни нисбат бермақдин мутаассир бўлур ва нохуш ойланур. Иш ул турурким, бу нохушлиқни ўзидин узоқ қилсун ва бу маъни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға мутаважжих бўлмоқдин бошқа нимарса била муяссар бўлмас, зикр ва муроқаба била ҳам бўлмас. Сулук-арбоби тариқатнинг наздида шул ружуъдин муаббир турур”.

*Раиҳа 5.* Ойтур эрдиларким: “Бизнинг ёронларимиз ҳамишга “Суббуҳун Қуддус” дерлар. Агар ногоҳ оларға бир киши таъблариға мулойим бўлмагон бир нимарса деса, мутаассир ва мутағаййир бўлурлар. Агар “Суббуҳун Қуддус” дегувчиким, ҳар таъсир ва тағаййурни ўзларидин узоқ этсаларким, ҳар нимарсаға мутаассир ва мутағаййир бўлмасалар, оларға яхшироқ бўлур эрди”.

*Раиҳа 6.* Ойтур эрдиларким: «Ҳақиқати инсонийни андоғ покиза ва соф этмасдурким, бало ва меҳнат, булар асл хосийят била гализ ҳижобларнинг дофиъи турурлар. “Инна ашадда-л-балои ала-л-анбиёи сумма-л-авлиёи сумма-л-амсали фа-л-амса-ли”<sup>1</sup> ҳадисининг мазмуни бу маъниға нозир турур. Ва биз бу тариқаға муътақидмиз ва ҳеч киши бизнинг ёронларимиздин бу ақидада эрмасдур”.

1. Албатта, балоларнинг огири аввало пайғамбарларға, сўнг авлиёларға, сўнг уларға ўхшаганларға, кейин эса буларға ўхшаганларға келур.

*Раиҳа 7.* Ойтур эрдиларким: “Агар соҳиби важд ва ҳол бир йўлда борур бўлса, ул соҳиби ҳол ва йўлнинг ўртасида бир ит ётғон бўлса, ул соҳиби ҳол ул итни ўрнидин турғизса то ўзи йўлдин осонлиқ била ўтгай, вақтиким ўтса ва ўзига назар этса, ул вайду ҳолни ўзида боқий топса, керакдур билгайким, ул макри Илоҳийдин онга нисбат бир макре турурким, бовужуди ул феъл вайду ҳолни онда қўюб турурлар”.

*Раиҳа 8.* Ойтур эрдиларким: “Макри Илоҳий икки тариқададур: бири авомға нисбат(ан) ва бири ҳавосға нисбат(ан). Макриким, авомға нисбатдур, ардофи неъматдур, бовужуди хизматда тақсир этмаги била. Ва макриким, ҳавосға нисбатдур, ибқойи ҳол турур, бовужуди тарки адаб”.

*Раиҳа 9.* Ойтур эрдиларким: “Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум нисбатларини варзиш этган тоифанинг давоми шугллари бар ваҳждурким, агар оларнинг бирлариға, масалан, ғаллага сув бермак жиҳатидин шериклари била жанг ва низо навъе воқий бўлсаким, калласи ёрилиб, юзидин қон оқса, зоҳир юзидин жангу низо ондин намоён бўлса ҳам, аммо ботин юзидин ҳеч кудурате ва кароҳате онинг кўнглида бўлмас, балким оларнинг изоси ва жафосидин хушвақт бўлур ва оларни маъзур тутар, ул нимарсадаким, онга ойтурлар ва ўз нисбатидин зоҳил бўлмас ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин кўнглини мунқатиъ ойлантирмасдур”.

*Раиҳа 10.* Ойтур эрдиларким: “Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло доимо тажаллий ижоди била жамиъи мавжудотга мутаважжиҳ турур. Бас, одамларким, ўз ихтиёрлари била гўша тутуб, они хилват ва узлат от қўярлар, на ўзлари бор турур? Агар шундоғ тажаллийи азийму-ш-шайни ботил десалар бағоят жоҳил турурлар, агар они Ҳақ билсалар нечун они ҳаққиға қиём кўргузмаслар ва гўшакорликни ўзлари га олмаслар? Ул тоифаким, лужжаи жамъа истиғроқ шарафига шундоғ мушарраф бўлбурларким, шавоғили канвийиға парво эта билмаслар, ул бошқа турур”.

*Раиҳа 11.* Ойтур эрдилар: “Сир ул турурким, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум нисбатлари малода ва суврати тафриқада кўбрак зоҳир бўлур, ул турурким, бу нисбати маҳбуб турур, ҳар қачон маҳбубни хилватға қақирсанг ҳижобда бўлур”.

*Раиҳа 12.* Ойтур эрдилар: “Бу нисбатнинг латофати бар ваҳже турурким, ул нисбатға нафси таважжуҳ онинг зуҳуриға моний турур, ондоғким, мазоҳири жамилада бу маъни зоҳир турурким, вақтиким, оларға яхши мутаважжиҳ бўлсалар маҳжуб бўлурлар”. Ҳам Ҳазрати Эшон ойтдиларким: «Бу нисбатнинг латофати бар ваҳже турурким, агар бир итга бежиҳати куллий “ҳай” десанг, бу нисбат гойиб бўлур”.

*Раиҳа 13.* Ойтур эрдиларким: “Ал-ашёу табтийна би-издо-диҳа”, яъни ашё зоҳир бўлур издодлари била. Халқға машғул бўлмоқ Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға машғуллиқнинг зидди турур. Вақтиким, зидға зиддин кароҳат бўлса макруҳдин маҳбубға мунжазб ойланур. Шул жиҳатидин турурким, бу силсиланинг аҳли бозорларда ва халқнинг издиҳоми бўлгон мавзиъларда юрурлар ва ўлтурурлар, то халқнинг зиддияти ва оларға шуғл этмакнинг кароҳати сабабидин кўнгил Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға мунжазб бўлур”.

*Раиҳа 14.* Ойтур эрдиларким: “Бу нисбатнинг аҳлига ибтидола суҳбат этмак ғайри тоифағаким, бу нисбат оларға ғолиб турур, бу нисбатда футури азимға сабаб бўлур. Ва агар чандиким, ул суҳбат зуҳду тақво аҳлининг суҳбати ҳам бўлса. Ва бу зуҳду тақвонинг инкори эрмасдурким, ул ғоят сафо ва нурониятда турур. Вақтиким, ул тоифаға зуҳду тақвонинг нисбати ғолиб турур, бу нисбат аҳлига оларнинг суҳбатида шул нисбат ҳосил бўлур ва ўз нисбати шарифасиким, барча нисбатларнинг фавқи турур, ондин қолур. Нечунким, ҳукм ғолибға турур. Кўрсунким, ямонларнинг ва бегоналарнинг суҳбатида на таъсирлар бўлур ва олардан на тариқа тийра нисбатлар ҳосил бўлур”.

*Раиҳа 15.* Ойтур эрдилар: “Жамъе билан ўлтурунғларким, сизларға ғолиб бўлмасунлар, то сизларни емасунлар ва ғолиб бўлмасунлар, яъни нафсу ҳаво юзидин қавийй бўлмасунлар ва сизларни емасунлар, яъни сизларни вақтингизни зойиъ ва нобуд этмасунлар”.

*Раиҳа 16.* Ойтур эрдилар: “Кишигаким, бу тариқнинг доияси бўлса ва ул аснода мутааҳҳил бўлмоқ хотириким, онга ташвиш берса, керакким, кўб истиғфор ойтсун. Агар онинг била мундафъ бўлмаса неча муддатилар рўза тутмоққа ва тақлили таомға мудовамат этсун ва муолажа қилсунким, қуввати шаҳавиййаға таскин ҳосил бўлсун. Ва агар онинг била ҳам бўлмаса покиза одамларнинг атрофиди бўлуб ва арбоби қулубнинг ботинларидин дарвиза этсун. Шоядким, ул хотирнинг борини ондин кўтарғайлар ва ани ул борнинг тагида зойиъ қўймағойлар”.

*Раиҳа 17.* Ойтур эрдилар: “Кадхудодиқ анбиёларға ва авлиёларға муносиб турурким, бовужуд онинг била Ҳақ субҳонаҳудин маҳжуб бўлмаслар. Ва авому-н-носларға ҳам лойиқ турурким, онинг била мартабаи ҳайвонийятни камолға етурурлар. Аммо тоифаким, бу икки тоифанинг ўртасидадурлар ва тариқат орзулари бордур, оларға кўб номуносиб турур. Бир нафаским, Ҳақ субҳонаҳу била ичкаридин келур, минг фарзанддин яхшироқ

турур, онинг учунким, онда минг фойда ва манфаат турур ва мунда минг фитна ва зарар”.

*Раиҳа 18.* Ойтур эрдиларким: “Агар би-л-фараз манга беш юз йил умр бўлса ва ҳаммасини истиғфорға сарф этсам, ҳануз ул гуноҳнинг тадорукиниким, мандин содир бўлуб эрди, эта билмасман ва ул кадхудолиқнинг гуноҳи турур”.

*Раиҳа 19.* Агар бу сўзлардаким, Ҳазрати Эшондин нақл этилди, кишига дағдага бўлсаким, кадхудо бўлмоқ суннатий турур писандидаи маъқул ва онинг сифатида оёти Куръоний зоҳир ва аҳодиси саҳиҳа собит турур, бас, они нафй этмак раво эрмастур. Бу дағдагага жавоб ул турурким, бу жойда нафй итлоқ тариқасида эрмасдур, балким баъзи ашхосға нисбатанким, оларнинг ҳоллариға лойиқ тажриди зоҳир ва ботин турур.

Махфий қолмасунким, ҳар замонда ҳикмати Илоҳий юзидин, улчаким, толибларнинг муносиб ҳоллари ва муридларининг маслаҳаткори турур, аҳли иршод авлиёуллоҳнинг тиллариғаким, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуми хоссалариға ворис турурлар, жорий бўлур. Бас, вақтиким, бу замонда тариқат тариқи мубтадийларининг ҳоллариға муносиб тажарруд ва фароғат шеваси эрди, ложарам, Ҳазрати Эшонким, ҳакими Илоҳий ва жомийи ҳукми номутаноҳий эрдилар, тажаррудға иймо этдилар ва тааҳҳулдин эҳтироз этмакка буюрдилар.

*Раиҳа 20.* Ҳазрати Эшон бир кун ҳуззори мажлисдин бирини мухотаб этиб, мазоҳири жамилага тааллуқ ва таашшуқ пайдо этмакдин манъ эттилар. Ва ойтдиларким: “Ман бу нисбатни бир қоздин мушоҳада этдимким, ул қозда соҳибжамолға тааллуқ пайдо бўлуб эрди, ҳар жойғаким, ул борса, ул қоз онинг изидин борур эрди. Эшитдимким, бир шерга ҳам бу ҳолат пайдо эрди. Бас, ғайри зарурий амрдаким, ҳайвонотлар шерик бўлсалар онга гирифтор бўлмоқ ва умри шарифни онга сарф этмак ҳимматининг муқтазоси эрмастур. Лекин, агар кишининг истеъдоди бар ваҳҳе тушган бўлсаким, беихтиёр нисбати ҳуббийға гирифтор бўлса бошқа турур”. Ондин сўнг бу иборатни ойтдиларким: “Носиҳларнинг насиҳатиға гирифторларнинг корхонасида йўл йўқ турур”.

*Раиҳа 21.* Ойтур эрдиларким: “Вақтиким, арбоби жамбиятнинг суҳбатида ўлтурса ва кўнгил Ҳақ субҳонаҳуға жамъ бўлса ва ором тутса, ул жойда зикр ойтмоқға эҳтиёж йўқ турур. Онинг учунким, зикрдин ғараз бу нисбатнинг ҳусули турур. Зикр онинг учун турурким, муҳаббатиким, кўнгилда музмар турур. зоҳир бўлсун”.

*Раиҳа 22.* Бир кун Ҳазрати Эшон бу байтларни ўқудилар:

*То ба “ҳо”ву “ҳу” ишорат мекуни,*

*Ё ба ҳарфи “ҳо” иборат мекуни.*

*Бандаи, ҳарфе наёяд аз ту кор,*

*Жаҳд кун, то аз раҳат хезад ғубор.*

*“Ҳо” бияфкан, “вов” ро озод кун,*

*Банда шав, бе “ҳо”— “ҳу”ваш ёд кун.*

*(Токай “ҳо” ва “ҳу”га ишора қиласан,*

*Ёки “ҳо” ҳарфи билан сўз юритасан.*

*Бандасан, ҳарф билан қўлингдан иш келмайди,*

*Ғайрат қил, токи йўлингдан ғубор кетсин.*

*“Ҳо”ни ташла, “вов”ни ўз ҳолига қўй,*

*Банда бўл ва Уни “ҳо” ва “вов”сиз ёд қил.)*

Ондин сўнг ойтдиларким: “Бу байтлар ишорат турур ул нисбатигаким, суҳбатда ҳосил бўлур. Улчаким, суҳбатнинг натижаси турур “ҳо” ва “ҳу”нинг воситаси била эрмастур”.

*Раиҳа 23.* Ойтур эрдилар: “Вақтиким, бир кишидин нисбати таълим олсангиз, они сақламоқнинг тариқаси онинг била бўлурким, важҳе қилингким, сизларга ул кишидин кароҳийате бўлмасун, бу важҳдин турурким, ойтиб турурлар, керакким, Шайх ўзини муриднинг назарида маҳбуб эта билгай. Онинг учунким, ул муҳаббатнинг муншиъким, бу нисбатнинг зуҳурига сабаб бўлуб эрди, ул эрди. Бас, ҳар қачонким, ондин кароҳияте бўлсаким, зидди муҳаббат турур, муҳаббат зойил бўлур. Вақтиким, муҳаббат зойил бўлса нисбат қолмағай”.

*Раиҳа 24.* Ойтур эрдиларким: “Кишиким бу тоифанинг суҳбатига келур. керакким ўзини бағоят муфлис кўргузгай, то ул тоифанинг онга раҳмлари келгай”.

*Раиҳа 25.* Ойтур эрдилар: “Ҳожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларининг ҳосили давоми иқбол турур. бар важҳеким, бу иқболда ҳеч кулфат бўлмас”.

*Раиҳа 26.* Ойтур эрдилар: “Мақсуди куллий ул турурким, латифаи мудрикага бар сабили давом Ҳақ субҳонаҳуға иқболе воқеъ бўлгай, керакким, сандин бу иқбол воқеъ бўлсун, то муқбил бўлғайсан”.

*Раиҳа 27.* Ойтур эрдиларким: “Ҳожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум силсилаларининг ҳар зарроқ ва раққосга нисбатлари йўқ турур, оларнинг корхоналари баланд турур, Хожа Авлиёйи Калон алайҳи-р-раҳмаким, Хожа Абдулҳолиқ (Ғиждувоний)

қуддиса сирруҳунинг асҳоби киборларидин турур, Бухоро бозоридағи Масжиди Саррофонда бир чиллаи хавотир ўлтурдилар. Бу иш ақлу идрокнинг андозасида эрматур ва бу маъно доираи идрокдин ташқари турур. Олардин сўрдиларким: “Хилват дар анжуман қайси турур?» Ойтибдурларким: “Хилват дар анжуман ул турурким, бозорға кирсанг, бозорийларнинг овозларини эшитмасан”. Бу азизлар шундоғ машғулликлар қилиб турурлар. Керакким, бу тариқни осон билмасунлар”.

*Раиҳа 28.* Ойтур эрдиларким, хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларини осон билманглар. Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ул ҳама камолоти суварий ва маънавий била доимо хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум рисоаларидин ўзларида ҳамроҳ сақлаб турурлар, доимо ногузир турур ондинким, “Рисолаи қудсия”ни мутолаа этсунлар ва ҳамроҳ сақласунлар.

*Раиҳа 29.* Ойтур эрдиларким: “Ҳавотирнинг бар важҳи камол маърифати Хожа Абдулҳолиқийларнинг тариқаларида мунҳаср турур, оларнинг поси анфосда камоли эҳтиёжлари важҳдин”.

*Раиҳа 30.* Ойтур эрдиларким: “Улчаким, бизнинг муътақидимиз турур бул тариқдин, ул турурким, доимо кўнгил бар сабили завқу лаззат Ҳақ субҳонаҳуға огоҳ бўлсин. Ва бу маънони муносиб амаллар билан касб этурлар, бидояти шул турур. Ва ниҳояти ул турурким, касбға ҳеч мадҳал қолмасдур ва бу маъно нафсга малака бўлуб, мулк бўлур”.

*Раиҳа 31.* Ойтур эрдилар: “Яқиний ҳосил этмак керакдурким, ҳеч сув они олиб кетмасун ва ҳеч ўт они ёқмасун. Масалан, кишига буғдойнинг вужудиға яқин ҳосил бўлубдур, ҳеч нимарса бу яқинни зойил эта билмас, бахилофи ул кишиким, буғдойни такаллуф била зеҳниға ҳозир қилур. Басо бўлурким, ашғоли гуногун сабабли ондин зуҳул воқиъ бўлур”.

*Раиҳа 32.* Ойтур эрдиларким: “Бу байт менга хуш келиб турур. Байт:

*Бар остони иродат, ки сар наниҳод касе.*

*Ки лутфи дўст ба рўяш дарича накушуд.*

(Киши иродат остонасиға қадам қўймаса,

Дўст лутфи унинг юзига дарча очмади).

Ондин сўнг ойтдилар: «Ҳар кишининг ботинида нисбати иродат зуҳур этди, керакким, они Ҳақ субҳонаҳудин неъматидин азийм билиб, онинг ҳаққиға қиём кўргузгай. Ва онинг ҳаққиға қиём кўргузмак мундин бошқа эрматурким, ўзини батамома Жаноби

Ҳақ ва субҳонаҳуға мутаважжиҳ этиб, ўзлигини ул Жанобға сарф этсун. Муҳаққиқларнинг наздида собит бўлубдурким, вуждон талабға муқаддам турур. Ва ул ҳадиским, Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдилар: “Ман талаба шайъан важадда важада”(ни) шундоғ тафсир этибдурларким, “ман важада шайъан талабаху” онинг учунким, то Ҳақ субҳонаҳу кўнгилга васфи ирода била тажаллий этмаса, ул кўнгилга Ҳақ субҳонаҳуни талаб ва ирода этмак истеъдоди ҳосил бўлмас. Ва ул тажаллийнинг натижаси Жаноби Ҳақ субҳонаҳуға майл ва инжизоб турур. Бас, бунда аввал Ҳақ субҳонаҳунинг тажаллий иродасини топса, ондин сўнг онинг толиби ва муриди бўлур. Ва бу сўзга тамсил бордур ва ул тамсил ул турурким, шахси бир манзар тагидин борур эрди. Ногоҳ соҳибжамоле манзарнинг устидин онга жилва этди ва онинг кўнглини олди. Ва ул соҳибжамолга онинг ботинида майл ва инжизоб пайдо бўлди. Бас, бу сувратда вуждон талаб ва иродаға муқаддам турур. Баъзилар савол этибдурларким, вақтиким, вуждон муқаддам бўлса, талабға фойда не турур? Жавоб ойтибдурларким, талаб истифойи ҳазз учун турур. Ва яна буким, вуждонеким, талабға муқаддам турур, барча ижмол турур, талабда фойда улдурким, ул ижмол тафсил топар”.

*Раиҳа 33.* Ойтур эрдиларким: “Марднинг қиймати бу тоифанинг ҳақойиқға мудрикасининг ҳаракати андозасидадур”.

*Раиҳа 34.* Ойтур эрдиларким: “Иш ул эрмасдурким, мууроқаба ва таважжуҳ этурлар, балким иш ул турурким, ҳамма ишларни бир мақсудға тобиҳ ойлантурурлар ва мажмуъи ашъда идроки хос пайдо қилурлар”.

*Раиҳа 35.* Ойтур эрдиларким: “Амални маҳбуб тутмоқ керак, на жамъият ва ҳузурни. Онинг учунким, ҳузур ва жамъият мавоҳибдиндур ва азизу-л-вужуд турур ва таҳти ихтиёрда эрмасдур ва онинг фикдони мувжиби касал ва футур турур. Ва амалким, онинг хилофигадур, мақосиб жумласидин ва ихтиёрнинг таҳтида дохил турур. Ва амалга мувозабат этмак мувжиби ҳузур ва жамъият турур. Би-л-хосият шундоқ воқийдурким, жамъият ва ҳузурға футур йўл топар”. Бас, бу икки байтни ўқидилар. Байт:

*Ҳолиқо, то ин сагам дар ботин аст,*

*Роҳи жонам сўйи ту нозмин аст.*

*Ё ба ҳукми шаръ дар кораиш фиған,*

*Ё ба кулли дар намаксораиш фиған.*

(Эй Худо, то ичимда бу итим бор экан,

Сен томонга йўлим хавфсиз эмас.

Ё уни шариат йўлига киргиз,  
ёки уни бутунлай туз конига ташла.)

*Раиҳа 36.* Бир кун баъзи ҳозирларга нисбат(ан) сиёсат юзидин ойтдиларким: “Ҳар қачон сизларга бизнинг суҳбатимизда нисбати ҳосил бўлди, яна келурсизлар. Ва агар кулфате етушди, кетарсизлар. Бу саҳле турурким, киши фақиренинг ёнимга хосса завқи ҳол учун келса бу муҳаббате турур оризий, на зотий”. Бас, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Дар дил чу шароб шавқи мо меризи,*

*Бояд чу хумор гирадат нагризи.*

(Юракка шароб каби шавқимизни қуяр экансан,

Мастлик қўлингни тутса қочмаслигинг керак).

*Раиҳа 37.* Бир кун Ҳазрати Эшон диловиз латоифларни ва шавқангиз маъорифларни ойтдилар ва ҳозирлардин бири ўзини ул сўзга батамом бериб эрди ва шаъфи тамом била ҳушининг қулогини сўзнинг истимоъига кўюб эрди. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Сизлар сўз эшитмакка кўб майл этарсиз. Улчаким, эшитурсиз, ўзингизни онинг мазмунига бермак керакдур, сўз бир турур, ойтмоқ ва эшитмакдин иш очилмасдур”.

*Раиҳа 38.* Ойтур эрдиларким: “Каломга жамоле бордур, ул кишигаким, Ҳақ субҳонаҳу иноят этди, зоҳир қилди, бу важҳдин турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло анбиё алайҳими-с-салоту ва-с-саломни жазб ва тасарруф била йибормай, калом била йиборди”.

*Раиҳа 39.* Ойтур эрдилар: “Тил кўнгилни ойнаси турур ва кўнгил руҳнинг ва руҳ ҳақиқати инсонийнинг ва ҳақиқати инсоний Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ойнаси турур. Ҳақойиқи гайбийя гайбатдин мунча масофати баъидани қатъ этиб тилга келур ва ул жойтдин суврати лафз қабул этиб, мустаъидларнинг ҳақиқатларининг самълариға етушур”.

*Раиҳа 40.* Ойтур эрдилар: “Сўзнинг жамоли турурким, мустамийъни мустамийъдин олур. Ва сўзга жамол бермас, магар авлиёнинг сўзи”. Бас, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Се нишона бувад валийро, нахусти он ба маъни,*

*Ки чу рўйи он ба бини дили ту баду гирояд.*

*Дуййум он, ки дар мажолис суҳан кунад зи маъни,*

*Ҳамаро он ҳастийи худ ба ҳадис мерабояд.*

*Сеййум он бувад ба маъни валий аҳаззи олам,*

*Ки зи ҳеч узви уро ҳаракоти бад наёяд.*

(Авлиёнинг уч белгиси бўлади,  
унинг биринчиси шуки,  
Агар унинг юзини кўрсанг,  
юрагинг у томонга тортилади.  
Иккинчиси шуки, агар у мажлисларда сўзласа,  
Сўзи билан барчани ўз томонига оғдириб олади.  
Учинчиси шуки,  
валий оламга маънавий лаззат берувчи бўлиб,  
Унинг ҳеч бир аъзосидан ёқимсиз ҳаракат  
юз бермайди).

*Раиҳа 41.* Ойтур эрдилар: “Баъзи акобирларгаким, мулозамат этдим, икки нарса менга каромат этдилар. Бири улким, ҳар нимарса ёзсам жадид эрди ва қадид эрмас эрди. Иккинчиси улким, ҳар нимарса десам мақбул эрди ва мардуд эрмас эрди”.

*Раиҳа 42.* Бу ҳуруфнинг роқими иккиланчи мартабадаким, Ҳазрати Эшоннинг остонбўслиқлари шарафига мушарраф бўлди, ул Ҳазратнинг маноқибларига муштамил бўлган қасида назм этди, маъорифи сўфиййадин тарафига мусаддар этиб эрдиким, баъзи ондин бу турур. Қасида:

*Ёр бардошт парда аз рухсор,  
Айна тамигуна ё ули-л-лабсор?  
Ламъаи офтоби тальати ў,  
Тулиъат мин машорқи-л-азҳор.  
Ҳама ашё ҳалоки ин широқ,  
Ҳама заррот маҳви ин анвор.  
Ҳамаро соф сохта аст ин нур.  
Ҳамаро пок сўхтаст ин нор.  
Ламъаи уст дар макину макон,  
Жилваи уст дар ямину ясор.  
Нест такрор дар тажаллийи ў,  
Гарчи бошад берун зи ҳадди шумор.  
Лекин он аз тажаддуди амсол,  
Менамояд ба суврат такрор.  
Жумла зарроти кавн оинаҳост,  
Ки дар он жилва мекунад рухи ёр.  
Дар ҳар оина ба ойине,  
Менамояд ба ошиқон дийдор.  
Гоҳ мастур дар наси парда,  
Гоҳ машхур бар сари бозор.*

Гоҳ дар парда менавозад соз,  
 Гоҳ бепарда медаронад тор.  
 Пардагӣ ӯст, мо ҳама парда,  
 Пардасоз ӯст, мо ҳама автор.  
 То шавад нақши пардашон ҳойил,  
 Аз тамошойи нури он рухсор.  
 Эй, зи пиндори ғайр дар парда,  
 Хезу бардор пардаи пиндор.  
 Гар дар ин парда бор меҳоҳи,  
 Рӯйн дил сӯйи нақибандон ор.  
 Он муқимони боргоҳи аласт,  
 В-он надимони садри суффа бёр.  
 Ҳамма дар базми шавқи шоҳнишон,  
 Ҳама дар разми ишқи шоҳсувор.  
 Ҳама олий з-он миёну аъло,  
 Шоҳи аброр Хожкаи Аҳрор.

Таржимаси:

Ёр юзидан парда кӯтарди,  
 Қайга бормоқдасиз, эй узоқни кӯргувчи?  
 Офтоб тальятининг шуъласи,  
 Шарқдан тулуъ қилиб чиқди.  
 Бу чиқишдан барча нарса ҳалок бўлди,  
 Барча зарралар шу нур ичида маҳв бўлди.  
 Бу нур ҳаммани мусаффо қилди,  
 Бу олов ҳаммани пок-покиза куйдирди.  
 Барча маконда унинг шуълалари бўлиб,  
 Ўнгда ҳам, сўлда ҳам унинг жилвалари кўринди.  
 Гарчи бу жилва санокдан ташқари бўлса ҳам,  
 Унинг жилвасида такрорлик йўқдир.  
 Лекин у доимо янги-янги бўлса-да,  
 Бироқ кўринишдангина такрорга ўшайди.  
 Оламнинг барча зарралари унинг ойналари бўлиб,  
 Бу ойналарда ёр юзи жилвагардир.  
 Ҳар бир ойнада ўзга бир кўриниш билан —  
 Ошиқларга ўз дийдорини кўрсатади.  
 Гоҳо парда орқасида пинҳон бўлса,  
 Гоҳо бозорларда ошкор бўлади.  
 Гоҳо парда орқасида соз чалади,  
 Гоҳо бепарда торларни узади.

Пардачи удир, биз ҳаммамиз пардамиз,  
Парда созловчи удир, биз ҳаммамиз тормиз.  
Рухсорининг нурина тамошо қилдирмаслик учун,  
Парда нақши билан тўсиқ пайдо қилибди.  
Эй, назардан қочиб пардага кирган,  
Тур энди, назар пардасини кўтар.  
Агар бу пардага кирмоқчи бўлсанг,  
Юзингни нақшбандийлар томонга бур.  
Улар “аласту” саройининг муқимлари,  
Улар сарой суффасининг садрнишин надимлари.  
Ҳаммаси шавқ базмида шоҳ кабидурлар,  
Ҳаммаси ишқ жангида шоҳсувордирлар.  
Ҳаммаси слий зотлару улардан энг аълоси —  
Поклик шоҳи бўлмиш Хожа Аҳрордир.)

Биродари тариқат Мавлоно Мусоким, ул остонанинг мулозимлари ва ул давлатхонанинг маҳрамларининг аҳаззи эрди, бу қасидани хилватда Ҳазрати Эшоннинг назари муборақларига етурди. Эртанги кун сўхбатда Ҳазрати Эшон фақирни мухотаб этиб, ойтдиларким: “Мирзо Шоҳрухнинг замонидаким, Ҳиротда бўлдик, Ҳазрати Саййид Қосимнинг ашъорлари шуҳрат топиб эрди. Баъзи наврасида (ёш) йигитлар ул тавҳидомиз ашъорларнинг амсолин ойтур эрдилар. Зоҳир ул эрдиким, Ҳазрати Саййиднинг ҳақойиқи ва маъорифи ботинийлари эрдиким, мунташир бўлиб, ул йигитларнинг ботинларида беихтиёр жўш урар эрди. Агар чандиким, ул сўзлар оларнинг ҳасби ҳоллари эрмас эрди, лекин, вақтиким, истеъдодлари ул ҳақойиқ ва маъорифнинг мазҳарийятини қабул қилиб эрди. Бу сабабдин аларнинг соири абной жинсдин имтиёзи тамомлари бор эрди”.

*Раиҳа 43.* Ойтур эрдилар: “Бириким, Ҳирида Дарвозаи Маликнинг ташқарисида каллапўш тикиб сотар эрди, ондин ошноёна бир-икки сўз эшитдимким, ул сўздин бу тоифанинг мазоқларининг иси келур эрди. Ондин сўнг онга нисбат(ан) шундоғ риюяи адаб этдимким, ҳеч бир йўлда ва бозорда манинг қадамим онинг қадамидин илгари ўтмади ул икки сўзнинг иззати жиҳатидин”.

*Раиҳа 44.* Ойтур эрдилар: “Агар эшитсам ва билсамким, Хитой мамлакатаида кофире бу тоифанинг сўзларини ҳанжор била ойтур, борурман ва онинг мулозаматини қилурман ва миннат тутурман”.

*Раиҳа 45.* Ул сўзким, мартабаи увлода Ҳазрати Эшондин Қаршида эшитилди, бу эрдиким, фақирени мухотаб этиб

ойтдиларким: “Акобирларнинг бирлари ойтиб турурлар, наҳв илме турурким, усулини бир ҳафтада забт этиб бўлур. Биз орзу этдук, на бўлур эрдиким, дарвишлик ҳам китобеда ёзилиб эрдиким, бир ҳафтада ўрганиб бўлса ва улча мақсуд турур саҳулат била ҳосил бўлур эрди. Аммо дарвишларнинг бирлари ойтибдурким, дарвишлик осон иш турур, ойнае турур юзи жониби мулкда. Дарвишлик бу турурким, оинанинг юзини ойлантурурлар”.

*Раишҳа 46.* Хилвати хосда фақирега ойтдиларким: “Улуми мутадоваланинг хулосаси тафсиру ҳадис ва фикҳ турур ва оларнинг хулосаси илми тасаввуф турур. Ва бу илмнинг мавзуи баҳси вужуддурким ойтурлар. Ва жамиъи маротиби Илоҳий ва кавнийда йўқдур, магар бир вужудким, суvari илмийа била зоҳирдур. Бу мабҳаснинг ўзи бағоят мушкул ва нозик турур. Тааққул ва тахаййул била онда ҳавз этмак мужиби залолат ва зиндиқа турур. Нечунким, бу оламда иту тўнғиз ва ҳайвоноти хабисадин буларнинг амсоллари ва анвои нажосат ва қозвурот кўб турур. Оларга вужудни итлоқ этмак ғояти қабоҳат ва шиноатдадур ва оларни истисно этмак бу тоифанинг нуқус ва қоидалариға ва хилофий истилоҳлариға муvжиб бўлур. Бас, азкиёларга вожиб улким, ўз ҳақиқатининг ойнасини тасфия этмак била нуқуши кавнайндан фориғ бўлсунлар. Ва ул шуғлдин бошқа бир амрга парво этмасунлар, то вақтиғачаким, маҳалнинг тасфияси ва тазкияси воситаси била нур вужуднинг партави латифан мудрикага тушуб, тобиш берсун. Ва бу маъни андоғким бордур юз кўргузсун”.

*Раишҳа 47.* Иккиланчи мартабадаким, Косон қарясидаким, Қарши вилоятининг Бухоро тарафида бир деҳаси турур, суҳбати хосда фақирга хитоб этиб, бу байтларни ўқудилар.

Байт:

*Ту мабош асло камол инасту бас,  
Рав, дар ў гўм шав висол инасту бас.*

*Эй камону тирҳо нар сохта,*

*Сайд наздику ту дур андохта.*

*“Наҳну ақраб” гўфт “мин ҳабли-л-варид”.*

*Ту фиканда тири фикратро баъид.*

(Сен фоний бўл, камол шунинг ўзидир,  
Бор, унда маҳв бўл, висол шунинг ўзидир.

Эй, камону ўқларни ҳозир қилган киши,

Ўлжа олдингда-ю, сен ундан узоқсан.

“Биз жон томиридан ҳам яқинроқмиз” деди у,

Сен фикрат ўқини ундан узоққа отибсан.)

Ондин сўнг илтифот этиб, кўб сўзларни ойтдиларким, ондин баъзиси бу турурким: “То сен келдинг, санинг ҳолингга парво этганимиз йўқ турур. Аммо, керакким, муни билгайсанким, кўб нимарсаларким, даркор эрмасдур, онинг ўрнига ўлтуруб турур ва санинг ондин хабаринг йўқ турур”. Ва тамсил тариқасида ойтдиларким: “Қовун вақтиким, гулдан чиқиб, пишмак мартабасин қасд этса, ҳар бир ониди бир хомлик ондин кетиб, онинг жойиға пишмак келур ва ул ондин беҳабардур ва ҳеч бир ҳис бу маънининг идрокини эта билмасдур. Ва агар деҳқон онга ойтсаким, кўб хомлик сандин кетиб, онинг жойиға кўб пишмаклик ўлтурубдир, ул бовар этмас. Лекин, вақтиким, пишмак мартабасига етушди ва ўзига назар этса, бошдан-оёқ ўзини пишган кўрар. Билурким, деҳқон рост ойтиб турур”. Ва бу сўзларнинг асносида Ҳазрат Эшонга йиғламоқ голиб бўлуб эрди ва муборак кўзларидин дона-дона ёш тўкулур эрди. Голибан, ул йиғламоқ ва риққат мухотабнинг нисбати эрдиким, Ҳазрати Эшондин батариқаи инъикос зоҳир бўлур эрди. Валлоҳу аълам”.

*Рашҳа 48.* Аввалғи мартабадаким, ул Ҳазратнинг шарафи мулозаматлариға етушилди, сўрдиларким: “На ердинсан?” Ойтдим: “Мавлидим Сабзавор турур, аммо Ҳирида нашьу намо топиб турурман”. Табассум этдилар ва инбисот тариқида ойтдиларким: “Бир сунний Сабзавор(ға) келуб, дарахтенинг соясида ўлтурди. Бир лаҳзадин сўнг бошини юқори кўтарди. Рофизийни кўрдиким, ул деворнинг устида ўлтурубдур ва оёқларини ошоқға узотиб юборибдур. Ва Ҳазрати Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумонинг отларини ихонат учун оёқнинг тагига ёзибдир. Суннийға диннинг ғайрати ҳаракатға кириб, пичоқ тортиб, онинг оёқининг тагига ондоқ урдиким, оёқнинг орқасидин бош чиқарди. Рофизий фарёд қилдиким: “Эй, ёрон, билинларким, хорижий манга пичоқ урди”. Равофиз атрофу жавонибдин ҳужум этиб, суннийни ўртаға олдуларким: “Бизларнинг еримизға не учун пичоқ урдинг?” Ул сунний кўрдиким, ул гавго ва издиҳомда ҳалок бўлур. Ҳийлаи топди ва ойтди: “Мани кўйинларким, ҳолимни сизларга ойтайин. Ман бир киши эрдим сизларнинг жинсингиздин, хоҳладимким, бу деворнинг соясида бир замон истироҳат этайин ва йўлнинг куфтидин осойиш қилайин. Вақтиким, ўлтурдим ва юқориға боқдим, кўрдимким, бу киши отлариниким, ман ҳаргиз они кўра билмасман, келтуруб, манинг бошимнинг устида тутубдур. Манга бағоят ноҳуш келди, ул эрдиким, пичоқ урдим, то ул манинг бошимнинг устидин ул отларни узоқ этсун”. Равофизларким,

ондин бу сўзни эшитдилар, онинг қўлларини ўпдилар ва онга офарин этдилар. Ва ул ҳийла била халос топди”.

Ул вақт Ҳазрати Эшон табассум қилиб ойтдиларким: “Сиз шундоқ шаҳардин эркансиз?”. Ондин сўнг ойтдилар: “Машойихлардин бирлари рофизийларнинг ерига келди. Оларнинг суфаҳолари ва гуллотларидин жамъи Шайхнинг қофиласи канориға келиб, Ҳазрати Абу Бакр сиддиқ разияллоху анҳуни сабб этмакка тил узатдилар ва носазо ойтмоққа бошладилар. Асҳоб ул мақомда бўлдиларким, оларни зажру манъ этсалар. Шайх ойтдиким: “Оларга ранж берманглар, бизларнинг Абу Бакримизга дашном бермаслар, бизларнинг Абу Бакримиз бошқа турур. Олар ўзларининг Абу Бакри мавҳумиғаким, мустаҳиқ бўлмай, халифалиқни олди ва Ҳазрати Пайғамбар саллаллоху алайҳи васалламга ва аҳди байтлари — разияллоху анҳумга нифоқи бор эрди, дашном берурлар ва носазо ойтурлар. Ондағ Абу Бакрға бизлар ҳам носазо ойтурмиз”. Ва равофизларким, ул сўзларни шайхдин эшитдилар мутаассир ва мутанаббих бўлуб, ўз тариқи ботилларидин қойтиб, Шайхнинг қўлида тавба этдилар”.

Бу сўзлардин сўнг Ҳазрати Эшон сўрдиларким: “Санинг отанг на ишда бўлур ва оти на турур?” Ойтдим: “Воиз турурлар ва отлари Мавлоно Ҳусайн турур”. Ойтдилар: “Ман онинг сифатини эшитибман. Ойтурлар, кўб фазойил ва камолотлари бор турур ва мавъизаси ҳавосу омга мақбул турур”. Бас, ойтдилар: “Мавлоно Шаҳобуддин Сайромий алайҳи-р-раҳмаким, Шайх Зайнуддин Хофий ва Мавлоно Яъқуб Чархий қуддиси сиррахуманинг устозлари эрдилар, Самарқандга келдилар. Хоҳладиларким, Масжиди Жомеъда мажлис тузиб, ваъз айтсалар. Хизмати Мавлоно Муҳаммад Аттор Самарқандийким, табақаи хожাগоннинг улугларидин эрдилар, камоли илму тақво, зуҳд ва вараъ била ороста, нисбати қавий ва латофати тамомлари бор эрди, ул мажлисда ҳозир эрдилар. Хизмати Мавлоно Шаҳобуддин минбарға чиқар вақтида минбарнинг поясини ўлуб, минбарға чиқди. Хизмати Мавлоно Муҳаммад, вақтеким, ул сувратни мушоҳада этдилар, дарҳол мажлисдин туруб ташқари чиқдилар. Ва Мавлоно Шаҳобуддин сўз ойтмай минбардин тушуб, оларнинг изларидин бориб, истифсор эттиларким: “Мандин не беадаблик вужудға келдиким, сиз ташқари чиқиб кетдингиз ва мажлисда ўлтурмадингиз?” Олар ойтдиларким: “Биз ала-д-давом хотирни машғул тутармиз ва ихтимом кўргузурмизким, одамларнинг ўртасида бидъате қолмасун. Сиз бу бидъатни қайси ердин

келтирдингизким, минбарга чиқар вақтида минбарнинг поясини бўса этарлар, бу қайси китоб ва суннатда бордур ва айммай салафдин қайсилари бу ишни этибдур? Сиздек донишманд кишининг амсолидинким, бу амр воқиф бўлса, ул мажлисда бизнинг бўлмоқимиз маслаҳат эрмасдур”.

Ҳазрати Эшон ойтдиларким, “Мавлоно Муҳаммад Агтор ҳамма вақт суннатларнинг атбоида ва бидъатларнинг дафъида ҳадди камолда муболиғ эрдилар ва оларнинг фарзандлари Мавлоно Ҳасанга ҳам дин ва миллатда волиди шарифларидек яхши мулоҳазалар кўб эрди”. Вақтеким, бу ҳуруфнинг роқими Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларидин Хуросонга келди, Ҳазрати волидининг мажлиси ваъзлариға келиб кўрдиким, минбарга чиқар вақтида минбарнинг поясини ўпдилар. Вақतिकим, уйга келдилар, Мавлоно Шаҳобуддин ва Мавлоно Муҳаммад Самарқандийнинг бу ҳикоятлариниким, Ҳазрати Эшондин эшитиб эрдим, волидға арз этдим. Йиғладилар ва ойтдилар: “Бу насиҳате турурким, Ҳазрати Эшон санинг тилинг била бизга юбориб турурлар”. Ва бундин сўнг бу умурнинг амсолларида эҳтиёти балиғ ва мулоҳаза қилмоқни лозим тутдилар. Ва минбарнинг устида зиёдати ҳаракатдин, қўл ва оёқларини минбарга урмоқдин ўзларини сақладилар.

Ҳазрати Эшон гоҳ-гоҳ тақрибан волиди алайҳи-р-раҳманинг ваъзи ва воизлиқини, воизларнинг ақобириларидинким, кўруб эрдилар ҳусни илтифотни маръий тутуб, бу фақирға нақллар этур эрдилар. Ул нақллардин баъзиси Дарвиш Аҳмад Самарқандийнинг зикрида ирод топиб эрди ва баъзиси бу турурким, эмди мазкур бўлур.

*Раиҳа 49.* Ойтур эрдиларким: “Самарқандда икки кишининг ваъзи манга кўб хуш келди. Бири хизмати Саййид Ошиқнинг ваъзи ва яна бири Мавлоно Абу Саъид Тошкандийнинг ваъзи. Ва ойтдиларким: “Хизмати Саййид муртоз киши эрди. Доимо очлиқнинг асари ва лабларининг қуруқлиги Ҳазрати Саййиддин зоҳир эрди. Олар ваъзни кўб яхши, пухта ойтур эрдилар. Мажлисларининг канорида оёқ устида кўб турар эрдим. Риёзат ва мажохаданинг асарлари олардин яхши зоҳир эрди. Тоат ва ибодатнинг анворлари башараларидин лойиҳ кўрунур эрди”.

Ойтур эрдиларким: «Бир азиз туш кўруб эрдиким, жамъи касир ўлтуруб турурлар ва ойтурларким, Ҳазрати Мусо калимуллоҳ келурлар. Ул азиз ойтибдур: “Ман ҳам бордим, то аларни кўрайин”. Вақтики келди Саййид Ошиқ эрди. Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Саййид ул фазилат била эрдиларким, оларни шундоғ кўргайлар”.

*Раиҳа 50.* Ойтур эрдиларким: “Аввал мартабаким, Ҳириға бордим. Зиёратгоҳға бориб эрдим. Икки-уч кун бўлдим. Қойтгондин сўнг Мавлоно Шамсуддин Сунугарийнинг деҳасиға келдим ва ул уламоий муттақийдин эрди. Ва Шайх Фароҳий раҳматуллоҳнинг муридларидин оларнинг масжидларида намози шом вақти беш юз кишининг миқдори бор эрди. Эртанги кун ала-с-сабоҳ ваъз ойтдилар. Манга ул жой кўб ҳуш келди. Тошканд одамидин икки киши манга ҳамроҳ эрдилар. Хоҳламадимким, олар ул жойда ман сабабдин таваққуф этсалар. Шаҳарға келдим ва икки кундин сўнг бордим. Бир ҳафта бўлдим. Ул масжидда аксари авқот асҳоби тоатдин жамъе бўлур эрди. Бир кун хизмати Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ваъз ойтдилар ва ул ваъзда кўб йиғладилар. Сўрдиким, йиғлогонларининг сабаби на турур?”

Ойтдиларким: “Мирзо Шоҳрухни мусулмонларнинг подшоши дерлар. Эшитдимким, Гавҳаршодбегим девонини канизаги била муттаҳам этиб турурлар, буюруб турур, то они минордин ташлабдурлар. Холий эрмастур ондинким, шариятнинг мувжиби била собит бўлуб турур ё йўқ? Агар собит бўлгон бўлса ҳукми дарра турур ё ражм. Агар собит бўлмогон бўлса, бир мусулмонни бежиҳат бу навда нечун ўлтурурлар. Исботидин сўнг минордин ташламоқ машруъ эрмастур, ул сабабдинким, Мирзо Шоҳруҳдин бу ҳукм шарият юзидин содир бўлгон эрмас эрди”. Хизмати Мавлоно кўб мутааллим бўлуб эрдилар ва беихтиёр йиғладилар. Диннинг улуғларининг ҳоллари шундоғ эркандин миллатнинг фами ва қайғуси ҳамма қайғу ғамлардин оларға зиёда эркан”.

*Раиҳа 51.* Ойтур эрдиларким: “Шайх Абу Усмон Ҳирий ўзининг шайхи Абу Ҳафс Ҳаддод қуддиси сирруҳудин талаби ижозат этдиким, халққа ваъз ойтсалар ва насиҳат этсалар. Шайх ойтдилар: “Бу доиъияға боис на турур?” Ойтдилар: “Халқға шафқат”. Сўрдиким: “Шафқатнинг хадди на ерга етгунча?” Ойтди: “Агар Ҳазрати Рисолат салаллоху алайҳи васалламнинг барча осий умматларининг эвазида мани дўзахға олиб борсалар розиманким, олар халос бўлсалар”. Шайх ойтдилар: “Шундоғ кишиға етушурким, халққа насиҳат этса”. Бас, Шайх онга ижозат бердилар ва онинг минбарининг тагида ўлтурдилар. Ва ул ифтитоҳи мажлисни қилди. Ул аснода бир сойил ўрнидин туриб, бир жома тилади. Шайх Абу Усмон дарҳол эгнидин куртасини чиқариб, ул сойилға берди. Шайх Абу Ҳафс Усмон Ҳирийға арз уруб қичқурдиким: “Ошоқ тушгил, эй каззоб”. Шайх Абу Усмон сўзини гамом этмай, минбардин тушди ва Шайхнинг ёнимға келди ва ойтди: “Мандин на ёлгон

сўз содир бўлди?” Шайх ойтдилар: “Ойтмадунгмуким, насиҳат ва мавъизатга боис халқларга шафқат турур, агар санда мўъмин биродарларга шафқат бўлса эрди таваққуф этар эдинг, то эҳсоннинг фазилати ва савоби олардин бирига бўлур эрди. Тариқ ул эрдиким, сабр этсанг, агар эҳсон ҳеч кишидин вужудга келмаса ва ул сойил маҳрум қолса, ондин сўнг сан бу хайрға иқдом кўргузсанг керак эрди”.

*Раиҳа 52.* Бир кун бу фақирким, бу ҳуруфнинг роқими турурман, хотиримға олдимким, агар авқотдин бир вақтда ваъз айтсам, бу бобда Ҳазрати Эшоннинг муборак тилларидин бир сўз ўтса деб. Бу ниййат била ул Ҳазратнинг мажлисларига кирдим. Лаҳзадин сўнг ойтдилар: “Бир киши акобирлардин бирининг олдиға борди ва ойтди: “Хоҳларманким, ваъз айтсам, қайси ниййат била ойтайин?” Ул Бузруг онга ажаб жавоб берибдур, ойтибдурларким: “Маъсиятда ниййатнинг нафи йўқ турур.” “Бу жавоб саҳиҳ турур, онинг учунким, вақтидин аввал сўз ойтмоқ ва насиҳат этмак маъсият турур”. Бас, ойтдиларким: “Бу сўздин маълум бўлурким, сўз ойтмоқнинг даражаси кўб баланд турур”. Бу сўздин сўнг ойтдиларким: “Эмди акобири тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳумға мавъизу тазкир вақтининг таъйини бобида сўз кўб турур. Баъзи ойтибдурким, сўз ойтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даражага етушган бўлсаким, онинг тили кўнгилнинг ноиби бўлуб, Ҳақ субҳонаҳунинг ноийби бўлгон бўлса”.

*Раиҳа 53.* Ойтур эрдиларким: “Вақतिकим, нуқуши кавниййанинг “Занги қуввати мудриканинг ойнасидин зидуда бўлса. онинг муҳозийси зотдин бошқа нимарса эрмастур”.

*Раиҳа 54.* Ойтур эрдиларким: “Комили мукамалдин бир амални таълим олса, ул амалға мувозабат ва мудовамат мақомоти олиййага етушмакка сабаб турур”.

*Раиҳа 55.* Ойтур эрдиларким: “Ахлоқи раддиянинг дафъиға машғул бўлмоқ мушкул турур. Ё аъмоли ботиниййадин бир нимарсани ўзига лозим тутсун ё мунтазир бўлсунким, баяқбор амре зоҳир бўлуб, кишини ҳамма нимарсадин халос ойлантирур”.

*Раиҳа 56.* Ойтур эрдилар: “Бизнинг ёронларимиз, керакдур, икки нимарсадин бирини ихтиёр этсалар: бири улким, ҳалол ваҳддин бир нимарса қабул этиб, зироат амриға машғул бўлсунлар ва мажмуи машғуллиқда ўзларини сақласинлар, ондоғким, хониводаи хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум фуқароларининг тариқалари турур. Ё ўзларини ташласунлар, бўлгон-бўлмагондин андишга этмасунлар ва саъйи балиғ кўргузсунларким, ўз бойистини

ўзга яна бир одамнинг бойистиди йўқ этсунлар то саодати азимғаким, “фано филлоҳ” турур, мушарраф бўлурлар”. Бас, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Бас, дарафкан хеш қисми ту зи дўст,  
 Хоҳ мотам бошу хоҳи сур бош.  
 (Хоҳ мотамда бўлгин, хоҳ шодликда,  
 Қисматинг Аллоҳдандир, ўзингни уринтирма).*

*Рашиҳа 57.* Ойтур эрдиларким: “Рижолу-л-ғайб ҳар замонда сулаҳодин одаменинг суҳбатига мулозамат этурларким, руҳсатлардин ижтиноб этиб, азиматға амал этса. Бу тоифа арбоблари руҳсатдин кечурлар. Руҳсатға амал этмак ожизларнинг иши турур. Хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқлари азимат турур”.

*Рашиҳа 58.* Вақтиким, азимат ва эҳтиёт тариқиға амр этсалар ойтур эрдилар: “Луқмада ва таомда эҳтиёт этмак лавозимдиндур. Таом пиширувчи киши, керакким, таҳорати комил била бўлса, машъур ва огоҳлик юзидин ўчоқға ўтун қўюб ўт ёқса. Ҳар табилақим, онинг бошида газаб ўтган бўлса ё паришон сўзлар ойтилгон бўлса Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳу ул таомдин емас эрдилар ва ойтур эрдилар: “Бу таомға зулмате турурким, бизга они емак раво эрмастур”.

Ҳазрати Эшон бир қишдаким, бағоят совуқ ва улуғ қор ҳам тушуб эрди, Самарқанддан икки тошлиқ ер Талли Калоғон деҳасида бир саҳарда таҳорат этмак учун ташқари чиқдилар ва матбахнинг эшигидин ўтдилар. Ул маҳалда икки ғулом табақлар ва қозонларни тўлдириб, ўт ёқиб асҳоблар таҳорат этмаги учун сув иситур эрдилар. Ул хизматнинг асносида бир-бирига рўзмарра сўзларни ойтушур эрдилар. Ҳазрати Эшон туруб ғуломларни ёнларига талаб этиб, қаҳр этдилар ва урмоқ учун чўб талаб этдилар. Ул итобу хитобда ойтдилар: “Бу қадар билмадингизмуким, сув иситгон вақтда ва таом пиширур вақтда кўнгил била ҳозиру огоҳ бўлмоқ керак, то ул сув била таҳорат этганда ва ул таомдин еганда ҳузур ва огоҳликнинг нури кўнгилда пайдо бўлсун. Ва сувниким, ғафлат била иситсалар ва таомниким, ғафлат била пишурсалар, ул сувдин таҳорат этмакдин ва ул таомни емакдин ботинда зулматнинг ғафлати пайдо бўлур”.

Хизмати Мавлоно Лутфуллоҳким, асҳобларнинг муқаррабларидин ва мақбулларидин турур, ул ғуломларнинг гуноҳларини тиладилар. Ҳазрати Эшон афу этиб, таҳоратхонаға кетдилар”.

*Раиҳа 59.* Ойтур эрдилар: “Най овозининг истимоъини ихтиёр этганларининг сирри ул турурким, ул бузрукворлар асл мақсудга назар этиб турурлар ва сафойи фитрат била билибдурларким, мақсуди аслий ул турурким, ҳақиқати инсонийга қуйуди башариятдин раҳон ҳосил бўлса. Ва най овозини эшитмакда бу маъни оларга ҳосил бўлур, онинг учун ихтиёр этиб турурлар. Ва ҳикмат ондаким, баъзи уламо тажвиз этмай турурлар. Ул бўлса, эҳтимолдурким, вақтиким найни арбоби бидъат ахз этибдурлар ва они эшитмакни ўзларига шиор ва дасор ойлантирубдурлар. Бу Бузруклар оларга шерик бўлмоқдин они эшитмакни тарк этибдурлар ва ўз мақсудларидин ўтуб, нисбати жамъиятни таҳсил этмакда бошқа асбобларга тамассук этиб турурлар”.

*Раиҳа 60.* Бир кун Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларида бир киши ўзини тақаллуф ва тааммул била нисбати беҳудликда ва кайфияти истиғроқда тутур эрди. Ҳазрати Эшон онга мутаважжих бўлиб, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Каж маж маё ба тухмати масти, ки дар тариқ,*

*Моро нишонҳост аз он шоҳи бенишон.*

(Мастликни баҳона қилиб, йўлда довдираб келма,

Бенишон шоҳ (Аллоҳ)дин бизга нишонлар бор).

*Раиҳа 61.* Ойтур эрдилар: “То ул замонгачаким, муриднинг нисбати қувват топмай ва онда мутамаккин бўлмай турур, онга мавосо ва мадуро қилурлар ва онинг тарафига борурлар ва мувоҳаза этмаслар. Ва улчаким, онинг афъол ва ахлоқи номулойимидин етушур, таҳаммул этурлар. Аммо, вақтеким, онинг нисбати қувват топди ва онга бу тариқага яқин ҳосил бўлди, иш онга етушди, керакким, ҳар нафасда ўз аҳволининг посбони бўлсун, то бир нимарса ондин содир бўлмасунким, хотирнинг оғирлиқи ва кароҳатиға сабаб ойланғой ва агар ондин амре вужудга келса, мувоҳаза этурлар ва сиёсат қилурлар”.

*Раиҳа 62.* Ойтур эрдиларким, баъзилар ойтуб турур: “Шайх керак муридни билмакка қудрати бўлса, шайхниким, ундоқ бўлмаса, онга шайхлиқ етушмас”. Мурид емакнинг маънисини ул турурким, Шайх керакким, шундоғ бўлсунким, муриднинг ботинида тасарруф эта билса ва онинг ахлоқи замимасини ея билса, яъни нобуд эта билса ва онинг ўрнига ахлоқи ҳамийдани исбот эта билса ва они даражайи ҳузур ва огоҳлиқга етура билгай”.

*Раиҳа 63.* Бир кун Ҳазрати Эшон асҳобларга ойтдилар: “Сизлардин қайсингиз турур сизларга нисбатан йигирма мартаба

ва зиёда тасарруф воқиф бўлмай турур? Ҳар мартаба ташқари чиқиб кетдингиз ва зойиё этдингиз. Кишигаким, бир донак нур пешгоҳдин каромат этдилар, керакким, ул нурни ўзининг масолиҳига сарф этсун ва ул нур била ўзини зулматини кўруб, ўзини ўртадин кўтарсун”.

*Рашиҳа 64.* Ойтур эрдилар: “Неча кунларким, ман қайди ҳаётда турурман, саъй этмассизлар ва Худойбин бўлмассизларким, қачон бўлурсизлар?! Бу фурсатни ғанимат билингким, пушаймон бўлурсизлар ва пушаймонлиқ фойда этмасдур”.

*Рашиҳа 65.* Вақтиким, Ҳазрати Эшон фақирига тариқи робита <sup>1</sup>ни ишорат этдилар, бу байтни ўқудилар. Байт:

*Жой кун дар андарунҳо хешро,  
Дур кун идроки ғайрандешро.  
(Қалбда дўстга жой бергину  
Дўстдан бошқа бегоналарни чиқар).*

Бас, ойтдиларким: “Яъни узоқ қил бу андишганинг ғайриниким, одамларнинг кўнглида ўзингни жой этгайсан, яъни тамоми ҳимматинг била онга мутаважжиҳ бўлким, ўзингни одамларнинг кўнглидаким, машойих тариқатидин иборат турур, жой этгайсан. Ондоғким, хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқалари турур ҳар нафасда посбонлиғ этмак керак, то бир нимарса воқеъ бўлмасунким, пирнинг хотирига сабаби кароҳийят бўлғай, то жоға етушурким, онинг ҳамма муроди пирнинг муроди бўлур ва пирнинг муроди онинг муроди. Ва бу посбонлиқ сабабли саодатега мушарраф бўлурким, онинг фавқи мутасаввур эрмастур ва ул “фано филлоҳ” турур”.

*Рашиҳа 66.* Фақире мажолис суҳбатида Ҳазрати Эшоннинг муборак юзларига кўб қарор эрди. Бир кун они мухотаб этиб ойтдиларким: “Бир киши Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳунинг чеҳрайи муборакларига кўб қарор эркан. Ҳазрати Хожа ойтибдурларким: “Бизнинг юзимизга кўб назар этмагил, то кўнглингни барбод бермагайсан”. Бас, Ҳазрати Эшон бу мисрани ўқудилар. Мисра:

*Девона шавад ҳар, ки бибинад руҳи мо.  
(Ҳар ким бизнинг юзимизни кўрса девона бўлур).*

1. Тариқи робита — узоқдан туриб, фикран алоқада бўлиш.

Ондин сўнг ойтдиларким: “Муриднинг таважжуҳи, керакким, пирнинг икки қошининг ўртаси бўлсун ва пирни мажмуъи аҳволда ва авқотда ўзига мутталиъ ва ҳозир билсун, то уббуҳат ва азимат онда тасарруф этиб, ҳар нимарса онинг ҳузурига мулоийим бўлмаса, муриднинг ботинидин рахтин кўтарур. Ва бу маънининг риоосидан жоёга етушурким, пиру муриднинг ўртасидин ҳижоб муртафиъ бўлур. Ва мажмуъи муродот ва мақосиди пир, балким онинг мавожид ва аҳволи муридга муъойин ва мушоҳид бўлур. Мисра:

*Ин кор давлат аст кунун то агар расад.*  
(Агар бу муяссар бўлса, бу улуг давлатдир).

*Рашҳа 67.* Ойтур эрдиларким: “Хавотири раддийа ва муқтазиёти табииййага гирифтор бўлгоннинг тариқи халоси уч нимарсанинг бири била бўлур. Аввал улким, бу тоифанинг улча муқаррар этган аъмоли хайрларидин бир амални ўзига лозим тутсун ва тариқи риёзатни ихтиёр этсун. Иккиланчи улким, ўзининг ҳавл ва қувватини ўртадин кўтарсун ва билсунким, ул жумладин эрматурким, ўзини бу балиййадан халос эта билгай. Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға ниёз ва ифтиқор тариқи била тазарруъ ва инкисори доимий била ружуъ этсун. Бўлғойким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло онга бу балиййадан халослик каромат этгай. Учланчи улким, пирнинг ҳиммати ва ботинидин мустамид бўлсун ва они ўзининг таважжуҳига қибла этсун”. Бу тақрирдин сўнг ҳозирлардин сўрдиларким: “Бу уч тариқдин қайсиси яхшироқ турур?” Яна ўзлари ойтдиларким: “Пирнинг ҳимматидан истимдод этмак ва онга мутаважжиҳ бўлмак яхшироқ турур, онинг учунким, толиб ўзини Ҳақ субҳонаҳуға таважжуҳ этмакдин ожиз билиб, пирни таважжуҳига ва Ҳақ субҳонаҳу жанобининг вусулиға васила ойлантуруб турур. Маъни натижанинг ҳусулиға ақраб турур. Улчаким, толибнинг мақсуди турур, бу амрга тезроқ мутафарриъ бўлурким, ҳамишга пирнинг ҳимматидин мустамид бўлса”.

*Рашҳа 68.* Ойтур эрдиларким: “Ҳар ким бу тоифанинг бирлари била ўлтурса, керакким, жаҳд этгай, то онинг ҳақиқатидин хабардор бўлгай”. Ондин сўнг бу байтларни ўқудилар. Маснавий:

*Ман ба ҳар жамъияти нолон шудам,  
Жуфти бадҳолону хушҳолон шудам.  
Ҳар касе аз занни худ шуд ёри ман,  
В-аз даруни ман бажуст асрори ман.  
Сирри ман аз нолаи ман дур нест,  
Лек чашму гўширо ин нур нест.*

(Мен ҳар қандай жамиятга нола қилдим,  
 Ғамгинлару хушҳолларга улфат бўлдим.  
 Ҳар ким ўз мақсади бўйича менга дўст бўлди,  
 Ичимдан менинг сирларимни қидирди.  
 Менинг сирим нолаларимдан узоқ эмас,  
 Лекин кўр кўз ва қулоқ учун бу  
 нурдан насиба йўқ).

*Раиҳа 69.* Бир кун аҳли суҳбатнинг таълимида ойтдиларким:

“Кўб очлиқ ва кўб бедорлиқ димоғни зойиё ойлантирур, ҳақойиқ ва дақойиқ идрокидин монеъ бўлур ва бу жиҳатдин турурким, баъзи аҳли риёзатнинг кашфида ғалатлар воқий бўлуб турур. Кўб бедорлиқ одамийға зарар этмасдурким, ул бедорлиқда суруре ва фараҳе бўлса. Ул суруру фараҳ уйқунинг ишин қилиб, димоғни юбусатдин сақлар”.

Бас, ойтдиларким, Хожа Алоуддин алайҳи-р-раҳма ойтур эрдилар: “Бир кун Ҳазрати Хожа Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруху Тавойисға келдилар. Бизлар асҳоблардин жамъи била Фиждувонда эрдук. Бизларни талаб этдилар. Келдук. Вақтиким, кеч бўлди, Шайх Муҳаммад Дарзий Тавойисиниким, мухлис ва худдомларининг жумласидин эрди, чақирдилар ва ойтдилар:

“Ёронларни олиб боринг ва хизмат қилинг”. Бизлар Шайх Муҳаммаднинг манзилларига бордик. Намози шомдин сўнг Ҳазрати Хожа ул ерга келдилар ва суффанинг канорида ўлтурдилар ва муборак оёқларини ошоқға узатдилар ва Шайх Муҳаммадни талаб этдилар. Сўрдиларким: “Ёронлар учун на таом пишиурсиз?” Шайх Муҳаммад ойтди: “Биринч ва бир товуқ кўнглумга олибман”. Ойтдилар: “Товуқни келтирингким, кўрайлиқ семиз турурму ё ариқ”. Шайх Муҳаммад товуқни келтурди. Ҳазрати Хожа бир-бир муборак қўлларига олиб, мулоҳаза этдилар ва ойтдилар: “Яхши турур”. Ондин сўнг асҳобларға ойтдиларким: “Таом енглар ва кеча уйқуланглр, вақтиким, субҳ бўлса, бизнинг ёнимизға келинглр”. Бас, туруб кетдилар ва бизлар кеча ул жойда қолдук ва таом еб, уйқуладук. Субҳ вақтида ёронларнинг иттифоқлари била оларнинг мулозаматларига бордук”.

*Раиҳа 70.* Ойтур эрдиларким: “Зикр теша янглиғ турурким, онинг била хавотирнинг тиконларини кўнгилнинг йўлидин чопиб олулар”.

*Раиҳа 71.* Ойтур эрдилар: “Иш ул турурким, зикрда истиғроқ бўлсун, бар важҳеким, онга на беҳиштнинг завқи қолсун ва на

дўзахнинг хавфи. Уйқу ва бедорлиқ онга баробар бўлур. Шайтонга захра йўқтурким, бу Бузругворларнинг атрофларида юрса”.

*Раиҳа 72.* Ойтур эрдилар: “Агар суҳбатда сукут этмак Ҳақ субҳонаҳуға огоҳ бўлмоқнинг ҳифзи учун бўлса ва лағв ойтилма-сун деган мулоҳаза учун бўлса, ул суҳбат беҳишт турур. “Ло ясмаъуна фийҳа лағван” (“Унда беҳуда сўз эшитмайдилар”) ояти каримасида ишорат бу янглиғ суҳбатға воқийь турур. Одамларғаким, кўнгили маҳбуи ҳақиқийға гирифтор бўлуб турур, оларнинг кўнгиллари ҳамма ҳолда ул Ҳазрат била муколама ва муножот мақомида турур”.

*Раиҳа 73.* Ойтур эрдиларким: “Муҳаққиқларнинг наздида муқаррар ул турурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъло ҳеч важҳ била мудрик ва мафҳуми бўлмас ва онинг идрокининг йўли масдуд бўлса. Ақли комил улдурум, ҳеч важҳ била онинг идрок этмак талабидин ором тутмасун. Бас, бу тақдир била сукун ва ором ақлнинг муқтазосидан эрмасдур”. Байт:

*Дўст дорад дўст ин ошифтагий,*

*Кўшиши беҳуда беҳ аз хуфтагий.*

(Дўст бу ошифталикни дўст тутати,

Ухлагандан кўра, фойдасиз бўлса ҳам, ҳаракат яхши).

*Раиҳа 74.* Ойтур эрдиларким: “Арвоҳи инсонийа жавори қудса ҳамишга мушоҳадада эрдилар. Вақтиким, бу оламға келтуруб, нафси носутийда маҳбус этдилар, абдонга тааллуқ топғон жиҳатидин абдоннинг муҳтожун илайҳ бўлғон нимарсалариким, маскану маблас ва матъам ва бундин бошқа нимарсаларға машғул бўлди. Ва баъзиларға бовужуди бу шуғл бўлуб, мақарри аслийға етушмакка майл ва изтиробға келди. Таматтуоти баҳимий ва масти лизоти табиий оларнинг мақарри аслийға таважжўҳларидин монъе бўлмади. Қайси жойтдин маълум бўлдики, вужуди инсонийдин мақсуд бу изтиробнинг ҳусули эрмастур, агар чандиким, одамлар мақсудни бошқа навда баён этиб турурлар”.

*Раиҳа 75.* Ойтур эрдиларким: “Ибодат ул нарсадин иборат турурким, авомирға амал этиб, навоҳийдин ижтиноб кўргузсалар ва убудат Ҳақ субҳонаҳунинг жанобиға таважжўҳ ва иқбол кўргузмакдин иборат турур”. Ва ойтдиларким: “Баъзи китобларда ибодат ва убудат орасида шундоқ фарқ этибдуларким, ибодат шарият мувжибинча бандалик вазойифининг адоси турур ва убудат кўнгилнинг сифати таъзими била ҳузур ва огоҳлиқи турур”.

*Раиҳа 76.* Хилқати инсонийдин мақсуд тааббуд турур, тааббуднинг хулосаси ва зубдаси Жаноби Ҳақ субҳонаҳуға ҳама аҳволда наъти тазарруъ ва хузуъ била огоҳлик турур”.

*Раиҳа 77.* Ойтур эрдилар: “Шариат турур ва тариқат ва ҳақиқат. Шариат аҳкомни зоҳирға жорий этмак. Ва тариқат ботиннинг жамъийатида тааммул ва такаллуф этмак. Ҳақиқат шул жамъийатда русух турур”.

*Раиҳа 78.* Ойтур эрдиларким: “Меърож икки нав турур, меърожи суварий ва меърожи маънавий. Меърожи маънавий ҳам икки нав турур. Аввалғи нав сифати замимадин сифати ҳамидага интиқол этмак. Иккиланчи нави мосиводин Ҳақ субҳонаҳуға интиқол этмак турур”.

*Раиҳа 79.* Ойтур эрдилар: “Меърож сайри икки нав турур: сайри мустатийл ва сайри мустадир. Сайри мустатийл буъд дар бўъд ва сайри мустадир қурб дар қурб турур. Сайри мустатийл мақсудни ўз доирасидин хорижға талаб этмак турур ва сайри мустадир ўз кўнглининг атрофида ойланмоқ ва мақсудни ўзида талаб этмак турур”.

*Раиҳа 80.* Ойтур эрдиларким: “Илм икки турур: илми варосат ва илми ладунний. Илми варосат ул турурким, амал била масбуқ бўлур. Ондоғким, Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ойтибтурурларким: “Ман амила би мо алима варасаҳуллоҳу илман мо ло йаълам”. Илми ладунний ул турурким, амал била масбуқ бўлмасдур, балким бесобиқаи амал Ҳақ субҳонаҳу маҳзи инояти беиллати била бандасини ўз наздидин илми хосға мушарраф ойлантирур. Ондоғким, Аллоҳу таъоло субҳонаҳу ойтиб турур: “Ва отайноҳу мин ладунно илман”<sup>1</sup>.

Ва ойтдилар: “Ажр ҳам икки турур: ажри мамнун ва ажри ғай-ри мамнун. Ажри мамнун ул турурким, ҳеч амалнинг муқобаласида бўлмас, балким мавҳибати маҳз турур. Ажри ғайри мамнун улким, амалнинг муқобаласида бўлур”.

*Раиҳа 81.* Ойтур эрдиларким: “Олим била орифнинг орасида фарқ бор турур, масалан, бир кишининг наҳв масъалаларига илми бор турурким, ул қавоиди куллиййадан иборат турурким, фоилу марфуъ, мафъулу мансуб турур. Ул кишини илми наҳвға олим дерлар ва ориф демаслар. Аммо, илми наҳвға ориф деб ул замон ойтурларким, ул масъалаларнинг ҳар бирига бемушоибай такаллуф

1. Унга ҳузуримиздан бир раҳмат бердик ва яна унга тарафимиздан ладунний илм ўргатдик (Қаҳф, 65-оят.)

ва таваққуф ўз маҳаллида амал берса. Бу янглиғким, илми тавҳидга олим дерлар ул кишиниким, онинг тавҳиди илм юзидан турур, яъни эътиқод этиб турурлар ва ҳиддати афъол ва сифат ва зотни ўз кўнглида қарор берибдурким, “ло фойила фи-л-вужуди иллаллоҳ”, яъни вужудотда Аллоҳу таъолодин бошқа фойил йўқ турур. Бу янглиғ кишини илми тавҳидга олим дерлар. Агар афъол ва авсофнинг ҳар бири ўз мазҳари ва ғайри мазҳарида зуҳур этар вақти(да) таъаммул ва тақаллуф ва таваққуф этмай билурким, фойил Ҳақ субҳонаҳу турур, они ориф дерлар. Агар бу маънини таъаммул била билса, яъни иймоннинг қуввати била билса они мутаъарриф дерлар”.

*Раишҳа* 82. Бир кун тамсил тариқида ойтдиларким: “Кушлар ижтимоъ эттилар то ўзларини Семурғга етурсалар, ҳар бири бир узр била йўл ўртасида қолдилар. Аммо, ҳар қайсидаким, Семурғдин бир нарса бор эрди, Семурғга етушди”.

*Раишҳа* 83. Ойтур эрдилар: “Одамлар тасаввур этибдурларким, магар камол “ана-л-Ҳақ” демақда турур. Камол онда турурким, лафзи “ана”ни аввали калимадин кўтариб, ҳаргиз онинг ёдини этмағайлар”.

*Раишҳа* 84. Ойтур эрдиларким: “Асли кор бебайвандлик турур”. Бас, ойтдиларким: “Манинг олдимда ҳеч бир шеър бу рубоийдан яхшироқ эрмасдурким, Паҳлавон Маҳмуд Пирёр алайҳи-р-рахма ойтиб турур. Рубоий:

*Жоно ба қиморхонаи ринди чанданд,  
Бо мардуми иёр кам пайванданд.  
Риндий чанданду кас надомад чанданд,  
Бар насяву нақди ҳар ду олам ханданд.  
(Ёр қачонгача риндлик қиморхонасида бўлади,  
Ва қачонгача комил инсонлар билан алоқа қилмайди?  
Риндлик қанчаю ҳеч ким қанчалигини билмайди,  
Улар оламнинг нася ва нақди устидан куладилар).*

Ондин сўнг ойтдилар: “Агар киши “ло илоҳа иллаллоҳ”нинг маънисининг ҳақиқатини билса бу сўздин билурким, Паҳлавон Маҳмуднинг ҳақиқати ҳеч бир қайдга гирифтोर эрмас эркан ва тажаллийи зотийга мушарраф эркан”.

*Раишҳа* 85. Бир кун худдом ва асҳоблардин баъзини мухотаб этиб, сўзлар ойтдилар. Ва ул аснода ойтдиларким: “Ҳосил ул турурким, саъй этмак керак то кўнгил га таважжуҳи доимий Ҳақ субҳонаҳунинг жанобиға ҳосил бўлғай. Ондин сўнг имкони бор-

ким, они огоҳ этсалар бу маъниғаким, бу таважжуҳ онинг зотиға ондин турур ва ўртада онга ва ул таважжуҳ га ҳеч мадҳал йўқтурур”.

*Раиҳа* 86. Ойтур эрдиларким: “Фанойи мутлақнинг маъноси на улдуким, соҳиби фанонинг ўз авсофи ва афъолиға шуъри бўлмаса, балким онинг маъниси ул турурким, авсоф ва афъолнинг иснодини ўзидин завқ тариқи била нафй этар ва фъоили ҳақиқий жалла зикруҳуға исбот этар. У сўзким, сўфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ойтибдурлар нафйу исботга нақиз эрмас турур, бу маънида турур”.

Ва ойтдилар: “Масалан, бу жомаким, ман кийиб турурман орият турур ва манга онинг ориятлиқиға илм йўқ турур ва бу сабабдинким, ман они ўз мулким билурман, онга тааллуқим бор турур. Ногоҳ манга илм пайдо бўлди онгаким, бу жома орият турур, дарҳол манинг тааллуқим ондин мўнқатиъ бўлур. Ваҳоланким, манинг талаббусим ул жомаға бил-л-фъёл воқиъ турур. Ва жамиъи сифатни бу сўзга қиёс этмак керакдурким, ҳаммаси орият турур, то мо дунӣ Ҳақ субҳонаҳу кўнгил мунқатиъ бўлуб пок ва мутаҳҳар ойлансун”.

*Раиҳа* 87. Ойтур эрдилар: “Бизларнинг наздимизда васл ул турурким, кўнгилга Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға огоҳлик нисбати бар сабили завқ ҳосил бўлур ва онинг ғайридин зуҳули даст берур. Вақтеким, бу нисбат муттасил бўлса давоми васлға мушарраф бўлуб турур. Улчаким, бизнинг ёшликдан то альбон мўътақидимиз турур, бу турур”.

*Раиҳа* 88. Ойтур эрдилар: “Ҳақиқатда васл ул турурким, кўнгил бар сабили завқ Ҳақ субҳонаҳу била жамъ бўлса. Вақтеким, бу маъни доимий бўлса они “давоми васл” дерлар, ниҳоят шу турур. Ва ул нимарсаким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу ойтиб турурларким: “Биз ниҳоятни бидоятда дарж этурмиз”. Мурод шул турур ва ул нимарсаким, ойтиб турурлар, бизнинг вусулға восита бўлмоқимиздин бошқа зиёдилқимиз йўқ турур, биздин мунқатиъ бўлуб, мақсудға муттасил бўлмоқ шул васл турур”. Ва ойтдилар: “Агар бу нисбатга сизларнинг наздингизда қадре бўлса эрди, керак эрдиким, тошларни бошингиз устида кўтарсангизлар”. Ва ойтдилар: “Ҳар қачон сизлар манинг суҳбатимда восил бўлдингизлар, манга, ондин на турур ва Ҳақ субҳонаҳуға ондин на турур?” Ва ойтдиларким: “Куб турурким, биз халқнинг ғамидамиз ва халқ бизнинг воситамиз била шодликда турурлар. Агар чандиким, бу ширк турур киши ўзини шундоғ

улуг тутсақим, агар ул хароб бўлса олам хароб бўлур. Лекин биз на иш этурмиз, “куллу явмин хува фи шаън” бизнинг ихтиёри-миз бўлмай, бизни шундоғ улуг этибдур”.

*Раиҳа 89.* Ойтур эрдиларким: “Агар зикр бу тариқа малака бўлса-ким, кўнгил ҳамишга ҳозир бўлса ва зокир бу ҳузурда муталаззиз бўлса аброрлардин турур ва они “ҳозир маъаллоҳ” деса бўлур. Аммо, “восил маъаллоҳ” ул турурким, ҳузурнинг истиноди ондин мунтафий (йўқ) бўлуб, Ҳақ субҳонаҳуни “ҳозир бизотиҳи” билур”.

*Раиҳа 90.* Ойтур эрдилар: “Ниҳоятким, авлиё ул ниҳоятға етушур, ул турурким, олардин мушоҳада ғойиб бўлмас ё улким, мушоҳада улардин ғойиб бўлур шоҳиди ҳақиқийда ниҳояти истиғроқлари ваҳҳидин”.

*Раиҳа 91.* Ойтур эрдиларким: “Тажаллий кашф ва зуҳур турур. Ва бу маъни икки тариқа бўлур. Бирига “кашфи аёний” дерлар. Ул дори жазода бошнинг кўзи била жамоли мақсудни мушоҳада этмак турур. Иккиланчи улким, улчаким ғойиб турур касрати ҳуззор ё галабаи муҳаббат тавассути била ка-л-маҳсус ойланур. Онинг учунким, ул муҳаббатнинг ҳавосларидин турурким, ғойибни маҳсус янглиғ ойлантирур. Арбоби камолнинг дори дунёда қадамларининг ниҳояти шул турур”.

*Раиҳа 92.* Ойтур эрдиларким: “Бу ишнинг ниҳояти, ё ҳузур ё мушоҳада турурму ё фанову нистий турурму? Улчаким, баъзи ақобирнинг каломларидин фаҳм этилур, будурким, ниҳоят ҳузур ва мушоҳада бўлса, Лекин, дарвоқиб ниҳоят фано ва нистий кўринур, онинг учунким, ҳузур ва мушоҳаданинг ҳам гирифтори ғайр-ға гирифтор турур”.

*Раиҳа 93.* Ойтур эрдиларким: “Шухуднинг икки маъноси бор турур. Бири шухуди зотким, муқаддас ва муъарродур мазохирнинг либосида зоҳир бўлмоқдин. Ва яна бир шухуд улким, ул зоти муқаддасни мазохирнинг пардаси кейнидин тамоми васфидин холий ва мубарро мушоҳада этур, балким бирлигу танҳолик васфи била. Ва бу шухудни сўфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум “Шухуди аҳадият дар касрат” дерлар. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам баъсатдин сўнг бу шухудда эрдилар”.

*Раиҳа 94.* Ойтур эрдиларким: “Ажабға қолурман ул кишидин-ким, ойтиб турур:

*Мангар, ки мегуяд,*

*Бингар, ки чи мегуяд.*

(Кимнинг гапираётганига қарама.

Нима гапираётганига қара).

Керак эрдиким, мундоғ деса:

*Мангар, ки чи мегуяд.*  
(Нима гапираётганига қарама).

Яъни, қоил ва мутакаллим мазохирнинг пардасидин Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло турур”.

*Раиҳа 95.* Ойтур эрдиларким: “Ҳақ субҳонаҳу иноят этиб, сифатдин бир сифатни бандага нисбат этиб ва ул сифатларни онга мансуб қилиб ва ваъидни онга мутафарриъ ойлантирибдур. Ва банданинг камоли ондин бошқада эрмастурким, ниҳоят саъй бажо келтуруб, ўзини батамом ва бакуллия дин тариқи мустақима сулукида сарф этиб, ўзини бир жойга етурсун ва билсунким, улчаким Ҳақ субҳонаҳу онга нисбат берибдур ва ондин онинг сифатлари эрмастур дарвешлик шул турур. Лекин одамлар они дуру дароз этиб турурлар”.

*Раиҳа 96.* Бир кун азизлардан бирлари Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида сўрдиким: “Акобири сўфийа қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ойтибдурларким, вужуди Ҳақ ва ҳастийи мутлақдин бошқа вужуде мавжуд эрмастур ва мазохирнинг пардасидин зуҳур этган бир турур ва бу таҳқиқга бино қўйилса аҳли исломнинг муҳолафат ва мунозаатлари аҳли куфр била на важҳдин турур? Ҳазрати Эшон бу икки байт била жавоб бердиларким:

*Чунки берангий асири ранг шуд,  
Мусибо мусибий даржанг шуд.  
Чун ба берангий раси к-он дошти,  
Мусийу Фиръавн доранд оштий.*  
(Поклик нопокликка асир бўлгач,  
Мусо гуноҳкорлар билан жангга тушди.  
Покликка етсанг, унга етган бўласан,  
У пайтда Мусою Фиръавн ўртасида сулҳ бўлади).

*Раиҳа 97.* Ойтур эрдиларким: “Қадарнинг сиррига воқиф бўлганлар истироҳатдадурлар, яъни бу маънини билганларидин сўнгким, мажмуъ маълум турур ва мажмуъи ашённинг сувариди ул турур, осойишта бўлдилар. Ондоғким, сув анҳори жадовилдадур, баҳри муҳитнинг инбисототидин эрканини билгандин сўнг онга ўз аслиғаким, муҳит турур, етушмакка лаззат ва шавқ ҳосил бўлди ва роҳат этди”.

Байт:

*Чун бидонисти, ки зилли кисти,*

*Фориғи гар мурди-ю зисти.*

(Сен кимнинг сояси эканингни билсанг,

Хоҳ ўл, хоҳ тирик бўл, сен учун барибирдир).

Пушида қолмасунким, бу калимоти қудсия ва анфоси нафисалардин сўнгким, мазкур бўлди, қўб ҳақойиқлару маъорифи баланд ва дақойиқу латойифи аржумандлар Ҳазрати Эшондин хилоли аҳволда эшитилуб эрди, қуввати ҳофизанинг қусури ва умури монитъанинг зуҳури сабабидин ул Ҳазратнинг иборот ва истиоротларининг забти даст бермади. Аммо, баъзи абёт ва ашъорлариким, маъориф асносида латойиф шиор муборақ тилларига ўтур эрди, лавҳи замирга муртасим ва хотирнинг ойнасида мунтақиш бўлур эрди, бу турур.

*Раиҳа* 98. Вақтиким, Хожа Муҳаммад Яҳёни улви ҳимматка амр этдилар, бу мисрани ҳайбат била ўқудилар. Мисра:

*Чун палангон сўйи боло хез кун.*

(Қоплонлар каби юқорига сакровчи бўл).

*Раиҳа* 99. Вақтидаким, ўзлик ва худпарастликнинг таркига амр этилар ва бу мисрани ўқудилар. Мисра:

*Як қадам бар фарқи худ неҳ в-он дигар дар кўйи дўст.*

(Бир қадамни бошинг устига, иккинчи қадамни дўст кўчасига қўй.)

*Раиҳа* 100. Вақтидаким, сирри маъиййат баён этиб, зикри жаҳрдин манъ эттилар, бу мисрани ўқудилар. Мисра:

*Наъра камтар зан, ки наздик аст ёр.*

(Наърани кам урки, ёр яқинингдадир.)

*Раиҳа* 101. Вақтидаким, қобилиятнинг тафовутларини эттилар, бу мисрани ўқудилар. Мисра:

*Ба қадри равзана афтад ба хона нури қамар.*

(Ойнинг нури туйнукнинг миқдорига мувофиқ уйга тушади).

*Раиҳа* 102. Бу маънининг баёнидаким, ишқу муҳаббат ҳақойиқ ва маъорифнинг зуҳурига мўвжиб турур, бу байтни ўқудилар.

Байт:

*Гар ишқ набуди-ю, ғами ишқ набуди,  
Чандин сухани хўб, ки гуфти ки шинуди?*  
(Ишқ бўлмаса-ю, ишқнинг ғами бўлмаса эди,  
Шунча айтган чиройли сўзларингни ким эшитарди?)

*Раишқа* 103. Бу маънининг баёнидаким, давоми огоҳлик маълуф ва маънусотнинг таркига боғлиқ турур, ойтур эрдиларким: “Шайх Хованд Тахурнинг рисолаларидин бир рисолада турур бу байтким:

*Моро хоҳи ҳамин ҳадиси мо кун,  
Хў бо мо кун зи ғайри мо хў во кун.*  
(Бизни хоҳласанг, бизнинг ҳақимизда гапир,  
Бизга одат қил, ўзга одатдин воз кеч).

*Раишқа* 104. Вақтиким, таважжуҳ тариқиға боважҳи хос амр эттилар, бу байтни ўқудилар:

*Он дорад он нигор, ки он аст ҳар чи ҳаст,  
Онро талаб кунид ҳарифон, ки он кужост.*  
(Ўша нигор ўша нарсага эга, ўша нарса эса ҳамма нарсадир,  
Эй, дўстлар, ўша қаерда бўлса ўшани қидиринг).

*Раишқа* 105. Бу маънининг баёнидаким, робитага бўъди суварий қурби маънавийдин моний эрмастур, бу байтни ўқудилар:

*Гумон мабар, ки бирафтим, меҳрат аз дил рафт,  
Ба хоки пойи азизат, ки ҳамчунон боқист.*  
(Кетишимиз билан меҳри ҳам дилидан кетди деб ўйлама,  
Азиз хокипойинг ҳақиқий у аввалгидек доимийдир).

*Раишқа* 106. Ҳақ субҳонаҳунинг ғинойи зотийси ва онинг ҳақиқати идрокидин халқнинг ажзи баёнида ўқур эрдилар:

*Даллоли ғамаш рағбати жон боз ояд,  
Зад наъраи фарёд, ки сад жон бижуӣ.*  
(Ғамининг даллоли жон учун қайта келганда,  
Юзта жон қидир, деб наъра урди).

*Раишқа* 107. Бу маънининг баёнидаким, аҳли зоҳир ишқ ҳақиқатидин беҳабар турур, ўқудилар:

*Ишқро Бу Ҳанифа дарс нагўфт,  
Шофиъийро дар он ривоят нист.*

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

(Абу Ҳанифа ишқ дарсини айтмади,  
Шофиъийда ҳам бу ҳақда ривоят йўқ).

*Раиҳа* 108. Толибларнинг заъфи ирода баёнида бу байтни ўқудилар:

*Мағу арбоби дил рафтанду шаҳри ишқ шуд холий,  
Жаҳон нур Шамси Табризий аст кўмарде чу Мавлоно?*  
(Қалб соҳиблари кетиб, ишқ шаҳри бўшаб қолди дема,  
Жаҳон Шамси Табризга тўла, бироқ  
Мавлоно (Румий)дек мард (қани?)

*Раиҳа* 109. Бу маънининг баёнидаким, кўб одамларга бу тоифанинг илтифотлари воситаси била завқе ҳосил бўлуб, андак тарқи адаб этганлик била ул завқ қолмади, бу байтни ўқудилар:

*Бурда буди-ю додат омада буд,  
Ту каж бохти, каси чи кунад.*  
(Ютган эдингу омадинг келган эди,  
Сен эгри ютқиздинг, ўзгалар нима қилсин).

*Раиҳа* 110. Суҳбатга тарғиб этиб, узлатдин манъ этмакда ўқудиларким, байт:

*Шакар танҳо махур бо гул баромиз,  
Ки дар таркиб бошад нафъи бисёр.*  
(Шакарни ёлғиз ўзини ема, гулга қўш,  
Таркибда фойда кўп бўлади).

*Раиҳа* 111. Бу маънининг баёнидаким, сифати башарий ва муқтазиёти табиий арбоби камол ва асҳоби нуфуси қудсияга шухуддин, улчаким, мақсуд турур, моний ва мазоҳим бўлмасдур, бу китъани ўқудилар. Қитъа:

*Мусо андар дарахт оташ дид,  
Сабзтар мешуд он дарахт зи нор.  
Шаҳвату ҳирси марди соҳибдил,  
Инчунин дону инчунин ангор.*  
(Мусо дарахтда олов кўрди.  
Дарахт оловдан тобора яшнарди.  
Соҳибдил кишининг шаҳвату ҳирсини,  
Шундай деб билу шундай деб тушун).

*Раишҳа* 112. Башарият қайдидин шикоят этмакининг баёнида ойтдиларким: “Абу Бакр Қафғол Шоший алайҳи-р-рахманинг мазорлари эшигида ёзилғон кўрдим. Қитъа:

*Дони чи ҳикмат аст фарзанд аз надар,  
Миннат надорадаш ар чи диҳад рӯзу шаб ато.  
Яъни дар ин жаҳон, ки маҳалли ҳаводис аст,  
Дар меҳнати вужуд ту овардаи маро.  
(Кеча-кундуз ота фарзандга нима берса ҳам,  
Фарзанд шод бўлмайди,  
бунинг ҳикматини биласанми?)  
(Дейдики), ҳодисалар билан тўла бу дунёга,  
Вужуд меҳнати сори мени олиб келдинг!)*

*Раишҳа* 113. Вақтидаким, тариқаи робитани баён эттилар “Маснавий”дан, бу абётларни ўқудилар. Маснавий:

*Он якиро рӯйи ў шуд суйи дўст,  
В-он якиро рӯйи ў худ рӯйи уст.  
Рӯйи ҳар як менигар, медор нос,  
Бўки карди ту зи хизмат рӯшўнос.  
Дар миёни жони эшон хона гир,  
Дар фалак хона кунад бадри мунир.  
(Бирининг юзи дўст томонга юзланди,  
Бирининг юзи айнан Унинг юзи эди.  
Ҳар бирининг юзига боқу эҳтиёт қил,  
То хизматдан сен юзларни танувчи бўл.  
Қара, тўлин ой фалакдан жой олгани каби,  
Уларнинг жонларининг ичидан ўрин ол).*

*Раишҳа* 114. Бу маънининг баёнидаким, ҳукм голибға турур, ўқудилар:

*Эй биродар, ту ҳамин андешаи,  
Мо бақо ту устухону решаи.  
Гар гул аст андешаи ту гулшани,  
В-ар бувад хори ту хийма гулхани.  
(Эй, биродар, сен шундай хаёлдасанки,  
Сенинг қолдигинг суягу томирдир.  
Гул бўлса, хаёлинг гулшандир,  
Агар тикон бўлса насибанг гулхандир).*

*Раиҳа* 115. Ҳиддати назарга ва фаросатнинг нуқтасига танаб-буҳ этмак учун бу байтни ўқудилар. Байт:

*Одамий дийд асту боқий пўст аст,  
Дийд он бошад, ки дийди дўст аст.  
(Одам кўздир, бошқаси эса пўстдир,  
Дўст кўзи бўлолган кўзгина кўздир.)*

*Раиҳа* 116. Вақтиким, сирри маъиййатни баён эттилар, “Маснавий”дан бу байтларни ўқудилар. Маснавий:

*Ҳамчу нобийно мабар ҳар суй даст,  
Бо ту дар зери галим аст онча ҳаст.  
Ёри ту хуржини тўсту кисаат,  
Дар ту Ромини, мажу жуз Висаат.  
Виса Ромини ту ҳам зоти туст,  
В-ин беруниҳо ҳама офоти туст.  
(Кўр киши каби кўлингни ҳар томонга чўзма,  
Хоҳлаганинг гиламнинг остида турибди.  
Сенинг дўстинг хуржунинг билан чўнтагингдир,  
Ромин ўзингда, Висадан ўзгани қидирма.  
Вису Ромин ҳам сенинг зотингдир.  
Сенинг ташқаридалигинг сенинг офатларингдир.)*

*Раиҳа* 117. Яна ҳам сирри маъиййатнинг баёнида ва зикри жаҳрнинг маънида ўқудилар:

*Кори нодон кўтаҳ андеш аст,  
Ёд гирад каси, ки дар пеш аст.  
(Нодоннинг иши қисқа ўйлашдир,  
Киши олдинда турган нарса ҳақида ўйлаши керак.)*

*Раиҳа* 118. Касби волаву шавқ ва изтироб баёнида ўқур эрдилар. Байт:

*Об кам жу, ташнагий овар ба даст,  
Та бажўшад обат аз болову наст.  
(Сувни кам қидир, ташналикни қўлга кирит,  
Токи сувинг тепадан ҳам,*

пастдан ҳам қайнаб чиқсин.)

Яна ҳам бул маънида ўқур эрдилар. Байт:

*Ташна нахуфтид магар андаки,  
Ташна кужо, хоби гарон аз кужо?*  
(Ташна одам озгина ухлайди,  
Ташна қайда-ю мириқиб ухлаш қайда?)

*Чунки бахуфтид, ба хоб об дид,  
Ё лаби жў ёки сабу ё саққо.*  
(Ташна ухлаши билан уйқуда сувни,  
Ё ариқ лабини, ё кўзани, ё саққони кўради).

*Рашиҳа* 119. Бу тоифанинг шавқи муҳаббатлар ғалаботининг баёнида ўқудилар:

*Аз аташ гар дар қадаҳ обе хуранд,  
Дар даруни об Ҳақро нозиранд.*  
(Чанқашдан пиёлада сув ичсалар ҳам,  
Сув ичида Ҳаққа назар қилувчи бўладилар).

*Рашиҳа* 120. Бу маънининг баёнидан сўнгким, мазохирнинг либосида зоҳир бир ҳақиқат турур, бу байтларни “Маснавий”дан ўқудилар. Маснавий:

*Гар кушоям баҳси инро ман басоз,  
То саволу то жавоб ояд дароз.  
Завқи нуктаи, ишқ аз ман меравад.  
Нақшии хизмат нақшии дигар мешавад.  
Бас кунам ин зийраконро, ин бас аст,  
Бонги ду кардам агар дар даҳ кас аст.  
(Мен агар бунинг баҳсини очсам,  
Саволу жавоблар узоққа чўзилади.  
Завқ ҳам, ишқ ҳам мендан кетади.  
Хизмат режаси бошқа режага айланади.  
Бас қилдим бу зийракларга, шул ётарлидир,  
Ўн киши бўлса ҳам икки марта гапирдим.)*

**УЧЛАНЧИ МАҚСАД**

***Баъзи тасарруфоти ажиба ва умури ғарибанинг зикрида  
батариқи ҳарқи одат Ҳазрати Эшондин зоҳир бўлуб,  
удул ва сақотнинг нақллари онда сиҳҳатга етиб турур  
ва муштамилдур бул мақсад уч фаслга:***

*Аввалғи фасл* — тасарруфларининг баёнининг зикрида турур-ким, Ҳазрати Эшон қуввати қоҳира тасаллуту била салотин ва ҳуккомға нисбат(ан) ва аҳли замондин оларнинг бошқаларига ҳам муомала этибдурлар.

*Иккиланчи фасл* — ҳавориқи одот зикрида турурким, баъзи азизлар ул замондағи одамлар, авлод ва куммали асҳобдин бошқа Ҳазрати Эшондин нақл этиб турурлар.

*Учланчи фасл* — каромот ва мақомотнинг зикридаким, авлод ва куммали асҳоб ул Ҳазратдан мушоҳада этиб нақл этиб турурлар ва ҳар нақлнинг иролида ноқилнинг аҳволидин шаммае бар сабили ижмол мазкур бўлур.

**АВВАЛҒИ ФАСЛ**

***Тасарруфотларининг зикридаким, Ҳазрати Эшон қуввати  
қоҳира тасаллуту била салотин ва ҳуккомға нисбат(ан)  
ва олардин бошқа аҳли замонга нисбат(ан) ҳам  
муомала этибдурлар.***

*Раишҳа.* Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, ҳиммат иборатдур, хотирни амри воҳидға жамъ этмакдин, бар ваҷҳеки, онинг хилофи кўнгилга ўтмасун. Шундоғ ҳимматдин мурод тахаллуф этмасдур, асҳоби тажрид керакдурким, гоҳ-гоҳ имтиҳони ҳиммат этсалар. Ва маълум этсунларким, оларнинг Ҳазрати асмоияға муносабатлари қайси даражага етушгубдур ва ҳимматларига на тариқа таъсир бор турур.

Ойтур эрдиларким, йигитликнинг авойилида Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Кошғарий била Ҳирида бўлур эрдук ва ҳамроҳи сайр этиб, гоҳи кураш маъракасининг канориға келиб, қувват ва таважжуҳларимизни имтиҳон қилур эрдук. Ва ул икки кишидин бирига ҳиммат етурур эрдук то ул ғолиб бўлур эрди. Ва яна хотирни ул бирига насб етур эрдук, ул ғолиб бўлур эрди. Ва шундоғ неча мартаба иттифоқ тушди. Мақсуд ул эрдиким, маълум бўлсунким, ҳимматнинг таъсири қайси мартабаға етибдур ва ул сифатга эътимод бўлсун.

Ҳазрати Хожа Калон валади Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий, қуддиса сирруху, Ҳазрати Эшондин нақл эттиларким, (ул) ойтдилар: “Сизнинг Ҳазрати волидингиз Мавлоно Саъдуддин била кўб сайр этур эрдук ва маъракаларни атрофларини ойлонур эрдук. Вақтидаким, Бозори Маликда мавозиъ касрат ва издиҳомда қўл тутушуб юрур эрдук, кўймас эрдукким, киши ўртамиздин ўткай.

Бир кун кураш тушгувчиларнинг маъракасига бордук. Икки киши кураш тутур эрдилар. Бири бағоят жасим ва улуг ҳайкал ва бири наҳиф ва заиф ул-жусса. Ва ул жасим ул наҳифга этар эрди:

“Бизга бул наҳиф учун раҳм келди!” Хизмати Мавлоно Саъдуддинга ойтдим: “Ҳиммат етурунг ва хотир насб этинг, бўлғайким, бу заиф ғолиб келса!” Ойтдилар: “Сиз машғул бўлунг, биз ҳам мадад берурмиз!” Ул заифнинг ҳолига машғул бўлди. Бир лаҳзадин сўнг кайфияти азим ул заифда пайдо бўлди. Кўл узатиб, ул азим ҳайкал кишини ернинг юзидин кўтариб ва боши устига чиқариб, майдоннинг тупроғига отиб ташлади. Ва халқдин ғарив кўпди. Ва одамлар ул сувратдин мутаҳаййир қолдилар ва ҳеч киши бул сирга иттилоъ топмади.

Бу вақтда Мавлоно (Саъдуддин) кўзларини юмуб эрдилар. Ман оларнинг энгларини тортидим ва ойтдим: “Хотирингизга олингим, иш кифоя бўлди!”

*Рашиҳа.* Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, акобирлар ойтибп-турурлар ондоғким, Қуръонга муъораза этмак мумкин эрмастур, ҳимматга муъораза этмак ҳам мумкин эрмас. Орифнинг ҳиммати халлоқ турур, муродот ондин тахаллуф этмасдур. Ҳар киши ҳимматга муъораза этса, албатта мағлуб бўлур. Ҳатто, ойтиб турурлар, агар кофире хотирин бир амрга ҳамишга насб этса ва ҳимматини бир нимарсага кўйса, албатта, муяссар бўлур, иймон ва амали солиҳ онда шарт эрмас. Ондоғким, қулуби софияга таъсир бор турур, нуфуси шарирага ҳам таъсир бор турур.

Мавлоно Носуриддин Ўтрорийким, Мавлонозодаи Ўтрорийнинг биродари турур ва оларнинг зикри шул мақсаднинг учланчи фаслида келур, нақл этибдурким, Ҳазрати Эшон воқеаларида кўруб эрдиларким, шариат оларнинг мадади била қувват топар. Хотирини муборақларига келибдурким, бу маъно салотиннинг иънати бўлма-са муяссар бўлмас. Шул сабабдин Самарқанд тарафига келдилар, то султони вақтга мулоқот этсалар. Ва ул вақтда Мирзо Абдуллоҳ

бин Мирзо Иброҳим бин Мирзо Шоҳруҳ Самарқанд вилоятига волий эрди ва ман ул сафарда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида эрдим. Самарқанд(га) келганларидан сўнг Мирзо Абдуллоҳнинг умароларидин бири Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига келди. Онга ойтдилар: “Бу вилоятга келгондин бизнинг ғаразимиз сизнинг Мирзонгизга мулоқот этмак турур, агар сиз бу маънога боис бўлсангиз, хайри касирга мутазаммин турур!” Ул амир беадабона ойтди: “Бизнинг Мирзомиз бепарво йигит турур ва онга мулоқот этмак мутааззирдур ва дарвишларнинг бу давоъиларининг амсолари била на иши бордур!”

Ҳазрати Эшон тунд бўлуб ойтдилар: “Бизни салотиннинг ихтилотига амр этиб турурлар ва биз ўз ихтиёримиз била келганимиз йўқ турур. Агар сизнинг Мирзонгиз парво этмаса яна бирини келтуруб қўярларким парво этар!”

Вақтиким, ул Мирзо чиқиб кетди, Ҳазрат онинг одини сиёҳи била манзилнинг девориға ёздилар ва муборак оғизларининг сўйи била маҳв этдилар ва ойтдиларким: “Бизнинг муҳиммимиз бу подшоҳдин ва онинг умаросидин кифоят топмасдур!”

Ва шул куни Тошкандга мутаважжиҳ бўлдилар. Бир ҳафтадин сўнг, Абу Саъид Мирзо Туркистоннинг ақғосидан зуҳур этиб, Мирзо Абдуллоҳнинг устига келиб, они қатлга етурди.

*Мирзо Султон Абу Саъид  
Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари билан  
Мирзо Абдуллоҳга ғолиб бўлгонининг қиссаси*

Ажиллаи асҳобдин баъзилари нақл этиларким, бизлар мабодийи ҳолда Фаркатда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида эрдук. Бир кун давоту қалам талаб этдилар. Бир коғазга одамларнинг одларини ёздилар ва бу аснода ёздиларким “Султон Абу Саъид” ва ул одни дастори муборакларида қўйдилар. Ва ул замонда ҳануз Султон Абу Саъид Мирзонинг ном-нишони ҳеч жойда йўқ эрди. Маҳрамлардин баъзилар густоҳлик қилиб сўрдиларким: “Нега од ёзилди, аммо одни таъзим этиб, муборак дасторингизда қўйдингиз, ул кимнинг оди турур?” Ойтдилар: “Бир кишининг оди турурким, бизлар ва сизлар ва аҳли Тошканд ва Самарқанд ва Хуросон ҳамма онинг раияти бўлурмиз!”

Бир неча кундин сўнг Султон Абу Саъид Мирзонинг овозаси Туркистон жонибдин пайдо бўлди. Ва ул бир туш кўруб эрдиким, Ҳазрати Эшон Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруҳунинг ишо-

ратлари била онинг учун фотиҳа ўқудилар ва ул уйқуда Хожа Аҳмаддин оларнинг одларини сўруб ва ёд олиб ва сувратларини хотирада сақлаб эрди. Вақтиким, бедор бўлди, ўз одамларидин сўрабдурким: “Ҳеч азизени бу ному нишон била билурсизларму, танурмисизлар?”

Баъзиларким, андак билур эрдилар, ойтдилар: “Оре, бу янглиг азизеким, ойтурсиз, Тошкандгга юз кўйди. Вақтиким, Ҳазрати Эшон эшитдиларким, ул келур, Фаркат тарафига кетдилар. Ва ул Тошканд(ға) келиб, Ҳазрати Эшонни топмади. Тафаҳхус эткондин сўнг ойтдилар: “Ҳазрати Эшон Фаркатгга кетдилар”. Ул ердин Фаркатгга азимат этди. Вақтиким, яқин етди Ҳазрати Эшон онга истиқбол этдилар. Онинг назари Ҳазрати Эшонга тушкон ҳамон музтариб бўлди ва ойтди: “Биллоқким, олар турурлар ул азизеким, ман воқеада кўрубман!”

Бас, оларнинг оёқиға тушуб, кўб ниёзмандлиқ этди. Ва Ҳазрати Эшон онинг била гарм суҳбат этдилар ва онинг хотирини ўз тарафларига мунжазб этдилар. Ва Мирзо ул суҳбатнинг ахирида фотиҳа илтимос этди. (Ҳазрати Эшон) ойтдилар: “Фотиҳа бир бўлур!” Ондин сўнг кўб лашкар онинг атрофиға жамъ бўлди ва онга Самарқанднинг олмоқнинг доияси бўлди ва Ҳазрати Эшон (нинг) ёнларига келиб ойтди: “Хоҳларманким, Самарқанд(ға) борсам ва мулозимларининг илтифоти хотирларин умид этарман!”

Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Қайси ният била борурсиз? Агар шариятнинг тақвияси ва раиятларнинг шафқатининг нияти била бўлса борғонингиз муборак турур ва фатҳу нусрат сизнинг тарафингизда турур!” Ва ул қабул этдиким: “Шариятнинг тақвиясида жоним била кўшиш кўргузурман ва раиятнинг шафқатида саъийи балиғ этурман!” Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Эмди шариятнинг паноҳида борингким, мурод ҳосил турур!”

Баъзи асҳоб нақд этдиларким, Ҳазрати Эшон Мирзо Султон Абу Саъидгга ойтдиларким: “Вақтиким, душмангга муқобил бўлсангиз, то ақабингиздин зоғлар чўқи келмаса, сиз душмангга ҳамла этманг!”

Вақтиким, оларнинг лашкари Мирзо Абдуллоҳнинг лашкарининг баробарида турдилар, Мирзо Абдуллоҳнинг лашкари от кўйдилар ва ҳамла этиб, Мирзо Абу Саъиднинг лашкарининг ўнг тарафини кўтардилар, хоҳладиларким, яна бир тарафига ҳамла келтурсаларким, ногоҳ зоғларнинг чўқи Мирзо Абу Саъиднинг лашкарининг ақабидин пайдо бўлди. Олар ул нишонани кўруб,

кўнгилларидин қувват топиб, ҳамма бир мартаба Мирзо Абдуллоҳнинг лашкарига ҳамла урдилар. Ва аввалги ҳамлада Мирзо Абдуллоҳнинг лашкари мағлуб бўлди. Ва Мирзо Абдуллоҳнинг оти лойға ботди, дарҳол они тутдилар ва бошини танидин жудо этдилар. Ҳасан баҳодирким маман элининг аъёнидин эрди, Туркистонда бир улуг қабилла турур, нақл этдиким: “Ул лашкарким, Мирзо Султон Абу Саъид Тошканддан Самарқанд тарафига олиб борди, ман ҳамроҳ эрдим. Булунғур суйининг лабида Мирзо Абдуллоҳга муқобил бўлдилар ва саф тортдилар. Ман Султон Абу Саъиднинг яқинида эрдим, бизларнинг мажмуъи лашкаримиз етти мингга қариб эрди. Ва Мирзо Абдуллоҳнинг лашкарига кириб кўшилди. Мирзо Султон Абу Саъид бағоят музтариб бўлди ва хавф онга ғолиб бўлди. Бу маҳалда Мирзо бар сабили таажжуб ойтди: “Ҳей, Ҳасан, на кўрарсан?” Ойтдим: “Эй султоним, Ҳазрати Хожани кўрарманким, бизларнинг олдимизда юрурлар”. Мирзо ойтди: “Валлоҳким, ман ҳам оларнинг шабҳини кўрарман!” Ман ойтдим: “Эй Мирзо, эмди кўнгилгинизни қавий тутунг, душманга зафар топдуқ!”

Бу аснода манинг тилимга келдиким, “ёғий қочди” ва лашкарни ҳаммалари бу иборатни ойтиб, бирдан ҳамла этдук ва ёрим соатда Мирзо Абдуллоҳнинг лашкари шикаст топди. Ва ул қўлга тушди ва ўлтурулди. Ва шул кун Самарқанднинг фатҳи муяссар бўлди.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: “Ул замонда Мирзо Абдуллоҳким, гирифтор бўлди, ман Тошкандда мутаважжих эрдим, кўрдимким, жарри фалакдин бир оқ қўй ерга тушди, они тутдилар ва ўлтурдилар. Билдимким, ул Мирзо Абдуллоҳ турурким, шул лаҳзада ишини кифоят этдилар”.

Ондин сўнг Мирзо Султон Абу Саъид илтимос этиб, Ҳазрати Эшонни Тошканддин кўчуруб, Самарқандга келтурди.

### *Мирзо Бобурнинг Самарқанд муҳосараси учун келиб, маънос қолғонининг қиссаси*

Мирзо Бобур бин Бойсунқур бин Мирзо Шоҳрух юз минг баҳодир уруш одамлари билла Хуросондин Самарқандга мутаважжих бўлди. Мирзо Султон Абу Саъид Ҳазрати Эшоннинг ёнларига келди ва ойтди: “Бизлар онга муқовамат этмакка тоқат йўқ турур, на тадбир этурмиз?” Ҳазрати Эшон онга таскин бердилар.

Вақтиким, Мирзо Бобур дарёи Омуядин ўтди, Мирзо Абу Саъиднинг умароларидин жамъи иттифоқ этиб, яроғ тайёр этдиларким, Мирзони Туркистонга элтгайлар ва ул жойда мутахассин бўлгайлар. Теваларга юк уруб эрдиларким, Ҳазрати Эшон воқиғ бўлуб келдилар ва тевадагиларга қаҳр этдилар ва ойтдилар: “Юкларни тушуриглар!” Ва Мирзонинг ёнимга кирдилар ва ойтдилар: “На ерга борурсиз? Кетмакка ҳеч ҳожат йўқтур, иш ҳам шул ерда кифоят бўлур! Ман сизларнинг муҳимларингизни ўзимга олдим, андишга этманг ва хотирингизни жамъ тутунгим, Бобурнинг лашкари шикаст топмоғи зиммамга турур!”

Умаролар изтироб этдилар, то ғояткеким, олардин баъзилари дасторларин ерга уруб ойтдиларким: “Ҳазрати Хожа бизларнинг ҳаммамизни ўлумга бердилар!” Вақтиким, Мирзога эътиқоди содиқ бор эрди, ҳеч кишининг сўзини эшитмади ва таваққуф этди.

Мирзо Бобурнинг умароларига сўз бу эрдиким, Мирзо Султон Абу Саъиднинг бизларга муқовамат этмагига тоқати йўқ турур, албатта, вилоятни кўяр ва чиқиб кетар! Мирзо Султон Абу Саъид қалъадорлиқ оғозин ва онинг яроғин этди.

Вақтиким, Мирзо Бобур Самарқанд қалъаси атрофиға келди, онинг муқаддима лашкари Ҳалил Ҳиндука эрди, Самарқанднинг Ийдгоҳ дарвозасида турди. Шаҳардин бир оз одам чиқиб уруш этдилар, Ҳалил қўлга тушди, Мирзонинг лашкарида ондин кўб яроғлиғ киши йўқ эрди. Мирзо Бобур Самарқанднинг Кўҳна қалъасининг дарвозасиға тушди. Одамлари ҳар тарафга маъош учун борур эрдилар. Самарқанд аҳли оларни тутуб, қулоқ-бурунларини кесиб йиборур эрдилар. Мирзо Бобурнинг лашкарининг кўби қулоқ-бурунларин барбод бердилар ва лашкар халқи кўб танг бўлдилар. Неча кундин сўнг оларнинг отларининг орасиға вабойи азим тушди. Кўб от зое бўлди. Ондоғким, мурдорларнинг ёмон исидин танг бўлдилар. Охир ул-амр Мирзо Бобур Мавлоно Муҳаммад Муаммойни Ҳазрати Эшоннинг ёнларига йибориб, сулҳ талаб этди ва ёраш эшигин қоқди. Ва Мавлоно Муҳаммад Ҳазрати Эшоннинг ёнларига келиб, ҳар ердин сўз ойтиб ул аснода ойтдиким: “Бизнинг Мирзомиз бағоят ғаяр ва подшоҳи олийҳиммат турур, ҳар ерғаким мутаважжих бўлсалар олмай қайтмастурур!” Ҳазрати Эшон онинг жавобида ойтдиларким: “Агар онинг бобоси Мирзо Шоҳрухнинг (менда) ҳақлари бўлмаса эрдиким, онинг замонида факир Ҳирида бўлдим ва онинг замонининг баракатидин фароғатлиқлар ва жамъиятликлар топдим, маълум бўлур эрдиким, Мирзо Бобурнинг иши на ерга етушур эрди!”

Оқибат сулҳ мақомига келдилар ва Мирзо Бобур истидьо этдиким, Ҳазрати Хожа чиқсунлар ва бизларга сулҳ берсунлар. Вақтиким, Мирзо Султон Абу Саъидга ойтдилар, ул ишга тан бермади ва истибод этти. Хизмати Мавлоно Қосим алайҳи-р-рахманиким, Ҳазрати Эшоннинг кибор асҳобидин эрди, мусолаҳа учун чиқариб йибордилар.

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, ондин сўнг Мирзо Султон Абу Саъиддин истифсор этилдиким, на жиҳатдин ижозат бермадингизким, сулҳ учун шаҳардин чиқиб, Мирзо Бобурнинг ёнимга борсоқ? Мирзо ойтдиким: “Бобур бағоят курбуз ва чоплус ва рибоянда йигит турур. Қўрқдимким, сизнинг мулозимларингизга ногоҳ онга майл бўлмасунким, бизнинг тамоми ишимиз зое бўлур. Нечунким, мажмуъи умури дунявий ва ухравиймиз сизнинг мулозимларингизнинг инояти ва илтифотиға мавқуф турур!”

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, шундоғ эшитулдиким, вақтиким, Мирзо Бобур жамъи мулоҳаза билаким, мисли Шайхзода Пурқийём ва ғайри шайхзода, шаҳри Самарқанднинг дарвозасига келиб, ойтиб эрдиларким, бизлар сизларнинг ўғул ва қизларингиз учун келиб турурмиз! Бу сўз ваҳҳидин бизга Самарқанднинг сокинлариға раҳм келдиким, оларнинг орасида азиз ва солиҳ кишилар кўб турур, бу жиҳатдин икки-уч кун ул тоифанинг дафъиға хотир машғул этмак керак бўлди.

Ойтур эрдилар: “Мавониънинг дафъи ва дин душманларининг дафъи учун хотир сарф этмак айб бўлмастур. Анбиё алайҳимис саломларнинг ҳаммалари бовужуди баҳри тавҳидга мустағрақ бўлуб, ҳимматни бу маъниға сарф этибдурлар”.

Ойтур эрдилар: “Мирзо Бобур тасаввуфдонлик даъвосини этур эрди ва муқаддимоти тасаввуфдин онинг мажлисида хийла ўтар эрди. Шайхзодаи Пурқийёмким, мутасаввуф эрди, Мирзонинг мулозаматида бўлур эрди. Ва Мирзо Бобурнинг бу тоифаи улёға кўб эътиқоди бор эрди. Самарқанднинг Кўҳна қалъасининг орасида ёнбош ташлаб, баланд овоз ила муқаррар ойтур эрдиким, орифға ҳиммат йўқ турур, агар чандиким, биз Самарқандни олмодуқ, аммо, бу қадар маълум бўлдиким Ҳазрати Хожа ориф эрмас эрканларким, бизларни ҳиммат била хароб этдилар”.

*Раиҳа.* Ҳазрати Эшон ойтдиларким, Мирзо Бобур бу сўзнинг маъносини билмай турур, онинг учунким, ориф фаноеға мушарраф бўлуб турурким. ул ва онинг жамиъи авсофи адам ободиға кетиб турурким, ондин на ном қолиб турур ва на нишон! Ҳар нимарса ондин содир бўлса, онга мансуб эрмастур. “Ва мо рамайта

из рамайта, валокинна-л-лоҳа рама”<sup>1</sup> ояти ҳамда “Ва лам қаталуҳум, валокинна-л-лоҳа қаталуҳум”<sup>2</sup> ояти каримаси бу маънидин хабар берур. Агар мундоғ бўлмаса эрди, анбиёга нисбат мушкул бўлур эрдиким, олами куввати қоҳиранинг таслити била барҳам урдилар, мисли Нуҳ ва Ҳуд алайҳимис саломки, ўз қавмларини суву шамол била ҳалок этдилар.

*Рашха.* Ойтур эрдилар, улчаким Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу “Футуҳот”да ойтиб турурким, орифга ҳиммат йўқ турур, онинг маъниси бу турурким, мумкиннинг ҳақиқати ва зотиға назар этконда ҳеч нимарса эрмастур, улчаким авсофи камолдин онга ҳосил турур, мисли илм ва қудрат ва қувват ва иродат ҳаммаси орият турур. Ва Ҳазрати Вожиб субҳонаҳунинг ҳаққи турур. Бас, ориф ўз ҳаддини билиб, мақоми фақри ҳақиқийким, адами маҳз турур, онда бўлур, ондоғким, зотийнинг муқтазоси турур ва орияти авсофи била зоҳир бўлмас, лекин жамъиким, ҳавожис ва дасовиси нафсоний ва шайтонийдин камоли иноят маҳзи мавҳабати Илоҳий сабаби била қутулуб турурлар. Керакким, ботинларини Ҳақ субҳонаҳунинг иродаси ва мушайятига тобе ойлангирсунлар, яъни сурагидаким, бу тойифа мулҳам бўлсалар таслити ҳиммат била золимларнинг индифоъи ва ҳалокиға ва мусулмонларни ашрорларнинг шарридин халос этмакка, керакдурким, ҳимматларини масруф тутсунлар. Ва хотирларини аъдонинг дафъу рафъиға батамом насб этсунлар.

***Мирзо Султон Маҳмуд  
Самарқанд муҳосараси учун келиб,  
мағлуб ва мақхур қойтғонининг қиссаси***

Вақтиким, Султон Маҳмуд Мирзо ўз биродари Султон Аҳмад Мирзонинг муҳорабасиға таважжуҳ этиб, Самарқанднинг муҳосарасини қасд этконининг хабари Ҳазрати Эшонга етушди, бу руқъани Мирзо Султон Маҳмудга ёздилар:

“Рафъи ниёз эткондин сўнг бу фақирнинг ўз Ҳазрати мах-дум-зодасининг мулозимлариға арзадошти улким, Самарқанднинг “балдаи маҳзузаи ақобир” дебдурлар ва ёзибдурлар, Сизнинг хизматингиздин Самарқандни қасд этмак муносиб кўрунмасдур. Ҳақ субҳонаҳу бу ишга буюрғон йўқ турур ва Муҳаммад Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариятлари ҳам мундоғ эрмастур. Ўз биродарининг юзига тиг тортмоғ Сиз Ҳазратнинг мулозимларидин нечук муносибдур?! Бу фақир гояти ҳавоҳолиқидин Сизнинг хизматингизға, нисбати хизматкорлик вазифасини илгари тутуб, кўб дархост этдим, ҳалди қабулда

1 Отганингизла Сиз отмадингиз, фақат Аллоҳ отди. (Анфол. 17-оятдан.)

2 (Жангда) уларни сизлар ўлдирмадингиз, фақат Аллоҳ ўлдирди уларни.



бўлунг ва кўнглингизни қавий тутунг, ман сизнинг амрингизга му-тазаммин турурман. Агар душман мағлуб бўлмаса, мани мувоҳаза этунг”. Бас, Мирзо Султон Аҳмадни мадрасанинг ҳужраларидин бир ҳужрагаким, бир эшиги бор эрди, киргуздилар ва ўзлари бўсағада ўлтурдилар ва ойтдилар, то бир жаммозаи сарий ус-сайр ва тезравни юк уруб, неча кунлик обу озук анга юклаб келтурдилар ва ҳужранинг олдида Султон Аҳмад Мирзонинг рўбарўсида чўкардилар. Ва ойтдиларким: “Агар Мирзо Султон Маҳмуд Самарқандни олса ва ул дарвозадинким, уруш қилурлар, кириб келса, сиз бу жаммозага миниб, махсусларингиз била бошқа бир дарвозадин чиқиб қочинг!” Бу тадбир била Мирзога таскин бердилар.

Ондин сўнг Мавлоно Саййид Ҳасан, Мавлоно Қосим ва Мир Абдулавлал ва Мавлоно Жайфарниким, Ҳазрати Эшоннинг аъзоими асҳобларидин эрдилар, талаб этиб, ойтдилар: “Мирзо Султон Маҳмуд тарафидаги дарвозанинг устига тез бориб ўлтурунглар ва то онинг лашкари фазиҳат бўлмаса ва қочиб кетмасалар сизлар манинг ёнимга келманглар. Ва агар фаразан лашкар шикаст топмаса, ҳаргиз мундин сўнг сизларга манинг ёнимга йўл йўқтур!”

Ва ул тўрт азиз Ҳазрати Эшоннинг амри била мутаважжих бўлуб, дарвозанинг ўчокига чиқдилар ва мувоҳабага машғул бўлдилар.

Хизмати Мавлоно Қосим ойтдиларким, ул замонким, бизлар буржнинг устида ўлтурдук, ўзларимизни кўрмадук ва кўрдукким бизлар йўқ турумиз, ҳамма Ҳазрати Эшон турурлар. Ва ул машҳадда шундоғ мушоҳада бўлдиким ҳамаи олам Ҳазрати Эшоннинг вужуди муборақларидин тўлуб турур.

Ул азизеким, бу ҳикоятнинг но қили эрди, ойтур эрдиким, бизлар жамъи сипоҳийлар била Пули Равоннинг ул юзида <sup>1</sup> Султон Маҳмуднинг лашкари била муҳораба ва муқоталала эрдук ва ғалаба олар тарафида эрди. Ва ман ҳар замон ул азизлардинким, дарвозанинг устида эрдилар, хабар олур эрдим. Кўрдикким, мувоҳаба этиб, бошларини ошоқ солиб, мунтазир ўлтурдилар. Бу уруш то улуг чоштгоҳгача борди. Яқин эрдиким, муҳолифлар ғолиб бўлсалар ва шаҳар одамлари қўлу оёқларини йўқ этиб эрдилар, ногоҳ баякбор Дашти Қипчоқ тарафидин боди осиф кўб аниф туруб, Мирзо Султон Маҳмуднинг лашкари ва лашкаргоҳиға келиб ёпушди. Ва гирди ғубор бамасобае бўлдиким ҳеч кишига кўз очмоқ мажולי қолмади, марди маркабни, ниёда ва суворани кўтариб ерга урар эрди. Хаймаю саропорда ва хиргоҳу шомиёна<sup>2</sup>ларни ўрнидин кўтариб, ҳавога элтиб, ерга урар

1 Пули равон — юрвчи, оқувчи кубрик маъносини билдиради. Форсча “бар рўйи пули равон” сўзини таржимон “пули равоннинг ул юзида” деб таржима қилган. Бу сол бўлуб, сув юзидаги жангги билдириши мумкин.

2 Шомиёна - лугатларда учрамайди. мазмунига қараганда кечки овқатланадиган ёки ўтириладиган чолир.

эрди. Тўфони азим турди ва қаттиғ қиёмат бўлди. Бу ҳолда Мирзо Султон Маҳмуд умаролар ва тарокимадин жамъи касир била то жарри васиъ ва обқандийи улугнинг таҳида отлиғ туруб эрдиларким, ногоҳ ернинг бир улуғ бўлаги ёрилиб, ул жарнинг каноридин синиб тушди. Бағоят ҳавлноқ ва ажиб садо берди ва қариб тўрт юз марди маркабниким, онинг соясида туруб эрдилар, боякбор таҳида қолиб, ҳалок бўлдилар. Ва ул садонинг суъубатидин туркмонларнинг отлари урқуб бош бермадилар. Қавий бозу ва забардаст отлиғлар ҳар неча хоҳладилар отларининг жиловларини тортгайлар, даст бермади. Ул ораста лашкар баякбор бирдин бузулдилар ва чўқ-чўқ хазиматга юз қўйдилар. Хавфу рўъби тамом Султон Маҳмуд Мирзонинг кўнглига ва лашкарнинг кўнглиларига йўл топиб, сойир умаролари била от чопдилар ва шаҳарнинг дарвозасидин суръати тамом била қочдилар.

Ва Султон Аҳмад Мирзонинг лашкари ва шаҳарнинг етимлари ва авбошлари ва авомлари оларнинг изига тушуб, марди маркаб одамларни ва уловларни тутиб, боғлаб келтурдилар. Қариб тўрт-беш фарсах одамлар оларнинг изидин бордилар. Беҳад яроғ ва жиҳоз олдилар. Ноқил ойтур: “Ондин сўнг кўрдимким, ул азизлар буржнинг устидин ошоқға тушдилар ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига бордилар. Ва ул Ҳазрат Мирзо Султон Аҳмадни мадрасанинг ҳужрасидан чиқариб, тахти салтанатга йибордилар ва ўзлари Хожа Кафшир маҳалласига ташриф этдилар”.

### *Ҳазрати Эшоннинг бир маъракада уч подшоҳи муҳолифининг аросига сулҳ этконларининг қиссаси*

Ҳазрати Эшондин нуфуси салотинни тасхир этконларининг асарлари кўб зоҳир эрди.

Вақтиким, ўз тасарруфотларидин ҳикоят этсалар, ойтур эрдиларким: “Агар бу рўзгорда биз шайхлиқ этсак, ҳеч шайх мурид топмас эрди, лекин бизга бошқа иш буюруб турурларким, мусулмонларни заламанинг қўлидин сақлармиз, бу восита била подшоҳларга ихтилот этмак керакдур ва оларнинг нафсларини мусаххар этмак ва бу амалнинг тавассути била мусулмонларни мақсадга етурмак”.

Ойтур эрдиларким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло маҳзи инояти била қуввате каромат қилибдурким, агар хоҳласак Хитой подшоҳиниким, улув ҳиммат даъвосин қилур, шундоқ этарманким, тарки салтанат этиб, Хитойтдин оёқ ёланг хору хошокда югуруб, ўзи-

ни манинг остонамга етуруп. Аммо бу ҳамма қувват била фармони Худованд(ға) мунтазир турурман. Ҳар вақтиким, хоҳласа ва ишорати Илохий етушса вужудга келур, бу мақомга адаб лозим туруп. Адаб ул турурким, ўзини Ҳақ субҳонаҳунинг иродасига тобеъ эткай, на улким, Ҳақ субҳонаҳуни ўз иродасига тобе қилгай!

Бир кун Мотурид қарйасида мушоҳада етулдиким, Мирзо Султон Аҳмад Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келди. Узоқдин оларнинг олдида адаб била чўкка тушуб ўлтурди ва ул Ҳазрат бир тизларида ўлтуруб эрдилар ва сўзлар ойтиб, онга илтифот кўргузур эрдилар. Ва Ҳазрати Эшоннинг мажлислари ҳайбати ва даҳшатидин онинг шонасининг гўштлири ларза қилур эрди ва манглайдидин қатра-қатра тер томар эрди. Ул таъсирдин тасхирнинг асарлари бағоят возиҳ ва лойиҳ эрди.

Ва бу мақолнинг масдоқи ва бу қилу қолнинг мусаддиқи Ҳазрати Эшоннинг бир маъракада Мирзо Султон Аҳмад ва Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхонгаким, (у) Хоника била машҳур эрди, бир-бирлари била сулҳу оштий берган қиссаси туруп ва бу воқеанинг суврати бар сабили ижмол ул турурким, хизмати Мавлоно Муҳаммад Қозийким, онинг зикри учланчи фаслда келур. «Силсилат ул-орифин» да ёзибдурким, Самарқандга хабар келдиким, Мирзо Умаршайх Султон Маҳмудхонниким, хоне эрди Дашти Қипчоқ хонларидин, ўз биродари била урушмоқ учун мададга келтуруб, Шоҳрухияда бир-бирлари била муҳтамиъ бўлуб турурлар. Мирзо Султон Аҳмад ҳам уруш асбобларини муҳайё этиб, лашкари азим била Шоҳрухияга мутаважжих бўлди. Ва Ҳазрати Эшонни ҳам истидъо этиб, ўзи била ҳамроҳ олиб кетди.

Одамларнинг сўзи ул эрдиким. Мирзо Ҳазрати Эшонни илтимос этиб, сулҳ этмак учун олиб юрур. Ва Ҳазрати Эшон қирқ кун муддати Султон Аҳмаднинг лашкарида бўлдилар. Ва Оққўргонким, Шоҳрухиянинг музофотидин туруп, Мирзо Аҳмаднинг лашкари онда тушдилар. Ва Мирзонинг даъби ул эрдиким, Ҳазрати Эшонни ўзининг яқинида тушуруп эрдиким. бағоят улуғ мажмаъ эрди, ногоҳ бир киши ул Ҳазратнинг ходимлари ва мулозимлариға нисбат(ан) беадаблик этмасунлар (деб).

Ҳазрати Эшон бир кун тунд бўлдилар ва Мирзо Султон Аҳмадга ойтдилар: “Мани нечун келтурдингиз, ман уруш одами эрмасман, агар урушур бўлсангиз, мани нечун келтурдингиз, агар сулҳ этмакчи бўлсангиз, таъхир этмакнинг сабаби на туруп? Манга эмди ул мажол қолмадиким, сизнинг лашкарингизнинг аросида бўлсам!”

Мирзо Султон Аҳмад ойтдилар: “Манга на ихтиёр туруп, мажмуъи умур сизнинг мулозимларингизнинг раъйи сойибига муфав-

виз турур. Ҳар нимарсаким, мулозимларнинг савоб кўргани бўлса, бизга онинг имтисолидин чора йўқтур!”

Ҳазрати Эшон отландилар ва бир жамоа ишоратларининг мўъжиби била ҳамроҳ юридилар. Фақир ҳам мулозаматда эрдим ва бошқа маволийлар ўрдуда қолдилар. Ва ул Ҳазрат Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхон тарафига мутаважжиҳ бўлдилар. Олар ҳам хабар топдиларким, Ҳазрати Эшон мутаважжиҳ турур, то ярим йўлга истиқболга келиб, бас, ҳаммалари қўшулуб, Шоҳрухияга кетдилар. Ва ул мулоқотда Ҳазрати Эшон Султон Маҳмудхонга ҳалдан мутажовиз илтифот этдилар ва аксар авқот онга мухотабатда онга мутаважжиҳ эрдилар. Бас, сулҳ амрини муқаррар этдилар ва онинг кайфиятини бу ваҳҳда қарор бердиларким, икки лашкар бир-бирининг муқобаласида саф тортиб турсунлар ва ул икки лашкарнинг ўртасида шомийна насб этсунлар. Икки тарафдин саноглиғ одам баробар келсунлар ва салотин шомийнанинг соясида ўлтурсунлар ва Ҳазрати Эшон оларга сулҳ бериб, аҳду шарт этсунлар.

Бу сўзлардин сўнг кун кеч бўлуб, Ҳазрати Эшон мурожаат этдилар ва осори тасарруфлари Султон Маҳмудда мушоҳада этулур эрди.

Ала-с-сабоҳ Султон Аҳмад Мирзонинг лашкарининг ҳаммаси отландилар. Муқаррар бўлгон улким, жийба киймасунлар, бошқа мажмуъи силоҳларни кўтариб, Талли Қаҳқаҳа мавзеида ясол ясадилар.

Ҳазрати Эшон яна Шоҳрухия(га) келдилар, то Султон Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзони ўзлари била ҳамроҳ келтурсалар. Султон Маҳмудхон тез келди, лекин Мирзо Умаршайх қўб таанний била келур эрди. Ҳазрати Эшон фақирни Мирзо Султон Аҳмадга йибордиларким, арз этг илким, Мирзо Умаршайх таанний била келур, сиз ҳам омода бўлунг, бизга эътиқод этиб ондоғ бўлмангким, эҳтиёт этмаган бўлурсизким, Ҳазрати пайгамбар саллаллоху алайҳи васаллам ойтиб турурлар: “Иъкал ва таваккал”.

Мисраъ:

*Бо таваккул зонуйи уштур бибанд.*

(Туяни аввал тушовла, сўнг таваккул қил!)<sup>1</sup>

Фақир Мирзонинг ёнимга бордим ва арз этдим. Олар ҳам ўз лашкарининг забтига қўброқ парво этди. Ва қўб замондин сўнг лашкарларнинг ҳаммаси бир-бирларининг муқобаласида саф чекдилар. Жийбадин бошқа мажмуън силоҳни ўзларига рост этиб эр-

---

<sup>1</sup> Ҳадисе гаржимаси: Аввал (уловинини) тушовла, сўнг (Аллоҳга) таваккул қил!

дилар. Ва Ҳазрати Эшон ўз асҳоблари ва маволийлари била ул икки лашкарнинг ўртасида эрдилар ва шомийёна насб этмакда кўб гуфту шунуд воқе бўлур эрди. Ҳар тоифа ойтур эрдиким, ул тараффа яқин турур. Бу низо татвилға анжом топди, токим Ҳазрати Эшон пешин намозининг таҳоратини ул икки лашкарнинг ўртасида этдилар. Ондин сўнг фақирга ойтдиларким: “Султон Аҳмад Мирзонинг ёнимға бориб ойтғил, ман бир киши турурман ва қарилик заъфи ҳам манга етушубдур, сизларнинг мажмуъи олоти ҳарбларингизни орқамға кўтарибман, сизлар бир-бирларингиз била урушмағайсиз, деб. Қувватнинг ниҳояти шул бўлур, эмди тоқат қолмади, агар бизга эътиқодингиз бўлса кўйунг, то шомийёнани ҳар ерда хоҳласалар кўйсунлар!”

Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг пайғомларини етурдим, Мирзо Султон Аҳмад ойтдиким: “Кўйунг, то ҳар ерниким ул одамлар хоҳласалар шомийёнани курсунларким, манинг эътиқодим Ҳазрати Эшондин бошқага эрмастур!”

Шомийёнани жойи муаййанда қурдилар. Мирзо Султон Аҳмад ўз ҳавосларидин миқдори муаййан бўлгон жамъи била келиб, шомийёнада ўлтурдилар. Ондин сўнг Ҳазрати Эшон бордилар. Султон Маҳмудхон Мирзо Умаршайхни келтурдилар. Олар ҳам Мирзо Султон Аҳмаднинг одамлариға баробар муайян жамъи била келдилар. Вақтиким, шомийёнаға яқин етдилар, ондин тушдилар. Мирзо Султон Аҳмад ҳавослари била олдилариға чиқди. Ҳазрати Эшон аввал Султон Маҳмудхонни илгари келтуруб, Мирзо Султон Аҳмад била кўруштурдилар ва олар бир-бирларини канорлариға олдилар. Ондин сўнг Мирзо Умаршайхни илгари келтурдилар ва Мирзо Умаршайх биродарининг қўлин юзиға суртуб йиғлади ва Мирзо Султон Аҳмадким, улуғ биродари эрди, онинг бўйнин ўпар эрди ва иккилари ҳам йиғладилар. Бу ҳолнинг мушоҳадасидин ҳаммаға йиғламоқ муставлий бўлди. Ул мажмуъининг аросида ажаб шўру шаъб пайдо бўлди, ондин сўнг шомийёнада ўлтурдилар. Шундоғ ҳайбатлиғ Мажлис эрдиким, фақир ғояти даҳшатдин дастурхонни терс ташладим.

Ва ул икки лашкар отлиғ эгарнинг устида мунтазир туруб эрдиларким, агар суврате воқе бўлса бирдин тўкулуб, бир-бирлариға ёпушғайлар.

Моҳазар келтурдук. Вақтиким, таомдин фориғ бўлдилар, аҳд этдилар ва ўрталарида сулҳ воқе бўлди. Ҳазрати Эшон Тошкандни Султон Аҳмад Мирзодин Султон Маҳмудхон учун олдилар ва аҳдногани фақир ёздим. Фотиҳа ўқуб. ўрунларидин турдилар.

Бу ҳуруфнинг роқими баъзи маҳодимдин эшитдиким, ул замондаким, Ҳазрати Эшон ул уч подшоҳни шомиёнанинг тагида ҳамроҳ ўлтургуздилр, ул Ҳазратнинг асҳобларидин бирлари ул маъракада лаҳзаи ўзидин гойиб бўлди, ул ҳолда онга шундоғ кашф бўлдиким майдоне турур васиъ ва ул майдоннинг ўртасида уч бухти<sup>1</sup> теваи мастким, оғизларини очиб, бир-бирларига қасд этмакчи турурлар ва хоҳларким, бир-бирларига оғиз уруб, гўштарини узуб ташласалар. Ва Ҳазрати Эшон ул майдонда турубдурлар ва ул уч маст теваининг нўхтасини қўлларига ўраб ва маҳкам туруб, қўймасларким, бир-бирига дахл этсалар.

Ва Мавлоно Муҳаммад ёзиб турурларким, хосу омдин ҳама олам халқи Ҳазрати Эшоннинг бу тасарруфларидан мутаҳаййир ва мадҳуш бўлдилар. Яқдил ва яқзабон бўлуб, ойтур эрдиларким, валоятнинг қуввати ва камоли тасарруфи шул бўлурким, Ҳазрати Эшондин зухурға келди ва юз минг уруш одами ул эътиқодда эрдиларким, агар бири яна бирининг қўлига тушса ҳалок этгайлар эрди. Ҳазрати Эшоннинг қадами шарифларига ва нафаси муборақларининг баракатидан бир соатда ул низо ва хусумат ва кудуратларнинг ҳаммаси кўнгиллардин чиқиб, бар ваҷҳе бўлдиким ҳеч бир кўнгилда ул сифатлардин асар қолмади ва бу амри азимнинг мушоҳадаси Ҳазрати Эшонга нисбат(ан) ҳамманинг яқиниға сабаб бўлди ва ондин сўнг бу мусолаҳа воқе бўлди.

Ҳазрати Эшон Султон Маҳмудхонга муқаррар этдиларким, то Тошканд боринг, биз ҳам бошқа йўлдин борурмиз. Ва ул уч лашкарнинг орасидин чиқиб, Мулкатға мутаважжиҳ бўлдилар. Ул йўлнинг асносида фақирға қараб ойтдилар: “Бизнинг бу ишларимизға не дерсан? Ва бу воқеани дафтарға ёзса бўлур!”

Хизмати Мавлоно Нажмуддин алайҳи-р-рахмаким, азизе эрди Ҳазрати Эшоннинг коргар ходимларидин ва аксари авқот амри тижоратға қиём кўргузур эрди ва кўб дастмояға иш буюрур эрди, ул ҳикоят этдиким, бир мартаба жамъи касир била Тарфон дигериға мутаважжиҳ бўлдукким, Хитой вилояти сарҳадида бир шаҳар эрди ва гузаримиз қалмоқ тоифасига эрди. Ногоҳ оларнинг диловарларидин бир гуруҳ отлиғ қариб юз марди жаррор, ҳаммаси жийба кийғон ва силоҳ боғлагон, бизларнинг йўлимизни тутдилар. Карвон одамлари ул гуруҳни кўруб, қўлу оёқларини йўқ қилдилар, забунлуқға тан бериб, ўлмак ва асир бўлмоқға кўнгил қўйдилар. Бу маҳалда менинг хотиримға келдиким, муҳорабадин

---

1. Бухти - гўя дегани.

қўл сақламоқ ва Ҳазрати Эшоннинг дастмояларини қутгоъи тариққа бермак ихлосу иродат шевазидин, футувват ва мардоналик тариқасидин кўб узоқ турур. Ҳеч нимарса ондин яхши эрмасдурким, ул Ҳазратнинг молларининг устида қатлга етсам, дунё ва охиратнинг обрўйиға мужиб турур! Бу андишгадин сўнг Ҳазрати Эшонга таважжуҳ этдим ва қилични ғилофидин чиқардим. Ондин сўнг ўзимни кўрмадим, кўрдимким, ҳамма Ҳазрати Эшон турурлар. Бу миқдор билурманким, манда ва отимда кайфияти ғариб ва қуввати азим пайдо бўлди, беҳуд бўлиб ул тоифаға чопдим ва тиф тортур эрдим, душманларнинг бошларини ва қўлларини кесиб ташлар эрдим. Иш жойеға етушдиким, ул гуруҳ қарвонларни қўйуб, қочмоққа юз қўйдилар. Қарвон халқи манинг бу журъатимдин ва шужоатимдин мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлдилар. Ва манинг тахаййури ва таажжубим олардин зиёда эрди. Нечунким, ҳаргиз манга бу сувратнинг мисли даст берган йўқ эрди. Яқин билдимким, ул тасарруф Ҳазрати Эшондин эрдиким, мандин ҳавл ва қувват бўлмади, зоҳир бўлди.

Вақтиким, ул сафардин мурожаат этдим ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, ул сўзлари бу эрдиким, ҳар ожизға душмани қавий била иш тушса сидқ ва яқини томм била ўз ҳавл ва қувватидин чиқса, ҳар оина даргоҳи вожибдин ҳавл ва қуввати била муаййид бўлурким, ул ҳавл ва қувват била дини миллатнинг аъдолариға ғалаба эта билса бўлур.

Хожа Мустафо Румий тожире эрди Ҳазрати Эшоннинг қорғар одамларидин. Бир кун Бухородин Самарқандға мутаважжиҳ бўлуб эрди ва Шаҳрисабз йўлидин кетиб, ул ерда Мирак Ҳасангаким, Мирзо Султон Аҳмаднинг девони эрди, мулоқот этиб турур. Ва Мирак Ҳасан ойтиб турурким: “Хожа Мустафо, сан содалавҳ ва бетакаллуф одам турурсан, сўзим бор. Ҳазрати Хожанинг арзлариға етура билурмисан?” Ул ойтибдур: “Бале, етура билурман!”

Асҳобларнинг аиззаларидин бири нақл этдиким, ман Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида ҳозир эрдимким, Хожа Мустафо Румий Шаҳрисабз тарафидин келиб, Ҳазрати Эшонга арз эттиким: “Мирак Ҳасан девон бир сўз ойтди ва муболаға эттиким, бу сўзни Ҳазрати Эшонга етургил!” Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Ойтгил”. Ойтди: “Мирак Ҳасан ойтурким, Мирзо Султон Аҳмадға бир андак жой қолиб турур ва Ҳазрати Хожа иноят этиб они ҳам олсунлар ва бизларни халос этсунлар!” Мужаррад бу сўзни эшитмак била Ҳазрати Эшонда тағйири азим пайдо бўлуб, ғазаб муставлий бўлди. Ондоғким, Ҳазрати Эшоннинг муборак маҳосинларининг мўйла-

ри рост турди ва муборак қўлларини қўлларига уруб ойтдиларким: “Ул ит манга саллохлик буюрур!”. Фояти тағайиур ва ғазабдин дарҳол ўринларидин туруб, ҳарамга кетдилар ва ходимларким, ҳозир эрдилар, Хожа Мустафони ул пайғомни келтурганига маломат этдилар.

Ўн тўрт кун ўтгандин сўнг Мирак Ҳасанга воқеаи рўй бердиким, Султон Аҳмад онга ғазаб этиб, буюрдиким, они тириклик ҳолида терисидин чиқардилар.

Бир мартаба Ҳазрати Эшон Қаршига борур эрдилар. Арабе Қаро Аҳмад отлиғким, Ҳазрати Эшон теваларини онга топшуруб ва тевалар онинг қўлида бўлур эрди, йўлда Ҳазрати Эшонга етушуб, кўб тазаллум этиб йиғладиким, манга арабнинг доруғаси Саййид Аҳмад сорт кўб изо ва заҳмат берди. Ҳазрати Эшон онинг кўнглининг дардидин мутағайиур ва мутаассир бўлдилар, аммо ҳеч нимарса демадилар.

Вақтиким, Самарқандга қайтдилар, Кўчаи Маликда Саййид Аҳмад сорт жамъи умаролар била Ҳазрати Эшоннинг истиқболига келдилар. Мулоқот этганларидин сўнг ҳикоятга машғул бўлуб, айта-айта тунд бўлуб, Саййид Аҳмадга қараб ойтдиларким: “Сан манинг одамларимни лат этиб, изо берибдурсан, боре яқин билким, ман ҳам лат этмак тариқин яхши билурман, ул кундин кўрқилким, биз ҳам санга нисбат(ан) бу тариқ била муомала қилурмиз!” Тундлик била оларга ижозат бердилар.

Намози дигар вақти бўлуб эрди, намоз ўқудилар ва то кечгача киши била сўзлашмадилар ва ҳеч кишига ул мажол йўқ эрдиким, оларга сўз десалар. Ул ҳафтада Саййид Аҳмад сорт касал бўлди ва марази иштидод топиб, Мирзо Султон Аҳмаднинг ёнига киши йибордиким, манинг маразимнинг сабаби Ҳазрати Эшон турур ва мандин оларнинг баъзи ходимлариға нисбат(ан) беадаблик содир бўлгон жиҳатидин манга ғазаб этдилар ва Мирзо карам қилиб, мани Ҳазрати Эшондин тиласунлар”.

Мир Дарвиш Аминким, Мирзонинг муқаррабларидин ва Ҳазрати Эшоннинг мухлисларидан эрди, неча навбат Мирзонинг ёнидин пайғом етуруб, истидъо илтифот этди ва онинг тарафидин истиғфор оутди, Ҳазрати Эшон тағофул этдилар ва аслан илтифот этмадилар. Ва Мирзо ибром ва илжожни ҳаддин ўткариб ойтдиким: “Саййид Аҳмад бизга даркор киши турур, албатта. иноят этиб ва онинг журмидан ўгуб афв этсунлар!”.

Вақтиким, муболаға ҳаддин ўтди, Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Ажаб иш турурким, Мирзо Саййид Аҳмад ўлукни мандин ти-

лар, ман Исо мужаррад эрмасманким, ўлукни тиргузсам!” Ондин сўнг ойтдиларким: “Вақтиким, Мирзонинг хотири бу ишни хоҳласа, биз они иёдат қилурмиз”.

Отландилар. Вақтиким, Аркнинг дарвозасига етушдилар, Саййид Аҳмаднинг тобути олдиларидин чиқди. Шул ердин қайтдилар.

Нақл этиб турурларким, Мирзо Султон Аҳмад Ҳазрати Эшоннинг илтимослари била Самарқанднинг тамғосини <sup>1</sup> ўтуб эрди. Неча муддатидин сўнг яна тамғочилардин жамъиким, айёми собиқда ул мамаррдин фойдалар кўруб эрдилар, илтифот этиб, тамғони вазъ этмак мақомида бўлдилар. Ва олар ўн киши эрдиларким, ҳийлаи макр била Мирзога бози бериб ва умароларга ришвалар ваъда этиб, Мирзони онга қойил этдиларким, ул бидъатни таждид этсалар.

Бу хабар Ҳазрати Эшонга етушди, тунд бўлиб ойтдиларким: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин неча муддатилар жалтодлик этдилар, биз ҳам оларнинг шогирдларидин турурмиз, кўрармиз, то кимга сарфа этар эркан!”

Баъзи маҳрамлар шул замон Ҳазрати Эшоннинг мажлисларидин ул сўзни Мирзо Султон Аҳмаднинг арзига етурдилар. Султон Аҳмад қўрқуб, ул доияни хотиридин чиқорди ва шул кунда бу хабар ул ўн икки тамғочининг бирига етушди, зийрак киши эрди, дарҳол ниятидин қойтиб, ул амалдин тавба этиб, Ҳақ субҳонаҳуға ружуъ этди. Ва ул кечада бир тан ул тамғочилардин ўлди ва сабоҳ ул тамғочиларнинг тавба этконидин бошқа ўн бир тобут шаҳардин олиб чиқдилар.

Шайх Абу Саъид Обрезким, онинг зикри “Мақсади Аввалда” да ўтуб эрди, нақл этиб турурким, бир мартаба Ҳазрати Эшон мабодийи ҳолда ва унфувони шабобда бизларнинг ёнимизга келиб эрдилар. Бизлар ҳамма фарзандларимиз ва мутааллиқларимиз била Ҳазрати Эшоннинг хизматлариға машғул бўллуқ ва олардин аҳволи шуграф ва осори жазаботни мушоҳада этдук. Ва ул аҳвол ва осорларнинг мулоҳазаси бизларнинг ақидамизнинг издиёдиға мўжиб бўлди.

Иттифоқо, бир кун улуғ биродарим йеглаб эшикдин кирдиким, миробнинг ўртончи ўғли манга кўб изо берди ва зажрни ҳаддин ўткарди. Бу аснода бизларнинг волидамиз изтироби тамом ва тазарруъ ва ибтиҳоли беҳад била Ҳазрати Эшондин илтимос этдиким, фарзандим учун хотир машғуллик қилингим, мироб-

1. Бу ерда хирож ва солиқ назарда тутилмоқда

нинг ул ўғли бағоят фосиқ ва золим киши турур ва кўб фақирлар ондин мутаазаррир турурлар. Шундоғ маълум бўлдимки, Ҳазрати Эшон ул заифа изтироби ва изтироридан мутаассир бўлдилар. Намози дигар вақти эрди, дарҳол намозга турдилар. Вақтиким, намозни ўқудилар, ойтдиларким: “Бу ит намозимизга ташвиш берди, онинг ишини кифоят этдик!”

Андак фурсатдин сўнг ул шахс бир киши била низо этиб эрди, адаби балиғ этдилар. Вақтиким, биз фақирлар абан ан-жаддин Ҳазрати Эшоннинг ва ул Ҳазратнинг обову аждодларининг муридлари ва мухлисларидин эрдук бизларнинг манзилларимиз га кўб келур эрдилар.

Яна бир мартабаким, келиб эрдилар, волидамиз оларнинг арзларига етурдиким: “Сизнинг ҳиммати олийингизнинг юмни била душманимиз адаби бали топди!” Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Улчаким, биз ойтдуқким, онинг ишини кифоят этду к бу эрмастур, ул ҳануз онинг олдида турур!” Бир неча кундин сўнг ҳокимнинг ҳукми била от қуйруқига боғлаб ҳалок этдилар. Ондин сўнг пора-пора бўлгон жасадни жамъ этиб, ўтга ёқдилар.

Ҳазрати Эшоннинг мухлисларидин бир азиз нақл этдиким, бир кун арбоби сарватдин одамким, манинг била онинг орасида сабиқае бор эрди, мани уйига олиб борди. Йўлда Ҳазрати Эшоннинг гийбатига машғул бўлди ва онда муболаға этди. Ман бағоят мутааллим ва мутаассир бўлдим. Қайтмоққа ҳам мажол йўқ эрдиким, мани ибромни била зўрдин тамом олиб борур эрди. Вақтиким, онинг манзилида ўлтгурдим, таом келтурди, кароҳат била қўл узатдим ва ул наҳори эта билмади, шул замон тамоқига чиш ориз бўлиб эрди. Ҳар лаҳза нола қилур эрди, то иш жоға етушдиким, мутлақо бир нимарса тамоқдин ўтмади. Шул маразда бир ҳафтадин сўнг ҳалок бўлди.

Ҳазрати Эшоннинг ибтидои зуҳурларида Шайхзода Илёс Ишқий деган Самарқанд вилоятида жамъенинг шайхи ва муқтадоси эрди. Кўҳи Нурким, Самарқанднинг навоҳийсидин турур, онда лангаре бор эрди ва зикри жаҳр этур эрди. Ва ул Шайх Худойқулнинг набираси эрди ва ул Шайх Абулҳасан Ишқийнинг фарзанди эрдиким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг замонида силсилаи халавиянинг шайхи ва сарҳалқаси эрди.

Бир кун Ҳазрати Эшон саҳродин ўтиб борурларида кўрдиларким, деҳқонлардин бор жамоа хирмон отурлар. Сўрдиларким, бу кимнинг хирмони турур? Ойтдилар: “Шайхзода Илёснинг хирмони турур!” Ҳазрати Эшон отдин тушуб, ёвани олиб, бироз сомони донасидин жудо этдилар. Ондин сўнг отланиб кетдилар. Бу

хабар Шайхзодаға етушди. Бағоят мутаассир ва мугағаййир бўлиб ойтдиким: “Хожа манинг хирмонимни шамолга бериб турур!” Ва ул аснода ондин беадаблик содир бўлиб, силсиласи бузулбдур.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад Қози ёзиб турурким: “Мавлоно Шайх Муҳаммад Кеший Шайхзода Илёсга мугаарриз эрди, ул жиҳатдинким, Шайхзода зикри жаҳр этур эрди. Оларнинг орасида сўз дуру дароз бўлди. Кеш вилоятининг туркларидин жамъиким, Шайхзодаға мурид эрди, Мавлоно Шайх Муҳаммадга мақоми хусуматда бўлдилар. Ва ул ваҳм бўлдиким Мавлоно Муҳаммадни зое этсалар, Ҳазрати Эшон ул жиҳатдинким, ногоҳ Мавлоно Муҳаммадга турклардин зарар етмасин деб, филжумла, Мавлоно Муҳаммадга изҳори майл этдилар. Фараз мундин бошқа эрмас эрдиким, Мавлоно Муҳаммадга зарар етмасун. Жамъи бу маънини Шайхзодаға бошқа тариқада етуруб турурлар ва шундоғ фаҳм этибдурларким, магар Ҳазрати Эшоннинг хотирларида Шайхзода тарафидин ниқор бор турур ва Шайхзода бетааммуллик этиб, Амир Дарвиш Муҳаммад Тархонга китобате ёзиб бериб ва Ҳазрати Эшонга тааррузотлар этди ва ойтди: “Дини миллатга на суствлиқ келдиким, одамиким, онинг байъу шароси ва деҳқончилик ва зироати шариат қонуниға рост эрмастур, сизларнинг ботинингизда онга мунча эътибор ва ихлос бор турур ва сизларда онинг сўзига мунча нафоз бордур?”

Ул ваҳдинким, Амир Дарвиш Муҳаммаднинг Ҳазрати Эшоннинг мулозимларига ақидаси бор эрди, ул китобатни пинҳон эта билмай, Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға кетурди. Бир кун бу фақир Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида эрдим, ойтдилар: “Шайх Илёснинг китобатини кўрдингмуким, бизга нисбат(ан) на ёзиб турур?” Ва улчаким ёзиб эрди, ҳаммасини ойтдилар ва сўз орасида тунд бўлдилар ва ойтдилар: “Эй, Шайхзодаи фақир, ул кундинким ман зоҳир бўлубман, неча шайхлар ва мавлонолар манинг оёқимнинг тагида мўрча янглиғ ўлдиларким, онинг ҳисобини Худой билур, бу фақир Шайхзода на сўз дер, ул шариат билур эрмиш ва биз билмас эрканмиз!” Андак фурсатда Шайхнинг лангарига вабо тушди, баъзи фарзандлари ва одамлари онинг олдида ўлдилар. Ва Шайхзоданинг ўзи ҳаммасининг изидан вафот топди.

Қозийи Абу Мансур Тошкандийдин манқул турурким, ойтди: “Ҳазрати Эшоннинг мабодийи зуҳурларида Тошкандда қуб ма-шойихлар бор эрдиким, халқни иршод этур эрдилар ва кам-кам ҳаммалари несту нобуд бўлдилар, ул ваҳдинким, Ҳазрати Эшонга нисбат(ан) ҳасал ва инод варзиш қилур эрдилар. Вақтиким, Ҳазра-

ти Эшон Богистондин нияти иқомат этиб, Тошканд(га) келдилар ва оғози тасарруф этдилар, Тошкандда шайхе бор эрдиким, ул диёрни муқтадоси эрди ва олим эрди улуми зоҳирийга, улуми сўфияга ва қўб муридлари бор эрди. Ондоғким, асҳобларидин эллик кишига иршоднинг ижозатини бериб эрди. Вақтиким, Ҳазрати Эшон мустаъидларни жазб этмакка машғул бўлдилар, ғайрат қилиб, бир кун Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келди, бу қасд билаким, таарруз ва тасарруф этиб, даст-бурдлик кўргузса! Вақтиким, Ҳазрати Эшонга мутаважжиҳ бўлди, кўзларини ул Ҳазратга тикди ва ҳамма ҳиммати била ул мақомда бўлдиким Ҳазрати Эшонга боре ҳавола этгай. Ва ул Ҳазрат ҳам онинг таважжуҳи дафъига машғул бўлди. Ва бир соатдан сўнг муборак бошларини кўтариб ва ўнг қўлларини остинларидин чиқариб ва муншақаларини ёнларида кўюб эрдилар, кўтариб, онинг юзига урдилар ва ойтдилар: “На деб суҳбат тутарман девонаи маслуб ул-ақл билаким, онинг хотирида ҳеч маълум қолгон йўқ турур!”

Бас, ўринларидин туруб равон бўлдилар. Вақтиким, Ҳазрати Эшон бу амални этдилар ва равон бўлуб бу сўзни ойтдилар, Шайх наъра урди ва беҳуш бўлуб йиқилди. Бир замондин сўнг ўзига келди ва суръат била туриб, Ҳазрати Эшоннинг манзилларидин чиқиб кетди. Ва онинг димогида савдо ташвиши пайдо бўлди ва сўнгги кун онинг маълумотлари батамом ёдидин чиқиб, фаромуш бўлди ва шундоғ зое ва абтар бўлдиким бозорларда ялонғоч сайр этур эрди. Ва ўз баданининг муҳофазати ва тадбирига муҳтад бўлмади. Гоҳиким, йўлда Ҳазрати Эшонни кўрар эрди, неча кўча изларида югуриб, асло илтифотлариға фойиз бўлмас эрди.

Хожа Мавлоно валади Хожа Исомиддинким, Самарқанднинг шайх ул-исломи эрди, доимо Ҳазрати Эшоннинг ғийбатларини этиб ва доимо ул Ҳазратга туҳмат этмак ва иҳонат етурмак мақомида эрди. Бир кун хилватда ўз ҳавослариға Ҳазрати Эшондин паришон сўзлар ойтур эрди. Оларнинг бири ойтди: “Агар Ҳазрати Хожа валий бўлмасалар ҳам соҳибдавлат турурлар, нечун мунча муболаға этурсиз!” Хожа Мавлоно ойтиб турурлар: “Рост ойтурсизлар, ман ҳам билурман, аммо на қилайинким қўймай турур, жоҳ ва раёсат муқтадоси била бу амрда беихтиёр турурман!”

Мавлоно Муҳаммад Қозий ёзиб турурким, Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: “Мирзо Султон Абу Саъиднинг хабари фавти етушкондин сўни йўлда Хожа Мавлоно олдимиздин чиқиб, бизлар тарафга қарамай ойтди: “Хожа, Салом алайка”. Мутлақо таваққуф этмади ва отини тез ҳайдади, ваҳоланким, бу хабарни

куннинг аввалида йўлда эшитиб эрдук ярим фарсах бизлар била ҳамроҳ келди, ташвиш била они қайтордук. Бир кун маълум бўлди-ким бир ишнинг фикрида турур. Неча кундин сўнг зоҳир бўлди-ким Хожа Мавлоно умаролар била иттифоқ этибдурларким, мундин сўнг бизнинг уйимизга келмасалар ва сўзимизни эшитмасалар ва эътибор ҳам этмасалар.

Ва ойтибдурларким: “Ман фатво берурман, Ҳазрати Хожанинг тамоми молларини олсангизлар бўлур!” Бу иттифоқда Мир Абдул Али Тархон ҳозир эрмас эркан, ахийри мажлисда келибдур. Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ойтдиким: “Бизлар иттифоқ этдукким, сиз ҳозир эрмас эрдингиз, керакким, сиз ҳам муттафиқ бўлсангиз”. Мир Абдул Али ойтдиким: “Ман жамъи умурда сизларга тобеъ турурман, сизлар улуғ биродар турурсизлар, ҳар нимарсага иттифоқ этсангизлар ман ҳам ул иттифоқда турурман”. Ондин сўнг сўрабдурким: “Сизлар қайси амрда иттифоқ этиб турурсизлар?” Амир Дарвиш Муҳаммад Хожа Мавлонининг эткон тадбирининг қиссасини ва умаролари онинг била иттифоқларини онга шарҳ этди. Мир Абдул Али бошини ошоқ солиб, тааммул этиб, бир замондин сўнг бош кўтариб ойтдиким: “Сизлар бу амрда галат этибсизлар, онини учунким, бир азиз сизнинг эътиборингиз била мўътабар бўлгон эрмастур, балким, мўътабари ҳақиқийким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло турур, онинг эътибори била мўътабар бўлгон турур, эртанг они зарби силлиси била ҳаммамиз паст бўлурмиз, хижолат ва шармандаликдин бошқа нимарса қолмасдур. Билинларким, бу амрда сизларга муттафиқ эрмасман ва бу мухолафатдин ҳар макруҳекиим, манга етса қабул этарман!”

Хизмати Муҳаммад Али Аррон ойтур эрдиким: “Хожа Мавлоно умаролар била иттифоқ эткондин сўнг они кўрмакка бордим. Ойтди: “Яхши келдингизким, ул шайхи рустойини кўрмакка борурмиз, кўрунгим, ман бугун на ишлар қилурман!” Мавлоно Али ойтдиларким: “Ҳазрати Эшонга таъзим ва эътимодим бор эрди, онинг бу сўзидин кўб мутааллим бўлдим, ҳар неча сайй этдимким, манга ижозат берса, бермади ва ойтди: “Улчаким, этмак керакдур, сизнинг хузурингизда этсам!” Керакдур бу сўздин яқин эрдиким ўздин кетсам, аммо ҳамроҳ бўлмоқдин чора йўқ эрди. Ул кун Ҳазрати Хожа (Аҳрор) Мотуридада эрдилар, Мотуридага мутаважжиҳ бўлди ва ман заруратдин ҳамроҳ бўлдим. Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин тазарруъ ва ибтиҳоли гамом била талаб қилур эрдимким, ул беадабликлариким, Ҳазрати Эшонга

нисбат(ан) онинг кўнглида бордур, кўрмагайман ва эшитмагайман. Вақтиким, Мотуридга келдук. Ҳазрати Эшон гунбазликларда ўлтурғон эрканлар, истиқбол этдилар. Вақтиким, ўлтурдик Ҳазрати Хожа (Аҳрор) моҳазар учун уйга кетдилар ва моҳазар чиқариб, ўз муборак қўллари била Хожа Мавлононинг олдига қўйдилар. Вақтиким, таомга машғул бўлдилар, хоҳладиким, Ҳазрати Эшонга нисбат(ан) бир нимарса деса, лабу даҳонин ялаб эрдиким, ногоҳ бир киши таъжил била келдиким, Мирзо ва умаролар келурлар, ваҳоланким, ўзи ул одамлар била аҳд этиб ва қарор бериб эрдиким, мундин сўнг Ҳазрати Хожа (Аҳрор)нинг уйларига бормағайлар, олар на билсунким, ул на иш учун ул Ҳазратнинг ёнларига келибдур. Бу суратдин бағоят мушавваш бўлди.

Вақтиким, Ҳазрати Эшон Мирзонинг ва умароларнинг истиқболига чиқдилар, Хожа Мавлоно ва бу фақир ўзларимизни девордин жамъенинг мадади била деворнинг ул юзига ташладук то Мирзо ва умаро бизларни кўрмасунлар ва ман бу ҳолда Худога шукр этиб, ойтур эрдимким, боре онинг газофларини эшитмадим. Икки қари сақолларимиз ва жомаларимиз хоколуд бўлғон деворни тагида ўлтурдук то отларимизни келтурдилар. (Мавлоно) зоиб ва хосир отланди ва ман ҳам отландим ва ҳар ким ҳар тарафга кетдук.

Ондин сўнг Мирзо ва умаро аввалги дастурда, балким, кўбдинкўб Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига кела бердилар ва Мир Абдул Али Тархоннинг раъйи соиби рожиҳ бўлди.

Бир кун Хожа Мавлононинг мажлисида Ҳазрати Эшоннинг зикрлари ўтар эрди. Хожа Мавлоно беадаблик этиб, ойтғон бўлсаким: “Кўйунг бу жуъалниким, ҳимматининг ҳаммаси бу ишнинг масруфи турурким дунё жам этса”. Бу сўзни Ҳазрати Эшоннинг арзларига егурдилар. Ул Ҳазрат ойтдиларким: “Жуъалнинг маргида ўлсун”!

Мавлоно Муҳаммад Жарроҳнинг ўғли Мавлоно Маъруф ойтди: “Ман Ҳиротда эрдимким, Хожа Мавлоно Ҳиротга келди, онинг учунким, мундин сўнг Самарқандда бўла билмади. Ҳирот ақобирлари икки мартаба онинг кўрмакка келдиларким, бағоят паршон ва ҳирза сўзларни ойтур. Мундин сўнг киши онинг учун кам келди. Охири Амир Чақмоқнинг мадрасасида сокин бўлди. Ҳар ким ёнимга келса ойтур эрди: “Бу саргашталиким, манинг олдимга келди, ул Шайхнинг кароматиға ҳамл этманлар!”

---

1. Жуъал гўнг кўнғиз бўлиб, гўнни юмалата-юмалата охири унинг ичиде ўлади. Хожа Мавлононинг оқибати ҳам шу билан тутаган.

Бир кун бир киши онга ойтибдурким: “Эй Хожа, сиз хиттаи Самарқанднинг шайх ул-исломи ва ҳоким ва соҳиб ихтиёри эрдингиз ва ота-бободин халқнинг маржиъи муқтадоси ва азизу мукаррам киши эрдингиз. Ва Мовароуннаҳр вилоятининг хосу омлари ҳамма(си) сизга тобеъу ходим эрдилар, ахийри умрда алохону аломон бегона шаҳарларнинг атрофиға хорлиқ ва мазаллати тамом била келурсиз ва ҳеч бир хотирнинг сизга иқболи қолмай турур, бу ул Бузругворнинг қароматидин ўзга на турур?!”

Билахара, анга маразе ориз бўлди ва ул маразда ўзига мусҳил ихтиёр этди. Ва мен гоҳо ул маразда онинг ёнимға борур эрдим. Бир кун онинг ёнимға кирдим, кўрдим — нажосатни ўртасида ўлтурубдур, қўлини нажосатга уруб, бурниға тутар ва онинг бўйиндин хушвақт бўлур ва ойтур: “Эй Мавлоно Маъруф, мусҳил на бало яхши нарса турур!” Гоҳ-гоҳ ўз нажосати ғализасидин бундуқлар этиб, онинг била ўйнар эрди. Ва ул маразда равойиҳи таййибадин муҳтариз ва мутанаффир эрди. Бул аснода Ҳазрати Эшоннинг ул сўзлари манинг ёдимға келдиким, ойтиб эрдилар, “жуъалнинг маргида ўлсун”, валҳақ, шундоғ бўлди. Охир ул исҳол саҳижға чекди ва амъои аҳшолари бўлак-бўлак бўлиб тушди ва нажосатнинг орасида ўлди.

Яна ҳам хизмати Мавлоно ёзиб турурким, ул кундаким, Хожа Мавлоно вафот топди, Мавлоно Муҳаммад Муаммойи они вафот топмасдан аввал кўрмакка боргон эркан. Кўз очиб ойтубдурким, Мавлоно Муҳаммад, сиздин илтимос бордурким, агар бир куни Ҳазрати Хожанинг мулозаматиға борсангиз манинг тақсиротларим узрини талаб қилингким, ҳар на этдим нафсу ҳавонинг муқтадоси била этдим, эмди ҳаммасидин ўтдим, мандин маҳзи инояти карам била афв этсунлар ва маъзур тутсунлар ва бу нафас била мақбуз бўлди. Фақир бу сўзни яхши маҳалда Ҳазрати Эшоннинг арзлариға етурдим, бағоят мутаассир бўлдилар ва шундоғ маълум бўлдиким, онинг тамоми жаримасидин ўтдилар ва афв этдилар.

### **ИККИЛАНЧИ ФАСЛ**

*ҳавориқи одотларининг зикридаким, Ҳазрати Эшоннинг авлоди куммалари ва асҳобларидин бошқа аҳли замондин ва баъзи азизлардин нақл этибдурлар*

Баъзи маҳодимлардин шундоғ эшитдим. бир кун Ҳазрати Мавлоно Саъдулдин Кошғарийи Ҳазрати Эшон била кеча-кундуз му-

соҳабат этдилар. Улар Ҳазрати Эшоннинг ёнларида таҳассус ва таассуф этар эрдиларким: “Дариф бу беҳосил умрдинким, бу умматнинг кибор авлиёлари ва кутби замонларининг суҳбатларидин узоқ ўтадур, саъй этмак керакдур ва ўзни бу тоифанинг суҳбатиға етурмак керакдур, бўлғойким, оларнинг суҳбатларининг юмнидин ва мулозаматларининг баракатидин ҳузур дил ва жамияти ботин пайдо бўлғай, даруний нафсоний душманларнинг шарридин фароғат бўла билғай!” Ва (Мавлоно Саъдуддин) сўзни бу орзуда ва тоифанинг талабида дуру дароз этдилар ва кўб муболаға кўргуздилар.

Ҳазрати Эшонга фаросати Илоҳийнинг нури била маълум бўлб эрдиким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин ўтган кеча ўзларига андишга этиб эрдиларким, манинг ҳеч кишига эҳтиёжим йўқтур ва тариқ равшан турур, иш этмак керак ва ўзи(м)га ташвиш бермак керак эрмас ва одамларнинг мулозаматлариға бормоқға ва бошқа тарадуд этмакка ҳожат йўқ турур!

Ҳазрати (Эшон) Мавлоно Саъдуддинға ойтдиларким: “Сиз кеча ойтмадингизмуким, эмди манга ҳеч киши(ға) эҳтиёж йўқдур ва ўзимга ташвиш бермак керак эрмастур ва сўзниким ҳозир ойтурсиз, боре ул андишганинг нақизи турурким, кеча ойтдингиз?!”

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Ҳазрати Эшоннинг ишроқларидин бошқа ҳол бўлди ва таҳқиқ билдиларким, Ҳазрати Эшоннинг иттилоълари ва ишроқи тамомлари бор турур, мундин сўнг аксари авқотда Ҳазрати Эшонга ойтур эрдиларким: “Сиз айта билурсизким, бизга шундоғ суҳбат тутунг ва илтифот этунгим, сизни мажлисингизда хотиримни жамъ топсам, нечун таъхир ва таваққуф қилурсиз?!”

Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: “Ман хизмати Мавлоно Саъдуддинға шундоғ ихтилот этур эрдиким, аксар одамларға мазанна ул эрдиким, магар ман оларнинг муриди турурман, лекин ботин юзидин олар ҳамишга мандин мустамид эрдилар ва шул сўзни ойтур эрдилар!”

Қозийи Андижон Ҳазрати Эшон атрофларида кўб бўлди ва доияси ул эрдиким, они сарафроз этиб, тариқи таълим берсалар ва Ҳазрати Эшон мутлақо илтифот этмас эрдилар ва ўзларини бу маънига келтирмас эрдилар. Ва ул бу жиҳатдин бағоят мутааззий ва мутааллим эрди. Бир кун баъзи мухлислар суҳбати ҳавосда Ҳазрати Эшоннинг ёнларида эрканлар ва ул Ҳазратнинг басти тамом била ўлтурғон ҳолларида ойтибдурким, «Қозий Андижон кўб вақт турурким, они кўз тутар, мулозимлари онга иноят назарларини

этиб, тариқа таълим берсалар!” Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Ҳар кишининг ботинида раёсат ва жоҳ талаби бўлса тафаррус қилурмиз, агар ҳама ул бўлсаким, ўн йилдин сўнг онинг асари зоҳир бўлмоқчи бўлса, хуш келмасдурким, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларидин онга сўз ойтсам!”

Баъзи асҳоблар ойтдиларким: “Ман Ҳазрати Эшоннинг сўзларининг таърихин ёдимда сақладим, ондин сўнгким, ўн йил муддат ўтди ва Ҳазрати Эшон дунёдин рихлат этиб эрдилар, ул Қози Андижон вилоятида бир қавмнинг раиси ва меҳтари бўлдилар ва ул диёрнинг аҳлига мадорун алайҳ ва маржиъун илайҳ ойланди. Лекин, хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқаларидин баҳраси йўқ эрди.

Самарқандий бир толиби илмким, ўзини соликларнинг табақасидин тутар эрди, кўб вақтлар Ҳазрати Эшоннинг атрофларида бўлуб эрди. Ул Ҳазрати Эшоннинг илтифоти хослариға зоҳиран мушарраф бўлғони йўқ эрди. Ондогким, бир кеча бу фақирға ойтур эрдиким, йигирма саккиз йил муддатий турурким, Ҳазрати Эшоннинг атрофларида бўлурман, василалар топарманким, шояд иноят этуб, тариқа этсалар. Ва Ҳазрати Эшон мунча муддатиларда ҳеч раҳм этмадилар ва бу маъни муяссар бўлмади. Гоҳ-гоҳ ул хаёлға кетарманким, Ҳазрати Эшонга пичоқ урсам ё ўзимни ўлтурсамким, эмди менинг тоқатим тоқ бўлуб турур, Ҳазрати Эшондин ҳеч асари марҳамат зоҳир бўлмас.

Ва ул таърихдин сўнгким, бу сўзни манга ойтди, ул Ҳазратнинг то ахийри ҳаётлариғача яна шул умид бирла атрофларида бўлди, ҳеч иши кушойиш топмади. Ва асҳобнинг ҳаммалари бу маънидин мутаажжиб ва мутаҳаййир бўлдилар, то ул вақтгачаки, Ҳазрати Эшон дунёдин нақл эттилар. Ва ул Ҳазратнинг вафотларидин неча йил ўткондин сўнг ўзбекни хони Самарқандға муставлий бўлди ва ул толиби илмға ул замонда жоҳу мартаба пайдо бўлди. Ва баъзи одамлардин эшитилурким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Яҳё ва авлоди Бузругворларининг қатлида ул толиби илм саёе балиғ этибдур. Ва ул ҳодисаи узмонинг вуқъидин сўнг, асҳобларға маълум бўлдики, Ҳазрати Эшоннинг беилтифотлариға мужиб онинг инҳирофи ботини эрканким, Ҳазрати Эшонга ондин қирқ йил аввал маълум бўлуб эрди..

Мухлислардин бири нақл этибдурким, мандин ҳавфае воқе бўлди, хижолат пардасида қолдим, неча кунлар Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға етуша билмадим. Вақтиким, бу маъни узоқға тортди, ўзумга ойтдим: “Жаройим сабабли қолмоқ ва маҳжуб

бўлмоқ ва авлиёнинг суҳбатини тарк этмак хазон ва зиёнкорликнинг ниҳояти турур, ҳар нимарса бўлса бормоқ керак!” Вақтиким, мутаважжиҳ бўлдим юз хижолат ва инфийол била, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳунинг руҳи шарифларининг тарвиҳи учун “Фотиҳа” ва сураи “Ихлос” ўқудим ва оларни шафиъ келтурдимким, мандин ўтуб, афу этсалар. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, манга назар этдилар ва ойтдиларким: “Агар доимо “Фотиҳа” ва сураи “Ихлос” ўқумоқ била Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)нинг руҳи шарифларини шафиъ этмак муяссар бўлса кўб яхши турур, аммо воқеда булар била бўлмасдур, керакким, киши доим ул-авқот ўз аҳволиға муроқиб бўлсун то амри номарзий ондин вужудға келмасун!”

Ҳазрати Эшоннинг камоли ишроқларидин манинг ҳолим бошқа бўлди ва ул Ҳазратнинг илтифотлари воситаси била мундин сўнг ул ҳафавотларнинг амсолиға мубтало бўлмадим.

Мирзо Шоҳрухнинг замонидаким, Ҳазрати Эшон Ҳиротда эрдилар, Мавлоно Шайх Абу Саъид Мужалладийким, бир азиз эрди ва ул азиз ул маҳалдаким, бағоят соҳибжамол ва покиза маъош йигит эрдилар ва Ҳазрати Эшоннинг онга илтифотлари ва гўшаи хотирлари бор эркан. Ул ҳикоят қилур эрдиким: “Йигитлик айёмида ва Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари овонида, ондоғким, ёш йигитлик муқтазоси турур, бир мартаба манга бир жамила хушрўй хотун била мулоқот этмак иттифоқ тушди. Ва ул манинг манзилимға келди ва хоҳладиким, онинг била суҳбат этсам. Бу аснода Ҳазрати Эшонни овозларини эшитдимким, ойтдилар: “Ҳой Абу Саъид, на иш қилурсан?!” Манинг ҳолим бошқа бўлди ва ҳайбати азим ва хавфи руъби қавий манинг кўнглумға ғолиб бўлди, ондоғким, аъзомға қалтиратма тушди. Ўрнимдин турдим ва дарҳол ул хотунни манзилдин ташқори чиқардим. Бир замондин сўнг Ҳазрати Эшон келдилар. Вақтиким, ул Ҳазратнинг назарлари манга тушди, ойтдилар: “Агар Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг тавфиқи ёри бермаса эрди, шайтон санинг ниҳодингдин дуд чиқарар эрди!”

Ва яна ул ҳикоят этдиким: “Бир мартаба манга шаробни ҳаваси бошимға тушди. Маҳраимға ойтдимким: “Вақти кечадин бир оз вақт ўтса бир кўза шароб манинг учун келтиргил!” Ул маҳрам кечанинг ёримида бир кўза шароб келтурди. Ман ўчоқни устидин фўтамни йибордим то ул кўзани фўтани учиға боғлади. Ман юқоридин торгдим ва кўза деворға тегди. Вақтиким, ўчоқни устига яқин етиб эрди, тугуни ешилди ва кўза ерга тушди ва синди. Ва ман ул сувратдин малул бўлдим ва ётиб уйқиладим. Ва

эртанг била турдим ва сингон сафолларни деворнинг тагидин узоқга олиб ташладим ва ерни покиза этдим ва шаробнинг иси зойил бўлди. Вақтиким, сабоҳ бўлди, Ҳазрати Эшон илтифот этиб келдилар. Аввал сўзикаим ойтдилар, бу эрдиким: “Кечани ёримида ўчоқнинг устидин тортгон кўзанинг овози бизни қулогимизга етушди, агар ул кўза синмаса эрди, бизнинг кўнглимиз синур эрди ва санга бизнинг мулоқотимиз мундин сўнг суврат боғламас эрди!” Ман кўб ҳижил ва мунфатъил бўлдим ва кўнглумдин бозгашт этдим ва кўнглумнинг юзини батамом Ҳазрати Эшоннинг тарафига келтурдим!”

Мухлислардин бир азиз нақл этдиким, вақтиким, Ҳазрати Эшон Ҳисорнинг сафари ва Мавлоно Яъқуби Чархийни мулозаматларидин қойтиб, иккиланчи мартаба Ҳиротга келдилар, йўлни гирдидин мухлисларнинг бирининг манзили гаким, Дарвозаи Маликни ташқарисида бўлуб, касби ҳалолга шуғл этар эрди ва хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум хонадонларидин, хусусан, Ҳазрати Эшонга кўб ихлоси бор эрди, бордилар. Ва иттифоқан ул кунда дўстлардин бир жамоа оларга меҳмон эрдилар ва олар била бир соҳибжамол йигит отоси бирла ҳамроҳ эрди. Хусну малоҳат ва покизалик била шаҳарда машҳур ва алсинада мазкур эрди. Ва таом еб бўлуб, дастурхонни олиб кўюб, хиёбонни сайр этмак доиялари бор эрди. Вақтиким, ул мухлис Ҳазрати Эшонни кўруб, оёқлариға йиқилиб, кўб ниёзмандликлар зоҳир этди ва ҳаддан зиёда тавозуь кўргузди, ондоғким, меҳмонлар мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлдилар, нечунким, Ҳазрати Эшонни танимас эрдилар. Ул мухлис га мувофақат этиб, андак олар ҳам таважжуҳ этдилар. Аммо ул йигит ҳусниға мағрур бўлуб, ўрнидин турмади ва Ҳазрати Эшонга илтифот этмади. Ул мухлис ҳикоят этибдурким, вақтиким, Ҳазрати Эшон ўлтурдилар, ман илгари бордим ва тизимни кўюб ойтдим: “Ёронлар ҳоло таом этдилар, ўчоқни ўти ўчкони йўқ ҳар таомким марғуб бўлса онинг табхиға қиём кўргузурмиз!”

Ҳазрати Эшон ло ва наъам била жавоб бермасларидин аввал ул йигитким, кўшту тамошоға ҳавас эрди ва хоҳладиким, мани ҳам ҳамроҳ олиб кеткай, беадабона ойтди: “Бу гариб одам учун муҳозир бўлса келтурунг, ҳоло таомдин ҳамма мустағний бўлдилар, кишиға таом пишурмак мажולי йўқ турур”. Ва Ҳазрати Эшонким, аввали такаббурни ондин кўрдилар ва бу сўзни эшитдилар, оҳиста ойтдилар, ондоғким, ман эшитдим: “Эй хушрўй йигитким, ҳуснингга мағрур турурсан, агар сенинг юзунгни шул суҳ-

батда қаро қилмасам гуноҳ манда бўлсун”. Бас, баланд ойтдилар-ким: “Узоқ йўлдин келурмиз ва оч турурмиз ва иссиғ шўрбоға рағбатимиз бор турур”. Ва ман дарҳол турдим, бир оз гўшт ва биринж ва нахуд ва боқий масолиҳ ва ҳавойижларни ҳозир этдим.

Ул аснода Ҳазрати Эшон бир оз сукут этдилар, ул йигитни кўнглини ўз тарафларига мунжазб ойлантурдилар. Ногоҳ кўрдим-ким, ул изтиробни тамом ва бетоқатлик юзидин ўрнидин турди ва Ҳазрати Эшоннинг олдиға келди ва ойтди: “Агар рухсат берсангиз ман бу хизматни бажо келтурайин!” Ойтдилар: “Не монень турур?!” Кўрдимким, ўчоқнинг ёни га келди, энгларини йиғнаб, этакларини белига қистуруб, мани ўчоқнинг ёнидин турғузуб, ўзи ўт ёқмоқға машғул бўлди ва ўтнинг ҳароратидин юзи терлаб, қизариб эрди ва қўллари чала ёнган ўтундин қаро бўлди. Неча мартаба қаро бўлгон қўли била юзининг ва манглайининг терларин супуруб, икки юзи ва манглайи ҳам қаро бўлуб эрди. Отоси ва ёронлари они ҳозир этдилар ва ойтдилар: “Юзингни ювгил!” Ул йигит зарофат тариқи била ойтди: “Ан-нуру фи-с-саводи”<sup>1</sup>. Ва қасамёд этдиким: “Бу қароликни кетурмасман, магар ондин сўнгким, Ҳазрати Эшоннинг олдиларида таом келтуруб кўёрман!” Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг олдиларида таом келтуруб қўйди, бориб қўл-юзини ювди ва таҳорати комил эткондин сўнг келиб, адаби тамом бирла Ҳазрати Эшоннинг олдиларида ўлтурди ва таом емакда мувофақат этди. Ва онда Ҳазрати Эшонга алоқай хубби азим пайдо бўлди ва то Ҳазрати Эшон Ҳиротда эрдилар, доимо мулозамат қилур эрди. Ва Ҳазрати Эшон ҳам онга назари иноят қилур эрдилар.

Ҳазрати Эшоннинг муҳибларидин бир азиз нақл этдиким: “Манинг Ҳазрати Эшонга пайвасталигимнинг сабаби ул эрдиким, бир қизга ошиқ эрдим ва майлим ниҳоятға етушди, беқарор бўлдум ва ул қизни манга бермас эрдилар. Вақтиким, хусули муроддин ожиз бўлдим, ўзимга фикр этиб, бир ҳийла топдим ва никоҳға ёлгон гувоҳларни тайёр этдим ва Фаркатга мутаважжиҳ бўлдимким, қозиға борайин ва даъво этайин ва гувоҳларимни ўткарайин. Иттифоқо, ул қози Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига келиб эрди. Ман ҳам Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига бордим ва қози ул маҳалда оларнинг ёнларида эрди. Қиссамни Ҳазрати Эшоннинг арзларига етурдим. Ойтдилар: “Биз тилар-

---

1.Зулматдаги нур.

мизким, бу қиссадин ўтсангким, санинг нафасингдин бўйи сидқ келмай турур”. Ул Ҳазратнинг сўзларидин манинг кўнглумга бир нимарса кириб, мани мутағайири қилди. Дарҳол ул муҳимдин ўтдим ва ул жамоага хусуматимни қатъ этдим. Ҳазрати Эшон Тошканд азиматиға отландилар ва отланур вақтида ман тарафга назар этдиларким, ниҳодимға ўт тушди. Ҳар нечаким, хоҳладим таваққуф этайин, эта билмадим ва беихтиёр мандин фарёдлар чиқар эрди. Аввалғи тааллуқнинг қиссасини фаромуш этдим ва жонсўз тааллуқ бу ерда воқе бўлди.

Улуғ қор тушуб эрди, муҳаббатнинг ниҳоят ҳароратидин оёқимдин музаларимни чиқардим ва оёқяланг ул қорда Ҳазрати Эшоннинг изларидин югурдим то Тошкандга борилди. Ҳазрати Эшон ҳужраларида ўлтуруб эрдиларким, ман етушдим. Ўт ёқиб эрдилар, ишорат этдиларким, ўтға яқин ўлтурғил, ўзлари ташқариға чиқдилар. Ул таърихдин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида ором тутдим ва асло бошқа тааллуқнинг дағдағаси кўнгулға тушмади ва билкуллийа халос бўлдим.

Муҳиблардин бир азиз нақл этибдурким: “Ҳазрати Эшоннинг шарафи мулозаматлари ва иродатлари мушарраф бўлмасдин аввал кўнгул бир соҳибжамол йигитнинг ҳусни суратиға гирифтор эрди, тааллуқ ва муҳаббат муаккад бўлди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг суҳбатлариға етушдим, ул суҳбатнинг таъсири сабабидин хотирнинг тааллуқи батамом соҳти сийнадин маҳв бўлди ва онинг ўрниға кўнгул Ҳазрати Эшонга гирифтор бўлди. Бир мартаба Тошкандда Ҳазрати Эшоннинг ёнларида ўлтурур эрдим, ул йигитнинг суратини кўнгилдин ўтқардим. Ногоҳ бирдин манга мутаважжиҳ бўлдилар ва ул йигитнинг отини тутдилар ва ойтдиларким: “Онинг ишини барҳам урдуқ ва алоқасини қатъ этдук, они на қилурсан?” Ваҳоланким, бу суратға ҳеч офариднинг иттилоъи йўқ эрди, бу маънининг мушоҳадаси манинг Ҳазрати Эшонга яқин бўлмоқимнинг зиёда бўлмоқиға сабаб бўлди”.

Муҳиблардин азизе нақл этибдурким: “Рўзи жумъа Масжиди Жомеъа бордим ва масжиддин чиқар вақтда Ҳазрати Эшоннинг худомларидин жамъега мулҳақ бўлдим. Олардин бири ёронларни бозорнинг таомиға истидъо этди. Ошпазнинг дўкониға кирдук. Иттифоқан, подшоҳлиқ йигитлардин шул дўконда ўлтуруб эрдилар, кўб хушрўй эрдилар, ажибу ғариб шаклу шамойиллари бор эрди. Ман ёронларға ойтдимким: “Бу йигитларнинг тарафига назар эт-массизларму?” Ёронлар ойтдилар: “Бу амри намашруъ турур, биз-

ларни онга нечун далолат қилурсан?” Ман ойтдим: “Назар агар шаҳват бирла бўлса номашруъ турур, аммо, агар шаҳватдин пок бўлса не зарар турур?” Ва назарлар воқе бўлди.

Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларига келдук, ойтдилар: “Не ердин келурсизлар?” Ойтдук: “Масжиди Жомеъдин келурмиз”. Ойтдилар: “Бемаъни сўзламанглар, Масжиди Жомеъга бормоқнинг боиси одат турур”. Ва тундликнинг асари Ҳазрати Эшондин зоҳир бўлди ва ойтдилар: “Ошпазнинг дўконига кириб, соҳибжамол йигитларга назар этарсизлар ва баъзиларингиз номашруъ турур, деб ойтурсизлар, баъзиларингиз таъвил этарсизлар ким, агар назар шаҳватдин пок бўлса зарари йўқ турур”. Бу аснода манга мутаважжиҳ бўлдилар ва ойтдиларким: “Ман бешаҳват назар эта билмасман, сан не ердин пайдо бўлдингким, бешаҳват назар этарсан?”

Баъзи маҳодимдин эшитилдиким, Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: “Юз мартаба бағрим қон бўлур, то соҳибжамоледин саломат ўтарман”. Асҳобнинг аъиззаларидин баъзилари нақл этибдуларким, бир кун Ҳазрати Эшон Тошкандда мувоқиб ўлтуруб эрдилар, мухлислар махсусларидин жамъе ул мажлисда мувоқиб эрдилар, ногоҳ Ҳазрати Эшон бош кўтардилар, танаффури ва таваҳхушнинг осори муборақ чехраларидин зоҳир эрди. Ойтдилар: “Ҳоло шундоғ зоҳир бўлдиким бир улур қанжиқ эмчаклари тўла сут пайдо бўлди ва тўққуз кучук била ҳамроҳ бўлуб, манинг мажлисимга келурлар”. Ҳазрати Эшон бу сўзда эрдиларким, узоқдин ўн киши пайдо бўлди... Олар Ҳазрати Эшонни кўрмакка келур эрдилар. Вақтиким, суҳбатда ўлтурдилар, Ҳазрати Эшон таом келтурмак учун ўринларидин турдилар ва ҳарамга кирдилар ва олар учун таом йибордилар. Вақтиким, ул жамоат кетдилар, Ҳазрати Эшон ташқори чиқдилар.

Бир кун Хуросондин бир кишиким, они Кутби Саводхон дер эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларига келди ва ул фосиқе эрди муаллан ва шўрби хамрга мудминким, ақойиди фосидаси бор эрди ва Ҳазрати Эшоннинг ёнларига ҳаргиз келгани йўқ эрди. Вақтиким, ўлтурди, ул Ҳазрат они зажр била мажлисларидан қовдилар. Хизмати Мир Абдул Аввал ул мажлисда ҳозир эрканлар, хотирларига келтурдуларким, бир ғариб киши ихлос ва ниёзмандлик юзидин мулозамаатга келибдур, агар они хушунат била қовмасалар не бўлур эрди”. Ҳазрати Эшонга Мирнинг хотирига ишроқ бўлуб, онга мутаважжиҳ бўлиб ойтдиларким: “Бу кишини қовғонлиқни ваҳжи ул эрдиким, ул манинг назаримда

сағбаччани суратида кўрунур, сакбаччага мундин яхши муомала эта билмасман”.

Мир Абдул Аввал ондин сўнг онинг ҳақиқати ҳолини маълум этдилар ва фисқу фужурига ва доимо шўрби хамр этарига эътиқодининг қабоҳати ва ибोҳатиға мутталиъ бўлдилар. Билдимким, Ҳазрати Эшонни қовғонларининг сабаби ул эрканким, они сифат голиясида кўруб эрдилар.

*Рашҳа.* Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким, бу умматдин масхи сурат<sup>1</sup> муртафий турур, лекин масхи ботин воқе турур. Масхи ботиннинг аломати ул турурким, соҳиби кабирага кабоирнинг иртикобига кабоирнинг иртикобидин ботини мутааллим ва мутаассир бўлмас. Фусуқу маъосийга асрори ниҳоятидин мартабага етган бўлсаким, вақте ондин кабирае содир бўлса, ул кабиранинг изидин онинг ботинида надомат ва маломат пайдо бўлмас. Ва агар онга танбеҳ кўргузсалар, онинг қасовати қалби мушобаҳаеда бўлурким, мутанаббеҳ ва мутаассир ойланмас.

Хизмати Мир Абдул Босит Ҳазрати нақобат мангабат Саййид Тақиуддин Муҳаммад Кирмоний алайҳир раҳманинг валади Бузругворлари нақл этдиларким: “Ул фурсатдаким, Ҳазрати Эшон илтифот этиб, хоҳладиларким, ўзларининг сулбияи муҳаззараларини биродарим Мир Абдуллоҳнинг хуболаи ақдиға келтурсалар. Мир Абдуллоҳнинг волидаси ул васлатда музояқа этмоқчи бўлди. Ҳазрати Саййид ойтдилар: “Музояқанинг маҳали эрмас, бу саодатни фанимат билинг”.

Волида хоҳладиким, ўз кўнглининг итминони учун Ҳазрати Эшонни имтиҳон этса. Ўн дастурхон тўла сут била ёғ кўшулгон майда ундин бўлгон нон, ўн қути ҳалвои таранжубиндин тўлгон ўн дастурхони Мисрийнинг орасидаким, ҳамаси бир ранг ва бир нақшда, ул дастурхонларни ўраб, Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға ййборди. Ул дастурхонлардин бирини ва ул қутилардин ҳам бирини ходимлардин пинҳон нишон этиб, хотириға олдиким, Ҳазрати Эшон, кераким, бу дастурхонларни ўз ёнлариға келтуруб, ондин бир нон олиб, синдуруб, бир оз тановул этиб ва фалон қутини талаб этсалар ва онинг ҳалвосидин қадре тановул этсалар, бас, ул дастурхоннинг нонини ва ул қутининг ҳалвосини алоҳида бизлар учун ййборса ва қолгон нону ҳалвони ҳозирларға қисмат қилсунлар.

1. Масхи сурат — бир шакл ёки кўрinishининг бошқа бир ёмонроқ шакл ва кўрinishига ўтиш.

Вақтиким, ходимлар дастурхонларни Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида қўйдилар, иттифоқан, ул кун Ҳазрати Эшон иморатнинг устида эрдилар ва кўб кишилар лой ишига машғул эрдилар. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг назари муборақлари дастурхонларга тушди, ул ўртадин икки дастурхонни ёнларига олдуридилар ва иккисин ҳам очиб, нишон этилган дастурхондин бир нон синдуриб, икки-уч луқма едилар. Бир дастурхондин нишон этилган қутини кўтариб очдилар ва қадре ҳалво тановул этиб, ул хосса дастурхоннинг устида қўйдилар ва ишорат этдилар то иккисини ҳам дастурхонга чулаб, ходимининг қўлига бердиларким, ул ҳарамнинг маҳрами эрди, Мир Абдуллоҳнинг волидаси учун йибордилар ва қолғон нонларни ва ҳалволарни оларнинг ходимларидин ҳузурида ҳозирларга қисмат этдилар.

Вақтиким, Мир Абдуллоҳнинг волидаси бу кароматни мушоҳада этди, изтироб била ул нисбатнинг вуқуида эҳтимом кўргузди ва шул кунда ул суратни итмомга еткурди.

Махфий қолмасунким, Амир Низомуддин Абдуллоҳга Ҳазрати Эшоннинг сулбияларидин беш ўғулу уч қиз фарзандлари бор эрди. Аввалги ўғуллари Хожа Абдус Самийким, Мирзо Хованд лақаби била машҳур эрдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Анораллоху бурҳонаҳунинг замонида Ҳиротда шаҳид бўлдилар. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиси сирруҳунинг таҳти мазорларида мадфун турурлар. Иккиланчи (ўғли) Хожа Абдул Бадиъким, Дўст Хованд лақаби била маъруф эрдилар. Учланчи (ўғли) Амир Абдул Волийким, Хожа Шоҳ тахаллуси била машҳур эрдилар. Тўртланчи (ўғли) Амир Заҳириддин Муҳаммад. Бешланчи (ўғли) Амир Тоҳириддин Муҳаммад.

Мавлоно Бурҳонуддин Муҳаммад валади Мавлоноий Калон Зиёратгоҳий алайҳир раҳма нақл этдиларким, Ҳазрати Эшон Шайх Шоҳни кўрмак учун зиёратгоҳга бордилар. Вақтиким, Шайхнинг уйларидин чиқдилар, Мавлоно Абдураҳмон ва Мавлоно Абул Макоримким, манинг улўғ биродарларим турур, Ҳазрати Эшон нинг олдилариға келиб, илтимос этдиларким, ул Ҳазрат оларнинг манзиллариға борсалар. Ҳазрати Эшон манга ойтдилар:

“Сан не учун ҳеч сўз демассан ва бизни уйига олиб бормоқ одамликни этмассан?” Ман ойтдим: “Бу орзу манинг кўнглумда бағоят қавий турур, лекин улўғ биродарларнинг олдиларида гўстохлиқ этмасман”. Ойтдилар: “Биз санинг уйунгга борурмиз”.

Вақтиким, ташриф келтурдилар, ойтдиларким: “Икки ботмон унни татмоч пишурунгу ва зиёда этманг”. Фармонлариға имти-

сол кўргузуб, буюрғонларидек этдук. Деҳанинг уламо, сулаҳолари ва фуқаролари, вақтиким, билдилар ва Ҳазрати Эшон фақирнинг манзилига ташриф келтирубдилар, бирдин кела бердилар. Икки улуғ суффага азизлардин тўлди, саройнинг ўртасида фаршлар тўшадук то одамлар ўлтурдилар. Ва улчаким, саройга сигмадилар, долоннинг дўкончаларида ва саройнинг ташқарисида жой тутдилар. Бу маҳалда хотиримга келдиким, мунча азиз одамлар ҳозир бўлдилар, Ҳазрати Эшон икки ботмон ундин таом буюрдилар ва таъкид этдиларким, зиёд этмагил, не чора қилурман ва ул Ҳазратнинг амрларига хилоф эта билмасман ва бу маънони изҳор этмакка ҳам журъатим йўқ турур, рухсат талаб этсамким, яна ун келтуруб, хамир этиб, таомни кўброқ этсамким, касрати азим бўлуб турур. Ва инфийоли тамом манга йўл топди ва бу андуҳ ва тараддуд хотирда эрдиким, Ҳазрати Эшон муборак бошларини кўтариб ойтдилар: “Сўз ул турур, улчаким ойтиб турурмиз, шул тарика этунг ва кўб андишга этманг”.

Ман бордим ва улчаким пишуруб эрдим, ҳаммасини бир улуғ тағорага солдим, коса-коса, табақ-табақ ул тағорадин тўлдуруб, ташқори йибордим ва икки суффанинг ҳаммаси ва саройнинг саҳни косалар ва табақлар била тўлғон татмоч бўлди. Ҳамсояларнинг уйларидин ва аҳли маҳалланинг саройларидин холий коса ва табақлар орият келтурдилар. Ичкарида ва ташқарида жамиъи ҳозир одамлар таом еб тўйдилар. Коса ва табақларнинг соҳибларининг уйларига ҳам таом йиборилди. Ва бу зоҳир каромате эрдиким, ҳозир одамларнинг аксари бу сирга мутталиъ бўлдилар ва ҳам одамларнинг ҳусни ақидаси ул Ҳазратга зиёда бўлди.

Вақтиким, Ҳазрати Эшон Тошкандга мутаважжиҳ бўлдилар ва аввали фасли баҳор эрди, кун кеч бўлуб эрдиким, Обипаррак лабига келиб тушдилар ва кеча бир мухлиснинг манзилигаким, сувнинг лабига яқин эрди, нузул этдилар. Ул мухлис ҳикоят этибдурким, вақтиким, ақшом кеч бўлуб уйку вақти етушди, Ҳазрати Эшон манга ойтдилар: “Сан бизнинг бу уйда ётғил”. Ва ман ул уйда Ҳазрати Эшондин узоқ жойни ихтиёр этиб ётдим. Ва Ҳазрати Эшон уйқуға майл этдилар. Ёрим кеча эрдиким ойтдилар: “Эй фалон, уйқудамусан ё уёғмусан?” Ойтдим: “Уёғман”. Ойтдилар: “Тез бўлғил, ҳар матоиким, бу уйда турур, ташқори чиқарғил”. Ва ўзлари гаъжил била ташқори чиқиб кетдилар. Ҳар кишиким ул ҳаволи ва навоҳийда ётиб эрди уйғотдилар. муболагаи тамом била ойтдиларким: “Рахтларингизни ва маркабларингизни тез маннинг изимдин келтурунглар”. Ва ўзлари қариб бир ўқ отим ул

манзилдин бордилар ва бир баланд ернинг устида қарор тутдилар. Ва фақир ва сойири асҳоб ва худдомлар била Ҳазрати Эшонга ҳусни заннимиз бўлгон ваҳҳдин ўзларимизни ҳар не тамомроқ таъжил била матоларни ва марокибларни олиб, Ҳазрати Эшонга етушдуқ. Ва баъзи одамларким, хотирларида тараддуд бор эрди, мутаҳаййир ва мутаажжиб эрдиларким, бу не қисса турурким, Ҳазрати Эшон бу ёрим кечада Асҳобларга уйқуни барҳам урдилар? Ва бир жамоа уйқудин турмоқда ихмол ва касолат этиб эрдилар, баякбор кўрдиларким, сели арм<sup>1</sup> келдиким, ул муддати-ларда ул диёрнинг аҳлидин ҳеч киши ул азаматлиғ селни кўрган йўқ эрди. Ул уйким, Ҳазрати Эшон ул жойда ётиб эрдилар, сувга ғарқ бўлди ва ҳар матою маркабким, одамларнинг ихмоли ва касолати сабабидин қолиб эрди, онинг мажмуъини сув олиб кетди ва кўб одамлар ҳам сувга кетдилар, кўб меҳнатлар била ғарқ бўлмоқ ва ўлмоқдин халос бўлдилар. Ва ул деҳада ул сел улуғ вайронликлар этди ва бу суратнинг мушоҳадаси Ҳазрати Эшонга ҳозирларнинг яқиниға мужиб бўлди.

Шайх Аён ибн Шайх Баёнким, Козрўн хутболарининг табақасидин ва уламоий муттақийлардин эрди, Ироқдин Хуросонга келиб ва неча вақтлар Ҳиротда иқомат этиб, ондин сўнг Самарқанд келиб, бир йил муддати била неча ой Ҳазрати Эшоннинг шарафи остонбўслиқлариға мушарраф бўлуб эрди, ул ойтур эрди: “Ҳазрати Эшон баҳор айёмларида Тошкандға майл этдилар ва манга ҳам буюрдиларким, мулозаматларида кетдим. Вақтиким, Обипаррак канориға етушдилар, сувнинг тугён қилур маҳаллари эрди. Асҳоблар қомушдин сол боғладилар ва онинг устида ўлтуруб, бир-бирдин сувдин ўтдилар. Ва Ҳазрати Эшон ҳам бир солни ихтиёр этиб, онга миндилар ва мани ҳам ўзлари билан ул солда ўлтурғиздилар ва равон бўлдилар. Вақтиким, руднинг ўртасиға ва сувнинг тунд ериға келдук ногоҳ қомуш йифлари суст бўлуб, бир-биридин жудо бўлуб тўкулди. Кўрдимким, йифларни сув олиб бора турур ва ул боғлиғ қомишлар ёзилиб бора турур. Ғарқ бўлмоқ кўрқусидин ваҳми азим манга муставлий бўлди ва музтару музтариб бўлдим, нечунким, юзмакни билмас эрдим ва улуғ сув қаттиқ борур эрди ва то сувнинг канориға бир ўқ отим ер эрди. Ва Ҳазрати Эшон фориг ул-бол ўлтуруб, ҳеч тараддуллари йўқ турур. Вақтиким, манинг изтиробим ва изтироримни кўрдилар, бир мартаба калимайи муборака “Аллоҳ”ни баланд ва ҳайбат била мубо-

---

1 Форсча матида -- сели азим.

рак тилларига ўткардилар, ондоғким, ман ларзага тушдим. Бу ҳолдин сўнг кўрдимким, ул қомишлар батамом бир-бирига ёпушуб маҳкам бўлди, аввалғидин ҳам яхши дуруст бўлди ва ул вақтига-чаким, сувнинг лабига етушдук. Ва Ҳазрати Эшон манга ойтдилар: “Тур чиқгил”. Ман сакраб ўзимни канорра олдим ва назар этдимким, Ҳазрати Эшон тамкини тамом била ул солни устида рост турдилар. Бас, қадамларини сувнинг канориға кўйдилар. Ва ул Ҳазрат солдин оёқларини кўтарган ҳамон қомишлар бир-биридин жудо бўлмоқ бошлади.

Азизе уламоий муттақийдин Мавлоно Муҳаммад бин Мавлоно Сайфуддин одлиғким, Мавлоно Низомуддин шаҳидға қаробатлари бор эрди ва бу ҳуруфнинг роқими Ҳиротда оларнинг ҳамсояси эрди ва гоҳ-гоҳ олардин истифодаи улум қилур эрди, баякбор рамазон ойида касал бўлдилар ва заиф бўлдилар бамушобихаеки, онинг ул ёндин бу ёнга ойланмоқи бемададкор муяссар бўлмади. Авлоду асҳоб ва шогирдлари онинг ҳаётидин тамаъларини қатъ этдилар. Кафан ва тобут тартиб бермак мақомида бўлдилар, то бир куниким, заъфи ниҳоятиға етушуб ва маразнинг саъубати гоятиға анжом топиб эрди. Иттифоқо, ул кун жумъа куни эрди, авлодларининг баъзиси Масжиди Жомеъға ва баъзилари такфину тажҳиз асбобиға қиём кўргузуб, мутааллиқдин ҳар киши бир шуғлнинг изида эрдилар, то вақти истиво бўлди, ногоҳ ул маҳалда бир одам саройининг эшигин қоқди. Вақтиким, ҳеч киши ҳозир эрмас эрди, ходимлардин канизаке изидин кириб кўрубдурким, бир йигит, юзлари қизил, мўйлари ҳам қизил, қадди баланд, сипоҳийлар сувратида, юзи ва кўзи ғуборолуд, отдин тушуб, ойтибдурким, узоқ йўлдин келурман, ман хизмати Мавлононинг иёдатларига келдим. Канизак они уйга киргузуб, ўзи отининг ёнимға кетибдур. Ва Мавлоно кўзини очиб, бир йигитни кўрубдурларким, чеҳрасидин сафарнинг асарлари зоҳир турур, ишорат била сўрабдурларким: “Не кишисан, не ердин келурсан?” Ул ойтибдурким: “Ман Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мулозимларидин турурман, Ҳазрати Эшон мани сизнинг иёдатингизға йибордилар ва сиҳҳат бўлуригизға башорат бердилар, ман намози бомдолни Самарқандда Ҳазрати Эшон била ўқудим ва шундоғ муқаррар бўлдиким намози шомни ул ерда ўқурман ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида ифтор қилурман”.

Ҳазрати Мавлавийким, ондин бу сўзни эшитдилар, дарҳол ўзларида қуввате ва кайфияте эҳсос этдилар, бемададкор фирошнинг устида ўзлари ўлтурдилар. Ва ул йигит қўлин узатиб, миқдо-

ри шарбатиким, тоқнинг лабида туруб эрди, ошоқға олиб, бир пиёла шарбат этиб, оларға ичурди. Ондин сўнг видоъ этиб, ташқари чикди ва огиға миниб гойиб бўлди. Ва ул йигитнинг хизмати Мавлавийга мулоқот ва мақолот этган вақтида фарзандларни волидаси уйдаким, бу уйга муттасил эрди, ул сўзларни эшитиб турур. Вақтиким, ул йигит кетди, ул заифа хизмати Мавлавийнинг ёнлариға кириб, оларни сиҳхат ва қуввати тамом бирла фиरोшида ўлтурғон топди. Пиёла ва зарфи шарбатни ерда оларнинг ёнида кўруб, мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлди ва суврати ҳолни сўрди. Олар қиссани ойтдилар ва ул куннинг намози дигарини оёқ устида туруб ўқудилар. Икки-уч кундин сўнг сиҳхати комил била ўринларидин турдилар, дарс ва ифода бошиға бордилар.

Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин бир азизеким, Ҳиротда бўлур эрди, бу қиссани фақирдин эшитди ва ойтди: “Бу нишоналик кишиким, хизмати Мавлавий ойтурлар, Ҳазрати Эшоннинг карвонларининг орасида кўруб турурман, лекин ул ҳамишга оларнинг муҳиммоти дунявийларининг кифоятиға машғул эрди, ҳеч киши онга бу ҳолатнинг мислини гумон этмас эрди. Каррати увлодаким, бу фақир Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг фарзандлари Хожа Калоннинг муурофақатлари била Қарши вилоятида Ҳазрати Эшоннинг шарафи остонбўслиқлариға мушар-раф бўлди ва неча вақтлар ул Ҳазратнинг хизматлари ва оларнинг худдомларининг мулозаматлари била мустаъид эрди, аҳёнан, хило-ли мажлисда фақирға хитоб этиб эрдиларким: “Не учун Хуросон-ға кетмассан, борғилким, санинг отанг ва онанг бизга ташвиш берурлар”. Ман бу хитобдин хижолат ва инфийолда эрдим, то ул вақтгачаким, хизмати Хожа Калонга Хуросонга қайтмоқ ижозатин бердилар, фақирға ҳам қайтмоқ ва волидайннинг мулозаматлариға бормоқға амр этдилар ва ойтдилар: “Хуросонга тез борғилким, отанг ва онанг бизга кўб ташвиш берурлар”. Ва бу сўзни муқаррар ойтдилар. Ул Ҳазратнинг амрлари бўлғон ваҳҳдин Хожа Калоннинг муурофақатлари била Самарқанддин Бухороға мутаважжиҳ бўлдим. Ва олар неча кунлар ул ерда бўлдилар. Ва фақир Ҳазрати Эшоннинг амрлариға имтисол кўргузган жиҳатдин тез Хуросонга мутаважжиҳ бўлдим. Вақтиким, волидайннинг хизматлариға етушдим, ул Ҳазратнинг сўзлариниким, карроту маррот ойтиб эрдиларким, эй фалон, Хуросон борғилким, отанг ва онанг манга ташвиш берурлар, арз этдим. Бир-бирлариға қарадилар ва кўб ийегадилар ва ойтдилар: “Рост нишон турур, онинг учунким, ҳар фарз намозининг изидин Ҳазрати Эшонга мутаважжиҳ бўлиб,

ийглаб ва зорлиқ этиб, ул Ҳазратдин сани талаб этар эрдук ва ойтур эрдук: “Ё Ҳазрати Хожам, бизларнинг фарзандимизни бизларга йиборинг”.

Ва иккиланчи мартабаким, ул ҳаримнинг эҳромини боғланди, зору тазарруъ била волидайндин илтимос этдимким: “Мундин сўнг мани Ҳазрати Эшондин талаб этманг ва ул Ҳазратга мани топшурунглар”. Вақтиким, яна остонбўслиқ шарафига фойиз бўлдим, ул муддати мулозаматларда ҳаргиз ул иборатни муборак тилларига олмадилар ва Хуросон кетмакка ишорат этмадилар.

Ҳазрати Эшоннинг муҳибларидин ва мухлисларидин бир азиз нақл этибдурким: “Самарқандда бир гулом мандин тўрт ой муддати ғойиб бўлди ва дунёдин ҳам шул бир гуломим бор эрди. Ва Самарқанднинг агроф ва навоҳийларида ҳеч жой қолмадиким, карроту маррот ул ерга бормагон ва жустужўй этмагон бўлсам. Ҳар неча саъй этдим, тору саҳрони охтардим, ондин ҳеч асаре ва хабаре топмадим. Бағоят мутаҳаййир ва бечора бўлдимким, қўлу оёғим ул гулом эрди ва онга эҳтиёжи тамоимим бор эрди. Саросима бўлуб охтарур эрдим. Ногоҳ бир саҳрода Ҳазрати Эшон отлиғ олдимдин чикдилар, асҳоб ва маволийлардин жамъи Ҳазрати Эшоннинг ёнларида эрдилар. Ғояти изтироб ва изтирордин ёнлариға бордим. Ул Ҳазратнинг отларининг жиловини тутуб, қўб ниёзмандлиқ била бошимға тушгон машаққати воқеиъани арз этдим ва ойтдим: “Манинг бу боғлиғ тугуним сизнинг Ҳазратингиздин очилур”. Ойтдилар: “Биз деҳқон одам турурмиз, бу ишларни не билурмиз, талаб этмак керак токим топилғай”. Ман шундоғ ибром ва илҳоҳ этиб, зору тазарруъ қилур эрдим ва ғояти бетоқатлиқдин гуломимни Ҳазрати Эшоннинг ўзларидин талаб этар эрдим, ул восита билаким, эшитиб эрдим, авлиёуллоҳға бу тасарруфотларнинг масали бўлур эрмишким, ғойибдин хабар берурлар, балки изҳори ғойиб қилурлар. Ҳар неча Ҳазрати Эшон бу маънини ўзларидин узоқ тутдилар, ман Ҳазрати Эшоннинг отларини жиловин қўйиб йибормадим. Вақтиким, ул Ҳазратни жидду жаҳд била малжозъ этиб эрдим, чора топмадилар. Бир лаҳза сукут этдилар, бас ойтдиларким: “Бу деҳаким, кўрунур, ҳеч талаб этибмусан?” Ойтдим: “Борҳо ул деҳаға бориб, талаб этиб, маҳрум қойтибман”. Ойтдилар: “Яна бориб талаб этгилкам, топарсан”. Отларини қаттиғ ҳайдаб кетдилар. Ва ман ул деҳаға юз қўйдим. Вақтиким, деҳанинг канориға етушдим, гуломни кўрдимким, бир кўзани сувға тўлдириб олдида қўйубдур, мутаҳаййир ва мутафаккир бўлуб, бир жойда ўлтурубдур. Вақтиким, кўзим онга тушиди,

беихтиёр фарёд этдим ва ойтдим: “Эй гулом, бу муддатиларда қайси ерда эрдинг?” Ойтди: “Манким, сизнинг уйингиздин ташқари чиқдим, бир киши манга ёмон йўл ўргатди ва Хоразм(га) олиб бориб сотди ва ман онинг хизматига эрдим, то бу кун ул кишининг уйига меҳмон келиб эрди, манга ойтди: “Кўзани сувга тўлдириб келким, таом пиширурмиз”. Ман кўзани кўтариб, сув лабига келдим ва сувга тўлдирдим. Вақтиким, кўзани сувдин чиқардим, ўзимни бу жойда ҳозир кўрарман ва ғояти ҳасрат ва даҳшатдин бу ерда қўриқиб ва қойтиб турубман, билмасманким, бу сувратни уйғоқликда кўраманму ё уйқуда”. Ман билдимким, бу тасарруфе турур Ҳазрати Эшондин зухурга келиб турур. Бу ҳолнинг мушоҳадасидин вақтим тағйир топиб, фи-л-фавр гуломни озод этдим ва Ҳазрати Эшонга юз келтурдим. Ва бу суврат манинг Ҳазрати Эшонга пайвасталигимга боис бўлди”.

Ҳазрати Эшон, агар чандиким, салотиннинг мониъликлари важҳидин ва айммаи диннинг фатво берганлари жиҳатидин Ҳижозга сафар этмакдин мамнун эрдилар ва зоҳир юзидин Ҳарамайни шарифайн зодаҳумаллоҳу шарафан ва кароматанга етушган йўқ эрдилар. Лекин Амир хизмати Абдул Ваҳҳоб шайху-л-исломи Ироқ карроту марот нақл этиб эрдиларким: “Ман Маккаи муаззамада Ҳазрати Шайх Абул-л-Муътоким, Ҳазрати қутбу-л-орифийн Шайх Абул-л-Кабир Яманий қуддиси сирруҳудин сўнг аҳли Ҳарамнинг муқтадоси, илми шариат ва тариқат толиблариға маржъ эрдилар, оларнинг мулозаматлариға борур эрдим. Бир кун тақриб била Ҳазрати Эшоннинг шамойилу маноқибларидин Шайх Абул-л-Муътога шаммае баён этдим. Ойтдилар: “Таърифу тавсияға ҳожат йўқ турур, ман бу ерда Ҳазрати Эшон била кўб суҳбат тутдим ва кўб мулозаматлар этдим”. Ва Ҳазрати Эшоннинг хасойислари ва шамойилларидин ул чоғлиг баён этдиларким, онга ўхшар эрдиким, неча йиллар ул Ҳазрат била суҳбат этиб турурлар.

Хизмати Мавлонозодаи Фаркатийким, Мавлоно Низомуддин Хомуш алайҳи-р-рахманнинг муриди эрди ва Мавлононинг вафотларидин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини ҳам кўб этиб эрди, баъзи удули сақот олардин нақл этдилар. Ул ойтиб турурким, бир кун Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида бир деҳадин яна бир деҳага бордилар. Иттифоқан қиш фасли эрди, кун ғоят кўтоҳликда йўлда намози аср ўқудук. Кун кўб кеч бўлуб, офтоб саргармоққа юз қўюб эрди ва то борур манзилимизга ҳануз икки фарсах бор эрди. Ва ул саҳрода бўл гудек ҳеч паноҳ ва ором олгудек ҳеч жой йўқ эрди. Хотиримға келдиким, кун ба-

ғоят кеч бұлбұдур, йұл мухотара ва ҳаво қаттиғ совуқ ва кўб масофат олдимизда, ҳолимиз нечук бұлбұ экан. Ҳазрати Эшон отларини қаттиғ ҳайдаб борур эрдилар. Вақтиким, бу хотир так-рор этиб, ғалаба этди, орқаларига қараб ойтдиларким: “Кўрқманглар ва хотирингизға тарадуд этмакка йұл берманг ва тез ҳайданг, эҳтимоли бордурким, ҳануз офтоб гуруб этмай, мақсадға етушгаймиз”. Бу сўзни ойтиб, отга қамчи урдилар ва тезроқ ҳайдадилар. Ва бизлар ҳам Ҳазрати Эшоннинг изларида қаттиғ ҳайдар эрдук ва ҳар замон офтобнинг журми га қарар эрдукким, уфқнинг канорида шундоғ турубдур, ҳеч тариқа гуруби ва уфули йўқ турур. Онга ўхшар эрдиким, магар они уфқға мих этибдурлар, то вақтиким, ул деҳанинг девор пораларига етушдук, шул вақтда баякбор офтоб шундоғ ғойиб бўлдиким офтобдин ҳеч асаре ва шафақнинг баёзи ва ҳумратиким, гурубдан сўнг бўлур, ондин ҳам асаре боқий қолмади, олам баякбор қоронғу бўлди, ул масобихдаким, алвон ва ашколнинг руъяти мумкин эрмас эрди. Ҳайрат ва ҳайбат манга ғолиб бўлди ва яқин билдимким, ул тасарруфе эрди, Ҳазрати Эшон кўргуздилар. Охир бетоқат бўлдим, отимни суруб, Ҳазрати Эшонга яқин ҳайдадим ва ойтдим: “Эй Хожам, ҳасбатан лиллоҳ, ойтин гким, бу на сир турурким, мушоҳада этдук?” Ойтдилар: “Бу тариқатнинг шўъбадаларидин бир шўъбададур”.

### УЧИНЧИ ФАСЛ

*Ҳазрати Эшоннинг кароматлари ва мақомотларининг зикрида турурким, авлодлари ва куммал асҳоблари ул Ҳазратдин мушоҳада этиб, нақл этибдурларким, ҳар нақлнинг иродиди ноқилнинг ҳам аҳволидин шаммае бар сабили ижмол мазкур бўлур*

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Абдуллоҳким, Хожа Калон ва Хожагон Хожа лақаби била машҳур эрдилар раҳматуллоҳи таъ оло.

Ҳазрати Эшоннинг аввалғи фарзандлари эрдилар. Улуми зоҳирий ва ботинийнинг анвои аснофлари била ораста ва до-нишманди мутабаҳҳир эрдилар. Улуми ақлий ва нақлийда дара-жайи камоллари бор эрди. Китоб ва суннат улумининг ҳақойиқла-рида ондоқ дақиқу-н-назар ва ҳадиду-л-басар эрдиларким, олар-нинг назари ҳақиқатбинларидин ҳеч бир дақиқа пушида эрмас эрди. Ва бовужуди улуми зоҳирийларда табаҳҳур била Ҳазрати Эшоннинг нисбати ботинларидин ҳам бағоят баҳраманд эрдилар.

Ва баъзи маҳодимким, мулозаматларини мудовамат этиб эрдилар, оларнинг тасарруфот ва ҳавориқи одатларидин ҳикоётлар қилур эрдилар. Ҳазрати Эшон хизмати Хожাগонга кўб таъзим ва тавқим ондин зиёда қилур эрдиларким, отолар фарзандларига нисбат бажо келтурдилар. Бир кун маҳаллаи Хожа Кафширда мушоҳада этилдиким, Ҳазрати Эшон муҳавватаи Муллоёнда бир хужрада фўтага ширу шакар боғлаб, бетакаллуф ўлтириб эрдилар, асҳоб ва худдомнинг ҳавоссларидин баъзилар мулозаматларида эрдилар, ногоҳ бир киши хабар келтирдиким, хизмати Хожа Калон келурлар. Ва олар ул вақтларда Варсайнда бўлур эрдиларким, ўзлариға хос деҳа эрди ва шаҳардин то ул ергача икки фарсах йўл эрди. Ва ҳар икки-уч ойда бир мартаба Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига келур эрдилар ва кам келмаклари ниқор(гина) жиҳатиданким, олар била кичик биродарлари хизмати Хожа Муҳаммад Яҳёнинг ўртасида воқеъ эрди. Вақтиким, Ҳазрати Эшон эшитдиларким, Хожাগон келурлар, ойтдиларким: “Манинг дасторим, фуржим ва массимни келтурунг”. Бас, муборак бошларидин фўтани<sup>1</sup> олиб, дастор боғладилар ва массиларин кийиб, фуржиларини эгниларига олиб, ўринларидин туриб, Хожাগоннинг истиқболиға неча қадам илгари бордилар. Бас, Хожани хужрага келтириб, ўз яқинларига, ҳамма асҳобдин муқаддам ўлтур гиздилар ва Самарқанднинг уламолари ва маволийларидин ҳам бир жамоа Хожাগон била ҳамроҳ кирдилар. Бир замон сукут этганлардин сўнг Ҳазрати Эшон Хожাগонга ойтдилар: “Сўз ойтинг, фойда еткурунг”. Хожাগон тавозуъ этдилар ва Ҳазрати Эшон “Тафсири Қозийи Байзовий”ни очдилар ва бир оятда г ўфтуғйй оғоз этдилар ва Хожাগон ул оятда уламои зоҳирнинг кўб ақволларини ва аҳли ботиннинг кўб ҳақойиқларини ойтдилар. Ондоғким, ҳозир донишмандлар оларнинг табаҳҳури ва истиҳзоридин мутаҳаййир бўлдилар. Сўнг дастурхон била нону шарбат келтурдилар. Вақтиким, фориг бўлдилар, бир лаҳзадин сўнг Хожাগон турдилар ва Ҳазрати Эшон неча қадам мушойаъа этдилар. Ондин сўнг келиб массиларин чиқардилар ва дасторларни олиб, фўта боғладилар.

Бир кун Ҳазрати Эшон маҳаллаи Кафширдин Хожাগоннинг парастишларига азимат этиб, Варасайнға мутаважжиҳ бўлдилар. Ва фақир пиёда танҳо изларидин равон бўлди ва йўлни адашиб, саргардонликлар тортиб, ул кеча йўлда қолди. Вақтиким, эртанги

---

1 Фўта — ипак ўрама белбоғ, баъзан у салла сифатида бошга ҳам ўралади.

кун Варасайнга келди, Ҳазрати Эшон яна бир деҳага ташриф этиб эрдилар. Лекин ул жойда Ҳожагоннинг шарафи мулозаматларига етушулди ва олар мундин аввал бу фақирнинг отини эшитиб эрдилар ва бу фақирнинг отосининг баъзи мусаннафотларини кўрган эрканлар. Вақтиким, бу фақирни танидилар, кўб илтифот этиб, волиднинг аҳволларидин хабар сўрдилар ва ойтдилар: “Эшитибманким, онинг нафсиг а ҳавосу авомнинг нуфусларида таъсири тамом бор турур ва фақирнинг дақойиқлари ва таъвилнинг ҳақойиқларида беназир ва беадил турур”. Ондин сўнг бир неча сўзлар ўртага келди. “Ё нору куни бардан ва саломан ала Иброҳима”<sup>1</sup> ояти каримасининг тафсирига тақриб била шуруъ этдилар ва уламои зоҳир ва ботиннинг ақволларини кўб этдилар ва таъвили ҳукамониким, ойтурларки, мурод нордин Намруднинг ғазабининг ўзи эрди ва барддин мурод онинг нойираи ғазабининг атфи эрди, ҳаммаси рад этдилар. Ва яна ҳам оларнинг муқаддамот маъқулалари била исбот этдиларким, ул нори унсурий эрдиким, буруда тонинг моҳиятига ориз бўлди. Ва бу маънининг исботида аҳли таҳқиқнинг ақволларидин ва дақиқ сўзларидин ул чоғлиқ баён этдиларким, агар киши они қайд этса эрди, ул бобда бир рисола ёзса бўлуру эрди.

Ондин сўнг бу фақирни уч кеча-кундуз сақладилар. Уйқу вақтинин бошқа вақтда танҳо қўймадилар ва ул айём ва лайолида зоҳир ва ботин юзидин алтоф ва иноятлар этдилар ва хилватларда Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларининг одобиға ва мулозаматларининг шароитиға ишорат этар эрдилар ва бу тоифаи алийянининг тариқалари ва дақойиқларидин нукталар ойтур эрдилар. Уч кундин сўнг фақирға рухсат бердилар. Маҳаллаи Хожа Кафширға отлиғ қайтардилар.

Олар Шоҳбатхон (Шайбонийхон)нинг зуҳур этиб, ўзбекни Самарқандға истило топгон замонларида қочиб, Андижон тарафиға бордилар ва ул ерда дору-л-қарорға рихлат этдилар. Қабри мубораклари ул жойда турур<sup>1</sup>.

Хизмати Ҳожагон ойтур эрдиларким, мабодийи ҳолдаким, Ҳазрати Эшон Тошкандда бўлуру эрдилар, бу фақирнинг аммаси кунлардин бир кунда хоҳладиларким, ақраболардин бир заифа оларнинг ҳамсолияқларида касал эркан, они иёдат этмакчи бўлдилар. Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Иёдат этмак ҳожат эрмас” деб, мо-

<sup>1</sup> Эй, олов! Иброҳим учун салқин ва омонлик (яъни, куйдирмайдиган. музлатмайдиган) бўл! (Анбиё. 69-оят.)

ний бўлуб, ондин сўнг Фаркат тарафига кетдилар. Ҳазрати Эшон кетганларидин сўнг бу фақирни аммаси икки-уч кундин сўнг ул маризнинг иёдатини қасд этиб, ўзига ойтибдурким: “Ҳазрати Эшон кетдилар, бир лаҳза бориб касал сўрайин ва силаи раҳм бажо келтуройин”. Вақтиким, қадамини уйдин ташқари қўйубдур, Ҳазрати Эшонни отлиғ кўрубдурким, пайдо бўлдилар ва ойтдиларким, иёдатига борурсизлар, қайтинг, кўрқмасмусизмуким, сиз ҳам касал бўлуб, иёдатга муҳтож бўлурсиз?” Ва олар қойтиб, вақтиким, қадамларини уйга қўйдилар, касал бўлдилар. Ва таби маҳруқ бўлуб, тўшақда ётдилар. Ва неча кундин сўнгким, Ҳазрати Эшон Фаркатдин мурожаат этдилар, фақирнинг аммасининг иёдатига келдилар ва ойтдиларким: “Касал сўраб касал бўлмоқ не даркор эрди?”

Яна ҳам хизмати Хожагон ойтдиларким: “Бизнинг амма нисои орифотдин эрди. Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари воситаси била даражоти олиётга етушуб эрди. Гоҳ-гоҳ Ҳазрати Эшондин нақллар этар эрди ва ойтур эрдиким: “Ҳазрати Эшон йигитлик вақтларидаким, Тошкандда бўлуб эрдилар, ҳар қачон Ҳазрати Эшонга қабзе ориз бўлса мукаррар уйдин чиқиб кетиб, яна келур эрдилар. Ва ҳар мартаба уйга кирганларида халъи либс тариқи била бошқа сувратда зоҳир бўлур эрдилар. Агар фаразан ўн мартаба кирсалар, ҳар мартабада бошқа бир сувратда бўлур эрдилар, Ондоғким, уйда хотунлар бегонанинг шаклу сувратини кўруб, галатга тушуб, фарёд қилур эрдилар. Ҳазрати Эшон ул сувратни халъ этиб, табассум кўргузуб ва ул қабз муртафиъ бўлур эрди”.

Бу халъи либс санъатини Ҳазрати Эшондин аксар қабз ҳолатларида мушоҳада этардилар. Ва ул Ҳазратнинг халъи либс этганларининг жумласидин турур, улчаким, Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон Жомий қуддиси сирруҳу “Нафаҳоту-л-унс”да ёзиб турурларким: “Жаноби иршод маъобий Хожа Носируддин Убайдуллоҳ адомаллоҳу таъоло зилола иршодиҳи ала мафориқи-т-толибин ойтдилар: “Вақтиким, Мавлоно Яъқуб Чархий алайҳи-р-раҳманинг суҳбатлариға бордим, муборак юзларида табиатнинг нафратига мувжиб бўладургон нимарсага ўхшаш андак оқ бор эрди ва манга сиёсат ва дуруштгўй либосида зоҳир

---

1. Кўлёмзада қуйидаги маълумот йўқ: “Вафотидан сўнг уларнинг жасадини Тошкандга олиб келдилар ва Абу Бакр Қафқолнинг қабрлари ёнимга, волидаларининг пойларига дафн этилди”. Бошқа манбада: “Абу Бакр Қафқол қабри ёнида Низомиддин Хомуш қабри пойига қўйилган” дейилади.

бўлди ва ул чоғлиқ сиёсат этдилар ва қаттиғ сўзлар ойтдилар, яқин эрдиким, манинг ботиним олардин мунқатигь бўлса ва манга яъси қуллий ҳосил айланса. Кўб маҳзун ва мағмум бўлдим. Яна бир мартабаким, мажлиси шарифига бордим, манга маҳбублиқ сувратида зоҳир бўлдиларким, ҳаргиз ҳеч кишини ондоқ маҳбуб кўргоним йўқ эрди ва манга кўб лутфлар кўргуздилар”. Ва бу вақтдаким, Ҳазрати Хожа бу сўзни ойтдилар, бу фақирнинг назарида азизенинг сувратида бўлдиларким, манга ул азизнинг нисбатига робитаи иродат ва муҳаббати тамом бор эрди. Неча вақтлар бўлуб эрдиким, дунёдин ўтуб эрди. Ва дарҳол ул сувратни халъ этдилар. Манга ул тасаввур бўлдиким шояд ул суврат танҳо маннинг ҳаёлимда бўлгон бўлса. Ондин сўнг баъзи ҳамроҳлардин эшитдим, улар ҳам мушоҳада этиб эрдилар ва фақирнинг ақидаси ул турурким, ул халъи либс оларнинг шуъур ва ихтиёрлари била эрди. Ул маънининг исботи учунким, хизмати Мавлоно Яъқубдин нақд этдилар”.

Мавлоно Ҳожи Мазорий ва Ҳофиз Исмоил Рухийким, иккилари ҳам Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг асҳобларидин эрдилар, бу хуруфнинг роқами (яъни, Али Сафий) олардин эшитдиким, ойтдилар: “Бизлар ул кун Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ҳамроҳлари эрдук ва ул халъи либсни Ҳазрати Эшондин мушоҳада этдукким, Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг сувратларида бўлдилар ва бу суврат Ҳиротда Жўйи Инжил лабида Саййид Қуноднинг манзилида бўлиб турурким, Султон Абу Саъид Мирзонинг замони эрди”.

Хизмати Хожагон алайҳи-р-рахма ойтур эрдиларким, ул таърихдаким, Ҳазрати Эшон ҳануз Тошканддин кўчлари била Самарқанд келган йўқ эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг худдомларидин бири Самарқанд кетмакчи бўлди. Онга ойтдиларким: “Ул жойдин бизнинг учун неча қути асали мусаффо келтург ил”. Ва ул Самарқандда неча қути йўниб, дуруст этиб, асалдин тўлдуруб, бошларини сахтиён била маҳкам қилиб, муҳр этиб олиб равон бўлди. Иттифоқан Самарқанд бозорида бир муҳим учун базозонинг дўконида қутиларни олдида кўюб бир замон ўлтурди. Ногоҳ бир хушрўй маст хотунким, базозоннинг ошиноси эрди, ул ерга келиб, лаҳза ул дўконнинг канорида ўлтуруб, базозоға гўфтугўй этди. Ва ул ходим икки-уч ҳаром назар онинг тарафига ташлади. Ондин сўнг сарфи назар этиб, қутиларни онинг олдидин олиб, Тошканд келтурди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг манзилларига келди, ул Ҳазрат саҳроға кетиб эрдилар, ул қутиларни маҳфуз этиб, хоҳла-

диким, изларидин олиб борса. Ногоҳ Ҳазрати Эшон келдилар ва ул ходим ул қутиларни ёнлариға келтурди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг назари муборақлари ул қутиларға тушди, дарғазаб бўлдилар ва ойтдиларким: “Бу қутилардин шаробнинг иси келур”. Ва онга нисбатан тунд бўлдилар ва ойтдиларким: “Эй бесаодат, ман сандин асал талаб этибман, сан манинг учун шароб келтурурсан”. Ул ойтибдурким: “Ман асал келтурдим”. Ҳар қутинингким, сарпўш очдилар, тўла шароб эркан”.

Пушида қолмасунким, хизмати Хожাগон Ҳазрати Саййид Тақийуддин Муҳаммад Кирмонийнинг домодлари эрдилар. Ва аларға Саййиднинг сулбиясидин уч ўғул ва икки сулбиййа бор эрди. Ўғуллари Хожа Низомуддин Абдулҳодий ва Хожа Хованд Маҳмуд ва Хожа Абдулҳақ раҳматуллоҳи таъоло эрдилар. Ва хизмати Хожাগонга Саййиднинг сулбиййалари вафот топгондин сўнг, яна бир нисбатлари Хожа Муҳаммад Низомғаким, соҳиби “Ҳидоя”-нинг авлодларидин эрди, воқиб бўлди. Ва онинг сулбиййасидин ҳам уч ўғул ва икки ночор (қиз)лари бор эрди. Ўғуллари Хожа Абдул Азим, Хожа Абдул Рашид ва Хожа Абул Файздор. Хизмати Хожাগонга туркиййаи хоссадин Хожа Абдушшаҳид отлиғ яна ҳам бир ўғул бор эрди.

### *Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг иккиланчи фарзандлари эрдилар ва ул Ҳазратга бағоят мақбул ва маҳбуб эрди. Ондоғким, Ҳазрати Эшон ахийри ҳаётларида ўзларининг тувлиясини<sup>1</sup> онга тафвиз этдилар. Ҳар қачон хизмати Хожа Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келсалар ул Ҳазрат кўб ҳақойиқ ва маъорифлар ойтиб, ул сўзларда мухотаби Ҳазрати Хожа бўлур эрдилар, бовужуди уламо ва урафодин оларнинг асҳоби кибори ҳозир эрдилар.

Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдуorraҳмон Жомий қуддиса сирруху хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё алайҳи-р-раҳмаға кўб мўлтақид ва таъриф қилур эрдилар. Бир кун ойтдиларким: “Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳёнинг Хожাগон қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқалариға муносабати тамомлари бор турур. Ва Хожাগонга нисбати илмиййа ғолиб, Хожа Муҳаммад Яҳёға нисбати жазаба ғолиб турур. Ва ул кунлардаким, хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё Ҳирогга ташриф келтурур эрдилар, бир кун ойтдиларким:

<sup>1</sup> Тувлия - насийлик, ҳомийлик.

“Мавлоно Муҳаммад Рухийни кўрмакка борурмиз, сан ҳам ҳамроҳ бўлгил”. Мулозаматларида бордим. Хизмати Мавлоно кўб таъзим ва адаб била уйларидинким, Масжиди Жомеъга муттасил эрди, ташқари чиқиб, хизмати Хожа Муҳаммадни кўруб, манзиллариға келтурдилар ва гарм суҳбат тутдилар. Ва ул мажлис аввалдин ахийриғача сукут била ўтди. Эртанги куни Мавлононинг хизматлариға бордим. Ойтдилар: “Эй фалон, бу на латофату хусни истеъдод турурким, Хожа Муҳаммад Яхёда турур? Ўтган кунким, суҳбатда ўлтурдилар, оларнинг лутфи нисбатлариға шундоғ шифта бўлдим, яқин эрдиким, ниҳодидин фарёд чиқса”. Бу сўзни олардин Хожанинг хизматлариға арз этдим. Хушвақт бўлдилар. Ва ойтдиларким: “Ман тунов кун Мавлононинг суҳбатларида ўзумни нафй этиб, оларни исбот этдим. Ҳар нимарсаким, мандин кўрдилар, ўзларидин кўрубдурлар”.

Хизмати Хожанинг Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, ул Ҳазратнинг мазори фойизу-л-анворларида ўлтириб, Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқалариға азим машғуллиқлари бор эрди ва хотири шарифларини бу азизларнинг нисбати жамъийалариға нисбат этиб эрдилар. Ва неча йиллар вазиғалари ул эрдиким, вақтиким, намози хуфтанни жамоат била ўқудилар, камарлариға фўта ўраб, ул Ҳазратнинг қабри муборакларининг муқобаласида икки тизларида муруқабат ўлтурдилар, бар важҳеким, жавориҳлари ва аъзолари зиёдати ҳаракотдин маҳфуз эди. Намози таҳажжуддин<sup>1</sup> бошқа вақтда ўринларидин турмас эрдилар. Ложарам, асҳоблар суҳбатда оларнинг нисбатлари осоридин Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларидаги жамъийятни топар эрдилар ва кўб мутаассир бўлур эрдилар.

Аҳолийи Хуросондин бир кишиким, Хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум хонадонлариға иродати ва ихлоси тамоми бор эрди, Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, Самарқанд бориб эрди. Ул ойтур эрдиким: “Хожа Кафширнинг маҳалласи Ҳазрати Эшоннинг сармазорларида Хожа Муҳаммад Яхёнинг мулозаматлариға кўб борур эрдим ва оларнинг суҳбатларида ҳузурни тамоми топар эрдим, то бир кун уйлариға бордим ва олар ҳарамда эрканлар. Долонда бир дўкунчада ўтириб, оларға мунтазир эрдим. Хотиримға келдиким, Ҳазрати Эшон гоҳ-гоҳ мустаъидларнинг ботинига тасарруф этиб, оларни беҳудлиқ ва бешуурлиқ оламиға еткурур эрдилар. Оё. Ҳазрати Хожанинг қуввати тасарруфлари йўқму ё

<sup>1</sup> Намози таҳажжуд — субҳдан илгари туриб ўқиладиган намоз.

қобиле йўқмуким, онинг жамъиятига хотири нисбат этсалар? Бу андишгага тушдим ва хотир манга галаба этди. Ногоҳ Ҳазрати Хожа чиқдилар ва манга яқин ўлтуриб, замоне сукут этдилар. Ондин сўнг ойтдиларким: “Арбоби тасарруф неча навда бўлурлар, баъзилари маъзун ва мухтор турурларким, Ҳақ субҳонаҳунинг изни ва ўзининг ихтиёри била ҳар қачон хоҳласалар ва ҳар кишининг ботинига хоҳласалар тасарруф этарлар ва они мақоми фано ва беҳудликқа еткурурлар. Баъзилари ул қабилдин турурларким, бовужуди тасарруфга қувватлари бўлуб, то ғоибдин маъмур бўлмасалар тасарруф этмаслар ва пешгоҳдин маъмур бўлмай, кишига таважжуҳ кўргузмаслар. Ва баъзилари ондоқ турурларким, гоҳ-гоҳ сифате ва ҳоле оларга ғолиб бўлуб, ул ҳолнинг галабасида, вақтиким, мағлуб бўлсалар муридларнинг ботинига тасарруф этиб, ўз ҳолларидин оларни мутаассир қилурлар. Бас, кишиким, на мухтору на маъзуну на маъмуру на мағлуб бўлса, ондин тасарруф на қилур, деб кўз тутмасун”. Бу сўз аросида илтифоте этдиларким, манга кайфияте даст бериб, беҳудлик ва бешуурлик бўлуб йиқилдим ва ўзумдин ўзумнинг ғайридин зоҳил бўлдим. Бу беҳудлик кўб замон борди. Шуурга келгондин сўнг, кўзимни очдим, кўрдимким, ул дўкончада бир ёнимга йиқилиб ётибман. Ва хизмати Хожа кўзларини юмуб, муроқиб бўлуб ўлтуруб турурлар. Дарҳол туруб ўлтурдим. Ва манга яқин бўлдиким хизмати Хожа арбоби тасарруфдин турурлар”.

Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё кўб ғаюр ва тундхўй эрдилар. Ва Ҳазрати Эшонга ғояти муҳаббатларидин ғибта ва ғайрати азимлари бор эрди. Гоҳиким, ул Ҳазратнинг мажлисларига кирсалар асҳоблар оларнинг кўркусидин суҳбатни кўёр эрдилар. Онинг учунким, баъзи асҳоблар Хожадин лат ва койиш кўруб эрдилар. Ва Ҳазрати Хожа уч мартаба асҳобларнинг ғайратидин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини ва суҳбатларини тарк этиб ва мажлисни кўюб, ҳижознинг сафарига мутаважжих бўлдилар. Аввалги мартаба то Бухороғача бордилар. Иккиланчи мартабада Ҳиротдин қайтдилар. Учланчи мартаба то Яздғача бордилар, лекин ҳар мартабаким, Хожа сафар ихтиёр этдилар, Ҳазрати Эшон қуввати жозиба ва таважжуҳи ботин била Хожани йўлдин қайтардилар. Бир кун Қаршида хизмати Хожа намози пешиндин сўнг Ҳазрат Эшон била кўб хилват этиб, ўз аҳволи ботинларидин арз этдилар ва ул Ҳазрат кўб илтифотлар қилиб, суҳбат ҳам бағоят гарм эрди ва асҳоблар ташқарида. То намози дигарнинг вақти бўлиб, муаззин бу хилватдин ва бу суҳбатдин хабари йўқ намознинг аввал вақтида

азон айтди ва Ҳазрати Эшон таҳорат этмак учун турдилар. Ва баъзи сўзлар итмомига етмай, ёримчиқ қолди. Ва Хожа гумон эттиларким, магар асҳоблар ғайрат ва рашк этиб, муаззинни қасддан тезроқ азон айтмоққа тарғиб қилиб, суҳбатни бузгон бўлсалар. Хожа ғазоби тамом била ташқари чиқтилар ва асҳобларга ойтдиларким: “Инак ман кетдим, Ҳазрати Эшонни сизларга қўйдум, то манинг мазҳаматим бўлмай, фароғат суҳбат тутунглар”. Шу лажза Ҳазрати Эшондин сафарга рухсат олмай, отланиб, Ҳижоз сафарига азимат этиб, Хуросонга юз қўйдилар. Ондоким, бироз фурсатдан сўнг ходимлари ва мутааллиқлари воқиф бўлуб, тева ва хачирларни қатор этиб ва асбоби сафарга тартиб бериб, таъжил била изларидин кетдилар. Дарёйи Омуюнинг лабида Хожанинг хизматлариға мулҳақ бўлдилар. Вақтиким, Хожа ул куннинг беғоҳида Қаршидин чиқиб равон бўлдилар ва асҳобларнинг орасиға шўру гавғо тушди. Ва ул қиссани Ҳазрати Эшонга арз этдилар. Ва ул Ҳазрат Хожанинг кетганидин мутаассир бўлуб, бир қосидни бор сабили таъжил Хуросонга Ҳазрати Махдумий Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон Жомийнинг ёнлариға йибордиларким: “Агар қўлдин келса, Хожани қайтарсунлар”.

Вақтиким, Хожа Ҳиротга келдилар, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруҳунинг сармазорларида Хожа Абул Барақанинг манзиллариға нузул этдилар. Ва Ҳазрати Махдумий қайтмоқнинг муқаддималарини ҳусни иборот ва лутфи истиора била ўртаға келтурдилар. Хожа адаб ватавозуь юзидин ойтдиларким: “Бу сафарнинг азимати хотирда шундоғ тасаммум топибдурким, онинг дафъиға қодир эрмасмиз”. Мундин сўнг Ҳазрати Махдумий ҳеч сўз демадилар ва Ҳазрати Эшоннинг хоссалари маънос бўлуб қайтди. Бир ҳафтадин сўнг Хожа Язд тарафиға мутаважжих бўлдилар. Вақтиким, Яздға етушдилар, ҳар мартабаким, ул ердин кетмакни қасд этсалар, оларни таби муҳриқ тутар эрди. Вақтиким, азиматларини фасх этсалар, филфавр таблари қолур эрди. Охир билдиларким, Ҳазрати Эшон юбормаслар, токим ул кунлардаким, Язд-да қолиб эрдилар, бир кеча туш кўрдилар. Вақтиким уйғондилар, ҳам шул кечада изтироби тамом била бехудона фи рошларидин туриб, пиёда, кафш била тавилаға бориб, хосса отларини шул туришда яланғоч миндиларким, муза киймакка ва отга эгар қўймоққа мажоллари йўқ эрди. Мулзозимлар ва ходимлар ўринларидин туриб, ёнлариға бордилар. Хожа ойтдиларким: “Отни эгарлаб, музани олиб, изимдин келингларким, Ҳазрати Эшон мани талаб этдилар ва макс этмакка мажол йўқ турур”. Бас, яланғоч

отни оёқлари била ҳайдаб, таъжили тамом била Хуросонга мутаважжих бўлдилар. Мулозимлар ва мутааллиқлар ихмол ва асқолларни олиб, истеъжол ва суръат била яна бир манзилда Хожага етушдилар. Вақтиким, Ҳирот келдилар, мажולי таваққуфлари йўқ эрди. Бу ҳуруфнинг роқими (яъни, Али Сафий) ҳам аларнинг мулозаматлари ва муурофақатларида Самарқандга мутаважжих бўлди. Ва бул сафар рабиъ ул-охир ойининг авойилида сана саккиз юз тўқсон учда (1487й.) эрди. Бовужуди улким, бу фақирнинг оти ва хачири пўрзўр ва ҳамвор эрди, то Чилдухтарондин зиёд ҳамроҳлик эта билмади. Ул жиҳатдинким, Хожа кўб тез ҳайдаб эрдилар ва кўб отлар олардин йўлда қолди. Доимо хотиримга келур эрдиким, Хожанинг хизматлариға арз этайинким: “Ҳижознинг ул мусаммам азимати на эрди ва суръат била муурожаат на турур?” Яна адаб сақладим, токим ўзлари изҳор этгайлар. Вақтиким, Чилдухтаронга етулди, ойтдилар: “Эй, фалон, ман бағоят тунд юрарман ва сан манинг ҳамроҳлиқимдин ташвишга тушарсан, керакким, бизнинг мутааллиқларимиз билаким, тевалари бордур, олар била фароғат келурсан, то Самарқандда бизга етушгайсан. Шоядким, хотирингга келган бўлсаким, Ҳижознинг ул мусаммам азимати на эрди-ю ва бу муурожаати сариъа на турур? Ҳол бу турур: худ бир кеча сафари Ҳижозни Яздда жазм этдим, уйқуда кўрдимким, Ҳазрати Эшон келдилар ва манинг кафшимни Самарқанд жонибиға ойлантирдилар. Вақтиким уйғондим, қулқу ва изтироб ва шавқи инжизоб Ҳазрати Эшон тарафиға ботинимда мавжуд топдиким, мани бетоқату беором қилди. Максү таваққуф этмакка мажол қолмади. Ҳам ул кечанинг ичида ўрнимдин турдим, пиёда кафш била тавила бордим. Бир яланғоч отга миндим. Шундоғ тез ҳайдаб, суруб, равон бўлдимким, мушоҳада қилурсан. Ва Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари жазбнинг камандини жонимнинг бўйниға ташлаб, торта-торта ўз тарафлариға югуртурур. Яқин билурманким, то Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бормасам бу қулқу изтироб таскин топмасдур”. Бу сўзни ойтдилар ва отлариға қамчи уруб ҳайдадилар ва фақиру мулозимлари ва тевачилари бир ойтдин сўнг Самарқандда мулозаматлариға восил бўлдилар.

Хизмати Хожа ойтур эрдиларким: “Язд муурожаатидин неча кунлар ўтгандин сўнг яна манга Ҳижоз сафарининг доияси бўлди ва бу доия қувват топди. Мавлоно Саййид Ҳасаннинг хизматиға тавассул этдимким, манинг учун рухсат ҳосил этсалар. Ва хизмати Мавлоно фурсат вақтида арз этдилар. Ҳазрати Эшон сўрдиларким: “Бу сафардин онинг гарази на турур?” Хизмати Мавлоно

мандин сўрдилар, ойтдим: “Бу ҳадис манга боис бўлурким, Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам ойтиб турурларким: “Ман зорани маййитан фақааннама зорани ҳайян”<sup>1</sup>. Ҳазрати Эшон ойтдилар: “Бизга уч кун муҳлат беринг, то кўрайликким, маслаҳат не турур. Учланчи кечада уйқуда кўрдимким, Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам зоҳир бўлдилар, ман бошимни ул Ҳазратнинг қадамлариға қўйдум. Ойтдилар: “Волидингни олиб келгил, то суҳбат тутурмиз”. Ман югуруб бориб, Ҳазрати Эшонни огоҳ қилдим, таъжил била келдилар ва Ҳазрати Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам оларни ўнг тарафларида ўлтурғиздилар, ман рўбарўларида ўлтурдим. Ман бошимни ошоқ солиб, кўзумни юмдим. Бир лаҳзадин сўнг бош кўтардим. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламни икки тан кўрдим, олар зоҳир эрмас эрдилар. Ҳар неча амъони назар этдим, ул Ҳазрат алайҳис салом била оларнинг аросида ҳеч ваҳж била имтиёз муяссар бўлмади. Ва маълум ойланмадиким, ул Ҳазрат қайси ва олар қайси турур. Бу ҳайрат ва даҳшатда уйғондим. Вақти саҳар эрди, дарҳол таҳорат этдим ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим. Кўрдимким, намоз ўқиб, муроқиб бўлуб ўлтирибдилар. Оҳиста келдим ва ўлтирдим. Муборак бошларини кўтариб ойтдилар: “Эй Хожа, арзингиз ҳосил бўлди ва муродингизни топдингиз, эмди бизга ташвиш берманг, қариб турурмиз ва дийдор ғанимат турур”. Ман оларнинг қадами муборақлариға бош қўйдим. Мундин сўнг ботинимда ул добийларнинг амсоллариға йўл бермадим”.

Яна ҳам хизмати Хожа ойтдиларким: “Ҳазрати Эшон мани тариқи робитаға ишорат этиб эрдилар. Ул шуғлнинг мабодийсида вақти Ҳазрати Эшоннинг ёнларида ўлтуруб эрдим ва асҳоблардин жамъи ҳозир эрдилар, манинг хотиримға келдиким, оё Ҳазрати Эшоннинг юзлари га таважжуҳ этилсаму ё кўзлари га? Вақтиким, ул Ҳазратнинг тарафлариға назар этдим, шаҳодат бармоқларини муборак қошларининг ўртасида қўйдилар. Маълум бўлдиким Ҳазрати Эшоннинг икки қошларининг ўртасига назар этмак керакдур. Асҳоблар кетиб, хилват бўлгондин сўнг шул ваҳжта тасриҳ этдилар.

Яна ҳам Хожа ойтдиларким: “Бир мартаба ботинда манга ташвиш бор эрди. Кўб паришонхотирлиқ била Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға келдим. Саркорлардин бир жамоа ҳисоб ўткарурлар. Гуфтуғуйлари узоққа тортиди ва ман бағоят малул ва тангдил бўлдим.

<sup>1</sup> Кимки мени вафотимдан сўнг зиёрат этса, ҳаётлик чоғимлатидек зиёрат қилган бўлади.

Ногоҳ, ондоғким, бир дарахт сичадин тўла бўлса, бир киши ул дарахтга тош отса, ҳама сичалар бирдин учуб қочарлар, манга кайфияте бўлдимкин ботиним ҳужуми хавотирдин ва ул паришонлиқким, бор эрди батамом халос бўлди ва итминони дил ҳосил бўлди. Бу ҳолда Ҳазрати Эшон тарафига назар этдим. Кўрдимким, ул Ҳазратнинг муборак кўзлари манда ва тез-тез манга қарарлар. Бас, оҳиста, ондоғким, ман эшитдим, ойтдилар: “Бу бор ул бор ва бу ҳам бор”. Ондин сўнг саркорларга ойтдилар: “Турунларким, манинг онинг била ишим бор турур”. Вақтиким, одамлар кетдилар, Ҳазрати Эшон манга тунд бўлдилар ва ойтдилар: “Мунинг билаким, кишининг ботинида ташвиш бўлса, онинг хотири учун ўз кор-борини қўюб бўлмас, бу тариқа нимарсаларни кўнгилга келтирмаслик керак. Мабодо маҳалли бўлсаким, ул жойда атолиқ ва ўғуллук сифмасдур, саъй онда этмак керакдурким, киши бу нимарсаларни кўргандин тангдил бўлмасун ва ташвишга тушмасун”.

Ҳазрати Эшон хилватда хизмати Хожа Муҳаммад Яҳёга Ҳазрати Имоми Ҳумом саъиди шаҳид Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн разийаллоҳу анҳунинг зикрларини кўб ойтур эрдилар. Ул Ҳазратдин ҳикоят ва ақвол келтурур эрдилар. Ва ойтур эрдилар: “Санинг истеъдодинг манинг Ҳазрати Имомнинг руҳониятлариға муносабати ва мулоимати тамом турур ва ул Ҳазратнинг шурбларидин ҳаззи авфар била муҳтазз бўлурсан”.

Ҳазрати Эшоннинг вафотларидин сўнг, вақтиким, Шохбахт-хон (Шайбоний) Самарқанд вилоятига истийло топди, муҳаррам ойининг авойилида сана тўққуз юз олтида (1500) хизмати Хожани мувоҳоза ва мутолаба этдилар. Жамии жиҳат ва амволу асбоб ва амлоқларини тасарруф этдилар. Ва хизмати Хожа ул вақтларда ойтур эрдиларким: “Уммид этарманким, бу ошуро кунларида ул муносаб(ат)нинг асариким, Ҳазрати Эшон неча мартаба манга башорат бердилар, зоҳир бўлса”.

Ва ул кунларда хон оларға Хуросон сафариға ижозат берди ва олар азвож ва авлод ва соир муталлиқон ва мулозимонлари била Хуросонға мутаважжих бўлдилар. Ул вақтда ўзбекни улуг умароларидин жамъи ўз раъйи тадбири ноқислари била Хожани авлодларини Хуросонга юбормакни савоб кўрмай, хонга арз этдиларким: “Хожани ва авлодларини Хуросонга юбормак муносиб эрмасдур, мабодо ул жойда фитнае ихдос этсалар, салоҳи мулкни онда кўрармиким, ҳам оларни шу ерда қатлга етурсак”. Хон бу маънини тажвиз этмади ва ул сўзга қулоқ қўймади. Умаролар

муболагани ҳақдин ўтурдилар ва ибромни ниҳоятига еткурдилар, ондоғким, хон бечора бўлди ва ойтдиким: “Мулку диннинг салоҳи қайси ишда бўлса ондо қилинг”.

Пинҳоний ўз хосса отларидин бир югурук ва зўр отни маҳрамига бериб, они таъжил била Хожанинг изидин юбордиким: “Умародин бир жамоа сизга қасд этибдурлар ва бизнинг манъимиз била мумтаниъ бўлмаслар, бир қувватлиг ва югурук от юбордуким, онга эътимодимиз бордур, ҳар кеча ўттуз фарсах йўл юруб, ҳоримас, дарҳол одамларингиз орасидин чиқинг ва танҳо отлашиб, Хуросон тарафига равона бўлунг, авлоду азвож ва мутааллиқларингизнинг тарафидин хотирингизни жамъ тутунгким, биз бу ерда оларнинг ҳомийси ва роъийси турурмиз, хоҳламасмизким, оларга зараре ва иҳонате етушса”.

Вақтики, хоннинг маҳрами отни Хожанинг хизматиға етурди, ул важҳдинким, оларнинг ғайрат ва ҳамиятлари бор эрди, авлоду азвож ва мутааллиқларини танҳо кўймоқни жойиз кўрмадилар. Ва ул маҳрамга ойтдиларким: “Ҳазрати Эшон манга хилватда ҳамишга башорат бериб, ишорат қилур эрдилар ва ман онинг интизорин чекарман ва умид тутарман, улча манинг ҳайрийятим бўлса оддимга келур. Хонга ойтингким, сиз карам этдингиз ва эҳсон кўргуздингиз, жазокумуллоҳу анна ҳайран”<sup>1</sup>. Ва хоннинг отини қайтардилар ва Кармина йўлидин Хуросонга мутаважжиҳ бўлдилар, то қасабаи Тотканд бўлдиларким, Самарқанддин тўққуз фарсах узоқ турур. Йўл асносида таажжуб ва таҳаййур юзидин ойтур эрдиларким: “Ман ҳайронда турурман, яқин билурманким, Ҳазрати Эшоннинг башорат ва ишоратлари ҳақ ва сидқ эрди ва ондин асаре зуҳурға келмади. Оё, бу амрнинг зимнида на ҳикмат турур?” Вақтиким, Кабароб қарясиғаким, Тотканд қарясидин турур, етулди ва шул йилдин ул кун муҳаррам ойининг ўн бешланчи кун эркан, ногоҳ ўзбек қавмидин жамоаи касира қариб уч юз отлиғ ул саҳрода Хожанинг изидин етдилар ва Хожани икки фарзанди Бузругворлари била Хожа Маҳмуд Закариё ва Хожа Абдул Боқи турур, даражаи шаҳодатға етурдилар. Ва соири авлод ва мутааллиқларини Самарқандга юбордилар. Ва муҳиббу мухлислардин жамъи Хожанинг ва авлодларининг наъшини маҳаллаи Хожа Кафширға келтурдилар. Ва ул кун Самарқандда Хожанинг ва авлодларининг жанозаси учун ҳавосу авомнинг издиҳоми ва қасратидин қиёмат қойим бўлди. Намози жаноза ўқулғондин сўнг Хожа ва

1 Аллоҳ биз туфайли сизни яхшилиқлар билан мукофотласин.

авлодларининг жасади муборақларини Муҳавватаи Мулоёнда Ҳазрати Эшоннинг қабри муборақларига яқин дафн этдилар. Роҳима-хумиллоҳу таъоло раҳматан воситатан <sup>1</sup>.

Маҳфий қолмасунким, Ҳазрати Эшон Хожагоннинг волидалари вафот топгондин сўнг, ўз ақраболаридин бир муҳзирани хуболаи издивожларига келтириб эрдилар, хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё ондин вужудга келгон эрди. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло хизмати Хожага уч саодат асар ўғул ва икки сулбиййа каромат этиб эрди. Ва ўғуллари Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Абдул Боқи ва Хожа Муҳаммад Амин эрдилар. Равваҳаллоҳу таъоло руҳаҳум<sup>2</sup>.

### *Мавлоно Саййид Ҳасан (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг улуг асҳобларидин эрди ва оларнинг собиқларидин ва қадимий мулозимларидин эрди. Баъзи маҳодим шундоғ ойтибдурким, мабодийи ҳолдаким, хизмати Мавлоно ёш эрдилар, отолари Тошкандда Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келтурди. Иттифоқе, Ҳазрати Эшоннинг ёнларида бир зарф тўла асал бор эрди. Хизмати Мавлоно ул асалга мутаважжиҳ бўлиб, онга машғуф бўлди. Бу аснода Ҳазрати Эшон Мавлонодин сўрди-ларким: “Отинг на турур?” Мавлоно ойтдилар: “Асал”. Ҳазрати Эшон табассум этиб, ойтдиларким: “Бу гўдакда қобилияти тамом турур, бу миқдорким, онинг оғзи асалдин ширин бўлуб, шундоғ онга машғуф бўлибдурким, ўз отини асалнинг ёдида йўқ қилиб, асалнинг отидин бошқа нарсани тилига келтурмасдур. Агар онинг жонининг оғзин асалдин ширинроқ нимарса била чошнаманд этсалар, ҳар ойина онинг таважжуҳи ва шаъфи онга бағоят қавий бўлуб”. Бас, хизмати Мавлонони волидларидин олиб, ўз ҳужраи тарбияларига келтуруб, мактабга юбордилар, то Куръон ва китобга савод чиқарди. Ондин сўнг Ҳазрати Эшоннинг амрлари била таҳсили улумга машғул бўлдилар, то донишманди мутабаҳҳир бўлди.

Ва ул асноларда Ҳазрати Эшоннинг тасарруфи ботинларидин тарбиятлар топиб, то мартабаи камолга, балким даражаи такмил ва ақмалга етушдилар. Асҳобларнинг баъзи ақобирларидин эшитдимким, Мавлоно Саййид Ҳасанга мустаъидларнинг ботинига тасарруф этмакка қуввати тамомлари бор турур, валекин, Ҳазрати

---

1. Аллоҳ уларга ўзининг беқиёс раҳматини насиб этсин.

2. Аллоҳ таъоло уларнинг руҳларини шод қилсин.

Эшонга нисбатан муруоти адаб этиб, ҳеч киши ботинига тасаруф этмай ва ўзларини ул мақомда тутмай турурлар.

Азизлардин баъзилар нақл қилдиларким, неча кунлар хизмати Мавлоно Саййид Ҳасан Муҳавватаи Мулоёнда касал бўлуб эрдилар. Ҳазрати, Эшон хизмати Мавлоно Қосимдин сўрдиларким, Мавлоно Саййид Ҳасанни иёдат этдингизму? Ойтдилар: “Йўқ”. Ҳазрати Эшон тунд бўлуб ойтдилар: “Сизнинг онга гумонингиз бор турур, улчаким, сиз гумон этибсиз ул ондин баландроқ турур. Санким, Мавлоно Қосим турурсан, ҳануз онга яна эллик йил хизмат этмагинг керакдур”. Баъзи азизлардин эшитилдиким, бир кун Ҳазрати Эшон Мавлоно Саййид Ҳасан ҳақида бу иборатни ойтдиларким: “Бизнинг Мавлоно Саййид Ҳасан камолоти маънавийда Шайх Рукнуддин Алоуддавла қуддиса сирруҳудин ҳеч камлиги йўқтур. Ораларида фарқ бу турурким, Шайх Алоуддавла Шайх бўлдилар ва Мавлоно Саййид Ҳасан Шайх бўлмади, яъни маснади иршодда ўлтурмади”.

*Раиҳа.* Ҳазрати Эшон ойтур эрдилар: “Мавлоно Рукнуддин Ҳавофий ойтиб турурким: “Шайх Баҳоуддиннинг бидояти Шайх Рукнуддин Алоуддавланинг ниҳояти турур”. Ман бу сўзни Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг ёнларида нақл этдим. Кўб қаҳр этдилар ва истибъод этдилар, лекин бу сўзнинг истиҳоласига ҳеч далил келтурмадилар. Балким, ҳадиси “Масалу уммати ал-матару” ҳадиси далили жавоз турур. Ҳазрати Хожаи Бузруг Баҳоуддин қуддиса сирруҳудин манқул турурким, ойтдилар: “Баҳоуддиннинг бидояти Абу Язид Бистомийнинг ниҳояти турур”. Ва Ҳазрати Хожанинг бу сўзлари ҳам бежиҳат эрмасдур, лекин салафга баъзиларнинг ҳусни ақидаси боис бўлубдурким, бу маънини узоқ кўрубдурлар. Аммо ҳадиси мазкур ваҳҳидин ва акобири мутаххириннинг вуқъи камолотлариға назаран мустаъид эрмастур. Ва ҳамон салафи мутақаддимин ҳамаи халафи мутаххиринга муфаззал эрмас эрдилар”.

Бу хуруфнинг роқими, вақтидаким, Ҳазрати Эшон маҳаллаи Хожа Кафширда бўлур эрдилар, аҳёнан хизмати Мавлоно Саййид Ҳасан алайҳи-р-раҳманинг мулозаматлариға етушур эрди ва олардин илтифотлар кўрар эрди. Бир кун Ҳазрати Эшон сафа рдин муурожаат этиб, маҳаллаи Хожа Кафширға нузул этдилар, подшо, умаро ва аёни Самарқанд ҳаммалари ул Ҳазратнинг мулозаматлариға кела бердилар. Ва фақирлар икки-уч кун Ҳазрати Эшоннинг хос суҳбатларидин маҳрум бўлдилар. Ул кунларда бу маъни хотирға кўб ўтар эрди ва бу таманно кўнгилга кўб келур эрдиким, кошки

Ҳазрати Эшонга салотин ва ҳукком била ихтилот ва омизиш бўлмаса эрди, бир кунжида ватан этиб ўлтурсалар эрди, то толибларнинг ҳолига мундин яхши парво этар эрдилар. Бу хаёл ва бу малол била хизмати Мавлононинг мулозаматлариға бордим. Кўрдимким, олар маволий ва аҳолидин уч-тўрт пири азиз била ўлтурибдулар. Неча адад “Иҳёул-улум” китобини ёнларида қўюб, муқобала этарлар. Вақтиким, мани кўрдилар, тарки тасҳиҳ этиб, бир замон сукут этдилар, ондин сўнг фақирға мутаважжиҳ бўлуб, ойтдиларким: “Бир донишманд нақл этдиким, бир мартаба Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим. Хотиримға келдиким, Ҳазрати Эшон нечун бир тоғнинг ғорида бўлмасларким, одамларнинг аросида мунча тафрақа тортарлар, салотину ҳукком ва заламанинг келиб-кетарлариға ва бориш-келишлариға мубтало бўлуб турурлар. Ва ул ишга мажоллари йўқтурким, толибларға юз келтурсалар ва хотири муборакларини оларнинг жамъияти хотирлариға нисбат этсалар. Бу хотир мукаррар ва маҳкам бўлди, вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға бордим, ўлтурдим, дарҳол манга мутаважжиҳ бўлуб, ойтдиларким: “Бизга бир масъала мушкул бўлубдур. Сиздин сўрарман, жавоб айтинг. Шахсе турурким, салотину ҳукком ва залама онинг сўзини эшитдилар ва онинг васотати била мусулмонлар золимларнинг ва ситамкорларнинг ситамидин нажот топарлар ва ул сабабдин жабборларнинг русуму одатлари йўқ бўлур. Оё, ул шахсга раво турурмуким, мазлумларнинг золимларнинг қўлида қўюб, тоғнинг кунжига бориб ибодат этса ва аҳли иродатнинг тарбиятиға машғул бўлса. Бу икки ишдин ул шахсга нисбатан қайси аҳамм ва авло турур? Ва бу икки амрдин қайсидурким, яхшироқ бўлса?” Ман ойтдим: “Узлатни тарк этмоқ ва заламаға ихтилот этмак бу тақдирға назаран фарз турур ва яқин турурким, бу вақтларда узлат ва ибодатни ихтиёр этмак ва мусулмонларни золимларнинг қўлида қўймоқ мувжиби визр ва вубол бўлса”. Ҳазрати Эшон бу сўздин табассум этиб, ойтдиларким: “Вақтиким, ўзингиз фатво берурсиз, бас, нечун эътироз этарсиз?” Мавлоно Саййид Ҳасан атайҳи-р-раҳма бу нақл била фақирнинг аламини рафъ этдилар.

*Мавлоно Қосим  
(алайҳи-р-раҳма)*

Мавлоно Қосим алайҳи-р-раҳма Ҳазрати Эшоннинг ажиллаи асҳобларидин ва ёронларимнинг собиқларидин ва қадимий ходимларидин, мақбул ва маҳбуларининг жумласидин эрди. Ул диёрнинг азизлари оларни Ҳазрати Хожанинг соялари дер эрдилар. Ул

важҳинким, Ҳазрати Эшоннинг мутобаъат ва пайравликларини соядек кўб этиб, ўзидин фоний ва ул Ҳазратга боқий эрди. Мабодийи аҳволда Ҳазрати Эшон хизмати Мавлонони борбонликқа буюрдилар. Олар ҳар сабоҳ тешани бўйинларида кўюб, боғга мутаважжиҳ бўлурларида ҳамхоналари бир-икки нон кўйунларида кўёр эрдилар. Ва олар боғга бориб то намози шомғача теша уруб, вақтиким, уйга келур эрдилар, кечадаким, белбоғларини ёздурсалар, ул нонлар кўйунларидин ерга тушар эрди. Тарикаи хожагонга гоят машғуллиқларидин ва бу азизлар қуддиси сирруху ҳам нисбатлари ва кайфиятлари галабасидин фаромуш қилур эрдиларким, кўйунларида нон бўлса ё таом емак даркор бўлса ва ҳикоётларнинг амсоли оларнинг фаромушкорлиқларидин бу Бузругворлар нисбатининг истилоси сабабидин кўб манқул турурким, онинг тафсилоти мувжиби татвил турур.

Нисбати гайбат ва кайфияти беҳудлиқ ва истиғроқларга голиб эрди. Бир кун Ҳазрати Эшон деҳаеда бир хиргоҳда ўлтуруб эрдилар, ажиллаи асҳобдин ва аъиззаи худдомдин жамъе Ҳазрати Эшоннинг атрофларида ҳалқа уруб, Ҳазрати Эшоннинг вақтлари кўб хуш эрди ва муборак ранги рўйлари қизариб, маъорифи баланд ва латойифи аржуманд ойтиб ўлтуруб эрдилар. Ва хизмати Мавлоно Қосим ул мажлиси шарифда ҳар замон ўзидин гоийб бўлур эрди ва ул Ҳазрат ҳозир қилур эрдилар. Ва бу ҳолат муқаррар воқеъ бўлди. Охири Ҳазрати Эшон тунд бўлиб ойтдилар: “Эй Мавлоно Қосим, магар билмадингму, ҳар киши доирада ўлтурди, доиранинг атрофида ойланмоқ керак ва доирадин қадамини ташқари кўймоқ адабдин эрмастур”.

Ҳазрати Маҳдумий Мавлоно Абдурахмон Жомий қуддиси сирруху Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин ҳеч бирини Мавлоно Қосимга баробар эътиқод этмас эрдилар ва кўб ситойиш қилур эрдилар. Борҳо ойтур эрдиларким, Мавлоно Қосим бу нисбатда ёғ солинган нондек турур, яъни онинг ҳамма масомотлари бу нисбатдин тўлуқ турур”.

Бу ҳуруфнинг роқими аввалги мартабада Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға ва остонбўслиқлариға азимат этиб эрди, Ҳазрати Маҳдум (Жомий)дин ижозат талаб этди. Ойтдиларким: “Сан ёш йигитсан ва Ҳазрати Эшон кўб улуг турурлар”. Ва фақир ул вақтда йигирма икки ёшимда эрдим. (Жомий) ойтдилар: “Ҳазрати Эшон бу кунларда толибларға кам парво қилурлар, мабодо ул ерга борсанг тез малул бўлурсан. Ва агар албатта кетмакчи бўлсанг, керакким, Мавлоно Қосимнинг хизматиға кўб боргайсан ва олар-

нинг мулозаматини кўпрак этгайсан”. Ойтдим: “Агар иноят этиб, оларга икки-уч калима сипоришнома ёзиб берсангиз, оларнинг илтифотларига боис бўлур эрди”. Ҳазрати Махдумий Мавлоно Қосимнинг хизматларига бу руқъани ёздилар. Руқъа: “Ниёзмандлик ва шикасталиқ арзидин сўнг, маъруз улким, хизмати Мавлоно Фахруддин Аликим, фақирларга нисбат илтифоти хоотири кўб турур, остонаи валоят ошёна мулозимларининг заминбўслиқи орзусига таважжуҳ кўргўзур. Шак йўқтурким, айни иноят била малҳуз ва бу амниятнинг идроки била маҳзуз бўлғусидур, давлат ва саодати жовидоний муҳассил бўлсун, вассалом ва-л-икром. Ал-фақир Абдурахмон Жомий”.

Вақтиким, Хожа Калон валоди Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиси сиррухунинг мулозаматлари ва муурофақатларида Қаршида Ҳазрати Эшоннинг остонбўслиқларига мушарраф бўлди, ул руқъани хизмати Мавлоно (Қосим)га берди, ўпуб, бошларига қис-тириб, ўринларидин турдилар ва то фақир ул ерда эрди, зоҳиру ботин юзидин кўб илтифот этдилар ва меҳрибонлиқлар қилдилар.

Ва иккиланчи мартабада яна саодати мулозамат била мустаъид бўлди, илтифогларини зиёда этдилар ва ароға сўзлар келтириб, ўзларининг ибтидоий ҳолларидин ҳикоятлар этдилар. Бир кун ойтдиларким: “Ҳазрати Эшонга муҳаббатимнинг бидоятда шундоғ гарм эрдиким, қаттиқ қишда Фарқат вилоятидин ул Ҳазратнинг мулозаматларига келур эрдим. Оби Паракдин ўтдим, ушоқ тошлардек оёқимда муз боғланур эрди ва манинг ондин ҳеч хабарим йўқ эрди”.

Бир кун хизмати Мавлоно (Қосим) фақирга хилватда Ҳазрати Эшоннинг шаройити суҳбатларининг дақойиқ одобларидин баъзисига танбиҳ бериб, ойтдиларким: “Манинг илмим ва хунарим йўқтурким, санга масъала ва ё бир нимарса таълим берсам, лекин, вақтиким, Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг сипоришларини келтурубсан ва ниёзманд йигит турурсан, санга Ҳазрати Эшондин хабар берайин ва бир нимарса ойттойинким, бошқаларга ойтган эмасман. Керакким, муни билгайсанким, Ҳазрати Эшон халойиқнинг аҳволларига мушарраф ва замойирларига мутталиъ турурлар. Ул нимарсаким, олтмиш йил муддатида онинг ҳақойиқларидин манга ўтуб турур, афъол ва аҳволи зоҳирий ва ботинийдин ҳаммасига ҳозир ва огоҳ эрдилар ва ул нарсанинг вуқуьидин аввал мани онга танбиҳ этдилар ва бу маънига барду-л-яқин ҳосил бўлубтур. Вақтиким, билдинг, ҳол бу тариқа турур. Бас, керакдурким. ҳамишга вақти ҳузурда Ҳаз-

рати Эшонга ҳозир ва гайбатда ул Ҳазратга кўнгили била нозир бўлғилким, бу ҳоллар ва авқотларда Ҳазрати Эшон салотин ва ҳуккомга ихтилот этиб, зоҳирий машоғиллари кўб бўлуб турур. Оларни толибларни нафйу исботга ва таважжуҳоту мувоқаботга буюрмоқга мажоллари қолғон йўқтур. Ҳоло Ҳазрати Эшоннинг нисбатларидин бир киши баҳра олурким, ул Ҳазратга тариқи робитани варзиш этса, кўб толиблар ва мустаъидлар ақсоий оламдин келдилар, вақтиким, бу сарриштани топмадилар, маҳрум бўлиб, юз қайтардилар”.

Хизмати Мавлоно Муҳаммад Қозий алайҳи-р-рахма ўз “Масмуъот”ларида ёзибдурларким, Ҳазрати Эшон аввалғи маразларидаким, фақирни Ҳиротга табиб талаб этмак учун юбордилар, Мавлоно Қосим алайҳи-р-рахма сиҳҳат бўлмақнинг замонида эрдилар. Бу каминага муболаға этдиларким: “Табибни тез келтургилким, эмди манга Ҳазрати Эшоннинг маразларини кўрмоққа тоқат йўқтур”. Ва бу фақирни мушоайъа этиб, кўб йўл юрдилар. Вақтиким, табибни келтурдим, хизмати Мавлоно вафот топиб эрди. Муфорақат замонининг мажмуъи ўттиз беш кун эрди.

Ҳазрати Эшондин хизмати Мавлоно (Қосим)нинг кайфияти вафотларини сўрилди. Ойтдилар: “Бир кун Мавлоно (Қосим) бизнинг ёнимизга келди ва ойтди: “Ман ўзимни сизга фидо қилурман”. Ман ойтдим: “Эй Қосим, сан фақир кишисан ва мутааллиқларинг кўб турур, бу янглиг этмагил”. Ойтди: “Ман сизга бу амрда машварат учун келганим йўқ бу ишни этдим, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло қабул этди”. Ҳар неча муболаға этилди, у муқобалада бу сўздин бошқа сўз ойтмади ва бу сўз била кетди”. Ул эрдиким, эртанги кун Ҳазрати Эшоннинг маразлари хизмати Мавлоно (Қосим)га мунтақил бўлди ва дунёдин ўтдилар. Ва Ҳазрати Эшон ондоғ саҳиҳ бўлдиларким, табибга эҳтиёжлари бўлмади.

Баъзи маҳодимким, хизмати Мавлоно Қосимнинг ҳийни фавтида ҳозир эркан, ойтур эрдиларким: “Мавлоно (Қосим) муҳтазир бўлди, Ҳазрати Эшон такясининг ёнимга келдилар ва назъ ҳолатида эрди. Ҳазрати Эшонга ҳозир бўлди. Ондин сўнг кўб муддатилар муборак кўзларини уйнинг гўшасига тикиб эрди ва тез-тез қарар эрди. Ногоҳ уйнинг гўшасидин сарфи назар қилиб, Ҳазрати Эшонга мутаважжиҳ бўлди ва ул Ҳазратнинг муборак юзларига қаради, то вақтиким, онинг нафаси мунқатиъ бўлди. Ва ул маҳалда Ҳазрати Эшон ойтдиларким: “Беҳиштни ва ҳар нимарсаким, беҳиштда турур ҳуру ҳусурдин Мавлоно Қосимнинг наза-

рига келтурдилар ва онга арз этдилар. У ҳаммасидин юз қайтариб, бизга мутаважжих бўлди ва юзини бизга тутуб, жон таслим қилди”.

Баъзи маҳодим ойтиб турур, вақтиким, хизмати Мавлоно Қосим алайҳи-р-раҳма нақл этдилар, Ҳазрати Эшон хизмати Мавлононинг қабрини Муҳавватаи Мулоёнда Мавлоно Али Арроннинг марқадларининг олдида муқаррар этдилар ва ул аснода ойтдилар: “Эҳтимолдурким, баъзи одамлар эътироз этсаларким, Ҳазрати Эшон омини донишманднинг пешруйида дафн этурлар, ваҳоланки, Мавлоно Қосимнинг гузашталари қирқ Мавлоно Алига юк эрди”. Ондин сўнг йиғладилар ва ойтдилар: “Мавлоно Қосимни бу оламдаги киши танимади, онинг қадру камоли ул оламда зоҳир бўлғусидур”.

Хизмати Мир Абдул Аввал алайҳи-р-раҳма ўз “Масмуъот-”ида ёзиб турурким, зулҳижжа ойининг олтиланчиси душанба кун сана саккиз юз тўқсон бирда (1485) ахийри намози дигар эрдиким, хизмати Мавлоно Қосим фавт бўлди. Намози шомдин сўнг шарафи мулозаматга етушдим. Ҳазрати Эшон диққат этдилар ва онинг аъмоли писандида ва ахлоқи ҳамидасидин баён этдилар ва ойтдиларким: “Фано ва тажриди ботинда мисли йўқ эрди, бизга ҳоло ким қолди?” Бир лаҳза сукут этдилар ва ойтдилар: “Зикрга иштиғол этмак таважжухдин авло кўринур. Имом Фаззолий раҳматуллоҳи таъоло ойтибдурлар: “Сулук яъни “сайр илаллоҳ” безъроз ва беиқбол муяссар эрмасдур, калимаи “ло илаҳа иллаллоҳ” онинг таржимасидур”. Хизмати Мир бу сўзнинг ҳошиясиға ёзибдурким, яъни таҳсили фано ва тажрид ботин учунким, Мавлоно Қосим ул сифат била муттасиф эрди, зикрга машғул бўлмоқ таважжухдин авло турур”.

Баъзи аҳоли Мавлоно Қосимнинг таърихи вафотида бу рубоийни ойтибдур. Рубоий:

*Шамъи фуқаро Қосими анвори вужуд,  
Мустаҳлаки баҳри жамъи дарёи вужуд.  
3-он рӯ, ки сарришта буд аз файзи вужуд,  
Таърихи вафоти у зи “Файёз” гушуд.*

(Фуқаронинг шамъи, вужуд нурларининг Қосими,  
Шухуд дарёларининг денгизига ғарқ бўлган.  
Вужуд файзларининг сарриштаси бўлгани учун.  
Вафотининг таърихи ҳам “Файёз” сўзидин чиқди).

*Мир Абдул Аввал  
(рахматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг улуғ асҳобларидин эрди ва ул Ҳазратга домоддир ва сахрийят<sup>1</sup> шарафига мушарраф бўлуб эрдилар. Ва мабодийи ҳолдаким, Нишопурдин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға Мовароуннахрға келиб эрдилар ва тариқи робитани ихтиёр этиб, етти йил муддати муттасил ул нисбати шарифанинг варзишға қиём кўргуздилар ва онинг шаройитиға иқдом этиб, аксари авқот эрканким, вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг муборак кўзлари хизмати Мирга тушса они мажлисдин қувиб чиқарур эрдилар ва қаттиғ сўзлар ойтур эрдилар. Етти йилдин сўнг фарзандликка қабул этдилар ва сулбийиаи шарифаларини онинг ҳуболаи ақдиға келтурдилар. Ва ул шарифанинг хизмати Мирдин икки ўғли ва икки сулбийиаси бор эрди. Ўғиллари Мир Хурд ва Мир Калон била маъруф ва машхур эрдилар.

Хизмати Мир ойтур эрдилар: “Ибтидода гоҳиким, Ҳазрати Эшон қаряларга ва мазраъаға кетар эрдилар, ман ҳам изларидин пиёда борур эрдим. Шундоғ бўлур эрдиким, кеча ўртада бўлуб, ул мавзега етишур эрдим. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг муборак кўзлари манга тушса, ойтур эрдиларким: “Ажаб саййилзодаи дунҳиммат ва ҳамийятдурсанким, таом емак учун манинг ёнимға келурсан”. Би-л-фейъл отланиб бошқа бир ерга кетар эрдилар. Йиглай-йиглай яна оларнинг изларидин равон бўлур эрдим. Бу маънилар етти йилга тортди. Гоҳо башарийят муқтазоси била заъфе ва футуре воқиъ бўлса яна тариқаи зиндагонлик қилур эрдилар, ул таврда ҳамроҳ бўлур эрдим”.

Ойтур эрдиларким: “Бир мартаба ҳужрада узалиб ётиб, рўймолимни юзимга тортиб, ўзимга ойтдим: “Эй Абдул Аввал, кўб одамлар бордурларким, давлати валоятдин маҳрумдирлар, сан ҳам ул жумладин бўл, меҳнатнинг ниҳояти шул бўлурким, тортдинг, эмди муяссар бўлмас”. Бир лаҳза ўтди, ҳужрада қадамнинг асарини эҳтисос этдим, бовужуди онга ҳам мултафит бўлмадим ва шундоғ ётиб эрдим. Ногоҳ эшитдимким, Ҳазрати Эшон ойтурларким: “Абдул Аввал, фароғат ётгилким, ишларинг батамом кифоят бўлди”. Изтироб била ўрнимдин турдим, Ҳазрати Эшонни кўрдимким, ҳужрадин ташқари чиқиб кетдилар ва ман шундоғ дастури собиқ била сўзу гудоз ва қулқу изтиробға тушдим”.

<sup>1</sup> Сахрийят — хотин томондан қариндош киши.

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

Ойтур эрдиларким: “Бир кун Ҳазрати Эшон итобларининг асносида бу байтни ўқидилар:

*Сахро фароҳаст, эй писар, ту гушае, мо гушае,  
Ҳамчун малах аз кишти шаҳ ту хушае, мо хушае.  
(Эй ўғил, сахро кенг, биз бир гўшада, сен бир гўшада,  
Шоҳ экинзоридан малах каби  
сен бошоқ терасану биз бошоқ терамиз.)*

Ва яна ҳам олардин эшитилди ва ўзларининг “Масмуъот”ларида ҳам ёзибдурларким: “Фақире тариқи робитаға машғул эрди. Иштиғоли доимий сабабидин кўб мутаассир ва ул тариқнинг лавозимларидин кўб мушавваш ва мутааллим эрди. Шарафи назар ва хитоблариға мушарраф этиб, ойтдиларким:

*Чун ман харобу мастро дар хонаи худ раҳ диҳи,  
Худ менадони онгадар ин бишканам, он бишканам.  
(Мен каби ҳаробу маст учун уйингга йўл берсанг,  
Уни синдираман, буни синдираман,  
буни ўзинг ҳам билмайсан.)*

Бир кун хизмати Мир ойтдилар: “Ҳазрати Эшоннинг илтифотларининг баракотидин бу фақирға нисбати бевоситаи қавли забон ҳосил бўлуб эрди, ҳамишга ботин йўлидин ул Ҳазратдин бевоситаи қавли забон тақвия ва таъйид топар эрдим. Сийнаға ул нисбатдин иншироҳе ва кўнгилга итминоне ҳосил эрди. Явман-фаявман зиёд бўлур эрди, то неча муддатилар бу тариқа ўтди, ногоҳ бесабоби зоҳир ул тақвият ва таъйидни тарк этдилар, итоб ва хитоб мақомида бўлдилар, қаҳру ғазаблари ҳаддин тажовуз этди, ул масобиҳдаким, онга яқин етушдиким, манинг нафсим оларнинг рабқаи инқиёдларидин чиқса. Хотиримға келдиким, яқин билурманким, улчаким, Ҳазрати Эшоннинг мажлиси шарифларидин манинг ҳосилим эрди, ул Ҳазрат онга мутталиъ эрдилар ва онинг тақвияси ва таъйидиға неча муддатилар саъй кўргузуб, илтифот ва иноятлар этдилар. Агар ул даркор эрди, нечук турурким, ҳоло онинг дафъиға юрумаслар. Ва агар, ондоғким, бу тариқи хослаким, тариқи робита турур, дахли бўлмаса нечун зажру манъ этмадилар, балким тақвия ва таъйид этдилар? Вақтиким, бу маъни каррот ва маррот хотирға келдиким, ул Ҳазратнинг зажру жафоси кўб бўлди. Ўзимға ойтдимким: “Қиёмат куни маҳшари акбарда мажмаъи анбиёву расул ва ҳавоси авлиё ҳузурда сўргум-

дурким, бу камина тамоми амрларимни ва ўз ихтиёримни сизга тавфиз қилиб эрдим ва неча муддатилар ҳам илтифот ва иноят этдингиз. Агар, ондоғким, ул муҳим эрди, нечун онинг мўвжибиға бормадингиз? Агар ондоғким муҳим эрмас эрди, нечун манъу зажр этмадингиз, балким тақвия ва таъйид этдингиз?” ”Вақтиким, бу хотир фақирни музтар ойлантирди, ўзимни Ҳазрати Эшоннинг ҳужраларига еткурдим ва бетоқатлиқдин хоҳладим, улчаким, кўнгилда мутамаккин бўлуб эрди, арзға етурсам. Иттифоқо, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида бир киши бор эди, они бир муҳим учун чиқариб юбордилар ва манга мутаважжих бўлиб ойтдиларким: “Расулу анбиё ва ҳавоси авлиё мажмаъларида нечун манга мухосама қилурсан? Миннатдор бўлким, ул жойда ман мухосама этмасам”. Ондин сўнг ойтдилар: “Амаликим, санинг аламинга ва ташвишингга сабаб бўлуб турур, ман онга сани қачон амр этдим? Сан ўзинг ихтиёр этдинг. Онинг тадбирини ҳам ўзинг билурсан”. Ондин сўнг тундликларидин тушдилар, иноят ва иттифоқ юзидин ойтдиларким: “Ишларда сабр этмак керак турур ва муриднинг эътиқоди пирга нисбатан, керакким, ондоғ бўлсунким, муриднинг ҳамма ҳоллари пирнинг олдида зоҳир турур ва баъзисини, маслаҳат эрмаским, изҳор этса ва бевоситаи қавлу забон керакдурким, жавоб топсун”. Ва ойтдиларким: “На Шайх бўлғойким, машриқда бўлса ва онинг муриди мағрибда бўлса, муриднинг мажмуъи аҳволидин хабардор бўлмаса”.

Бу ҳуруфнинг роқимининг волиди хизмати Мир Абдул Аввал раҳматуллоҳ била Нишопурда неча йиллар ҳамхужра ва ҳамсабоқ эрдилар. Ва волид Сабзавордин, хусусан, таҳсили улум учун Нишопурга келиб эрдилар ва Амир Иззуддин Тоҳир Нишопурийким, хизмати Мирнинг жадди Бузрутворлари эрди, камоли зуҳду тақво ва улуми зоҳирий ва ботиний била ораста эрди, оларнинг олдида таламмуз этиб, кутуби мутадовала ва тафосир ва аҳодис ўтқариб эрдилар. Вақтиким, бу фақир Самарқандда Ҳазрати Эшоннинг шарафи остонбўслиқлариға мушарраф бўлди, хизмати Мир Абдул Аввал собиқаи қадимий ваҳҳидин бу фақирнинг волидиға бор эрди ва риояи ҳуқуқнинг мулоҳазасиким, ўртада воқий эрди, бу фақир ҳолига кўб парво этдилар ва анвои меҳрибонлик била навозиш этдилар. Ва Ҳазрати Эшоннинг одоби суҳбатлариға ва дақойиқи мулозаматлариға огоҳ қилур эрдилар. Ва гоҳ-гоҳ ўзларининг ибтидойи ҳолларидин ҳикоятлар этиб. ойтур эрдиларким: “Чун ман Самарқандга келдим, Ҳазрати Эшоннинг мулозамат-

ларини қасд этдим. Чун ул Ҳазратни кўрдим, бир кўрмак била ул Ҳазратга гирифтор бўлдим ва тариқи робитани варзишига машғул бўлдим. Етти йил мутгасил Ҳазрати Эшон манинг била зажру итоб ва сиёсат мақомида бўлдилар ва аксари авқотда осори қаҳр била зоҳир бўлиб, дуруштликлар кўргуздилар. Ва мани ул чоғлиқ ёқдилар ва эритдиларким, йўлнинг тупроқи била баробар этдилар. Эмди ўзимга қарарман ва ўзимни қурт тушган тиш янглиғ кўрарманким, ҳеч ишга ярамас ва ондин ҳеч иш келмас. Ва санга маълум бўлсунким, Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари ва иноятларидин кўрқувда бўлғилким, онинг тагида кору макр пўши-даву пинҳон турур. Ва Ҳазрати Эшоннинг зажру сиёсатларидин умидвор бўлғилким, онинг зимнида лутфу иноят пинҳон турур”.

*Раишҳа.* Хизмати Мир Абдул Аввал алайҳи-р-раҳманинг бу сўзи ул сўзга ўшарким, бир кун Ҳазрати Эшон ойтди: “Ҳақ таъолонинг авлиёлариға нисбат зоҳир қаҳри бор турурким, онда лутфи пинҳон турур ва лутфи пинҳон улдурким, хоҳларким, ул қаҳри зоҳир била оларнинг ҳақиқатини башарийят қайдлари ва лавозимларидин покиза ва мутаҳҳар ойлантирур. Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг душманлариға нисбат зоҳирий лутфи бордурким, онда пинҳон турур. Ва қаҳри пинҳон ул турурким, хоҳладиким, ул лутфи зоҳир била оларнинг ботинларининг алоқасини бу олами ажсомға истехком берур, то бу оламнинг қайдлариға гирифтор бўлгон сабабидин олами итлоқи шуҳудий ва лаззати руҳоний ва маънавийдин маҳрум қолур”.

Хизмати Мир Абдул Аввал алайҳи-р-раҳманинг вафотлари зул-ҳижжа ойининг авойили сана тўққуз юз бешда (1499), қирқ кун камобиш хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё ва авлоди Бузругворларининг шаҳодатларидин аввал юз берди, раҳимаҳуллоҳуму таъоло.

### *Мавлоно Жабфар (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг холис асҳобларидин эрди. Олиму омил ва орифу комил эрди. Истиғроқ ва беҳудлиқ кайфияти оларда ғолиб эрди. Вақтиким, намозға қиём кўргузса, қироатни дуру дароз этиб, рукуъ ва сужудда кўб макс этар эрдилар ва бошларини саждалан душворлиқ била кўтарур эрди. Ва муборак кўзларидин жазабот ва ғалаботнинг асарлари зоҳир эрди. Ва ҳар неча Ҳазрати Эшон хоҳладиларким: “Мавлоно Жабфар, ўз нисбати ботинингизни ишғоли зоҳирийдин зироат ё тижо-

рат янглиг бир шугли била жамъ этинг», галабаи нисбат, истилойи истигроқ ва бехудлиқ кайфияти сабабидин ҳаргиз муяссар бўлмади.

Чун бу фақир маҳаллаи Хожа Кафширда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келганда аҳёнан Муҳавватаи Мулоёнда Мавлононинг хизматлариға борур эрди, нисбати сукут ва бехудлиқ оларға голиб эрди. Бағоят кам сўзлар эрдилар. Бир кун ойтдилар: “Ибтидоий ҳолда улуми расмийнинг таҳсилидин кунглум гирифт бўлиб, тариқи авлиёга мунжазб бўлди. Кеча уйқуда кўрдимким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бориб турурман. Сўрдимким: “Банда Худоға қачон етишур?” Ойтдилар: “Вақтиким, ўзидан фоний бўлса”. Вақтиким, уйғондим, бу тушдин кўб мутаассир бўлдим. Ала-с-сабоҳ мадрасанинг хужрасидин чиқиб, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини қасд этдим. Мундин аввал Ҳазрати Эшонни узоқ кўриб эрдим, аммо саодати суҳбатлариға етушганим йўқ эрди. Вақтиким, ул Ҳазратнинг мулозаматлариға мушарраф бўлдим, дедилар: “Мавлоно Жаъфар, ҳеч билурмусанким, банда қачон Худоға етушур? Вақтиким, онинг бандали гита ўзидин фоний бўлса”. Ондин сўнг Мавлоно Жалолуддин қуддиса сирруҳунинг бу байтларини ўқудилар:

*Чун ту набуди, ки буд жумла Худо буду бас,*

*Чун ту намонди, ки монад жумла Худо, эй гадо.*

(Сен бўлмаганда ҳам Худо бўлган эди,

Сен қолмасанг ҳам Худо бўлади, эй гадо.)

Мавлоно Жаъфар марази мавт замонида Ҳазрати Эшон маҳаллаи Хожа Кафширда йўқ эрдилар, баъзи мазрабалари га кетган эрдилар. Вақтиким, Мавлононинг шиддати маразлари хабари Ҳазрати Эшонга етишди, таъжили тамом била равон бўлдилар, то ул Ҳазрат етушгунча хизмати Мавлоно нақл этиб эрдилар. Такфин ва тажҳиз этганларидин сўнг ул Ҳазрат соири асҳоб, маволий ва аҳоли била ва шаҳарнинг ҳавосу авомлари ҳам Муҳавватаи Муло ёнда оларға намози жаноза ўқудилар. Кун бағоят иссиқ эрди. Ҳазрати Эшон жаноза била ҳамроҳ, қабрнинг канориға келдилар. Қабр қазғувчи ҳануз фориг бўлғон йўқ эрди. Бир соат қабрнинг канорида ўлтурдилар. Бу фақир ўзининг фуржасини ёйиб, яна бир ходим била Ҳазрати Эшоннинг муборак бошларининг устига соябон этди, то дафндин фориг бўлгунча сояда ўлтурдилар. Вақтиким, қабр қазғувчи қабрдин чиқди, Ҳазрати Эшон муборак қўллари била Мавлононинг банди кафанини юқори тарафидин тутуб, баъзи асҳобнинг мадади билаким, қабрда туруб эрдилар, тобутдин чиқариб, қабрга киргуздилар. Ва баъзи оларни лаҳадда қўйдилар. Ва Ҳазрати Эшон

қабрнинг каноридин турдилар ва ҳофизлар Куръон ўқидилар. Бу ҳодиса сана саккиз юз тўқсон учда (1487) воқиб бўлди. Ва хизмати Мавлоно Бурҳонуддин Хатлонийнинг вафотидин саккиз кундин сўнг эрди. Ва Ҳазрати Эшон ул таъзиядин уч кундин сўнг улуғ ош бердилар, ондоғким, саксон қўйни танҳо бирён учун сўйдилар.

### *Мавлоно Бурҳонуддин Хатлоний (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг асҳоби киборларидин ва донишманди мутабаҳҳир эрди. Ва ёш замонларида улуми мутадовалани таҳсил этиб эрди. Икки кишини “донишманди модарзод” деб эрдилар. Бири Мавлонозода Мавлоно Усмон ва яна бири Мавлоно Бурҳонуддин Хатлоний. Ва Ҳазрати Мавлоно қарийб қирқ йил Ҳазрати Эшоннинг давлати мулозамаат ва суҳбатларини топиб эрдилар. Сафарда ва ҳазарда хизматларига қиём кўргуздилар. Ойтур эрдиларким: “Бир мартаба Султон Аҳмад Мирзо тирамоҳ фаслидаким, ҳаво кўб совуқ бўлуб эрди, Туркистон сафариға азимат этди ва Ҳазрати Эшондин ҳам муурофақат ва мувофақат илтимос кўргузди. Ва ул ҳазрат бетаваққуф иқбол этиб ҳамроҳ кетдилар. Ва маволийдин жамъени ўзлари била олиб юрдилар ва ман олардин бири эрдим. Ва ул сафарда кўб меҳнатлар Ҳазрати Эшонга ва соири мулозимларға етушур эрдиким, ҳаво бағоят совуқ эрди. Ва манинг неча мартаба хотиримға тушдиким, агар Ҳазрати Эшон бу сафарни ихтиёр этмасалар эрди, Мирзоға муболаға этмакка мажол бўлмас эрди. Энди бу ҳама ташвиш нафси нафислариға етушур. Ходимлар ва мулозимлар ҳам меҳнат ва машаққатға тушдилар ва бу сафарда Ҳазрати Эшоннинг ҳеч фойдалари ва зоҳир манфаатлари йўқдур. Ва ҳар неча бу хотирни нафй эгар эрдим, манфий бўлмас эрди. Ва ботинда Мирзо била уруш қилур эрдиким, Ҳазрати Эшонни бефойда ва бежиҳат меҳнатға ташлади ва жамъи касирни бу жиҳатдин мушавваш этди.

Шоҳрухияга нузул этиб, икки-уч кун ўтгандин сўнг, шаҳарға гавго тушдиким, тўрт минг мўғул ва минг ўзбек мажмуъи кофири бутпараст Шоҳрухияға қасд этибдурлар ва бу навоҳийға чаповул уруб, неча қасабаларни чопибу талаб ерга баробар этибдурлар. Ул вилоят хосу омлари ҳаммалари бирдин Ҳазрати Эшонга юз келтирибдилар, тазарруъ ва зорилик оғоз этдилар ва ойтди-

ларким: “Мирзо Султон Аҳмад лашкари жаррору омода келтирмадилар, то бу кофирларни дафъ эта билса ва буларнинг дафъи сизнинг илтифотингиздин бошқа нимарса била мумкин эрмасдур”. Ва Мирзо Султон Аҳмад ҳам изтироб ва изтирори тамом била Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға келди. Ва оларнинг инояти ва ҳимояти этагига муташаббис бўлди. Ва Ҳазрати Эшон маволийлардин неча адал киши била чиқиб, оларнинг орасига бордилар. Хон ва ул лашкарнинг аёнлари била гарм суҳбат этдилар ва ҳаммаларини тасхир этиб, қавий мутаассир ойлантирибдурлар, ул масобиҳларким, аҳли мажлисининг ҳаммалари бўйнуларидин бутларини олиб, саҳроға ташладилар ва Ҳазрати Эшоннинг қўлларида иймон келтурдилар. Ва ўз одамларининг ҳаммасини исломга далолат этдилар. Ва ул лашкарнинг мажмуъи улуғу кичик эру хотин шарафи исломга мушарраф бўлдилар. Қарийб икки миң болаю чақа, эру хотин, бандаю озод, ўн миң тева ва от, сиғир, эшак ва қўйким, ул ҳаволий ва навоҳийда ғорат этиб олиб эрдилар, ҳаммасини Ҳазрати Эшонга бахш этдилар. Ва ул асирларни жиҳатлари била оларнинг ватанлариға юбордилар ва ўз худдомларидин икки кишини ул лашкарға ҳамроҳ этдилар. Бири ҳофизким, оларға Каломуллоҳдин таълим берур. Бири фақиҳким, оларға илми дин ва аҳкоми шарият таълим берур. Ондин сўнг ул Ҳазрат Шоҳрухияга мурожаат этдилар ва Мирзодин ижозат олиб, Самарқандға мутаважжих бўлдилар”.

Хизмати Мавлоно Бурҳонуддин ойтур эрдилар: “Ҳазрати Эшон Шоҳрухиядин бир манзил юрганларидин сўнг йўлда фақирға хитоб этиб ойтдиларким: “Мавлоно Бурҳонуддин, бир сафарнинг меҳнати бу суратларнинг амсоли учунким, мушоҳада қилурсан, қабул этибмиз”.

Мавлоно Бурҳонуддиннинг марази мавтларида бир кун Ҳазрати Эшон Муҳавватаи Мулоёнда оларнинг иёдатлариға келдилар. Ва бу ҳуруфнинг роқими ва яна икки ходим билаким, Ҳазрати Эшонни кўтариб эрдилар, мулозаматда эрдик. Вақтиким, ул Ҳазрат Мавлононинг тақясининг бошида ўлтурдиларким, Паҳлавон Маҳмуд Пирёр ойтиб турур:

*Жудойи мабодо маро аз Худо,  
Дигар ҳар чи пеш оядам шоядам.*

(Менга ҳеч қачон Худодан жудолик бўлмасин,

Бундан бошқа бошимга не келса ҳаммасига розиман).

Ондин сўнг ойтдилар: «Жаддиду иймонакум би-қавли ло илоҳа иллаллоҳ»<sup>1</sup> воқиъдур, ҳар мартабаким, бу калимани ойтғонда иймоннинг тоза бўлмоқи ул бўлур, савй этсун. Ҳар мартаба бу калима такрор топса ботинга тоза майле, инжизобе ва муҳаббати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға ҳосил бўлур. Чун бу калиманинг такрорида бу маънини риоя этсалар «жаддиду» амрининг мазмуниға амал этган бўлурлар».

Ва ойтдиларким: «Хожа Муҳаммад Али ҳақим Термизий қуддиси сирруҳу ойтибдурларким: «Жаддиду иймонакум»нинг мазмунидин шундоғ мафҳуми бўлурким, магар иймон кўҳна бойланур?» Ойтдилар: «Иймоннинг кўҳналиги улдурким, кишига ўз «маъман биҳи»сиға инжизоб ва шавқ ва вола қолмас. Бас, керакким, толиби содиқ ҳама аҳволда бу калиманинг такрори билаким, вола, шавқ ва инжизобнинг мавриси турур вола, шавқ ва инжизоб касб этсун».

Хизмати Мавлоно бу суҳбатдин уч кундин сўнг вафот топдилар. Ул Ҳазрат соири асҳобу аъён ва кавосу авоми Самарқанд била оларға намози жаноза ўқудилар ва Муҳавватаи Мулоёнда дафн этдилар. Ва олардин саккиз кундин сўнг Мавлоно Жаъфар нақл этдилар, ондоғким, мазкур бўлди. Табиби Хуросоний Мавлоно Бурҳонуддин ва Мавлоно Жаъфарнинг муолажасида ахтолар этиб ва онга хибталар воқиъ бўлуб эрди. Ул кунлардаким, Мавлоно Жаъфарнинг таъзияси ўртада эрди, бир кун (табиб) Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келди ва онга газаб этдилар ва тунд бўлиб, қаттиғ сўзлар ойтдилар: «Сан манинг икки кишимни ўлдирдингким, ер юзида учланчиси йўқ эрди. Агар етти қат осмону етти қат ерга баробар қизил тилло тўксанг, ҳануз оларнинг қиймати зиёда турур, сан шундоғ икки кишимни ўлтурдинг».

### *Мавлоно Лутфуллоҳ Хатлоний (раҳматуллоҳи таъоло)*

Олар Мавлоно Бурҳонуддиннинг хоҳарзодаси эрди ва Ҳазрати Эшоннинг кибор асҳобларидин ва мақбулларидин ва тариқатға олим. Ва ҳамишга сифати баст оларға ғолиб эрди. Ва ақсари авқот мутабассим ва хандон ва доимо Ҳазрати Эшонни ширин сўзлар била табассумға келтурур эрди. Ва ул Ҳазрат ҳам хизмати Мавлоноға аҳёнан тийбат ва мазож қилур эрдилар. Бир кун хизмати Мавлонодин тийбат тариқасида сўрдилар: «Вақтиким, кадхудо бўлсанг, нечук

---

1 Ҳадис: «Иймонингизни «ло илоҳа иллаллоҳ»ни айтиш билан янгиланг».

хотун олурсан?» Деди: «Сабзу ширин». Ҳазрати Эшон табассум этдилар ва дедиларким: «Ғалат ойтибсан, билмаймусенким, неча вақтлардин сўнг ширинлиги кетар ва сабзалиги қолур?» Ва бу сўздин сўнг ойтдиларким: «Тариқат толибларига кадхудолиқ ёмон хосту бойист турур». Ондин сўнг бу байтни ўқидилар:

*Кадхудойиат мояи ҳавас аст,  
Гузарҳо кун туро Худой бас аст.  
(Уйланишинг беҳуда ҳаваснинг моясидир,  
Кеч ундан, сенга Худонинг Ўзи бас).*

Хизмати Мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳ шундоғ ойтдиларким: «Ман ёш замонларимда ўз вилоятимда бўлур эрдим, бир кеча Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни ниҳояти хусну жамолда тушумда кўрдим ва ул суврат ҳамишга кўнглимда ҳозир эрди. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига мушарраф бўлдим, бир кун сўз аросида тақриб била ойтдилар: «Одамлар гоҳо Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни сувратлари билан кўрарлар». Ногоҳ бу маҳалда мен тарафга қарадилар, ул суврати зебо билаким, мен ул вақтда Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб эрдим, зоҳир бўлдилар. Ва-л-ҳақ бу сувратнинг мушоҳадаси манинг Ҳазрати Эшонга гирифторлигимга мувжиб ва боис бўлди».

Ва яна хизмати Мавлоно ойтдиларким: «Бир мартаба Дойиждаким, Сўғди Самарқандда бир деҳа турур ва шаҳардин тўрт фарсах ерда, ул деҳада Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида эрдим ва маволийдин ҳам жамъе ҳамроҳ эрдилар. Шайх Камолуддин Абдураззоқ Кошийнинг «Шарҳи Манозил»лари мажлисда ҳозир эрди. Ҳазрати Эшон ул ердин сўз ўртага ташлаб эрдилар ва маволийлардин истифсор қилур эрдилар. Ондоқким, Ҳазрати Эшоннинг даъблари эрди, бу фақирнинг бир нимарса хотирига келди, арза этдим. Ойтдиларким: «Бу тоифанинг сўзларининг мазоқи таври дигардур, таъвилоти муллоёнани кўйунг». Ман хомуш бўлдим. Ўзимга андишга этдим, хотирга келиб эрди, яхши кўринур, Ҳазрати Эшон на тариқадурким, қабул этмаслар? Бу аснода суврати ғазаб Ҳазрати Эшондин зоҳир бўлди ва сўзга кирдилар, ойда-ойта гарм бўлдилар. Ман ўзимда бори азим ва сақле эҳсос этдим ва гумон этдимким, юз ботмон юкни манга юкладилар. Ва ғоят огирликидин ва бегоқатликдин мунҳаний бўлдим ва қуввати ҳаракат мандин зойил бўлди. Бу маҳалда кўзим Ҳазрати Эшоннинг муборак юзларига тушди, кўрдимким, Ҳазрати Эшоннинг нуроний

юзлари улуғ бўла бошлади ва муборак лаблари тебранур ва ҳеч нимарса манга масмў бўлмас эрди. Ва шундоғ улуғ бўлдимки, уйнинг тамоми ерини тутди ва холий ер қолмади. Ва ман ондоғ танг бўлдимки, яқин эрдиким, нафасим тутулса. Ва бу ҳолат кўб муддати борди, то кўрдимки, андак-андак Ҳазрати Эшон ўз ҳоллариға яна келдилар ва ман енгил бўлдим, то аслий ҳоллариға келдилар ва мен ул сақлдин батамом халос бўлдим. Аҳли мажлис бу аҳволдин ҳеч хабари йўқ эрди».

Яна хизмати Мавлоно ойтдиларким: «Маҳаллаи Хожа Кафширда Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида эрдим. Кун ўрта эрдиким, кўйлаклари чанг, ҳарам тарафидин чиқиб, хужраға келдилар ва хужрада ўлтурдилар. Ҳазрати Эшоннинг муборак жуссалари манинг назаримда кўб ҳақир кўринди ва хотиримға келдиким: «Мунча тасарруфнинг мамоликида ҳамма асарлари бу жусса била Ҳазрати Эшондин зоҳир турур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг маъзи инояти ва қудрати турур». Бу хотирнинг мужаррад хутури била ногоҳ бу фақирға нисбатан иноят ва илтифот мақомида бўлдилар ва сўзга кирдилар ва яна ондоғ Ҳазрати Эшоннинг муборак юзлари улуғ бўлди, то жоеға етушдиким, хужранинг ҳамма ери Ҳазрати Эшоннинг муборак юзларидин тўлди ва ман ўзимни бир гўшаға олдим ва танг бўлдим. Аввалги дастурларда мандин ҳиссу ҳаракат соқит бўлди. Овоз эшитур эрдим, лекин сўз фаҳмламас эрдим. Бу ҳол узоқға тортди, ман беҳуд бўлдим. Вақтиким, ўзимға келдим, кўрдимки, Ҳазрати Эшоннинг муборак юзлари ҳолати аслийға келибдур».

Ва ҳам хизмати Мавлоно ойтдиларким: «Ибтидои ҳолларда бир мартаба Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Камонгарон деҳаси тарафиға борур эрдук ва манинг отим кўб чамон ва бадроҳ эрди. Бу жиҳатдин Ҳазрати Эшоннинг олдиларида кўб ташвишу меҳнат била ҳайдаб борур эрдимки, мабодо йўлдошлиқдин қолмағайман. Ногоҳ Ҳазрати Эшон манинг изимдин келдилар ва манинг отимға бир қамчи урдилар ва ойтдилар: «Сизнинг отингиз юришли эрмас эркан». Дарҳол манинг отим бар ваҳже юришли бўлдимки, Ҳазрати Эшон ҳар неча қаттиғ ҳайдаб эрдилар, манинг отим оларнинг отлари била ҳамроҳ юруди ва бир қадам кейин қолмади. Ва ман онинг орқасида фароғат бўлдим. Асҳобларким, ҳамроҳ эрдилар, ҳақиқати ҳолға иттилоълари бор эрди, мутаҳаййир ва мутаажжибда қолиб эрдилар. Ондин сўнг то ул тирик эрди, шул тариқа юрушлик эрди, асло ондин қоҳиллик зоҳир бўлмади. Бу аҳволнинг мушоҳадаси манинг Ҳазрати Эшонға яқиним зиёда бўлмоқиға сабаб бўлди».

*Мавлоно Шайх  
(разийаллоҳу анҳу)<sup>1</sup>*

Ҳазрати Эшоннинг кибор асҳобларидин турурлар ва ул Ҳазратнинг умури дунявийларининг ҳалли ақди неча йиллар онга муфаввиз эрди.

Баъзи азизлардин эшитилдиким, вақтиким, кеча бўлди, хизмати Мавлоно ўз уйларига бориб, бир замон аҳли байтлари била ўлтуруб, таом тановул этиб, вақтиким, уй одамлари уйқуға борсалар, Мавлоно тахфифа боғлаб, то субҳ вақтигача рўй ба қибла ўлтуруб ва эҳтимоми тамом бирла нисбатиниким, таълим олибдурлар, варзиш қилур эрдилар.

Мавлоно Шайх алайҳи-р-раҳманинг сўзларидин шундоғ маълум бўлурким, ҳибси нафас ва нафйу исботга маъмур эрдилар ва бу маънининг муаййиди турур улким, бир кун хилватда тақриб била ойтдиларким, бир нафасда эллик бир мартаба зикр ойтилур нафйи ғайрнинг мулоҳазаси ва мақсуднинг исботи ва бозгашт ва вуқуфи қалбий ва вуқуфи ададий риояси била, ондоғ бўлмағайким, нафас кўтаҳлик қилса ё дил хафақонга келса ё башарада асаре зоҳир бўлса.

Бир кун Хожа Кафшир маҳалласида Муҳавватаи Мулоёнда толибларнинг бирининг хужрасида асҳоблардин жамъи била ўлтуруб эрдилар. Сўз Ҳазрати Эшоннинг тасарруфоти ажиба ва каромоти ғарибларидин ўтуб, ҳар киши бир нақл қилиб ўлтуруб эрди ва хизмати Мавлоно хомуш эрдилар. Ва хотирға тушдиким, на бўлур эрди алар ҳам бу бобда бир сўз десалар. Бир лаҳзадин сўнг дедиларким: «Сизлар ҳаммангиз Ҳазрати Эшоннинг офоқий тасарруфотларидин сўз ойтдингизлар ва оларнинг анфусий тасарруфотларидин ҳеч сўз демадингизлар». Асҳоблар ойтдилар: «Карам қилинг ва сиз ул бобдин ҳикоят этинг». Ойтдилар: «Ибтидои ҳолдаким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим ва таълим била фойиз бўлдим, кўб жон чекар эрдим, риёзати азим тортар эрдим, то андак-андак машғулликнинг натижасининг асарлари зоҳир бўлур эрди. Ва Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари

---

1. «Рашаҳот»нинг Ҳиндистон нашрида қуйидаги изоҳ бор: «Рашаҳот» ёзиб тугаллангандан кейин бир неча муддат ўзбек хонлари даврида Мавлоно Шайх ҳаёт бўлиб, сўнг вафот этган ва Хожа Кафшир маҳалласидаги Муҳавватаи Мулоёнга дафн этилган».

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

кундин-кун қувват топди, то неча вақтлардин сўнг андак жамъияти хотир даст берди. Фи-л-жумла огоҳлик нисбати зоҳир бўлди. Ногоҳ Ҳазрати Эшон мани зироатнинг баъзи муҳимларининг кифоятига ва бошқа ишларга ҳам амр этдилар. Умури дунёга шугл этган сабабидин ва амали ботинда футуре бўлгон ваҳҳидин ул нисбат андак-андак заиф бўла бошлади ва манга бу жиҳатдин алами азим рўй берди. Ойтдим: «Борайин, дарди дилимни Ҳазрати Эшонга арз этайин». Фурсат сақладим, хилват топиб ўзумни Ҳазрати Эшоннинг хужраларига еткурдим. Хоҳладимким, ўз паришонҳоллиқимдин шаммае арз этсам». Ойтдилар: «Мавлоно Шайх хожагон қаддасаллоху арвоҳаҳум тариқларидин хилват дар анжуман асли куллий турур. Оларнинг қору борининг биноси онга турур ва асл маъхуз турур ояти каримадинким: «Рижолун ло тулҳиҳим тажоратун вало байъун ған зикриллоҳи». Бу Бузругворларнинг нисбати шарифлари маҳбуб турур ва муҳаббатнинг ғайрати они тақозо этарким, маҳбуб мастур бўлса, муҳиб ғайур. Қачон раво тутарким, они маҳбуби бепарда бўлса? Бу нисбатни бепарда варзиш этмак бу тоифанинг даъби эрмас. Ондин чора йўқтурким, бу нисбатни ашғоли зоҳирийдин бир шугле била жамъ этарлар». Ман ботинимда тазарруъ этдимким, жамъу байна-л-амрайиндин ожиз турурман». Бу маҳалда ойтдиларким: «Ҳиммат этинг ва ҳамла келтуринг, бўлғайким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло қуввате каромат этгай ва табиатга мувофиқ ишлар бўлғай». Бу ҳолга мақорин илтифоте этдилар улчаким, таъаммул ва такаллуф била гоҳ-гоҳ муяссар бўлур эрди, ботинга истило топиб, мутамаккин бўлди. Ва кўнгил онинг била ором топди ва хотир тараддуддин халос бўлди ва мундин сўнг ҳама ашғолотда ва аҳволда, навму яқзада насбу-л-айн бўлди.

### *Мавлоно Султон (раҳматуллоҳи алайҳ)*

Ҳазрати Эшоннинг ажиллаи асҳобидин эрди. Донишманди мутабаҳҳирлардин ва бу тоифанинг улумиға ва улуми зоҳирийға олим эрди. Ва Ҳазрати Эшоннинг ижозатлари била Ҳижознинг муборак сафарини этиб эрди. Ва ҳарамайни шарифайн зодаҳумаллоҳу шарафан ва кароматанга фойиз бўлур, яна мулозаматга келган эрди.

---

1 Одамлар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳ зикридин чалгитолмайди.

Ойтур эрдиларким: «Ибгидои ҳолда бир кун Мотурид қарясига Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларига борур эрдим. Йўлда ҳар неча жаҳд этдимким, ўзимни тариқи таважжуҳ ё мувоқаба била жамъ этайин, то жамъияти хотир била ул Ҳазратнинг назарларига борайин. Бу маъни даст бермади. Охири нафйу исбот тариқиға машғул бўлдим. Ва шаройитлари била неча мартаба зикр ойтдим, то андек ҳузуре ҳосил бўлди. Ул нисбатни ҳифз этиб, Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига кирдим. Вақтиким ўлтирдим, бир лаҳзадин сўнг ойтдиларким: «Гоҳи нафйу исбот тариқиға машғуллиқ қилурмусан?» Ойтдим: «Аҳёнан». Ойтдилар: «Вақтиким, ўлтурдинг, нисбате зоҳир бўлдимким, нафйу исботға машғуллиқнинг натижаси турур». Ул Ҳазратнинг сўзларидин манга маълум бўлдимким, агар чандиким, «ҳузур маъаллоҳ» бир турур, аммо нисбати ҳузурким, зикрга мутараттиб бўлур, онга ранги хос бор турур. Ва нисбатиким, таважжуҳға ё мувоқаба ёки робитаға мутараттиб бўлур, ҳар бирининг алоҳида ранги бор турур. Ул гуногун рангларнинг аросида фарқ этмак мавқуф турур фаросати хосғаким, аҳли ихтисос авлиёуллоҳлардин ахасси хоссиға бўлурким, илми ладунний била муаййиддулар».

**Мавлоно Абу Саъид Убаҳий**  
**(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Эшоннинг асҳоблари ва мақбулларининг жумласидин турур. Ўттиз беш йил муддати ул Ҳазратнинг остоналарига бориб қайтмоқ ва бориш-келиш этдилар. Ойтур эрдиларким: «Манинг Ҳазрати Эшонга вусули пайвастигимнинг сабаби ул эрдиким, вақти Самарқандға бордим, Мирзо Улуғбекнинг мадрасасида бир неча кунлар таҳсили улумға иштиғол кўргуздим. Ва хотиримни тамом мутолааға қўйдим. Ногоҳ бежиҳат манга мутолаа ва таҳсилдин калолу малол даст берди. Дарвишлик доъияси ва дарвишларнинг хизмату суҳбатлари хотиримға тушди. Мадрасанинг ҳужрасидин ташқари чиқиб эрдим, бир ошно толиби илм ёнимға келди. Ойтдим: «На ерда эрдинг ва на ҳолинг бор?» Ойтди: «Кўҳи Нурда эрдим, Шайх Илёс Ишқийнинг ёнида, ҳоло оларнинг ёнидин келурман». Ва ул чоғлиғ таъриф этдиким, манга онинг суҳбатиға майли тамом бўлди, ул мартабадаким, шул ердин Кўҳи Нурға юз қўйдим. Иттифоқан, гузарим Ҳазрати Эшоннинг мадрасаларига тушди. Кўрдимким, ул Ҳазрат ҳам йўлдин келиб, мадрасаға тушдилар. Ман ўзимға ойтдим: «Ҳаргиз Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини этганим йўқ турур, аввал мартаба Ҳазрати Эшон била суҳбат

этайин, ондин сўнг Кўҳи Нурға мутаважжих бўлайин». Бас, Ҳазрати Эшоннинг изларидин мадрасаға кирдим. Кўрдимким, асҳоблардан жамъи била мадрасанинг суффасида ўлтурубдилар. Ман ҳам келдим ва Ҳазрати Эшоннинг рўбарўларида ёронлар сафида ўлтурдим. Бир лаҳза сукут этдилар. Бас, муборак бошларини кўтариб, мани мухотаб этиб, бу байтни ўқудилар:

*Дар кўҳ чи мерави, ба ман бош,  
Имрўз Маъоз дар жабал нест.*  
(Тоққа бориб нима қиласан, мен билан бўл,  
Бугун тоғда Маъоз йўқдир).

Бу байтни истимомидин манга ҳол бошқа бўлди. Ўзимга ойтдим: «Агар Ҳазрати Эшон бу байтни манинг учун ўқуғон бўлсалар яна бир мартаба ҳам ўқусунлар». Яна Ҳазрати Эшон манга қараб ойтдилар: «Мавлоно Абу Саъид, бу байт Шайх Камолнинг байтларидин турур:

*Дар кўҳ, чи мерави, ба ман бош.  
Имрўз Маъоз дар жабал нест.*

Бу байтни ўқиб, ўринларидин турдилар ва мадрасадин чиқиб, отланиб, кетдилар ва манинг ботинимни ўз тарафларига мунжазб ойлантирдилар. Ва ман ҳайроғу музгариб бўлдим. Ўзимга андишга этдимким: «Ҳазрати Эшон ҳаргиз манинг отимни эшитмай на билдилар? Ва бу на байт эрдиким, манга ўқидилар?» Мадҳушвор мадрасадин ташқари чиқдим. Мадрасаи Мирзо Улуғбекни толибларига хабар бердимким, ҳар нимарсаеким, манинг ҳужрамда турур, китоб ва ажзо ва ғайри ажзодин, ҳаққи талаба турур, тасарруф этсунлар».

Ондин сўнг бориб, ул Ҳазратнинг остоналари мулозаматини ўзимга лозим тутдим, то бир йил муддате ўтди, ул муддатиларда мутлақо ул Ҳазрат зоҳир юзидин ҳеч гуна илтифот этмадилар ва манинг ибтило ва инжизобим ботин юзидин кун-кундин Ҳазрати Эшонга зиёд бўлур эрди. Ул муддатиларда бир якка қат кўҳна бўлғон жомادا ўтқарур эрдимким, онинг тагида на кўйлак бор эрди ва на изор. То бир йилдин сўнг андак-андак зоҳир юзидин олардин илтифот пайдо бўла бошлади.

Яна ҳам хизмати Мавлавий ойтур эрдилар: «Бир кун Ҳазрати Эшондин бори азим манга тушди ва ул мавҳибатиким, замон-замон ботин юзидин Ҳазрати Эшондин манга етушур эрди,

мунқатиъ бўлди. Сифати қабз ул мартабада муставлий бўлдимки, ҳалок бўлур қўркувси бўлди. Ул бор ва қабз то йигирма кеча-кундуз муддати кетди. Охир бетоқат бўлдим. Баъзи улуглардин эшитиб эрдимким, вақтиким, намози таҳажжудда Ёсин ўқусалар, ондин сўнг ҳар дуоиким этсалар, мустажоб бўлур. Бир кеча ул бетоқатликда таҳажжуддин сўнг дуо этдимким: «Худоё, агар манинг зотимда бир нимарсаким бўлса Ҳазрати Эшонга макруҳ турур, они мандин дафъ этқил ва агар манинг истеъдодим бар важҳе бўлсаким, Ҳазрати Эшоннинг кудуратлариға сабаб бўлса, мани ўртадин кўтаргил ё бу остонадин узоқ этгил». Бу сўзларнинг амсолини муножотимда ойтиб, кўб йиғладим. Вақтиким, сабоҳ Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, аввал сўзиким ойтдилар, бу эрдиким: «Биз хаёл этдукким, иш қилурмиз, эмдиким сизга нохуш келур, ўз маргингизни ва ўз кулқингизни талаб қилурсиз. Борғил, бартараф бўл». Ҳазрати Эшоннинг бу сўзларидин маълум бўлдимки, ул бор ва қабзким, фақирға ҳавола этиб эрдилар тарбият эркан. Ондин сўнг ул мажолисда инбисот ва иншироҳ кўнгулга ҳосил бўлди».

Ва хизмати Мавлавийнинг фавойиди анфосларидин турур бу уч рашҳаким, ирод топар.

*Рашҳаи аввал.* Ойтур эрдиларким: «Бу қору борнинг ҳосили завқёфт ва алами ноёфт турур. Керакдурким, толиблар ул нимарсаниким, топсалар иродат ва аҳволи мавожид завқини, хушвақт бўлсунлар. Ва яна ул завқдин холий бўлиб, улчаким, топмайдурлар ва боқий қолибдур онинг учун мутааллим бўлсунлар. Нечунким, мақсуд бениҳоят турур, улчаким ондин топибдурлар ул нимарсага нисбатанким, топмай турурлар дарёи муҳитға нисбатан ярим қатранинг ҳукмидур. Агар ул нимарсаким, топиб онга қаноат қилиб ва онинг била ором топсалар ва онинг завқида қолсалар ва ул завқ била оламдин ўтсалар абаду-л-абадайн онда маҳбус бўлурлар ва азвоқ ва мавожиди бениҳоятдин маҳрум қолурлар. Агар умри абдий била бу ёфту ноёфтда сайр этсалар ҳануз ҳеч иш этмаган ва ҳеч йўл юрмаган бўлурлар».

*Рашҳа 2.* Бир кун сураи «Ихлос» оятлари маънисиди ойтдилар: «Ул мавжудиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ижоди била ҳеч нимарса восита бўлмай вужудға келди, содир ул эрди. Вақтиким, мабдаи файёздин содири аввални зуҳури мушобиҳ эрди валодатға, ложарам Ҳақ субҳонаҳу бу сурада ояти карима «лам ялид» била ул мушобаҳатни нафй этди. Вақтиким, Ҳақ субҳонаҳу мавжудотни ижод этиб ва тааййунотни изҳор эткондин сўнг мазоҳири Илоҳий

кўйинда зот ва сифати асмо ва афъол андозасида зуҳур этди. Мазоҳирдин бу янглиғ зуҳур мушобиҳ эрди мавлудиййатиға, ложарам Ҳақ субҳонаҳу бу сурада «ва лам ювлад» ояти қаримаси била ул мушобаҳатни нафй этди. Вақтиким, ижоди мавжудотдин сўнг навъи инсонни «халақаллоҳу Одама ала суврати-р-Раҳмон» ҳукми била нусхаи жомиъа ва мазҳари жамиъи асмо қилди. Ва они ўз зоти ва сифати ва афъоли бениҳоятиға ойна этди. Ва онга жомиъиййат ҳайсиятидин ул зоти ягона муқаддасиға мушобаҳат ва мумосалатким, ояти қарима «Қул хуваллоҳу аҳад, Аллоҳу-с-Самад»нинг сифати турур, пайдо бўлдиким, онда «куфуван»ни тасаввур этмак ҳам бўлди. Ложарам Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло «ва лам якун лаҳу куфуван аҳад» ояти қаримаси била ул мушобаҳат ва мумосалатни нафй этди».

*Раиҳа 3.* Ойтур эрдиларким: «Бир кун отам била ҳамроҳ Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кусуйининг мажлиси ваъзиға бориб эрдим. Ул мажлисда Хожадин бир ҳарқи одат кўрдим. Ва ҳар оятнинг тафсири эшитдимким, Хожа маърифти Илоҳий ва лагойифи номутаноҳийда ғомиз сўзлар ва борик нукталар ойтур эрдиларким, аҳли мажлиснинг баъзилариға ул сўзнинг гумузи ва онинг маънисини идрок эта билмаганлик сабабидин нуъос ва пинак ориз бўлуб эрди. Хожаға, ғайрат келиб ойтди: «Сизлар пинак этарсизлар, ваҳоланким, агар мен бу сўзни масжиднинг сақафиға ойтсам мутаассир бўлиб, жойидан жилар эрди». Чун Хожа сақафға ишорат этдилар, ул сақаф чўбпуш эрди, зилзила тушуб, чўблардин торрақа-торроқ садо чиқар эрди, ондоғким, аҳли мажлис бузилиб, баъзиларким, масжиднинг эшигига яқин эрдилар, чиқиб қочдилар ва баъзиларким, минбарға яқин эрдилар, югуриб минбарнинг поялариға ёпушдилар. Вақтиким, ман ҳозирлардин кичикроқ эрдим, тезроқ югуруб бориб, минбарға ёпушдим. Ва Хожа неча муддатилар минбарнинг устида сукут этдилар. Ондин сўнг яна сўзга кирдилар ва одамлар яхши ҳозир ва мутаважжиҳ бўлдилар. Ва оятнинг тафсири ул эрдиким, ойтдилар: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюрубдур: «Аҳсин камо аҳсаноллоҳу илайка», яъни яхшилиқ қил, ондоғким, яхшилиқ қилибдур Аллоҳу таъоло санга. Худонинг бандага яхшилики ул турурким, азалу-л-азалда Аллоҳу таъоло зоҳир эрди ва банда пинҳон. Бас, бандаға нисбатан бу яхшилиқни этибдурким, бандани зоҳир қилди ва ўзи пинҳон бўлди. Бас, таълим берур бандаға, амр қилурким, яхшилиқ қил, ондоғким, Аллоҳу таъоло санға яхшилиқ қилибдур, яъни сан ҳам ўзингни нафйи вужуд била пинҳон этгил, то Аллоҳу таъоло зоҳир бўлсун».

*Мавлоно Муҳаммад Қози  
(рахматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг асҳоблари ва мақбулларининг ажиллаларидин турур ва ул Ҳазратнинг маноқиблари, шамойилу хасойис ва фазойилларида китобе тасниф этибдурлар «Силсилату-л-орифийн» ва «Тазкирату-с-сиддиқийн» била мусаммодур. Ул жойда келтирибдурким, сананинг таърихи саккиз юз саксон бешда (1480) эрдиким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға етушулди. Ва ўн икки йилға қариб ул Ҳазратнинг мулозаматларида бўлди. Алҳамдулиллоҳи ала золика».

Вақтиким, Ҳазрати Мавлоно идроки маъфда ва латойифи сўфиййа қаддасаллоҳу арвоҳаҳумда фаҳми баланд ва таъби аржумандлари бор эрди, ложарам Ҳазрати Эшон бу тоифанинг ҳақойиқ ва дақойиқлари адосининг вақтида хизмати Мавлавийни кўб мухотаб қилур эрдилар. Ойтур эрдиларким: «Бир кун Ҳазрати Эшон мандин сўрдиларким, бу дақиқ сўзлар билаким, биздин эшитурсан, ул эътиқодларким, атову ано ва устозингдин ёш вақтларингда таълим олибсан, ҳеч нуқсоне онда мавжуд топармусан?» Ойтдим: «Йўқ». Ойтдилар: «Бас, санга бу рангда сўзлар ойтса бўлур».

Хизмати Мавлонодин эшитилди ва «Силсилату-л-орифин»да ёзибдурларким: «Манинг Ҳазрати Эшонга ибтидои мулозаматим ул эрдиким, Мавлоно Неъматуллоҳ отлиғ бир толиби илми Кирмоний била Самарқанддин Ҳиротга азимат этиб чиқдук. Вақтиким, деҳай Шодмонга келдук ҳавонинг иссиқлиғидин таваққуф этдук. Намози дигар эрдиким, Ҳазрати Эшон келдилар. Мулозаматлариға бордим. Сўрдиларким: «Не ердинсан?» Ойтдим: «Самарқанддин». Ондин сўнг ҳикоятға машғул бўлдилар ва улчаким, хотирда эрди ҳаммасини изҳор этдилар. Ул жумладин сўзи эрдиким, фақирни саргашта этиб, бу вилоятдин олиб борур эрди. Они бар важҳе изҳор этдиларким, фақирнинг хотири Ҳазрати Эшоннинг тарафлариға кўб мунжазб бўлди. Ва сўз асносида ойтдилар: «Агар мақсадинг таҳсили улум бўлса, бу ерда ҳам муяссар турур». Ва ул вақтда муҳаққақ бўлдиким, бу фақирнинг махфийётларидин ҳеч нимарса йўқ турур, магар ул Ҳазрат анинг мажмуъиға мутталиъ турурлар. Ва яқин бўлдиким, Ҳазрати Эшоннинг халқларнинг ботинлариға ишроқи азимлари бор турур, бовужуди бу маънийни билгандин сўнг ҳам сафарға майлим кам бўлмадиким, Ҳиротнинг сариға кўб мойил эрдим. Қаршини қасд этдим, манъ этдилар. Ва

ойтдилар: «Бухоро тарафига азимат этгил». Сабоҳ ижозат учун келдим. Бир киши ойтди: «Китобга машғул турурлар». Таваққуф этдим. Бир лаҳза ўтди. Кўрдимким, Ҳазрати Эшон ул мавзединким, ўлтуриб эрдилар, турдилар ва бу тарафга мутаважжих бўлдилар ва ойтдилар: «Рост айтгил, дарвишлик учун Ҳиротга борурмусан ё илм таҳсил этмак учун?» Фақир ғояти даҳшатдин хомуш бўлдим. Мавлоно Неъматуллоҳ ойтди: «Дарвишлиги голиб турур, таҳсилни рўпўш этиб турур». Табассум этдилар ва ойтдилар: «Агар шундоғ бўлса яхши турур». Ва фақирнинг қўлин тугуб, боғнинг поёнимга мутаважжих бўлдилар. Ва ул миқдор кеттиларким, одамлардин узоқроқ бўлуб турдилар. Ҳазрати Эшоннинг муборак қўллари фақирнинг қўлига мужаррад етишмак била ўзимдин ғойиб бўлдим ва бир замон бу гайбатда ўтди. Вақтиким, ҳозир бўлдим, сўзга машғул бўлдилар ва ойтдилар: «Шоядким, бизнинг хатимизни ўқумоқни билгайсан». Жайби муборақларидин бир хат чиқариб ўқудилар. Ва ўраб, фақирга бердилар ва ойтдилар: «Бизнинг китобатимизни яхши сақлагил». Ва ул китобат бу турур:

«Ибодатнинг ҳақиқати хузуу хушуъ ва ниёзу шикастликдурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг шуҳудининг азиматидин бир кўнгилга зоҳир бўлур. Бу янглиғ саодат муҳаббатга мавқуф турур ва муҳаббатнинг зуҳури мавқуф турур Саййиди аввалин ва охирин алайҳи мина-с-салоти атаммуҳо ва мина-таҳийёти аминухоға мутобаатлариға. Ва мутобаат тариқи мутобаатни билмакка мавқуф турур. Бас, зарурат юзидин уламонинг мулозаматлариниким, улуми динийнинг ворислари турурлар, бу ғараз учун этмак керакдур. Ва ул уламонинг мулозаматларидинким, илми маъоши дунявийға васила ва ҳусули жоғға сабаб қилиб олмишлар, узоқроқ бўлмоқ керакдур. Ул дарвишларнинг суҳбатларидинким, рақсу самоъ этарлар ва ҳар нимарса бўлса бетаҳоший олулар ва ерлар, парҳез этмак керакдур. Ва ул тариқа тавҳид ва маъорифларни эшитмақдинким, аҳли суннат жамоасининг мазҳабларида нуқсонни ақидаға сабаб бўлур, узоқ бўлмоқ керакдур. Ва маъорифи ҳақиқийа зуҳури учунким, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг мутобаатлариға мавқуф турур, таҳсил этмак керакдур. Васаллом».

Ондин сўнг яна одамларнинг олдиға келдилар ва фақирға Ҳирот сафарининг ижозатини бериб, фотиҳа ўқудилар ва отландилар ва ман Ҳазрати Эшоннинг ишоратлари мувжиби била Бухороға мутаважжих бўлдим. Бироз йўл юриб эрдимким, изимдин бир пиёда югуруб келди ва яна бир руқъа келтурдиким, Ҳазрати

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий қуддиса сирруҳунинг валади Бузругворлари, хизмати Хожа Калон учун ёзибдурларким: «Бу руқъаи ниёз ҳомилининг аҳволидин соҳиби вуқуф бўлсинлар ва они қўймасунларким, бекорлиқ этса ва ҳар кимга ихтилот этса». Бу хат таъсири азим этди, гўё бир ўқ эрдиким, сийнаи мажруҳга келиб тегди. Кўнгил батамоми ул Ҳазратнинг мулозаматлариға машғуф бўлди. Ғояти буким, қолиб Бухороға мутаважжиҳ эрди бетоқат ва беором. Ва ҳар манзилда бир нимарса воқиъ бўлди, қайтмоқ керак бўлди. Аммо бу ажойибдин эрдиким, сафарнинг дағдағаси кўнгулдин чиқмади. То Бухороға келгунча олти маркаб сотғун олинди. Ва ҳар манзилда бир нимарса воқиъ бўлдиким, ул маркабға сувор бўла билмадим. Вақтиким, Бухороға етулди, улуғ кўз офриқи юз кўргузди ва неча кунлар ул восита била сафар мавқуф бўлди. Ондин сўнг яна неча навбат ул жойтдин қасди сафар этилди. Ҳар мартаба бир ориза олдимға келдиким, сафардин моний бўлди. Би-л-аҳара табларза бўлдим. Ўзимға ойтдим: «Агар мундин зиёда сафарга саъй этсанг ҳалок қўркуви бордур». Би-л-куллийа сафарнинг дағдағасини хотиримдин чиқардим. Касалим ҳам бартараф бўлди. Ондин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға азм этдим. Вақтиким, Тошкандга етулди, хотиримға келдиким, Шайхзодаи Илёснинг лангарига борайин. Вақтиким, оларнинг рабқаи иродатида бўлсам, зохирда оларни кўрган бўламан ва ботин юзидин навъе ижозат талаб этарман, нечунким, Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларининг жазби ғолиб бўлуб, беором этибдур. Маркабимни хуржинда китоблар била ошноларнинг бирисига топшурдим ва бозорға келдимким, Шайхнинг дарвишларидин бир кишини топайин ва онинг била ҳамроҳ Лангарға борайин. Бир киши пайдо бўлди ва ойтди: «Улоғингни келтургил, то Лангарға мутаважжиҳ бўлайлик». Фақир келдимким, улоғимни олиб кетайин. Бир одам ойтурким: «Улоғ хуржин била йўқ бўлубдур ва бир жамоа они охтормоқға машғул турурлар». Гўшаеда ўлтурдим ва бошимни тафаккурнинг яқосига чекдим. Бу аснода хотиримға келдиким, хожагон қаддасаллоҳу арвоҳаҳум табақалари кўб ғайур бўлурлар, санга бу миқдор илтифот этиб, мутаважжиҳ бўлубдурлар, сан бошқа кишининг зиёратини қасд этарсан, санга мундин зиёда зарар етушмаса яхшидур. Ботинда бу азиматдин қойтдим ва истиғфор қилдим. Ногоҳ қулоқимға бир овозе келдиким: «Маркабингни топдилар, ҳеч нимарсаси йўқ бўлмай турур». Бош кўтардим, кўрдимким, маркабимни ҳозир қилибдурлар. Ул ошино ойтур: «Амри ажиб воқиъ бўлди,

маркабингни ёнимда боғлаб эрдим, баякбор назар этдим, маркабингни кўрмадим, мутаажжиб бўлдим, бағоят душвордурким, Тотканд бозорида киши бир нимарса йўқотса ва они яна топса, онинг учунким, бағоят галаба ва азим издиҳом бўлур. Бу кўб таажжуб турурким, ҳеч нуқсон бўлмай, пайдо бўлса». Бу амрни мушоҳада этгандин сўнг фақирда кайфияте пайдо бўлди, фи-л-фавр отландим, Самарқандга мутаважжиҳ бўлдим ва Шайхнинг Лангарига бормадим. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг суҳбатлариға мушарраф бўлдим, табассум этдилар ва ойтдилар: «Хуш келдинг». Бу фақирға маълум бўлдиким, манинг мажмуъи ўтган аҳволимдин хабарлари бор эркан, балким, бу сафарнинг ул ҳамма мавонийлари Ҳазрати Эшондин эркан».

Ва яна ҳам хизмати Мавлоно Муҳаммад ойтур эрдиларким:

«Бир мартаба ибтидоий мулозаматда бу фақир, вақтиким, Хожанинг мазорлари зиёратиға сайр этиб борурман, вақтиким, мазорнинг гумбазининг эшикига келдим, гумбазға қадам қўймасимдин аввал кайфияте ғариб воқий бўлдиким, йиқилдим ва ботинимда дарди азим эҳсос этдимким, мани ҳалқа қилди ва онга яқин етдики, руҳ баданимдин муфорақат этса. Хотиримға келдиким, Ҳазрати Эшоннинг суҳбатларидин чиқиб, беижозат мазоратнинг зиёратиға мутаважжиҳ бўлдинг, бу яхши эрмас эрди. Дарҳол истиффор этдим ва гумбазға қадам қўймай, қойтдим. Вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға келиб ўлтурдим, нафаси аввалда ойтдилар: «Эшитмадингмуким, акобирлар ойтибдурлар: «Гурбаи зинда беҳ аз шери мурда»<sup>1</sup>. Бу ҳолнинг мушоҳадаси фақирнинг Ҳазрати Эшонга зиёдати яқиниға сабаб бўлди.

Аъиззаи асҳобдин баъзилар ойтур эрдиким: «Ҳазрати Эшон вақтиким, муҳтазир бўлдилар авлоду аҳфод ва ҳавосси асҳобларидин жамъи Камонгарон деҳасида Ҳазрати Эшоннинг бошида ҳозир бўлдилар. Бу маҳалда ойтдиларким: «Бизнинг одамларимиздин ҳар киши фақру гинодин бир нимарса ихтиёр этсун». Аввал мартаба Мавлоно Муҳаммадга мутаважжиҳ бўлдиларким: «Аввал сен ихтиёр этгил». Мавлоно Муҳаммад ойтдилар: «Ман они ихтиёр этдимким, сизнинг мухторингиз турур». Ойтдилар:

«Бизнинг мухторимиз фақр турур». Ондин сўнг саркорларнинг бириға ишорат этдиларким: «Мавлоно Муҳаммадга тўрт минг шоҳрухий бергилким, ул фақр ихтиёр этди, то они фуқароларнинг фароғати учунким, онинг атрофида бўлурлар, дастмоя эт-

---

<sup>1</sup> Улик шердан тирик мушук яхши.

сун». Ва хизмати Мавлоно Муҳаммад имтисоли амр этиб, ул ваҳҳни олиб, ўзлариға ва асҳоблариға сармойи маишгат этдилар».

*Мавлоно Хожя Али Тошкандий  
(раҳматуллоҳи таъоло)*

Асҳобларнинг қудамолари ва ажилларидин эрдилар ва Ҳазрати Эшоннинг вукалоларидин эрдилар. Ибтидои аҳволда Тошкандда шарафи қабуллариға мушарраф бўлдилар.

Баъзи азизлар хизмати Мавлонодин нақл этдиларким, ойтди: «Мабодийи авқотдаким, Ҳазрати Эшон Хуросондин ватани аслийлариға мурожаат этдилар ва зироат ишиға машғул бўлдилар, ман йигирма яшар йигит эрдимким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини қилур эрдим ва ул Ҳазратнинг илтифоти тамомлари бор эрди. Ул аснода мусоҳиблардин жамъиким, таҳсили улум доъийлари бор эрди, Самарқандға мутаважжих бўлдилар. Мани васвасаи балиғ этдиларким, Тошкандда авқотингни зое қилурсан, омий бўлиб, мулло бўлмай қолурсан. Ул чоғлиқ сўз ойтдиларким, манинг ҳам таълим кетмакка мойил бўлди. Ўзимға андиша этдимким, агар Ҳазрати Эшондин сафарға ижозат талаб этсам, голиб улдуким, моний бўлурлар. Ҳеч нимарса ондин яхши эрмасдуким, таҳсилнинг завқи ва Самарқандға кетмакнинг қиссасини бир руқъаға ёзайин. Ҳазрати Эшон йўқ вақтларида ул мавзёдаким ўлтурдилар, қўйуб тез мутаважжих бўлайин. Вақтиким, руқъанинг мазмуниға мутталиъ бўлсалар ва ман ҳозир бўлмасам, моний бўлмаслар ва бу сувратда ижозат ҳам олгон бўлурман. Бас, ул руқъани ёздим ва ул жойда қўйдум ва кетдим. Иттифоқе, ул кун Ҳазрати Эшон ул уйга кирмай, намози шом келиб, ул руқъани кўриб, вақтиким, ўқубдурлар, ул сувратдин мутағаййир бўлиб, ойтибдурларким: «Ул бизга қаламнинг тили била сўз ойтиб, ҳийла била биздин ижозат талаб қилур. Кўрайликким, нечук кетар эркан». Ва шул соатдаким, Ҳазрати Эшон мутағаййир бўлиб, бу иборатни ойтибдурлар, ман Тошкандий ёронлар била аввалги манзилға нузул этиб эрдим. Намози шом била хуфтанинг ароси эрдиким, бағоят қаттиғ бош оғриқи ва улуғ таби муҳриқ ориз бўлди ва мани ул масоба бетоқат ва беором этдиким, ниҳодимдин нолаю фарёд чиқарди. То шабгир вақт бўлди, одамлар маркабиға юк қўймоққа машғул бўлдилар, ёронларнинг бирисиким, бу сафарға боиси куллий ул эрди, манинг маркабимға эгар қўймоққа қиём кўргузди. Хоҳладимким, хуржинни юклаб, мани отлантурса. Ул маҳалда бош оғриқи ва ҳароратим икки чандон бўлди. Ул мартабадаким, хаёл этдим, бошим ёрилди

ва ёнар ўтга кирдим ва ўлмакка яқин етдимким: «Эй ёрон, мани кўйуб кетинглар, ҳаракат этмак ва отланмоқ имкони қолмади». Ёронлар ҳар неча кетмакка муболаға этдилар, ишорат била манъ этдимким, сўзламакка мажолим йўқ эрди. Вақтиким, ёронлар мандин ноумид бўлуб кетдилар, ман ўзимга ойтдим: «Ғолибан бу ориза Ҳазрати Эшон мамаррларидин турурким, мани кетмағимға рози эрмаслар». Бу ҳолда қайтмоқни ният қилдим. Фи-л-фавр судоъ ва ҳарорат кам бўла бошлади, ул мартабадаким, ул қувват ҳосил бўлдимким, ўрнимдин турдим ва хуржинни отга юкладим ва отландим ва Тошканд йўлига юз кўйдим. Отнинг ҳар бир қадамида тахфифе оризада даст берди, то вақтиким, Тошканд саводиға етушдим, асло ул бош оғриқи ва ҳароратдин асаре боқий қолмади. Дарҳол ўз манзилимға бордим ва маркабни боғлаб, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға келдим ва салом бердим. Алик олдилар ва табассум этиб, ойтдилар: «Нечун Самарқандға кетмадинг?» Йиғламоқ манга ғолиб бўлди. Ер ўпиб, ул беодобликдин афв талаб этдим. Иноят этиб ойтдилар: «Борғил, хизматда бўлғилким, мундин сўнг санинг била ишимиз бор турур ва умури куллийа олдингда турур».

Вақтиким, Ҳазрати Эшон Мирзо Султон Абу Саъиднинг илтимоси била Тошканддин Самарқандға кўчиб келдилар, муҳиммоти дунявийнинг ҳаммасини Мавлоно Хожа Алининг зиммаи эҳтимомиға кўйдилар ва ҳамма амрларнинг зимомини кафи кифоятиға бердилар. Ва Мавлононинг тасарруфи муҳиммотларда мартабаеға етушдиким, куни бўлур эрдиким, Ҳазрати Эшон тарафидин подшоҳи замонга ва умаро ва арбоби девонга йиғирма руқъа ёзар эрди. Ҳеч аҳадеға мажол бўлмас эрдиким, онинг руқъасининг мазмунидин тажовуз кўргузғай ва имтисоли амрда тақосул этгай.

***Шайх Ҳабиб Нажжор Тошкандий***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Асҳобларнинг қудамолари ва мақбулларидин эрди. Ҳазрати Эшон Тошкандда асҳобларнинг таомлари ва нон-ошларининг тарбиятини онга тафвиз этиб эрдилар. Ул ҳикоят этдиким: «Бир мартаба Тошкандда Ҳазрати Эшон ёронларининг баъзисидин зеҳнлари койиб, Фаркатга мутаважжих бўлдилар, ёронлар ҳам Ҳазрати Эшоннинг изларидин ниёзмандлик ва масканати тамом била маъзарат учун бордилар. Вақтиким, ул ерга бордилар, маълум бўлдимким, Ҳазрати Эшон деҳаи Манорда Мавлоно Сайфуддин

Манорийнинг қабрлари Мавлоно Исмоил Фаркатийким, Мавлоно Сайфуддин Манорийнинг валади азизлари эрди, онинг хужрасида турурлар. Ёронлар деҳаи Манорда Мавлоно Исмоилнинг хужрасига мутаважжих бўлдилар ва Ҳазрати Эшон ул маҳалда сифати жалол ва ҳайбат била мутгасиф эрдилар. Ёронлардин ҳар ким хужрага қалам қўйиб, кўзи Ҳазрати Эшонга тушди, беҳуш йиқилди ва онга яқин етушдиким, мажмуъларидин ҳаётнинг асари зойил бўлса. Охиру-л-амр Мавлоно Исмоил ул диёрнинг мухлисларидин бир жамоа била ўринларидин туриб, бошларини ялонғоч этиб, гуноҳларини тиладилар. Ҳазрати Эшон ул мухлисларнинг илтимослари била ёронларнинг гуноҳларини афв этдилар ва лутфу марҳаматнинг осори била зоҳир бўлдилар. Ондин сўнг ёронлар бир-бир шуурлариға келиб, ўринларидин турдилар, то ҳамалари ўз асллариға келдилар.

***Мавлоно Нуруддин Тошкандий***  
***(раҳматуллоҳи таъоло)***

Мақбулларнинг ва манзурларнинг жумласидин эрди. Бир кун Ҳазрати Эшон муҳаббати зотийида сўз очиб, ойтдилар: «Сўфийиға қалдасаллоҳу арвоҳаҳум истилоҳларида муҳаббати зотийиға Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға иртибот ва таашшукдин иборат турур беулким, онинг сабабини билсалар ва ё онинг мўвжибини билсалар ва танисалар, балким майлу инжизобдурким, онинг дафъиға қодир бўлмас». Ва ойтдилар: «Тошканд навоҳида икки ёш йигитдин бу нисбатни топдик. Бири доимо бизнинг ҳалқамиз атрофида ойлануб, узоқдин ўлтуруб, бўйини каж қилур эрди. Бир кун таҳорат этдим. Ондин сўрдимким: «Санинг бу ерга келмагинг сабаби не турур? Ва не учун бу ҳалқанинг атрофида бўлурсан?» Ойтди: «Ман ҳам билмасман, лекин бу қадар билурманким, ҳар қачон шул ерга келсам, ботинимда Ҳазрати Иззат (Аллоҳ)га кашише ва майле мавжуд топарман ва ўзимни орзулардин холий топарман ва ондин лаззати азим манинг кўнглимға етушур. Вақтиким, ташқари чиқиб кетсам, ул нисбатдин холий бўлурман».

Ва ул икки йигитнинг яна бири қўб хушрўй ва хушсуврат эрди. Бизларнинг асҳобимизға мухталит эрди. Ва ул навоҳийда қўб одамларнинг онга тааллуқи хотирлари бор эрди, асҳобларни муттаҳам қилур эрдилар. Ойтдим: «Онга узр айтинг, кетсун». Ҳар неча муболага этдилар ва қувладилар, фойда этмади. Охири йиғлади ва қўб изтиробға тушди. Ва ойтди: «Манинг келмаганимдин сизларға не фойда бор турур ва ташқарида одамлар манга таш-

виш берурлар ва кўнглим орзулар ва доъийалар кашокашига тушар. Ва ҳузур ва жамъияти ботиндинким, бу ҳалқада ўзимда мавжуд топарман, узоқ тушарман». Ёронлар они қўйдилар ва маъзур тутдилар. Онинг иши жойега етдиким, бу нисбатга мағлуб бўлди, бар ваҳеким, доимо ўз уйининг йўлини йўқ этиб, адашур эрди. Ва ҳар қачон манинг онга ишим бўлуб, вақтиким, хоҳласам ул ишни онга буюройин, ул ишни этиб эрди ё ул ишда эрди». Бу хушрўй йигит Мавлоно Нуруддин Тошкандий эркан. Асҳобларнинг баъзи ажиллаларидин шундоғ эшитилдиким, вақтиким, Мавлоно Нуруддин Тошкандда Ҳазрати Эшоннинг ибтидоий зухурларида шарафи мулозаматга етушуб, икки бош наботи Кирмонийни Ҳазрати Эшоннинг ёнлариға келтурди ва оларнинг даъби эрмас эрдиким, бир нимарса кишидин қабул этсалар, ул наботни ондин қабул этиб, ҳозирларға қисмат этдилар. Ва ул аснода онга ойтдиларким: «Бу тоифанинг суҳбатларининг фойдаси ул турурким, кишига йўқ бўлгон нимарсасидин ёд берурлар. Масалан, бир киши баҳолиғ гавҳарни йўқ этиб, ондин хабари бўлмаса. Бу суҳбатнинг фойдаси улким, ул ўз гавҳарининг йўқ бўлғониға ҳозир бўлиб, ондин мутаассир бўлур. Ва ондин сўнг йўқ бўлгон нимарсадин хабар топар». Бу сўз онда улуғ асар этибдур. Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини лозим тутубдур. Ва онга ҳар неча ижозат бериб, узоқ тутубдурлар, ул кетмабдур. Ва ойтибдур: «Манга ул Ҳазратдин ҳеч гараз йўқ турур, мундин бошқақим, мани қўйсалар, гоҳ-гоҳ муборак дийдорларини кўрсам». Ва они қўйубдурлар ва онга тариқани робита тушубдур ва бу нисбатнинг варзишиға жидду жаҳд била машғул бўлуб, андақ фурсатда ул нисбатга мағлуб бўлубдур.

Бир кун Мавлонозодаи Фаркатий Мавлоно Нуруддиннинг амри ботинийға тариқи машғуллиқини билиб ва онга иттилоъ топди, хушунат юзидин ойтдиким: «Агар намоз ўқуб турғон вақтда бу тариқға машғул бўлсанг, куфрға муваддат бўлур. Зинҳор вақти намозда такбири таҳримадан то намоздин фориг бўлур вақтғача ўзунгни бу нисбатдин сақлағайсан ва кўнглунгни юбормағайсан». Мавлононинг жавобида Мир Ҳусайн раҳматуллоҳи таъолонинг бу байтини ўқубдурлар.

*3-он рўй, ки чаши чу аҳвал,*

*Маъбуду ту пири тўст аввал.*

(Сенинг кўзинг филай бўлгани учун,

Сенинг маъбудинг аввалда сенинг пирингдир).

Мавлонозоданинг хабари тааррузи ва Мавлоно Нуруддининг жавобини Ҳазрати Эшоннинг арзлариға еткурубдурлар. Ҳазрати Эшон Мавлонозодаға ойтдиларким: «Бир кишига кўнгул намозда амлок ва асбоб ва абид ва мавоший ва зубулу анбор ва соир ашёйи хасисаға кетар кофир бўлмас. Агар бир мўъминнинг кўнгли яна бир мўъминга муртабит бўлса, не учун куфрга муаддани бўлур?»

Баъзи маходимдин шундоғ эшитилдиким, Мавлоно Нуруддин ўзини охири Ҳазрати Эшонга фидо этди. Ва бул ондоғ эрдиким, вабойи аввалда Ҳазрати Эшонга тоун марази ориз бўлиб, бир кўк ранг улуғ дона чап паҳлуларидинким, ул ашадд ва асбаъ турур ва онинг хатари кўбрак нечунким, қалби санубарийгаким, рухи ҳайвонийнинг маъдани ва ҳарорати ғаризийнинг манбаи турур, қариброқ пайдо бўлди. Ва ул Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бориб, ниёзмандлик била илтимос этди ва ойтди: «Ижозат беринг, то бу маразни кўтарайин, онинг учунким, бу дунёда ҳеч бир иш манинг вужудимға мавқуф эрмастур. Сизнинг муборак вужудингизда юз минг ҳикмати маслаҳат бор турур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг сизга қору бори кўб турур». Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Сан тоза етушган ёш йигитсан, оламини кўрганинг йўк, ўзингга кўб уммидларинг бор турур ва кўнглунгда орзуларинг бор турур». Ва ул йиғлабдур ва ойтибдур: «Манга ҳеч умид ва орзу мундин бошқа эрмастурким, ўзимни бу Ҳазратга фидо қилсам». Ҳазрати Эшон онга ижозат бердилар. Ул машғул бўлуб, ул борнинг тагига кириб, маразни жазб этди ва они кўтарди. Ул кўк дона Ҳазрати Эшоннинг паҳлуларидин онинг чап паҳлусиға мунтақил бўлди. Ҳазрати Эшон сихҳати тамом била бистари мараздин турдилар. Мавлоно Нуруддин беморлиқ тақясиға бош қўйди ва уч кундин сўнг Ҳақ субҳонаҳунинг жавори раҳматиға восил бўлди.

Баъзи асҳобларким, кашфи қубур<sup>1</sup> ва бошқа кашфлар билан ҳам мутаҳаққиқ эрди, ойтди: «Бир кун ул вақтларда Мавлоно Нуруддин вафот топиб эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Тошканд гўристонининг кунчиқаридин отлиғ ўтуб борур эрдук, Мавлоно Нуруддунни кўрдумким, лаҳадда ойланиб Ҳазрати Эшон тарафлариға юз келтурди. Ул Ҳазрат ойтдилар: «Ҳей Нуруддин, рост ётғил». Ул яна ойланиб, қибла тарафга юзини келтурди. Ва онинг вафоти аввалғи вабонинг таърихидаким, саккиз юз қирқ (1436)да эрди.

1. Кашфи қубур — авлиёликдаги бир босқич бўлиб. бунда авлиё қабрдаги руҳни кўриш ва гаплаша олиш қобилиятига эга бўлади.

**Мавлонозодаи Ҷтрорий  
(раҳматуллоҳи таъоло)**

Ҳазрати Эшоннинг асҳоби киборларидин ва ажиллаи мақбулларидин эрди. Отлари Муҳаммад Абдуллоҳ турур. Мавлонозодаи Ҷтрорий била шуҳрат топибдурлар. Хизмати Мавлонозода ойтибтурурларким, вақтиким, Ҳазрати Эшоннинг шарафи қабуллариға мушарраф бўлдим, бир кун ул Ҳазратнинг мажлиси шарифларида хотиримға келдиким, на важҳдин турурким, Ҳазрати Эшон сабақи зикрни манга талқин этмадилар. Ва бу хотир галаба этди. Ногоҳ манга мутаважжиҳ бўлуб ойтдилар: «Ҳар иш ҳар кишининг муносиби эрмастур, зикр бошқа одамларға муносибдур. Сизнинг истеъдодингиз кўб латиф турур ва сизнинг онга эҳтиёжингиз йўқ турур».

Ва яна хизмати Мавлонозода ойтдилар: «Ибтидоий ҳолдаким, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, манинг хотиримда халажоне бор эрдиким, мундин аввал ишқиййа табақасининг суҳбатлариға бориб эрдим. Ва неча вақтлар оларнинг тариқларини варзиш этдим. Эмдиким, оларнинг рабқаи иродатларидин чиқиб турурман, мабодо оларнинг арвоҳларидин манга газанда етушса. То бир саҳарда бу дағдаға зўр келтурди ва бу васваса галаба этди. Вақтиким, сабоҳ Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлариға бордим, мандин сўрдиларким: «Машойихлардин қайси табақаға ихтилот этар эрдинг?» Ойтдим: «Мундин аввал ишқийларға иродат келтуруб эрдим ва хотиримни оларнинг тариқлари ва варзишига қўйуб эрдим». Ойтдилар: «Бу кеча шундоғ кўрулдиким, турк машойихларидин бир жамоа ул нав силоҳлар била бизнинг муҳаввата ва ҳовлимизнинг атрофларини ойланурлар ва ҳеч тариқа била ул қувватлари йўқ эрдиким, муҳавватанинг ичига кирсалар ва тасарруфе этсалар, голибан сизнинг учун бўлса». Ондин сўнг хотирим дағдаға ва васвасадин батамом ором толди ва яқин билдимким, Ҳазрати Эшоннинг ҳимоят ва иноятларининг соясида офоти зоҳирий ва ботинийнинг ҳаммасидин ҳамишға амин бўлгумдур».

Ва ҳам хизмати Мавлонозода ойтдиларким: «Бир мартаба Ҳазрати Эшон фақирнинг ҳужраси га келиб, табх буюрдилар ва ойтдилар: «Табхнинг асбобларини Мавлоно Хожа Алидин олинг». Ва ул вақтларда кофийи муҳиммот ва вакили ала-л-итлоқ Мавлоно Хожа Али эрдилар. Вақтиким, таом ҳозир бўлди, Ҳазрати Эшон майл этмадилар, лекин ёронлар тановул этдилар. Наҳорий этилгандин

сўнг Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Бу таомда беэҳтиётлик бўлубдур, таҳқиқ этинг». Ва ул бобда муболага этдилар. Таҳқиқи балиғдин сўнг, шундоғ маълум бўлдимки, ўтунда қусуре бўлгон эркан. Бағоят газаб этдилар. Ва ойтдилар: «Ишнинг матоъи гизо турур ва ул амрда эҳтиёти азим вожиб турур. Нечунки, ул нимарсаки, баданга ворид бўлур, ўз асарини солиқда зоҳир қилур. Бу ҳама безавқликлар ва паришонлиқлариким, мушоҳада қилурсизлар, аксар паришон луқмаларни егондин турур».

Ходимларнинг баъзиси нақл этдиким: «Бир кун Ҳазрати Эшон асҳоблардин бир мухлиснинг ҳужрасида жамъи дарвишлар била гарм суҳбат тутдилар. Ва Ҳазрати Эшоннинг асари тасарруфлари мажмуъида зоҳир эрди, то ул ғоятгаки, ҳар ким ул мажлис га кириб ўлтурса, онга бир кайфияте бўлур эрдиким, ўрнидин тура билмас эрди. Бу аснода таом келтурдилар. Хизмати Мавлонозодага истиғроқи азим рўй бериб эрди. Бар важҳе ўзидин ғойиб бўлиб эрдиким, ҳар неча таҳрик этдилар, ҳозир бўлмади. Ногоҳ Ҳазрати Эшоннинг кўзлари ул тарафга тушди, кўрдиларким, бир киши хоҳларким, Мавлонозодани ҳозир этса. Онга тунд бўлиб ойтдилар: «Нечун беодоблик қилурсан, магар билмадингмуки, ҳар киши биздин қобилият ва истевдоди андозасида бир нимарса ахз этар. Бу соат Мавлонозода биздин бир ҳолега мушарраф бўлубдур, кавнайиндин хабари йўқтур. Агар сан билсангким, ул не ҳолдалур, онинг рашкидин таом емакнинг лаззати сандин кетар эрди». Бас, бу байтни ўқидилар:

*Мункир чи шави ба ҳолати зиндадилон,*

*Не ҳар чи туро нест касиро набувад.*

(Дили уйғоқларнинг ҳолатига нечун мункирсан,

Ўзингда йўқ нарсани бошқаларда ҳам

йўқ, деб ўйлайсанми?)

Хизмати Мавлонозода ҳоли ҳаётида Ҳазрати Эшондин Ҳижознинг муборак сафарига ижозат топдилар. Ҳарамайни шарафайн зодахумаллоҳу шарафан ва кароматанни зиёрат этганларидин сўнг, Шом вилоятига келиб, Дамашқда иқомат этдилар. Ва неча муддатилар ул диёрда толибларга маржиъ бўлдилар. Ва ул ерда дунёдин рихлат этдилар.

Бу ҳуруфнинг роқими Ҳазрати Махдумий Мавлоно Абдуррахмон Жомий қуддиси сирруҳунинг муборак хатлари била кўрубдурким, бир китобнинг заҳрига бу калимотни ёзиб эрдиларким:

«Хизмати Хожа Убайдуллоҳ адомаллоҳу бақоаху Мавлонозодаи Ўтрорий ва Мавлоно Муҳаммад Абдуллоҳ учун Дамашқга ёзиб юбориб эрдиларким, (бу турур):

«Ниёзмандлиқнинг арзидин сўнг, илтимос улким, ҳиммат онга тутсунларким, ахийри ҳаётда олоийшлардинким, ондин олоийш била таъбир этмак мувжиби ҳаёду, керакким бўлгай, нажоти ҳосил бўлсун. Вассалом».

### *Мавлоно Носируддин Ўтрорий (раҳматуллоҳи таъоло)*

Ҳазрати Эшоннинг ходимларининг ва мақбулларининг жумласидин эрди ва ул Мавлонозодаи Ўтрорийнинг кичик биродари турур. Ул ойтиб турурким: «Авойили ҳолдаким, ҳануз аҳли Самарқанд Ҳазрати Эшонни таниғон йўқ эрдилар, то Тошқанд тарафидин бир жамоа келган эрдилар. Ҳазрати Эшоннинг шамойиллари ва сифоту ҳавориқи одатларидин баъзисини нақл этдилар, ажибу ғариб амрларни ойтдилар. Ул ҳикоётнинг истимоъидинким, арбоби валоятнинг аломатларидин бошқа бўла билмас эрди, манинг хотиримга Ҳазрати Эшон тарафларига инжизобе воқиъ бўлди. Аммо ул восита билаким, кўнгил мазоҳири жамиланинг бирига мутааллиқ эрди, таваққуф юз кўргузди. Вақтиким, ул хабар мутавотир бўлди, бовужуди кўнглимининг гирифторлиқи била ул тарафга таважжуъ этмакка жозим бўлдим. Ва бу тариқнинг толибларидин жамъи била Тошқандга келдим. Ва ул маҳалда Ҳазрати Эшон Боғистонда эрдиларким, Тошқанд тоғининг этакларидин эрди. Вақтиким, мулозаматга етулди, улчаким эшитар эрди, ондин ҳам зиёда кўзи била кўрди. Ва неча кундин сўнгким, рабиъ фаслига яқин эрди ва кўнглумга мурожаат этмак галаба этди ва ул йигит ишқининг орзуси кўнгулни беором этди. Ва хоҳладимким, Пушти Кўҳакнинг сайри ва тамошоси, ондоғким, аҳли Самарқанднинг расму одатлари турур, наврўз кунни зоҳир бўлурлар ва ул йигитнинг мулоқоти даст берди. Ижозат талаб қилмак учун мулозаматга келдим ва мурожаат этмакка рухсат тиладим, ижозат бермадилар. Вақтиким, сабоҳи наврўз бўлди, йигитнинг ёди ва орзуси ва Пушти Кўҳакнинг сайри мани малул этди ва ҳузни азим ориз бўлди. Ва Ҳазрати Эшон асҳобларидин жамъи била отландилар ва бир деҳага мутаважжих бўлдилар ва мани ҳумоюн рикобларида ҳамроҳ олиб кетдилар. Ва ул сайри саҳрода кўнглум асло очилмас эрдиким, ул йигитнинг тарафига

ва оби Кўҳакнинг сайрига майли азим этиб эрди ва ман бу сувратдин бағоят хижил ва мунфаил эрдим. Ногоҳ ул саҳрода долазорега етушдилар ва от орқасидин муборак қўлларини узатиб, манинг қўлимга бердилар ва ойтдилар: «Мавлоно Носируддин, шарм этмасмусан шундоғ суҳбат ва саҳрову долазорда йигитнинг ёдини ва оби Кўҳакнинг сайрини кўнгилга келтирурсан?» Вақтиким, Ҳазрати Эшон бу маънини изҳор этдилар, ман бошимдин то қадамимғача инфийол ва ташвирнинг арақиға фарқ бўлдим ва азим хижлу шармисор бўлдим. Ва Ҳазрати Эшон, вақтиким, ул ҳолатни мандин мушоҳада этдилар фи-л-фавр илтифоте этдиларким, ул йигитнинг алоқаи муҳаббати кўнгулдин би-л-куллийа мунқатий бўлди ва онинг ўрниға Ҳазрати Эшоннинг муҳаббатлари собит бўлди».

Ва яна ҳам ул ойтдиким: «Вақтиким, Султон Абу Саъид Мирзо Самарқандни фатҳ этди, Ҳазрати Эшон (унинг) истидбоси билан Тошканддин Самарқандға кўчуб келдилар. Бир кун бир ҳавли олмоқ учун Самарқанднинг ташқорисида боғот ва маҳаллаларни сайр этдилар, то улким, Хожа Кафширнинг маҳалласига келиб, ул мавзиъни хоҳладилар ва ман ул сайрда мулозим эрдим. Вақтиким, кеча бўлди, Ҳазрати Эшон истироҳатға машғул бўлдилар. Хотирини мға келдиким, Ҳазрати Эшон бугун кўб тараддуд этдилар, билурманким, кўфта ва монда бўлдилар. Ман ўзимга ул журъат ва беодоблигим йўқтурким, олар амр этмай, ёнлариға бориб, ходими этсам не бўлурким, Ҳазрати Эшондин шул хизматға иймо бўлса. Бу маъни хутур этгандин сўнг ишоратға мунтазир бўлдим. Ногоҳ ойтдилар: «Мавлоно Носируддин, сан ҳам кўфта ва монда бўлибсан, агар ҳориғон бўлмасанг хизматнинг маҳали турур». Вақтиким, бу миқдор ижозат топдим, ўрнимдин туриб, хизматға машғул бўлдим».

Ва яна ҳам ул ойтибдурким: «Ул маҳалдаким, Самарқандин Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлари учун Тошканд бориб эрдим, ул жойда донишманде бор эрди илми мантиҳда муфрад ва соири илми риёзий мубтабаҳҳири. Мавлоно Мир Жалол отлиг бўлиб, қаландарийа қисватида юрур эрди. Кенг кияр эрди ва намоз ўқимас эрди, муҳаррамотнинг иртиқобида кўб далир ва беҳаё. Тоифаи авлиё ва машойихнинг тариқлариға мункир ва дойимул-л-авқот Ҳазрати Эшоннинг гийбат ва мазамматларини ойтиб, беодабона ёмон сўзлар ойтур эрди. Бир кун бир мажмаъа тушдимким, ул донишманд ул жойда эрди ва Ҳазрати Эшонга

нисбатан қабоҳат ва хабосат оғоз этди. Вақтиким, мани кўрди, билур эрди, Ҳазрати Эшоннинг ходимларининг жумласидин турурман, таарруз этиб ойтди: «Сизлар бир кишига муътақид бўлбурдурсизларким, онда не илму не ҳол бор, не хилвату не зикр бор. Ман бугун онинг мажлиси га борурман ва ондин пинҳон ул мажлисда банг ерман ва онга ҳукм этарманким, фалон таом ва ҳалво манинг учун тартиб берсун, то сизлар билинларким, онда ҳеч ҳол йўқдур ва онинг ишининг ҳеч асли ва мағзи йўқдур». Ман онинг Ҳирзи ва ҳазёнидин азим бетоқат бўлдим, лекин онинг муқобаласида сукутдин бошқа маслаҳат кўрмадим. Ўрнимдин равон туруб, ул мажмаъдин малул бўлуб ташқари чиқдим ва Ҳазрати Эшон тарафларига мутаважжих бўлдим. Ул манинг изимдин уч толиби илм билаким, олар ҳам ҳазлу зарофат ва тааррузу сафоҳат мақомида эрдилар, етушдилар. Иттифоқ била Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига кирдук ва ман бағоят танг эрдимким, мабодо ул сафаҳи беҳаё беодоблик этса. Вақтиким ўлтурди, сўз ибтидо этмасдин аввал қапанакининг энгидан Ҳазрати Эшондин ёшурун миқдори банг чиқариб, оғзига солди. Ва хоҳладиким ютгай, тамоқида маҳкам бўлуб, нафасининг йўли боғланди. Ҳар нечаким саъй этди ва жидду жаҳд кўргузди тамоқдин ўтса, муяссар бўлмади. Охири ҳоли бошқа бўлди, Ҳазрати Эшон буюрдилар, то бир маҳкам мушт урдилар, ул банг тамоқидин мажлиснинг ўртасига тушди ва ҳамма ҳозирлар онинг бу тариқа бўлғониға кулушдилар. Ва ул ба масобаи хижл ва мунфаил бўлдиким, сифатға рост келмади. Ва ул хижолат ва инфийолда шогирдлари била Ҳазрати Эшоннинг мажлисларидин чиқиб кетди. Ва бу қисса Тошканд вилоятида шиддат билан шуҳрат топди ва ул донишманд ул диёрда фазиҳат бўлуб, мундин сўнг ул жойда бўла билмади ва ул диёрдин қочиб кетди. Ондин сўнг не тариқа бўлғанидин киши нишон бермади».

### *Ҳиндухожа Туркистоний (раҳматуллоҳи алайҳ)*

Ҳазрати Эшоннинг мақбуллари ва манзурларининг жумласидин эрди. Ва асҳобларнинг собиқлари ва қудамоларидан эрди. Ва ул Туркистоннинг шайхзодаларидин сипоҳий йигит эркон ва Ҳазрати Эшон онга илтифот этиб, ашғоли ботинийдин шуглеға амр этиб эрдилар ва андин аҳволи ғариб ва осори ажиб зоҳир бўлур эрди. То улким, бир кун Ҳазрати Эшон они саҳрода кўруб-

дурларким, баландпарвоз кушдек ҳавонинг юзида ойланиб учиб юрур. Ҳазрати Эшонга ондин бу тавр писанд тушмай, дарғазаб бўлуб, ул кайфиятникомим, бу тариқа кароматларнинг зуҳурига мувжиб турур, ондин салб этдилар. Ва ул ҳаводин ерга шундоғ тушубдурким, аъзолари куфта бўлиб ва бағоят бенисбат ва ажнабий бўлубдур. Бас, ўрнидин туриб, маъзарат ва ниёзмандлик мақомида бўлуб, бошини Ҳазрати Эшоннинг муборак оёқлариға қўйуб, ҳар неча зори тазарууь этибдур, ҳеч фойда этмайдур. Ва бир йилға яқин бу беилтифотлик Ҳазрати Эшондан онга нисбатан воқий бўлубдур. Охиру-л-амр Ҳиндухожа бетоқат бўлуб, оғози хушунат ва беадаблиқ этиб, Ҳазрати Эшонга ойтдиким: «Манинг нисбат ва ҳолатимни ғорату торож этдингиз, агар қойтиб берсангиз фабиҳа, илло сизни ўлтурурман. Агар сизга даст топмасам, ўзумни ўлтурурман». Ҳазрати Эшон бу сўзлариг а ҳам илтифот этмадилар. Ва ул доимо Ҳазрати Эшоннинг кийналарида эрди. Авқотлардин бир вақтида иттифоқи ул Ҳазратни боғнинг кўчасида пиёда ва танҳо топди. Пичоқни чиқариб, Ҳазрати Эшонга ҳамла этди ва ул мавзийда пана ва қочиб қутулгудек жой йўқ эрди. Ҳазрати Эшон халъи либ е тариқи била саҳройи чўпоннинг сувратиға муташаккил бўлдиларким, бошларида қора юнгдин бўлган тахя ва эгниларида оқ юнгдин бўлгон чакмон ва қўлларида чўпонларнинг улуғ асоси. Вақтиким, ул бегона кишини кўрди, пичоқни сақлаб, мутаҳаййир ва мутаажжиб бўлуб, турган жойида кўрқиб қолиб, қўл-оёқларин ҳаракати кетди. Ҳазрати Эшон қўлидин пичоқни олиб, суврати аслийлариға муъовадат этиб, табассум этдилар ва ойтдилар: «Агар ман сани бу пичоқ била ўлтурсам на дерсан?» Ва ул Ҳазрати Эшоннинг ёнларида юзини тупроқға суртуб, зор-зор йиғлаб, кўнгли дард этиб, нола этди. Охири Ҳазрати Эшон онга раҳм этиб, яна аввалғи ишига буюрдилар. Ва ул Ҳазрати Эшоннинг қўлларида аҳд этдиким, мундин сўнг ул ҳаракатларнинг амсолини этмағай ва каромату ҳавориқу одатларини пинҳон тутғай ва онинг ихфосида ҳасба-л-мақдур кўшиш этғай.

Бу хуруфнинг роқими Самарқандда бир азизи бошуқуҳи Тошкандийдинким, Ҳазрати Эшоннинг бани аъмомидин эрди, бу ҳикоятни эшитди. Ул азиз ойтдиким: «Ман йигитликда Ҳиндухожани кўриб эрдим ва онинг била суҳбат тутуб эрдим. Кўб баҳайбат ва важоҳатлик йигит эрди ва ондин жазаботнинг асарлари зоҳир эрди. Ва ондин, бу рубойни билурманким, ўқиб юрарди.

Рубойи:

*Ҳар лаҳза ба суворате рухи дуст бибин,  
Дар оина рӯйи ту ҳамон рӯст бибин.  
Ту дийда надори, ки ту бибини уро,  
В-ар на зи сарат то қадамат уст бибин.*  
(Ёр юзини ҳар лаҳзада ўзга шаклда кўр,  
Ойнада сенинг юзинг, бироқ у ўша юздир.  
Унинг юзини кўриш учун сенда кўз йўқ  
Йўқса, бошдан-оёғингача Унинг ўзидир).

***Мавлоно Исмоил Фарқатий  
(раҳматуллоҳи таъоло)***

Асҳобларнинг собиқларининг жумласидин ва Ҳазрати Эшоннинг мақбулларидин эрди. Ва ул хизмати Мавлоно Сайфулдин Манорийнинг фарзанди эрдиким, Ҳазрати Хожаи Бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг кибори асҳобларидин эрканлар ва оларнинг зикри юқорида ўтуб эрди. Ва хизмати Мавлоно Сайфулдиннинг икки фарзандлари бор эрди. Иккилари ҳам олими омил ва фозилу комил. Улуғ фарзандлари Мавлоно Сулаймон Фарқатий турурким, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳунинг таломизаларидин эрдилар. Ва ижозатиким, Ҳазрати Хожа унинг учун жузви ҳадисга ёзиб эрдилар, бу фақирнинг назариға етушди ва ул бӯ турурким, Ҳазрати Хожанинг муборак хатларидин нақл этилди:

«Мусоҳабат этди бу жузви ҳадисга акрон ва ёронларнинг саф-васи Мавлоно Сулаймон ибн Мавлоно Сайфулдин, заййада тавфиқуҳу ва раҳималлоҳу волидаҳу ёронларнинг мажлисида эшитдилар ва қироат этдилар, олар бу фақирға ул жузви ҳадисниким, Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳодислари ва маворисларидин эрди ва ижозати омма талаб этдилар... Бу «Ижозатнома»ни бандаи фақир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз Бухорий рабиъу-л-ахийрнинг иккиланчи шанбасида сана саккиз юз ўн тўққизда (1416) эрди, ҳомидлиқ ва мусаллий ва мусалламлик ҳолида аввалида ва охирида зоҳиру ботин юзидин».

Мавлоно Сайфулдиннинг иккиланчи фарзанди Мавлоно Исмоил турурким, Ҳазрати Эшоннинг асҳобларининг қудамоларидин эркан.

---

1. Мазкур ижозатноманинг матни арабча бўлиб, таржимон уни ўзбекча таржимасини ҳам берган. Бу ерда фақат ўзбекчаси келтирилмоқда.

Пушида қолмасунким, ондоғким, Ҳазрати Хожа Бузрут (Хожа Баҳоуддин) қуддиса сиррухунинг асҳоблари орасида тўрт Мавлоно Сайфуддин бор эрканким, оларнинг зикри ўтди. Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрори Валий)нинг асҳобларининг силкида ҳам тўрт Мавлоно Исмоил бор эрдиким, ҳар бирининг ҳолидин шамме ирод топар.

*Аввали — Мавлоно Исмоил Фаркатий турур.* Ул Мавлоно Сайфуддин Манорийнинг фарзанди турур ва ул Ҳазрати Эшоннинг ибтидои зуҳурларида Тошкандда қабули нисбатнинг шарафига мушарраф бўлди. Ва ул ойтиб турурким: «Ибтидои аҳволда Ҳазрати Эшонга мулозамат этмакни нийят эгиб, Фаркатдин Тошканд келдим ва Ҳазрати Эшон отамнинг Ҳазрати Хожаи Бузрут қуддиса сиррухуға нисбати иродати бўлғон ваҳҳидин ё бошқа ваҳҳдин хотири шарифларини бу заиф тарафга масруф тутдилар, тафаҳхус ва иноят мақомида бўлдилар. Ва ҳам шул мажлисда Ҳазрати Эшоннинг юмни илтифотлари била улуғ нисбат ва қавий жамъият ҳосил бўлдиким, ботиннинг сурурига ва инбисотига мувжиб бўлди. Вақтиким, кеча уйқуға бордим, тушимда шундоғ кўрдимким, қўлимда бир оқ қарчиғай қушим бор турур ва манинг онга кўб муҳаббатим бор эрди. Ногоҳ қўлимдин учиб кетди. Вақтиким, уйқудин турдим, қабзият ва малолати азим ҳосил бўлди, ул нисбату жамъияти хотирдин асаре қолмади. Вақти саҳардаким, маҳалли инъиқоди мажлис эрди, Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига бордим, бағоят малул ва ғамгин эрдим. Ҳазрати Эшон манинг малолатимни билдилар. Сўрдиларким: «Сабаби малол не турур?» Ман кўрган тушимни арз этдим. Ойтдилар: «Бу тушнинг таъбири ул турурким, сизга суҳбатда бир яхши нисбат ҳосил бўлғон эркан. Вақтиким, уйқуға борибсиз, ул нисбат кетиб турур. Ул сабабдинким, нисбат бир нимарсадурким, онинг била сайди ҳақойиқ эгиб, касби маъориф этса бўлур, қарчиғай сувратидаким, асбоби сайддиндур, кўрилиб турур. Ғамгин бўлмангким, шояд яна қўлингизга келгай». Ва бу сўзга мақорин илтифоте этдиларким, ҳам шул мажлисда жамъият ва яхши нисбат зоҳир бўлди ва ул қабзият ва малолат инбисот ва иншироҳи ботинга мубаддал бўлди ва сурури азим ҳосил бўлди. Ва бу ҳолларни мушоҳада этгандин сўнг Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларидин ҳаргиз жудо бўла билмадим. Ва Ҳазрати Эшонга вусулим ва пайвастигимнинг сабаби бу эрди.

Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Мавлоно Исмоил Фаркатийға бу жиҳатдинким, Мавлоно Сайфуддин Манорийнинг ўғли турур, хотир масрур тутмоқ даркор бўлди, то онга яхши нисбат ва қавий

жамъият ҳосил бўлди. Ондин сўнг бизнинг жойимизда бўлуб, биздин жудо бўла билмади. Яна бир жамоа пайдо бўлуб, суҳбатга мунъақид ойланди ва бу жамоанинг мояҳтожлари кифояти учун зарурат юзидин зироат амри ва онинг саранжомига машғуллик этмак керак бўлди. То ул жамоа фарғатлик била ўз ишлариға машғуллик этиб, хотирлари маяҳтожи зарурий учун мутафарриқ бўлмасун. Дунёға машғул бўлуб, они таҳсил этмакка сабаб бу эрди. Вақтиким, дунёни даркорича андак тажвиз этдук, баякбор юз келтурди ва тўлуб тошди. Охиру-л-амр онинг халали авлодларимизнинг корхонасиға йўл топди».

Хизмати Мавлоно Исмоил Фаркатий ойтиб турур: «Бир кун Ҳазрати Эшоннинг асҳобларидин жамъе Фаркатда бу фақирнинг манзилида эрдилар ва суҳбат бағоят хушлиқ била ўтар эрди. Ҳаманинг хотириға тушдиким, не саодат эрди, агар Ҳазрати Эшон бу маҳалда бу манзилға ташриф этсалар. Бу ҳолға мақорин Ҳазрати Эшон Тошканддин етушдилар ва бу мажлисга келдилар ва кайфияти азимнинг асарлари муборак юзларидин зоҳир эрди. Вақтиким, назарлари ёронларға тушди, ҳамаларини жамъияти хотир била кўрдилар, бу байтни ўқудиларким, байт:

*Бар шакар ғалтид эй савдоиён,  
Азбаройи кўрийи сафройиён.  
(Сафровийлар кўрлиги учун,  
Эй, савдовийлар, шакарга ағананг).*

Асҳобларнинг ботинларида ҳолати қавий зоҳир бўлдиким, ҳаммалари бирдин йиқилдилар ва кўб муддати беҳуш бўлуб ётдилар. Сўнг Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари била бир-бир шуъурга келдилар ва ўрунларидин турдилар. Ҳар бириға кайфияти азим ҳосил бўлуб эрди. Ва онинг асари баъзининг ботинида то уч кун ва баъзида то бир ҳафта, баъзида то ўн кунгача ва зиёда ҳам боқий эрди истеъдод ва қобилият андозасида.

**Иккиланчи — Мавлоно Исмоил Қамарий турур.** Ул Табризнинг туркманларидин бир донишманди муттаққий эрди. Ҳиротдин Самарқанд келиб, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларини ихтиёр этди. Ақсари авқотда Ҳазрати Эшон била ҳамроҳ отлиғ юрур эрди. Ва Ҳазрати Эшон мажлисларда гоҳ-гоҳ онга музокараи илм этар эрдилар. Асҳоблардин баъзилари ойтур эрди, шундоғ кўрунурким, Мавлоноға нисбати илмийаа ғолиб турур ва бу азишларнинг нисбати ботинларидин ул чоқлиғ таъсири йўқтур.

Бир кун Ҳазрати Эшон қаряи Шодмонда ўлтуруб эрдилар ва Мавлоно Исмоил Қамарий асҳоб ва худдомлардин жамъи била ҳозир эрди. Ҳазрати Эшон «Қасидаи тоияи форизийи»нинг арабча шарҳиким, Шайх Саъид Фарғонийга мансубдур ва Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиси сиррухунинг муборак хатлари била ёзилгон, қўлларида эрди, ойтдилар: «Ҳоҳларманким, бу китобни яхши хатлиғ кишига ёздирсам ва нусха этиб олсамким, сафарларда доимо манинг била ҳамроҳ бўлса. Аҳли мажлисдин ҳар қайсингизнинг хатингиз яхши бўлса, бир нимарса ёзингким, ман кўрайин, ҳар кимнинг хати манга хуш келса, онга бу китобни буюрурман». Бас, ойтдилар, то қоғазу давоту қалам келтурдилар. Вақтиким, бу ҳуруфнинг роқими фақирнинг хати андак хуш суврат эрди, хоҳладимким, ўз ҳасби ҳолимда бир байт ёзиб, бу баҳона била дарди дилимни арз этайин. Қўл узатдимким, қаламу қоғазни олсам. Мавлоно Исмоил Қамарий бовужуди улким, хати хушсуврат эрмас эрди, мубодорат этди ва қаламу қоғазни унф била олди. Ва Ҳазрати Эшон фақирнинг қасдини ва Мавлононинг газабини кўрдилар. Ва ул номатбуъ бузуқ хати<sup>2</sup> била бу ҳадиси ғайри саҳиҳни ёздиким: «Зур ғиббан таздад хуббан»<sup>3</sup>. Бас, ўрнидин туриб, Ҳазрати Эшоннинг муборак қўллариға берди. Вақтиким, Ҳазрати Эшон ул нодуруст хатни ва ул ҳадиси ғайри саҳиҳни кўрдилар, бирдин тунд бўлдилар ва ойтдилар: «Мавлоно Исмоил, сиз бизнинг ҳар кунги суҳбатимиздин ташвишда эркансизким, ғибни орзу этибсиз, эмди турунг, шаҳар мадрасасида тадрисга ўлтуринг. то ҳар кунги мулозаматдин халос бўлурсиз». Ва шу мажлисдин Мавлоно Исмоилни Мавлоно Лутфуллоҳ ва Мавлоно Султон била ҳамроҳ этиб ва маволийдин ҳам жамъини шаҳарга юбордилар, то мадрасадаким, Ҳазрати Эшон шаҳарда бино қилиб эрдилар, ижлос этдилар ва ул давоми суҳбат ва мулозаматдин маҳрум бўлди.

**Аммо учланчи — Мавлоно Исмоил Шамсий турур.** Ва унда мавлавийят ва аҳлийяти тамом бор эрди. Ва Ҳазрати Эшондин таълимега мушарраф бўлгон эрди ва ботинга машғуллигининг асарлари ондин зоҳир эрди ва кўрунур эрди. Ва ул ҳам Табризнинг тарокималаридин эрди. Вақтиким, Хуросондин Мавлоно Исмоил Қамарий била ҳамроҳ кетиб эрди ва ўрталарида иштирок исми

1. Аслида насх хати билан ёздириб олсам, дейилган. Таржимон уни нусха деб ўқиган.
2. Бу ерда «хати шикаста» ҳақида сўз кетмоқда, таржимон уни хунук хат деб келтиради.
3. Кам-кам зиёрат қил, муҳаббат кўпроқ зиёда бўлади.

бор эрди ва ул ваҳҳдин асҳоблар они Қамарийнинг муқобаласида Шамсий дердилар ва онинг била машҳур бўлди. Ва Ҳазрати Эшон они неча йиллардин сўнгким, хизматда ва мулозаматда эрди, Тошкандга юбордилар, то мадрасадаким, ул жойда бино этибдурлар, онда тадрис амрига қиём кўргузди. Ва бақиййату-л-умр ул ерда иқомат этгай.

*Аммо тўртланчи Мавлоно Исмоил Солис* эрди. Ва ул хуштабъ толиби илм эрдиким, мутадовала китобларни ўқуб эрди ва машҳур китобларнинг аксарисини кўруб эрди, Ҳиротдин алоҳида Ҳазрати Эшоннинг мулозаматлари учун Самарқанд келди. Вақтиким, ул вақтларда Мавлоно Исмоил Қамарий ва Шамсий иккилари ҳам мулозаматда эрдилар, асҳоблар «солис» дедилар ва бу лақаб била шуҳрат топди.

Баъзи асҳоблар ойтдиларким, ул Самарқандга келмасдин неча кун аввал бир куни Ҳазрати Эшон ойтдилар: «Бир қобил киши бизнинг учун келур». Шу кунларда Мавлоно Исмоил Солис Ҳиротдин келди. Ҳазрати Эшон онга қуб илтифот этдилар. Иттифоқе, ул мажлисда бир табақ чиний узум Ҳазрати Эшоннинг ёнларида туриб эрди. Бир силқимини кўтариб, онинг қўлига бердилар ва ул ҳолга мақорин онга тасарруф этдиларким, онинг ҳоли бошқа бўлди. Вақтиким, туриб жойиға ўлгурди, гайбат ва беҳудлиқ кайфияти ул масоба ғалаба этдиким, узумнинг хушаси қўлидин ерга тушди. Ва ул гайбат ва беҳудлиқ неча муддатилар кетди. Шуъуриға келгандин сўнг хизмат камарини жонининг белига боғлади ва Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида мардона хизматларни этди, то Ҳазрати Эшон қайди ҳаётда эрдилар сафару ҳазарда ҳозир эрди. Ва олардин сўнг Ҳижоз жониби га азимат этди. Ва Ҳарамии Маккада ниййаги мужоварат била иқомат этди ва ҳам шул арзи муқалласда дунёдин рихлат этди.

### ХОТИМА

*Ҳазрати Хожанинг вафотлари таърихи зикрида ва ул  
Ҳазратнинг дори дунёдин дори охиратга интиқол ва иртиқол  
этганларининг кайфиятида турур, ва-с-салом*

Иккиланчи мартабадаким, бу ҳуруфнинг роқими остонбўслиқ шарафига мушарраф бўлди рабиъу-л-ахийр ойининг йигирма тўрти, душанба куни, сана саккиз юз тўқсон учда (1487) эрди. Ўзларининг синни шарифлари ҳақида сўз ойтур эрдилар ва ул аснода ойтдиларким: «Уч йилу тўрт ой бўлса, тўқсон йил тамом бўлур».

Ва Ҳазрати Эшоннинг ибтидои маразлари муҳарраму-л-ҳаром ойининг ғаррасида сана саккиз юз тўқсон бешда (1489) эрди ва дору-л-қарорға интиқоллари шул йилнинг рабиъ-ул-аввалининг салхи йигирма тўққизланчисида шанба кечасида воқий бўлдиким, айёми маразларининг ҳаммаси саксон тўққиз кун бўлур. Интиқолларидин ўн икки кун аввал ойтибдурларким: «Агар ҳаёт боқий бўлса яна беш ойда саксон тўққиз йил комил бўлур ва умуримизнинг йили тўқсонга кирар». Баъзи азизлар ойтибдурларким, Ҳазрати Эшоннинг муддати маразлари умрларининг йилига мувофиқ бўлур, саксон тўққуз кун бўлгонининг сирри гўё улдуким, ул ҳадиским, «ҳамийн явмин каффорату санатин» турур, онинг маънисин таҳқиқ этиб турурлар, яъни бир куннинг иситмаси бир йилнинг каффорати турур.

Хизмати Мавлоно Абу Саъид Ўбаҳийким, Ҳазрати Эшоннинг муддати маразлари ва нақл этганларида кеча ва кундуз ҳозир эрканлар, хизмат ва мулозаматни мувомаат этар эрдилар, шундоғ ойтдиларким, рабиъу-л-аввал ойининг йигирмасида чаҳоршанба кечаси сана саккиз юз тўқсон бешда таҳвили Хут эрди ва чаҳоршанба кунини Ҳазрати Эшон маҳаллаи Хожа Кафширдин Камонгарон деҳасини азимат этиб равон бўлдилар, Фавжиён маҳалласининг боғига нузул этдилар. Панжшанба кечаси ул ерда бўлдилар ва сабоҳи панжшанба хоҳладиким, Миср йўлидин Камонгаронга мутаважжиҳ бўлсалар. Шиддати мараз ва галабаи заъф сабабидин ул кун кечаси била Мисрда қолдилар. Жумъа кунининг сабоҳида Камонгарон тарафига равон бўлдилар. Йўлда замон-замон таваққуф этиб, лаҳза-лаҳза макс қилур эрдилар. Шанба кечаси хуфтон вақти эрдиким, Камонгаронга етушдилар ва етти кун тамом ул жойда бўлдилар. Жумъанинг субҳида то ахийри кунгача ҳар соат ул Ҳазратнинг заъфлари зиёда бўлур эрди. Ва ул уч ойнинг муддатидаким, мариз эдилар, салоти мактубанинг авқотлари ҳифзида муболагаи азийм қилур эрдилар ва ҳамишга эҳтимоми тамом кўргузур эрдиларким, намоз аввали вақтда ўқулса. Хусусан, заъфнинг галабаси ва маразнинг иштилоди кунларида, вақтиким, мараз ва заъф гоятига етушди ва ул рабиъу-л-аввалининг салхи, шанбанинг намозшоми эрди, ойтдиларким: «Намози шом турурму?» Арзиға етурларким: «Бўлудур». Намози шомни ишорат била ўқудилар. Намози хуфтаннинг вақтидин андак ўтуб эрдиким, Ҳазрати Эшоннинг нафаслари мунқатиъ бўлди ва Ҳақ субҳонаҳунинг жавори раҳматига восил бўлдилар.

Вақтиким, Ҳазрати Эшонга тағаййур воқиб бўлди ва ул жумъа куни пешин вақти эркан, ер ларзага кириб, шаҳри Самарқандда зилзилаи азийм бўлуб, губор турди. Ва ул вақтда одамлар Масжи-ди Жомеъда эрдилар. Аксари одамлариким, ул Ҳазратнинг маразлари саъубатидин хабардор эрканлар, вақтиким, ул зилзила ва аломати азиймни кўрдилар, жозим бўлдилар ул амртаким, Ҳазра-ти Эшонга сурате воқиб бўлгондур. Намози жумъадин сўнг маж-муъи ҳавосу авом шаҳардин Камонгаронга мутаважжиҳ бўлдилар. Ва хуфтан намози вақти Ҳазрати Эшоннинг нафаси муборақлари мунқатиъ бўлур ҳийнда яна бир мартаба ер ларзага кирибдур ва шаҳри Самарқандда яна зилзилаи шадид воқиб бўлубдур.

Ва Мирзо Султон Аҳмад ҳама аркони давлат ва аёни мамлакати била ғуруб вақти Камонгаронга келдилар ва Мирзо намози шомдин сўнг Ҳазрати Эшонни топибдур. Ва шанба куни эртанг била Мир Дарвиш Муҳаммад Тархон Мирзонинг олдинин таъжили тамом била келиб, Ҳазрати Эшоннинг наъши муборақларини миҳаффага қўюб, шаҳарга мутаважжиҳ бўлдилар. Ва намози пешин вақти Хожа Кафширнинг маҳалласига келтурди. Дарҳол ғуслу такфинга машғул бўлдилар. Шаҳар ва вилоятнинг мажмуъи хосу омлари Муҳавватаи Мулоёнда Ҳазрати Эшонга намози жаноза ўқудилар ва ҳам ул Муҳавватада дафн этдилар. Ва Ҳазрати Эшоннинг авлоди Бузругворлари ул ерда иморати олиййа бино этдилар. Ва ул Ҳазратнинг қабри муборақларини яхши вазъда этиб, пардоз бердилар.

Асҳобларнинг аиззаларидан баъзилари Ҳазрати Эшоннинг иртиҳол ва интиқол эткон ҳийнларида ҳозир эрканлар ва яна баъзиларким, Хожа Муҳаммад Яҳёдин эшитиб эрдилар, шундоғ нақл этдиларким, вақтиким, ул Ҳазратнинг нафаси муборақлари инқитобга яқин етушди ва ул вақт намози шом била хуфтанин ароси эрди ва ул уйда қўб шамларни ёқиб қўюб эрдилар ва уй бағоят равшан эрди, бу ҳолда мушоҳада этилдиким, Ҳазрати Эшоннинг икки қошларининг ўртасидин бир нур барқи ломий-дек дарахшон бўлди ондоғким, ул нурнинг шуъъи ҳама шамларгаким, ул уйда ёнар эрди, ғалаба этиб, мастур ойлантирди. Ва ҳар кишиким, ул уйда ҳозир эрди, ул нурни мушоҳада этди. Ва ул нурнинг ламаъотидин сўнг Ҳазрати Эшоннинг нафаси муборақлари мунқатиъ бўлди. Альаллоҳу фи иллиййин миналлазийна анъама алайҳим минан-набиййин ва сиддиқийн минаш-

шуҳадои вас-солиҳийн равваллоҳу руҳаҳу аслофиҳи ва таввала умриҳи ахлофиҳи. Бираҳматика ё арҳамар роқимийн <sup>1</sup>.

Рубойи форсий айзан фи таърих ал-итмом (Китобнинг тугаши тарихи ҳақида форсча рубойи)<sup>2</sup>

*Омад «Рашаҳот»и мо касир ул-баракот,*

*Чун оби Хизр мунфажир аз обиҳаёт.*

*Ёбанд муҳосибони санжида сифот,*

*Таърихи тамом аш аз ҳуруфи «Рашаҳот».*

(Баракаларга тўла бўлган бизнинг «Рашаҳот»имиз,

Обиҳаёт булоғидан отилиб чиққан Хизр суви эди.

Ёқимли сифатга эга бўлган ҳисоб қилувчилар,

Унинг ёзилиш тарихини

«Рашаҳот» ҳарфларидан топурақлар.)

*Ҳижрий 909 (мелодий 1503 йил.)*

<sup>1</sup> Аллоҳ таъоло ул зотнинг даражаларини охирада янада баланд қилсин. Албатта, Аллоҳ бу лутфи эҳсонини пайгамбарларга, сиддиқ (ростгўй)ларга, шаҳидларга ва солиҳ зотларга ато қилгандир. Аллоҳ Ҳазрати Эшоннинг дўст-биродарлари, яқинларининг руҳларини шод қилсин ва бу зотнинг ўринбосарларининг умрларини узун, баракотли қилсин.

<sup>2</sup> Али Сафийнинг бу рубойисидан аввал Жомийнинг катта ҳажми марсиялари келтирилган.

**Фахруддин Али Сафий ва унинг  
«Рашаҳот» асари ҳақида**

Тўлиқ исми Фахруддин Али Сафий ибн Камолуддин Хусайн ал-Воиз ал-Кошифий 1463 йил 11 февралда Сабзаворда тугилади, сўнг ота-онаси билан Ҳиротга кўчиб келади.

Али Сафий илк сабоқни замонасининг етук олимларидан бири бўлмиш ўз отаси Воиз Кошифийдан олган. У Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий бошлиқ Ҳирот уламолари билан мулоқотда бўлганини «Латойфу-т-тавойиф» номли асарида баён қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» номли асарида Али Сафий ҳақида қуйидаги мақтов сўзларни ёзади: «Ул бағоят дарвешваш ва фоний ва дардмандшева йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатиға мушарраф бўлур учун борди ва ондоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатиға сарафроз бўлуб, яна Хуросонга келди...»<sup>2</sup>

Али Сафийнинг Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга яқинлиги олимлар ҳамда давлат арбоблари билан осонгина учраша олишига сабаб бўлган. Сафий таҳаллусини ҳам унга Жомий берган экан. Бунинг тафсилоти шундай: Фахруддин Али ўзига Зиё деган таҳаллусни танлайди. Бу ҳақда Жомийга маслаҳат солади. Шунда Жомий: «Сен Зиё таҳаллусингни ўғлимга бер, ўзингга эса Сафий деб таҳаллус қил», дейди. Шундай қилиб, Фахруддин Али ўзига Сафий деб таҳаллус олади. Жомий эса ўғлига Зиёуддин деб от қўяди.

У йигирма ёшидаёқ ўз давридаги мадраса илмларини эгаллаб бўлган эди. Ҳали йигирмага тўлмаган йигитнинг ўзига таҳаллус қўйиб, Жомий хузурига бориши ҳам унинг кучли заковатиға далил бўла олади. Шарқда, одатда, кўпчилик толиби илмлар диний ва дунёвий илмларни эгаллаб бўлганларидан сўнг тариқатга қизиқиб, тасаввуф йўлини ихтиёр қилар эдилар. Айниқса, Ҳиротда ўша

---

1. Воиз Кошифий ўз замонасининг таниқли олими ва нотиги бўлиб, катта шон-шухрат қозонган. Унинг қаламига мансуб «Равзату-ш-шуҳадо» («Шахидлар боғи»), «Ахлоқи Муҳсиний» («Муҳсин ахлоқи»), «Анвори Суҳайлий» («Суҳайл нурлари») ва бошқа асарлари мавжуд. Воиз Кошифий Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби улуг зотлар билан яқин мулоқотда бўлган.

2. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис». Асарлар. Ҷн беш томлик. 12-жилд. 132-бет.

даврдаги нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, Хожа Аҳрорнинг дўсти Мавлоно Саъдуддин Кошғарийнинг таъсири кучли бўлиб, Жомий ҳам шул зотнинг пешқадам муриди эди. Шунинг учун Жомий, Навоий ҳамда бошқа сўфийлар таъсиридан Али Сафий ҳам четда қололмасди. Айниқса, бу даврга келиб, самарқандлик Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Аҳрорнинг (1404-1490.) таъсири бутун Хуросонга ёйилган эди. Ҳатто Жомий бул зот билан учрашиш учун махсус Самарқандга келган эди. Жомий ва Навоий ўз асарларида Хожа Аҳрорга алоҳида боб ва саҳифалар ажратганлар<sup>1</sup>.

Али Сафийнинг кўнглида Хожа Аҳрор билан учрашиш истаги тугён ура бошлайди. Бу ҳақда Жомий билан маслаҳатлашади. Жомий унга: «Сен ёш йигитсан ва Ҳазрати Эшон кўб улуг турурлар. Ҳазрати Эшон бу кунларда толибларга кам парво қилурлар, мабодо ул ерга борсанг тез малул (ғамгин) бўлурсан», дейди. Унинг ўз аҳдидан қайтмаслигини кўрган Жомий Самарқандга боргач, Хожа Аҳрорнинг яқин муриди Мавлоно Қосимга учрашишни маслаҳат беради. Али Сафий Жомийдан бир хат ёзиб беришни илтимос қилади ва қуйидаги хатни олади: «Ниёзмандлик ва шикасталиқ арзидан сўнг, маъруз улким, хизмати Мавлоно Фаҳруддин Аликим, фақирларга нисбат илтифоти хотири кўб турур, остонаи валоят ошёнә мулозим-ларининг заминбўслиқи орзусига таважжуҳ кўргузур. Шак йўқтурким, айни иноят бирла малхуз ва бу амниятнинг идроки била маҳзуз бўлгусидур, давлат ва саодати жовид муҳассал бўлсин, вассалом вал-икром. Ал-фақир Абдурраҳмон Жомий».

Шундай қилиб, Али Сафий 1484 йили Қаршида Хожа Аҳрор билан учрашади ва тўрт ой давомида унинг хизматида бўлади. 1487 йилда яна Самарқандга келиб, саккиз ой унинг ёнида туради. Али Сафий Хожа Аҳрордан эшитган нарсаларини доимо ёзиб борган. Хожа Аҳрор вафотидан сўнг ёзиб олган нарсаларини китобат этишни мақсад қилади. Ўзининг ёзишича, ҳар хил тўсиқлар пайдо бўлиб, охири 1503 йили, яъни Хожа Аҳрор вафотидан 13 йил ўтгач, бу китобни ёзиб тугатади ва уни «Рашаҳоту айн ил-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») деб атайди. «Ажойиб тасодифлардан бири шуки, — деб ёзади муаллиф, — китобнинг номи унинг ёзилиш таърихини (абжад ҳисоби бўйича) ифодалайдиган бўлиб чиқди».

1. Бу ҳақда қисқача маълумот олиш учун қаранг: И. Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. Т., «Фан», 1984.

«Рашаҳот» китоби Хожа Аҳрори Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, бироқ унда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ўтган юзлаб шайхларнинг ҳам қисқача таржимаи ҳоллари берилган.

«Рашаҳот» асосан, муаллиф ўз кўзи билан кўрган ёки ишончли кишилар оғзидан ёзиб олган воқеалардан иборатдир. XV-XVI асрдаги сиёсий ва ижтимоий воқеаларни ёритишда кўплаб олимлар «Рашаҳот»га мурожаат қиладилар. «Ўрта Осиёнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда ас-Сафийнинг, айниқса, «Рашаҳот» асари муҳим ўрин тутди», — деб ёзади Б. Аҳмедов. Асарни ўқиш жараёнида Али Сафийнинг Жомий қаламига мансуб «Нафоҳоту-л-унс», Порсонинг «Фаслу-л-хитоб», Шаҳобуддин ибн Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол», Муҳаммад Қозийининг «Силсилату-л-орифин» ва бошқа китоблардан ҳам фойдаланганини кўрамиз. «Рашаҳот»нинг биз учун қимматли томони шундаки, унда, айниқса, асарнинг учинчи қисмида Мовароуннаҳрнинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг феодал хўжалиги, тамга солиғи, Мовароуннаҳр билан хорижий мамлакатлар ўртасида бўлган савдо-сотиқ алоқалари ва мамлакатда кучайиб кетган феодал кураш ва бунда мусулмон руҳонийлари, хусусан, Хожа Аҳрорнинг муаммоларни ҳал қилишда ижобий роли ҳақидаги маълумот ва хабарлар шулар жумласидандир»<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, «Рашаҳот» Ўрта Осиёда ҳукм сурган тариқатларни, умуман, тасаввуф тарихини ўрганишда, бу ерларда яшаган машҳур олимлар ва шайхларнинг ҳаётини тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Асар муқаддима, уч боб ва хотимадан иборатдир.

Шарқда баъзи китобларнинг мавқеини кўтариш учун номига «шариф» (азиз) сўзини қўшиб айтадилар. Бундай китоблар саноклидир. Масалан, «Нафаҳоти шариф», «Мишкоти шариф», шулар қаторида «Рашаҳот» ҳам «Рашаҳоти шариф» деб аталади. У Хожа Аҳрор ҳақида ёзилган бошқа асарлардан ўзининг муқамаллиги билан ажралиб туради. Шундан бўлса керакки, унинг қўлёзма нусхалари илм аҳллари қўлида кў проқ учрайди.

---

1 Б. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти 1991, 159-бет.

2 Б. Аҳмедов. Юқоридаги асар, 160-бет.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ҳам унинг эллиқдан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда. «Рашахот» 1890, 1897, 1906 йиллари Ҳиндистонда нашр этилган. 1911 йили Тошкентда ҳам чоп этилган. Араб тилига таржима қилинган нусхаси (1852, 1889) ҳамда усмонли турк тилига қилинган таржималари (1888) ҳам нашр этилган. Хоразмда ҳам Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад томонидан 1879 йилда эски ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, бу қўлёзманинг ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Али Сафий «Рашахот»дан ташқари яна бир қанча асарлар ёзган:

1. «Латоиф ут-тавоиф» — унда муаллиф ўзига замондош олиму ориф зотлар, шоирлар ҳаёти билан боғлиқ суҳандонлик ҳозиржавоблик, доноликка доир латифалар, доно фикрлар жамланган. Асар ўзбекчага ҳам таржима қилинган. (Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Латофатнома. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996)

2. «Анийс ул-орифин» — насиҳат, ваъз, оятлар тафсири, ҳадис, қисса ва ҳикоялардан иборат бир асар.

3. «Ҳирз ул-амон мин фитан из-замон» — Қуръони каримнинг ҳарфлари, суралари, оятларининг шифобахшлиги, фойдалари, хос оятлар ва ҳадиси шарифлар ҳақидаги асар.

4. «Асрори Қосимий» — тасаввуф илми ҳақида маълумот берувчи асар. Шунингдек «Фарасномаи Сафий» номли 38 саҳифадан иборат, ҳажаз баҳрида ёзилган бир шеърый асар ҳам Али Сафий қаламига мансуб, дея тахмин қилинади.

1 Ушбу сатрлар муаллифининг (яъни, Маҳмуд Ҳасанийнинг отаси ва устози, Бухородаги Мирараб мадрасасининг хатти иршоди (дипломи)ни олган, араб ва форс тилларининг билимдонни, шоир ва тарихчи олим, ҳозирда марҳум Маҳсум Восиллий (Мулла Ҳасанхон Маҳдум мулла Муҳаммад Иброҳим ўғли)нинг (1900-1979) бой шахсий кутубхонасида «Рашахот»нинг қўлёзма ва босма нусхалари мавжуд эди. Биз Шарқ куллиётининг охириг босқичларида таҳсил олиб юрганимизда мазкур асарнинг босма нусхасини ўқиб юрар эдик. Университетни битириб, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ишлаб юрганимизда институтдаги «Рашахот» нусхалари билан танишмоқчи ва қадимийроқ қўлёзмаси асосида таржимани амалга оширмоқчи бўлдик. Бироқ бу ерда унинг Хоразмда эски ўзбек тилига Домла Худойберган томонидан амалга оширилган таржимаси борлигини кўриб қолдик. Бу ҳозирча ягона нусха эди. таржимон жуда катта куч сарфлаб, асарни етук маҳорат билан ўзбек тилига ағдарган экан. Олдимизда икки йўл бор эди: ё форсидан таржима қилиш ёки ўзбекчасини нашрга тайёрлаш. Агар «Рашахот»ни форсчадан таржима қилиб бостирсак, бу ягона таржима нусха яна қўп йиллар ҳеч кимга маълум бўлмай, парда орқасида қолиб кетиши мумкин эди. Охири унинг таржимасини нашрга тайёрлашга қарор қилдик. Тўғри, уни бирдангина тушуниш қийин. Мана шу қийинчиликни назарда тутиб, китоб охирига дугат ҳам илова қилинди.

Али Сафий 1532 йил Ҳиротда вафот этган ва ўша ерда дафн қилинган.

Ҳурматли китобхон! Биз бу мақолада асарнинг умумий мазмуни ва ундаги Хожа Аҳрор ҳақида келтирилган маълумотлар таҳлилини бермадик. Ўйлаймизки, Сиз асар билан чуқур танишиб, ундаги фикрларга ҳолисона ёндошган ҳолда ўз баҳоингизни берасиз. Чунки Хожа Аҳрор ҳақида шўро мафкура-си ҳукмронлиги йилларида турли хил асосиз фикрлар билдирилди. Қанчадан-қанча бўғтон ва тухмат тошлари отилди. Респуббликамиз озод ва мустақил бўлиб, юртбошимизнинг миллий қадриятларимизни қайта тиклашга берган диққат-этиборларидан сўнг Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Занги Ота, Махдуми Аъзам, Нажмуддин Кубро ва бошқалар қатори Хожа Аҳрори Валийга нисбатан ҳам фикрлар ўзгарди. Буюк инсон, валий, сулҳпарвар, элсевар зотнинг асил қадри-қиммати тикланиб, юртимиз тарихининг улкан бир даврини ҳақиқат ёғдуси ёритди. У туғилиб ўсган Боғистон қишлоғида тўйлари нишонланди. Ул зот ҳақида мақола ва рисоалар чоп қилина бошлади. Жумладан, А. Ўринбоев ва М. Ҳасанийларнинг «Навий замондошлари мактублари» (1990, «Фан») рисоласида, Б. Валихўжаевнинг «Хожа Аҳрор тарихи» (1994, «Ёзувчи») ҳамда З. Қутибоевнинг «Хожа Аҳрори Валий» (1996, «Фан») каби монографияларида, «Буюк сиймолар, алломалар» (Абдулла Қодирий нашриёти, 1996) тўпламларида Хожа Аҳрорнинг ёрқин ҳаёти ва фаолияти кенг ёритилган.

Мана, ниҳоят бу улуг Валий ҳақидаги ажойиб, тўла, мукаммал маълумотларни баён қилувчи «Рашаҳот» асари этиборингизга ҳавола қилинмоқда. Сиз бу асар мутолааси асносида тариқат аҳллариининг ўзларига хос риёзатлари, ихлосу ибодатлари, касбу корлари ҳақида билиб оласиз. Ва шунга амин бўласизки, бизнинг аждодларимиз ҳам дунёвий илмларда, ҳам диний, тасаввуфий илмларда, инсонийлик ва ахлоқу одобда ус-тозлик қилишган. Хожагон тариқи машойихлари (яъни, Нақшбандийя ва Яссавийя тариқатлари пирлари, муридлари) ҳақида батафсил маълумот берувчи мўтабар манбаларни Сиз азиз китобхонларга тақдим этар эканмиз, уни нашрга тайёрлашда хайрихоҳ бўлган, ўз фикр-мулоҳазалари билан далда

берган барча ҳамкасбларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Мазкур нашр Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг 2004 йилда бўлиб ўтадиган тўйига тухфа бўлади, деган умиддамиз.

*Маҳмуд Ҳасаний,  
Баҳриддин Умрзоқ,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик  
институтини ходимлари.*

«Рашаҳот» китобининг қўлингиздаги илк нашрининг дунё юзини кўришига сабабчи бўлган — ташкилотчилик ва ҳомийлик қилган, адабиётимизнинг, санъатимизнинг таниқли вакиллари — Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти совриндори Омон Матжонга ва Ўзбекистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори Шерали Жўраевга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

## **МУЪТАБАР КИТОБ**

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм

Алҳамдулиллоҳ, буюк истиқлолимиз шарофатидан ўзлигимизни англаш саодатига мушарраф бўлдик. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис салому вассаллам, ким ўзлигини таниса роббисини ҳам танийди, деган ҳадиси муборакларига мувофиқ мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ маънавиятимиз сарчашмалари очилиб, тарихимиз, адабиётимиз, динимиз чуқур муҳаббат билан ўрганилиб, халқимизга ҳидоят йўли очилмоқда.

Халқимизни ҳидоят йўлига, маърифат хазинасига ошно қиладиган Фаҳруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» номли тарихий-маърифий асарлари ҳам маънавий ҳаётимизда катта ижобий аҳамиятга эга бўлган муътабар китобдир. Унинг табаррук эканлигини боси улуг зотлар бўлмиш миллатимизнинг фаҳри ҳазрати Навоийнинг, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг пири устозларидан бўлмиш валийюллоҳ Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий раҳматуллоҳи алайҳи ҳаёти муборакларининг баёни эканлигидадир. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳазратлари аввало етук пири комил, валийи барҳақдурлар. Оллоҳнинг дўсти ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг хизматлари аввало, инсонларга парвардигори оламга муҳаббатда бўлмиш илми ўргатиш, ҳидоят сабабларини кўрсатиш, қалбларни ширк, нифоқ каби маразлардан тозалаб мўминни комил даражасига кўтаришдир.

Нақшбандия тариқатининг соф назарий ва амалий таълимоти Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаётларида мукамал ўз ифодасини топганлиги китобнинг энг яхши фазилатидир. Бундан ташқари яна энг муҳим жиҳат Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда тинчлик, осойишталик, маънавият-маърифат тараққиётининг сабабчиси, пири комили эканликлари ушбу китобда ишончли ва таъсирли баён этилган.

Китоб тарихчилар, адабиётшунослар, тилшунослар, уламои икромлар, талабалар учун катта илмий хазина, халқимиз маънавияти одоби ахлоқи учун улуг ҳалядир.

Бу зарур, табаррук китобни халқимиз қўлига етиб боришига хизмат қилган барча мунаввар зотларга Оллоҳнинг баракоти ёғилсин.

**Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**

**Анвар қори Турсунов**

19.07.2003



- алсинаи афвоҳ* — одамларнинг тилларига тушиш  
*алтоф* — лутфлар  
*алтофи илоҳий* — илоҳий лутфлар  
*алфавр* — дарҳол  
*алҳамдулиллаҳи ала золика* — бунинг учун Аллоҳга  
шукрлар бўлсин
- амали солиҳ*— яхши иш  
*амкина*— маконлар  
*амре*— бир иш  
*амри бениҳоят*— чексиз иш  
*амри дигар*— бошқа иш  
*амри иршод*— пирлик иши  
*амри муқаррар* — 1. Муқаррар иш; 2. Текширилган иш  
*амри номарғий*— ёмон иш  
*амри номашруъ* — шариятга ёт иш  
*амру наҳй*— яхши ишга буюриш, ёмон ишдан қайтариш  
*амруд*— но қ  
*амсол*— мисоллар  
*амъои ахшо*— ичак-чавоқ  
*анвор*— нурлар  
*анис*— дўст, ҳамроҳ, овулгучи  
*арбада*— 1. Ҳайқирик; 2. Шовқин-сурон, ваҳимали овоз  
*арбоби қулуб*— авлиёлар  
*арбоби таҳқиқ*— ҳақиқатни текширувчи арбоб  
*арвоҳи инсонийа*— одамларнинг арвоҳлари  
*аррайи дусар*— икки дастали арра  
*асбаъ*— оғир  
*асбоби дунёвий*— дунёвий сабаблар  
*асбоби сайд*— ов асбоблари  
*асвад*— қора  
*асли куллий*— умумий асос  
*асрори ғомиза*— чуқур сирлар  
*асҳоби кибор*— улуғлик соҳиблари  
*асҳоби нуфуси қудсия*— пок нафас асҳоблар  
*атбоида*— тобелигида  
*атбоъ*— тобелар  
*атвор* — табиатлар, феъл-ҳаракатлар  
*атфоллар*— болалар  
*афзил*— фозиллар  
*афсурда*— вайрона

*афвол*— ишлар; феъллар  
*ахасси хосси*— хосларнинг хосроғи  
*ахлоқи раддия*— ёмон хулқ  
*ахто*— хато  
*ашад*— қаттиқ  
*ашколи мухталифа*— ҳар хил кўриниш ва шакллар  
*ашвори маъориф шиъор*— билимларни баён қилувчи шеърлар  
*ашғоли ботиний*— дил машғулоти  
*ашғоли гуногун*— ҳар кунги машғулот  
*аъёни собита*— синалган кишилар  
*аъжубайи замон*— даврнинг ажойиб одами  
*аъмол*— ишлар  
*аъмоли ботинийа*— қалб амаллари  
*аътофи номутаноҳий* — сўнгсиз, тўлиб-тошган баракатлар  
*ақвиё*— кучлилар  
*ақд*— никоҳ  
*ақдам*— муқаддам, пешво  
*ақида*— фикр  
*ақидаи тамом*— тўлиқ эътиқод  
*ақли маъод*— охиратни тушуниш  
*ақойиди фосида* — бузуқ фикр  
*ақсойи олам* — узоқ, чекка ер  
*ақсор* — энг қисқа  
*аҳаққ* — ҳақроқ  
*аҳвол* — ҳоллар  
*аҳком* — ҳукмлар  
*аҳли ҳосид* — ҳасадчилар  
*аҳли зоҳир* — оддий одамлар  
*аҳли ийсор* — нисор аҳли  
*аҳли қубур* — қабрдагилар  
*аҳодис* — ҳадислар

## Б

*баякбор*— бирданига  
*баёз*— оқлик  
*байза*— тухум  
*байъат* — аҳд-паймон  
*байъу широ* — олди-сотди, савдо  
*балдаи маҳзузан акобир* — улуғлар роҳат оладиган шаҳар

*балийя* — кулфатлар  
*бамушобиҳае* — шу даражада  
*бандаи дирам харида* — сотиб олинган кул  
*бани аъмом* — амакиларнинг фарзандлари  
*бар сабили ижмол* — қисқача йўсинда  
*барқи ломӣ* — ўткир чақмоқ  
*баъсат* — (пайғамбар қилиб) юборилиш  
*бақадри кафоф* — кифоя қилгулик, етарлик  
*бақиййат ул-умур* — умрининг қолгани  
*бақоун баъдал фано* — фонийликдан сўнгги боқийлик  
*бахасби маъни* — маъно жиҳатидан  
*бахимий* — ҳайвоний  
*бахри муҳит* — океан  
*бежамъиййати томм* — тўлиқ хотиржамликсиз  
*бежихати куллий* — ҳеч сабабсиз  
*бемасобатан* — тенгсиз  
*бетааммул* — сабрсиз  
*беҳоб* — уйқусиз  
*бидоя* — бошланиш  
*би-л-охира* — охири  
*бил-куллиййа* — бутунлай  
*би-л-хоссия* — хусусият жиҳатидан  
*бинойи кор* — ишнинг асоси  
*бир шоҳруҳий* — пул (бирлиги)  
*бирён* — қовурдоқ  
*биринж* — гуруч  
*биҳил* — гуноҳини кечириш эканига қарамай  
*бовужуди мартуб* — ҳўл мижозли  
*бодияи Ҳижоз* — Ҳижоз саҳроси  
*бози бериб* — алдаб  
*бозу, бозуй* — билак (қўлнинг билак ва тирсак қисми)  
*бойист* — зарур нарса  
*боло* — юқори  
*бор* — юк  
*боргоҳ* — сарой  
*ботиний шуғл* — қалбга доир иш, амал  
*бофанда* — тўкувчи  
*бу хуруфнинг роқими* — бу сўзларнинг ёзувчиси  
*булуғ* — балоғат  
*булуғи шаръий* — шаръий балоғат

бундуқ — ёнғоқ  
 бухлу имсоқ — бахиллик, хасислик  
 бўъд — узоқлик  
 бўъди суварий — ташқи томондан узоқлик  
 бўъди ҳижрон — узоқ айрилиқ

## В

важҳи боқийнинг жамоли — Ҳақ таъоло жамоли  
 важҳи дигар — бошқа йўсин  
 вазорат — вазирлик  
 валодати сониййа — иккинчи туғилиш  
 вараъ — парҳезкорлик  
 варзиш — машқ, такрор  
 васоё — васиятлар  
 васойит — воситалар  
 васота — восита  
 васотат — сабаб, восита  
 ватани маълуф — туғилиб ўсган жой  
 ваъийд — қўрқитувчи (хабарлар, оятлар)  
 визр — гуноҳ  
 возиҳ — очик, равшан  
 волиди Бузругвор — улуғ ота  
 волий — ҳоким  
 ворис — меросхўр  
 восил — етишувчи  
 восил маъаллоҳ — Аллоҳга восил бўлмоқ, етишмоқ  
 вубол — увол  
 вуждон — завқу жазаба  
 вуруд — кириш  
 вусул — етишиш  
 воқеъа — туш  
 воқеъоти касийра — кўп тушлар  
 воқий — юз бериш

## Г

гавчарон — сигир боқувчи, молбоқар  
 ганжойиш — жойланиш, сиғиш  
 гарм — қизғин, иссиқ

*гумном* — камтар, камном  
*гурбаи зинда* — тирик мушук  
*гўш* — қулоқ  
*гўша* — бурчак  
*гўшакорлик* — хилватда ўтириш  
*гўянда* — хонанда

### Д

*давоми зикр* — доимий зикр  
*даражаи шаҳодат* — шаҳидлик даражаси  
*дарбон* — қоровул  
*дард* — оғриқ  
*дарди шикам* — қорин оғриги  
*дарёи муҳит* — океан  
*дарж этмоқ* — жойлаштирмақ  
*даржой* — ўз ўрнига  
*дармондалиқ* — ожизлик  
*даруний* — ички, ботиний  
*дархост* — илтимос  
*дарюза* — тилаш  
*дастбурд* — ғолиб  
*дасти иродат* — муридлик интисоби  
*дастмол* — рўмолча  
*дастмоя* — дастурамал; фойда, кириш  
*дастури собиқ* — аввалги ҳолат  
*даф* — чилдирма  
*дахл* — кириш  
*даъб* — одат  
*дақиқ* — нозик  
*дақиқу-н-назар* — ўткир назарли  
*дақойиқи ажйба* — ажойиб нозик сўзлар  
*дағдаға* — талаб  
*деҳа* — қишлоқ  
*дийдаи басират* — идрок кўзи  
*дил хафақон* — юрак ўйнаши  
*диловиз* — дилга ёқувчи  
*димоғ* — мия  
*додхоҳлик* — адолат талаб қилмоқ  
*доираи сафийра* — нол рақами

*доия* — истак, хоҳиш, орзу  
*доияи қадим* — қадимий истак  
*дойи* — тоға  
*доишиманди модарзод* — туғма олим  
*доишиманди мутаббаҳҳир* — кенг қамровли олим  
*доираи шўмор* — саноқ доираси  
*дор ул-хилофат* — пойтахт  
*дофиъ* — ҳайдовчи  
*доғиййа* — истак, талаб  
*дун ҳиммат* — пастҳиммат  
*дурбор* — дур ёғдирувчи, мажозан, улуг, ажиб  
 маънолардан воқиф бўлмоқ  
*дуру дароз* — узоқ чўзилувчи  
*дўкон паҳлуси* — дўкон олди, ёни  
*дўкуб* — янчиб

## Ё

*ёф* — ариқ

## Ж

*жавор* — атроф  
*жавори қудсда* — Аллоҳ ёнида  
*жавориҳ* — қўл-оёқ  
*жаддиду иймонакум* — иймонларингизни янгилангиз  
*жадовил* — ариқлар  
*жазабаи қавий* — кучли жазба  
*жазоуллоҳу аннан хайран* — Аллоҳ уни яхшиликлар билан  
 мукофотласин  
*жамодат* — жонсиз нарсалар  
*жамоли қаййумият* — Ҳақ таъолонинг жамоли  
*жамъи анбуҳ* — катта жамоат  
*жамъи анфос* — барча нафаслар  
*жамъи касир* — кўпчилик, тумонат одам  
*жамъийиати тамом* — тўлиқ хотиржамлиги  
*жамъе* — бир гуруҳ  
*жараён* — оқиш  
*жарри васиъ* — кенг жар  
*жарри фалак* — осмон тирқиши

*жаррори омода* — шай турувчи жангчи лашқар  
*жасим* — йўғон  
*жимрий* — тентак  
*жозим бўлдилар* — ишондилар  
*жома* — либос, тун  
*жомиъи ҳукми номутаноҳий* — чексиз ҳукмларнинг  
Жамловчиси

*жониб* — томон  
*жонсуз* — жонни ёқадиган  
*жорий* — юрувчи  
*жоруб этиб* — супуруб  
*жувол* — қоп  
*жуз* — қисм  
*жуйбор* — дарё қирғоғи  
*жустужуй* — излаш  
*жустужуй этмаган* — қидирмаган  
*жуъал* — гўнг қўнғиз  
*жуъалнинг маргида ўлсун* — гўнг қўнғизнинг ўлимини топсин  
*жоҳ ва раёсат* — обрў ва мансаб

### **3**

*забт* — йиғиб олиш  
*завқу нишооти тамом* — тўла шодлик ва хуррамлик  
*зажр* — жафо  
*залама*— золимлар  
*зангий шутурлаб*— лаблари қалин ҳабаш  
*зарфи шарбат*— шарбат идиши  
*зери ноф*— киндик ости  
*зиёу оқор*— еру мулк  
*зикри касир*— Аллоҳ таъолони кўб зикр қилиш  
*зикри ом*— омийлар зикри  
*зикри хос* — хос кишилар зикри  
*зимнида*— ичида  
*зиндагонлиқ* — муомала  
*зиндиқ* — динсиз  
*зовия* — гўша  
*зокир* — зикр айтувчи  
*зону* — тизза  
*зодахумаллоҳу шарафан ва караман* — Аллоҳ бу икки шаҳарни  
шариф ва иззатини зиёда қилсин

*зур гиббан таздад хуббан* — кам-кам зиёрат қил, муҳаббат  
кўпроқ ошгади

*зуъафо* — аёллар, заифалар

*зуҳд ва вараъ* — парҳезкорлик

*зуҳул* — унутиш

*зуҳул ва футур* — камчилик, ғафлат

*зуҳур* — юз бериш

*зўр озмойлик* — куч синаш, полвонлик

## И

*иборот ва истиорот* — ибора ва истиоралар

*ибриқ* — кўза

*ибром* — қистов

*ибром этмоқ* — маҳкам турмоқ

*ибтидо, бидоят* — бошланғич

*ибтило* — боғланиш

*ибтиҳоли тамом* — кучли ёлвориш

*иттиҳоди куллий* — ҳамжиҳатлик, умумий бирлик

*иёдат* — ҳол сўраш

*ижмол* — қисқача

*ижозати иршод* — пирликка рухсат

*ижтиноб* — сақланиш

*ижтиҳод* — жидду жаҳд, ҳаракат

*издиҳом* — йиғилиш

*иззати рубубийят* — ғолиб парвардигор

*ийжоб* — вожиб бўлиш

*ийрод* — баён

*иктифо* — кифояланмоқ

*иллати ғоий* — асл мақсад, ғоя

*илми варосат* — меросий илм

*илми ладунний* — илоҳий илм

*илми риёзий* — ҳисоб илми

*илми сийъа* — кенг билиш

*илҳақ* — илова

*имдод* — ёрдам, кўмак

*инжизоби қавий* — кучли тортилиш

*инзиво* — хилват, гўшанишинлик

*инкисори доимий* — доимий синиқлик

*инод* — бош тортиш

- инояти азалий* — илоҳий лутф, ёрдам  
*интиқол* — кетиш, вафот этиш  
*иштишор* — ёйиш  
*иншироҳ* — кенгайиш  
*иншироҳи ботин* — кўнгил ёзилиши, хурсандлик  
*инқизо* — тақозоси  
*ионат* — кўмак  
*ийрод топар* — ёзилур, баён қилинур  
*иродат* — қўл бериш, мурид бўлиш  
*иртибот* — алоқа  
*Исавий ал-машҳад* — Исо кўринишлик  
*исмат* — поклик, маъсумлик  
*исми хос* — махсус исм  
*истеҳсон* — мақтовга, таҳсинга лойиқ  
*истеъжол* — зудлик  
*истидъо* — дуо талаб қилиш, илтимос қилиш  
*истило* — эгаллаш, босиб олиш  
*истимдод* — мадад талаб қилиш  
*истимов* — эшитиш  
*истинжо* — покланиш  
*истифода ва истифоза* — фойда ва файз олиш  
*истифойи ҳазз* — лаззатланиш, баҳра олиш  
*истифсор* — сўраб-суриштириш  
*истиқомат* — шаръий фарз бўлган тоат-ибодатларда барқарор туриш  
*истиғнойи ҳақиқий* — ҳақиқий беҳожатлилик  
*истиғроқ* — фикрга фарқ бўлиш  
*истихҳоқ* — қобилият  
*итлоқ* — тадбиқ  
*итминон* — ишонч  
*итмом* — тугаш  
*иттилоъ* — огоҳлик, хабардорлик  
*иттифоқ қилмоқ* — келишмоқ  
*ифтитоҳи мажлис* — мажлис очилиши  
*иттифоқ* — бирлашиш  
*иф* — ип  
*ифодат маъоб* — файзли, нурли  
*ихтилот этмак* — аралашмоқ  
*изтироб во изтирор* — ташвиш, бетоқатлик  
*ишироқ* — сезиш, хабардор бўлиш

*иштиғол* — машғуллик  
*ишқибозлик* — ўзаро меҳру муҳаббат, дўстлик, биродарлик  
*ишғоли зоҳирий* — ташқи машғуллотлар  
*иқомат* — муқимлик  
*иқтизо* — эҳтиёж  
*иҳё* — 1. Бедорлик. 2. Тирилтирмақ  
*иҳмол ва амҳол* — бефарқ, бепарволик  
*иҳмолу асқол* — кўч-кўлон  
*иҳтижоб* — ҳижоб, пардада бўлиш  
*иҳтимом* — тиришиш, аҳамият бериш, диққат қилиш

## Й

*йамину ясор* — ўнгу чап

## К

*кадхудолик* — уйланиш  
*каж* — эгри  
*кайфияте* — бир ҳолат  
*кайфияти истиғроқ* — фарқ бўлиш ҳолати  
*калимоти қудсийа* — муқаддас сўзлар  
*камин* — пистирма  
*камоли жило* — тўла равшанлик  
*камоли шуғли* — ўта машғуллиги  
*канор* — қирғоқ  
*капанак* — жун чакмон  
*карами амим* — чуқур марҳамат  
*кароҳийат* — ёқимсиз ҳолат  
*карроту маррот* — кўп бор, неча маротаба  
*карсон* — ёғоч коса  
*касиф* — дағал  
*касолат* — дангасалик  
*кашокаш* — чирманиш, тортишиш  
*кашфи ғитов* — парда очилиши  
*кафти поға* — оёқ остига  
*кибори синний* — қарилик ёшида  
*кирпич* — ғишт  
*кифоф* — етарлик миқдори  
*котиби шимол* — чап елкадаги фаришта

*кубаройи мутақаддимин* — ўтмиш улуглари  
*кунж* — чекка, овлоқ ер  
*кўклар* — сабзалар  
*кўтаҳ* — қисқа  
*кўфта* — урилган, эзилган  
*кўшиши* — ҳаракат

**Л**

*лавҳи замир* — кўнгил саҳифаси  
*лавозим* — лозим нарсалар  
*ламъот* — чақин  
*ларзон* — титраган  
*латифаи мудрика* — Худо берган хотира  
*латойифи ғариба* — латиф, ғаройиб сўзлар  
*лағв* — беҳуда сўз  
*лиллоҳ ва филоҳ* — Аллоҳ учун, Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида  
*ло ва наъам* — ҳа ва йўқ  
*ложарам* — ногоҳ, туйқус  
*лойиҳу ҳувайдо* — ошкор  
*лужаи жамъ* — одамлар ичи

**М**

*мабдаи файз* — файз, бараканинг боши  
*маблас* — кийим  
*мабодийи аҳвол* — ҳолнинг боши  
*мабҳаз* — халажой  
*маблас* — баҳс  
*мавзеи муҳиб* — ваҳимали жойлар  
*мавлавият* — хожалик  
*мавлад* — туғилган (ер)  
*мавожид* — мавжуд ҳол  
*мавониъ* — тўсиқлар  
*мавониъи табиат* — табиий тўсиқлар  
*маврис* — пайдо қилувчи  
*мавқуф* — боғлиқ  
*мавҳибат* — ҳадялар  
*мажбул* — туғма, табиий  
*мажзуб* — жазбали ҳолга эга киши

- мажлиси таъзият* — таъзия йиғини  
*мажмаъ* — йиғин  
*мажмуъи муродот ва мақосиди пир* — пирнинг мурод ва мақсадлари  
*мажоли тасарруф* — эғалик қилиш кучи  
*мажорийи файз* — файз, нур йўли  
*мазаммат* — ёмонлаш  
*мазид* — зиёдалик  
*мазиди аҳвол* — ҳолни зиёда қилиш  
*мазмум* — ёмон  
*мазоҳир* — кўринган  
*мазоҳири ашё* — нарсаларнинг кўриниши  
*мазоҳири жамила* — чиройли кўриниш  
*мазоқи сўфия* — сўфийлик завқи  
*мазори фойизу-л-анвор* — нур ёғиб турувчи мазор  
*мазраъ* — экинзор  
*мазҳар* — зоҳир бўлувчи  
*макнат* — бойлик  
*макшуф* — очилган  
*мало* — одамлар ичи  
*малолат* — қийинчилик  
*мамарр* — бирор нарсага эга бўлиш йўли  
*манзар* — хил, шакл  
*манкуҳа* — никоҳдаги хотин  
*манозил ва мароҳис* — манзиллар  
*мангабат* — мақтов, мадҳга лойиқ, гўзал хислат  
*манқул* — нақл қилинган  
*мараз* — касаллик  
*марази ҳасба* — қизамиқ касаллиги  
*марази ахийр* — охирги беморлик  
*марази мавт* — вафот асносидаги беморлик  
*марди маркаб* — отлиқ киши  
*мардуд* — рад қилинган  
*мариз* — касал  
*маркаб* — улов  
*маротиби камол* — камолга етишиш мартабалари  
*мартабаи увло* — биринчи гал  
*мартабайи воҳидият* — ёлғизлик мартабаси  
*маръий* — риоя  
*масбуқ* — собиқ бўлган

*масдуд* — бекилган  
*маскут* — жим бўлган  
*масмуъ* — эшитилган  
*масокин* — бечоралар  
*масруф* — сарфланган  
*масти лаззати табиий* — табиатнинг лаззатларига берилиш  
*масхи ботин* — дилнинг ўзгача бўлиши  
*матбах* — ошхона  
*мафтуҳ* — очиқ  
*мафқуд* — йўқ,  
*мафҳуми* — тушунилувчи  
*машима* — она йўлдоши  
*машойихи вақт* — замона шайхлари  
*машойихи кибор* — улуг шайхлар  
*машом* — димоғ  
*машъуф* — қаттиқ берилган  
*машҳад* — кузатув жойи  
*маъдумий* — йўқолувчи нарса  
*маъзул* — кетказилган  
*маъзун* — изнли  
*маълуфи табиий* — табиатдаги хулқ  
*маъмур* — буюрилган  
*маъорифи ғариба* — ғаройиб илмлар  
*маъоши дунявий* — дунё майшати  
*маъразлиқ* — эътирозли  
*маъсум* — пок  
*маъунати тамом* — тўлиқ кўмак (ёрдам)  
*мақзий* — юзага чиқарувчи  
*мақоми инод* -- қаршилик  
*мақоми талвин* — дил ўзгариши  
*мақоми тамкин* — мустаҳкамланиш  
*мақомоти олиййа* — олий мартабалар  
*мақомоти рафиъа* — олий мартаба ва мақом  
*мақосид* — мақсадлар  
*мақсуди куллий* — тўлиқ мақсад  
*мақтул* — ўлдирилган  
*мақхур* — қаҳрга учраган  
*маҳжублиғ* — парда билан бекилиш  
*маҳжурлиқ* -- айрилиқ, ҳижрон  
*маҳмуд* — яхши

*махмул* — бор ҳисобланган  
*маҳосин* — соқол  
*маҳофил ва мажолис* — ўтириш ва йиғилиш  
*маҳфуз* — омон  
*мезак* — пешоб, сийдик  
*миёну камар* — бел  
*минқор* — тумшуқ  
*мисдоқи* — мисоли  
*мискийат ул-хином* — мушқу-анбар ила хушбўйланган  
*миҳаффа* — тахтиравон  
*мо биҳи ҳадисун-нафс* — нафснинг ҳикояси  
*мо яҳтожу* — керакли нарсалар  
*молиши бермоқ* — ишгаламоқ  
*мониг ва мазоҳим* — тўсиқ ва заҳмат  
*мо ҳазар* — енгил овқат  
*муаййид* — таъкид  
*муаккад* — мустаҳкамланган  
*муарраб* — арабча ёзилиши ёки айтилиши  
*муаттал* — таъхирга ташланган  
*мубаддал* — айланган  
*мубошарат* — суҳбат  
*мубтаҳир* — тенги йўқ  
*мубтадий* — бошловчи, сулук йўлига янги кирган киши  
*мубтадиъ* — бидъат аҳли  
*мувоҳаза этунг* — жазоланг  
*мувозабат* — ҳаракат  
*мувозабат ва мудовамат* — доимий амал қилиш  
*муваҳиб* — илтифот  
*муддати мадид* — узоқ вақт  
*мудрик* — идрок қилувчи  
*мудфан* — дафн бўлган  
*мудхил* — аралашув  
*мужалладий* — муқовасоз  
*мужаммал* — гўзаллашган  
*мужиби жазб ва тасарруф* — ўзига тортиш ва таъсир  
остига олиш сабаби  
*мужовар* — қўшни, ҳамсоя  
*мужоласат* — суҳбатдошлик  
*муза* — маҳси  
*музтариб* — изтиробли

*музмар* — яширин  
*мулоқий* — учровчи  
*Мулотойи Рум* — Рум диёрининг Малатйа шаҳри  
*мултафит* — илтифот қилувчи  
*мулук ва абнойи мулук* — подшоҳ ва шаҳзодалар  
*мулҳақ* — қўшилган  
*мулҳиқ* — етишмоқ, ҳамроҳ бўлмоқ  
*мумидд ва муъовин* — мадаккор ва кўмакчи  
*мутаниъ* — қайтарувчи  
*муназзаҳ* — тоза  
*мунжазб* — мойил, тортилган  
*мунқатиъ* — узилмоқ, ажралмоқ  
*мунозаат* — низо  
*мунтасиб* — мансуб  
*мунфаил ва хижил* — хижолат, уялмоқ  
*муншиъ* — манбаи  
*мунъакс* — аксланган  
*мунъим* — неъмат берувчи, Ҳақ таъоло  
*муосир* — ҳамаср, замондош  
*муохаза* — жазо  
*мураббаъ* — чордана  
*мурдор* — ўлик  
*муроқаб* — мушоҳада ҳоли  
*муроқиб* — қалбни кузатувчи  
*муруъот* — риоя  
*муруъоти адаб* — одобга риоя қилиш  
*муртасим* — истак, хоҳиш  
*муртафиъ* — узоқлашган  
*муртоз* — риёзатга берилган  
*мусаббиб* — сабабларни яратувчи Аллоҳ таъоло  
*мусаллат* — ҳукмрон  
*мусалло* — намозгоҳ  
*мусаммо* — номланган  
*мусаммам* — қарор қилинган  
*мусаннафот* — асарлар  
*мусахҳақ* — аниқ  
*мусоҳабат* — ҳамсуҳбатлик, суҳбатдош  
*мусолиҳ* — сулҳ  
*мусофаҳа ва муонақа* — қўл бериб ва қучоқлашиб кўришини  
*мусофарат* — сафар қилиш

- мусоҳиб* — ҳамсуҳбат  
*мустаҳлак* — ҳалок  
*муставлий* — ғолиб бўлиш  
*мусталаҳ* — истилоҳ  
*мусталиҳ* — тушунарли  
*мустамид* — мадад тиловчи  
*мустақбал* — келажак  
*мустақим ул-ҳол* — шариатни маҳкам тутувчи  
*мустағний* — бой, беҳожат  
*мустағрақ* — ғарқ бўлган  
*мустағфирин* — истиғфор тиловчилар  
*мутааҳҳил* — оилали  
*мутааллиқлар* — яқинлар (оила аъзолари)  
*мутааллим* — алам тортувчи  
*мутааммил* — хаёлга чўмувчи  
*мутаассир* — таъсирли  
*мутаважжих* — юзланган  
*мутаваттини қурб* — яқинлиқ ватани, яхшилик  
*мутадовалоти илмийа* — шаръий илмлар таҳсили  
*мутааммини ибҳом* — шубҳани ўз ичига олган  
*мутакаллим* — гапирувчи  
*муталаввина* — ҳар рангли  
*муталаззиз* — лаззатланувчи  
*мутамаккин* — бир жойда маҳкам турувчи, муқим, барқарор  
*мутаманно* — умид  
*мутаммасил* — гавдаланиш  
*мутанаббих* — ғафлатдан уйғониш  
*мутанаввиъа* — ҳар хил  
*мутанаффир* — қочувчи  
*мутаарриз* — қаршилиқ кўрсатувчи  
*мутафаҳҳис* — текширувчи  
*мутаҳаййир* — ҳайронликда қолган  
*мутаъарриф* — уриниб билувчи  
*мутақоид* — аҳдлашган, аҳд боғлашган  
*мутағаййир* — ўзгарувчи  
*мутаҳҳар* — тоза  
*мутобаъат* — тобе бўлиш  
*мутаъайи улуми расмий* — мадраса илмлари таҳсили  
*мутракиб* — минган  
*мутталиъ* — хабардор

- муттасиф* — сифатланган  
*муфорақатан* — алоҳида, ҳар боб ва саҳифаларда  
*муфид* — фойдали  
*муфлис* — бечора  
*муфорақати суварий* — қайта кўришмаслик  
*муфт* — текин  
*муҳолат* — алоқа  
*муҳолафат* — қаршилик  
*муҳосама* — душманлик  
*мухталит* — аралашиб юрувчи  
*мухтасс* — хос  
*мушавваш* — ғамгин, қўрққан  
*мушоҳид* — кўринувчи  
*мушобиҳ ва мумосил* — ўхшаш ва ҳамшакл  
*муштамил* — ўз ичига олган  
*муъоваза* — алмаштириш  
*муъойин* — аён  
*муқаддам* — азалий  
*муқаддар* — тақдир қилинган  
*муқаййад* — боғлиқ  
*муқаййид* — қайдланган  
*муқовамат* — қаршилик  
*муқотала* — қирғин  
*муқтазиёт* — зарурий нарсалар, талаб қилинган ишлар  
*муқтазиёти табиий* — табиий эҳтиёжлар  
*муқтазоси* — тақозоси  
*муҳаққиқ* — таҳқиқ этувчилар  
*муҳибби бийно* — кўзи очиқ дўст  
*муҳожарат* — узоқда, ҳижронда  
*муҳозир* — тайёр нарса  
*муҳорабаи аъдо* — душман билан жанг  
*муҳосаба* — ўз ҳол ва нафсини назорат қилиш  
*муҳриқ* — ёндирувчи иситма  
*муҳсил* — сурги дори  
*муҳтазз* — насибадор  
*муҳтариз* — сақланувчи  
*мўвжиби такассур* — ҳолдан кетиш сабаби  
*мўврисе тафриқа* — паришонлик сабаби  
*мўътақид* — эътиқодли  
*мўътамид* — ишончли

*мўътасим бихаблиллоҳ* — Аллоҳнинг арқони  
(Қуръони карим)га боғланиш  
*мўвҳибат* — меҳрибонлик  
*мўътасим биллоҳ* — Аллоҳга қаттиқ боғланиш

## Н

*навбати соний* — иккинчи маротаба  
*навму йақза* — уйқу ва бедорлик  
*наводир ул-аҳвол* — нодир ҳоллар  
*навозанда* — созанда  
*назла ва зўком* — тумов  
*назъ* — жон бериш ҳолати  
*насб этмоқ* — тайин қилмоқ  
*нафаснинг хуружи ва духули* — нафаснинг чиқиши ва кириши  
*нафий* — йўқ (қилиш)  
*наъши муборак* — муборак жасад  
*нақл этмоқ* — вафот этмоқ, кўчмоқ  
*наҳв* — тилшунослик  
*наҳиф* — озғин  
*наҳри жорий* — оқар дарё  
*наёбат, наёбат* — ўринбосар  
*ниёз ва ифтиқор* — бечоралик ва ҳожатмандлик  
*ниёзманд* — ялиниб-ёлвориш  
*нисбат* — алоқа  
*нисбати илмийя* — олимлик нисбати  
*нисои орифот* — орифа аёллар  
*нистий* — йўқлик  
*низол* — пойгак  
*ниқор* — душманлик  
*нойираи ғазаб* — ғазаб алангаси  
*номарзий* — нолойиқ  
*номарзо* — ёқимсиз  
*номутаноҳий* — чегарасиз, ниҳоясиз  
*ноший* — келиб чиқувчи  
*ноқил* — нақл қилувчи  
*нури валоят* — авлиёлик нури  
*нусахаи жомиъа* — барча нарсани ўзида жам этган шакл.  
*нуфуси шарира* — ёмон кишилар  
*нуъос* — уйқусираш  
*нуқуши кавнийя* — дунё нақшлари

О

*обканда* — зовур  
*обкандайи улуг* — сув ювган чуқур  
*обрез* — сув қуйувчи  
*обуфт* — оёқ кийими  
*обоу аждод* — ота-боболар  
*овқаламоқ* — уқаламоқ  
*озор ва изо* — азият  
*ойид* — қайтувчи  
*олуда бўлди* — бўялди

С

*сабад* — сават  
*сабақи ботин* — зикри дил  
*саббоғ* — бўёқчи  
*сабзу хуррам* — ям-яшил, хушманзара (жой)  
*сабъий* — йиртқишлар  
*сабқат* — илдамлик  
*садма* — зарба  
*саййид ут-тоифа* — тоифанинг пешвоси  
*сайри мустадир* — доиравий сайр  
*сайри мустатийл* — узун сайр  
*салоҳ* — ислоҳ  
*салотини олам* — дунё подшоҳлари  
*самтур-раъслари* — бошлари, тепалари  
*санад* — ҳужжат  
*сари болин* — болиш, ёстиқ боши  
*сарих* — аниқ  
*сарпўш* — қопқоқ  
*сарфа* — эҳтиёт  
*сатр* — алдов  
*сатри ҳол этмоқ* — ҳолатни яширмақ  
*сатри ихфои яқин* — ўз ҳолатини, маънавий ҳолини билдирмаслик  
*сахт* — қаттиқлик  
*саъб* — огир  
*саъе балиғ* — қаттиқ ҳаракат



*сувари мисолий* — ўхшаш шакллари  
*сувари мисолиййа* — шакл билан кўринишлик  
*суврате* — бирон ҳодиса  
*суврати тафриқа* — паришонлик  
*судда* — тугун  
*судоз* — бош оғриғи  
*сукр* — мастлик  
*сукру суҳв* — мастлик ва хушёрлик  
*сулаҳо* — яхши одамлар  
*сулб* — пушт  
*сулбиййа* — қиз фарзанд  
*сулук добияси* — тариқатга кириш орзуси, ҳаваси  
*суннати муаккада* — таъкидланган, вожибга яқин бўлган суннат  
*сурфа* — йўтал (сулфа)  
*суфаҳо* — нодонлар  
*суфра* — дастурхон  
*суқо ва удул* — ишончли, ростгўй, адолатли инсонлар

### Т

*тааббуд* — бандалик  
*таажаллийи зотий* — Аллоҳ тажаллийиси  
*тааллуқ* — алоқа  
*тааллуқот* — алоқалар  
*тааллуқоти жисмоний* — жисмоний боғлиқлик  
*таарруз* — эътироз  
*таашшуқ* — ошиқлик  
*тааҳхуд* — аҳд қилиш, зиммага олиш, сўз бериш  
*тааҳхуд* — ғамхўрлик  
*тааҳхул* — уйланиш  
*табақаи сиёдат* — саййидлар табақаси  
*табларза* — безгак  
*табх этмак* — овқат қилмоқ, пиширмоқ  
*таважжух* — юзланиш  
*таваққуд* — меҳрибончилик  
*таваққуф этмак* — тўхтамак  
*таваҳхум* — ваҳима  
*тавийлуз зайл* — узун  
*тавьомон* — эгизак

*тавқир* — салобат  
*тажаллиёт* — нур жилвалари  
*тажаллий* — жилваланиш  
*тажарруд* — ёлғизлик  
*тажассус* — текширмоқ  
*тажриди тамом* — тўлиқ ёлғизлик  
*тазаккури мозий* — ўтмишни хотирлаш  
*тазарруъ ва хузуъ* — ёлбориш ва бўйсунуш  
*тазкира* — зикр қилувчи  
*тазойид* — зиёдалашув  
*тайр* — қуш  
*такаллуф ва тааммул* — интилиш  
*такмилу акмал* — комиллик  
*таколифи шаръий* — шариат талаблари  
 (буйруқ ва қайтариқлари)  
*такосул* — бепарволик  
*такя* — болиш  
*такя этиб* — суяниб  
*талаввун* — ўзгариш  
*таламмуз* — дарсхонлик  
*талаф* — йўқ бўлиш, зарар кўриш  
*таломиза* — талабалар  
*тамаккун* — жой  
*тамассук этмак* — маҳкам туриш  
*таматтуоти баҳимий* — ҳайвоний баҳрамандлик  
*тамиз* — бўлиниш  
*тамом* — тўлиқ  
*тамсил* — мисол  
*танаббуҳ* — огоҳлик  
*тангено* — тор жой  
*танфиз* — тозалик  
*тараққий баъд-ал-мавт* — ўлимдан сўнг юксалиш  
*тарашинуҳ* — томчилаш  
*тариқат даъби* — тариқат қоидаси  
*тариқи авлиё* — авлиёлик йўли  
*тариқи жазба* — мажзублик ҳоли  
*тариқи тасарруф* — фикран таъсир қилиш йўли  
*тарки тасҳиҳ* — тузатишни тарк этиш  
*тарки чаро* — ўтлашдан тўхташ  
*тарс* — қўрқув

*тарсон* — қўрққан ҳолда  
*тартиби зоҳир* — ташқи тартиб  
*тасаллут* — ҳукмронлик  
*тасарруф* — ўз измига олиш  
*тасарруфот* — руҳий таъсирлар  
*тасфия* — тозалаш  
*татҳир* — поклаш  
*татвиз* — узайиш  
*тафаҳхус* — тафтиш  
*тафвиз* — топшириш  
*тафосир* — тафсирлар  
*тафриқа* — паришонлик  
*тафсил* — муфасаллик  
*таъаб* — чарчоқ  
*таъвиқ уқдаси* — тўсиқ  
*таъвил* — шарҳ  
*таъжил* — зудлик ила  
*таъжили тамом* — шошилинич  
*таълиф* — ёзиш  
*таъхир* — кечикиш  
*тақвият* — кучлантириш  
*тақдим* — устун  
*тақлили таом* — овқатни озайтириш  
*тақлили таъом ва маном* — оз еб-ичиш ва оз уйқу  
*тақобул* — учрашиш  
*тақриз* — тахмин  
*тақсир* — нуқсон  
*тағаййур* — ўзгариш  
*тағйир* — ўзгартириш  
*таҳаййур* — ҳайронлик  
*таҳаммул* — сабр  
*таҳассур* — ҳасрат  
*таҳқиқот* — текширув  
*таҳсили фано* — фано ҳосил қилиш  
*таҳти* — остида  
*таҳти ихтиёр* — ихтиёр ости  
*тиркаш* — ўқдон  
*тифл* — чақалоқ, гўдак бола  
*тобистон* — ёз  
*торий* — ҳукмнинг ёйилиши

*тори мўйи сафид* — оқ соқол толаси  
*тоун марази* — вабо иллоти  
*то гояте* — шу даражада  
*туброк* — ноғора  
*тулуъ* — юз бериш, чиқиш  
*тулуъи фажр* — тонг отиши, саҳар вақти  
*тунд* — тез  
*туркиййаи хосса* — нуфузли турклар  
*туруқ* — йўллар  
*тўвсийба* — кенглик

## У

*ужра* — ҳақ  
*узв* — аъзо  
*уламоийи муттақий* — парҳезгар олимлар  
*уламоийи раббоний* — фикҳ олимлари  
*улави ҳиммат* — олий ҳимматлик  
*улуми зоҳирий* — ташқи илмлар  
*улуми хосса* — хос илм  
*умури куллиййа* — умумий ишлар  
*умури табиий* — табиий ишлар  
*унф* — куч  
*уқуд* — боғланиш  
*уқули ноқиса* — ақли қисқалар

## Ф

*фавойида кабира* — улуғ фойдалар  
*фавт* — вафот этиш, йўқотиш  
*фавқи* — юқориси  
*фадр* — кўнгил, қалб  
*фазиҳат* — шармандалик  
*фано ва фаноийи фано* — ўзни билмаслик, беҳудлик,  
 ўзини йўқ деб ҳисоблаш, нафсни синдириш  
*фараҳе* — шодлик  
*фард* — тоқ  
*фароҳшоҳ* — сифир  
*фарсах* — йўл ўлчови, бир фарсах 6-7 км  
*фарсуда* — чириган

*фатҳ* — очилиш  
*фатила* — пилта  
*фақру ғино* — камбағаллик ва бойлик  
*фи-л-фавр* — ўша онда  
*фирош* — кўрпа  
*фиқдони* — қўлдан чиқиши  
*фихрист* — мундарижа  
*фосила* — сағр боши, фасл (боб)  
*фоғил* — ҳаракат этувчи  
*фуржа* — эшик  
*фурубасталик* — иш юришмаслиги  
*футамиширу шакар* — ширу шакар номли белбоғ  
*футур* — нуқсон

## Х

*хабосат* — ёмонлик, ифлосликлар  
*хавориқи одот* — кароматлар  
*хавотир* — фикр, кўнгил  
*хайма* — чодир  
*халь этди* — йўқотди  
*хасм* — душман  
*хасойис* — ўзига хослик  
*хат* — чизиқ  
*хатарӣ ўт* — фикр хавфи  
*хатарот* — ҳар хил фикрлар  
*хижил ва мунфағил* — уялмоқлик  
*хизмати* — жаноби, ҳазрати  
*хилоли* — асноси  
*хилоли аҳволда* — сулук асносида  
*хилоли мажлис* — мажлис асносида  
*хирқа* — мато  
*хитба* — ўйламай иш қилиш  
*хоиб* — омадсиз  
*хоколуд* — тупроққа беланган  
*хольӣ ва мубарро* — бўш  
*холисан лаважхил юҳ* — холис Аллоҳ ризоси йўлида  
*хонвода* — оила  
*хонводаи хожাগон* — хожагонлар оиласи  
*хориж* — ташқари

*хорлик ва мазаллат* — пастлик  
*хосир* — зиён кўрган ҳолда  
*хоссангиз* — ўз нарсангиз  
*хост* — хоҳиш  
*хосту бойист* — хоҳиш ва зарурийлик  
*хосу ом* — катта-кичик  
*хотир кашиш* — кўнгил тортиши (истаги)  
*хотираларга ишироқ бўлмоқ* — фикрларни ўқимоқ  
*хубси айн* — кўз қисишмоқ  
*худдом* — ходимлар  
*хук* — тўнғиз  
*хулафо* — ўринбосарлар  
*хушк* — қуруқ  
*хушунат* — қўполлик

#### Ч

*чамон ва бадроҳ* — ёмон юрадиган  
*чиллаи хавотир* — кўнгилдан фикрларни ҳайдаш чилласида  
*чиш* — шиш  
*чошнӣй* — тотиб кўриш  
*чубин* — ёғоч  
*чусту чолок* — эпчиллик  
*чўбнуш* — ёғочдан ёпилган  
*чўлаб* — ўраб

#### Ш

*шабҳи* — қора шарпаси  
*шавоғили кавниййа* — дунё машғулотлари  
*шавқангиз маъориф* — завқ уйғотувчи ҳикматлар  
*шомма* — бир оз  
*шамойил* — фазилат,  
*шаҳсе* — бирор киши  
*шаҳси хабис* — ёмон феъл-атворли киши  
*шақоват* — бадбахтлик  
*шаҳавот* — кўнгил кетган, истаган нарсалар  
*шиор ва дасор* — одат  
*шифта* — мафтун  
*шойибайи каму кайф* — камлик ва қандайлик нуқсонни

*шокир* — шукр қилувчи

*Шоҳбахтхон* — Шайбонийхон

*шоҳиди суварий* — ташқи олам гўзали

*шоҳроҳ* — кагта кўча

*шурб* — ичимлик

*шурби тамом* — тўлиқ ичиш

*шуруъ этишур* — киришилур

*шуғур ва вуқуфи тамом* — тўлиқ ҳушёрлик ва хабардорлик

*шуғл* — иш

*шуҳуди аҳадият* — борлиқ кўриниши

*шуҳуди зотий* — зот мушоҳадаси

### Э

*эрик* — ўрик

*эҳтиёжи балиғ* — қаттиқ эҳтиёт

*эҳтисоб* — ўз нафсини назорат қилиш, ҳисоб-китоб

### Ю

*юбусат* — қуруқлик

*юзору ва ютабарраку биҳи* — зиёрат қилинур ва баракат олинур

### Я

*явман-фаявман* — кундан-кунга

*яқин* — ишонч

*яқиний* — аниқ ишонч

### Қ

*қабзу баст* — сиқилиш ва ёзилиш

*қабил* — хил

*қабо* — тўн

*қибоб* — парда

*қавий* — кучли

*қавий ҳайкал* — йўғон гавдали

*қавий бозу* — кучли қўллик

*қадид* — ғализ

*қазо ва қадар* — тақдир

*қайди иродат* — муридлик

*қайди ҳаёт* — тириклик

*қайди китобат* — ёзувга олиш, ёзиб қўйиш  
*қалб тасқили ва тасфияси* — қалбнинг сайқал топиши  
 ва покланиши

*қалби санубарий* — саноббар баргига ўхшаш юрак

*қарйа* — қишлоқ

*қасабаи маъмур* — обод маскан

*қатъ этмоқ* — босиб ўтмоқ

*қатъ этсалар* — кесиб ажратсалар

*қатъан* — қатъий

*қатъи масофат* — йўл босиш

*қафу* — эшик

*қибола* — ҳужжат

*қиём* — машғуллик

*қийлу қол* — гап

*қоид* — йўл бошловчи

*қоил* — сўзловчи

*қойим* — тик

*қубур* — қабрлар

*қуввайи ваҳима* — ваҳима кучи

*қуввати қоҳира* — кучли қувват

*қуввати шаҳавиййа* — жинсий қувват

*қудватул-муҳаддисин* — муҳаддисларнинг улуги

*қудсий* — муқаддас

*қуйуди башарият* — одамийлик тузоғи

*қулуби майта* — ўлик қалб

*қулубу софия* — тоза қалблар

*қурб дар қурб* — ёнидаги яқинлик

*қурби камол* — мукаммаллик

*қурби маънавий* — маънавий яқинлик

*қурби суварий* — зоҳирий яқинлик

*қутб* — авлиёлар пешвоси

*қуттобул тариқ* — йўлтўсар, қароқчилар

## F

*ғайбат* — ўздан ғойиб бўлиш, беҳудлик

*ғайбат ва суқр* — беҳудлик ва мастлик

*ғайбати кулий* — тўлиқ узоқлик

*ғалаботи аҳвол* — ҳолнинг ғалаба вақти

*ғалаботи жазабот* — жазба зўрлиги, илоҳий файзга ғарқ бўлиш

*ғаллаю рама* — чорваю мол  
*ғараз* — мақсад  
*ғарив этиб* — ҳайқириб  
*ғарра* — аввали, боши  
*ғолибан* — қўпинча  
*ғолиби истиғроқ* — бехудлик, ўзни унутиш  
*ғумузи* — сирлиги  
*ғуруб* — ботиш

### Ҳ

*ҳавзи вофир* — фаровон насиба  
*ҳавлноқ* — қўрқинчли  
*ҳаводиси айём* — замона ҳодисалари  
*ҳавойиж* — керакли нарса  
*ҳадди булуг* — балоғат ёши  
*ҳадиду-л-басар* — ўткир кўзли  
*ҳазор баҳяйи тақия* — мингта қалпоқ жияги  
*ҳаззаи авфар* — кўп насиба  
*ҳамвор* — текис  
*ҳамзону ҳамнишин* — суҳбатдош  
*ҳамл этмоқ* — йўймоқ  
*ҳарз эткучи* — сақловчи  
*ҳарис* — иштиёқманд  
*ҳарис ва мавиль* — оч  
*ҳарос* — қўрқув  
*ҳаросон* — қўрқувда қолган  
*ҳарфу савт* — овоз  
*ҳасбайи қавий* — кучли қизамиқ  
*ҳастий* — борлик (йўқ булмаслик)  
*ҳаир этмоқ* — қиёматда тирилтирмоқ  
*ҳақойиқ* — нозик сўзлар  
*ҳақойиқи ғайбийя* — ғайб ҳақиқатлари  
*Ҳақ субҳонаҳунинг ғинойи зотийси* — Аллоҳнинг зотий  
беҳожатлиги  
*ҳечгуна* — ҳеч қандай  
*ҳибси нафас* — нафасни ичда тутиш  
*ҳижоби зулумоний* — қора парда  
*ҳижоби нуроний* — нуроний парда  
*Ҳижоз* — Арабистоннинг Маккаи Мукаррама ва Мадинаи  
Мунаварра шаҳарлари жойлашган ҳудуд

ҳийни фавти — вафот пайти  
 ҳийтаи ҳисоб — ҳисоб имкони  
 ҳовияи ҳавон ва бодияи идбор — беҳуда машаққат ва зиён  
 ҳозир бўлмоқ — ўзига келмоқ  
 ҳозир маъаллоҳ — Аллоҳ билан ҳозир  
 ҳолати назъ — жон бериш они  
 ҳоло — ҳозир  
 ҳомил — ташувчи  
 ҳомили бори омонат — омонат юкини кўтарувчи  
 ҳофиза садафида — ёдда, хотирада  
 ҳуболаи издивож — никоҳ  
 ҳуболайи ақд — никоҳига олиш  
 ҳувайдо — аниқ  
 ҳуззори мажлис — мажлисла ҳозир бўлганлар  
 ҳузузи руҳоний — руҳоний лаззат  
 ҳузури маъаллоҳ — Аллоҳдан файз олиш  
 ҳукком — ҳокимлар  
 ҳусни занн — чиройли гулон

**МУНДАРИЖА**

<i>Музаффар Хайруллаев. Қимматли манба</i> .....	4
Мақола.....	10
Хожа Юсуф Ҳамадоний.....	11
Хожа Абдуллоҳ Барақий.....	12
Хожа Ҳасан Ондоқий.....	13
Хожа Аҳмад Яссавий.....	14
Мансур Ото.....	15
Абдулмалик Хожа.....	15
Тожи Хожа.....	16
Саъид Ото.....	16
Сулаймон Ото.....	17
Сўфи Муҳаммад Донишманд.....	17
Ҳаким Ото.....	17
Занги Ото.....	18
Узун Ҳасан Ото.....	19
Саййид Ото.....	21
Исмоил Ото.....	22
Исҳоқ Хожа.....	23
Садр Ото ва Бадр Ото.....	24
Аламин Бобо.....	25
Шайх Алишайх.....	25
Мавлуд Шайх.....	25
Камол Шайх.....	25
Ходим Шайх.....	26
Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний.....	28
Хожа Аҳмад Сиддиқ .....	42
Хожа Авлиёйи Кабир .....	43
Хожа Деҳқон Қалтий .....	44
Хожа Заккий Худободий .....	45
Хожа Сукмон.....	45

Хожа Ғариб .....	45
Хожа Авлиёйи Порсо.....	46
Хожа Ҳасан Шоврий .....	46
Хожа Ўқитмон .....	46
Хожа Авлиёйи Ғариб.....	47
Хожа Сулаймон Карминий.....	47
Хожа Муҳаммадшоҳ Бухорий .....	48
Шайх Саъдуддин Ғиждувоний.....	48
Шайх Абу Саъид Бухорий .....	48
Хожа Ориф Ревгарий .....	49
Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий.....	49
Амири Хурди Вобканавий.....	51
Хожа Али Аргундоний.....	51
Хожа Али Ромитаний.....	51
Мин Хавориқи одотиҳи .....	57
Хожа Хисрав .....	59
Хожа Иброҳим.....	60
Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз.....	61
Хожа Муҳаммад Бовардий .....	61
Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий .....	61
Хожа Сўфий Сухорий .....	62
Хожа Маҳмуд Саммосий .....	62
Мавлоно Донишманд Али .....	62
Ҳазрати Саййид Амир Куюл.....	62
Амир Бурҳонуддин .....	64
Амир Ҳамза .....	66
Мавлоно Ҳисомуддин Шошийи Бухорий.....	66
Мавлоно Камолуддин Майдоний.....	68
Амир Бузруг ва Амир Хурд .....	68
Бобошайх Муборак Бухорий.....	68
Амир Шоҳ .....	70
Амир Умар .....	70
Мавлоно Ориф Деггароний.....	71
Мавлоно Амир Ашраф Бухорий.....	73
Амир Ихтиёриддин Деггароний.....	74
Шайх Ёдгор Кунсуруний .....	74
Шайх Жамолиддин Деҳистоний.....	74

Шайх Маҳмуд Халифа .....	74
Амир Калон Воший .....	74
Шайх Шамсуддин Кулол .....	75
Мавлоно Алоуддин Кунсуруний.....	76
Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий .....	76
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд.....	78
Ҳазрати Хожанинг нақллари кайфияти зикрида ва оларнинг вафотлари таърихида .....	80
Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо.....	82
Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо (қуддиса сирруҳу)нинг Хаворики одатлари жумласидин турур.....	86
Ҳазрати Хожа Абу Наср Порсо.....	91
Мавлоно Муҳаммад Фағоназий .....	92
Хожа Мусофир Хоразмий.....	93
Мавлоно Яъқуб Чархий .....	94
Хожа Алоуддин Гиждувоний .....	99
Шайх Сирожуддин Кулол Пирмасий (Бирмасий).....	103
Мавлоно Сайфуддин Манорий .....	105
Хожа Алоуддин Аттор .....	112
Ҳазрати Хожа Алоуддин қаддасаллоҳу таъоло сиррахунинг анфоси шарифа нафойисларидин турур.....	116
Ҳазрати Хожа Алоуддин қуддиса сирруҳунинг вафотлари.....	124
Хожа Ҳасан Аттор .....	127
Хожа Абдуллоҳ Имоми Исфаҳоний.....	131
Шайх Абдураззоқ .....	133
Мавлоно Ҳусомуддин Порсо Балхий.....	134
Мавлоно Абу Саъид .....	135
Шайх Умар Мотуридий .....	138
Мавлоно Аҳмади Маска.....	138
Дарвиш Аҳмад Самарқандий .....	139
Саййид Шариф Журжоний.....	146
Мавлоно Низомуддин Хомуш .....	149
Олорнинг латофатларидин ва сафойи ботинларидин шаммае.....	150
Олорнинг қуввати ботинларининг баъзисининг зикрида турур.....	153

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий .....	160
Мавлоно Саъдуддин қуддиси сиррухунинг фавоиди анфослари жумласидин .....	164
Ҳазрати Мавлоно қуддиси сиррухунинг хавориқу одатлари жумласидин .....	171
Мавлоно Нуруддин Абдурраҳмон ал-Жомий .....	181
Ҳазрати Махдумнинг мабодийи ҳолда таҳсили улумға иштиғол кўргузуб, Фазлу камол аҳлиға ружуъ этгонлари зикри.....	183
Ҳазрати Махдумнинг таҳсили улумдин сўнг уламои русумға тарки ихтилот ва омизиш қилиб, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиси сирруху суҳбатлариға восил бўлгонларининг зикри.....	186
Ҳазрати Махдумнинг ёш замонларидин то ниҳояти корғача машойихи киборға мулоқотларининг зикрида турур.....	189
Ҳазрати Махдумнинг Ҳижоз сафариға таважжуҳ этконлари зикридадур, вақоئےлариким ул сафарда даст берибдур, ийжоз тариқи била баён этилур.....	198
Ҳазрати Махдум қуддиси сиррухунинг анфоси нафийсаларидин мусмуъ бўлгон сўзларининг баёнида .....	205
Ҳазрати Махдум қуддиси сиррухунинг хориқи одатлари зикрида турур.....	210
Ҳазрати Махдумнинг вафотлари тарихи зикрида ва олорнинг шажараи валоятларининг самарасиға иймо ва ишорат этмак.....	218
Мавлоно Абдулғафур вал-ғуфрон .....	221
Анфоси мугабаррикалари жумласидиндурким, масмуъ бўлиб эрди.....	224
Мавлоно Шаҳобуддин Баржандий.....	234
Мавлоно Алоуддин Оғизий.....	237
Ҳазрати Мавлавийнинг Шайх Абдулкабир Яманий қуддиси сиррухуға мулоқот ва мақолотлари зикрида.....	240
Ҳазрати Мавлавий Алоуддиннинг анфоси нафийсалари жумласидин.....	243
Ҳазрати Мавлоно Алоуддиннинг ҳавориқи одатлари зикри.....	250

## ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ

---

Мавлоно Шамсуддин Раважий.....	252
Ҳазрати Шайх Абдулкабир Яманий била суҳбат тутгонлари .....	266
Олорнинг анфоси мутабаррикларининг фойдаларининг жумласидин.....	268
Хавориқи одатларининг жумласидин.....	271
Ҳазрати Мавлоно Раважийнинг дори дунёдин дори бақога интиқол ва иртиқол этканлари зикри ва кайфиййати.....	275
<b>АВВАЛҒИ МАҚСАД (боб).</b>	
Ҳазрати Эшоннинг обову ажлод ва ақраболари ва валодатларининг таърихи зикрида.....	279

### **АВВАЛҒИ ФАСЛ**

Ҳазрати Эшоннинг обову ажлод ва ақраболарининг зикрида.....	279
Хожа Муҳаммад Номий.....	279
Шайх Умар Боғистоний.....	280
Шайх Хованди Тахур.....	282
Хожа Довуд .....	285
Бобойи Обрез .....	286
Шайх Бурҳонуддин Обрез .....	286
Шайх Абу Саъид Обрез.....	288
Шайх Баҳшиш.....	289
Мавлоно Тожуддин Дарғамий .....	290
Мавлоно Муҳаммад Бушоғарий.....	290
Хожа Иброҳим Шоший.....	291
Хожа Имоду-л-Мулк .....	292
Хожа Шаҳобуддин Шоший.....	294
Хожа Муҳаммад Шоший.....	296
Хожа Маҳмуд Шоший .....	296

### **ИККИНЧИ ФАСЛ**

Ҳазрати Эшоннинг валодатлари таърихида бўлгон воқеъотлар зикрида ва шаммае ул Ҳазратнинг ахлоқу атвор ва шамойиллари ва сабо айёмларидаги аҳволларининг баёнида.....	297
Ҳазрати Эшоннинг билдыти ҳолда тажаррудлари ва фақирлиқлари зикрида .....	304
Ҳазрати Эшоннинг гино ва тамаввулларининг ниҳояти камолга еткониинг зикрида турур .....	307

Ҳазрати Эшоннинг хосу оммдин коффаи аномга нисбатан хизматлари ва шафқатларининг зикрида турур .....	310
Ҳазрати Эшоннинг оммаи халойиқга нисбати риояи адаб ва хурматлари зикрида турур .....	312
Ҳазрати Эшоннинг асҳобларга ва сойир дарвишларга нисбатан ийсор ва шафқат ва марҳаматлари зикрида турур.....	313
Ҳазрати Эшоннинг ибтидои сафарлари ва машойихи замонни кўрганлари баёнида турур.....	314
Ҳазрати Эшоннинг Самарқандда ва Хуросонда Ҳазрати Сайид Қосим Табризий қуддиса сирруху билан суҳбат тутгонларининг зикрида турур.....	317
Ҳазрати Эшоннинг Шайх Баҳоуддин Умар суҳбатлариға боргонларининг зикрида турур.....	323
Ҳазрати Эшоннинг хизмати Мавлоно Яъқуби Чархий қуддиса сиррухуға мулоқот этганларининг зикрида.....	326
<b>ИККИЛАНЧИ МАҚСАД</b> .....	328
<b>АВВАЛҒИ ФАСЛ</b> .....	328
<b>ИККИЛАНЧИ ФАСЛ</b>	
Ҳақойиқу дақойиқ ва ҳикоётлар зикрида турурким, машойихи мутаққаддимин ва мутааххирин қаддассаллоху арвоҳаҳумдин нақд этуб эрдилар ва ул эллик икки рашҳа заминида ирод топар.....	340
<b>УЧЛАНЧИ ФАСЛ</b>	
Хос сўзларнинг баёнидаким, Ҳазрати Эшоннинг тилларига ҳар бобдан ўтуб эрди ва мухотабатлариким, ул Ҳазратнинг аҳли бидоят ва аҳли ниҳоятга нисбат суҳбатида содир бўлуб эрди .....	357
<b>УЧЛАНЧИ МАҚСАД</b>	
Баъзи тасарруфоти ажиба ва умури ғарибанинг зикрида батариқи ҳарқи одат Ҳазрати Эшондин зоҳир бўлуб эрди.....	392
<b>АВВАЛҒИ ФАСЛ</b>	
Тасарруфотларининг зикридаким, Ҳазрати Эшон қуввати қоҳира тасаллути била салотин ва ҳуккомга нисбат(ан) ва олардин бошқа аҳли замонга нисбатан ҳам муомала этибдурлар.....	392
Мирзо Султон Абу Саъид Ҳазрати Эшоннинг илтифотлари билан Мирзо Абдуллоҳға ғолиб бўлгонининг қиссаси.....	394

Мирзо Бобурнинг Самарқанд муҳосараси учун келиб, маъюс қолгонининг қиссаси.....	396
Мирзо Султон Маҳмуд Самарқанд муҳосараси учун келиб, мағлуб ва мақхур қойтгонининг қиссаси.....	399
Ҳазрати Эшоннинг бир маъракада уч подшоҳи муҳолифнинг аросига сулҳ этконларининг қиссаси.....	402

**ИККИЛАНЧИ ФАСЛ**

ҳавориқи одотларининг зикридаким, Ҳазрати Эшоннинг авлоди куммаллари ва асҳобларидин бошқа аҳли замондин ва баъзи азизлардин нақл этибдурлар.....	415
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

**УЧЛАНЧИ ФАСЛ**

Ҳазрати Эшоннинг каромотлари ва мақомотларининг зикрида турурким, авлодлари ва куммали асҳоблари ул Ҳазратдан мушоҳада этиб, нақл этибдурларким, ҳар нақлнинг ийродила ноқилнинг ҳам аҳволидин шаммае бар сабили ижмол мазкур бўлур.....	431
Хизмати Хожа Муҳаммад Яҳё.....	436
Мавлоно Саййид Ҳасан .....	444
Мавлоно Қосим .....	446
Мир Абдул Аввал.....	451
Мавлоно Жаъфар.....	454
Мавлоно Бурҳонуддин Хатлоний .....	456
Мавлоно Лутфуллоҳ Хатлоний .....	458
Мавлоно Шайх .....	461
Мавлоно Султон .....	462
Мавлоно Абу Саъид Убаҳий .....	463
Мавлоно Муҳаммад Қози.....	467
Мавлоно Хожа Али Тошкандий .....	471
Шайх Ҳабиб Нажжор Тошкандий .....	472
Мавлоно Нуруддин Тошкандий .....	473
Мавлонозодаи Ўтрорий .....	476
Мавлоно Носируддин Ўтрорий .....	478
Ҳиндухожа Туркистоний .....	480
Мавлоно Исмоил Фаркатий .....	482
Мавлоно Исмоил Қамарий.....	484
Мавлоно Исмоил Шамсий.....	485
Мавлоно Исмоил Солис.....	486

**ХОТИМА.**

Ҳазрати Хожанинг вафотлари таърихи зикрида ва ул Ҳазратнинг дори дунёдин дори охиратга интиқол ва иргиҳол этганларининг кайфиятида турур.....	486
<b>Фахруддин Али Сафий</b> ва унинг «Рашаҳот» асари ҳақида.....	490
<b>Анвар қори Турсунов.</b> Мўътабар китоб.....	496
<b>Луғат</b> .....	497

Фахруддин Али Сафий

**РАШАҲОТ**

**(Оби ҳаёт томчилари)**

Тарихий-маърифий асар

Нашр учун масъул **Омон МАТЖОН**

Тақризчи:

Анвар ҳожи **ТУРСУНОВ**

Муҳаррир *Бахтиёр Омон*

Бадий муҳаррир *Шуҳрат Одилов*

Бадий-техник муҳаррир *Мирвосил Одилов*

Мусахҳиҳ *Муҳаббат Ҳамидова*

Компьютерда терувчи *Лола Соатова*

ИБ №

Босишга руҳсат этилди Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Шартли босма та-  
боги 31,15, 86-2003-рақамли шартнома. Жами 500 нусха. Нархи шартнома  
асосида.

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти,  
700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Фан ва технологиялар маркази босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171 уй.

Буюртма №: 140